ЮСУФ
ТОВАСЛИЙ

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ

РИВОЯТЛАР, ҲИКОЯТЛАР,
ҲИКМАТЛАР

(тўлдирилган нашр)

I

28 | к.1
Т-59 | 2021/51-107
Юсуф Товасли
Дилмаглар
хазинаси
Т., 2015. - 592 б.
225000с

2021/51-107

28

ЮСУФ ТОВАСЛИЙ

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ

РИВОЯТЛАР, ҲИКОЯТЛАР ҲИКМАТЛАР

(тўлдирилган нашр)

I китоб

"Adabiyot uchqunlari"
Тошкент – 2015

821.512.133-
Т 59

УЎК: 811.512.133
КБК: 84(ТИК)7
О-86 ОТАЖОН Урфон.
Ҳикматлар хазинаси *(ривоятлар, ҳикоятлар, ҳикматлар)* 1-китоб. О.Урфон. – Т.: "Adabıyot uchqunları" нашриёти, 2015. – 592 б.

ISBN 978-9943-4394-3-6 **УЎК: 811.512.133**
КБК: 84(ТИК)7

Бадиий сўз устаси таржимон Урфон Отажоннинг ушбу ҳикматли китоби ҳозирги замон ҳикояларидан фарқи шундаки, улар содда сюжетлар асосида, ҳажман кичик бўлса ҳам катта маъно ва таъсир кучига эга. Ушбу китобда Шарқ ҳикоялари, ривоятлари, улардаги панд-насиҳатлар билан боғлиқ инсонпарварлик, юксак хулқи ва ахлоқни ифодаловчи фикрлар, ўткир ва таъсирли воқеага ҳамда ҳодисалар, ўтмишда улуғ кишиларнинг турмушларида юз берган турли ҳаётий лавҳалар баён қилиб ёзилган.

Урфон Отажон Юсуф Товаслийнинг ҳикояларини таржима қилар экан, ундаги инсон хулқ-аҳлоқини тарбиялаш, илмий жиҳатдан изоҳлашга ҳаракат қилади. Ушбу йиғилган ҳикоялар китобхонларга яхши хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Шунингдек, мазкур китоб янги ибратли ҳикоят ва ривоятлар, ҳикматлар билан тўлдирилган.

Сўзбоши муаллифи: **Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,** филология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир: **Алишер НАЗАР**

Тақризчи: **Омонулла МАДАЕВ,** филология фанлари номзоди, доцент

Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: **Урфон ОТАЖОН, Абдумурод ТИЛАВОВ**

2015/66
А 41

ISBN 978-9943-4394-3-6 © "Adabiyot uchqunları" нашриёти, 2015

20 21/57 107 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi
ИСПИЦБОП
N1 32024 Н/1

АНВОЙИ ҲИКОЯЛАР

Яхши ҳикоя жон озиғи. Гўзал бир ҳикояни ўқиш ёки эшитиш, вақти келганда бир қўшиқни тинглаш, узоқ вақт унинг таъсирида бўлиш билан баробар. Ҳозирги замон турк муаллифларидан олим ва адабиётчи Юсуф Товаслий шундай ҳикояларнинг катта бир қисмини тўплаб, 1983 йили чоп эттирди.

Бу ҳикоялар тўплами кенг ўқувчилар оммасига, аввало ҳар бир жамиятнинг суянчиғи бўлган оилага — оталар ва оналарга, болаларга ва қизларга, келинлар ва куёвларга мўлжалланган бўлиб, жамоатчилик томонидан яхши қабул қилинди.

Мазкур ҳикояларнинг ҳозирги замон ҳикояларидан фарқи шундаки, улар содда сюжетлар асосига қурилган, ҳажман кичик бўлса ҳам катта маъно ва таъсир кучига эга. Уларда Шарқ ҳикоячилигининг энг яхши хусусиятлари акс этган бўлиб, панд-насиҳат билан боғлиқ ғоялар, инсонпарварлик, юксак хулқу ахлоқни ифодаловчи фикрлар, ўткир ва таъсирли воқеа ва ҳодисалар, тарихда, улуғ кишиларнинг турмушларида юз берган турли ҳаётий лавҳалар орқали ифодаланган.

Юсуф Товаслий ушбу ҳикояларни китобхонлар диққатига ҳавола этиш билан чекланмай, уларнинг ҳар бирига ўз муносабатини билдиради, илмий жиҳатдан изоҳлашга ҳаракат қилади, уларнинг кундалик турмушимиздаги маъносини чақиб, ўз замондошларининг онгига етказишга, хулқ-ахлоқ, дин, диёнат масалаларини биринчи ўринга олиб чиқишга интилади.

Бу ҳикоялар ташқаридан қараганда соф диний ҳикоялар бўлиб кўринади. Аслида уларда ўтмиш тарихининг, инсон хулқ-ахлоқининг ранг-баранг қирралари нақшланган. Уларни ўқиб, улуғ шахсларнинг олижаноб хатти-ҳаракатларидан, гап-сўзларидан, ўгитларидан завқланасиз, меҳнат қилмай, ялтироқ турмуш кечиришига, динини, имонини ютган, миллий анъаналардан узоқлашган кишилардан эса жирканасиз. Мазкур тўпламдаги «Рост гапиришнинг хосиятлари», «Яхши фарзанд

Ёсин сути билан ўсади», «Қизларини тирик кўмганлар», «Онасининг тилини тишлаб узиб олган фарзанд», «Имом Аъзамнинг отаси...», «Ҳазрат Иброҳим ва номусли келин», «Ўғрилик ва тангри таёғи» кабилар шундай ҳикоялардир.

Бизнинг жамиятимизда ижобий ўзгаришлар бораётган бир даврда бундай ҳикояларнинг тарбиявий аҳамияти айниқса катта.

Ўтмишда мактаб одамларга кўпроқ савод ўргатиш билан шуғулланган эди. Инсон хулқ-ахлоқини тарбиялаш эса олимлар зиммасида, адабиёт елкасида эди. Биз яна ўз қадриятларимизга, анъаналаримизга қайтмоқдамиз. Муҳтарам алломалар, бадиий сўз усталари ўзларининг панд-насиҳатлари, шунга оид ҳикоя ва қиссалари билан кишиларнинг кўнглини овлайдиган, уларни яхши йўлларга соладиган янги замонлар бошланмоқда. Юсуф Товаслий томонидан йиғилган ҳикоялар ўзбек тилига таржима қилинган ҳолда бор ҳикмат ва таровати билан ўзбек китобхонларига ҳам яхши хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Бадиий сўз шайдоси, туркий халқлар адабий меросининг чинакам мухлиси Урфон Отажон Юсуф Товаслийнинг ҳикояларини муҳаббат билан ўзбек тилига таржима қилган. Бу турк ва ўзбек адабиётлари ўртасида алоқаларни тиклаш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. Иншооллоҳ, бу йўлдаги саъй-ҳаракат ўзининг янги самараларини бергай.

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,
Беруний мукофоти совриндори,
филология фанлари доктори,
профессор

ИККИ ДЎСТ ВА УЛАР ЎҒИРЛАГАН БИР ХАЛТА ОЛТИН

(имонсизлик бошга фалокат келтиради)

Икки дўст бир халта олтин билан борар эдилар. Қандай ният билан бормоқдалар, улар ўғрилик йўлидамилар ёки қароқчилик йўлидамилар? Биз ишнинг сўнгини кўрайлик:

Улар олтинни бирор кимса билиб қолмасин, деб қўрқиб тоққа чиқдилар. Маълумки, жиноятчи доимо шубҳада бўлади, пашша учса ҳам чўчийди. Бир-икки кун ўтгандан сўнг овқат тугагач, қуръа ташладилар. Бири шаҳарга бориб овқат олиб келади, бири эса олтинларни беркитиб қўриқлайди. Шаҳарчадан овқат олиб келгани кетган одам қайтар экан, имонсизлигидан бундай деб ўйлайди: бориб бир оз заҳар олайинда, шу овқатга солай, кейин ҳамроҳимга уни берай. У овқатни еб, заҳарланиб ўлсин. Бир халта олтин менга қолсин. Олтинларни бир ерга кўмиб, оз-оздан олиб юрайин.

Олтинларнинг олдида қолган одам бундай деб фикр юритади: шу қоя орқасига ўтириб ҳамроҳим келаётганида бир уриб ўлдирсам олтинларнинг ҳаммаси менга қолади.

Олтинларнинг олдида қолган одам ҳамроҳи келиши билан уни уриб ўлдирди. Сўнгра ўзи ўтириб заҳарли овқатни еди... Бир халта олтин ҳайвонларга қолди.

ҲУКМДОР ВА ОҚ ОТ

Бир ҳукмдорнинг оқ оти бор экан. Ҳукмдор бу отни жуда севар экан. Бир куни у ҳамма амалдор ва аъёнларига:

— Бу отимнинг ўлими хабарини олиб келган одамнинг калласини оламан, эҳтиёт бўлинг, чунки бу оқ отни жуда қадрлайман. Унинг ўлгани тўғрисидаги хабар мени қайғуга солади, — дейди.

Кунлардан бир куни, ҳар нарсанинг охири бўлганидек, оқ отнинг ҳам ажали етди ва ўлди. Ҳукмдорнинг хизматидагилар саросимада қолдилар. Ҳеч ким ҳукмдорга саман отнинг ўлгани ҳақидаги хабарни айтишга ботинолмас эди. Отбоқарларнинг бошлиғи худди ажалини истагандай «мен унга айтаман, чунки айтсам ҳам, айтмасам ҳам бошим кетади», деди. Отбоқар ҳукмдорнинг олдига борди ва:

— Ҳукмдор, сизнинг оқ саман отингиз бор эди-я, — деди.

— Бор, — деди ҳукмдор. Шунда отбоқар:

— Отингиз ётибди, оёқлари чўзилган, кўзлари юмуқ, қорни шишган, ҳеч нафас олмаяпти, — деди.

— Сайисбоши, эй сайисбоши! Оқ саман от ўлди демоқчисан шекилли? — дебди ҳукмдор.

— Ҳукмдорим! Мен бундай демадим, сиз шундай деяпсиз, — дебди отбоқар ва бошини қутқариб қолибди.

ҲАЖЖОЖИ ЗОЛИМ ВА ЗАЙТУН СОТУВЧИ САВДОГАР

Ҳажжожи золим тарихда Ҳяжжож деб қайд этилган. Ҳажжож кўп зулмлар қилган. Бир куни унинг онаси:

— Эй ўғлим, қандай жон берасан? Сен жаҳаннамда қандай ёнасан? Мен она бўлиб қандай чидайман? Одамларни нега бунчалик ноҳақ ўлдираверасан? — деди.

Ҳажжож шунда кўшки айвонига чиқди ва ўтиб кетаётган бир одамни «бу ёққа кел» деб чақирди. Ул одам қўрқиб аста кела бошлади. Қўрққанидан оёғида зўрға турар, қалтирарди. У Ҳажжожнинг олдига чиқиб келди.

Ҳажжож:

— Сен қўрқма. Зулм қилмайман, онамга сўз бердим, ишим бор. Нима иш қиласан? — деб суради.

— Мен зайтун билан савдо қиламан, — деди ул одам.

Ҳажжож:

— Бир туя зайтундан қанча ёғ чиқади, бир қадоқдан қанча, бир тупидан қанча ёғ чиқади, — деб сўради.

Ул одам бирма-бир жавоб берди. Ҳажжож:

— Сен яхши савдогар экансан, ишинг, маслагингнинг нозик жойларини яхши билар экансан. Мусулмонмисан? — деб сўради.

— Ҳа, мусулмонман, — деб жавоб берди ул одам. Ҳажжож:

— Исломнинг нечта шарти бор?

Ул одам:

— Уч, — деди.

— Имоннинг шарти қанча? — сўради Ҳажжож.

— Тўрт, — жавоб берди ул одам. Ҳажжож:

— Ғуслнинг фарзи қанча? — деб сўраганда ул одам:

— Ўн, — деб жавоб берди.

Ҳажжож ул одамдан йигирма тўрт савол сўради. Тўғри жавоб ололмади. Ҳажжож онасига аччиқ гапирди: «Кўряпсанми, онажон, Тангри мени бундай ўзларига зулм этган одамларни тарбиялашга юборган. Мен золим эмасман, асл золим улар. Уч кунлик умри учун бир туп зайтундан қанча ёғ чиқишини билади-ю, инсонлигининг асоси бўлган динини ҳеч билмайди. Бир гўдак биладиган ўттиз икки фарзни билмайди. Абадий ҳаёти учун умрининг бир дақиқасини бермайди».

УСКУДОР ЁНҒИНИ

(имони бор одам ҳар вақт фойдали одамдир)

Машҳур Ускудор ёнғинида бир давлатманд одамнинг қизи узоққа қочиб кетди. Ёнғин бутун маҳаллага тарқалди. Кўпгина уйлар ёниб кул бўлди. Қўрқиб кетганидан уйига борадиган йўлни йўқотиб қўйган қизча нима қилишини билмай довдираб қолди. Ул пайтларда ҳозиргига ўхшаган электр чироқлари йўқ, ҳаммаёқ зиндон каби қоронғу —

зимистон эди. Қизча жомеънинг яқинидаги мадрасалардан бирида шам ёғдусини кўради. Деразадан қараса, бир муллавачча китоб ўқиб, дарс тайёрламоқда. Қизча қаерга борсин? Ҳаммаёқ зимистон. Бу жон қўрқуви. Бундай пайтда «денгизга тушиб кетган, илонга ёпишади» дейдилар. Қиз мулла йигитнинг эшигини тақиллатди. Мулла эшикни очиб:

— Хуш келибсиз! Хизмат? — деди.

Қизча:

— Ёнғиндан қўрқиб уйимизнинг йўлини йўқотиб қўйдим. Бу тун маҳалла ёниб кул бўлди. Ҳозир ҳаммаёқ қоронғу, уйимизни топа олмайман. Марҳамат қилиб, рухсат берсангиз тонг отгунча шу ерда қолсам, — деди.

Мулла:

— Ҳай, ҳай! Бошим осмонга етган бўлур эди. Бемалол дам олинг, бошқа хона бор, — деди.

Ёнғиндан қўрққан қизча ноилож шу ерда ётиб қолди. Мулла йигит дарсини давом эттирди. Фақат лаънати шайтон муллага маслаҳат берди: «Сен нима қилиб ўтирибсан? Йигирма йил мобайнида шундай қиз сенинг ҳузурингга келди, унинг гўзаллигига қара?»

Мулла йигит бир оз иккиланиб, сўнг бармоғини ёниб турган шам ўтига тутди, бармоғи куйди. «Шул бир шам ўтига чидаш бермаяпман, ёрнинг жаҳаннамдай оташига қандай чидайман», деди ўзига-ўзи. То тонггача шундай давом этди. Мулла йигит тонггача шайтон ва ўз нафси билан курашиб чиқди.

— Эй нафсим! Йигирма йиллик кўзим нурини бекор кетказмайман. Мен сен айтган одамлардан эмасман. Қара, бир шам оловига бардош беролмайман, — деб шайтон ва ўзининг баднафси ундовларига кўнмади.

Тонг отгач, қизча уйғониб, ташаккур айтиб уйига кетди. Қизнинг ота-онаси ташвишланиб, кўзёшларини тўкиб, ундан:

— Нима бўлди қизим? Шу пайтгача қаерда қолдинг? — деб сўрадилар ҳаяжон билан.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, отажон, онажон, — деб қизча бўлган воқеани тушунтирди.

Ул одам бориб мулла йигитга ташаккур айтди, унга пул бериб, миннатдорчилигини изҳор этмоқчи бўлганида, у олмади. Мулла йигит:

— Мен ҳеч нарса қилмадим. Мен дарсимни тайёрлаб ўтирган эдим, қизингиз эса бу ерда тонгни кутиб ётди, — деб қизнинг отасини тинчлантирди.

Аммо қизчанинг отаси бу яхшиликка миннатдорчилик билдирмоқчи бўлди:

— Эй, ошиғи мулла! Менга тўғри сўзла. Бармоқларинг нега куйган. Нега ўзингни бунча қийнадинг? Менга тузукроқ тушунтиргин, — деди.

— Афандим, сиз учун мен қилган бирор яхшилик йўқ, нимаики қилган бўлсам, ўзим учун қилдим. Йигирма йилдирки, қишлоғимдан бу ерга илм олишга келганман. Ота-онамни соғинаман. Бу йил ҳужжатимни олиб, ота-онамнинг олдиларига бораман. Йигирма йилдирки, нафсимнинг тарбияси билан шуғулланаман. Нафсимни тарбия қилдим деб ўйлардим. Бугун кўрдимки, тарбия эта олмабман. Нафсимга: «Тарбия олган бўлсанг шам ўтига чидайсанми?» дедим, чидамади. Бармоқларимнинг сарғайгани шундан, — деди мулла йигит. Ул бадавлат одам мулла йигитнинг қўлидан ўпди ва:

— Тушундим, — деди-да, давом этди, — агар рози бўлсанг, мен сенга озгина хизматда бўлсам. Сен шу кундан бошлаб кўшкимнинг азиз меҳмони бўл! Истасанг, фарзанд ўрнида кўрай ин. Қабул қилсанг, қизимни сенга берайин. Менинг қизим ҳам сен каби фазилат ила камолга етган. У яхши фазилатли диндор бир зотга лойиқдир, фазилат намунасидир.

Эй, Ҳаққа интилган! «Ўлимдан сўнг тирилмоқ бор» деган сўзга фазилатли диндор одам ишонади. Дин тарихи инсонийлик тарихи демакдир. Инсоният тарихи қадимий бўлгани каби, дин тарихи ҳам қадимийдир.

Модомики, инсон дунёга келдими, диннинг ҳам дунёга келиши лозим эди. Инсонлар билан баробардин ҳам дунёга келди ва бу ҳол қиёматга қадар давом этади.

Дунёда ҳузур ичида яшашни истаган динига амал қилиши зарур. Ўз фарзандларини ҳам диндор этиб тарбиялаши керак.

Дин Яратганнинг қонуни, амридир. Дунё эса Яратганнинг мулкидир. Бу дунёда рухсат берган нарсаларини қиладиган, ман этганларидан қочадиган итоатли, азиз қулларига ҳузур беради, роҳатга етиштиради.

Динсизлик ҳузурсизликдир. Динсизлик ҳар бир фалокатнинг бошидир. Инсон фарзандини фақатгина дин тарбия эта олади. Динсиз одам ҳирсининг товони йўқ, унда одамга нисбатан номус, шарафдан бир асар йўқ, одам йиртқич хайвонлардан ҳам зарарлидир. Бошқаларнинг номус ва шарафини ҳурмат қилмайди, билмайди. Пайти келиши биланоқ хиёнат қилади. Бошқа одамни йиртқич ҳайвонлар каби пора-пора қилиб ташлайди. Шунинг учун динсиз одам ниҳоятда зарарлидир. Динсизлик бир фалокатдир.

ЎРТА ЁШДАГИ БИР ҲОЖА ТАРБИЯЛАГАН ЁШ АЁЛ

Бир вақтлар Ускудорда истиқомат қилувчи ўрта ёшлардаги бир зот биринчи хотини вафот этгач, ёш аёлга уйланди. Бу зотнинг ахлоқи, гўзал одати, табиатини ҳамма яхши кўрар эди. Бул одам динни яхши биларди. Айни замонда фикри тиниқ, қарашлари қатъий, илм-ирфон соҳиби эди.

Аввалига ёш аёл ҳожасининг феъл-атворини жуда яхши кўрар, унга қўлидан келган барча ҳурмати, илтифотини кўрсатар, ҳожасига нисбатан ўз вазифаларини чиройли бажарарди. Ҳожасига олий даражада ҳурмат изҳор қиларди. Ёш аёл қисқа вақт ичида барча қўшнилари билан танишади, қўшнилар уни, у эса қўшниларни ҳурмат қиларди. Аммо ўша маҳаллада ёмон феълли, ҳасадгўй бир хотин бор эди. Бу ёш аёлнинг ҳожасига нисбатан ҳурмати бўлгани ва ширин турмушлари ул хотиннинг рашкини келтирди. Ёш аёл билан қўшни бўлганларидан бери уни ҳожасига нисбатан итоатсизликка ташвиқ қиларди:

— Қизим, сен жуда ёшсан, гўзалсан, шундай катта ёшдаги кишига турмушга чиққансан. Сен ёш, ўзинг каби чиройли эрга турмушга чиқмабсан, — деб жувоннинг бошини айлантирарди.

Ёш аёл «мен ҳожамдан жуда мамнунман, феъли, ахлоқини севаман» деса ҳам ёмон аёлдан қутула олмайди. Бир кун ул жувон ташвиқотлар таъсириданми, «эримдан ажралишаман» дейди. Ёмон феълли ҳасадгўй аёл:

— Қўлингдаги қимматли ашёларингни аста-секин сотсанг, ҳожангга ёмон кўринасан, унинг сендан кўнгли совийди, — деб кўнглини бузади.

Ёш аёл уйидаги қимматли нарсаларини бир-бир сота бошлайди. Ҳар куни эри оқшомда уйга келганида, бугун қимматли фалон нарсани, эртасига бундай қимматли нарсани сотдим деяверади, ниҳоят уйда ҳеч нарса қолмайди. Аммо хушфеъл, чиройли хулқли, илм-ирфон соҳиби бўлган ул зот хотинига: «жонинг соғ бўлсин, янгисини олармиз», дер эди. Хоним уйида сотиладиган ашё қолмаганидан кейин ҳожатхонадаги ҳар куни фойдаланиладиган, ўттиз йиллик обдастани тошга уриб синдирди. Кечқурун эри келганида, ул аёл:

— Ҳожатхонадаги обдастани тошга уриб синдирдим, парча-парча қилиб ташладим, — деди.

— Ана холос! Бу нимаси! — деб ҳожанинг кўзларига ёш келди.

— Мен сизга ҳайронман, — деди аёл. — Уйдаги шунча қимматли нарсаларни йўқотганимда жаҳлингиз чиқмай «ўзинг соғ бўлсанг бас», деган эдингиз. Энди ҳожатхонадаги оддий кўза синганида кўзингиздан ёш тўкдингиз, нега?

— Хоним, ул кўза ўттиз йилдирки, менинг энг маҳрам ерларимни кўради. Ҳозир янги бир кўза олиб, унга маҳрам ерларимни қандай кўрсатаман? — деб жавоб берди ҳожа ёш аёлига.

Ёш хотин бир онда ғафлатдан уйғонди ва кечирим сўраб эрининг қўлларини ўпди, оёғи остига йиқилди. «Мени авф этинг. Сизнинг амрингиздан ҳеч чиқмайман, сизга нисбатан озгина бўлсада итоатсизлик қилмайман», деб ёлборди.

Изоҳ ва ўгит

Шундай ёмон феълли хотинлар қитмирлиги билан ҳожаларига ҳурматсизлик қилган ва бир жаннатдек оилани жаҳаннамга айлантириб, ҳузурсиз ҳолатта келтирган қанчалаб аёллар мазкур ибрат дарси бўладиган ҳикоятни ўқисалар, ҳузур-ҳаловатга эришсалар, кўнгиллари яхшиликка ошно бўлса, яна нима ҳам дер эдик. «Минг насиҳатдан бир мусибат яхши, у инсоннинг ақли-ҳушини жойига келтиради», деганлар дадаларимиз. Ақлли аёл, Тангрининг унга берган неъмати қадрини, қийматини яхши билган кимсадир. Ҳожасининг ҳурматини ўрнига қўймаган хотин, албатта жазосини топади.

Эй мусулмон қардошим, ҳожангга нисбатан вазифаларингни яхши бажар ва жаннат аҳли бўлиш учун ғайрат кўрсат.

Қани энди, ўз аёлини тарбиялай олган ўша одам қабридан туриб чиқса-да, бизнинг кўп аёлларимизга таълим берса!

ҲАЗРАТ УМАРНИНГ АЁЛИ

Мусулмонларнинг Халифаси Ҳазрат Умар ҳар вақтдаги одатига кўра бир куни кечаси Мадинанинг атрофини айланишга чиқди. Сайр этиб юраркан, шарпа кўрди. Яқинлашди. Бир одам чодир ичига қарар эди. Ҳазрат Умар (р.а.) ул одамдан:

– Бу ерда нима қиляпсан? – деб суради.

– Сайёҳман. Ҳамроҳларим кетишди, мен қолдим, ичкарида ўтирган менинг оиламдир. Ҳомиладор эди, бу ерда тўлғоқ тутиб қолди. Мажбуран тўхтадик. Биз келган карвон йўлида давом этиб кетди, – жавоб берди мусофир.

– Нега бу ерда турибсан, кириб хотинингга ёрдам бермайсанми? – деди Ҳазрат Умар.

– Ёрдам берай десам, менинг бу ишга ақлим етмайди.

– Сен шу ерда тур, мен доя олиб келаман, – деб Ҳазрат Умар шошиб уйига кетди.

Оиласига:

– Ё Умму Гулсум! Тур, сенинг ёрдаминг керак. Агар уруш майдонида жанг бўлса, сени безовта қилмас эдим. Бу иш фақат сенинг қўлингдан келади, – деб уни олиб кетди.

Ҳазрат Умарнинг хотини Умму Гулсум ул хотинга ёрдам берди ва чодир ичидан чақалоқнинг овози эшитилди. Бир оздан кейин Ҳазрат Умарнинг хотини чодирдан чиқди.

Ул ўғил кўрган одам ўзига ким ёрдам берганини тушунди ва «Ё Амирал мўъминин», деди.

– Тонгда ҳузуримга кел. Байтул молдан ёрдам берилади, – деди Ҳазрат Умар.

Бу – исломда тенгликни англатади.

Кимлиги номаълум бир йўлчи учун кечаси кўриб қолиб, хотинини ширин уйқусидан уйғотиб, ким ёрдам беради?

Яна халифанинг хотини, раҳбарнинг хотини. Яна у келиб ўз ёрдамини берса! Шундай инсон борми?

КЕЛИН БЎЛУВЧИ ҚИЗГА БЕРИЛАДИГАН ЎГИТ

Бу ҳикоя жуда машҳур, ибрат дарси берувчи бир диний ҳикоядир. Ақлли қизлар оналари ва келин бўлгувчи қизлар учун ибратли бир ҳикоя.

Бу ҳикоя шундай бир қиз ҳақидаги ҳикоя-ки, унинг отаси қабила бошлиғи, қабиладаги барча одамлар унинг амридадир. Бир раҳбар, аллома отанинг қизи. Онаси эса жуда ақлли, оқила, ҳаётни яхши билган ислом онасидир. У – бошлиқнинг, раҳбарнинг хо тини. Яхши бир оиладан чиққан она.

Бу қиз шундай бир оила қизики, бойлик, мақом, шуҳрат, рутба, мавқе уларда бор. Сиз ҳозир қизига онаси тарафидан берилган ўн ўгитнинг ҳикоясини ўқийсиз. Ёзиш биздан, ўқиб ибрат дарси олиш сиздан, халққа таъсир этиш Жаноби Ҳақдандир.

Машҳур ривоятга кўра, Ҳориснинг қизи Асмо келин бўлиб куёв уйига – ҳожасининг уйига кетадиган кун онаси У мома томонидан унга шундай насиҳат берилган:

«Болажоним, севикли қизим, мени яхшилаб тингла. Насиҳат ҳар кимга лозимдур, ўгит ҳаммага зарурдир. Насиҳат – билмаганга ўргатади, билганнинг эсига солади».

Дин насиҳат билан тик туради. Насиҳат тинглаганлар динни жуда яхши ўрганадилар. Насиҳат тинглаб юрганлар дунёда масъуд ва бахтиёр бўлурлар.

«Севикли қизим! Агар бир қиз она ва отасининг камбағаллиги учун эрга берилиши керак бўлсайди, сен ҳеч замон узатилмаган бўлардинг. Чунки отанг жуда бадавлат, катта шуҳрат, мақом ва эътибор соҳибидир. Сен шундай бир одам қизисан!..

Лекин ҳаёт бошқачадир. Тангри бизларни яратган ва биз учун ҳаёт қонунларини берган. Ҳар бир ёшдаги инсон Тангри берган қонунлар чегарасида ҳаётини ўтказади. У берган қонунга кўра, ҳаётга қадам қўядиган вақти келганда, ҳар бир қиз бир ҳожага, ҳар бир ҳожа бир аёлга муҳтож бўлади. Эркаклар хотинлар учун, хотинлар эса эркаклар учун яратилгандир. Яъни бир хотин бир эркак билан, бир эркак эса бир хотин билан дўст, маҳбуб ва маҳбуба бўлиб оила қурмоқликка муҳтож шаклда яратилгандир. Бу Тангри таоло қонунидир. Бу қонунни ҳеч ким буза олмайди. Бу қиёматга қадар давом этади.

Шу сабабли сен, қизим, туғилиб-усган ва вояга етган уйингдан, яйраб-яшнаб, ўйнаб юрган ерингдан чиқиб ўзинг билмайдиган, нотаниш бир уйга борасан. Шунга қадар ўзинг яхши билмаган инсон уйига, ўз уйинг бўладиган уйга борасан.

Эй менинг жигарпорам, суюкли қизим, кўзимнинг нури, болажоним! Сенга шуларни айтаман. Сен ул зотга (эрингга) шундай хизмат қилки, ул ҳам сенга қул бўлсин! Сен унга ер бўлки, у сенга осмон бўлсин! Сен ҳожанг — эрингга бир уй бўл, ул сенга устун бўлсин!

Севикли қизим! Энди сен мени диққат билан тингла! Сенга баъзи бир мезонларни айтиб ўтаман. Уларга яхши эътибор бергин. Ҳеч улар ёдингдан кўтарилмасин, улардан вақти келганда фойдаланасан.

Бу айтганларимга амал қилсанг, эринг билан гўзал ҳаёт кечирасизлар, масъуд, бахтиёр ва саодатли бўлурсизлар. Бизлар ҳам (ҳар икки оила — бизнинг ҳам, эрингнинг оиласи

ҳам) ҳузур-ҳаловатда бахтиёр бўламиз. Акс ҳолда (яъни айтганларимга амал қилмасанг) иккала оилада ҳам ҳузур-ҳаловат бўлмайди. Сен ўзинг бир жаҳаннамда яшагандай бўласан.

Қизим! Энди сенга айтадиган ўн ўгитимга қулоқ сол! Буларни доимо ёдингда тут:

1. Қаноат соҳибаси бўл. Ўз ҳолингга шукр қил. Яъни эринг уйга нимаики олиб келса, у хоҳ ейдиган, хоҳ киядиган нарса бўлсин, хушфеъллик билан, гўзал одоб билан қабул қилиб ол! Эрингга ташаккур айтиб, хушнудлик кўрсат. Зеро, бахтли ҳаёт кечирмоқнинг бир йўли ўз ҳолига шукр этмоқликдир. Ҳолига шукр этмаган, ўз нафсини тиймаган кишида кўнгил ҳузури, қалб роҳати бўлмайди!

2. Эрингга итоат қил, қил деган ишларини қил, қилма деганини қилма! Яъни эринг билан суҳбатлашганда, мулоқотда бўлганда итоатли бўлишингни, унинг сўзларини одоб билан тинглаб адо этишингни сенинг сўзлашиб, қулоқ солишингдан тушуниб оладиган бўлсин. Шунда Тангри таоло сендан хушнуд ва уйингиз саодат нуридан порлоқ бўлади.

3. Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бер! Яъни, уйнинг ичини, ташқарисини ниҳоятда тоза тут. Шундай қилки, ҳожангнинг кўзига бир чиркин ер кўринмасин.

4. Уст-бошингни тоза тут. Эринг фақат хуш бўйни сезсин, димоғига ёмон ҳид келмасин. Чунки ёмон ҳидлар эринг кўз ўнгида сенинг обрўйингни туширади. Сендан ирганишига сабаб бўлади. Шуни яхши билгилки, тозалик ва зарифлик энг яхши нарсалардир, инсон кўзига хуш кўринишлик шулар биландир.

5. Овқатни вақтида тайёрла. Яъни овқатланиш вақтини ҳеч қачон кечиктирма. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, ўша пайтда овқатингни тайёрлагин. У келиши билан

дарҳол дастурхон сол. Шуни яхши билгинки, очлик инсоннинг тез жаҳлини келтиради.

6. Уйқу вақтини, уйғониш пайтини яхши билиб ол! Яъни, унинг қачон уйқуга ётиш пайти бўлса, ўрнини тайёрлаб қўй. Зеро, уйқусизлик инсонни хафақон этади. Асаблари бузуқ, хафақон одамларнинг эҳтироси муҳаббатини секин-секин сўндиради.

7. Ҳожангнинг моли ва ашёсига жуда эътиборли бўл! Яъни ҳожангнинг мол-дунёсини яхши сақла, ашёларини авайла, муҳофаза қилгин. Чунки унинг мол-дунёси сеникидир. Эрнинг мол-дунёсини исроф этмаслик иш билиш ва қадрига етиш демакдир.

8. Эрингнинг қариндоши ва яқинларига ҳурмат кўрсат! Яъни ҳожангнинг қариндошлари ва яқинларига ҳурмат, ҳожангнинг эътиборини қозонмоқ демакдир. Уларни ҳурмат қилиш ҳожани ҳурмат қилиш демакдир. Бу эса қадр ва эътибор қозонишдир.

9. Эрингнинг сирини бошқаларга айтма! Яъни эрингнинг баъзи сирларини билган вақтингда эҳтиёт бўлиб, уни сақла, бировларга айтиб юрма. Агар айтиб қўйсанг, унинг ғазабини келтириб қўясан, ишончини йўқотасан. Бунда тузаётган оилангиз бузилади.

10. Эрингнинг динга тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил! Яъни ҳожангнинг динга уйғун бўлган буйруқларини бажаришда танбал бўлма. Ҳеч қачон унга нисбатан итоатсиз бир ҳаракат бўлмасин. Агар шундай бир ҳаракат бўлса, сенга кин сақлаб охири душман бўлади. У сенга душманлик йўлини тутса, сен кўп зарар кўрасан ва қўлингдан ҳеч нарса келмайди.

Шуни яхши билиб олгинки, ҳожанг хафа бўлганда сен нашъали, хурсанд бўлишдан, у хурсанд бўлганда сен хафа кўринишдан жуда эҳтиёт бўлгин. Чунки унинг хафа бўлган пайтида сенинг хурсанд кўринишинг, унинг қувончли бўлган

21/51
107

вақтларида сенинг ғамган бўлишинг унга ҳамдард бўлмаслик каби бир қусурни ўртага туширади. Бу эса фаҳмсиз ва тарбияси ёмон одамларга муносиб ишдир.

Бу сен каби юксак бир тарбия кўрган ақлли ва оқила хотинларга муносиб эмас.

Болажоним! Эрингга қанчалик кўп севги ва ҳурмат кўрсатсанг, ўзинг шунчалик муҳаббат ва ҳурматга эришасан. Айтганларини қандай бажарсанг, сўзларини тингласанг, шу даражада муҳаббат ва ҳурматга сазовор бўласан.

Фарзандим! Шуни яхши билгинки, бу ўгитларимни ўрнига қўйиб бажариб, керагичалик амал қилиб, ўзингнинг шахсий истак ва орзуларингга эришишинг учун эринг ҳам ўз истакларига эришиши керакдир. Эринг — ҳожангнинг истакларини ўзингнинг орзу-истакларинг деб билсанг, у ҳолда бу ўгитларимга амал қилган бўласан!»

Изоҳ ва ўгит

Эй. оила уясида Жаннат ҳаётида яшашни истаган аёл қардошлар ва келинчаклар!

Бу ўгитларни (ўн ўгитни) қизига уқтирган исломга мансуб она ушбу мезонларни ҳаёти давомида тажрибадан ўтказган ва оила уясини ушбу қоидалар билан жаннатмакон бўлишини қизига тушунтирган.

Оила, ширин турмуш қуриш ва уни чиройли идора этиш учун ҳар бир оқила аёлга ва турмушга чиқувчи ақлли қизга ушбу ўгитлар сув ва ҳаводек зарурдир.

Қисқасини айтганда, бу ўн ўгит оила қурган ва ёки қурмоқчи бўлган ҳар бир аёлга кераклидир.

Қаноат соҳиби бўлиш ширин турмуш қурмоқчи бўлган ҳар бир оилага лозимдир. Эрга итоатда бўлмоқлик уйида тотув бир хаётда яшашни истаган ҳар бир аёл учун ҳаво ва сувдек зарурдир.

Эрнинг кўзи тушиши мумкин бўлган ерларга яхши эътибор бериш, эрни ўзига меҳр риштаси ила боғлаш демакдир, уйга боғлаш демакдир.

Қанчалаб гўзал чеҳрали, гўзал қоматли ёш аёлларни биласиз-ки, уларни танийсиз-ки, андишасиз ёки танбалликлари учун эрлари тарафидан севилмайдилар ва ардоқланмайдилар.

Бир куни бир дўконда ўтирган эдим. Шу дўконга бир ёш одам келди. Дўконда шундай гап бўлди:

– Ажаб хотинини севмади. Хотини ёш эди, тоза, покиза, гўзал эди. Ундан гўзалини билмайман.

Ул ёш одам гапга қўшилди:

– Ота, мен нима учун ундан қутулдим? Юзи гўзал, ўзи гўзал, аммо аёллиги – хотинлиги йўқ эди. Феъли ёмон эди. Тонгда уйдан чиқиб кетардим. Оқшомда уйга қайтиб келганимда уй тонгда қандай бўлса, шундай турарди. Авф этинг, ётоқхонам ҳам эрталаб қандай бўлса, шундай тураверарди.

Йигит яна анча дардларини айтди. Бу ҳикоядаги учинчи бандни хотирладим.

Демак, ақлли бир онанинг тарбиясини олган қизга уйланмоқ керак. Аёлни тарбияламоқ керак. Оиласи яхши қизларга уйлан моқ керак.

Бадбўй жойларни тозалаш эрнинг қалбини ўзига ром этмоқ демакдир.

Хушбўй ҳид келмайдиган аёл қанча гўзал бўлса ҳам одамни жиркантиради. Оқшомлари эрини доғ дастурхонлар, ёғли либослар билан кутиб олиш ақлли аёлларга тўғри келмайди.

Овқатланиш вақтгини, уйқу вақтини яхши билиш зарур.

Оталаримиз «жон бўғиздан чиқади» дейдилар. Режали оила ҳаёти жаннат ҳаётидир. Аёл эрига, унинг одат ва қизиқишларига боғлиқдир. Унинг вақтини тежаши, фароғатини сақлаши керак.

Ҳожасининг мол-мулкини сақлаш.

Эрининг мол-мулки демак, болаларининг мол-мулки демакдир. Уйда эр мулкини тежамайдиган, сақлашни билмайдиган хотин бул уйнинг бекаси бўлмоғи душвордир. Эрининг мулкини тежаш ва сақлашни ўрганиш ва бу йўлда тўғри, дуруст ҳаракатда бўлиш ҳар бир хотиннинг бахти учун зарурдир.

Эрнинг қариндошларига ҳурмат кўрсатиш.

Бу ақлли аёл учун энг тўғри йўлдир. Ота-боболаримиз «гулни севган тиканини эъзозлайди» дейдилар. Эрининг қариндошларига иззат ва ҳурмат кўрсатишни билмайдигаи аёл хузур ичида яшаш йўлларини билмайдиган аёлдир. Гул севилиб, тикан севилмайдими? Тиканни иззат қилмаган, гул исидан бебаҳра қолади. Эрининг қариндошлари, яқинларига ҳурмат кўрсатишни билмаган ақлсиз аёл ҳожасининг кўнглини ололмайди, ҳожасининг меҳрини қозона олмайди. У эрининг нафратига учрайди, муҳаббатини сундиради. Ҳожасининг ақраболарига ҳурмат-иззат кўрсатмаган хотин ҳамма вақт унинг кўзига хунук кўринади. Бу то оиланинг бузилишигача давом этади.

Эрнинг сирини ўзгаларга ошкор этмаслик.

Эрининг баъзи сирларини билиб олиб, уларни сақлай олмаган, тўғриси, хотин дейишга лойиқ эмасдир. Эр сирини қалбининг энг тубида тутишни билган ақлли хотинлар ўз оилаларида ҳузур ва роҳатда яшайдилар. Эрининг сирини ичида сақлай олмаган аёл ландавур, бадбахт хотиндир, у эр нафратига учраб, хунук кўринади, оилада барака бўлмайди. Эътимод бўлмаган оилада ахлоқ ҳам бўлмайди. Ўгитнинг бу моддаси ҳам шунинг учун ҳар бир аёл учун зарурдир.

Эрининг динга хилоф бўлмаган барча амрларини бажариш.

Эр сўзига кулоқ солмаган хотинлар жаҳаннамга ўтин бўладилар. Агар хотиндан эр мамнун бўлса, у хотин жаннатга киради дегани бўлади. Жаннатга кирадиган хотинлар эр сўзига қулоқ солувчи, эрининг динга уйғун амрларини бажарадиган хотинлардир. Эрининг юзига жаҳл ила тик

қараб, сўзига қулоқ солмайдиган хотинлар учун жаҳаннам доимо бор бўлсин.

Зотан бундай бадбахт аёллар борлигидан оила уясининг жаҳаннамдан фарқи бўлмайди. Бундай феълли аёллар билан яшаш, бу дунёда жаҳаннам ҳаётини ўтиш билан тенгдир. Ота-боболаримиз «Эрини суймаган хотинни эшигингда тутма», деганлар.

Шунинг учун ҳар бир оқила она, қизини узатар экан ёки бўйи етган пайтидан шунга ўхшаш нарсаларни ўргатиши керак. Бу унинг оқила хотин эканлигидан далолат беради.

Боболаримиз: «Онасини кўр, қизини ол!», деганлар...

Ҳар бир она қизига ўрнак бўлиши шарт!

Сен авлодингга тарбия бериб етиштир-да, Тангрига топшир.

Қўлингиздаги бу китобда сизларга йўлингизни ёритувчи чироқ тутадиган ҳикоялар мавжуддир. Ниятимиз сизларга фойда етказишдир. Ислом оиласининг энг буюк устуни бўлган оналарга ва оналикка номзод аёлларга, фароғатли оилаларда яшар эканлар, бизнинг кичик насиҳатимиз фойда берган бўлса, ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз.

Ушбу ўгитларимизни ўзингиз ўқиб тушунинг ва дўстларингиз, қариндошларингизга тавсия этинг. Улар ҳам ўқисинлар. Бу эса сиз учун савобдир.

ПАЙҒАМБАРИМИЗ (С.А.В.)НИНГ АМРЛАРИГА РОЗИ БЎЛГАН АҚЛЛИ ҚИЗ

Ҳазрат Анас (р.а.)нинг ривоят қилишларига кўра, бир одам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб шундай деди:

– Ё Расулуллоҳ! Теримнинг ва юзимнинг қоралиги, хунуклигим Жаннатга киришимга монелик қилмайдими?

Ул одамнинг бу саволига севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай жавоб бердилар:

– Терингнинг қора бўлиши Жаннатга кириш учун тўсиқ бўлмайди. Сен бу сўзинг билан Яратганга ҳеч ишонмаслигингни маълум қилдинг.

– Сени Пайғамбар қилган Буюк Тангрига саккиз ой сиддиқ ва қалбдан айтиб, имон келтирганман, – деди ул одам.

Ул одамнинг бундай жавобини эшитиб Пайғамбаримиз (са.в.):

– Амр бин Ваҳоб бугун бу ерга келдими? Ҳозир шу ердами? – деб сўрадилар.

Севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўраган Амр ибн Ваҳоб Сакиф қабиласидан зди. Эндигина мусулмон бўлганди. Шу ерда ҳозир бўлган Асҳоб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га:

– Бу ерда йўқ, бугун келмади, – дедилар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу сафар сиёҳ юзли одамдан сўрадилар:

– Амр бин Ваҳобнинг уйини биласанми?

– Биламан, ё Расулуллоҳ!

– Амр бин Ваҳобнинг уйига бор. Эшигини тақиллат. Салом бер. Сени ичкарига таклиф этганидан сўнг бундай дегин: «Расулуллоҳ қизингизни менга хотинликка берди».

Амр ибн Ваҳобнинг жуда севимли ва ақлли қизи бор эди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг сўзлари билан бу ўсмир йигит у ерга кетди. Эшикни қоқди. Салом бериб, ичкарига кирди. Бу одамнинг жуда қоралиги қизнинг юрагини сиқди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юборган йигит қизнинг отасига:

– Расулуллоҳ қизингизни менга хотин қилиб берди, – деди. Қизнинг отаси буни қабул этмади. Қўпол ва қаттиқ сўзлар билан йигитни ҳайдади.

Қора юзли одам у ердан чиқиб, тўғри Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдига кетди. Ул одам

уйларидан чиқиб кетгандан сўнг, Амр бин Ваҳобнинг оқила қизи отасига бундай деди:

— Севикли отажон! Сенга ёмонликдан қутулиш йўли очилди. Агар шу ишни бажо этмасанг, қутулиш йўли йўқ бўлади. Агар Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мени ул одамга хотинликка берган бўлса, мен уни қабул этдим. Ул қора юзли одам билан оила қураман.

Қизнинг отаси шу заҳоти уйдан чиқиб Расулуллоҳнинг олдига келди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га яқин бир ерга ўтирди. Расули Акрам ул одамни кўриб:

— Амр бин Ваҳоб, Яратганнинг Расулининг амрини рад этган сенмисан? — деди.

— Хато қилдим, ё Расулуллоҳ! Аммо Яратгандан менинг гуноҳларимни кечиришини, авф этишини тилайман, тавба қилдим. Бир фурсат ул одам ёлғон гапирмоқда деб ўйладим. Қизимизни унга хотинликка берамиз.

Расулуллоҳ тўрт юз дирҳамга никоҳ қилди, сўнгра шундай деди:

— Энди бу ердан кет, аёлнинг ёнига бор.

Куёв бўлгучи йигит:

— Ё Расулуллоҳ, чўнтагимда бир чақам йўқ, қариндошуруғимдан бир оз пул сўрашим керак, — деди.

Севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

— Сен Ҳазрат Усмон, Абдураҳмон бин Аффон ва Али ҳузурларига бор, улар эҳтиёжингга яраша пул берсинлар, — деди.

Куёв бўлмиш бу зот пулни олиб бозорга кетди. Аёлига зарур бўлган эҳтиёжларни олди ва севина-севина уйига кетди.

Кейинчалик бу йигит жангда шаҳид бўлди.

Бу йигитнинг исми Саъд эди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Саъд шаҳид бўлди, дедилар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг ёнига келди. Муборак бошини шаҳиднинг кўксига қўйди. Юзидаги тупроқларни этаги билан артди ва шундай деди:

– Саъд, сендан қандай хушбўй ҳид анқимоқда! Сени омонатингни топширдим.

Шундан сўнг Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) йиғлади, кейин кулди. Саҳобалар:

– Ё Расулуллоҳ! Нега аввал йиғлаб, кейин кулдингиз? – деб сўрадилар.

– Саъдни жуда яхши кўрганим учун йиғладим. Унинг юксак даражасини кўриб, севиниб кулдим. Саъднинг қурол-аслаҳасини, отини ва ашёларини оиласига беринг ва «Саъд Яратганнинг ҳузурида энг юксак даражага эришди», деб айтинг.

Изоҳ ва ўгит

«Эй, ёш қизларимиз! Имонли, иффатли авлодларимиз! Бу ҳикоятда жуда ибратли дарс бор. Ундаги қизнинг ақлини зўрлигига эътибор беринг, у тажрибали отаси ту шунмаган яхшиликни, хайрли ишларни тушуна билди ва отасига шундай маслаҳат берди:

– Отажон! Ваҳий сизни разил ишлардан. шарафингизнинг тушишидан бир қутулиш йўлини кўрсатди. Агар Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тарафидан сизни ерга урувчи, шарманда этувчи бир ваҳий юборилганда, сиз учун ҳеч бир қутулиш йўли бўлмас эди.

Агар Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мени у одамга хотинликка бераркан, мен қабул этаман. У қора тан одамга оила бўлиб бораман.

Ақлли инсон шундай бўлади, соҳибини жаннатга олиб боради. Бу қиздаги ақл жуда маъқул, тўғри ақл. Ёши улуғ отаси тушунмаган нарсани тушунадиган ақл.

Агар бу қиз ақлли бўлмаганида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ул йигитни қизнинг отаси ҳузурига юбормаган бўлар эди. Чунки ул йигит ҳам жуда ақлли, маъқул йигит эди. Бу йигит урушда шаҳид бўлганида Пайғамбаримиз

(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) йиғлаган эди ва муборак бошини бу шаҳиднинг кўксига қўйиб: «Саъд сендан нақадар хушбўй ҳид келмоқда...» деган эди.

Демак, бу қора тан йигитнинг имон ва ахлоқ йўлидан бориши шунчалик буюк эдики, Расулуллоҳ у ақлли ва номусли қизчани бу йигитга лойиқ кўрган.

Бу ҳикояда буюк сўз, ҳикмат йўллари бор. Ақлли қизлар, бу ҳикматга қулоқ солиш яхшилигини билган қизлардир. Ибрат олинг, бу хикоядаги қиз: «Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг амридир, бунда бир хайр бор, буюк бир яхшилик бор. Гарчи одамнинг юзи қора, яъни одам у қадар гўзал бўлмаса ҳам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни яхши деб билди. Мени унга лозим кўрибди. Мен ҳам розиман», деди.

Бу назокатни, яхшиликни отаси тушунмади. Аввал йигитни тушунмай, билмай уйидан ҳайдади. Қизнинг оқилалигини қарангки. отасига: «Бориб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан узр сўранг», деди. Бундан буюк ақл бўладими?..

АҚЛЛИ ХОТИНЛАР ЭРЛАР БАХТИ

Бир одам жуда ақлли ва одобли, ислом тарбиясини олган қизга уйланди. Ул одам аёлидан жуда мамнун, уйларида ғалва, ғавғо йўқ.

Бу йигит бир кун дўстларининг ҳузурига борди. У ахлоқсиз одамларнинг хотинларини «ундай урдим, бундай урдим», деб мақтанганларини эшитди. Йигит ҳайрат билан улардан сўради:

– Нега хотинларингизни урасиз? Ҳеч гуноҳи йўқ хотинни уриб бўладими? Дўстлар:

– Дунёда бундан осон нарса йўқ. Уйга бир қадоқ қийма гўшт олиб келасан. Қиймали суюқ овқат тайёрлаб келса,

бошқа овқат ейишни хоҳлайман, дейсан, деб ақл ўргатибдилар.

Йиғит эртасига кечқурун уйига келиб дастурхон олдига ўтирди. Хоними қийма солиб тайёрланган шўрва олиб келди. Ул хотинига жеркиб:

– Мен картошка билан қийма ейишни хоҳлайман, – деди. – Қийма ҳам бор, – деди аёли.

– Мен ток баргига ўралган кийма хоҳлардим.

– У ҳам бор.

Ҳожасининг одатларини жуда яхши биладиган одобли хотин эри хуш кўрадиган барча нарсани қўлидан келганча ҳаракат қилиб тайёрлаган ва унинг кўнглини олган.

Йигит эртасига яна дўстлари олдига чиқди. Улар дарҳол қизиқиб сўрадилар:

– Нима бўлди? Хотинингни калтакладингми? Йигит бўлган воқеани айтган экан, дўстлари:

– Сен бахтли экансан, хотининг ақлли, чаққон аёл экан, – дебдилар.

Изоҳ ва ўгит

Албатта, аёллар ақлларини ҳожаларининг қалбини қозониш, кўнгилларини олиш, севги ва меҳрига эришмоқ учун Қуллашлари зарурдир. Ислом ахлоқи билан тарбияланган аёллар Яратганни мамнун этмоқ учун ҳожаларини мамнун этмоқликлари кераклигини биладилар.

Эрини мамнун этмаган хотиннинг ё ақли оз ёки фаҳми етарли эмасдир. Диний мезонлар ила ҳаракат қилиш, Яратган, Пайғамбар ва ҳожаларини мамнун этиш, уларнинг севгисини қозониш ақлли хотинлар учун қийин иш эмасдир. Хотин эрининг қадрини билолса, унинг ҳурмати баландлигини англай олса, шу етарлидир.

Хотинларига ҳақсиз азият етказган эрлар эса жаҳаннамдаги азобли, оташли ерларга тушсинлар, хотиннинг эрга хизмат

қилиши диний бир вазифа бўлгани каби, эрнинг хотин ҳаққини адо этиши ҳам Яратганнинг бир амридир. Яратган амрлари доирасида ҳожасига хизмат қилган жаннати хотинлар дўстларга муборак бўлсин! Бу амрларга эришган хотинларига яхшилик қилган, уларнинг меҳр ва муҳаббатини қозонганлар қандай бахтлидирлар.

Турли баҳоналар билан уйдаги хотинига азият етказадиган, бегуноҳ хотинини — болаларининг онаси, уйини сариштa этувчини қийнаган, мол-мулкини эҳтиётловчига қўл кўтарган, азоб берадиган, дин, имонни билмаган жоҳил эрлар учун жаҳаннам доим бор бўлсин, дегиси келади одамнинг. Имонли, ахлоқли, яхши феъл-атворли, ақлли мусулмон ҳеч бир гуноҳи йўқ, ҳатто баъзи майда-чуйда, арзимас хатолар учун ҳам хотинига қўл кўтармайди. Бегуноҳ аёлларга қўл кўтариш мусулмонликка ҳам, инсонликка ҳам сиғмайди.

ҲАЗРАТ УМАРГА ХОТИНИДАН ШИКОЯТ ҚИЛГАНИ КЕЛГАН ОДАМ

Ҳазрат Умарнинг Халифалиги даврида бир одам шаддод хотинининг турли жанжаллари, бақириб-чақирувларидан шикоят қилгани келди.

Ул одам Ҳазрат Умарнинг эшиги олдига келганида қулоғига бир хотиннинг қаттиқ овози келди. Бир оз тараддудда қолди, қулоқларига ишонмади. Ишонмади, қандай ҳам ишонади! Ҳазрат Умарнинг аёли Умму Гулсум ҳожаси — эри Ҳазрат Умарга бақириб чақирмоқда. Ҳазрат Умар эса ҳеч овозини чиқармас эди.

Хотинидан шикоятга келган одам ўз-ўзига шундай деди:

— Мен хотиним берган ҳузурсизликдан, хотинимнинг ёмон феълидан, менга бақириб-чақиришидан халифага шикоятга келган эдим, токи ҳузур топайин, уйимдаги жанжалдан қутулайин деб. Бу қандай тақдирки, менинг бошимдаги ғам

халифанинг ҳам бошида бор экан. Яхшиси у ердан кета қолай, деди.

Ул одам қайтиб кетар экан, Ҳазрат Умар уни кўриб қолди ва:

— Нега келган эдинг, нега кетяпсан, — деди.

— Сизга хотинимдан шикоятга келган эдим. Айни бало, айни дард сизнинг ҳам бошингизда борлигини кўриб шикоятдан воз кечдим. Шунинг учун кетаётган эдим, — деб жавоб берди ул одам.

Бунинг узрига Ҳазрат Умар ул одамга бундай насиҳат қилди:

— Менга яхшилаб қулоқ сол! Оиламнинг менда баъзи ҳақлари бордир. Менга қилган хизматлари сабабли мендан бу ҳақларининг қадрини билишимни истайди. Сабр-қаноат билан қилган хизматлари ва ҳақлари ушбудир:

1. Хотиним жаҳаннам оташи билан менинг орамда бир пардадир. Кўнглим у билан роҳат топади. Ҳаромга боқмайман (яъни, у менга хотинлик вазифасини бажаради).

2. У мен учун уйимнинг бир муҳофизидир (қўриқловчиси, муҳофаза этувчисидир). Мен уйимдан чиқсам, у уйимда молмулкимни сақлайди, уйимнинг бекаси бўлиб қолади.

3. Кийимларимни ювиб тозалайди. Уйимнинг бошқа юмушларини бажаради. Уйимнинг тозалигини, болаларимнинг покизалигини сабр-қаноат билан таъминлайди.

4. Болаларимни тарбиялайди. Уларга едириб-ичиради, кийдириб ясантиради.

5. У менинг овқатимни пишириб, олдимга қўяди. Шунча хизматларни ўрнига қўйиб бажариб миннат қилмайди.

Ҳазрат Умардан бу насиҳатларни эшитгандан кейин хотини устидан шикоят қилгани келган одам:

— Сенга қилинадиган бу хизматлар менга ҳам қилинади. Сен хуш кўриб унинг баъзи қусурлари, камчилигини кечирганингдан кейин мен ҳам хотиним қусурларини кечираман, — деди.

Изоҳ ва ўгит

Эй, уйида ҳузур истаган инсон!

Барча кўргуликларимиз динимизни билмаганимиздандир. Ҳазрат Умар каби бир зотни бундай хушхулқ қилган фақат ислом динидир.

Ҳазрат Умарнинг қандай одам бўлганлигини қўлингиздаги бу китобдан ўрни келганда билиб оласиз. Ислом дини инсонни қандай баркамол этади? Ислом инсонни қандай маданий бир инсон этиб тарбиялайди?

Ҳақиқий бир мусулмон инсонларга зарар бериш ва уларни хафа қилиш эмас, ҳайвонларга ҳам зарар етказмайди, ҳайвонларни ҳам қийнамайди.

Бошимизга келадиган балолар, кўрадиган аламларимиз яхши мусулмон бўла олмаганимиздандир. Динимизни билмаймиз. Бир бола ҳам биладиган 32 фарзни билмаймиз. Ҳатто, ғусл қандай қилинади, шуни ҳам билмайдиган қарияларимиз бор.

Бўлмаса жоҳил бир эр нега хотинини қийнайди? Чунки ул эр хотин қадрини билмайди.

Шунга ўхшаш имонни билмаган жоҳил бир хотин эрига азият ва ҳузурсизлик етказишдан бўлак нима ҳам қиларди?

Жоҳил эрлар хотинларининг қадрига етмагани каби, жоҳил аёллар ҳам ҳожаларининг қадрини билмайдилар.

Бундай жуфтлардан қурилган оилаларда бир-бирларини тушуниш бўлмайди, натижада улар бир-бирларига озор берадилар. Бундай оилада ҳузур деган неъматдан асло бўлмайди.

Чунки заволли уйларда кўзёшлари тинмайди. Она ва ота жанжалидан гуноҳсиз болалар азоб чекадилар. Фарзандларининг кўзёшлари тинмоғи учун ота ва оналар ақлли инсонлар, марҳамат соҳиби бўлишлари зарурдир.

Шуни унутмайликки, уйимизда бахтли бўлишимизнинг шарти ҳамма одам ўз зиммасига тушган вазифасини яхши бажариши ва одобли бўлишидир.

ТАННОЗ ХОТИННИНГ ТУЗАЛИШИ

Бир одам жуда нозли қизга толиб бўлди. Анча ноз-истиғнолардан сўнг турмуш қурдилар. Ул аёлда ислом тарбияси жуда оз эди. Шунинг учун эрининг қадрига яхши етмас эди. Иши фақат нозланиш эди, холос. Турмуш қурганларига бир неча кун ўтганда ноз билан:

— Вақт ўтиб сатанглигим тутади. Ул вақтда менга ҳеч нарса демагин. Иш қилмайман, заҳмат чекмайман. Агар осмон бошимга узилиб тушса ҳам у кунда бирор иш қилмайман, — деди.

Эри ақлли одам эди. Бир оз сукут сақлаб хотинининг гапига тушунгандай бўлиб.

— Дуруст, сатанггинам, менинг ҳам вақт ўтиб эшаклигим тутиб кетади. Ул вақтда сен менинг ғазабимга дучор бўлма, — деб жавоб берди.

Орадан ойлар ўтди, аёлнинг сатанглиги орта борди. Ул одам қанча юмшоқ бўлса, хотинининг нози шунча кучая борди. Секин-секин ишлари эр жонига тега борди.

Бир кун уйига келиб:

— Хотин шу-шу нарсаларни ҳозирла, дўконга олиб кетаман, — деди.

Хотин ҳар доимгидек жойидан қимирламади. Ул одам гапини такрорлади. Яна ҳеч сас йўқ. Ул одам қайтарди.

Хотин:

— Бугун дангасалигим тутиб турибди, ҳеч иш қилмайман, — деди.

Ул одам белидан камарини ечиб, хотинини, «мана сенга, мана сенга дангасалик», деб савалади.

Хотин бақирди:

— Вой дод! Вой белим, вой қўлларим! Вой ўламан!

— Жаҳлим чиқди хотин, чида, эшаклигим тутиб кетди, — деб яна камар билан савалай бошлади.

Шундан кейин хотиннинг ақли кириб:

— Бўлди афандим, менинг дангасалигим кетиб қолди, — деди. Шундай қилиб на эрда эшаклик қолибди, на хотинда дангасалик, таннозлик қолибди. Хасталикларидан халос бўлибдилар.

Изоҳ ва ўгит

Уйларини жаннатдек бўлишини истаган аёллар эрларига қандай хизмат қилсак мамнун этамиз, деб ўйлайдилар. Оқила аёллар бу йўлдан юриб бахтли ҳаёт кечирадилар.

Акс ҳолда ақллари ўз бахтларини йўқ қиладиган бир портловчи модда бўлиб хизмат қилади.

Эримни қандай қилиб алдаймаи, деб турли-туман ҳийла йўлига тушган аёл ақлини ўз бахт-саодатини бузишга қурол қилиб ишлатади, демакдир.

Бугун бошим оғрияпти деб, эртасига қорним оғрияпти деб, эшаклар каби ястаниб ётиш ақлли бир хотин қиладиган иш эмас.

Бундай ёмон йўлга бош урган хотинлар ақлсиз, фаҳмсиз, шуурсиз, тушунчаси бўлмаган аҳмоқ ва жоҳил яратилгандирлар. Улар том маънода хотин бўлолмайдилар. Агар бундай хотин бўлсалар Яратганнинг балолари бўладилар. Дўстлар бошига шундай қилиқли хотин, шайтоний аҳлоқлиларни бермасин!

Дарҳақиқат, бу ҳикоядаги хотинда бир оз ақл ва қобилият бор экан, вақтида тўғри йўлга кириб олган.

Буларнинг акси бўлганлар ҳам бор, уларда яхшилик йўқ, шундайлардан асрасин.

ҲАР КУНИ ШУНДАЙ БЎЛСИН

Бир одам уйланибди. Уйланар экан, қизнинг динини, тарбиясини сўраб-суриштирмай уйланаверибди. Аввалги чирой-

ли, ширин ойлар ул одам аёли ҳузурида узоқ бўлмабди. Бир гўзал ой, икки гўзал ой ўтарди, ойлар қатор ўтарди, йил ўтди.

Йигит тонгда уйқудан туриб тўғри ишига кетарди. Хотини эса уйқуга тўймай ўрнидан турмасди. Ул одам бир маротаба. икки маротаба ўпкаланди, лекин жаҳли чиқмади.

Ул одам бир кун ўрнидан турди. Чой дамлади, қаҳва қўйиладиган баркашчани тайёрлади ва ётоққа хотини олдига олиб кирди-да:

— Азизам, тур, — деди.

Хотини патнисга қаради, дид билан баркашчага қўйилган нарсаларни кўриб севиниб ўрнидан турди.

Яшанг, эргинам, сиз қандай яхши эрсиз, — деб қўлини узатди.

Ҳожаси:

Хоним! Ҳар куни бу нарса мана шундай тайёр туришини истаймаи, — деб орқасига қайтди.

Табиийки, ақли калта, тарбияси ноқис, танбал, дангаса хотиннинг ранги учиб кетди ва фақат:

Майли, майли, афандим, — дея олди холос.

Чунки ҳожасини авзойи бузилган, ғазаби келгани юзидан маълум бўлиб қолган эди. Келин ундан қўрқиб «майли, майли», деб иш боплабди.

Изоҳ ва ўгит

Эй, уйида жаннат ҳаёти ила яшамак истаган аёллар!

Ҳаётда ҳеч бир иш ўз-ўзидан бўлмайди. Яъни ҳар бир яхшилик бир заҳмат, бир меҳнат натижасидир. Бизга бир оз қувват бўладиган бир луқма овқат қанчалар меҳнат ила пайдо бўлади. Ундан фойдаланиш учун ҳам яна бир оз машаққат чекишимиз зарур.

Жаннат мисоли бир оила соҳиби бўлмоқ учун зиммамизчга тушган мажбурият, вазифа ва хизматларни ҳеч танбаллик,

дангасалик қилмай адо этишимиз керакдир. Боғимизда бир гул ҳам ўз-ўзидан ўсиб етишмайди ва гул очмайди.

Ақлли аёллар яхши одамлар билаи ҳамсуҳбат бўладилар. Уларнинг яхши одатларидан яхшилик ўрганадилар. Ёмон одамлардан узоқ бўладилар, токи уларнинг ёмонлигидан юқиб қолмасин.

Яхшиликлар гул ниҳоли кабидир. Инсонда етишувчи кучдир. Ёмонликлар эса тоғу тошларда ўсадиган янтоқлар кабидир. Булар инсоннинг ўзи билмагани ҳолда унда илдиз отади.

Бир дўстим шу ҳикояни дўстларига айтиб берибди: у ҳам баркашчага чой, ширинликлар қўйиб хотинига олиб келганини, уни ўрнидан турғазганини, ул аёл: «Эй эргинам, кандай яхши одамсиз», деганини сўзлабди. Шу ердаги аёллар: «Афандим, у нақадар кибор, қандай нозик ҳожа, қандай маданий, замонавий эркак экан!» деб ҳайратланибдилар.

Ҳикоя охирида йигит: «Хоним, аёл, ҳар куни шу соатда бу баркашча шундай бўлишини истайман», дедим, – деган экан, шу ерда эшитиб ўтирган аёллар: «а-а-а!» дея оғизларини очиб қолибдилар.

Демак, ақлсиз хотинлар бу ҳикоя мантиғини, мағзини тушунмайдилар.

Имонни билмайдиган қизлар, хотинлар бўйнига занжир осган эрларга тегадилар. Балки баъзилари бунинг ёмонлигини тушунарлар. Аммо иш натижаси улар ўйлаганларича бўлмайди. Зеро, ҳаёт бир қатор воситалар, қуроллар мажмуасидир. Бу воситалар, қуроллар татбиқ этилмаса, ишлатилмаса, ҳаёт ҳам яхши бўлмайди. Оила гўшасида бир ҳақиқат бор. У – икки карра икки тўрт бўлгани каби ҳақиқат бўлиб, шошилмай, ҳовлиқмай хотин билан эр биргаликда ҳамжиҳатлик билан қурган оилаларда, бир-бирларига нисбатан муносабатларида ҳеч бир фидокорликдан қочмасликдир. Акс ҳолда, бу оилада ҳузур деган неъматдан асло бўлмайди.

ИСРОФГАР ХОТИН ВА УНИНГ ЭРИ

Бир вақтлар қишлоқда яшайдиган эр-хотин бўлган экан. Эр жуда хушфеъл, вазмин, сабр-қаноатли зот экан. Аммо хотини яхши тарбия олмаган, исломни ҳеч урганмаган ва эр қадрини билмаган, уй-рўзғор ишидан бехабар, исрофгар, ҳожасини қон қустирган бадбахт аёл экан.

Бундай хотинлардан ўзи сақласин. Кўп вақтлар ўтгач ул одам хотинидан хафа бўла бошлабди. Чунки у насиҳат этса, қулоқ солмас эмиш. Яхши гапирармиш, тушунмас эмиш. Қўпол гапиришга одоби йўл қўймас эмиш. Эр яна насиҳат қилармиш:

— Хоним, тежамли, тутумли рўзғор юритгин. Мен кўп чарчадим, аввалги куч-қувватим қолмади.

Бир кун ул одам уйда қолибди. Ҳаво совуқ бўлганидан уша кун ишга бормабди. Не кўз билан кўрсинки, кеча олиб келган ўтинларини хотини қучоқ-қучоқ ўчоққа солиб ёқарди.

— Эй аёл! Сен нима қилаяпсан ўзи? Шунча ҳам ўтин ёқиладими? Сал аяб ёққин ўтинларни, — деди у одам тутоқиб.

— Нима қилай, бундан кам ўтин ёқсам, уй исимайди, — жавоб берди хотини,

Орадан вақтлар ўтиб, ул одам хасталаниб қолди. Тоғдан ўтин кесиб келтириш хотиннинг ўзига қолди. Хотин бориб ўтин кесиб орқалаб келди. Эри туриб ўчоққа бир қучоқ ўтин солди. Буни кўрган хотини:

— Сиз қандай одамсиз, нима қиляпсиз? Ўтинни кесиб орқалаб келдим, елкам яра бўлди. Аяб ёқинг, менинг ҳолимга тушунинг, — деди.

— Яхши аёл, хуп бўлади. Сен хафа бўлма. Бир тутам ўтинни бекорга ёқмайман, сен айтганча бўлсин, — хотинини тинчлантирди у.

Ул одам охири тушундики, ота-боболаримиз: «Минг насиҳатдан бир машаққат, мусибат яхши», «Одамга минг ўгит бер-

гандан, қийинчилик тезроқ ақл киргизади», «Насиҳат билан тузалмаганнинг ҳаққи азобдир» деб жуда тўғри айтган эканлар.

Изоҳ ва ўгит

Шунга ўхшаш ўз эрининг мол-мулкини совуриб, исроф этувчи хотинлар ўз оиласи саодатига ўз қўллари билан ўт қўядилар, демакдир.

Эрининг мулки ўзининг мулки, болалари, набираларининг мулки эканлигини тушунмаган хотинлар ақлдан ёки тарбиядан маҳрум бўлганлардир. «Оқ оқча қора кун учундир», — деганлар боболаримиз. Инсоннинг иши доимо яхши бўлавермайди. Балки бир борлиқнинг бир йўқлиги бор. Бир гугурт, бир ип учун келинга танбеҳ берган қайноталар кўпни кўрган-кечирган оқил инсонлардир.

Исрофгар аёлларни на Яратган ва на эр севади. Ҳамма иш уз вақтида бўлгани яхши. Инсон хасис бўлиб, ҳаддан ортиқ тежаши ҳам, сахий булиб совуриб ташламаслиги ҳам зарур. Энг яхшиси, шуларнинг лозим даражада ўртаси қадар иш кўрмоқ маъқулдир.

БУНДАЙ ҚАЙНОНА ДЎСТЛАРГА МУБОРАК БЎЛСИН

Турмушларининг янгилигида, бахтли ширин ойларини ўтказаётган кунларида ёш келинчак ва куёвлар рўзғорнинг баъзи эҳтиёжларини олишни хоҳлайдилар. Эр кечқурун севикли хотини хуш кўрган нарсаларни олиб келди.

Қайнонаси болаларини кўргани меҳмон бўлиб келган эди.

Куёв олган нарсаларини хотинига бир-бир кўрсатиб, буни бундай, бунисини бундай олдим, деди қувониб. Хотини бепарво лик билан:

– Ҳеч нарсани тушунмадим, – деди.

Йигитнинг кўнгли оғриди. Қошлари керилди, секин-аста хафа бўла бошлади. Шу пайт хушфеъл, тажрибали, аччиқ-чучукни тотган, ҳаёт мактабини ўтган ақлли қайнона орага тушиб қизига:

– Эй менинг жоҳил, ўз қадрини билмаган қизим! Эр келтирган нарсаларга ҳам бепарво бўладими? Сен бу ёмон одатни қаердан ўргандинг? Отанг бирор нарса олиб келганида бепарво бўлганимни ҳеч кўрганмисан? Агар мен отангга шундай муомала қилсам, у менинг таъзиримни берарди ва шу заҳоти уйдан ҳайдаган бўларди.

Менинг хушфеъл, вазмин куёвим, болам, ҳақиқатан сиз жуда сабрли экансиз, деб жоҳил қизига насиҳат қилди.

Шундан кейин бу жоҳил, тарбиясиз ёш келин эри олиб келган нарсаларга бепарволик қилмабди. Йигит қайнонасини дуолар қилибди. Чунки уйида ҳузур кўриб яшабди. Хотининнинг совуқ муомаласи, тумтайган суратидан қутилибди.

Изоҳ ва ўгит

Бундай қайнона дўстларга муборак бўлсин. Бу қайнона насиҳати билан қизининг ҳаётига бахт келтирди.

Агар қизига қўшилиб, у билан тенг бўлиб, куёвига билар-билмас совуқ, яхшиликни кўриш насиб этмаган жоҳил, фаҳмсиз, ақлсиз қайноналарга ўхшаб муомала қилса нима бўларди? Албатта, шу пайтнинг ўзида қиёмат бўларди. Яъни куёв узини боса олмай, иккаласини қувиб соларди. Балки, бирор муддат, кўнгли сиқилса ҳам бу жаҳаннам ҳаётига тушган уйда жоҳил ва тарбиясиз, эр қадрини билмайдиган хотини билан яшашга мажбур бўларди. Аммо дунёга келганига минг пушаймон бўларди.

Ҳайрият, қайнонаси ёрдамга келди. Уйида тарбия бера олмаган қизига эри ҳузурида тарбия берди. Бундай оқила, фаросатли қайнона дўстларга муборак бўлсин.

СЕНИНГ БИР КЎЗИНГ КЎРАР ЭКАН

Ўтган замонларда бир кўзи ожиз, бой-бадавлат йигит уйланибди.

Йигит уйига меҳр қўйган, яхши феълли мусулмон эди. Ҳар оқшом уйига қучоғини тўлдириб нарсалар олиб келарди. Хотини эрини қувонч билан кутиб олиб ҳурмат кўрсатар эди.

Орадан йиллар ўтибди. Ул одамнинг иши бирдан орқага кетибди-ю, бир кун уйига қўллари бўш келибди.

Хотин ақли оз, феъли ёмон ва тарбияси яхши эмаслигидан эри уйга кирар-кирмас:

— Вой, афандим, сизнинг бир кўзингиз кўрар экан-а!.. — деб юборибди. Кўпни кўрган ул одам:

— Хоним, шу кунгача кўрмаганмидинг, — деб совуққонлик билан жавоб берибди. Бефаҳм хотини унга:

— Шу пайтгача қўлингизга қараб, кўзингизга қарашга вақт бўлмаганди, — дебди.

— Хоним, — жавоб берибди ул одам, — эрингнинг икки кўзи кўрдир. Кўр бўлмаса бош оғриқ қилиб, сен каби ақли қисқани олармиди?

Изоҳ ва ўгит

Ота-боболаримиз: «Хотинларнинг сочи узун, ақли қисқа бўлади» деганларида шундай хотинларни назарда тутган бўлсалар керак. Фақат ақли қисқа киши ўзига берилган неъмат қадрини билмайди. Шу пайтгача эрининг кўзи кўрлигини кўрмай, айтмаган хотин энди кўрадими? Аёл учун ҳожаси — эридан ортиқ неъмат бўладими? Шуни идрок эта олмайдиган ақли кам одам бўлсанг, сенга минглаб лаънатлар бўлсин!

Яхшилаб тинглагин! Пайғамбаримиз Ҳадиси шарифларида бундай деганлар.

«Бир хотиннинг ҳаётини, динини ва номусини, шараф ва ҳурматини қуриқлай олиши учун икки паноҳи бордир. Бири эри, иккинчиси эса қабрдир». Эй ақли оз, фаҳми кам хотин, эрнинг хотин учун қадри қанчалик буюк ва керакли эканлигини кўрдингми? Аммо бу мезон дини борлар учундир. Дини бор хотиннинг номуси бордир. Динсизларнинг номус мезонлари чорсу бозордан олинадиган мол кабидир. Динсизнинг нимага ақли етса ушандан фойдаланади. Бундай номус тушунчасининг динга алоқаси йўқ. Номусли хотиннинг паноҳи эр экан, шунинг учун эрнинг қадр-қимматини баланд тутинг, унинг қадрига етинг, унга меҳрибон бўлинг. Ҳеч вақт кўнглини қолдирманг!

ҲАЗРАТ ИБРОҲИМ ВА НОМУСЛИ КЕЛИН

Ҳазрат Иброҳим Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тўнғич ўғли Ҳазрат Исмоилни кўриш учун Маккага келди. Ўғлининг уйига келиб эшикни тақиллатди. Эшикни бир хотин очди. Хотин қўпол ва аразлаган бир муомалада Ҳазрат Иброҳимга:

— Кимсан, кимни сўраяпсан? — деди.

Ҳазрат Иброҳим ғоят паст овозда:

— Сиз кимсиз? — деб сўради.

Хотин зарда билан:

— Мен Исмоилнинг хотиниман, — деди.

Ҳазрат Иброҳим сўради:

— Исмоил қаерда?..

Хотин:

— Уйда йўқ, овга кетди, — деди.

Хотин қўпол ва совуқ аёл эди, тарбияси ҳам жуда ёмон, ярамас ахлоқли эканлиги юзидан куриниб турарди.

У нур юзли қария меҳмондан кимлигини сўрамади, сўраш ақлига ҳам келмади. Унинг ақли паст, қалби ҳам пок эмас эди. Ҳазрат Иброҳим отидан тушмади ва кимлигини ҳам айтмади. Оталик шафқати ила ўғлининг турмушини, аҳволини билмоқчиэди.

— Аҳволингиз, турмушингиз қандай? — деб сўраган эди, хотин:

— Жуда қийинчилик билан яшаймиз, — деб жавоб берди.

Хотин бир нонкўр аёл эди. Меҳмонни хуш кўрмасди. Ҳазрат

Иброҳим ўғлининг бундай қўпол ва ахлоқсиз аёл билан яшаши, ақлсиз аёлга уйланганидан жуда афсусланди ва бундай деди:

— Эринг келиши билан унга айтиб қўй, уйининг остонасини алмаштирсин.

Ҳазрат Иброҳим бошқа ҳеч нарса демай келган томонига отини буриб кетди.

Кўп вақт ўтмай Ҳазрат Исмоил овдан қайтди. У вақтларда Маккада истиқомат қилувчилар ов гўшти еб кун кўришарди. Шунинг учун Ҳазрат Исмоил тез-тез овга чиқарди.

Ҳазрат Исмоил эшикдан кирар-кирмас, бурнига хушбўй хид келди, хотинига:

— Бугун бу ерга биров келдими? — деб сўраган эди, хотини:

— Ҳа, келди. Бир чол сени сўраб келди ва «ўғлим уйининг остонасини алмаштирсин» деб, отидан тушмай қайтиб кетди, — деди.

Ҳазрат Исмоил бўлган воқеани дарҳол тушунди. Келган чол — отаси Ҳазрат Иброҳим унинг деган сўзи ахлоқсиз, феъли ёмон хотинига тегишли эди. Орадан бир қанча вақт ўтли. Ҳазрат Исмоил хотинини талоқ қилди. Бошқа бир қизга уйланди. Яна бир қанча вақт ўтди.

Кунлардан бир кун Ҳазрат Иброҳим ўғли Исмоилни кўриш учун яна келди. Ота тўнғич ўғлини соғиниб чин қалбдан кўришни истарди. Кўрмаса бўлмас эди, айрилиқ азоби уни қийнар эди. Аввалги келганида ўғли ёмон бир аёлга уйланганини кўриб юраги эзилган, хафа бўлганди. Ҳазрат Иброҳим шундай ҳасрат ила Маккага келди. Ўғлининг эшигини тақиллатди. Эшикни ёш бир аёл очди ва «эрим уйда йўқ» деди. Ҳазрат Иброҳим:

— Қаерда? — деб сўради.

Хотин:

— Овга кетди, — деди.

Ҳазрат Иброҳим:

— Аҳволингиз, турмушингиз қандай? — деб сўради.

Хотин:

— Яратганга шукр, жуда яхши, ташвишимиз йўқ, — деб жавоб берди ва: — Ҳазратим сиз бир оз дам олинг, узоқ йўлдан келаётган кўринасиз. Бир-икки луқма овқат ила меҳмон қиламан, — деб ўтиниб нур юзли Пайғамбари (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ҳурмат, илтифот кўрсатди.

Ҳазрат Иброҳим вақтим йўқ, деб қайтиб кетмоқчи бўлди. Аммо хушфеъл, одобли, бўлғуси Пайғамбар Ҳазрат Исмоилнинг хотини бўлмиш бу ёш аёл Пайғамбар Иброҳимни бир меҳмон қилмай кузатишни хоҳламади.

— Ҳазратим, уйга кирсангиз нима бўлади. Уст-бошингиз чанг бўлибди, узоқ йўлдан келаётган экансиз, дам олинг. Мен сизга юз-қўлингизни ювишга ёрдам берай, кийимингизни тозалаб қўяйин, — деди.

Ҳазрат Иброҳим отдан тушишни хоҳламаслигини, йўлга қайтиб кетиши зарурлигини айтса ҳам хулқ, одоби чиройли келини унинг кетишини хоҳламади ва:

— Сиз от устида туринг, оёғингизни шу тосга солинг, — деб катта бир тосни олиб келди.

Ҳазрат Иброҳим бир оёғини тосга солиб, бир оёғини узангида тутиб турди. Келин сув қуйиб оёғини юва бошлади. Иброҳим эгилиб одобли, чиройли, гўзал хулқли келинининг бошини ўпди. Ахлоқ-одобли бу аёлдан жуда мамнун бўлди. Тўнғич ўғли, кўзининг нури Исмоилни бир вақтлар қурбон қилиш учун ерга ётқизиб бўйнига пичоқ теккизганини эслади ва суюкли ўғли одобли, хушфеъл қизга уйланганидан Жаноби Ҳаққа шукрона айтди. Юзлари кулиб турган келиннинг қўйган овқатини ва қаймотани еб, дуо қилди:

— Ё Раббий! Шу чўлу биёбонда фарзандим ва зурриётимни қолдирдим. Уларга яхши, тотли ризқлар бергин!

Одобли келинга ташаккур айтиб, Ҳазрат Иброҳим кетишга ҳозирланди, кетиш олдидан:

— Мендан ҳожангга кўпдан-кўп салом айт. Уйининг остонасини яхшилаб муҳофаза қилсин, қўриқласин, — деди.

Ҳазрат Исмоил кўп вақт ўтмай овдан қайтди. Уйида хушбуй ҳидни ҳис этди ва аёлидан сўради: — Биров келдими?

Хушфеъл, юз-кўзлари кулиб турган хотини:

— Ҳа, нуроний бир кекса одам келди. Сизга кўпдан-кўп салом айтди. Қаранг, мана бу тосга аввал ўнг оёғини қўйди. Тузукроқ қаранг, оёқларининг изи турибди. Сизга салом айтгандан сўнг «уйининг эшигини яхшилаб муҳофаза этсин» деб айтди, — деди.

Ҳазрат Исмоил жуда севинди, қувонди. Фақат отасининг нур ёғилиб турган юзини кўролмагани учун афсусланди. Қувончини хотинига ҳам изҳор қилди:

— Эй менинг хушфеъл, юз-кўзлари кулиб турувчи, меҳмондўст, яхшилик қилишни яхши кўрувчи хотиним! Келган нуроний юзли қария менинг меҳрибон отам Иброҳим Пайғамбардир. Уйининг остонаси — бу сенсан. Отам сендан жуда мамнун бўлгани учун шундай деган.

...Пайғамбаримиз Ҳазрат Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)даги нур у кишига қадар Ҳазрат Исмоилдан бу

хотинга ўтган, сўнгра унинг ўғлига, авлодларига, охири волидамиз Ҳазрат Омина (Пайғамбаримизнинг оналари)га ва ундан Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ўтгандир.

Изоҳ ва ўгит

Эй мусулмон биродар! Хушфеъллик инсонни Жаннатга олиб боради, бу дунёда ҳам Жаннат ҳаётида яшашга имкон беради. Чунки оила гўшаси ҳам Жаннат ҳаётининг бир туридир. Жаннат каби ҳаётни фақат ва фақат оила гўшасида яшаса бўлур. Бу эса оилани тузган она ва отанинг, яъни эр билан хотиннинг бир-бири билан тотув бўлишларига боғлиқдир. Бу оила қураётган қиз ва йигитнинг ахлоқ томонидан бир-бирларига уйғун ва меҳрибон бўлишлари демакдир.

Ушбу ҳикояда шундай нозик жиҳатлар бор. Гўзал хулқли, иродали, ирфон соҳиби бир аёл ила ёмон ва хулқсиз, туйғусиз хотиннинг қурган оилалари ҳеч қачон бир-бирига ўхшамайди. Биринчиси Жаннат, иккинчиси жаҳаннам ҳаётини пайдо қилади. Шунинг учун Ҳазрат Иброҳим биринчи келини тўғрисида уй остонасини алмаштирсин, деди. Иккинчи келиннинг туйғули, гўзал хулқли, меҳмондўст эканлигини кўриб, шундай хотин эрини бахтли эта олишини билдириш учун Исмоилга: «Уйининг остонасини яхши қўриқласин», деб салом айтиб кетди.

Бу бир ҳақиқатдирки, ҳолига шукр этмаган, эрига меҳр ва ҳурмат кўрсатмаган хотин қанчалик гўзал бўлса ҳам оилага ҳузур ва бахт келтирмайди. Бахтиёр этмоқ учун хотин яхши тарбия кўрган бўлиши ва ўз ақли ила эрининг қадр-қимматининг баландлигини тушуна олиши зарур.

НОМУС ЭНГ ҚИММАТЛИ БОРЛИҒИ ЭДИ

Бу ҳикоя ёш қизчаларимизга бир армуғондир. Ҳикоя қилаётганим бу воқеа Буюк Пайғамбаримиз Ҳазрат Муҳаммад

(соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг замонларида Мадинада рўй берган.

Ул замонларда инсонлар қабилалар ҳолида яшар эдилар.

Бир кун Ҳузайл қабиласидан бир ўспирин туясига миниб йўлда кетар эди. Якка ўзи ёлғиз йўлдан келар экан, қирлар, адирлар ҳам кимсасиз, унсиз эди. Ҳеч бир ерда сас, садо йўқ. Ул одам туясига миниб саҳроларда сассиз, жим кетаркан, узоқда қўйлар сурувини кўрди. Сурувга яқинлашганида қўйларни ўтлатиб юрган чўпон аёл киши эканлигини билди. Яна ҳам яқинлашганидан сўнг чўпон аёл Рашид исмли одамнинг қизи эканлигини таниди. Ўспирин йигитнинг қалбида бир бузуқлик бор эди, ҳар ҳолда сурувга яқин келганда фикри бузилди. Шул онда туясини чўктириб, яна туриб кетмасин деб тизгинидан боғлаб қўйди. Сурувни ўтлатиб юрган ёлғиз қизга:

— Бу ерда ёлғиз ўзинг қўрқмайсанми? Биз бир қардошмиз, кел қўйларингни бирга ўтлатайлик. Оқшомда уйга бирга кетамиз. Мен сенга ҳамроҳ бўламан, — деб унга яқинлаша бошлади.

Қўйларини ўтлатиб юрган қиз ақлли, оқила қиз эди. «Бу элнинг одами менга қандай қилиб қариндош бўлади» деб ўйлади ва жавоб берди:

— Бу ердан дарҳол кет. Мен қўйларимни ўзим ўтлатаман. Бу ерда турма, тез даф бўлиб кет!

Йигитнинг нияти бузуқ эди, унинг қонида бузуқлик борлигидан қизнинг ёнига яқинлаша бошлади.

— Олдимга келма, келсанг ўлдираман, — деб ҳайқирди қиз.

Шунга қарамай, ҳариф йигит қиз ёнига яқинлашаверди. Қиз ундан халос бўлишнинг бошқа йўли йўқлигини сезиб, бутун қувват ва жасоратини тўплаб ўзини мудофаа этишга қарор берди. Ҳарифни бир зумда ерга йиқитди ва ҳайқирди:

— Олчоқ ҳариф, тез даф бўласанми ёки сени мажақлаб ташлайинми?

Ҳариф қўрққанидан:

— Ҳозир кетаман, мени кечир, — деб ёлворди.

Қиз бу нопок йигитни — душманини кечирди. Ўспирин ўрнидан турди, сўнг бир оз жасур бўлиб, яна қизга ташланди. Қиз бир ҳамла билан уни яна ерга улоқтирди, ердан қўлига тош олди ва:

— Номуссиз, бу ердан даф бўлиб кетасанми? Ёки шу тош билан сени урайинми? — деб бақирди. Фикри ва қони бузуқ ул йигит ёлворди:

— Кечир, Асила, мен ҳозир кетаман, олдингга бормайман, — деди.

Қизнинг исми Асила эди. Йигит ўрнидан турди-да, яна ўзини ўнглаб қизга ёпишди.

Қиз номусини сақлаш учун кучини йиғиб йигитни ерга йиқитди-да, кўкрагига ўтириб томоғидан бўғди. Жаҳл устида қўлидаги тош билан кўкрагига қаттиқ урди, ўспирин ҳушидан кетиб қолди.

Қиз: «Ё раббий! Сенга ҳамд бўлсин, сенга беҳад шукрлар қиламан. Номусимни бу олчоқ, ахлоқсиз одамдан қутқардинг», деб ўрнидан туриб кийимини тузатди.

Қиз бир оз вақт ўтиб, қўйларини ҳайдаб уйига кетди. Орадан қанчалар вақт ўтгач, йўловчилар ўша ердан ўтдилар. Улар Ҳузайл қабиласидан эдилар. Қарасалар, ётган одам ҳам ўз қабиладошлари экан.

— Сенга бу ерда нима бўлди? Сен ўзимизнинг Ҳамала эмасмисан? Не ҳол бўлди? — деб сўрадилар йигитдан.

Қиздан таъзирини еган Ҳамала тетикланди:

— Сўраманг, — деди у, — туям мени устидан отиб юборди. Шаталоқ отиб ирғишлади, йиқилиб яраландим.

— Таажжуб, сенинг туянг бу ерда боғлиқ ётибди. У сени қандай йиқитиб юбора олади? Қара, бу ерда мана бу тош ётибди, қонга булғанган. Сенинг бошинг ёрилгаи, кўксингда тошдан жароҳатлар бор, — дедилар.

Бузуқ ахлоқли Ҳамала қизариб-бўзариб кетди, тили тутилди. Нима дейишини билмай:

— Нега мени сўроққа тутасизлар? Мен нима деган бўлсам, ўшандай бўлди. Яхшиси, мени туямга миндириб қўйинглар, — деди.

Ҳамала исмли бу ахлоқсиз йигитни туясига миндириб уйига олиб бордилар. Бу йигит бир кеча кун ётгач, аҳволи ёмонлашди. Қабиладошлари ундан умид узишди ва ундан сўрадилар:

— Ҳамала, сенинг аҳволинг оғирлашди. Йигитлик вақтингда ўлиб кетасан. Сени бундай ҳолга туширган кимлигини айт, ундан ўч оламиз, — дедилар.

У хаста овоз билан:

— Рашид, Асила, — дея олди холос ва жони узилди. Ҳузайл қабиласининг оқсоқоллари тўпланиб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келдилар:

— Ё Расулуллоҳ! Ўғлимиз хунини Рашиддан олишни истаймиз. Ўғлимизни у яралади. Ўғлимиз ўлди, энди қасос олишимиз керак, — дедилар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизнинг отаси Рашидни чақиртирди. Рашид билан яна бир одам бирга келди. Бўлган ишни эшитгач, у:

— Менинг бу воқеадан хабарим йўқ, — деди.

— Ё Расулуллоҳ! — дедилар даъвогар одамлар, — Рашиднинг ўзи эмас, унинг қизи Асила қотилдир. Ҳамалани яралаган Рашиднинг қизидир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизни чақиртириб келтирди. Қиз келганидан сўнг Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга:

— Асила, Ҳузайл қабиласидагилар сени Ҳамалани ўлдирган деб иддао қилмоқдалар, бу хусусда нима дейсан? — дедилар.

Асила бир оз ўйланиб, сўнг:

– Ҳеч бир хотин эркакни енгиб ўлдира оладими? – деди. Асила оқила қиз эди. Шунинг учун ўзининг берган жавоби Пайғамбарига бериладиган тўғри жавоб эмаслигини тушунди.

– Ё Расулуллоҳ! Ҳодиса айнан бундай бўлди: у уч дафъа менга ёпишди. Ёнимга келмаслигини, тўғри йўлига кетишини сўрадим, у қулоқ солмади, – деб воқеанинг тўғрисини Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га айтиб берди.

Яна Асила:

– Ё Расулуллоҳ! Мен ўзимни мудофаа этдим. Номусимни сақламоқ учун унинг бошини яралашга мажбур бўлдим, – деди.

Йигитнинг қабиладошлари бунга қарши:

– Бўлган ишни бу қиз ўз оғзи ила эътироф этди, ўғлимизнинг қасосини, хун ҳақини даъво этамиз, – дедилар.

– Бўлган ишни мулоҳаза этайлик. Қиз ўз номусини мудофаа этган. Қизга душманлигини қилмоқ истаган ўғлингиз ўзининг қотили бўлиб қолган. Баъзан ўлдирган, баъзан ўлган қотилдир. Бунда ўғлингиз қотилдир. Қиз эса номусини ҳимоя қилган. Инсон номус учун яшар. Қиз шарафли бир ҳаракат қилган. Ўғлингиз ўзининг қотили бўлиб қолган, деди.

Шундан кейин қизнинг отаси, «Ақлли ва номусли қизнинг отаси бўлганим учун Яратганга шукр дейман» деб, даврадан бошини тик тутиб чиқиб кетди. Ўлган ахлоқсиз одамнинг ақраболари бошларини қуйи солиб, у ердан кетдилар.

ҲАЗРАТ ПАЙҒАМБАРИМИЗ (С.А.В.)НИНГ САФАРДАН ҚАЙТИШЛАРИ БИЛАН ҲАЗРАТ ФОТИМАНИ КЎРГАНИ КЕЛИШЛАРИ

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак одатларидан бири ҳар галги сафардан, ҳарб (уруш)дан қайтганларида ниҳоятда севикли қизлари Ҳазрат Фотиматуз-Заҳрони кўргани, ундан аҳвол сўрагани боришлари эди.

Бир кун шундай сафарларнинг биридан қайтганларида Ҳазрат Фотимани кургани уйига келиб, Ҳазрат Фотиманинг болаларига кумуш узуклар, билагузуклар тақиб, уйининг деворларига чиройли пардалар осиб қўйганини кўрибдилар. Ҳазрат Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизининг уйида ўтирмай қайтибдилар.

Ҳазрат Фотима волидамиз муҳтарам оталарининг нима учун кетиб қолганликларини тушунибди. Дарҳол у пардаларни, безакларни соттириб йўқсилларга берибди, садақа қилибди.

Изоҳ ва ўгит

Менинг ақлли дин қардошим! Эҳтиёт бўл, булар нималарга олиб келиши мумкин. Сойлар, дарёлар, селлар томчилардан, ёмғирлардан пайдо бўлур. Барча улуғ, катта нарсалар кичиклардан тўпланади. Дунё мол-мулкига бўлган муҳаббат томчилари сел бўлади-да, охират саодатини оқизиб кетади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қадрли қизини, инсоннинг абадий ҳаётини таҳликаларга олиб борувчи нарсалардан муҳофаза этгандир. Умматига ҳалол бўлган, мубоҳ бўлган баъзи нарсаларни ўз хонадони аъзоларига ман этгани бир ҳақиқатдир; чин севги ҳақиқий шафқат ва марҳаматдир. Бу чин меҳр ва муҳофазадир.

Ўткинчи дунё истаклари учун ялтироқ кийимлар, олтинлар, занжирлар олиш севги аломати эмас, билакс фарзандларини маънавий жиҳатдан ўлдириш демакдир.

Ҳазрат Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) севикли қизига:

— Ё Фотима! Бу ипакларни кийганлар, олтинларни тақ̆ганлар охиратни кўрмайдурлар, — деганлар. Ҳолбуки, буларни кийиш Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умматларининг хотинларига ҳалол, ҳаром эмас. Фақат бу зийнатларнинг зарарлари бўлиши мумкиндир. Бундан

маълумки, Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз авлодларини тақвода, охират неъматида бошқалардан ортиқ бўлишлари учун бу хусусдаги тарбияларга эътибор бергандир.

Фарзандларининг охират ҳаётларини қозонишлари учун астойдил ҳаракат қилади. Бу дунё ҳаёти ўткинчидир. Охират ҳаёти доимий ва боқий бир ҳаётдир. Болаларини ахлоқли, номусли, иффатли этиб ўстириш ота-оналарнинг вазифасидир.

ҲАЗРАТ ФОТИМА ЧЎРИСИНИНГ ОЗОД ЭТИЛИШИ

Севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кун қизи Ҳазрат Фотиманинг уйига ташриф этдилар. Бу ерда амакиси Абу Толибнинг набираси бўлмиш кичкина бир қизча ҳам бўларди. Қизнинг бармоқларида олтиндан қилинган кўзсиз узуклар бор эди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу узукларни кўриб қизчанинг қўлига юмшоққина уриб қўйдилар, бу билан узуклар ёқмаганини англатдилар.

Пайғамбаримизнинг қариндоши, яъни амакиси Абу Толибнинг набираси бўлган бу қизча шу пайт Ҳазрат Фотима волидамиз олдига борди. Ҳазрат Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан шикоят этмоқчи бўлди. Шу орада Ҳазрат Фотиматуз-Заҳро волидамиз бўйнидан гардонлигини олди. Шу пайт Пайғамбаримиз (с.а.в.). Ҳазрат Фотима волидамизнинг ёнига келди, унинг гардонлигини (зеби гардонини) қўлида кўрди ва:

— Ё Фотима! Ҳазрат Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қизини қўлида оташдан бир занжир бор, дейишларини истайсанми? — дедилар. Ва ҳеч ўтирмасдан севикли қизи Ҳазрат Фотиманинг уйидан чиқиб кетдилар.

Шундан кейин Ҳазрат Фотиматуз-Заҳро гардонлигини бозорга юбориб соттирди ва пулига бир чўри сотиб олиб озод

этди. Севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундан жуда ҳам мамнун бўлганликларини баён этиб:

— Жаноби Ҳаққа бениҳоя ҳамд ва шукрлар бўлсинки, Фотимани оташдан қутқарди, — дедилар.

Изоҳ ва ўгит

Эй, Ҳақ йўлчиси! Агар авлодингни ҳақиқатан севадиган бўлсанг, ҳақиқий меҳрибон бўлсанг, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бу қимматли ўгитига қулоқ сол! Авлодга ҳақиқий меҳрибонлик, муҳаббат шудир. Бу ўз авлодини жаҳаннам ўтидан қўриқлаб, муҳофаза этишдир. Авлодини қўриқлагандек, ақрабо (яқинларинг)ни ҳам муҳофаза эт!

Авлодингга ҳар бир хоҳиши, истаги учун турли-туман кийимлар олиб бериб, бир айтганини икки қилиб тутқазиш маъқул эмас. Бундай кийимлар олиб бериш динга муносиб бўлмай, ўз авлодини ўз қўли билаи жаҳаннамга отиш демакдир.

Эҳтиёт бўл! Ўзингни алдама, шайтоннинг алдашига, ҳийласига учма, нафснинг сўзларига қулоқ солма! Авлодингни қийнама! Авлодингни оташга отма! Беш, ўн минг тиллолик мулким бор деб, бойлигим, давлатим бор деб шайтоннинг бефаҳм шериги бўлмагин. Ўлар экансан, дунёдан бир чақа олиб кетмайсан. Ўзингга кел, эсингни йиғ!.. Болачақангга яхши тарбия бер. Авлодни динсиз этувчи отадир, муҳитдир, юртдир. Унутма, севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ҳамма мусулмон бўлиб туғилади. Сўнгра христиан одати, яҳудий одати, оташга сиғиниш одати томон тарбия ота-онадандир», деганлар. Демак, ҳар бир туғилган мусулмон туғилади. Ота-она диндор бўлса, авлод фарзандлар диндор бўладилар. Мухит бузуқ бўлса, авлод бузуқ бўлади.

Ота-она ҳеч нарса билмаса, авлодга бир нарса бермаса, муҳит ҳам бузилса – авлод бузуқ бўлади. Номи мусулмон бўлиб, динга душман бўлганлар шундай қурбонлардир. Буни ўзинг бир фикрлаб кўр. Агар ақлинг бўлса, бошинг ишласа, бир оз муҳитга, атрофга қара, ибрат олишга ғайрат қил. Дунёнинг нега бузилганини, номлари Али, Аҳмад, Муҳаммадлардан бўлган авлодлар нега дин устидан кулганларини бир оз тушунишга ҳаракат қил!

Охиратни ўйла ва хаёлингга келтир, бундай исмигина мусулмон бўлганларнинг бошига тушадиган қаттиқ азобларни тушун, яхшилаб тушуниб ол. Бундай бедавога Жаннат насиб этмаслигини тушун! Дин учун, имон учун Расулуллоҳнинг чеккан заҳматларини тушун! Муборак оёқлари ва яноқларининг қонга беланганини тушун! Буларнинг ҳаммаси дин учун бўлганини тушун! Ҳаётнинг фақат пул топиб, болаларига турли-туман кийимлар олиб бериб кўз-кўз қилишдан иборат эмаслигини тушун! Ҳисоб бор, охират бор, савол бор. Ҳаммаси авлодингнинг қилмишига яраша бўлади. Авлодингнинг қадрини бил, шунга қараб тарбиясига диққат қил. Бу дунёда роҳат истаган охиратда роҳат кўрмайди. Бу дунёда авлод тарбиясини бажо келтирган охиратда роҳат кўради. Жаннатда саллона-саллона кезиб юради.

ҲАЗРАТ ФОТИМАНИНГ САДАҚАСИ

Ҳазрат Али (р.а.) севикли аёли Ҳазрат Фотима (р.а.)га бир гардонлик (зеби гардон) олган эди. Ҳазрат Фотима (р.а.) волидамиз, муҳтарам завжиниш (эрининг) совғаси бўлмиш бу гардонликни бўйнига тақиб олганди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу гардонликни суюкли қизи Ҳазрат Фотима (р.а.)нинг бўйнида кўргач, Ҳазрат Ойша (р.а.) волидамизга бу ҳақда айтиб, дедилар:

– Ё Ойша! Одамларнинг. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қизи бўйнида оташдан гардонлик боради, оловдан бир гардонлик кўрдик, деб юришларини хоҳлайсанми? – дедилар.

Ҳазрат Ойша (р.а.) волидамиз бу сўзларни Ҳазрат Фотима (р.а.)га билдирди. Ҳазрат Фотима (р.а.) волидамиз бу гардонликни дарҳол соттирди ва пулини фақир ва йўқсилларга садақа қилди.

Изоҳ ва ўгит

Эй, охиратини истаган қардошим! Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) севикли қизи, каримасини қандай тарбия қилганини кўр-да, ожиз ақлинг ила: «Бу нимаси?» дема!.. Бошни ишлат.

Ссвикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг умматларига ҳалол бўлган олтин гардонликни ўзларининг қизларига маъқул кўрмаганларидаги ҳикматни тушун. Аслида олтин мусулмон аёлларига ҳаром эмасдир. Ҳар бир мусулмон аёл олтиндан гардонлик тақса бўлади. Аммо олтинга ружу қилмоқлик дунёга берилишнинг биринчи белгисидир, аломатидир. Бу дунёни севганнинг охирати бўлмайди. Бу дунё ишқи, дунё ҳаётига кўнгил қўйиш охират ҳаётидан махрум қолишнинг бир далилидир. Тарих бўйича бу дунёни севганлар охиратдан айриладилар. Яратганнинг 124 минг пайғамбарларидан ҳеч бирининг дунёни севгани, дунёга кўнгил қўйгани кўрилмайди. Шунинг учун бу дунёга кўнгил қўйганлар охиратларини йўқотадилар.

Бир одамнинг динининг давом этиши насиҳат тинглаши билан мумкин бўлади. Насиҳат тингламаган одам, насиҳат эшитмаган одам динидан ажраган бўлади.

Шул сабабдан севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак қизининг бу дунёга нисбатан бўлган истак ва хоҳишини хуш кўрмади ва унинг охират саодатини таъмин

этиш ғояси ила дунёга бўлган истакларини маъқулламагани ва хуш кўрмаганини билдирди. Қизим хафа бўлади, жаҳли чиқади, демади.

Бизнингча, Ҳазрат Фотиманинг гардонлик тақиши оддий бир ҳолдир. Бизнингча, уйига чиройли пардалар осиши табиий ва оддий бир ҳолдир. Фақат Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўткинчи бир дунёга майл ва истак аломати бўлган бу ишларни жаннат аёлларининг улуғи бўлган биринчи қизи учун хуш кўрмади ва унга изн бермади.

Охират бор, жаҳаннам бор, ҳисоб бор, савол бор. Қизимизга, хотинимизга соҳиб бўлайлик. Уларнинг бу дунёга бўлган севгисини камайтирайлик. Динсизлар, ахлоқсизланинг ҳийлаларига алданмайлик. Бола-чақамиз соҳиби бўлайлик.

ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ ҚИЗИ ФОТИМАГА ДОИМИЙ ИРШОДИ

Абдуллоҳ бин Умар (р.а.) шундай ҳикоя қилади:

– Бир пайт севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизлари Фотиматуз-Заҳро (р.а.)нинг уйига ташриф этиб, кўнглини олдилар. Фақат Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) севикли қизининг эшигидан ичкари кирмай, эшик олдида ўтирдилар.

Ҳазрат Фотима (р.а.) севикли отасининг ичкарига кирмай, эшик олдида ўтирганига хафа бўлди. Буни муҳтарам ҳожаси Ҳазрат Али (р.а.)га айтди. Ҳазрат Али (р.а.) дарҳол Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ёнига бориб, Ҳазрат Фотима (р.а.)нинг сўзларини айтиб, арз қилдилар.

Эшикдан кирмай ўтирганларининг ҳикмат ва сабабини сўрадилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳазрат Алига айтдиларки:

– Ё Али! Мен Фотиманинг уйида шундай бир қимматбаҳо парда кўрдимки, у нозик нақшлар ва гуллар билан

безатилган. У парда менга ёқмаганлиги учун шу ерда ўтирдим. Қизим Фотиманинг дунёга майли борлигини кўра олмайман. Бундай ортиқча, фойдасиз ялтир-юлтир нарсаларга берилиш, яхшимасдир.

Ҳазрат Али (р.а.) бу гапларни севикли аёли Ҳазрат Фотима (р.а.) волидамизга тушунтирди. Ҳазрат Фотима волидамиз муҳтарам ҳожаси Ҳазрат Али (р.а.)ни такрор Расулуллоҳ ҳузурларига юборди ва: «Суюкли отам нима деб буюрсалар, ўшандай қиламан, бориб билиб келиш», деб илтижо қилди.

Ҳазрат Али бориб суюкли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан сўради. Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

— Ё Али! Бориб қизим Фотимага айт. У пардани ниҳоятда эҳтиёжманд ва фақир фалончига олиб бориб совға қилсин, — дедилар. Ҳазрат Али уйига кириб, севикли завжаси (хотини)га айтди. Пардани Расулуллоҳ айтган фақирга бердилар.

Изоҳ ва ўгит

Эй, дўстим! Ссвикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизлари Ҳазрат Фотима (р.а.)ни ниҳоятда яхши кўрар эди, бу ҳадис шунинг далилидир. Муҳтарам қизларига ҳамма вақт иршод, йўл-йўрик ва васият этиб турардилар. «Қизим Фотиманинг дунёга нисбатан меҳри баланд бўлишидан қўрқаман». деб айтганлар. Памғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оилаларининг дунёга ортиқча меҳрини хуш кўрмас эдилар. Дунёни (ортиқча мол мулкни) севганмиш охирати бўлмайди. Шунинг учун бу ҳақиқатни доимо уқдириб турардилар.

Кел, эй қардошим! Яратган учун бир оз ўзимизга келайлик. Ўзимизга ачинмасак, авлодимизга ачинайлик! Ўзимиз оташда ёнсак-да, авлодимизни ёқмайлик! Улар учун диний тарбиямизни қилайлик. Азиз фарзандларимизнинг фақат

дунёга ҳаваси, моддий эҳтиёжларинигина ўйлаб, маънавиятни унутмайлик!

Қардошим, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ушбу бола тарбиялаш, ўстириш суннатини биз ҳам ўзимизга татбиқ этайлик. Болаларимизнинг саодати шундай қўлга киритилади. Уларнинг саодати бизнинг саодатимиздир, буни яхши идрок этайлик.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларга ҳар хусусда ўрнак бўлганлари каби, бу хусусда – авлод тарбияси хусусида ҳам энг гўзал ўрнак бўладилар.

ВАФО ҲАЗРАТЛАРИ ВА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Истамбулда, Сулаймония билан Шаҳзодабоши орасида Вафо Ҳазратларининг турбати – қабри бор.

Ўз замонасида буюк шуҳрат қозонган Вафо Ҳазратлари давлат одамларидан тортиб то энг оддий одамларгача меҳрибон эди.

Бир кун сақо (сув сотувчи) келиб Вафо Ҳазратларининг ҳузурида тиз чўкиб ўтирди. Сув сотувчининг маҳзун ва ғамгин кўринишидан бир дарди борлиги билиниб турарди. Вафо Ҳазратлари сақодан сўради:

– Болам, бирор ғам, дардинг борми?

– Йўқ, афандим, қандай айтаман, – деб жавоб берди сув сотувчи.

– Болам, гапиравер, уялма, дардингни айт, – деди Вафо Ҳазратлари.

– Ҳазрат, сизнинг фарзандингиз менинг мешларимни тешди. Бугун олтинчи мешни жуволдиз (бигиз) билан тешди. Биласиз, фақир одамман, нима қилишни билмай қолдим, – деди сақо.

— Хафа бўлма, болам! Мен бир чорасини топаман. Ҳозирча мана бу пулга меш сотиб ол. Мен ушбу хунук ишнинг сабабини билай, — деди Вафо Ҳазрат.

Сувчи баттар сиқилиб, бўйнини эгиб чиқиб кетди. Вафо Ҳазратлари мулоҳаза қилиб, ўйлаб ўйига етмайди, нега фарзанди бундай қилиб қўйди? Сўнг хотинини чақирди ва:

— Хотин, кел, бир мулоҳаза бор. Бизнинг ўғлонимиз сув ташувчининг мешларини бигиз билан тешибди. Бу хунук иш нега содир бўлди? — деди.

— Сиз олиб келасиз, биз еймиз. Ҳаром нарса олиб келинса, сиз олиб келасиз, барча гуноҳ, айб сиздадир, — деб жавоб берди аёл.

Вафо Ҳазратлари хотинининг феълини билгани учун: «Мен ўйлаб топа олмадим, хатоимни билмадим. Майли, сен ҳозир борда, яхшилаб ўйлаб кўр. Бу айб ё менда, ё сенда», деди.

Хотин Вафо Ҳазратлари ҳузуридан чиқиб кетди, бир оздан сўнг қайтиб келди ва:

— Ҳазрат! Менинг эсимга тушди, — деди ҳаяжонланиб. — Мен ўғлимизга ҳомила эканимда фалончи аёлларникига меҳмонга борган эдим. Ўшанда уларнинг уйида бир пўртахол (апельсин) кўрдим. Катта ёшдаги қария оналардан «агар ҳомиладор аёлни кўнгли бирор нарсани тусаса ва агар уни тотиб кўрмаса, туғиладиган боласи бир ожизлик ила туғилади» деб эшитгандим. Мезбондан сўрашга тортиндим, айб ҳисобладим. Боламнинг бирор аъзосига путур етмасин, деб қўрқиб, уй эгаси аёлдан бир пиёла сув сўрадим. У сувга чиқиб кетганида ёқамдаги тўғноғични олиб хонтахта устидаги пўртахолга игнасини тиқиб яладим, — деди.

— Офарин хотин! Мана ҳозир сенинг хатоинг маълум бўлди. Тез бориб ул аёлдан узр сўра, деди Вафо Ҳазратлари.

— Вой, афандим, айб бўлмайдими, — эътироз билдирди хотини. — Унга нима дейман. Шу арзимас ишдан нима бўларди?

– Йўқ, хотин! Ул аёлдан бориб ҳалоллик тила! Эгаминг олдида бировнинг ҳақини катта-кичиги бўлмайди. Биласанми, нима бўлди? Бизнинг фарзандимиз ҳозир олти ёшда. Ўша воқеадан сўнг бир неча йил ўтгач, сенинг тўғнағичинг ўғлинг қўлида бигиз бўлди. У пўртахол эса сув сотувчининг меши бўлди. Сен қилган хунук иш давом этмоқда, – деб уқдирди Вафо Ҳазратлари.

Изоҳ ва ўгит

Эй, Аллоҳ деган мусулмон! Яхшилаб, диққат билан эшит. Бола ўстириш қандай қийин иш!

Болаларининг турли ахлоқсизликларига бепарво, шуурсиз оталарнинг қулоқлари очилсин!..

Бизнинг ўғлимиз отасига «бобой», онасига «кампир» дейдиган хайрсиз авлод бўлди, деб ич-ичларидан эзиладилар, изтироб чекадилар. Нега ўғлимиз бундай ўсди, деб сабабини истамаймиз. Ўғлининг динсизлиги, қизининг бадфеъллигининг сабабини суриштирмайдилар. Нега? Чунки унда оромлари йўқолади. Роҳатларидан айриладилар. Улар фақат фарзандларини дунёга келишлари учун бир воситадирлар холос. Авлодларига нисбатан қиладиган барча хизматлари фақат шундан иборат. Бошқасини тушуниш улар учун қийин бир ишдир.

Эй, ота! Ўйлаб кўр! Агар шундай бўлса, бу дунёда сенинг ҳакқинг ҳузурсиз ҳаётдир, охиратда эса жаҳаннам ҳаётидир. Бунга хўп яхши тайёргарлик кўрибсан! Ҳикояларни ўқи, ибрат ол, бўлмаса ҳолин-харобдир.

Ҳаёт фақат шундай ўтади, деб ўйлама. Ҳали охират бор. Яна авлод хақида жавоб берасан. Бу ерда кечқурун уйга келиб еб ичиб, ётиб кетиш бор. Сенинг ўғлинг онасига «кампир», сенга «бобой» дер эди. Сўрасам, «беҳузур бўламан», дединг.

Эй, мусулмонман, дейдиган қардош! Сендай уйга келиб, ётиб кетишни Вафо Ҳазратлари билмасмиди? Нега у

сабабини суриштирди, истади? Ва сабабини билди. Сен ҳам тушун! Нега ўғлинг, қизинг бундай? Сабабини иста!..

МЕНГА ОЗГИНА СУВ БЕР

(болаларига тарбия бермаган отанинг бошига тушган ишлар)

Бир вақтлар маҳаллада бадавлат одам яшар эди. Бу одамнинг иккита ўғли бўлиб, улар тантиқ болалар эдилар. Қўшниларидан бири кекса, оқил, яхши ахлоқли, ҳаммага меҳрибон зот эди. Бир кун оппоқ соқолли, кекса одам болаларнинг отасига:

– Қўшни, шу ўғилларингизга бир оз тарбия берсангиз сиз учун жуда яхши ва хайрли бўлади. Тарбия олган болалар гўзал ахлоқли бўладилар. Кейин менга раҳмат дейсиз. Мен кексайиб қолган, аччиқ-чучукни тотиган, тажрибали одамман. Сиз ҳали ёшсиз, тажрибангиз ҳар ҳолда оз. Болаларингизга таълим-тарбия ўргатувчи устоз топинг, уларга ахлоқ, одоб, тарбия, дин, фазилат дарсини берсин. Шундан кейин сиз роҳат кўрасиз ва менга раҳматлар айтиб эслаб юрасиз, – деди.

Болаларнинг отаси бадавлат бўлса ҳам ҳаётий тажрибаси оз, бир мунча пули бўлгани билан ақли унча ўткир, фаҳми кучли бўлмаган бир одам эди. Чунки у ҳали ёш эди. Аммо бир оз дунё тўплаган эди. Шул сабабдан у аччиқ-чучукни тотган, кекса қўшни насиҳатларига бундай жавоб берди:

– Мен фарзандларимизга кўп давлат тўпладим. Бул мерос уларга бемалол етади. Дин дарсларига, ахлоқ дарсларига эҳтиёжлари йўқ.

Орадан ўн-ўн беш йил ўтди. Бир куни ўғиллари билан биргаликда дастурхон атрофида ўтириб, ул одам:

– Ўғлим, менга озгина сув бергин, – деди. Кичик ўғил отасига:

– Ота! Сув олдингизда турибди, ана пақир, ана чўмич, – деди.

Укасининг отасига қилган бу муомаласини тўнғич ўғли қўпол деб ўйлади шекилли:

– Ота, сен бу ўғлингнинг феъли, ахлоқи қандайлигини яхши биласан. Унга айтиб ўтирмай, шундай туриб ёнингдаги челакдан чўмичда сув олиб ичақол-да, менга ҳам бир чўмич сув бер, – деди.

Изоҳ ва ўгит

Болаларининг бу муомаласидан ниҳоятда кўнгли оғриган ота бир онда ғафлат уйқусидан уйғонди ва шу заҳоти бир вақтлар ўзига ўгит берган одобли, кўпни кўрган кекса қўшнисининг сўзларини эслади. Афсус қилди, лекин болаларини тарбия қилиш вақти ўтган эди. Ота-боболаримиз: «Дарахт ниҳоллигида эгилади, фарзанд ёшлигида тарбияланади», деганлар.

Бу хилдаги одамлар ҳикоядаги одамга тенг келадиган савияга эгадирлар. Ақл ақлдир. Ақллиларга бир сўз айта олмаймиз. Атрофдаги ҳодисалардан ибрат олмайдиган аҳмоқларга ҳам айтадиган бирор сўзимиз йўқ. Ибрат соҳиби бўлганлар қандай бахтли одамлар!..

Тарих такрордан иборат дейдилар. Ҳозирги замонда ҳам фарзандларига тарбия бермаган отанинг ҳоли ундан баттар бўлиши ҳеч гап эмас. Ҳатто, ахлоқсизликда, динсизликда ул заволли, бахтсиз отадан юз минглаб маротаба бахтсиз бир аҳволда бўлиши мумкин.

ҚИЗ ФАРЗАНД ЎСТИРИШ ВА ЖАННАТ

Қизини қадрлаган отанинг ҳикояси
Ҳар кимки уч қиз фарзанд ўстириб, уларни турмушга бериб, уларга яхшилик қилишини давом эттирса, ул кимса жаннатидир.
(Ҳадиси шарифдан)

Бир вақтлар давлатманд ва жуда диндор одам яшаган экан. Бу одам илмли, кўпни кўрган мусулмон бўлиб, фарзанд тарбиясида динга мос, уйғун иш олиб бораркан.

Ўзи динни жуда севгани каби, динни яхши билар эди. Шунинг учун фарзандларига яхши ўрнак бўла олар эди. Хушфеъл, хуш хулқ бу мусулмонни атрофдагилар жуда ҳурмат қилишар, яхши кўрардилар. Хотини, болалари ҳам уни жуда севар эдилар. Бу одамнинг икки ўғли ва бир қизи бор экан.

Қизини бир мусулмон, диндор йигитга турмушга берибди. Куёви диндор ва жуда ахлоқли йигит бўлгани учун қайин ота тарафидан жуда севимли куёв бўлди.

Қизнинг укалари атроф-муҳитнинг ёмон таъсирида қолибми ёки жуда ёш бўлганлариданми, оталари поччаларини бунчалик яхши кўришига ғайрлик қила бошладилар.

Ўғилларидан бири онасига бир кун:

– Онажон, отам ҳадеб «куёвим, куёвим» дегани-деган. Ҳамма вақт поччамиз уйга келганида турли ширин овқатлар қилинади. Отам «куёв ундай, куёв бундай», деб мақтайди, холос. Куёв шундай яхшими? – деди.

Исломни жуда яхши биладиган, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳаётини яхши ўқиб, ўрганган, ўғилларининг динга хилоф ишларидан кўнгли оғриган бу оқил ота бир кун кечки овқатни еб бўлганларидан кейин болалари туриб кетмай, хотинига:

Хотин, эртага шохли оқ қўйни сўйдир. Гўштидан беш-олти хил овқат пишир. Яхшилаб тайёрлан, эртага кечқурун энг қадрли меҳмонлар куёв билан қизимиз келишади, — деди.

Ўғилларининг юзлари аввал оқариб, сўнг қизариб кетди. Аммо бирон сўз демадилар.

Эртаси кун қўзи сўйилиб, турли-туман гўштли овқатлар пиширилди, ширинликлар тайёрланди. Кечки пайт куёв билан кизлари келди. Турли тотли овқатлар ейишди, шарбатлар, айронлар ичишди. Овқатлар еб бўлиниб, дуо ўқилгандан сўнг дам олиш хонасига ўтдилар. У ерда қаҳва, чой ичилди. Ҳамма тўпланиб ўтирганда, ота:

— Ҳаммамиз шу ердамизми? — деди.

— Ҳа, ҳаммамиз шу ердамиз, — дедилар оила аъзолари.

Ота қизига ўгирилиб, дўқ қилиб:

— Қизим, қани сен чиқиб бир ўйнаб келгин-чи, — деди.

Киз бу муомаладан кўрққанидан эрига яқинроқ ўтириб ўнга суянди.

Бор ўйнаб кел! деб ота қайтарган эди, қиз эрининг пинжига кирди ва:

— Қаерга бораман, ўйнагим келмаяпти, — деди-да, эрининг қўлидан ушлади. Оталарининг бундай муомаласидан қўрқиб кетган оила аъзолари «унинг асаби бузилиб қолибди», деб ўйладилар. Ҳамма шошилиб хонадан чиқиб кетмоқчи бўлиб турган эди, ота катта ўғлини тўхтатиб:

Ўғлим, шошилма, менга қара. Бу қиз менга ким бўлади-ю, сенга ким бўлади? Мен унга кимман, сен унга кимсан? — деди.

— Сиз унинг отасисиз, мен укаси, жавоб берди ўғил.

— Эй, менинг ақли тўлишмаган ўғилгинам, куёвимни, поччангни нега яхши кўришимни биласанми? — деди ота. — У бизнинг номусимизни қўриқлайди. Қизимизни, опангни, фарзандимизни, болажонимизни ҳимоя этади. Аслида мен қизимни ҳимоя этишим керак, лекин ҳозир у ҳимоя қиляпти.

Мен уни яхши кўрмай, кимни яхши кўрай? Қизимни жуда яхши кўрганим учун куёвимни жуда яхши кўраман. Куёвимни севиш қизимни севиш демакдир, қизимни яхши кўришим, куёвимни яхши кўришимдир. Агар қизимга куёвим қарамаса, мен қарашим керак бўларди. Севикли ўғилларим, кўзим нурлари! Номуснинг нималигини сизларга ўргатдим. Мен қандай бўлсам, сиз ҳам шундай бўласиз. Опангиз сизнинг номусингиздир. Мен ўлсам, поччангизга бир гап бўлса, опангизга сиз қарайсиз, унинг номусини сиз қўриқлайсиз. Шундай экан, менинг айтганимга қулоқ солиб, поччангизга меҳр ва ҳурмат кўрсатасиз. Ҳақиқий мусулмон шундай бўлмоғи керак. Мусулмонликда қариндошлик ришталарини учиш жаҳаннамга чипта олиш билан баробар. Қариндошга меҳр кўрсатганлар Жаннат юзини кўрадилар.

Икки ўғил хижолат чекиб, оталаридан узр сўраб қўлларини ўпдилар.

Отажон, биз онамизга ҳазиллашган эдик. Поччамизга бирор нарса деганимиз йўқ. Сиз ҳозир тушунтирганингиздай нозик ва тўғри тушунмас эдик. Поччамизнинг қадр-қимматини, онамизнинг қадрини билмас эдик. Бу ўгитингиз биз учун жуда яхши бўлди, уни ҳеч унутмаймиз. Бизни авф этинг, – дедилар, ўғиллар оталарининг гапларини тўғри тушуниб.

Изоҳ ва ўгит

Эй, динни севгучи мўмин! Динларини астойдил севгучи оталар болаларини худди шундай тарзда тарбия қиладилар. Суюкли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг амрлари, ўгитларига амал қиладилар. Болаларга насиҳат қилиш, ўрнак бўлиш, уларни гўзал тарбия билан ўстирмоқ Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак тавсияларидир.

Қизларига яхши тарбия бериб турмушга чиқариш, кейин уларга яхшилик қилишни давом эттириш ҳақ йўлида бўлмоқ демакдир.

Мусулмонликда қиз авлод, эркак авлоднинг фарқи йўқ. Ҳатто, қиз авлодга нисбатан бир қадар меҳрибонлик, ҳассослик, шафқат бор.

Севикли Пайғамбаримиз (с.а.н.)нинг ушбу Ҳадиси шарифида ана шу назокат, меҳрга ишорат бор.

«Ман ала саласа банатин фаъаддабаҳунна ва завважахунна ва аҳсана илайҳинна фалаҳул жаннаҳ». Маъноси: «Кимки уч қизни ўстириб, тарбиялаб ва турмушга чиқариб ва яхшилик қилишни тўхтатмаса, ул жаннатидир». Бошқа бир ҳадисда: «Ҳар кимки, икки қизни тарбия қилиб ўстирса, қисмат куни мен ва у жаннатда ёнма-ён бўламиз», деб айтар эканлар Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак бармоқларини бир-бирига теккизиб «шундай ёнма-ён» деб кўрсатгандилар. Динимиз Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нинг бу амрларини билган ҳар бир диндор, эс-ҳуши жойида оталар болаларини ажратмасликлари, ҳатто қиз фарзандларига тузукроқ эътибор бериб тарбиялашлари уларнинг ўзларининг манфаатларидадир. Севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳаётини ўқиган ва буюк авлиёуллоҳларнинг ҳаётларини ўқиган мусулмонлар қиз авлодни ўстириб тарбия бериш жуда савоб иш эканлигини яхши билиб тушунадилар.

Севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳазрат Фотима волидамизни қандай ўстириб, тарбия қилганлар? Мусулмонман деган ҳар бир авлод соҳиби (ота) шундай бўлиши ўзининг манфаатида эканлигини тушунса, қиз фарзандларнинг қадр-қиммати намоён бўлади.

Қизини турмушга чиқариб, ундан алоқасини узган ота яхши ва ҳақиқий мусулмон эмас. Ҳақиқий мусулмон — қиз фарзандини ҳам астойдил тарбиялайди, ҳам турмушга беради, ҳам кейинчалик унга меҳрибонлигини кўрсатиб туради. Буларнинг ҳаммаси дин мезонидадир. Бу қиз, бу куёв деб бепарволик қилиб, улардан узоқлашган, қизи, куёвидан хабар

олмайдиган ота, тўғриси, жаннат юзини кўрмайди. Жаҳаннамга ўтин бўлади. Зотан, бундай ишлари билан у ўтиндан фарқ қилмайди. Фарзанди, авлоди қадр-қимматини билмаган, авлодига муҳаббати бўлмаган, авлодини ёмон йўлдан қайтармаган, тўғри йўлга бошламаган ота ҳақиқий, чин мусулмон эмас.

Бу қандай жоҳиллик, бу қандай аҳмоқлик! Эй инсон, модомики, куёвингни севмасанг, у ақлли-ҳушли одам бўлмаса, ахлоқи яхши бўлмаса нега жигар поранг, кўзинг нури қизингни унга бердинг? Жаҳаннамда ёниб сен бунинг жазосини олмайсанми? Модомики бўлар иш бўлибди, сен ҳеч бўлмаса инсонийлигинг билан, хушфеъл ва намунали одобинг билан ул адашган одамни тўғри йўлга киргиз, токи сенинг фарзандинг ҳам роҳат кўрсин. Қандай қилиб ёш аёлни икки ут ўртасига ташлайсан?

Мен қарши эдим, ўзи кетди, ўзи шундай қилди, деб айтишинг мумкин. Унда сенинг айбинг аввалгидан ҳам кўпроқдир. Сен ўз вазифангни адо этмагансан. Қизингга яхши бир Ислом тарбиясини бермагансан. Ўзинг ўрнак бўларли бир мусулмон ота ёки она бўлмагансан. Табиийки, қизинг ҳам ўрнак бўларли бир ислом қизи бўла олмаган. Шундай бир бало бошингизга келган. Бунинг учун фарзандингнинг соҳиби бўл. Ўрнак бўла оладиган бир ислом ота-онаси бўл! Бизга тушган вазифа — билганимизни айтиш ва ёзиш. Тўғри йўлга солиш, қадрини билиш сендан.

Ота-боболаримиз: «Марҳамат (меҳр) имондандир», «Марҳамат этганга марҳамат этгувчи ҳам кўп бўлади», «Шафқатсиз одам, шафқат кутмайди», «Меҳрсиз — меҳр кўрмайди», «Меҳрсиз кишиларнинг меҳрибони бўлмайди», «Сенга тош отганга овқат от (нон бер)», деганлар.

Бу мезонларнинг, одобларнинг имон билан кучли боғлиқлиги бор. Бу одоб, мезонлардан узоқ бўлганларнинг жаҳаннамда ўз жойлари бордир.

ОТА-ОНАГА ҚЎЛ КЎТАРМОҚ ДИНСИЗЛИК АЛОМАТИДИР

Бир дўстим айтиб берган эди. У эса бошқа бир ҳожа афандидан эшитган экан. Ул ҳожа қайсидир қишлоқдан ўтиб кетаётиб йиғлаб ўтирган кекса одамни кўрибди ва ундан сўрабди:

– Бобо, нега йиғлаяпсиз? Бирор дардингиз борми?

– Мана, 80 йилдирки, – жавоб берибди қария, – дунё машаққатлари ва ташвишларини тортаман. Болаларимни минг бир азоб билан ўстирдим. Қизим бор эди, хайрсиз чиқди. Ўғлимни аскардан келганидан сўнг уйлантирдим. Келиним қўлидан бир пиёла чой ичмадим. Келин: «Чол, мен сенинг ажин босган, хунук нусхангни кўргани бу ерга келган эмасман», деб менга озор беради. «Ўғлингни гапирасан. Ўғлинг ажойиб. Дунё бир ёнда, эрим бир ёнда. Агар у бир луқма овқат берса ейсан, бермаса рўза тутасан, эй сен, чол», деб таъна қилади. Мен ҳайвон эмасман-ку! – деб чол яна йиғлабди, чолнинг икки кўзи икки булоқ бўлибди.

– Бошқа борадиган ерингиз йўқми? – сўрабди ҳожа.

– Қаерга ҳам бораман, бошқа бошпанам йўқ. Кеча ўғлимдан пул сўрадим, икки шапалоқ уриб чақа берди-да, «бу ердан даф бўл, сени кўзим кўрмасин», деб ҳайдади.

Ҳожа охири чолдан сўрабди:

– Ўғлингиз ибодат қиладими?

– Қаёқда! Ҳайит намозига ҳам бормайди, – деб жавоб берибди чол.

Изоҳ ва ўгит

Бу ҳикояда баён этилган дард-алам динсиз давраларда кўп учрайдиган бир ҳолдир. Фарзанднинг ота-онани хор қилиши диндор муҳитларда ҳеч учрамайди. Бу ота-онани хор

қилганлар аксарият диндан бебаҳра қолган, заволга учраганлар ишидир.

Баъзи одамлар, жаҳолатлари ёки совуққонликлари сабабли фарзандларига тарбия бермайдилар, динни ўргатмайдилар, натижада авлодлари ё динсиз ёки жоҳил бўладилар.

Буларнинг иккиси ҳам (динсизлик ва жоҳиллик) оқибатида лоқайд отанинг бошига жазо, авлод (фарзанд) таёғи бўлади.

Ота-онани қаровсиз қолдирган авлодни энг «гўзал» жаҳаннамнинг оловли оташи тарбиялайди. Болаларининг моддий таъминоти, маишати, уларга турли-туман йилтироқ кийимлар кийдириш, қайта сотиш учун люкс машиналар олиб бериш учун кеча кундуз тинмайдиган оталар, фарзандларининг диний, маънавий тарбиясига эътибор бермайдиганлар қаторига киришларини била олсайдилар, заррача тушуниб англасайдилар.

Ўғлининг овқатини ўйлайдиган ота нега унинг дини учун жон куйдирмайди? Бундай оталарнинг жазоси қандай бўлади? Жавоб беринг! Таёқ! Фарзанд калтаги...

Охиратда эса жаҳаннам оташи, гуркираб ёнган жаҳаннам гулхани уларнинг жазоси бўлади. Болаларига тарбия бермаган, ота-она қадрини англатмаган, Яратган Пайғамбар кимлигини, дин, имон, ҳаром, ҳалол, савоб-гуноҳ нималигини ўргатмаган отанинг бу дунёда кўрадиган жазоси фарзанд калтагидир. Охиратдаги жазоси эса шиддатли, куйдиргувчи оташи бўладир.

БИР ГЎДАК БОЛА УЧУН ВАЛИ (ҲОКИМ)ЛИКДАН ҲАЙДАЛДИ

Ўзининг авлодига марҳамат этмаган, халқимизга марҳамат этмайди

Ҳазрат Умар (р.а.) мўминларнинг Халифасидир.

У бутун мақсад ва ғоясини ислом адолатини ер юзига танитишга бағишлагандир. Ҳазрат Умар бир ҳокимни

тайинлаганди. У ҳокимлик авроқини (шаходатини) олмоқ учун Халифа Ҳазрат Умар (р.а.)нинг ҳузурига келди. Ул валиликка номзод ўз ҳужжатини олган вақтда бир бола кириб келиб, Халифанинг қучоғига бориб ўтирди. Халифа Умар (р.а.) ҳам болани хуш кутиб олиб юзидан ўпди.

Ҳокимликка номзод боланинг Халифа яқинларига алоқаси йўқлигини билиб, ўз ақлига кўра ҳовлиқиб:

– Ё Амирал Муъминин! Сиз болаларни севиб упасизми? Менинг роса 9 та фарзандим бор, уларнинг ҳеч бирини шу кунга қадар қучоғимга олиб эркалатмаганман, – деди.

Буни эшитган Ҳазрат Умар (р.а.):

– Қани ҳокимлик ҳужжатингни бир кўрай, – деди ва ундан варақани олиб йиртиб ташлади:

– Сени валилик (ҳокимлик)дан четлатдим. Кимки ўз авлодига марҳамат этмаса, ҳеч қачон халқимизга ҳам марҳамат қилмас, – деди ва уни ўз ҳузуридан қувиб чиқарди.

Изоҳ ва ўгит

Ҳазрат Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг мактабларида етишиб чиққан адолат қуёши Ҳазрат Умар (р.а.)нинг мезони, албатта, марҳамат ва шафқатдир. Ҳазрат Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг дунёга шараф бериши (келтириши) раҳмат учундир. Шунинг учун шафқат ва марҳаматнинг бу азиз диндаги қадри жуда юксак ва тамал қадар қиймати бордир (бир асос бўлишга лойиқдир).

ИМОМ АЪЗАМНИНГ ОТАСИ ВА АРИҚДА ОҚИБ КЕЛГАН ҚИРМИЗИ ОЛМА

Имом Аъзам Ҳазратларининг оталари Собит Ҳазратлари йигитлик чоғларида, ёшликнинг баҳор мавсумида эканларида бир оқар сув бўйида таҳорат қилар эдилар. Таҳорат олиб, дуоларини ўқиб, артиниб сув оқишини завқланиб томоша

қилар эканлар, сувнинг устида қирмизи, холдор чиройли олма оқиб келаётганини кўриб қолдилар.

Чиройли, қирмизи олманинг гоҳ сувга ботиб, гоҳ юзага чиқиб тўлқинланиб оқаётган сувда қалқиб келиши Имом Аъзамнинг отасини жуда завқлантирди, у олмани тутиб олиб тишлади. Бир тишлагач, олма мазасини билибоқ хушига келди ва:

— Мен нима қилиб қўйдим! Бу олманинг, албатта эгаси бор. Ўзимники бўлмаган бир нарсани қандай қилиб эгасининг изнисиз тишладим, — деди.

Ўз ғафлатларидан шул он уйғондилар-да, сув оқиб келган томонга юрдилар. Бир оз юргандан кейин сувга эгилиб тушган, шохларида жуда кўп олма бўлган дарахтни кўрдилар. Қўлларидаги тишланган олмага қарасалар дарахтдаги олмаларга ўхшайди. «Мен тишлаган олма шу боғники экан», деб боғ соҳибини чақирдилар. Ва ҳалоллик тилаб бундай дедилар:

— Бу олма сизнинг дарахтингиздан тушганга ўхшайди. Ариқ бўйида таҳорат қилиб ўтирган эдим, олма оқиб келаётган экан. Мени ғафлат босиб олмани тутиб олиб бир тишладим. Шундан кейин ғафлатдан уйғонганимда, бу олманинг эгаси бўлса керак, ундан ё ҳалоллик тилай ёки унинг ҳақини берай, деб сизни истаб келдим. Сиздан розилик сўрайман, олманинг ҳақини бераман ёхуд бу ғафлатим сабабли сиздан рухсат олмай, фикрингизни билмай қилган хатоимни кечиришингизни сўрайман ва олмани ҳалол этишингизни истайман.

— Ҳеч ҳалол этмайман! Нега мендан сўрамай, рухсат олмай олмани тишладинг? — деди боғ эгаси.

— Омонлик беринг! Илтижо қиламан, ёлвораман. Олмангизнинг пулини бераман, бўлмаса бир ишингизни қилиб бераман, — деб ёлворди Имом Аъзамнинг отаси.

— Уч йил менга хизмат қиласан, шундан кейин ўйлаб кўрамиз, — деб жавоб берди боғ эгаси, — бу олмани ҳалол этишнинг бирдан-бир чорасидир.

Ҳазрат Собит «хўп» дейди. Бир онлик ғафлати, олмани берухсат тишлагани, биргина сўзи учун уч йил хизмат қилади!.. Аммо бошқа иложи йўқ. Бир тишлаган олманинг сувини ютинган эди. Буни ҳалол этиш керак. Ул олма боғ соҳиби анча бадавлат одам эди. Имом Аъзамнинг отаси шартга рози бўлди. Уч йил хизмат қилади, сўнгра ўйлаб кўради.

Ҳазрат Собит бу боғ ишлади. Охирги кунлари «яқинда уч йил тўлгач, ҳалолланиб, уйимга бораман», деб ўйлай бошлади.

Уч йил тўлган кун у боғ соҳиби ҳузурига бориб: «бугун уч йил тўлди, ҳаққингизни ҳалол этинг, мен кетай», деди.

— Ҳаққимни бир шарт билан ҳалол этаман. Уч йил ўтгач «ўйлаб кўрамиз» дегандим. Ўйлаб кўрдим, яна бир кичик шартим бор, уни ҳам бажарсанг, ҳаққимни ҳалол этаман. Менинг бир қизим бор. Кўзлари кўрмайди, қулоқлари эшитмайди, қўллари ишламайди, оёғи йўқ — юрмайди. Агар унга уйлансанг, ҳалол этаман, бўлмаса йўқ, — деб жавоб берди боғ соҳиби.

Имом Аъзамнинг отаси Ҳазрат Собит «хўп» деди. Тўй тайёргарликлари кўрилди, зиёфатлар берилди, никоҳ ўқитилиб куёв гўшангага кирди. Қараса, соппа-соғ бир келин ўтирибди. «Бўлмайди, бу ерда бир янглишлик бор», деди у ўзига.

Балки бирор ҳийла бордир. Шу фикрлар билан ота ҳузурига борди ва:

— Отажон, сиз менга кўр, тили йўқ, қўли ишламайдиган, оёғи йўқ, юрмайдиган бир қизим бор деган эдингиз. Ҳолбуки, соппа -соғ бу дунё гўзали — бир келинни кўрдим, — деди.

— Шундай ўғлим, — жавоб берди қайин ота, — менинг сўзларимга яхшилаб қулоқ сол. Менинг қизим ҳаромга қарамайди; шунинг учун кўр, ҳаром сўзларни эшитмайди, шунинг учун кар, қўлини ҳаром нарсага чўзмайди, шунинг

учун қўли ишламайди, ҳаром жойларга бормайди, шунинг учун оёғи йўқ, ҳаром сўзларни сўзламайди, шунинг учун тили йўқ. Буларнинг барини мажозий маънода сўзладим, қизимга сенга ўхшаш бир имон аҳлини истар эдим-ки, унинг қалбида Аллоҳдан қўрқинч бўлсин, ўзини ҳаромлардан сақласин. Яратганнинг ман этган нарсаларидан тийсин, қизимга ва ундан бўлғуси набираларимга ҳаром едирмасин. Ҳақ-ҳуқуқини билган, имони комил сендай куёв истардим, Яратган сени менга кўрсатди. Сен бир тишлам олма сувининг ҳалоллигини тилаганингда сени қалби пок, виждонли одам эканлигингни тушунган эдим. Фақат сени имтиҳон этишим керак эди. Уч йилдай узоқ муддат сени синадим. Сенинг хатти-ҳаракатингни кузатдим, мен истаган, орзу этган сифатлар сенда мавжуд. Шунинг учун жигарпора фарзандим – қизимни сенга узатдим. Хайр, бир-бирингиз билан бирга қўша қаринг!

Изоҳ ва ўгит

Имом Аъзам шундай ота-онадан дунёга келди.

Имом Аъзам болалигида уч кунда Қуръони Каримни хатм этди ва югуриб уйига борди-да, онасига:

– Онажоним! Бугун Қуръони Каримни хатм этдим. Уч кунда Қуръонни ўқиб бўлдим, – деб унинг бўйнидан қучди.

– Ўғлим, – деди онаси, – агар отанг ул олмани тишламаса эди, сен бир кунда Қуръони Каримни хатм этган бўлардинг.

Бир тишлам олма учун уч йил хизмат қилинади, уни ҳалол қилишга интилинади. Аммо рухсатсиз, бир ғафлат ила тишланган олма фарзанднинг Қуръони хатмини икки кун кечиктиради.

Эй ҳожаи ислом!

Қизлари учун аҳли номус, аҳли виждон бўлган бахтиёрлар... Келсинлар-да XX асрнинг мусулмонларига бир боқсинлар. Қиз берувчи: «Унинг мавқеи қандай? Қанча пули бор?

Уйлари, машиналари борми? Агар булар бўлса, куёв бўлажак йигит қандай бўлса ҳам майли!.. Хоҳ ҳаромзода, хоҳ... Бирор бойвачча бўлса бўлди!» Инсонийлик қани?

Туйдан сўнг уч кун ўтгач сўрасанг, бундай жавоб қилади: «Оҳ! Воҳ! Дўстим сўрама, қизимни бир виждонсизга берган эканман. Бизнинг гуноҳимиз борми? Бизда нима айб?» Эй, бадбахт инсон! Сен жаҳаннам ўтига тушасан! Шу сенга лойиқ жазо. Бир тишлам олма учун уч йил хизмат қилган бир фақирга ўзининг жигарпораси, севикли қизини ўз оғзи билан таклиф этиб, уни олсанг, ўша бир тишлам олма ҳалол бўлади, деган бахтиёр мусулмоннинг ақли сенинг ақлингчалик йўқмиди? У суюкли қизини сенга ўхшаб боғ-роғли, кошона уйли, шон-шуҳратли, муҳташам аравали бир куёвга беришни истамасмиди?

Ислом динида фақат шараф, қадр-қиммат мезон бўла олади: «Инна акрамакум индаллаҳи аткакум». Маъноси: «Яратган назарида энг шарафлиларингиз Яратгандан энг кўп қўрққанларингиздир». Ўзини билган динини севади, динини севган унинг шартларини бажаради, шартларини бажарган халққа хизмат қилади. Халққа хизмат қилган, ҳаққа хизмат қилади, халқни севмак ҳақни севмакдир. Ҳақни севган ўз вазифасига бефарқ қолмайди. Ҳақни севмаган инсон бошига ўн миршаб келса ҳам у қиладиган ишини қилаверади. Бири риё қилади, бири зино, бировларнинг номусига тажовуз қилади; бири ичкилик ичади, қимор ўйнайди, бири ҳийла-найранг билан машғул бўлади, ёлғон гапиради, муштарий-харидорни алдайди, соғлом мол деб, касалини сотади. Буларнинг қайси бирини миршаб ушлай олсин. Замон шундай ёмон бўлди. Ҳаёт шундай бўлди! Амирлар шундай, маъмурлар шундай. Шундай бўлиши табиийдир. Сенга ўхшаш ҳақ-ҳуқуқ танимаган мусулмоннинг бошига яна нималар келар экан? Сен ҳақиқий мусулмон бўлсанг

ЯХШИ ФАРЗАНД «ЁСИН» СУТИ БИЛАН ЎСАДИ

Олижаноб, диндор аёл бир боласига чақалоқлигида ёсин сути берар экан. Яъни янги туғилган чақалоғини эмизиш вақти келганда, худди ибодатдан олдин таҳорат олгандай покланиб, чақалоғига кўкрагини тутиб, у эмишни бошлагунича: «Бисмиллоҳ Ёсин вал – Қуронил – ҳаким» деб сурани ўқишни бошлаб, то охиригача ўқирди. «Ёсин» сураси ўқиб бўлинганда чақалоқ ҳам эмишни тўхтатарди, онасининг кўкрагидан ўзини тортар эди.

Ўғилларининг ахлоқ ва фазилат ила ўз муҳитида севиладиган кимсалар бўлганларини кўргунча бу мусулмон она доимо Яратганга ҳамд айтар, шукр қилар ва ўғилларига:

– Эй ўғил, барча яхшиликларнинг ҳаммасини ўзимдан деб ўйлама. Мен сени «Ёсин» сураси билан эмизар эдим. «Ёсин» сураси ила ўстирдим! – деб оналик бурчининг фарзандга бўлган таъсирини тушунтирди.

Изоҳ ва ўгит

Эй, инсон! Бу ҳикояда буюк ибрат дарси бор. Ана шундай исломий тарбия билан улғайган болаларнинг ҳаммаси Тангрини ҳам, Пайғамбарни ҳам биладилар, бу болалар ватан, миллат учун, ўз муҳити учун фойдали, қадри баланд инсон бўладилар. Бундай фарзандлар оналарини бошларига кўтарадилар. Аммо оналик вазифаси – бурчини адо этмаганлар номигагина она, бола калтагига дучор бўладилар.

ОНАСИНИНГ ТИЛИНИ ТИШЛАБ, УЗИБ ОЛГАН ФАРЗАНД

Ўз вақтида фарзандига тарбия бермаган она, дили вайрон бўлиб жазосини тортади. Ҳикоя бундай:

Уч-беш ёшли бир гўдак қўшнисининг уйидан тухум ўғирлаб онасига олиб келиб беради. Ҳаром, ҳалолни билмаган жоҳил она тухумни боласи қўлидан олиб унга:

— Менинг ақлли ўғлим, сенга офарин, — деб пешонасидан ўпди.

Бола шу кундан бошлаб ҳар куни ёки кунора қўшнисиникидан тухум ўғирлаб чиқа бошлади.

Йиллар шу тарзда ўтди. Бола ёшига қараб ўғриликни давом эттирди. Тухумдан товуққа, товуқдан хўрозга, хўроздан қўйга ўғирлик қилиб ҳаромзода бўлиб етишди. Аввалги тухум ўғриси бўлган бола ашаддий каззоб ўғрига айланди. Чидаб бўлмас бир ҳолатга келди. Ўғрилик, каззоблик билан юриб бир кун жуда қабиҳ жиноят қилиб қўйди. Қонун уни ўлим жазосига маҳкум этди.

Ўғлининг ўлимга маҳкум этилганини эшитиб, она адлия маҳкамасига келди ва фарёд қила бошлади. Юзини тирнаб, сочини юлиб йиғлади. «Менинг бу ҳаётда ўғлимдан бошқа ҳеч кимим йўқ, унга омонлик беринг, озод этинг», деб ёлворди.

Қамалган йигитдан сўрадилар:

— Сенинг охирги истагинг борми?

Аввалдан ҳукм этилганларнинг сўнгги арзларини эшитиш одат бўлган, шунинг учун ундан ҳам сўнгги арзини сўрадилар. Маҳкум бундай деди:

— Бир кичик тилагим бор. Суюкли онажонимнинг муборак тилларини ўпишни истайман, шул истагимни қондирсангиз.

Маҳкумнинг истагини адо этиш учун онаси унинг олдига келиб:

— Суюкли ўғлим, сўнгги марта тилимни ўпганингни мен бир кўрай, — деди.

Ўғри йигит онасининг тилини тишлари орасига олди-да, қаттиқ тишлаб онасининг тилини қайчида кесгандай узиб олди, тил «тап» этиб ерга тушди.

Шу ерда тўпланганлар «вой-вой» деб юборишди. «Бу бола мунча қаттол, шунча жиноятларни қилгани етмаганидек, онасининг ҳам тилини узиб оладими?», деб ҳайратландилар. Ўлимга маҳкум бўлган йигит:

— Эй, бу ерда тўпланган инсонлар! Билмай бекорга ажабланманг. Менинг ҳозир ўлимга маҳкум бўлишимга сабаб бу ёмон тилдир, у мени шундай қилди!

Ҳамма таажжубда, йигит давом этди:

— Мен гўдаклигимда қушнимнинг уйидан тухум ўғирлаб келганимда онам менга офаринлар айтиб, пешонамдан ўпган эди. Агар ўшанда мени тарбия қилиб, ўғриликдан қайтарганида, бугун бу ўлим жазоси берилмас эди, — деди.

Изоҳ ва ўгит

Эй, дўстим! Эй, Ҳақ йўлчиси!

Бу ҳикояда Яратганнинг адолати тажаллий этганини кўрамиз. Бу жоҳил она фарзандига (авлодига) ҳаром, ҳалолни фарқ этишни ўргатмасдан, аксинча ўғрилик қилишга ёрдам бериб, қароқчиликка ташвиқ этгани учун ҳам фарзанди томонидан ўлдирилди, тили касофатига қолди. Бундай жоҳиллик ва ҳаром, ҳалол нималигини билмай она-бола бошига етган бу мусибатлардан ибрат олиш учун динга юз ўгирмоқ керак. Диндор бўлиш роҳатда яшаш деганидир. Дин инсонга ҳаром, ҳалол нималигини ўргатади. Дин ҳамма инсонларга саодат йўлини кўрсатади, амрлари, буйруқлари, тақиқлари дин орқали билинади.

Бу ҳикояда бола тарбиялаш энг буюк бир масала эканлиги баён этилмоқдадир.

Боласининг ўғри бўлишига «офарин, менинг ақлли ўғлим» деган она сабабчи бўлиб қолди. Болаликдаги номаъқулликлар ривож топиб, охири йигитни ўлдирди. Буларнинг бари динсизлик берган жазодир. Диндор одам ҳаромдан қочади, ўзини эҳтиёт қилади. Ўғрилик энг катта ҳаромдир.

Динимизда ўғрилик қилганнинг қўли чопилади, унинг жазоси шу. Ўйлаб кўрсанг, ўғрилик жуда ёмон ишдир.

ЎҒЛИГА ИБОДАТНИ ЎРГАТМАГАННИНГ БОШИГА ТУШГАНЛАРИ

Бир кун қишлоқда яшовчи чол муфтийга келиб ўғлидан шикоят қилибди:

— Муҳтарам Муфтий, кеча ўғлим мени далада қўлидаги ҳўкиз ҳайдайдиган таёғи билан урди. Кўп изтироб чекдим, кўп қийналдим. Мен шунинг учун у туғилганда қувонганманми? Қариган чоғимда энди нима қиламан? Бугун сизнинг олдингизга нажот истаб келдим, йўл кўрсатинг, ақл ўргатинг. Нима қилишимни билмай қолдим, ёлвориб сўрайман, ёрдам беринг!

Муфтий деди:

— «Фасубҳоналлоҳ!» Фарзанд қандай қилиб отасига қўлини кўтарди? Сиз ўғлингизга ота-она ҳаққи буюк эканлигини тушунтирганмидингиз? Болага ахлоқ, одоб дарсларини берганмидингиз?

Қишлоқдан келган чол:

— Ҳурматли Муфтий! Қишлоқ аҳволини яхши биласиз, айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Қишлоқ ерда доимо иш бор, ўтин тайёрлаш бор. Бу ишларни қилиш керак.

Муфтий жаноблари кўзи ёшли чолга:

— У ҳолда, отахон, ўғлингизнинг камчиликларига қараманг, у сизни ер ҳайдаётган жуфт ҳўкизга ўхшатган. Чунки ўғлингиз олдидасиз, ўғлингиз билан ҳўкизлар орасида фарқ йўқ. У ҳўкизни уряпман, деб сизни урганга ўхшайди. Бўлмаса, бола отага қўл кўтарадими? — деб унинг оталик вазифасини бажармаганини тушунтирибди.

Ота аввало фарзандига чиройли, мукаммал диний тарбия бериши керак. У болаларига дин, имон, ислом ахлоқини шундай ўргатсинки, болаларнинг оталарига бўлган ҳурматга путур етмасин.

Оталари ўтгандан кейин фақат яхши дуолар қилсинлар. Ўтган алломалар бунга кўп эътибор берганлар. Авлиёуллоҳ Ҳазрат Вафо ҳикояларида буни ўқидингиз.

Фарзандларига Пайғамбарни, динни ўргатмаган, ҳаром, ҳалол, гуноҳ, савоб нималигини тушунтирмаган оталар, оналар болаларидан яхшилик кута олмайдилар.

БУНДАЙ ОНА ДЎСТЛАР САОДАТИ

Ақлли бир она ўғлини яхши йўлга бурди, дорилфунунда таҳсил олувчи ўғлига чиройли таълим берди.

Ҳикоя бундай:

Қора денгизлик бир она юқори даражада илм олсин деб ўғлини Истамбул дорилфунунига юборди.

Орадан бир йил ўтгач, она боласини соғинди. Бу – она юрагида! Фарзанд ҳижронига ҳеч чидаб бўладими? Қўлида озгина имкон бўлса, шу имкондан фойдаланишга шошилади. Исломий тарбия олган она дарҳол эрига ёлворди. «Ўғлимни соғиндим, автобусда бориб кўриб келайлик», деди.

Ота бориб чипта олиб келди. Ота ва она автобусга миниб Истамбулга кетдилар. Олдин телефон орқали ўғилларига уни кургани кетаётганларини айтган эдилар.

Истамбулда ўқийдиган ўғил ота-онасини кутиб олиш учун автобус бекатига келиб кутиб турди. Ота ўғлини автобус деразасидан кўрди ва хотинига:

– Онаси, қаранг, Аҳмад келибди, – деди.

Она қараб ўғли Аҳмадга ўхшаш йигитни топа олмади.

– Қайси бири Аҳмад, отаси? Аҳмадга ўхшаш эркак кўринмайди-ку! У ерда турган қиз бола-ку.

– Тузукроқ қаранг, ўша узун сочли бизнинг ўғлимиз Аҳмад.

– Нима? Ўша узун сочли сатанг аёлга ўхшаган одам ўғлим Аҳмадми?!. Йўқ, у эмас. Бошимга нима кунлар тушди. Паҳлавон ўғлим, ажойиб ўғлоним Аҳмадимни хотинчалиш бир қиёфада кўриш бошимда бор экан, – деди она яна куюниб. «Кошкийди Аҳмадим ўқимай жоҳиллигича қолсайди, бундай ҳолга тушгандан кўра, деб автобусдан тушди.

Ўғил келиб отасининг қўлини ўпди, онасининг ҳам қўлини ўпиш учун эгилди. Онаси ҳайратда ундан қочиб:

– Сен кимсан, танимадим, – деди.

– Мен Аҳмадман, онажон, – жавоб берди ўғил.

– Мени сенга ўхшаш қилиқли Аҳмадим йўқ, бор йўқол кўзимдан, – жеркиди она.

Ўғил ҳар қанча ялиниб-ёлворса ҳам она ўпиш учун ўз қўлини бермади. «Менинг сендай ўғлим йўқ», деди.

– Ўғлим, бориб сочингни олдириб кел. Бўлмаса, онанг сени ҳеч кечирмайди, – деди ота ўғлига.

Ўғил кетди. Сочини олдириб, олдинги Аҳмад қиёфасида қайтиб келди. Онаси афв этди ва:

– Аҳмад ўғлим, агар яна шундай қилиқли, аёлга ўхшаб юрар экансан, сенга берганим – оқ сутимни ҳалол қилмайман. Берган оқ сутимга норози бўламан, – деди.

Изоҳ ва ўгит

Эй воҳ! Ҳозирги кунда шундай шуурли ислом оналарига қанчалик эҳтиёжимиз бор. Ислом онаси дегани шундай бўлади. Нима қилаётганини билади. Ўғил, қиз тарбияси қандай бўлиши кераклигини яхши билади. Ўз вақтида фарзандларига тўғри йўлни кўрсата олади.

Агар ўғлининг бу феълини онаси хуш кўрганида балки, ул ёш, мард, саркомат ўғлони Аҳмадини йўқотган бўларди.

Хайрияг, ўз вақтида бу хунук ишга қаршилик кўрсатди-да, ўғлини қутқарди. Ўғил ҳам ақлли бўлгани учун она сўзини қайтармади.

Албатта, ҳар бир она, қизлари, ўғилларининг янглиш тутум ва ҳаракатларидан ўз вақтида қайтарсин, шунда уларни тузатиш мумкин. Яра ириб кетгач, тузатиш мушкул бўлади.

Аёллар қилиғига тақлид қилувчи ақлсиз ўғилларга оналар ҳеч фурсат ўтказмай танбеҳ беришлари ва тузатишлари зарур. Эркак қилиғига тақлид қилишни истаган, эркак туси урган иродасиз қизларга ҳам ўз вақтида тарбия бериш керакдир.

Динимизда эркак қиёфасига кирган хотинларни ва хотин қилиғини ўзлаштирган эркакларни Тангри лаънат қилади, лаънат ҳалқасини бўйнига осган авлодлардан хайрли иш келмас.

Ақлли оналар буларни жуда яхши билганлари учун фарзандларига бу хусусда тўғри йўл кўрсатадилар, бу одатларга қарши курашадилар. Фарзандларига ўгит ва насиҳатлар берадилар.

Яхши фарзанд онаси, отасини жаннатга мушарраф этади. Бу эса оналарнинг фарзандларига нисбатан бўлган бурч ва масъулиятлари, вазифаларини бажаришлари ила амалга ошади. Ота-боболаримиз яна: «Яхши фарзандинг бўлса, бойликни нима қиласан», «Яхши фарзанд онаси, отасини вазир этади, ёмон фарзанд разил этади», деганлар.

Ҳеч ҳам «ниҳол эгилади», деган ўгитни унутмайлик. Оналик ва оталик бурч ва вазифаларимизни бажаришга ғайрат ила ҳаракат қилайлик. Авлодимиз — фарзандимизни ота-она дуоларини оладиган қилиб тарбиялаб ўстирайлик. Токи «Опалар бундай фарзандларни кўпроқ туғсин» дейишсин. Бепарво оналар исломга хуш келмайди. Болаларимизга нисбатан ҳушёр бўлайлик!

ҚИЗЛАРИНИ ТИРИК КЎМГАНЛАР

Исломдан аввал Арабистонда қиз болаларни тириклай кўмиларди. Ушбу ҳақиқатни Ҳазрат Умар шундай ҳикоя қиладилар:

– Мусулмонликдан аввалги икки нарсани эслайманки, бирини эслаб йиғлайман, бирин эслаб куламан.

Ушбу нарсага йиғлайман: бир кун қизимни, жажжи қизчамни, жигарпора қизчамни шу ўз қўлларим билан мозор (қабр) қазиб тириклайин кўмдим. Мен қизим учун ўз қўлларим билан чуқур қазир эканман, у менинг соқолимга сачраган тупроқларни жажжи қўллари ила силаб оларди. Қачон буни хотирласам, доимо йиғлайман. Инсонийликнинг қандай қоронғу даврларида яшаганимни тушуниб, тинмай кўзёши тўкишдан ўзимни тияман.

Шунинг учун куламанки, йўлга чиққанимизда, турли сафарларда бўлганимизда ҳолвадан санам (бут) ясаб олардик. Йўлда қорнимиз очса, уни ер эдик. Шуларни қачон эсласам, куламан. Бу номақулчилик, ақлсизлик шунчалик эди.

Изоҳ ва ўгит

Эй, Ҳақ йўлчиси! Шу муъжаз ҳикояда қанчалар буюк ҳақиқат яширинган эмасми? Исломият хотинларга тенг ҳуқуқ бермайди деган буюк олимларга бу қандай гўзал жавоб.

Ислом аёлларга яшаш ҳуқуқини берди. Буюк олам, қуёшнинг юзини кўрмасдан кўмиладиган чақалоқ қизларга ҳаёт берди, яшаш ҳуқуқини тан олган Ислом аёлларга шундай бир ҳуқуқ бердики, аёл ўз уйининг султони бўлиб қолди... Аёл уйининг султони, болаларининг ҳимоячиси, уларни тарбия этувчи мураббийсидир.

Ислом Жаннатни оналарнинг оёқлари остида деб билган, она ризосини олган фарзандга тўғри Жаннатга киришга ҳуқуқ бергандир.

Ҳазрат Умардай адолат қўриқчиси ҳисобланган бир зот ўз фарзанди – қизини кўмганига қадар тош юрак бир одам эди.

Демак, динсизлар бағритош одамлардирлар. Йўлда бошларига бир бало келганида ул бутдан ёрдам сўрардилар, сўнгра бағритошларча ўзлари сиғинган ҳолвадан ясалган бутни ердилар. Бундан ортиқ нохушлик ва ақлсизлик бўладими? Инсонийлик шу қадар ҳам кулгили аҳволга тушадими?

Динсизлик доимо кулгилидир. Бугун ҳам аҳвол шундай. Эътибор берсангиз, Яратганнинг борлигини динсиз ақлига сиғдира олмайди. Кўзим билан кўраётганим йўқ, дейди. Ақл кўзи билан кўрасан, ҳозир сенинг ақлинг йўқ, десангиз анграяди. Дарҳақиқат, динсизлик ёмон йўл.

ҲАЗРАТ ФОТИМА ВОЛИДАМИЗНИНГ ҚАДРЛАРИ

Суюкли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизлари Ҳазрат Фотима (р.а.)ни жуда қадрлар эдилар. Шунчали севар эдиларки, Фотима волидамизнинг ҳолларидан хабар олмай қўймас эдилар.

Ҳазрат Фотима (р.а.) волидамиз Ҳазрат Али (р.а.)га турмушга чиққач, уйи бошқа бўлди.

Севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Қуръон оятлари келди. Қуръон оятларида шундай буюрилган эди: «Эй Расулим! Умматингга, оиланг ва болаларингга ибодат қилишни амр эт, уларга намоз ўргат. Ўзинг ҳам ибодат қилишни давом эт».

Ушбу ояти карима Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га нозил бўлганидан кейин олти ой ўтгунча ҳар тонгда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳазрат

Фотима ва Ҳазрат Алининг уйига бориб ибодат қилишга даъват этганлар.

Изоҳ ва ўгит

Эй, Ҳақ йўлчиси! Булар биз умматларга бир ўрнак йўлидир. Ҳар бир мусулмон ота болаларига дин ва дунёвий ишлари ила ўрнак бўлишга бурчлидир. Севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биз умматларига ўрнак бўлиб. Болаларимизнинг қадрини қандай сақлаб, уларга қайси шаклда тарбия беришимиз зарурлигини ўргатганлар.

Болалари ила узвий алоқа боғламаган ва уларнинг тарбиясига эътиборсиз она ва оталар учун оловли бир жаҳаннам ҳаёти бордир. Болаларига илмни, дунёни ўргатмоқ оталар вазифасидир. Фарзандларининг хушфеъл, гўзал ахлоқли бўлишлари учун оталарнинг жон куйдиришлари лозимдир. Болаларининг емоқ ва ичмоқ, кийим, ҳашам каби моддий эҳтиёжларини таъминлаган ота маънавий эҳтиёжларига ҳам эътибор бермоғи керак. Бу хусусда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) йўлидан бориш бизнинг манфаатларимиздадир, чунки биз учун ўрнак – Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дир.

ТУШДА КЎРИЛГАН КЎШК

(бир-биримизга ёрдам берайлик)

Муҳаррамнинг ўнинчи куни – ашура куни фақир бир одам мусулмон, деб билган бадавлат одамга ашура учун илтимос билан келди.

– Муҳтарам афандим, – деди у, – маълумингиз бугун ашура куни. Уйда бола-чақа учун ашура оши пиширмоқчи эдим, фақирлик қилиб қолдим. Аллоҳ ризоси учун озгина ёрдам беринг.

— Майли, фақат ҳозир ишим бор. Пешин намозини ҳали ўқимадим. Намоздан кейин кел, — деди бадавлат мусулмон.

Фақир одам пешин намозидан кейин келади.

— Ҳозир ишим бор. Асрдан кейин кел, — деди бой.

Фақир одам асрдан кейин келди. Бу сафар бой мусулмон:

— Э-э, ҳеч тушунмайдиган бефаҳм экансан-ку, — деб фақирни ҳайдади.

Фақир бошини эгиб, бой дўконидан чиқиб кетар экан, ёрдам бермаган одамнинг бир ғайримусулмон қўшниси уни чақирди ва:

— Қўшнимдан нима сўраган эдинг, бердими сўраганингни? — деди.

— Бугун биз мусулмонларнинг ашура кунимиз. Ашура учун бир оз ёрдам сўраган эдим, бермади. Усталик билан ҳайдади, — деди ғариб.

— Болаларингга ашура оши пишириш учун сенга қанча пул керак бўлади? — сўради яна ғайримусулмон.

— Беш-ўн сўм бўлса етарди, — деди фақир.

Ғайримуслим фақир мусулмонга сўраганини берди, кўнглини олди. Фақир одам дуолар қилиб, севиниб уйига равона бўлди. Уйига бориб бола-чақасига ашура қилиб едирди.

Ўша кеча хасис мусулмон тушида ажойиб кўшк кўрди ва ҳайрат билан: «Бу кўшк кимники?» деб сўради. «Бу кўшк сеники эди, фақат бу гўзал кўшкни қўлдан бой бериб қўйдинг», дедилар. «Қандай қилиб?» — деб сўраганида. — «Кеча сенинг ҳузурингга келган ғарибнинг кўнглини олиб, унга бир ашуралик садақа берганингда бу кўшк сеники бўларди. Бу кўшк ул фақирнинг кўнглини олганга берилди. Бунга ғайримуслим қўшнинг эришди», дедилар.

Бизнинг хасис мусулмонимиз зўрға тонг оттириб, саҳарда дўконига борди. Қўшниси келганида, бадавлат мусулмон унга: «Фақир одамга кеча қанча садақа бердинг», деди. «Нега

сўраяпсан?» – деди ғайримуслим қизиққанидан. – «Икки мартта кўп пул бераман сенга», деди хасис мусулмон. Ғайримуслим: «Сен кўрган рўё (туш)ни мен ҳам кўрдим. Қўшни, мен мусулмон бўлдим», деб жавоб берди. Хасис, меҳрсиз мусулмон «оҳ-воҳ» деди-ю, афсус қилди, лекин вақт ўтган эди.

Изоҳ ва ўгит

Бу ҳикояда яхши бир ибрат дарси бор. Имкони бўла туриб, фақир фуқарога шундай ёмон муомалада бўлувчи бемеҳрлик билан кўшк қозониш мумкин бўлсайди, ер юзида жаҳаннамлик одам бўлмас эди. Зеро, Жаннатга ҳам, жаҳаннамга ҳам инсон ўз амали ила киради. Бир фақирнинг, бир ғарибнинг кўнглини олмаган, у бечоранинг кўнглини кўтармаган мусулмонга, тўғриси, минглар, юзминглар марта уятлар бўлсин.

Шундай хайрсиз, ҳатто садақа бера олмайдиган давлатингни, бойлигингни «бойлигим бор», деб юрасанми? Шундай хасис, бахил, очкўз, маишатчи давлатманд учун жаҳаннам бор бўлсин, демоқдан ўзга чора йўқдир.

ЎЛИМДАН ҚУТҚАРГАН УЧТА ЯХШИЛИК

(онани мамнун қилган, номусини сақлаган, ишчининг ҳақини эҳтиёт қилган уч одам ҳақида)

Бу ҳикоя Бухорий ва Муслимлар ривоят қилган Ҳадиси Шарифларда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тарафидан айтиб берилган бир ҳикоядир. Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай демишлар:

– Сиздан аввалги умматлардан уч киши йўлга чиқдилар. Тунаб қолиш учун бир ғорга кирдилар. Тонг отгач, йўлни давом эттирмоқчи бўлдилар. Фавқулодда тоғдан бир қоя кўчиб юмалаб тушди ва ғорнинг оғзини беркитиб қўйди. У уч одам:

— Энди дунё билан алоқамиз узилди. Бизни бу ердан фақат Яратган қутқаради. Ҳозир ҳар биримиз қилган хайрли ишларимизни хотирлаб бизни бу фалокатдан қутқаришини тилайлик, қудрати ила қутқарсин, — дедилар.

Улардан бири:

— Менинг жуда кексайиб қолган онам ва отам бор эди. Уларга едириб-ичиргандай, ҳеч кимга едириб-ичирмас эдим. Бир кун ўтин йиғиш учун узоқларга бордим. Келсам улар қаттиқ ухлаётган эканлар. Келиб уларнинг овқатларини тайёрладим, лекин уларни уйғотмадим. Овқатни тайёрлаб, уларнинг уйғонишларини кутдим. Болаларнинг қоринлари очиб овқат сўрай бошладилар, аммо ота-онам ҳурмати уларни олдин овқатлантирмадим. Шу аснода улар уйғонишди. Оқшом пайтидан бери дастурхон олдида кутиб ўтиргандим, ниҳоят улар уйғонишганида овқатларини едилар, сут ичдилар. Тангрим! Агар бу ишимни сенинг розилигинг учун қилган бўлсам, бу тутқундан бизни қутқар, — деди.

Тош озгина сурилди. Иккинчи одам бундай деди:

— Тангрим! Амакимнинг бир қизи бор эди, уни жуда яхши кўрар эдим. Унга уйланишни хоҳлардим, аммо қиз рози бўлмади. Орадан бир йил ўтгач, жуда қаттиқ очарчилик бўлди, у қиз очликдан ўламиз, ёрдам беринг, деб олдимга келди. Қиз менга тегиши шарти билан 120 олтин бердим, у эса қабул қилди. Ошиқиб кутганим фурсат ҳам келди. Шунда у: «Эй, амакимнинг ўғли, менга қўл чўзма, гуноҳга сабаб бўлма», деди. У мен учун аёллар ичида энг севгили бўлишига қарамай, қанча вақт бетоқат кутган бўлсам-да, унинг ишқида ёнсам ҳам ўша дамда ундан ўзимни олиб қочдим, яқин келмадим. Берган олтинларимни унга ҳадя этдим. Аллоҳим! Агар қилган бу ишимни сенинг розилигин учун қилолган бўлсам, бу фалокатдан бизни қутқар», деди.

Қоя яна бир оз силжиб, ғор оғзи сал очилди.

Учинчи одам:

– Пулга ишчи мардикор ёлладим. Мардикорларнинг ҳақларини бердим. Фақат биттаси пулини олмай, ишни ташлаб кетган эди. Унинг оладиган пулига мол олиб, унинг номидан боқтирдим. Унинг ҳисобидаги моллар кўпайди. Бир қанча вақт ўтиб, ул мардикор мени истаб келди ва:

– Сенда хизмат ҳаққим қолган эди, бер, – деди.

– Шу кўриб турганинг – сурувлар, туя, сигир, қўйлар – бари сеники, олиб кетавер, – дедим унга. У бўлса:

– Мени мазах қилма, – деди.

– Мен ҳазил қилаётганим йўқ, ҳаққингни айтмоқдаман. Бу моллар сенинг иш ҳаққинг ҳисобига олинган моллардан кўпайган, – дедим. Шундан кейин у барча молларни олиб кетди, қаршилик қилмади. Тангрим! Агар бу амалимни сенинг учун, сенинг розилигинга ноил, муяссар бўлиш учун қилолган бўлсам, бу мусибат, бу фалокатдан бизни қутқар, – деди.

Қоя яна бир бор сурилди ва улар фалокатдан қутулдилар.

Изоҳ ва ўгит

Бу ҳикояни Бухорий ва Муслим ривоят қилганлар. Мусулмон қардошларимиз ибрат олсинлар! Ҳақ розилиги учун қилинадиган хайрли ишлар ҳеч вақт бесамар бўлмаслигини эсдан чиқармайлик. Ушбу ўқиганингиз ҳикоядан ибрат олиш осон иш эмас! Уч одам бошларига келган фалокатдан қутулдилар. Имтиҳондан ўтиш осон эмас. Ота ва онасининг ҳурмати учун то тонггача кутиб ўтирган фарзанд, албатта бу иш ҳар бир ота ўғлининг қўлидан келавермайди.

Ишлатган бир ишчисининг мукофоти, иш ҳаққига бир қўй олиб, неча йиллар боқиб, эгаси келганида бу сурув ҳаммаси сеники, деб ул ишчига бериш осон иш эмаслигини ҳар ким яхши билади.

Буларнинг ҳаммаси ҳақиқий бир мусулмон ота ўғлигина қилиши мумкин бўлган ишлардир.

ЯХШИ НИЯТНИНГ ОХИРИ ХАЙРЛИ БЎЛАДИ

(инсон доимо камтарликда билинур)

Бир вақтлар Бағдодда яшовчи бадавлат мусулмонлардан бир қанчаси карвон ила ҳажга бормоқчи бўлдилар. Давлатманд қўшниларининг ҳажга ҳозирлик кўраётганларини эшитган фақир, лекин зеҳни ўткир бир зот ўз-ўзича:

– Мен ҳам шу қўшниларим билан биргаликда ҳажга борсам, – деб ният қилди.

У ўз ҳолига қараб тайёргарлик кўриб, ҳажга бораётганлар карвони билан йўлга чиқди. Ўзига бино қўйган бадавлат одамлардан баъзилари бу фақир инсоннинг уларга қўшилиб, неча кунлар, ойлар йўл юриб бориладиган ҳаж сафарига боришига ҳайрон бўлдилар, ҳайратга тушдилар. Булардан бири, зоҳирий бир оз билими бўлган, ораларида «ҳожа» деб аталувчи афанди бу фақир ҳамроҳларига:

– Қадрдон қўшни! Сен ҳажга кетяпсанми? – деб сўради. Қалби пок, фаросати кучли, юрагида заррача кир бўлмаган фақир одам унга жавобан:

– Шундай, афандим! Мен сизларнинг соянгизда, ҳамроҳлигингизда бориб, ул юксак мақомга юз сурайин, деб ният қилдим, – деди.

Ўзини «ҳожа» деб юрган афанди бу софдил ва тамизли мусулмонга ҳазил қилиб:

– Фақат қўшни, уловинг йўқ, озиғинг йўқ. Хайр, ҳеч бўлмаса ақчанг борми? – деди.

Софдил ва имони бутун фақир мусулмон жавоб берди:

– Барча жонлиларнинг ризқини берувчи Тангридир. Ҳар биримиз асосан унинг ризқ хазинасидан насибамизни олиб озиқланмаймизми?

Манманлик касалидан қутила олмаган ул одам бу сўзлар олдида эсанкираб қолди, бир оз ўзини йўқотиб қўйди. Фурсат утиб, фақир одамни яна мазах этишга тушди.

Ниҳоят, узоқ йўл босиб карвон Маккаи Мукаррамага етиб келди. Каъбаи Муаззамани тавоф этдилар. Арофатда қурбонлик қилдилар, ҳаж фарзларини адо этиб, видо тавофини бажо қилиб қайтдилар. Энди ҳаммалари ҳожи бўлдилар.

Шайтон ва нафс отига миниш яхшими? Ўзини баланд тутган, бир оз зоҳирий билими бўлган «ҳожа» деб аталувчи афанди яна мазах қилиш ниятида фақир олдига келди ва:

– Қўшни, Байтуллоҳни тавоф этдингми? – деди. Кўнглида заррача шубҳа йўқ, ҳеч ким ҳақида ёмон фикрда бўлмаган софдил одам:

– Тавоф этдим! Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, мендек фақир ва ожиз бир қулини ушбу шарафли, юксак мақомларини зиёрат қилиб, ҳаж ибодати каби энг муҳим бир ибодатни қилишимга насиб этди, – деди.

«Ҳожа» яна мазах ва ҳазил қилиш иштиёқида:

– Қўшни, сенга барот бердиларми? – деб сўради.

– Барот ўзи нима? – ҳайрон бўлди софдил фақир.

– Ҳожиларга жаҳаннамдан озод бўлинг, дея барот берилади. Биз баротимизни олдик, – деди ҳазилкаш.

Соф кўнгил мусулмон унга ишониб, қайтиб Маккага, Байтуллоҳга кетди. Ҳазилкаш унинг устидан роса кулди. Бўлган воқеани бошқа ҳамроҳларига айтиб берди. Ҳаммалари кулишиб йўлларида давом этдилар.

Очиққўнгилли мусулмон Ҳарами Шарифга борди, бошини Байтуллоҳнинг остонасига қўйди:

– Эй Раббим! Сенинг қулларинг жаҳаннамдан озод этувчи барот олибдилар. Мен фақирга бу барот берилмади. Мен озод бўлмадимми? – деб кўзларидан селдек ёшлари оқди. Йиғлаб

фарёд этаётган мусулмон шундай бир ҳолга келдики, ўрнидан туришга мажоли қолмади.

Ул фақир шул аҳволда экан, олдига бир зот келди ва:

— Бошингни кўтар, эй софдил, покиза одам! Мана бу баротингни олгин-да, ҳамроҳларингга етиб олгин, — деди.

Софдил мусулмон баротини олиб, ўпиб юз-кўзига суртди ва ҳамроҳларига етиб олди. Ҳамроҳлари эса уни алдаганларидан завқланиб кулар эдилар. Софдил фақирдан сўрадилар:

— Нима бўлди? Баротингни олдингми?

— Олдим, мана қўйнимда, — жавоб берди фақир.

Улар баротни кўриб ҳайратга тушдилар. Яшил, мушк исли қоғоз юзида оқ нурдан ёзувлар бор эди. Ҳазил қилиб, мазах қилиб юрган одам отидан тушди, хижолат чекиб, афсусланиб:

— Агар шу фақир ҳамроҳимдай бўла олсаму, ҳеч нарсам бўлмаса ҳам кошкийди. Ҳайф менинг ўтган умримга! Энг қимматли умр сармоясини бекорга харжладим! Нафсимнинг асири, шайтон фармонининг қули бўлдим. Мен мана шу софдил қўшним каби бўла олсайдим, — деди ва афсус-надоматлар қилди.

Бағдодга етиб келдилар. Фақир одам:

— Бу барот сенда турсин қўшни. Сен илмли одамсан, мен ўлганимда бу баротимни кафанга солиб қўярсан, — деди ҳазилкаш давлатманд ҳамроҳига.

Фақир одам вақти етиб ўлди. Ўша пайтда «ҳожа» деб аталувчи зот тижорат ишлари билан бошқа юртда бўлиб, жанозада қатнаша олмади. Қайтиб келганида ул одамнинг ўлганини эшитиб: «Эй воҳ! Қўшнимнинг менда омонати бор эди. Баротини кафани ичига қўйишим керак эди», деб уйига келди. Баротни кўриш учун сандиғини очди, барот йўқ эди. Мен йўқ пайтимда кимдир уни олиб кафанига солгандир, деб ўйлади. Фақир одамнинг мозорини очиб қарайин, деб мозорга борди. Мозорни очиш учун тайёргарлик кўрар экан,

бир овоз келди: «Биз қулимизга барот бериб, сўнгра уни ташлаб қўймаймиз!»

Аввалари фақир қўшниси устидан кулиб, мазах қилиб юрадиган ҳожа уйига келиб ибодат қилиб, сўнг ётиб дам олиб, тушида фақир қўшнисини кўриб, унинг бу сўзларини эшитди:

— Ҳожа қўшним, агар сиз бўлмасангиз мен баротимни унутар эканман. Сиз эсга солганингиз учун олдим. Савол берувчи малоикаларга баротимни кўрсатдим, менга ҳеч нарса демадилар. Баротимни қабул этдилар.

Изоҳ ва ўгит

Бу ҳикояда ибрат дарси олишга истеъдодли, қобилияти бор бўлганлар учун яхши бир ўгит бор. Бир мусулмоннинг бошқалари ила ҳазиллашиши қандай ёмон натижа берди. Ким биров устидан кулса, ўзи ҳам албатта шундай аҳволга тушади. Яхши ниятли, Яратганга чин дилдан сиғингувчи имон соҳиби бўлган муҳтарамлар, буюк неъматларига ноил бўладилар, эришадилар. Ўзини улуғ билиб, бошқаларни менсимаслик динимизда энг ёмон бир феълдир. Ундай одамлар охир оқибат бунинг зарарини кўрадилар. Улар нафс қуллигидан қутула олмайдилар. Бу ақлли одамнинг иши эмас. Нафсининг асири, шайтоннинг қули бўлган одам ҳаж йўлида бўлса ҳам ўзининг ёмон феълидан воз кечмайди.

АҲДГА ВАФОДОРЛИКНИНГ ХАЙРЛИ НАТИЖАСИ

Бир кун Ҳазрат Умар (р.а.) Асҳоби Киром билан суҳбат қуриб ўтирар эди. Икки одам бир йигитни туртиб, қўлларидан маҳкам ушлаб Халифа ҳузурига олиб келдилар:

— Биз қасос олишни истаймиз, эй Амирал-муъминин! Қасос!.. — деб бақирарди улар.

Амирал-мўъминин Ҳазрат Умар (р.а.):

— Қандай дардингиз бор? Даъвони билмай туриб, қасос олинмайди. Нега йигитни уриб олиб келдингиз? — деди.

Йигитни олиб келганлардан бири:

— Эй Амирал-мўъминин! Бу йигит отамизни бизнинг боғимизда ўлдирди. Бунинг ҳам ўлдирилишини истаймиз. Қасос олинишини, ўлимини истаймиз, — деди.

Ҳазрат Умар (р.а.) йигитга қараб:

— Нима дейсан, буларнинг айтгани тўғрими? Сени оталарини ўлдирганликда айбламоқдалар, — деди.

Нурли бир чеҳра соҳиби бўлган, нур юзли йигит:

— Ё Амирал-мўъминин! Бу одамлар тўғри гапирмоқдалар. Бўлган воқеани мушоҳада қилиб кўринг, мен тушунтиришга ҳаракат қиламан. Мен узоқлардан келаётган бир йўлчиман, йўлга чиққанимга уч кун бўлди. Бир оз истироҳат қилай, дам олай, дедим. Отимни бу одамларнинг хурмо боғлари ёнида бир шохга боғлаб, дам олмоқчи бўлдим. Отим бўйнини чўзиб уларнинг хурмо дарахтидаги бир шохнинг баргини ебди. Уйғонсам бир чол отимга тош отмоқда. Ўрнимдан турдим. Чол отган охирги тош отимнинг пешонасига тегди ва отим ўлиб қолди. Ниҳоят севган отимнинг ўлганини кўриб, жаҳл билан чол отган охирги тошни унинг ўзига отдим. Чол йиқилиб тушди. Шу пайт жонини таслим этиб ўлиб қолди. Мен бундай бўлишини хоҳламаган эдим, — деди.

Адолат нозири, исломнинг ҳожаи Халифаси Ҳазрат Умар (р.а.):

— Айбингни эътироф этдинг. Қасос лозим, — деди.

— Ҳайҳот! Менинг бир узрим бор. Менинг сизлардан бир илтимосим бор. Қасос олиб мени ўлдиришдан аввал менинг бир етим ҳаққини бериб қўйишимга ижозат берсангиз. Мен уни беришим керак. Бизнинг отамиз ўлди. Пуллари қаерда эканлигини мен биламан. Бир синглим бор, у билмайди.

Менга уч кун муҳлат беринг, бориб пулларимизнинг турган жойини синглимга кўрсатиб келайин, – деди.

Йигитнинг бу илтимосини даъвогарлар қабул қилишни истамасалар ҳам, Ҳазрат Умар (р.а.):

– Сенга кафил бўладиган бир одам бўлса, унинг кафиллигида рухсат берардик, – деди.

Маъсум юзли бу йигит шу ерда йиғилган барча Асҳобга бир-бир қараб чиқди. Охири Абу Зар Ғифорийни кўрсатди. Ул заиф, наҳиф зотга қараб:

– Бу зот менга кафил бўла олади, – деди.

Ҳузури Халифада ҳозир бўлган Асҳоби Киром ҳайратга тушдилар. Абу Зарнинг оғзига қараб қолдилар. Халифа Ҳазрат Умар (р.а.):

– Нима дейсан, эй Абу Зар? Бу қишлоқлик йигитга кафил бўла оласанми? – деб сўради.

– Албатта, кафил бўламан. Ҳозир кетиб, уч кундан сўнг етиб келсин, – жавоб берди Абу Зар.

Даъвогарлар Абу Зарнинг мавқеини яхши билишарди. Абу Зар Асҳобнинг пешволаридан эди. Шунинг учун унинг кафиллигини қабул қилдилар. Йигит Халифа ҳузуридан чиқиб кетди. Шошилиб тўғри қишлоғига кетди. Ҳамма уч кун кутиш кераклигини билиб тарқалди.

Уч кун ўтди. Ўша вақтда бўлганлар яна Халифа ҳузурига йиғилдилар. Ҳазрат Абу Зар ҳам келди. Муддаилар (даъвогарлар) ҳам келиб у йигитни кутиб ўтиришди. Вақт ўтиб қолганди. Йигит майдонда кўринмасди. Абу Зар ҳеч ҳовлиқмай, ҳаяжонланмай сукут сақларди. Абу Зар Асҳобнинг пешволаридан, буюкларидан бўлиб, кўп вақт Расулуллоҳнинг илтифотига эришган қадрли зот эди. Вужуди заиф, бир муҳтарам эди. Шу онда даъвогарлар:

– Эй, Абу Зар! Сенинг улуғ зот эканлигингни биламиз. Аммо биз отамизнинг қасосини олишни хоҳлаймиз. Сен

ўзинг танимаган йигитга кафил бўлдинг. Агар келмаса, биз отамизнинг ҳақини сендан талаб қиламиз, дедилар.

Халифа Ҳазрат Умар (р.а.):

— Ё Абу Зар! Валлоҳ, мен ҳам шундай деб ўйлайман, қасос амалга оширилади, — деди.

Ҳазрат Абу Зар эса:

— Мен ҳам розиман, — деди.

Ҳозир бўлганлар ҳаяжонга тушдилар. Ҳамманинг юраги қаттиқ ура бошлади, нафаси ичига тушиб кетди. Халифа ҳузурида ҳозир бўлганлар даъвогарларга ялина бошладилар:

— Отангизнинг хунини берамиз, — дедилар. Муддаилар қабул этмадилар. Берилган муҳлат ўтиб қолди. Абу Зар ўрнидан туриб тайёрлана бошлади. Абу Зар таҳорат қиларди. Ҳамманинг кўзи ёшга тўлганди. Шу пайт узоқлардан чанг-тўзон кўтарилиб шошиб келаётган йигит кўринди. Терга пишиб кетган қишлоқ йигити ичкарига кирди. Салом берди ва узр сўради:

— Мени авф этинглар. Сизларни ҳаяжон ичида йўлга қаратдим. Етимнинг энагалари узоққа кетган эканлар, уларни кутиб кечикдим. Улар билан учрашиб етим синглимни уларга топширдим, омонатини бердим. Шошилиб энди етиб келдим, — деди у.

Ул мажлисда ҳозир бўлганлар ҳайратга тушдилар. Ҳаяжонлари босилгач, бутун мажлис аҳли «Бу одам нега келди?» дейишди. Йиғилганларнинг юзларида таажжуб ва ҳайронликни кўриб, йигит:

— Мени келмайди, деб ўйлаганмидингиз? Юзингизда ҳайронлик, ҳайрат аломати кўринади. Мен қандай қилиб келмайман! Мен мўминман-ку! Мўмин деб аҳдига вафо қилганни, берган сўзига содиқ қолганни айтадилар, — деди.

Сўнгра қўлларини дуога очиб, осмонга қараб:

— Ё Раббий! Менинг сенга бўлган имонимнинг нури юзимда акс этмайдими, булар мендан шубҳага тушмоқдалар, — деб кўзларига ёш олди.

Йигитнинг юрагидан чиққан бу сўзлар Умарнинг кўзларига ҳам ёш келтирди.

Ислом Халифаси Ҳазрат Умар (р.а.) ҳайратга тушиб Абу Зардан бир сўзни сўрашдан ўзини тия олмади:

— Ё Абу Зар! Бу йигитнинг отасини танийсанми? Қабиласини биласанми?

Ҳазрат Абу Зар:

— Тушундим, ё Амирал мўъминин! Бу йигитни танимасдан туриб нега кафил бўлдинг, деб сўрамоқчисан, шундайми? — деди.

— Худди шундай, ё Абу Зар, — жавоб берди Халифа, — шу маънода сўрадим.

— Ё Умар! — деди Абу Зар. — Мени ҳамма билади. Ҳазрат Муҳаммадга қандай ишонганимни ва ул буюк Пайғамбарнинг менга қандай рутба (даража) берганлигини бу ерда билмаган одам йўқ. Мен, муҳаммадийларда фазилат қолмабди, деб ўйлагандим. Йигит мендан ёрдам сўради. Ёрдам бериб, фазилат учун «хўп» дедим.

Ул мажлисда бўлганлар жунбишга келдилар. Даъвогарлар бунчалик Исломга содиқ, жонини Ислом амрлари учун фидо эта оладиган бир имон соҳиби йигитнинг ҳолидан ибрат олиб раҳмга юз бурдилар ва:

— Ё Амирал-мўъминин! Биз ҳам Яратган учун отамизнинг қасосидан воз кечамиз. Ҳаққимизни ҳалол этдик. Йигит хоҳлаб бу ишни қиладиганлардан эмас экан. Бу фидокорлиги учун биз уни ҳурматлаймиз, — дедилар.

Шундай қилиб, сўзда туришнинг, аҳдга вафодорликнинг хайрли натижаси жонли мисолини ҳозир бўлганлар яна бир марта ўз кўзлари билан кўрдилар ва гувоҳ бўлдилар.

Ўқувчи қардошим, бу фидокорликлар қандай пайдо бўлади? Жонини кимга таслим қилишни билгани учунми?

Бу туйғулар ила инсон фанолик касб этадими? Эта олмайдими? Ундай бўлса, бу ишонч соҳиби бўлишга қодирми?

Дунёда гуноҳ ишлари учун охиратда жазосини тортишга ишонган, ҳар ерда ҳозир ва нозир бўлишига имони комил бўлган одам ҳеч бир вақтда Яратганнинг амри, буйруғидан қочмайди.

ЎТТИЗ ЙИЛДИРКИ ГУНОҲИМНИНГ АФВИ УЧУН АФВ ТИЛАДИМ

Бир вақтлар Бағдоднинг Чорсусида жуда катта ёнғин бўлди. Ҳаммаёқ ёниб кул бўлди. Чорсудаги барча дўконлар ёниб кетди. Мусулмонларнинг бойликлари бир онда йўқ бўлиб кетди. Сиррий Сақатий Ҳазратлари ҳам шошилиб ёнғин бўлган ерга борар экан, йўлда бир танишга йўлиқди. Учраган одам Сиррий Сақатийга:

– Ҳазрат, сизнинг дўконингизга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Ёнғин унга яқин келгани йўқ, – деди.

Сиррий Сақатий бир он шароитни тушунмасдан бу хабардан мамнун бўлди. Шул дам Ҳазрат ўзига келди. Барча мусулмонларнинг дўконлари кул бўлибди, ўзининг дўкони ёнмаганига севиниб шукроналар айтиб, шукр қилганидан кейин роса ўттиз йил мобайнида Тангридан афв этишни тилади, ўттиз йил истиғфорда бўлди (кечирим сўради). У фалокат вақтида фақат ўзини ўйлагани учун ўзини кечира олмади. Ҳолбуки, бизга кўра бундай дейиш оддий бир ҳол эмасми? Аммо буюк одамлар учун ўзини ўйлаб мусулмонларнинг дардларини унутиш мусулмонлик мезонига тўғри келмайди. Ҳазрат дўстларига: «Бир марта бехос

севиниб, ўттиз йиддирки, бу гуноҳимнинг айби учун Жаноби Ҳаққа кўзёшларим билан истиғфор айтаман, гуноҳимнинг кечирилишини тилайман», деди.

Изоҳ ва ўгит

Ҳазрат Имом ўзини кечирмади, афв этмади. Бунга сабаб – бир онлик ғафлат эди (бошқаларнинг дўкони ёниб, унинг дўкони ёнмай қолганига суюнган вақти). Агар ғафлат бўлмаганида ўттиз йил бу оннинг изтиробини чекармиди?

Суюкли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳадиси шарифларида:

«Мусулмонларнинг дардлари ила дард чекмаган – мусулмон эмас», деганлар. Қандай буюк огоҳлантириш бу! Мусулмонман деган ҳар бир бахтиёр инсон Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ушбу амрларини яхшилаб эслаб қолиши ва мусулмонларнинг дарди билан, иши билан алоқадор бўлиши, жон куйдириши зарур.

Яхши ниятнинг оқибати ҳам яхши бўлади. Тангри учун қилинган тавбалар, оҳлар, тўкилган кўзёшлар ҳеч бесамар бўлмайди. Ҳазрат Имом бу ҳақиқатни билгани учун «нафсимга қайғуриб шундай бўлди» деб ўзини кечирмади. Туриш-турмуши фақат нафсларини қондиришга қаратилган, оғиздагина мусулмон бўлганларнинг қулоқлари. Бу сўзларни яхшилаб эшитиб олсин.

Ҳар бир мусулмон имонининг камолот даражасига кўра Яратган йўлида ғайрат кўрсатади. Мусулмонларнинг дардларига ҳамдард бўлиш учун инсон фарзандининг шундай бир имони бўладики, қилган ҳар бир хайрли иши учун буюк бир мавқеини ўз кўзи билан кўргандек бўлади. Ўзига нимани раво кўрса, мусулмон қардошига ҳам шуни раво кўриш даражасига етади.

РОСТ ГАПИРИШНИНГ ХОСИЯТЛАРИ
(ростгўйлик, тинч хотиржамлик)

Ислом буюкларидан Абдуқодир Гилоний болалигида ўқишга бориш учун онасидан рухсат сўради. Онаси рухсат берди, фақат қаерга бориб ўқишини сўради. Ёш Абдуқодир онасига ўша пайтларда Ислом дунёсининг илм-маърифат маркази бўлган Бағдодга бориб, ўша ерда ўқимоқчи бўлганлигини айтди. Онаси рози бўлди. Онаси кичкина Абдуқодирни жуда севар, ундан айрилиши қийин бўлса ҳам тушунди ва ўғлининг хирқаси (тўни) ичига «тушиб қолмасин ва йўқолмасин», деб қирқ олтин тикиб қўйди. Ўғлига: «Ўғлим, ҳеч ёлғон гапирма. Мусулмонлик тўғрилик динидир, тўғриликдан айрилма (ҳамиша тўғри бўл)» деб насиҳат қилди.

Шундан кейин она-ўғил хайрлашдилар (бир-бирларидан розилик тиладилар), ёш Абдуқодир бир карвонга қўшилиб йўлга чиқди. Йўлда карвон қаршисидан олтмишта отлиқ чиқиб тўсди. Булар йўлтўсар, карвонларни талайдиган қароқчилар тўдаси эдилар. Кўпчиликни ўлдирдилар. Қароқчилардан бири боладан нимаси борлигини сўради. Бола ёлғон гапирмаслик ҳақида онасига берган сўзини хотирлаб: «Қирқ олтиним бор», деди. Қароқчи бу бола мени алдаяпти деб ўйлаб ундан нари кетди. Кейин бошқа бири келди: «Эй бола, қанча пулинг бор?», деб сўради. Бола яна ўша гапни қайтариб: «Қирқ олтиним бор», деди. Юпун кийинган бу болада қирқ олтин нима қилади, у мени алдаяпти деб ўйлаб, у ҳам нари кетди. Кейин учинчи йўлтўсар келиб: «Қанча пулинг бор, бола?» деб сўради. Унга ҳам: «Қирқ олтиним бор», деб жавоб берди. Қароқчи боланинг қўлидан ушлаб бошлиқлари олдига олиб борди ва: «Бу бола қирқ олтиним бор деяпти», деди. Қароқчилар бошлиғи «Олтининг қани?» деб сўради. «Тўним ичида» деб жавоб берди бола. Бош қароқчи буйруғи билан тўнни йиртиб кўришди, ҳақиқаган

унинг ичидан қирқ олтин чиқди. Қароқчилар бошлиғи ҳайрат билан: «Нега тўғрисини айтдинг, ёлғон гапирганингда олтинларингни қутқариб қолардинг», деди.

Ёш Абдуқодир кулумсираб:

— Ҳеч ёлғон гапирмайман, деб онамга сўз берганман, — деб жавоб берди.

Кўзлари қон ва гуноҳга тўлган қароқчиларнинг бошлиғи диққат ва синовчи бир назар билан Абдуқодирнинг юзига тикилди. Бирдан қароқчининг кўзи очилди, ҳайрат ва ҳаяжондан кўзларидан икки томчи ёш сизиб чиқиб юзига оқди ва меҳрибонлик билан:

— Қаранг, бу бола онасига берган сўзида турибди ва унга вафо қилмоқда! Мен эса шунча йиллардан бери Тангримга хиёнат қилиб келаман. Бу йигитча менинг ҳалоскорим бўлди, мен барча разил ишларимдан тавба қиламан! — деди. Қалби, қаҳри тошдай қаттиқ бошлиқларининг атрофидаги қароқчилар баробарига:

— Шу кунга қадар йўл тўсиб, одам ўлдириб қароқчилик қилишда бошлиғимиз эдинг, энди гуноҳларимизга тавба қилиш ва яхши, хайрли ишларда бизга бош бўл, — деб ҳайқирдилар.

Бошлиқларининг буйруғи билан карвонда кимдан нима олган бўлсалар қайтариб бердилар, карвон эсон-омон йўлида давом этди. Қароқчиларнинг тоғ қояларидек қаттиқ тош қалблари юмшаб, тавба қилдилар. Қилган ёмон ишларидан пушаймон бўлдилар...

Эй, олижаноб қардошим! Бу — сўзида турадиган, ростлик, тўғриликдан айрилмайдиганларнинг мукофотидир!.. Барча йўлтўсарлар тўғри йўлга кирдилар, ёмон ишлардан воз кечдилар. Бир боланинг онасига берган сўзида турганлиги — барча бойлиги олиб қўйилган йўлчиларга бойликларини қайтариб берилишига, ўзларининг омон қолишларига сабаб бўлди. Бу тўғри сўзлик ва сўзга содиқ бўлишнинг келтирган яхшилиги, фойдаси ва мукофотидир.

ҲАЗРАТ УМАРНИНГ КЕЛИНИ ВА СУТГА СУВ ҚЎШМАСЛИК

Ҳазрат Умар (р.а.) Мадина кўчаларини бир-бир айланиб чиқар эди.

Кунларнинг бирида қулоғига бир товуш эшитилди. Товуш келаётган томонга бориб яқинлашди. Ичкаридан бир хотиннинг товуши келар эди:

– Қизим! Озроқ сув олиб келсанг, сутга қўшар эдик, бугун сут кўзимга оз кўринаяпти.

Қиз ҳайратланиб:

– Вой, онажон! Нималар деяпсиз? Амирал-мўъминин сутга сув қўшманг, деб буюрган эди-ку, – деди.

Онаси унга жавоб бериб:

– Қизим, биласанки, тирикчилигимиз сут билан ўтади. Мен бир бева аёлман, ҳеч даромадимиз йўқ. Сутга бир оз сув қўшсак кўпаяди, эҳтиёжимизга ишлатамиз, – деди.

Яратгандан қўрқиш қалбига жо бўлган одобли қиз: – Онажоним, бугун сизга нима бўлди? Сизнинг бундай деганингизни Халифа эшитса нима бўлади? – деди.

– Қизим, кечаси бул вақтда Халифа ухлаб ётибди. Бизнинг бу ерда сутга сув қўшганимизни қандай билади, қандай кўради? – деди.

Ул муборак қиз онасини гуноҳдан қайтаришга ҳаракат қилиб:

– Онажон! Бугун сизга бир нарса бўлибди! Сиз шундай сўзларни айтмоқдасиз! Сиз айтган ҳийлани Халифа агар кўрмаса, ҳамма нарсани билувчи Тангри билади ва кўради! Сутга сув қўшиш гуноҳдир! – деб онасини гуноҳдан сақлаб қолди.

Ҳазрат Умар бу суҳбатни охиригача эшитди. Эртасига эрталаб у ерга келиб, гўзал ахлоқи, яхши фазилатли, иффатли

ва тарбияли қизни ўғлига сўради. Ҳазрат Умар ўғлини фақир қизга уйлантирди. Ҳазрат Умарнинг ўша муборак келинидан шундай авлодлар – фарзандлар дунёга келдики, улардан бири Ҳазрат Умар каби адолатли бўлиб, тарихда Иккинчи Умар исмини олди. Бу зот Умар бин Абдул Азиздир. Умар бин Абдул Азиз бобоси каби адолатни севувчи, бир муҳтарам зотдир.

Умар бин Абдул Азизнинг хизматчиси ҳожаси учун совуқ кунларда таҳорат сувини иситиб берарди. Бир куни Умар бин Абдул Азиз хизматчисидан:

– Бу иссиқ сувни қаердан олиб келасан, – деб сўради. Хизматчиси:

– Байтул мол (давлат хазинаси)нинг ўтинларида сув иситиб келаман, – деди.

Унга Умар бин Абдул Азиз:

– Таҳорат сувимизни бузибсан (ҳаром қилибсан)-ку, – деди.

Кейин хазинага бориб хизматчиси қачондан бери бу ернинг ўтинига сув иситган ва қанча ўтин кетган бўлса, ўшани ҳисоблашни буюрди. Ва ўзининг шахсий маблағидан ўтин олиб хазинага келтириб берди.

Умар бин Абдул Азизнинг хотини Фотимадан эри Умар бин Абдул Азизни сўрабдилар. Фотима:

– Унга ўхшаш Яратгандан қўрққан кишини кўрмадим. Баъзан ётоғида хотирлаб номини зикр этиб, қўрқиб, унинг улуғлигидан қуш каби питирлаб ўзидан кетади. Шу даражадаки, гўё руҳини таслим этадигандек ва шунга уммати Муҳаммад халифасиз қолмасин деб қўрқаман, – дебди.

Изоҳ ва ўгиш

Ўқувчи қардошим! Аллоҳдан қўрқмоқликнинг хайрли ва фойдали натижалари бордир. Агар Ҳазрат Умар (р.а.) келин қилган қиздан бойлик истасайди, шундай фазилатли бир

набирали бўлмас эди. Ҳазрат Умар (р.а.) учун фазилат мезони – Яратгандан қўрқиш ва Унга нисбатан энг юксак даражадаги муҳаббатли бўлиш эди. Ҳазрат Умар (р.а.) яхши фазилат ва гўзал сифатларни бу фақир қизда кўрган эди. Йўқсиллигига қарамай, у қиз яхши фазилатларни йўқотмади. Сутни кўпайтириш учун сув қўшишга ўрганмади. Ҳар бир қулининг ризқини берадиган Яратганнинг ўзи эканлигига ишонган фазилатли бу фақир қиз халифанинг келини бўлди.

ҲАЗРАТ УМАРНИНГ ЯРАТГАНДАН ҚЎРҚИШИ

Бир кун Ҳазрат Умар от миниб кетар экан:

– Ё Умар, Яратгандан қўрқ, – дедилар.

Ҳазрат Умар афандимиз суръат билан от устидан тушиб сажда қилиб, бошини ерга қўйди, юзини тупроққа сурди, ранги сарғайиб, овози хириллаб:

– Умар кимки, Тангридан қўрқмасин! – деб бошини саждадан кўтарди ва: «Ундан қўрқиш ҳикматнинг, ҳидоятнинг, саодатнинг ёруғ юлдузидир. Ўзининг инсонлигини билган одам фақат Яратганнинг буюклиги олдида саждага эгилади. Ўзининг инсонлигини билмаган Яратганнинг буюклигини қаердан билсин», деди.

Изоҳ ва ўгит

Ҳазрат Умар (р.а.)ни Умар қилган Ислом динидир. Умар мусулмон бўлганига қадар тошбағир, меҳрсиз одам эди. Ҳатто, ўз фарзанди – қизини тирик кўмган тошбағир одам эди. Аммо мусулмон бўлгач, Ҳазрат Муҳаммаднинг тарбиясига мушарраф бўлгандан кейин Умардек марҳаматли, Умардек адолатли, Умардек Яратгандан қўрққан яна бир одам чиқмади.

Ўз оиласи, болаларига овқат учун унни Халифа Умар (р.а.) ўзи орқалаб ташиди. Халифа ўз қўли билан овқат пишириб

етимларга тарқатди. «Дажла қирғоғида бир чўпоннинг қўзисини бўри олиб қочса, Яратган Халифа Умардан сўрайди», деб кўзёшларини тўкар эди.

Буларнинг барчаси Ҳазрат Умар (р.а.)нинг Яратгандан қўрқишининг далилларидир.

ТЎҒРИ ТОЖИРЛИК ВА МУШТАРИЙГА ЯХШИЛИК

Муҳаммад бин Мункадир дўконида йўқлигида ўғли беш дирҳамга сотиладиган молни ўн дирҳамга сотди. Буни эшитган Муҳаммад бин Мункадир бутун кунини муштарий (сотиб олувчи)ни исташга сарф этди ва ниҳоят топиб:

— Бизнинг ўғилча янглишиб беш дирҳамга сотилиши керак бўлган молни сизга ўн дирҳамга берибди, — деган экан, муштарийси:

— Зарари йўқ, мен ўн дирҳамга олишга розиман, — деди. Шунда Муҳаммад бин Мункадир:

— Сиз рози бўлганингиз билан биз рози бўлмаймиз. Биз рози бўлган нарсага сиз ҳам рози бўлинг, — деди ва беш дирҳамни қайтариб берди.

Изоҳ ва ўгиш

Исломнинг ҳақиқий мезони, ўлчови шундай. Ўзингга нимани раво кўрсанг, бошқага ҳам шуни раво кўр. Ўзинг учун хоҳламаган нарсани бошқага ҳам қилма. Инсонни ҳурмат қилган динини севади. Динсиз инсонийлик бўлмайди. Буюк инсонларнинг барчалари динини севганлар.

Бу зотлар ислом етиштирган улуғлардир. Дини бўлган, имон бўлган одам бошқа инсонларни севади. Инсонларни севган уларни алдамайди.

ЯРАТГАНДАН ҚЎРҚИШ ВА ТЎҒРИЛИК

Савдогар Юнус бин Убайт дўконида турли-туман қимматбаҳо матолар бор эди. Буларнинг бир қисми икки юз, бир қисми юз дирҳамга сотиларди.

Бу зот дўконида дўстининг ўғлини қолдириб, ибодатга кетди. Шу орада дўконга қишлоқда яшовчи бир харидор кириб, икки юзга сотиладиган кийимлик матони тўрт юзга олди. Дўкондан чиқиб кетар экан, йўлда дўкон соҳиби билан учрашиб қолди. Дўкондор матони таниб сўради:

— Бу матони қанчага олдинг?

— Тўрт юзга олдим, — жавоб берди у.

— Янглишибсан, бу икки юз дирҳам туради, юр мен сенга қайтимини бераман, — деди Юнус бин Убайт.

— Бу бизнинг юртимизда тўрт юз дирҳам туради. Мен ўзим шунчага олдим, розиман, — деди муштарий.

— Мен Яратгандан қўрқаман мато икки юз дирҳам туради, — деб унга икки юз дирҳамини қайтиб берди. Дўконга келиб, ўрнига қўйиб кетган йигитчага:

— Сен Яратгандан қўрқмайсанми? Унинг қулларидан уялмайсанми, мусулмонларга кўрсатилган тўғри йўлдан қайтиб,нега бундай қилдинг, — деди.

— Мен хоҳламагандим, харидор ўзи шу нархга олди, — деди шогирд.

Унга жавобан Юнус бин Убайт:

— Ўзингга раво кўрмаганингни бошқага нега раво кўрасан, ўзинг рози бўлмайдиган ишга нега бошқа учун рози бўласан? — деди.

Изоҳ ва ўгит

Ўқувчи қардошим! Исломнинг ўрнак бўларли фазилатлари шундай олижаноб ва инсонни бахтиёр этадиган покиза, соғломдир.

Севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳадиси шарифларида: «Тўғри тожирлар (савдогарлар) қиёмат куни Пайғамбарлар билан баробар тириладилар ва бирга ҳамроҳ бўладилар», деганлар.

Охиратда Пайғамбарларга ҳамроҳ ва қўшни бўладиган тожирлар имон билан иш курсаларгина бахтиёрдирлар. Улар тўғрилик йўлидадир.

БИЛМАСДАН СОТИЛГАН ҚУСУРЛИ ҚУЛ

Имом Аъзам савдогар Ҳафс бин Абдураҳмонга бир тўп мол олиб жўнатди. Юборган бу молида қусурли, камчилиги бор бўлган кийим борлигини кейин билиб қолди. Дарҳол Ҳафс бин Абдураҳмонга мактуб ёзди ва мактубда бу қусурли молни харидорга кўрсатиб сотгин, деб уқтирди.

Мактуб келгунча Ҳафс бин Абдураҳмон молни сотиб юборди. У ҳам молдаги қусурдан бехабар бўлганидан, харидорга кўрсатмай сотиб юборди.

Кийимларнинг пули ва нархи ҳақида хабар берувчи бир мактуб ёзиб, Имом Аъзамга юборди. Имом Аъзам савдогар юборган 30–35 минг пулни олмай қайтариб юборди ва унга мактуб ёзиб харидорнинг ҳақини қайтариб беришни буюрди. Аммо харидордан кўп вақт ўтиб ҳам дарак бўлмади.

Имом Аьзам бу пулни ўз пулига қўшмай садақа қилишни буюрди, токи савоби ул харидорга ҳам тегсин, деб. Ҳафс бин Абдураҳмон билан эса алоқани узди.

Изоҳ ва ўгит

Эй дўстим! Инсон бўлиш осон эканми? Йўқ! Агар осон бўлса, Яратганнинг севган қуллари умр бўйи нафслари ва шайтонлар билан курашармидилар!..

Ўртоғининг хабари йўқ. Ғафлатда қусурли кийимларни сотди, деб у билан алоқани узди. Шундай ғофил одам билан

дўст тутиниш мақбул эмас, дейди. Аммо сен, XX аср одами, у дўстим минг бир ёлғон билан юз лиралик молни бир юз ун лирага сотди, деб уни қандай ақлли, тадбирли одам, деб у билан яқин бўлишга ошиқасан? Бу пул сени қандай оқибатларга олиб келишини, қандай тезлик билан ишинг чаппа кетишига сабаб бўлишини биласанми? Ушбу каззоблик билан топилган пул билан ўстирган жигар пора болаларинг, суюкли қизинг, эъзозлаган ўғлинг ҳоли нима бўлади, сен ўзинг нима бўласан, биласанми?

Барибир ҳисоб куни бор, ҳар нафаснинг ҳисобини берасанку. «Умрингни, бойлигингни нимага сарф қилдинг, молдунёни қандай топдинг ва қандай харж қилдинг», деган суроққа тутилганингда, оёғингни бир ярим қаричга ҳам силжитишга мадоринг қолмайди».

Бир кун шундай бўлади. Золимнинг — «эй-воҳ!», мазлумнинг — «оҳ», дейиши бор! Ҳикояларни яхшилаб ўқи, ибрат дарсини ол!

ҲАЗРАТ БИЛОЛ ВА ТЎҒРИ СЎЗЛИК БЎЛМОҚ

Ҳазрат Билол Ҳабаший (Билол бин Рабоҳ р.а.)га дўсти келиб бир қизни ота-онасидан сўрашни, яъни совчиликка боришни илтимос қилди. Ҳазрат Билол (р.а.) дўстининг сўзига кириб, қизнинг уйига борди. Қиз уйига бориб:

— Мен Билол бин Рабоҳман. Бу йигит менинг дўстимдир. Сизнинг қизингизни сўраб келдик. Аммо шуни айтишим керакки, бу дўстим ахлоқ жиҳатидан яхши одам эмас. Бу феъл-атворини билиб қўйинг. Қизингизни шунга қараб берасиз, — деди.

Қиз соҳиблари (ота-оналари):

— Ундай бўлса, нега келдингиз? — дедилар.

— Мен ёлғон сўзлай олмайман, — деб жавоб берди Ҳазрат Билол.

Изоҳ ва ўгит

Эй Ҳақ йўлчиси! XX асрнинг ёлғонларини ўзида мужассам қилиб қиз истагани борадиганларнинг қулоқлари тингласин! Бу сўйлаган ёлғонларига улар қандай жазо оладилар. Ҳақдан, адолатдан қўрқмаганларнинг борар жойи жаҳаннамнинг оловли оташидир. Сен элнинг такасалтанг ўғлини бировнинг севикли қизчасини азобларга қўясанми? Сен минг бир хил ёлғонлар ишлатиб ҳеч билмайдиган одаминг учун орага тушиб, ёлғон гаплар айтсанг, бунинг жазосини тортмайман, деб ўйлайсан, шекилли. Аслида бундай бўлмайди.

ЯРАТГАНДАН ҚЎРҚМОҚ

Бир вақтлар болалари оч қолган фақир бир хотин бадавлат қўшнисига ёрдам сўраб кирди. Гўзал бу хотин болалари учун овқат сўраб кирганида нафсининг асири бўлган одам, ундан яқинлик истади. Хотин номусли, аёл бўлгани учун ҳеч нарса олмасдан чиқиб кетди. Уйига келгач, болалари: «Она, биз очликдан ўламиз. Озгина бўлса ҳам овқат йўқми?» деб фарёд кўтардилар. Болаларининг кўзёшига чидай олмаган аёл яна ўша қўшнисиникига борди. Бой ўз таклифини такрорлади. Аёл мажбур бўлиб кўнди. Танҳо бир ерга кирдилар. Ул одам аёлга яқинлашган пайтда аёл Яратгандан қўрққанидан бутун вужуди титрай бошлади.

Бой беихтиёр сўради:

— Нега титрайсан? Қўрқма, бу ерда ҳеч ким йўқ.

— Биламан, ҳеч ким йўқ, аммо Яратган бор. Инсонман деган киши доимо Яратгандан қўрқиши керак! — деди аёл.

Бой:

— Хоним, сен шу қадар ночорлигинг билан Ундан қўрқяпсан. Мен эса нега шунча давлатим билан қўрқмай, — деб ўзининг ёмон ниятидан қайтди ва аёлга зарур бўлган

овқатлардан бериб, ўзи ҳам мамнун ҳолда уни уйига кузатиб қўйди.

Шу пайт Ҳазрат Мусога ваҳий юборди: «Қулимга салом айт! Пушаймон егани ва мендан қўрққани учун афв этдим. У вақтида ўзига келди, мендан қўрқди, амрларимга бўйсунди».

Ҳазрат Мусо ул одам олдига келди ва «Сен бир хайрли иш қилдингми?» деди. Ул одам бошидан ўтган воқеани айтиб берди. Ҳазрат Мусо ул одамга хабар бериб, «Яратган сени авфи мағфират қилди», деди.

Изоҳ ва ўгит

Эй Ҳақ йўлчиси!

Шуни яхши эслаб олки, бу дунё бир синов мактабидир. Сен тушунадиган бир йўсинда баён этаман.

Билгинки, бу дунёда ўқишга борадиган, таҳсил оладиган талабалар бор. Улар маълум бир муддатга келиб кетадилар. Баъзилари дарсларини жуда яхши тайёрлайдилар, чарчайдилар, овқатланишлари, туриш-турмушлари маълум бир тартибда ўтади. Баъзилари эса ҳеч дарснинг юзига қарамайдилар, ўйнаб юрадилар, кўнгилхушликка берилишади.

Ҳеч дарс тайёрламайдиганлар, доимо ўйнаб юрадиганлар имтиҳон топширолмай синфда қоладилар. Улар масъулиятсизликларининг жазосини тортадилар. Ўзлари разил бўладилар, оналари йиғлайди, барча дўстларни мотамга қўядилар. Масъулиятсиз бир фарзанд туфайли барча оила аъзолари изтироб чекадилар, ғамга ботадилар.

Юқоридаги ҳикоядаги каби бу дунё бир мактабдир. Инсонлар бу мактабнинг талабаларидирлар. Бу дунёда нафсининг сўзига кирган ва шайтон буйруғини бажарган кимсалар масъулиятсиз ва ўйинни жуда севадиган кимсаларга ўхшайдилар.

Нафс инсонга ичкилик ич, дейди; қимор ўйна, дейди; қўлингга тушган хотинларнинг ор-номусига қўл узатиб

қийна, дейди; одамларни алда дейди; хуллас нафс шайтон билан дўстлашиб, барча ёмонликларга етаклайдилар.

Дунё мактабдир. Бу дунёда қилган ишларингнинг ҳисобини сўралади. Охират дунё мактабининг йил охирига ўхшайди.

Бу ҳикояда эс-ҳушини йиғиб олиб, нафсига эрк бермаган, шайтоннинг айтганини қилмаган, оний лаззат учун қўлига тушган болаларнинг онаси, фақир, йўқсил хотиннинг номусига тегмаган одам Яратган оддида номуснинг қадр-қиммати жуда буюкдир.

ИЛМ БОЙЛИКДАН УСТУНДИР

Бир вақтлар Мисрда ака-ука яшар эди. Бири илм ўрганди, бири эса бойлик орттирди. Илм ўргангани ўз замонасининг энг буюк олими бўлди. Унинг укаси эса Мисрнинг энг бадавлат кишиси бўлди. Бой бўлган ука фақир бўлиб қолган илмли акасига менсимай қарар, уни доим камситарди.

– Мен бой бўлдим, буюк салтанат эгаси бўлдим. Сен эса фақир ва йўқсил, мискин ва ночор қолдинг, – дерди. Олим бўлган акаси унинг сўзларига ҳеч эътибор бермас ва ўзини мағрур тутар эди. У бой укасига шундай дерди:

– Эй ўзини билмаган қардошим! Тушунмасдан оғзингга келган сўзни гапирма! Мен шукроналар қилсам арзийди.

Менинг назаримда илмдан буюк, илмдан фазилатлироқ бошқа нарса йўқдир. Сен умрингни мол тўпламоққа бағишладинг. «Молимнинг бошида чўпонлик қилайин, қўриқлайин», деб умринг бесамар кетди. Сен ўлганингдан сўнг эски сополни ҳам олиб кетолмайсан. Шунинг учун сен, молингни бошқалар учун тўплагансан. Мен эса оёқ остида чирқираган бир қушча каби хоксорман. Сен эса игнанг билан ҳаммани чақадиган, озор берадиган қизил қовоқари кабисан. Мен инсонларга азоб берадиган қувват бермагани учун Жаноби Ҳаққа қанчалар шукрона қилсам ҳам камдир.

Изоҳ ва ўгит

Илм соҳиби меҳр ва ҳурмат кўради, илмдан бенасиб киши эса умрини бехаловат ўтказади. Илм ўз соҳиби билан охиратга қадар боради. Бойлик бу дунёда қолади, эгаси эса ҳисобини беролмайди. Илм инсоннинг шарафини юксалтиради. Бойлик инсонни қўриқламайди. Мол-дунёни эгаси қўриқлайди.

ИЛМ, ФАЗИЛАТ ЎРГАТГАН УСТОЗГА ҲУРМАТ

1453 йил 29 май тонгда Ислом қўшинлари Истамбулни фатҳ этди. Ислом қўшинлари Истамбулга кирди.

Фотиҳ Султон Меҳметхон оппоқ отига миниб қўшин бошида Тўпқопи дарвозасидан ҳашамат билан кириб борарди.

Бизанс халқи кўчалар четида тўпланишиб ҳаяжон билан мусулмон турк қўшинининг Истамбулга киришини олқишларди. Қизлар қўлларидаги гулдасталарни подшоҳга тақдим қилиш ҳаяжонидалар. Фақат улар жаҳонгирни танимас эдилар. «Истамбулни забт этган саркарда ким?» деб сўрашарди. Қизлар оппоқ соқолли, виқорли, салобатли Оқшамсуддин Ҳазратлари – Фотиҳнинг устозини подшоҳ деб ўйладилар ва гулларни, чечакларни унга бермоқчи бўлдилар. Оқшамсуддин Ҳазрат отини бир четга суриб чиқди ва подшоҳни кўрсатиб:

– Янги санани очган ҳукмдор Султон Меҳметхон ана удир, гулларни унга беринг, – деди.

Фотиҳ Султон Меҳметхон Ҳазратлари ўзининг олдига келган қизларга Оқшамсуддинни кўрсатиб:

– Боринг, гулларни оппоқ муҳтарам ул зотга беринг, гулдаста унинг ҳаққидир. Филҳақиқат, ул менинг, фақат менинг устозимдир. Бу гулларга у кўпроқ лойиқдир. Чунки бу

фазилатларни, бу жаҳонгирликни, бу қаҳрамонликни мен у муҳтарам устозим Оқшамсуддин Ҳазратларидан ўргандим. Унинг илми ва фазилати соясида Истамбулни фатҳ этиш шарафига эришдим, – деди.

Изоҳ ва ўгит

Мактабларимизда устозлари – муаллимлари билан гап талашиб, улар устидан куладиган бахтсиз ва фазилатдан бенасиб баъзи талабалар, ўқувчилар Фотиҳнинг бу ибрат бўлувчи ишидан ўгит олсинлар ва ўзларига илм-ирфон ўргатувчи устозларига нисбатан ҳурмат ва меҳр кўрсатишга одат қилсинлар. Бундай шуурсиз болаларимизни бу азиз ватанимиз учун ҳар бири бирор қиймат ва қадр оладиган ҳидоятга эриштирсин ҳамда хайрли бир авлод бўлувчилар жумласига киришларини насиб этсин.

Устозига меҳр ва ҳурмат кўрсатишни билмайдиган ва ўрганишни истамайдиган бахтсиз талаба, бир умр ўзигагина меҳрибон ва ўзинигина ҳурмат қилувчи бўлиб қолади. Инсон нима экса, шуни ўради. Саҳро тиканини экиб, гул оламан, деган одам, ақлли одам эмасдир. Узига илм-ирфон ўргатувчи устозининг қадрини билмаган одам ватан, миллат учун фойдали бир одам бўла олмайди.

Қолаверса, устоз ҳақи адо этиб тугатиб бўлмайдиган бир ҳақдир.

ОЛИМЛАРНИНГ ҚАДРИ

Подшоҳ Султон Салим Мифни забт этди; Миср ҳам Усмонли ўлкалар сирасига кирди. Султон Салимхон қўшини олдида Истамбулга қайтиб келди, у мулозимлари, устозлари, Шайхул-Исломлар қуршовида келарди. Энг ҳурматли соҳиби илм ибни Камол подшоҳнинг ёнида келарди.

Зафар машқлари чалинади, ибни Камол билан Султон Салимхон қушин олдида келадилар. Шу онда ибни Камолнинг оти бирдан ҳуркиб кетиб сакради.

Султоннинг сут каби оппоқ уст-кийимига лой сачради. Буни кўрган ибни Камолнинг ранги ўчиб қўрқиб кетди, подшоҳнинг ғазабли онларини хотирлади. Вазирлар ҳам саросимага тушиб қолдилар.

Шу бир зумлик саросима Султон Салимнинг назаридан қочмади, у вазирга қараб:

— Бу тўнимни олиб сақлаб қўйинг. Бу тўн лойи билан сақлансин, — деди.

Вазирлар бу буйруқ ҳикматини, сабабини ундан сўрадилар, шунда Султон:

— Ул муҳтарам зотнинг отининг оёғидан сачраган лой бизнинг шарафимиздир. Тўнимизга теккан лойни кўриб авлодимиз ҳам ибрат олсинлар, уламонинг отининг оёғидан сачраган лой бизнинг назаримизда қанчалик қадрли эканлигини дунё тургунча авлодимиз хотирласин, — деб жавоб берди.

Изоҳ ва ўгит

Бир талабанинг устози ҳаққини тўламоқ ҳеч қачон тугамаслигини билгани унинг саодатманд эканини кўрсатади. Ўзига илмирфон ўргатган устози бўлмаганида илмни қаердан оларди? Ҳазрат Али (р.а.): «Менга бир ҳарф ўргатган мени ўзига қул қилсин», деганлар. Агар бир мамлакатнинг ҳақиқий олимлари бўлмаса, ул мамлакат таназзулга маҳкумдир. Жоҳиллар олқишланиб, обрўда юрар эканлар, ҳақиқий илм одамлари чекка-чеккада қолаверадилар.

СЎЗЛАМАСДАН ОЛДИН ЎЗИ АМАЛ ҚИЛАДИГАН ОДАМ

Бир вақтлар ақлли ва ирфон соҳиби ёши улуғ бир зот яшар эди. Бу зот туриш-турмушини диний мезонда олиб борарди. Шунинг учун бу зотнинг сўзлари ўз муҳитида, яқинлари орасида қадрли ва эътиборли эди.

Бир куни кўп асал еб қўйган бола касал бўлиб хасталаниб қолди. Табибга олиб бордилар. Табиб: «Бу бола асал емасин, яна бол еса, касаллиги кучайиб кетади», деди. Аммо бола асал еявераман, деб туриб олди, хархаша қилди. Боланинг иродасига ишонмаган ота-она болаларининг бу дардига чора излай бошладилар. Бир кун дўстлари, «бизнинг маҳаллада бир зот бор, унга олиб бориб ўқитиб кўринглар, унинг нафаси яхши бўлади», деб тавсия қилди. Болани ул зот олдига олиб бордилар. Ул зот:

— Қирқ кундан кейин келинг, ўшанда ўқиб қўяман, — деди.

— Яхшилик қил, афандим, боламиз оғир касал, асал еса ўлиб қолади, — деб боланинг ота-онаси ёлворишди.

Бу ёлворишларга қарамасдан, ул зот: «Ҳозир ўқимайман, қирқ кундан кейин келинглар», деб кўнмади. Қирқ кун ўтгач, болани олиб келдилар. Эшикни тақиллатдилар. Ул зот қабул қилиб, қўлини боланинг бошига қўйиб:

— Бугундан бошлаб асал емагин, болам, — деб боланинг бошини силаб эркалади. — Энди болага асал берсангиз ҳам емайди, — деб улар билан хайрлашди.

Ота-она уйга келиб болага асал бердилар. Бола «емайман» деб юзини бурди. Улар қувониб, севинганларидан ташаккур айтиш учун ул зотнинг олдига келдилар ва:

— Нега бизни қирқ кун изтиробга қўйдингиз? Нега аввал келганимизда бундай сўзларни айтмадингиз, энди бўлса бир пасда бир гап билан болани қаноатли қилдингиз, — деб сўрадилар.

Ул муҳтарам зот бундай жавоб берди:

– Қирқ кун аввал болани олиб келганингизда мен асал еган эдим. Агар ўша куни гапирсам болага таъсир қилмас эди. Қирқ кун нафсимни бол ейишдан тийдим, токи болага гапирганимда сўзларим унга таъсир этсин, деб. Агар сиз изтироб чекмоқдасиз, деб кўнгилчанлик қилиб ўшанда гапирганимда, сўзларим болага таъсир қилмас эди ва сиз ҳам бугун болангизнинг касалига чора тополмас эдингиз.

Изоҳ ва ўгит

Бу ҳикояда ҳам иршод соҳиблари учун ибрат оладиган буюк ибрат дарси бор. Фазилатга кўнгил қўйган одамлар ўша фазилатга кўра яшайдилар. Жамиятга ўрнак, раҳбар бўладиган ва бўлишни хоҳлайдиганлар фазилатдан, яхшиликдан сўз юритадиганлар, аввало, тиллари билан айтган фазилатлар, яхшилик ва тўғриликлар билан яшайдиларки, токи кейин сўзлаган сўзларининг самарасини ола билсинлар. Фазилатдан сўз айтиб, фазилатсизликда ўрнак бўлса, умр сармоясини бекор сарфлаган ва совуриб юборган бўладики, бу жоҳиллик аломатидир.

Шам каби бошқаларга ёруғлик, нур сочиб ўзи йўқ бўлиб, ҳалок бўлиш фидойиликдир.

ҚУЛ ВА ИМОМ АЪЗАМ

Имом Аъзам Ҳазратлари замонларида бир қул Имом Аъзамга мурожаат қилиб:

– Афандим, бу ҳафта жума хутбасида бир қулни озод этишнинг фазилати, унинг савобидан сўзлаб берсангиз, зора ҳожамиз бизни ҳам озод қилиб юборса, – деди.

Имом Аъзам ул қулга:

– Хўп бўлади, болам. Бир кун жума хутбамизда қул озод қилишнинг фазилатлари ва савобларидан сўзлаймиз, – деди.

Орадан икки жума ўтди. Учинчи ҳафта жума хутбасида динимизда қул озод қилишнинг фазилатларини сўзладилар. Бу хусусда жамоатга узоқ сўзлаб иршод этиб, тўғри йўл кўрсатдилар.

Жума намозидан кейин озод бўлиши учун Имом Аъзам олдига ёлвориб келган қулнинг ҳожаси Имом Аъзам олдига келди ва ташаккур айтди. Фақат нега бу мавзу ҳақида олдинги жумаларда эмас, балки икки ҳафта ўтказиб сўзлаганининг ҳикматини сўради. Унга Имом Аъзам:

– У ҳафтада бир қул олиб, уни озод қилишга етарли пулим йўқ эди. Бу икки ҳафта ичида пул йиғдим, унга бир қул сотиб олдим ва уни озод қилдим. Шунда қул озод қилишнинг фазилатларини ўзим ҳис этдим, мазасини тотдим, сўнгра сўйлаган эдим, жамоатга ҳам таъсир эта билдим. Сўзлаган сўзимни ўзимга татбиқ этмаганимда, бугун сени ҳожанг озод қилмаган бўларди, – деб жавоб берди.

Изоҳ ва ўгит

Бу қиссада бир неча ҳикмат бор. Бу қиссада ибрат олиш қобилиятига эга бўлганлар учун мингларча имконият мавжуд.

Инсон ҳар бир фазилатни аввал ўз нафсида, ўзида татбиқ этгандагина унинг маънавий нашъасини татийди, ҳис этади. Шундан кейин ўша маънавий нашъани бошқаларнинг ҳам билиши, ҳис этишига восита бўлиши мумкин. Ўзи маънавий қадриятларни билмай туриб, бошқаларни унга ундаши ақлли одам иши эмасдир. Ақлли одам аввал ўзи барча яхшилик, хайрли ишлар, хуш фазилатлар соҳиби бўлиб, ҳаётига уларни татбиқ этади, унинг мукофотини олади, лаззатини тотади. Сўнгра бу фойдасини кўрган қадриятларга мусулмон қардошлари ҳам амал қилишлари учун қўлидан келганича ғайрат кўрсатади. Бу – ўзи хоҳлаган яхшиликларни бошқа мусулмон

биродарлари учун ҳам шунга эришишларини хоҳлаш демакдир ва бу фазилатнинг қадри динимизда жуда қимматлидир.

Қардошларимиз учун бу қиссада тўғри йўл кўрсатувчи ҳикматлар бор. Айтган фазилатларга аввал ўзи риоя қилиб, сўнгра халққа сўзламоқ зарур. Бундан кишига икки наф бор. Бири – ўзи риоя қилган яхши фазилат мукофотига сазовор бўлади, дунё ва охират саодатига эришади. Иккинчиси – ўзи амал қилган фазилатларнинг халққа таъсири бўлади, одамлар ҳам ўзлари тинглаган ўгитларга амал қилиб эришадилар.

Бу мавзунинг мағзини, маъносини ўқувчиларим ирфонига ҳавола қиламан.

Агар фазилатлари ўз истак ва орзулари ила мос бўлса, инсон унинг лаззатини тотади, завқ олади.

«БИСМИЛЛОҲ» ДЕМОҚНИНГ ФОЙДАЛАРИ

Бир-бирига дўст икки шайтон анча вақт кўришмай, бир кун тасодифан учрашиб қолдилар. Бир-бирларига соғинч билан қараб, бири бошқасини саволга тута бошлади:

– Биродар, мен сени танимабман. Сенга нима бўлди, бу аҳволга тушибсан? Жуда озиб, заифлашиб кетибсан, олдин бундай эмас эдинг. Бирор дардинг борми?

Шунда озғин шайтон:

– Ҳеч сўрама, дўстим! Мен шундай бир дардга тушдимки, айтиш қийин. Бир одамнинг этагига ёпишдим, ундан ҳеч ажрала олмадим. Ул одам ҳар бир ишдан олдин ҳамда еса ҳам, ётса ҳам, турса ҳам «Бисмиллоҳ», дейди. Ҳар куни шундай. Энди унинг дастурхони олдига келиб ўтиришим билан у шу сўзни айтиб овқат ея бошлайди. Мен бир луқма ҳам овқат ея олмай туриб кетаман. Ҳар куни оч-наҳор юраман, шунинг учун озиб чўп бўлдим. Бу одамдан айрилиб бошқа одам этагига илина олмадим. Сен ўзинг мунча шишиб

кетибсан? Сени танимай қолибман. Бунчалик шишиб, семириб кетганинг сабаби нима? – деди.

Семириб кетган шайтон озиб кетганига:

– Биродар! Мен эса бутунлай бошқа одамга, сен айтиб берганнинг тескариси бўлганга тушдим. У на ҳалолни, на ҳаромни билади. У шундай бир ҳаромзодаки, ҳақни ҳам, ҳуқуқни ҳам билмайди, меъдасини харом билан тўлдирган. Мен шундай одам этагига ёпишдим. У бу сўзни нималигини ҳам билмайди. Ақлига ҳеч бир вақт келмагани каби уни қандай, қачон айтишни ҳам билмайди. Мен шундай бефарқ, ҳалол, ҳаромни билмайдиган одам овқатидан еб семирдим, роҳатландим, ҳозир ҳам у билан ҳамтовоқман. Бўйним йўғонлашиб кетгани, қорним думбира бўлгани сабаби шу, – деди.

Изоҳ ва ўгит

«Бисмиллоҳ» ҳар бир ишдан олдин айтилади, токи у ишдан хайр ва баракот келсин. Усиз ишнинг хайри ва баракаси бўлмайди.

Севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

«Ҳар ким уйига кирмоқчи бўлганида шайтон ҳам унга тобе бўлиб ул одам билан уйга кирмоқчи бўлади. У одам уйига кирар экан шу сўзни айтса, шайтон ул уйга кирмай, «Мен учун бу уйга кириш имкони қолмади», деб орқасига қайтади. Овқат еганида ҳам айтса, шайтон учун егулик қолмайди. Сув ичганда, шарбатга ўхшаш ширинлик ичса, ётганида айтса ҳам яхши бўлади.

Мусулмон одам ҳар ишини «Бисмиллоҳ» деб бошлаши керак. Бола-чақаларига ҳам айтишни ўргатиши зарур.

Кимки ҳар куни минг марта ушбу сўзни айтса, икки дунё саодатини олур.

ЧИН ДИЛДАН ИШОНСАНГ ДЕНГИЗ ЙЎЛ БЎЛАДИ

Бир вақтлар Оминўну атрофида маҳсидўз косиб, фақир, сабрқаноатли бир зот бор экан. Бу зот кунда топганига қаноат қилиб, жуда ҳалоллик билан турмуш ўтказар эди.

Бир куни шул одам Оминўнудаги Жомеъда ибодатдан кейин ваъз тинглар эди. Минбарда ваъз айтувчи мулла ваъзида «Ҳар ким астойдил ишониб «Бисмиллоҳ» деса, ҳатто денгиз устида юрса йўл бўлади. Яратган қувват ва қудрат соҳибидир, ўзига жон дили билан боғлиқ бўлган, ишонган одамларга ёрдам беради, лутфу эҳсонда бўлади», деди.

Бу ваъзни ихлос билан тинглаган ул косиб одам оқшом пайтида кулбасига қайтди. Уйига кетаётиб Саройбурунга келди. Уйи Ускудорда эди. У «Бисмиллоҳ» деб денгизга қадам қўйди. Тез юриб уйига борди. Эшигини тақиллатган эди, хотини эшикни очиб кутиб олди ва ҳайрат билан унга тикилди-да, «афандим, бугун ҳар кунгидан эрта келдингиз», деди. Ул зот бўлган ишни тушунтирди, шунда хотини:

— Муҳтарам афандим, ул ҳожа афандини уйимизга таклиф қилинг. Эртага оқшомда уларни ҳам ўзингиз билан олиб келинг, — деди.

Маҳсидўз ул косиб эртасига ҳожа афандининг ваъз-насиҳатини эшитганидан кейин, мулланинг қўлини ўпиб: «Ҳожам, сизга бир илтимосим бор, илтифот қиласизми?» деб сўради. Ҳожа: «Албатта, бош устига», деб жавоб берди.

Имони бутун, амали, тамизи соф мусулмон косиб унга:

— Афандим, бу оқшом бизнинг фақир хонадонимизда меҳмон бўлсангиз, кечқурун бирга овқатлансак, лутф этиб қабул қилсангиз. Рафиқам ҳам меҳмон бўлиб кулбамизга ташриф буюришингизни илтимос қилди. «Ҳожа афандини бу оқшом таклиф қилинг, фақир шўрвамиз ила меҳмон

қилайлик, қўлини ўпиб ул зотнинг дуосини олайлик», деб сўради, – деди.

Улар бирга Саройбурунга келдилар (яъни денгиз бўйига келдилар.) Косиб, «қани кетдик бўлмаса афандим», «Бисмиллоҳ» деб, денгизга қадам қўйди ва ҳеч ўнг-сўлига қарамай юриб кетди. Йўлда: «Ҳожам, дуои ўгитингиз билан уйга шу йўлдан кетмоқдаман, уйга бориш учун қайиқчига берадиган пул ёнимга қолмоқда», деб дуо қилди ва ташаккур айтди. Ҳожа афандининг овози келмаганидан кейин орқасига қараса, ҳожа афанди қолибди. Шунда косиб: «Ҳожам! Нега турибсиз, нима бўлди?» деди.

Ҳожа афанди косибга қўли билан имо қилиб, «бу ёққа кел!» деди. Косиб қайтиб борди ва «бизникига боргиси келмай қолдими?» деб ўйлаб:

– Ҳожа афандим! Қўл-оёғингизни ўпай! Нега туриб қолдингиз?

Унга жавобан ҳожа афанди:

– Шундай болам! Мен шундай деганман. Ҳақиқатан шундай. Фақат бу ерга келгач, малъун шайтон мени йўлдан урди. Бехос «Ажабо!» дедим. Ажабо, демаганимда сен билан денгизга қадам қўйиб, бирга борардим. Афсуски, энди сендаги соғлом, пок имон менда йўқ. Бир марта кўнглимга шубҳа кирди, «Ажабо», дедим, энди мен сендай денгизда юра олмайман, чўкиб кетаман, – деди.

Изоҳ ва ўгит

Демак, инсон қалбида бир шубҳа, бир тараддуд пайдо бўлса, бор фазилатлар беҳуда кетади. Ул инсон яхшилик ҳақида гапириши мумкин, лекин ўзи уни қила олмайди. Бундай одамнинг имонини шайтон урган.

Ҳар икки оламда бахтиёр бўлишни хоҳлаган, эс-ҳушли, ҳақиқий мусулмон иши билан ишончини бир хилда қилишга

интилади. Чунки унинг манфаати ишонч ва амалнинг бир-бирига мослиги билан сақланади.

Ҳақиқий мусулмон ҳеч қачон ёлғон сўзламайди. Ҳеч кимни алдамайди. Ўзини ҳам алдатмайди. Ҳийлагар, сохта, товламачи инсонлар фақат ўзларини алдайдилар.

ГУНОҲДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИШ

Ўтган замонда игна-ип сотувчи ғоят фақир бир зот истиқомат қилар эди. Тангри бу фақир ва ниҳоятда эътиқодли, самимий ва содиқ қулини оғир бир имтиҳондан ўтказмоқчи бўлди. Бу имтиҳонни малоикалар ўтказдилар.

Игна-ип сотувчи фақир одам ҳар кунгидай игна-ипини олиб, уйидан чиқди. Уч кундан бери уйига бирор овқат топиб келолмаган ул одам «Ё, Раббий! Бир қисмат бергинки, ҳозир уйимдан узоққа кетмай, болажонларимга бир овқат олай», деб кўчаларни айланар экан, бир хотиннинг «Игначи!» деб чақирган овозини эшитди. Овоз келган тарафга қараб, учинчи қаватда бир хотинни кўрди. У аёл: «игна сотувчи бу ёққа кел, бир нарса оламан», деди.

Йигит севина-севина уйнинг учинчи қаватига чиқди. Аёл эшикни очди, уйга кириб ўтиришга таклиф қилди. Сотувчи ўтириб, нафасини ростлаб-ростламай ёғоч қутисидаги молларини бир-бир очиб кўрсатди. Қутисидан нарсалар олиб кўрсатиб, у уч кундан бери уйига овқат олиб бормаётганини, болаларининг очлигини тушунтирди, энди уларга овқат олиб боражагини айтиб севинди:

— Хоним, молларим жуда яхши. Хоҳлаган нарсангни ол, арзон сотаман, — дейди.

Ул хотиннинг ҳаё пардаси йиртилиб, беҳаёлик билан:

— Мен сендан латта-путта, игна-ип сўраётганим йўқ. Менинг йигитим бўласан, — дейди.

– Хоним, ёлвориб сурайман, болаларим уч кундан бери оч. Сен менга нималар деяпсан. Бир луқма овқат томоқларидан ўтмади. Мен сенга нималар деяпману, сен менга нималар деяпсан.

– Мен сенга хоҳлаганингча пул бераман. Мен сенга берадиган пул бир ой, ҳатто олти ой молинг билан қилган савдоингдан кўп бўлади. Сенга ҳозир қулай фурсат келди, бунинг қадрига ет, – деди хотин.

– Хоним, илтижо қиламан, менга рухсат бер. Сен айтган ишни қилишни хоҳламайман, – деди йигит.

Нафснинг асираси, шайтоннинг уйинчоғи ва барча ёмонликларни ўзида мужассам қилган бадбахт хотин:

– Бўлмайди, сени қўйиб юбормайман. Ё айтганимни қиласан, ё расвои жаҳон қиламан. Деразадан бақириб бутун маҳаллани бошимга кўтариб одамларни йиғаман ва сени пора-пора қилдираман. Айтганимни қилсанг, сенга истаганингча пул, ҳатто мол-мулк бераман. Сен бу йўқсилликдан қутулурсан, бола-чақанг эса очликдан, ночорликдан қутуладилар. Бўлмаса, ҳаммангиз фақирлик ва ночорликдан қутула олмайсиз. Агар болаларингни яхши кўрсанг, айтганимни қиласан, – деди.

Бундай ақлга сиғмайдиган разиллик тузоғига илинган йигит нима қилишини билмай қолди. Бу хунук ишни, ифлосликни қилса, буюк гуноҳ бўлади, агар қилмаса, ҳамманинг олдида расвосини чиқаради. Бу ҳаёсиз хотиннинг қўлидан қутулиш амримаҳол эканлигини тушунди ва аёлга деди:

– Хоним, сен ташқарига чиқиб тур, мен ибодат қилиб олай, сўнгра қандай қарорга келганимни сенга айтаман.

Аёл ташқарига чиқди. Таҳоратсиз бир қадам қўймайдиган, уйдан чиқаётиб таҳорат олиб ишга борадиган бу ҳақиқий мусулмон, ҳақиқий мўмин ибодатдан сўнг, қўлларини осмонга кўтариб бундай деди:

– Менинг ҳолимни мендан юз чандон яхши биласан, мени бу мусибатдан қутқар. Ё Раббий, фақат уч кунгина очлик билан эмас, агар бутун ҳаётимда оч қолишимни билсам ҳам, ҳайвонлар каби ўт еб яшасам ҳам бу ифлос ишни – зино қилишни асло истамайман, имонимга, мусулмонлигимга шак келтирмайман. Ул хотиннинг менга бермоқчи бўлган пули, мол-дунёсининг мен учун бир чақали қиймати йўқ, бундан кўра мен учун оч юриш энг хайрли ишдир. Сен менинг холиқимсан. Менинг барча ишларим сенга маълум. Сен учун сиру асрорим йўқ, бўлмайди ҳам, – деб ёлворди.

Шу пайт унинг миясига ўзини деразадан ташлаш фикри келди.

– Шунда қулингнинг ҳоли сенга маълум, у ўзини учинчи қаватдан отганда, уни сақлагин. Бўлмаса у чилпарчин бўлади, – деб илтижо қилди. Ва бу самимий мусулмоннинг сўзларини бир ибрат сифатида айтдилар. Йигит ўзини деразадан ташлади. Доим ибодатда бўлгани учун Яратган уни учинчи қаватдан ерга безиён тушишига эриштирди.

Унинг ҳеч бир ери шикастланмай, шошиб ўз уйига кетди. Эшикни очиб, уйига кириб, болаларининг очликдан фарёд қилаётган изтиробларига ғарқ бўлди. Ва уйининг бир бурчагига бориб, бошини буркаб ётиб олди.

Болалари овқат деб яна фарёд кўтардилар. Хотини отангиз чарчаб келди, сизларга овқат топиб келаман, деб унинг жигарлари эзилиб кетди, деб тасалли айтиб болаларини юпатди. Болалар оталарини кўргач: «Отамиз бизга овқат олиб келди», деб бўйнига осилдилар. Отаси уларга кўзёшидан бўлак нарса бера олмади.

Шу пайт эшик очилди ва бир қўшниси кириб:

– Қўшнижон, сизлардан озгина овқат сўраб келдим, болаларим уч кундан бери оч, озгина овқат берсангиз сизлардан миннатдор бўлардим, – деди.

– Қўшнижоним, бизнинг болалар ҳам уч кундан бери оч. Кўряпсизку, улар йиғлаб ётишибди. Қозонимиз сувда, ўчоғимизда ўт йўқ, – деди болаларнинг онаси.

Аммо қўшни хотин бу гапларга ишонмади ва:

– Ҳайф сизларга, маҳалламизнинг энг тўғри, энг инсофли, энг самимий одамлари деб билардик сизларни, демак янглишибмиз, – деб гина қилди.

Йигит ва хотини, «Эй қўшнижон, кечиринг, бизнинг аҳволимиз ҳам сизникидек», деб тушунтиришди. Қўшни хотин қайтиб келиб супанинг четидаги ўчоқни кўрсатиб, «Бу қозондаги овқат эмасми», деди. Қарасалар, ҳақиқатда қозонда овқат пишиб турипти. Фақир йигит ҳам ўша заҳоти бориб қараса, ростдан шундай. Қўшни хотинга дарҳол овқат беришди. Болалар буғи чиқиб турган овқат олдига келиб ўтиришди. Улар: «Яшасин дадамиз!», деб қичқиришиб, оталарининг бўйнига осилишди. Камбағал йигит эса, имтиҳондан ўтгани учун Яратганга ҳамду санолар айтиб, Шукроналар қилди.

Изоҳ ва ўгит

Яратган учун гуноҳдан қочган қулига У лутф этади, албатта. Агар қул томон бир қарич юрса, У қулига томон бир одим ташлайди. Яъни қул Унинг розилигини қозонмоқ учун бир қадам яқин келса, у ўз қулининг эҳтиёжи ва истакларини ўша онда беради. Ҳаққоният ва ҳақиқат бу йўлдагажалли этади.

Эй, мусулмон қардошим, бу ёзганларимиз, ўқиганларимиз имон ва ирфон самараси ҳамда ҳақиқатнинг мевасидир. Булар фақат ва фақат шундай яшаш тарзи билан мумкин бўлади. Буларнинг лаззати, мазаси, тоти, завқи ва нашъаси шундай пок яшамоқ билан қўлга киритилади.

БОЛАЛАРДАН ИБОДАТ УЧУН ПОКЛАНИШНИ ЎРГАНГАН ҚАРИЯ

Бир куни кекса мусулмон булоқ бўйида ибодат учун покланар экан, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг набиралари Ҳазрат Ҳасан билан Ҳазрат Ҳусан (р.а.) шу ерда ўйнар эдилар. Қарасалар, чол покланиб бўлгач, халтасидан сочиғини олиб артинар экан, болалар унга:

— Ассалому алайкум, Яратганнинг саломи сизга бахшида бўлсин, ота. Ибодатингиз қабул бўлсин! — дедилар.

Чол:

— Болаларим соғ бўлинг, Тангри сизлардан рози бўлсин, — деди.

Унга болалар:

— Отажон, сиздан бир илтимосимиз бор. Биз ака-ука тараддудланиб қолдик. Биз иккимиз ибодат қилиш учун поклансак-да, сиз қараб турсангиз. Қайси биримизники тўғри булур? — деди.

Чол диққат билан уларни кузатди.

Болалар:

— Отажон, қайси биримиз тўғри таҳорат оддик, шуни айтиб беринг, токи бундан кейин янглишмайлик. Буни сиз яхши биласиз, чунки ёшингиз улуғ, биз зса ёш боламиз, — дейишди.

Мусулмон чол уларга:

— Болаларим, иккалангизники ҳам тўғридир. Иккалангиз ҳам бир хил таҳорат олдингиз, янглиш олган менман, бу ёшга келсам ҳам тўғри таҳорат олишни ўрганмапман. Ҳозир сизлар менга тўғри таҳорат олишни ўргатдингиз... Соғ бўлинг, бор бўлинг. Сиз кимнинг авлодларисиз, исмларингиз нима? Сиз менга кўп яхшилик қилдингиз, — деди.

Болалар:

– Отамиз Ҳазрат Алидир. Биз Ҳасан-Ҳусанлармиз, – дедилар.

Мусулмон чолнинг кўзларидан тасбеҳ донаси каби ёшлар келди, куп ҳаяжонланди, мамнун бўлганини билдирмоқ учун:

– Балли, балли... Ахлоқу одобингиз, динга бениҳоя уйғун қилган ишларингиз ва назокатингизга балли, болаларим. Офарин! Кўнглимни хеч оғритмай, мендай чолни хеч хафа қилмасдан, янглиш олган таҳоратимни тузатдингиз, менга қандай покланишни ургатдингиз, – деб болаларни узоқ дуо қилди.

Изоҳ ва ўгит

Мусулмон қардошим! Бу ҳикояда қанчалик ибрат бор эмасми? Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг севимли набиралари кекса одам билан қанчалик гўзал хулқ, одоб доирасида мулоқот қилдилар. Улар қариянинг кўнглини оғритай, қалбига озор бермай назокат билан хатосини тузатдилар, отанинг дуосини олдилар.

Биламизки, баъзи мусулмонлар масжидда янглиш ибодат қилаётган биродарини кўриб, хатосини айтар экан, унга озор беради, кўнглини оғритади, натижада ўзи гуноҳларга ботади. Ҳар бир мусулмон назокат ва ирфон соҳиби бўлиши керак. Ширинсўзлик, очиқ юзлик билан хатоларини тузатмоқлари керак. Мусулмоннинг хуш хулқи унинг ҳар бир сўзида, ҳар бир ҳаракатида намоён бўлмоғи керак. Бўлмаса савоб қилдим, деб гуноҳ қилиб қўйиши мумкин.

ҲАЗРАТ АЛИ (Р.А.)НИНГ ИБОДАТЛАРИ ҲАҚИДА

Яхшилаб тингла!

Ҳазрат Али (р.а.) шундай бир қалб ҳузури билан ибодат қилардиларки, агар бутун дунё остин-устун бўлса ҳам, дунё барбод бўлса ҳам сезмас эди.

Ҳазрат Али (р.а.) ҳақидаги ҳикоятларда шундай дейилади:

«Бир урушда Ҳазрат Алининг муборак оёғига ўқ тегиб, ўқнинг темири тўпиғига санчилиб қолибди. Шунинг учун ўқни дарҳол олиб ташлай олмадилар. Жарроҳ санчилган ўқни кўриб, Ҳазрат Али (р.а.)га:

– Сизга ҳушингиздан кетказиб, ухлатувчи бир дори бериб. ундан кейин ўқни олиб ташлаш мумкин. Бўлмаса, бунинг оғриғига чидаб бўлмайди, – деди.

Ҳазрат Али (р.а.) унга жавобан:

– Ухлатадиган дорига ҳожат йўқ... У керак эмас. Бир оз сабр этинг, ибодат қилаётганимда олиб ташлайсиз, деди.

Ҳазрат Али (р.а.) ибодат пайтида Амирал-мўъминин Ҳазратларининг муборак оёғини ёриб темирни олиб ташладилар ва ярани боғладилар. Ҳазрат Али (р.а.) жарроҳдан:

– Темирни олиб ташладингизми? – деб сўради.

– Ҳа, чиқариб олдим, Ҳазрат, – деб жавоб берди жарроҳ.

– Ҳеч сезмадим, оёғимдан темир парчасини олиб ташлаганингизни билмай қолибман, – деди Ҳазрат Али (р.а.).

Изоҳ ва ўгит

Қадрли қардошим! Бир мусулмон ибодат қилса, Яратган ҳузурида туради.

КЕЧАЛАРИ ИБОДАТ ҚИЛИШ

Ҳазрат Довуд (а.с.) Жаноби Ҳақга ниёзманд бўлиб, бундай илтижо қилди:

– Ё Раббий! Кечалари сенга ибодат қилишни жуда севаман ва жон-дилимдан ибодат қиламан.

Жаноби Ҳақ унга:

– Ё Довуд! Кеча аввалида дамингни ол, кечанинг охирида (тонгдан аввал) ҳам турмагин. Чунки кечанинг бу вақтларида

турадиган қулларим бор. Баъзи қулларим кеча аввалида, баъзилари эса кечанинг сўнггида туриб ибодат қиладилар. Сен кечанинг ўртасида туриб ибодат қилгин, токи бу қулларим сен билан аралашиб кетмасин. Кеча ўртасида сен билан танҳо қоламан. Менга нима десанг ҳам ўша пайтда айт, қандай ибодат қилсанг ҳам ўша пайтда ибодат қил, – деб буюрди.

Изоҳ ва ўгит

Ушбу ҳикояда шу ҳақиқатлар тилга олинган. Кечанинг ўртасида, ҳамма ширин уйқуда эканлигида туриб ибодат қилиш энг савобли ишдир.

Барча буюк зотлар – Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), кечасидаги ибодатларини жуда қадрлардилар. Ўзларининг кечасидаги ибодатлари билан Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳазрат Довуд (а.с.)нинг ушбу ибодатини бизларга маълум қилганлар.

РИЗҚ – ЯРАТГАННИНГ НЕЪМАТИ

Буюк зотлардан бири меҳмон бўлиб борган маҳаллада танимаган бир имом орқасида жамоат билан ибодат қилди. Масжиддан чиқмасларидан аввал имом у буюк зотга ўринсиз савол берди:

– Афандим! Сиз зоти олийлари қаерда овқатланасиз?

Солиҳлардан бўлган у буюк зот имомга:

– Сабр этинг, аввал сиз имом бўлиб, бирга қилган ибодатни қайта қилиб олай, кейин жавоб бераман. Чунки, ризқнинг қаердан келишига шубҳаси бўлганнинг Холиқидан (яратганидан) ҳам шубҳаси бўлади. Шу сабабли, бундай имом билан ўқилган намозда ҳам хайр бўлмайди, – деб ноўрин саволига танбеҳ берди.

Ҳазрат бу жавоби билан дунёга ортиқча ҳирс қўйган имомга йўл кўрсатиш дарсини берди, тўғри йўл кўрсатди.

Яратганнинг берган ризқи учун қайғуриш лозим эмас. Ҳар бир одамнинг ризқи қандай ёзилган бўлса, албатта у ўз соҳибини топади.

Изоҳ ва ўгит

Бу ҳикояда дин хизматида юрган зотларга катта бир ибрат бор. Дин хизматчиси чуқур фикрловчи, мулоҳазали одам бўлмоғи керак. Вазифаси шунга риоя қилишдир.

Ризқнинг қаердан келишини яхши уқиб олиш ва тушуниш лозим. Дўстларнинг диний ҳаётлари, муҳитнинг маънавий даражаси билан қизиқиши, бу хусусда суҳбатлар қуриши, дўстларнинг маънавий аҳволини билиши зарур. Акс ҳолда, ҳикоядаги одам аҳволига тушиб қолиши мумкин ва савиясизлиги билиниб қолиши муқаррар.

УМРИНИНГ ҚАДРИНИ БИЛГАН ОДАМ

Исо (а.с.) бир кун чўлда кетар экан, қуёш жазирамасида ибодат қилаётган одамни кўриб қолди. Ибодат қилаётган одамдан сал олдинроқда дарахтзор бор эди. У негадир дарахтлар соясида ибодат қилмай, қуёш тушиб қизитиб турган ерда ибодат қиларди.

Ҳазрат Исо (а.с.) офтобда ибодат қилаётган одамга яқин келиб:

— Эй ибодат қилган зот! Нега сен бу жазирама иссиқда ибодат қилдинг? Ҳолбуки, сен олдингдаги дарахтлар салқинида ибодат қилишинг мумкин эди. Шу сояда салқинлаб ибодат қилиш мумкин экан, нега шундай жазирамада ўзингни қийнамоқдасан? — деди.

Ул одам бундай жавоб берди:

– Ё Набийуллоҳ! Шу қадар қисқа умр ичида офтобдан қўланкагача бориш вақти борми? У соя-салқинга бориш учун вақтимни сарф қилиш хато-ку. Шу вақтни ибодат билан ўтказганим афзалдир.

Ҳазрат Исо (а.с.) бу одамни маъқуллаб: «Сен билганингдек ибодат қилавер, сен Яратганнинг ақл неъматини олган бир бахтиёр қулларидансан», деб йўлида давом этди.

Изоҳ ва ўгит

Инсоннинг умр сармояси шу қадар қисқаки, инсон кўзини очиб юмгунича ўтиб кетади. Бир қанча бахтиёр одамлар хайр, эзгулик йўлида, ибодат йўлида озгина вақтларини ҳам бефойда сарфламайдилар. Аммо бир гуруҳ давлат аҳли эса вақтларини ўйинга, кўнгилхушликларига сарфлайдилар, вақт ўтсин деб ўйнаймиз, дейдилар.

Бу не ақлсизлик, не ахлоқсизлик! Эй ғофил одам, сенинг шунча бўш вақтинг борми? Сен инсонсан, сенга ибодат учун вақт зарур, ишлаш учун вақт керак, илм олмоқ учун вақт лозим, истироҳат этмоқ учун вақт даркор!

Буларнинг ҳаммасини адо этмоқ учун вақтинг етарлими? Ўйин, бекорчиликла бесамар вақт ўтказишни истайсан?!

Сен қаҳвахоналар, чойхоналарда бекор вақт ўтказиш, тентираб юриш учун яратилмагансан!.. Сенга берилган умрнинг ҳисоби сўралади. Кеча ва кундуз – сенинг умр матоингни кесувчи, қудратнинг омонлик бермайдиган бир қайчисидир. Сен бу илоҳий қайчидан умринг матосини қутқара олмайсан.

Бекор сафсаталар, саллоланиб юришларнинг ҳеч фойдаси йўқ, улар жонга оро бермайдилар. Вақтида эсингни йиғиб ол ва вақтингнинг қийматини яхши бил, фойдали ишлар қил!..

Қаҳвахоналар, чойхоналарда умр сармоясининг энг охирги қолдиқларини тугатиш билан овора бўлган қанча одамларни

биламизки, бу заволли одамларнинг ҳолига кўкдаги юлдузлар кўзёши бўлиб ерга тўкилса ҳам етмайди.

Бу одамларнинг йигитлик сармоялари рўзғори каби учиб кетади. Ихтиёрларида қоладиган заиф, ғализ бир қарилик сармоясини ҳам қаҳвахона, чойхоналарда битиришга ошиқадилар. Афсус-надоматлар бўлсин бундай ақлсиз одамларга! Булар ўлим тўшагида ғафлатдан уйғонадилар, аммо вақт аллақачон ўтган бўлади.

ОТАМ МЕНИНГ МОЛИМНИ ОЛДИ

Асри саодатда бир йигит Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га отасидан шикоят қилиб:

– Отам менинг молимни, бойлигимни олиб қўйди, – деди.

Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ул йигитга:

– Бор, отангни олиб кел, – деб буюрди.

Ул йигит кетди-да, отасини бошлаб келди. Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) йигитнинг отасига:

– Ўғлингиз моли, бойлиги ҳақида сиздан шикоят қилмоқда. Айтишича, сиз унинг моли, бойлигини олиб харж этганмишсиз, – деди.

Ота жавоб берди:

– Ё Расулуллоҳ! Унинг молидан озгина аммаси учун, холаси учун ва ўзим учун сарф қилдим.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзига келган ваҳий билан ул одамнинг кўнглидан ўтган нарсаларни биларди. Ул одам ўғлидан кўнглида қаттиқ хафа эди, қалбидан бир нидо келарди.

Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) йигитнинг отасига:

– Тилингда ва дилингдаги бор гапни, нидони бизга айтиб бергин, – деб буюрди.

Отанинг қалб нидоси:

– Ўғлим, сен онангдан мурғак бўлиб, мол-мулксиз дунёга келдинг. Ўсиб, улғайганингга қадар узоқ вақтлар кўп эҳтиёжларинг ва заҳматларинг менинг зиммамда бўлди. Чақалоқлигингда бир кеча қаттиқ касал бўлган эдинг, ўша тун кўзларимга уйқу келмади, мижжа қоқмадим. Сен йиғлаганингда юрагимни эзиб юборардинг, кўзларимдан ёшлар тўкиларди. Ҳозир бўлса, сен бевафо фарзанд, менинг заифлигимни тушунмаяпсан. Ўсдинг, улғайдинг, ёшинг ва қувватинг ортди. Энди бўлса, менга бир душманнинг ёмон ишларини қиляпсан. Оталик ҳаққимни, бир қўшни қўшнисига қиладиган яхшилик даражасида ҳам риоят қилмаяпсан, меҳр кўрсатмаяпсан.

Бу қалб нидосини ул ота кўзида ёшлар билан ёниб-ёниб сўзлади. Шундан сўнг Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) барча умматларига иршод бўлғувчи бу Ҳадиси шарифларини айтдилар: «Сенинг ўзинг ҳам, молинг ҳам отангга тегишлидирсизлар».

Изоҳ ва ўгит

Эй Ҳақ йўлчиси! Ушбу воқеадан фақат саодатга интилганлар ибрат олишлари мумкин. Агар шундай бўлмаса, мусулмон бир отадан бўлган уч-беш ўғил бир отани боқа олмай, унинг эҳтиёжларини қондира олмай юрармидилар? Ота якка боши билан беш-ўн ўғилни боқади, уларнинг барча эҳтиёжларини таъмин этади-ю, бу ўғиллар биргина оталарининг ҳолидан хабар ололмайдалар, эҳтиёжларини таъминлай олмайдилар. Ҳолбуки, ўғил ҳам отанинг бир бойлиги, аммо буни тушунадиган саодат ва ҳидоят соҳиби бўлмоқ керак!..

Ота-онага қарамаслик, уларнинг сўзларига қулоқ солмаслик энг буюк гуноҳлардан биридир. Бу гуноҳ Яратганга ширк келтириш гуноҳидан кейин келувчи гуноҳдир. Бу диний китобимизнинг кўп саҳифаларида айтилгани каби, бу гуноҳнинг афви, кечирилиши йўқ, бу гуноҳ инсонни жаҳаннамнинг энг оловли, азобли гўшасига олиб боради.

Агар фарзанд отасининг қадрини билмаса, унинг хоҳишларини назар-писанд қилмаса, унинг эҳтиёжларини таъмин этиш учун ғайрат кўрсатмаса, ота-онаси учун дуо қилмаса, бу фарзанд яхши фарзанд.

Кимки ота-онасини қийнаса, унинг ибодатлари қабул бўлмайди ва унинг имонсиз бўлишига бир сабаб бўлади. Хотинини деб онасини қийнайдиган, кўнглини оғритадиган фарзандларга лаънатлар ёғилади. Тангрининг лаънат ҳалқаси (тавқи лаънат)ни бўйнига осиб олган одам бу дунё ва охиратда ҳузур ва саодат юзини кўрмайди, бадбахт бўлиб қолади. Баъзилар ота-онасига фитри закот ёрдамини берар эмишлар. Ота-онага закот берилмайди.

Ота-онангни мамнун эта билсанг, дуоларни ола билсанг, улар сенинг Жаннатинг.

Баъзи аҳмоқ одамларни биламиз ва таниймиз, улар ўз ота-оналарига азият етказадилар-у, ўзлари билмайдилар. Агар бошқа бировларнинг болаларидан шундай азият ва азоб чекканини кўрсалар ёкн билсалар, уларга ачинадилар. Уларни қара, қандай ёмои бу иш, дейдилар. Аммо унинг ўзи айни шу гуноҳни қилаётганини билмайди.

ҲАЗРАТ МУСОНИНГ ҚАССОБ ЙЎЛДОШИ

Ҳазрат Мусо (а.с.) Тур тоғида жаноби Ҳақдан ниёз этди, илтижо қилди: «Ё Раббий! Жаннатда йўлдошим, ўртоғим, қўшним ким?» Жаноби Ҳақ Мусо (а.с.) га:

— Ё Мусо! Фалон қасабада, қассоблар ичида ёшгина бир қассоб бор. У сенинг Жаннатдаги йўлдошингдир, — деб ваҳий юборди.

Мусо Пайғамбар (а.с.) йўлга чиқди, у мамлакатга бориб ўша қассобни топди. Бир муддат унинг дўконида ўтирдилар. Қассоб йигит Ҳазрати Мусони кўрмасдан аввал унинг умматига ўтган, имон келтирган эди.

Ўша куни йигит Ҳазрати Мусони уйига таклиф этди, меҳмон қилди. Қассоб нуроний, олижаноб ва ниҳоятда истараси иссиқ, гўзал меҳмонидан мамнун эди. Дастурхон олдига ўтирдилар. Қассоб йигит ўзи овқат ейишидан олдин баландда деворга осиб қўйилган замбилни авайлаб олди, ерга қўйди. Унинг ичидан икки букилган, боши тиззасига тегиб турган бир қари кампирни олди. Уни болани овқатлантиргандай овқатлантирди, чой ичирди, силаб уқалади, кейин кампирни яна замбилга солиб деворга осиб қўйди. Кампир овқат еб, нималардир деб пичирлади, аммо уни тушуниб бўлмасди. Ҳазрати Мусо:

— Ўғлим, бу кампир сенга ким бўлади? — деб сўради. Қассоб:

— Бу аёл менинг валинеъматим, севикли онамдир. Туриб ўтиришга, овқат еб-ичишга кучи етмайди. Эрта-кеч мен унга қарайман. Овқатлантириш ва ёрдамимнинг ҳаммасини қўлимдан келганича хушмуомалада бажараман, — деди.

Ҳазрати Мусо:

— Ўғлим, онангга қилаётган бу хизматингдан жуда мамнун бўлдим, лекин тушунмадим, нега уни замбилда деворга осиб қўйибсан? — деб сўради.

Қассоб:

— Ҳазратим, авваллари онам ерда тўшакда ётар эди. Бир куни мен уйда йўқлигимда думалаб эшик олдига бориб қолибди. Бирор зарар етмасин, деб уни деворга осиб қўядиган бўлдим, — деб жавоб берди.

Ҳазрати Мусо:

Ўғлим, онангга овқат бераётганингда унинг оғзи, дудоғи кимирлаб, бир нарсалар демоқчи эди. Шубҳасиз, сен қилган хизматдан мамнун бўлиб дуо қиларди. У нималар деди? — деб сўради.

Қассоб:

– Мен ўғлимдан хушнуд ва розиман, сен ҳам рози бўл. Мен оналик ҳаққимни – хусусан берган сутимни фарзандимга ҳалол этдим, берган сутимга розиман, охиратда сен, менинг ўғлимни Пайғамбаримиз Ҳазрати Мусо (а.с.)га дўст айла, йўлдош айла, деб дуо қилди, – деди.

Ҳазрати Мусо:

– Мен Мусои Калимуллоҳман, Тур тоғидан келдим, мени сенинг олдинга Жаноби Ҳақ юборди. Чунки мен Жаноби Ҳақдан, «Ё Раббий, менинг охиратда йўлдошим ким бўлади?» деб сураганимда: «Фалон мамлакатли бир қассоб йигитдир, унинг олдига бор», деб буюрди. Сенга бу – мужда, хушхабар бўлсин. Онангга қилган хизматинг учун сендан рози бўлди ва онангнинг дуоси соясида сени менга охиратда рафиқ ва қушни қидди, – деди.

Изоҳ ва ўгит

Дарҳақиқат, онасини бошига тож этганларнинг ҳақи Жаннат ҳаётидир. Онасига осий бўлган фарзанд ҳақи эса оловли жаҳаннам оташидир. Ҳикоядан ибрат олган фарзанднинг жони Жаннатга восил бўлсин. Пайғамбарларга қушни бўлиш мумкинлигини асло унутмасин. Шундай оқил фарзандлар дўстларга, барча мусулмонларга муборак бўлсин.

ОНАМНИ РОЗИ ҚИЛА ОЛДИММИ?

Бир кун бир одам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб:

– Ё Расулуллоҳ! Онам жуда кексайиб қолди. Боладек бўлиб қолди. Гўдакларга ўхшаган ишлар қилади. Ўрнидан тура олмайди. Унга ўз қўлим билан овқат бераман. Сувни ҳам ўз қўлим билан ичираман, таҳоратига ёрдам бераман, сўнгра ибодат қилиши учун опичиб кўтариб олиб бораман. Ё

Расулуллоҳ! Онамнинг ҳаққини ўтай олдимми, рози қила олдимми, йўқми? – деб сўради.

Севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Волидангнинг ҳаққини юздан бирини ҳам ўтай олмагансан, – дедилар.

Ул одам:

– Нега? Мен онамнинг бир айтганини икки қилмайман.

Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Волиданг сенга: «Ўғлим ўсиб, улғайсин, буюк одам бўлсин, умри узун бўлсин», деб хизмат қилиб, опичиб юрарди. Сен эса унга, қачон ўлади деб, ўлса қутилардим деб хизмат қиласан. Булар орасида тоғдек, ер билан осмончалик фарқ бор. Онанг сени боққанида ўғлим қачон улғайиб катта бўлади, дерди. Сен эса онам қачон ўлади, дейсан. Сизларнинг бу ниятларингиз ўртасида катта фарқнинг яна бир жиҳати бор. Сен онангга қанча хизмат қилсанг ҳам унинг ҳаққини ўтаёлмайсан. Буни яхшилаб билиб ол. Ҳеч бир фарзанд ота ва онанинг ҳаққини ўтай олмайди. Шуни яхши билгинки, сен онангга хизмат қилсанг Жаноби Ҳақ сенга буюк савоблар беради. Ота ва она розилигини олган, ризосига ноил бўлган одам Жаноби Ҳақ ризосига ноил бўлади, розилигини олади, – дедилар.

ХОТИНИНИНГ СЎЗИГА КИРИБ ОНАСИНИ ХАФА ҚИЛГАН АЛҚАМА

Бу Пайғамбаримизнинг шахсан ўзлари шоҳид бўлган воқеа.

Алқама исмли бир йигит бор эди, диндор эди. Ибодат қилар, садақа берарди. Кунлардан бир куни унинг тоби қочди. Хотинини Расулуллоҳга юборди. Хотини Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га:

– Ё Расулуллоҳ! Эрим сўнгги нафасини олаётган куринади. Унинг аҳволини Сизга билдирмоқ учун келдим, – деди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳазрат Билол, Ҳазрат Али, Солмони Форсий ва Амморларга:

— Боринг, Алқамани кўриб келинг, аҳволи қандай экан? — деб буюрдилар. Улар чиқиб кетдилар-да, Алқаманинг ёнига бориб:

— Калимаи тавҳидни айтгин, дедилар. Алқама калимаи тавҳидни айта олмади. Тили тутилиб, ғўлдираб қолди. Касалнинг ўлиши мумкинлигини тушундилар. Шу заҳоти Ҳазрат Билолни Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига жўнатдилар.

Ҳазрат Билол аҳволни Ҳазрат Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га тушунтирди.

Расулуллоҳ:

— Онаси, отаси ҳаётмилар? — деб сўрадилар. Ҳазрат Билол:

— Отаси ўлган, кекса онаси бор, ё Расулуллоҳ! — деб жавоб берди.

Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳазрат Билолга:

— Алқаманинг онасини олдига бор. Мендан салом айт. Кела олса, ҳузуримга ташриф буюрсин, кела олмаса, мен ўзим бораман, — дедилар. Ҳазрат Билол кекса аёл уйига бориб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзларини айтди.

— Унинг йўлида юз жоним фидо бўлсин. Расулуллоҳ ҳузурига ўзим бораман, — деб кампир тўнини қўлига олди.

Аёл Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурига келди. Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кампирдан сўрадилар:

— Менга тўғрисини айтасан. Алқаманинг аҳволи қандай?

Хотин:

— Ё Расулуллоҳ! Ўғлим кўп ибодат қилади, кўп хайр-эҳсонлар қилади. Берган садақасининг ҳадди-ҳисоби йўқ, — деб жавоб берди.

Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Сен билан муносабати қандай? Сенга ҳалол хизматдами, Оқ сутингни оқладими? Шундан гапир, – дедилар.

Хотин:

– Ё Расулуллоҳ! Мен ундан ич-ичимдан хафаман, – деди.

– Нега хафасан? – деб сўрадилар Расул Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам).

Хотин:

– Хотинини мендан афзал кўради. Фақат унинг сўзига қулоқ солади, – деди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Онаси Алқамадан хафа. Шунинг учун у калимаи тавҳидни, калимаи шаҳодатни айта олмаган, тили тутилган. Эй Билол, чиқиб ўтни тўпла, ўзим уни ёқаман, – дедилар.

– Ё Расулуллоҳ! Ўғлимни – кунглим мевасини ёқасанми? Яна кўзимнинг ўнгида ёқасанми? Юрагим қандай чидайди? – деди она.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Яратганнинг азоби бундан зурроқ ва азоблироқдир. Ўғлинг ҳаққини ҳалол этмасанг, узоқ вақт оловда ёнади. Агар рози бўлмасанг, унинг ибодати ҳам, садақаси ҳам фойда бермайди, – деб айтдилар.

Хотин:

– Ё Расулуллоҳ! Алқамадан рози бўлдим, ҳаққимни ҳалол этдим, – деди.

Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Ё Билол! Бор, Алқама шаҳодат келтира олганмикин? – деб буюрдилар. Билол бориб Алқаманинг шаҳодат келтирганини сезди.

Ҳазрат Билол касалнинг бошида ўтирганларга:

– Алқаманинг онаси кечирди. Ҳозир ҳаққини ҳалол этди. Алқаманинг тили айланди, – деди.

Алқама шу пайт вафот этди. Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Алқамани ғусл эттириб, дафн қилишни буюрдилар. Ғусл ишлари битгандан сўнг жаноза намозини ўқидилар ва қабр бошида Асҳобга:

— Эй Асҳобим! Ҳар ким хотинининг сўзи билан онасини хафа қилса, хотинини онасидан устун тутса, ул одамга Яратганнинг лаънати бўлади. Унинг фарз ва нафл намозлари қабул бўлмайди. Ул одамнинг борар ери жаҳаннамдир, — дедилар.

Изоҳ ва ўгит

Эй, бу ҳикояни ўқиган, она, ота ва оила соҳиби бўлган қардошим! Ҳикоя ғоят тушунарли, ҳеч қандай изоҳга ҳожат йўқ. Ўзинг шунга қараб хулоса чиқар. Ҳасан Басрий (р.а.) Ҳазратлари Муқаддас китобнинг «Она ва отангга «уф» дема» ояти Жалиласининг тафсирида бундай дейди:

— Ота-онанг қариб, дармондан қолса ва бунинг оқибатида узрли иш қилиб қўйса, уни тозалаётиб «уф» дема, жирканма! Негаки, улар чақалоқлигингда айни хизматни сени суюб-суюб бажарганлар.

Ақлли одамлар учун гўзал бир насиҳат эмасми? Ўзига қилинган хизматларни тушуниб, қадрига етган одам, албатта, комил инсондир.

ВАЙСУЛ ҚАРОНИЙ ВА ОНАГА ИТОАТ

Вайсул Қароний Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ишқи билан ёниб юрарди. Кўнглига тугиб қўйган орзуси Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак жамолини кўриш эди. Бу ишқ ила кунлар ўтиб борарди. Бир куни онасига:

— Онажоним, рухсат этсангиз Мадинага бориб, суюкли Пайғамбаримизнинг муборак юзларини кўрсам, зиёрат қилсам, — деди.

Вайсул Қаронийнинг онаси ўғлининг бу гапига хайрихоҳ бўлиб:

— Бир шарт билан рухсат бераман. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни фақат хонаи саодатлари (Муборак уйлари)дагина зиёрат қиласан, — деди.

Ошиқи Расул Вайсул Қароний «Онам рухсат берди», деб қувониб Мадина томон йўлга тушди. Бир неча кун юриб Мадинага етиб келди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг уйларини сўради. Кўрсатдилар, Хонаи Саодатнинг эшигини тақиллатди.

Ичкаридан Ҳазрат Ойша волидамиз:

— Ким у? — деб овоз бердилар.

— Бу мен, Вайсулман. Яманнинг Қарон қишлоғидан Расулуллох (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни зиёрат қилгани келдим, — деди.

Ҳазрат Ойша (р.а.) волидамиз:

— Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидга кетдилар, ўша ерга борсанг кўрасан, — дедилар.

Вайсул Қароний:

— Оҳ! Боролмайман, онам фақат шу ергача рухсат берган, — деб айтди.

Ҳазрат Ойша (р.а.) волидамиз:

— Эй Тангрининг қули! Ўзинг кимсан? — дедилар. Вайсул Қароний:

— Отим Вайсдир, Яманнинг Қарон қишлоғиданман, чўпонлик қиламан. Суюкли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни зиёрат қилгани онамдан шу ергача рухсат олгандим, демак кўриш насиб бўлмабди, — деб келган томонига қайтиб кетди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжиддан қайтиб келиб:

– Ё Ойша, бу ерга У вайс (Вайс) келдими? Мени бу дунёда кўриш унга насиб бўлмайди. Онасига бўлган итоатининг қай даражада эканини билмоқчи, – дедилар.

Вайсул Қароний онасининг олдига келди, бўлиб ўтган ишни афсусланиб, оҳ чекиб тушунтирди. Йўл азоби ва Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни кўра олмаганидан сарғайиб сўлди.

Онаси:

– Қайғурма, ўғлим. Қайғурма! Сен мени мамнун этдинг. Суюкли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни у дунёда кўрасан, шафоатига эришасан, – деди.

Изоҳ ва ўгит

Эй Ҳақ йўлчиси! Бундай садоқат ўрнагини фақат ана шундай буюк инсонлар бера оладилар. Бу кўрсатилган садоқатдан кўриниб турибдики, ана шу муборак зотлар шундай буюк даражага эришганлар. Ишқ билан кунлар, ойлар йўл юриб, Ямандан Мадинага келиши, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг уйларига келганда, уларнинг масжидда бўлишлари, Вайсул Қароний: «Онам фақат шу ергача рухсат берган», дейиши, у буюк, суйган кишисини кўрмасдан, келган йўлига қайтиб кетиши – бу ишларни ақлдан сўрасанг, ақл ҳал қилиб бера олмайди. Вайсул Қароний онасига бўлган садоқати ва итоатида қатъий турди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларга васият қилиб: «Бу хирқамни Вайсул Қаронийга беринглар», дедилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг хирқаи Саодатини Ҳазрат Умар ва Ҳазрат Али (р.а.) Яманнинг Қарон қишлоғига келиб, ўзлари унга топширдилар. Садоқатнинг мукофотини кўрдингми, қардошим!

ОТА НАСИҲАТИ

Яхши ишлар қилсанг, шараф топасан

Араб ҳакимларидан бир зот ўғлига шундай деди:

– Болажоним, қиёмат кунида сендан нималарга эришдинг, кимга мансубсан, кимнинг ўғлисан, деб сўрайдилар.

Ва насиҳатини давом эттириб:

– Каъбанинг ҳижоби (ёпинчиғи)ни халқ ўпганини кўргансан. Одамлар унга меҳр ва ҳурмат кўрсатадилар. Унинг машҳур бўлиши ипакдан тикилгани учун эмас, у ёпинчиқ Каъба устига ташланган. Шу сабабли у ҳам Каъба каби азиз ва шарафли бўлади, – деди.

Бу насиҳат отанинг болага қандай ўгит бериши кераклигини кўрсатади.

Изоҳ ва ўгит

Инсоннинг қадри ўзи қилган яхши ишларидан келиб чиқади. Агар ишлари, амаллари, хатти-ҳаракати яхши бўлса, ўзи ҳам яхши бўлади. Қадри ҳам шунга яраша бўлади. Дўстлари яхши одамга яхшилик ёр бўлади. Чунки яхшилар билан дўстлик, қадрдонлик инсонни яхши йўлга бошлайди. Ушбу ҳикояда бизларга ана шу ибрат дарси берилган.

ҲАЗРАТ ҲАМЗАНИНГ МУСУЛМОН БЎЛИШИ

Бир куни Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Сафо тепалиги этагида ўтирардилар. У ердан ўтиб кетаётган Абу Жаҳл ва унинг лаганбардори Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни ҳақорат қилдилар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳеч нарса демадилар. Абу Жаҳл ва унинг шериклари қилган бу ёмонликларни Ҳазрат Ҳамзанинг хизматчиси кўрди ва эшитди.

Ҳазрат Ҳамза ўша куни овга кетган эди. Ҳазрат Ҳамза овдан ўқ-ёйлари бўйнида, қиличи белида қайтиб келди. Хотин (чўриси)нинг кўзларида бир ғамгинлик бор эди.

Ҳазрат Ҳамза ундан сўради:

— Хафа бўлиб йиғлаган кўринасан, аҳволинг яхшими, нима бўлди,айт?

Чўри хотин:

— Хафа бўлмай нима қилай? Мен бир аёлман, яна чўриман, қўлимдан нима ҳам келарди, — деб айтди.

Ҳазрат Ҳамза:

— Нима бўлди, тезроқ айт, — деди.

— Нима бўларди... Шу кунга қадар бошингизга қўйиб эъзозлаганингиз, ўзингизнинг қиладиган ишларингизда доимо фойдаланадиганингиз, ахлоқини, фазилатини, тўғрилигини жонингиздек севган қардошингизнинг ўғлидан Пайғамбарлиги эълон қилингач, ҳаммангиз ўзингизни айирдингиз. Уни ёлғизлатиб, бир қанча золимларнинг ҳақоратига йўл қўйдингиз... Мана, бугун Абу Жаҳл ул муҳтарам шахсга турли ҳақоратлар қилиб, ёмон сўзлар билан куфрлар қилганидан еру кўк йиғлади, мен ҳам йиғладим, — деб қаттиқ йиғлай бошлади-да, давом этди. Ҳошим ўғилларининг энг эътиборли, кучли, қувватли арслонисиз... Мен нима қила олардим, бир муштипар аёлман, — деди.

Чўрининг имон-ла йўғрилган, қалбининг оташи ила ёниб қилган хитоблари Ҳазрат Ҳамзага қаттиқ таъсир қилди, ақраболик, қариндошлик ҳисларини уйғотиб, ғайратга келтирди. Ҳазрат Ҳамза ов кийимларини ечмай, тўппа-тўғри Қурайш кофирлари тўпланиб ўтирадиган «Даруннадво» номли уйга қараб кетди. Абу Жаҳлнинг лаганбардор ҳамтовоқлари атрофини ураб ўтиришарди. Ҳазрат Ҳамза Абу Жаҳлнинг қаршисида шу пайтгача ҳеч кўрилмаган бир паҳлавон бўлиб турди ва:

– Бугун қариндошимнинг ўғли Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га қўполлик ила куфрлар қилган сенмисан? – деб Абу Жаҳлни ўқ-ёй билан мўлжалга олиб отди. Ўқ Абу Жаҳлнинг бошига тегиб, қон оқа бошлади. Абу Жаҳлнинг тилёғлама шериклари Ҳазрат Ҳамзага ташланиб ҳужум қилмоқчи бўлдилар. Аммо Абу Жаҳл: «Тўхтанг, Ҳамза ҳақ. Мен унинг қардоши ўғлини ҳақорат қилдим», деди. Абу Жаҳл бир шайтонсифат одам эди. Ҳазрат Ҳамза бизга жаҳл қилиб, қизишиб Ҳазрати Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг динига киради, мусулмон бўлади, деб қўрққанидан Ҳазрати Ҳамзани тинчлантирмоқчи, алдамоқчи бўлди.

Ҳазрат Ҳамза у ердан чиқиб, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига борди ва:

– Эй, қардошимнинг ўғли, қимматли жияним! Абу Жаҳлнинг куфр тўла бошини яраладим, ул ҳозир қонга беланиб ётибди, сенга қилган қўполлигининг жазосини бердим. Энди мендан мамнунмисан? – деди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) севимли амакисига жавоб бериб:

– Эй, севимли амаки! Мен бу сўзлардан мамнун бўлолмайман. Мен фақат сен мусулмон бўлганингдан севинаман, мамнун бўламан, – дедилар.

Ҳазрат Ҳамза шу заҳоти мусулмон бўлди. Калимаи шаҳодат келтирди ва шу кундан бошлаб мусулмонлар тарафини олиб маърузалар қилди, шеърлар ўқиди, уларни муҳофаза этди.

Изоҳ ва ўгит

Қаранг. буюк Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзига куфрлик қилган, ҳақоратлаган Абу Жаҳлнинг бошини Ҳазрат Ҳамза ёрганидан мамнун бўлмаяптилар, амаким мен учун ўч олибди демай, унга: «Сен мусулмон бўлганингдан севинаман», демоқдалар. Биз бўлганимизда, биз

учун ўч олибди, деб жуда севинган бўлардик, унга алоҳида ташаккур айтар эдик. Фақат буюк Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз нафси учун қайғурмайдилар, барча инсонларнинг саодати учун интиладилар, курашадилар. Ҳамма одамлар Яратганга имон келтирсин, мусулмон бўлсин, ҳидоятли бўлсин, жаҳаннам оташида ёнмасин, деб орзу қиладилар, шунинг учун курашадилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир Ҳадиси шарифларида: «Мен билан умматларим аҳволи гулхан ёққан одам аҳволига ўхшайди. Бир тўда ҳайвонлар, парвоналар келиб у гулханга отилишни, қўнишни истайди. У гулханни ёққан одам парвоналарни камайтирмоқчи бўлади, аммо улар билмай ўзларини ўтга уради. Шу каби мен ҳам, эй Умматим, белингиздан, қўлингиздан тутиб, сизни ўтга тушишдан сақлашга интиламан. Сиз эса ўзингизни ўтга отишга интиласиз», дейдилар.

Бу қандай бир гўзал тимсолдир! Парвона куйишини билмай, ўзини ўтга уради. Ҳайвон ул ўтни нурга очилган бир дераза деб билади. Гулхан ёққан одам унинг аҳволига ачинади, қўриқламоқчи бўлади. Аммо у ҳис-туйғусиз ҳайвон ўзига қилинган бу яхшиликни билмайди. Бсчора шу нурга етишай, деб ўтда ёниб кул бўлиб кстадн. Китобхон қардошим! Ҳазрат Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг дунёга ташриф этишлари одамларга раҳмат бўлиш учундир. Расулуллох (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳаётини ўқисак, бу ҳақиқатни ўрганган бўламиз.

Шуни ўқисангиз Ҳадиси шарифдаги нозик маънони кўринг. Ушбу муборак ўхшатишда ирфон соҳиблари учун қанчадан-қанча нозик маънолар бор. Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг амрлари бизнинг ҳар бир онгимизда бизга иршод бўладиган, йўлимизни ойдинлаштирадиган, нурафшон қиладиган бир шаклда қўлимиздадир (яъни, Ҳадиси шарифларда мукаммал тафсирлар ила баён

этилган дейилмоқчи – Тарж.). Нафсимизнинг қули бўлиб қолмайлик. Нафси ҳавомиздаги шундай жаҳаннам оташига олиб борувчи хатолар, гуноҳларни ўзимиздан соқит қилайлик. Йўқса ўзимизни парвона каби ўтга отган бўламиз.

РАСУЛИ АКРАМ (С.А.В.) ОДАТЛАРИ

Севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир жангдан қайтиб, муҳтарама қизлари Ҳазрат Фотима (р.а.)ни кўргани келдилар. Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак одатлари шундай эди. Сафардан қайтгач, масжидга кирар, ибодат қилар, сўнгра Ҳазрат Фотима волидамизни кўрар, шундан кейингина ўз оилаларига борар эдилар.

Ҳазрат Фотима волидамиз Пайғамбар оталарини эшик олдида кутиб олдилар. Йиғлаб, муборак оталарининг юзи, кўзларини ўпа бошладилар. Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳтарама қизлари Фотимадан сўрадилар:

– Нега йиғлаяпсан, жигарпорам, қизим Фотима? Ҳазрат Фотима (р.а.):

– Эй, суюкли отажон, Сизнинг рангингиз; сўлғин, либосингиз эскирган бир вазиятда кўрганим учун ўзимни тутолмай йиғладим, – дедилар.

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Эй, қизим Фотима, йиғлама! Тангри сенинг отангни бир вазифага маъмур этди. Хоҳланса ҳам, хоҳланилмаса ҳам ер юзида инсон яшай оладиган ҳамма ерда бу дин ёйилади. Менинг вазифам буни таъмин этиш учун интилмоқдир, – дедилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ягона вазифаси инсонни ҳидоятга ўргатмоқ эди. Расули Акрам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак ҳаётларини тадқиқ этсак, бу ҳақиқатни янада яхшироқ биламиз.

Эй, Ҳақ йўлчиси! Биз қандай ўйлаймиз? Агар Исломият тушунганимизча бўлса эди, мусулмонлик биз адо этаётгандек бўлсайди, у ҳолда Маккадан, Арабистондан нари бормасди. Эй, қардош! Сен бизнинг мусулмонлигимизни мусулмонлик деб санайсанми?

"САЛОТУ САЛОМ"НИНГ ФОЙДАСИ

Суфёни Саврий Байтуллоҳни тавоф этар экан, бир зотнинг тинмай салоту салом айтаётгани ва у оёғини кўтарганида ҳам, ерга қўйганида ҳам салоту салом айтганини кўрди.

Суфёни Саврий сўради:

– Сен қандай аҳволдасан, эй инсон! Бошқа дуони билмайсанми?

Ёш йигит:

– Сен бу мамлакатда ғариб, мусофирсан, сенга аҳволни тушунтириб қўяй, – деди ва сўзида давом этди, – мен отам билан Ҳижозга борадиган йўлда кетаётганимда отам вафот этди. Жанозаси ўқилмасдан, оқшомгача отам олдида йиғладим, бўзладим, уйқум келиб ухлаб қолдим. Уйғониб қарасам, отамнинг юзи сиёҳ бўлиб кетаверди. Буни кўриб, тукларим тикка бўлиб кетди. Бир пайт узоқдан ғоят нуроний, мушк-анбардан хушбўй таратиб бир зот келарди. У оёғини кўтариб босганида салоту салом келтириб отамнинг ёнига келди ва юзидан тўнни очди. Қўли билан масиҳ этгандек юзларини силади, отамнинг юзи оппоқ, нуроний бўлиб оқарди. Қайтиб кетар экан, мен унинг орқасидан югуриб етиб олдим ва «Сиз кимсиз, менга айтинг?» дедим. У менга жавоб бериб: «Мен Ҳазрат Муҳаммадман, Абдуллоҳнинг ўғлиман. Отанг кўп гуноҳлар қилган эди. Менга ниҳоятда кўп салоту салом айтгани сабабидан унинг олдига келдим. Менга салоту салом айтган одамга шундай бир вақтда ёрдамга келаман», деди.

Изоҳ ва ўгит

Эй, Ҳақ йўлчиси! Суюкли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Менинг Шафоатим буюк гуноҳ қилганларга бўладир», деганлар. Сен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га беҳад саловат айтишга интил. У сенга шафоат қилади.

ЎЛИМДАН ҚУТУЛИБ БЎЛМАЙДИ

Ҳазрат Сулаймоннинг ёнида бир одам ўтирар эди. Шу пайт Азроил одам суратида орқадан келди. Ўтирган ул шахс: «Бу одам ким, ё Набийуллоҳ?» деб сўради. Ҳазрат Сулаймон: «Азроил», деди. Ул шахс Пайғамбарга:

— Мени тезда бу ердан узоқлаштир. Азроил менинг жонимни олмасин, — деди.

Ҳазрат Сулаймон шамолга амр этди, у Ҳинд диёрига ул шахсни олиб борди. Азроил дарҳол у тушган ерда кутиб олди. Чунки Азроил у одамни кўпдан кузатиб юрарди. Ул одамнинг жонини Ҳинд тупроғида олишга амр этилганди. У Ҳазрат Сулаймон ҳузурида бўлгани учун Азроил (а.с.) унинг жонини олмади. Сабр этди. Одам қўрқиб, у ердан қочди, лекин ўлимдан қутула олмади. Азроил уни кутиб олди ва «Ўлимдан қутулиб бўлмайди», деб айтди.

Изоҳ ва ўгит

Ер юзида ўлимдан қутулган одам йўқ, бўлмайди ҳам. Ҳар бир жонлининг ўлим вақти етганда ўлиши бир ҳақиқатдир. Ўлим инсонни, агар у бир қоя тешигига беркинса ҳам топади. Ўлимдан қутулиш йўқ, бўлмайди ҳам.

РУҲ РАББИНГГА ОЧИҚ

Азроил банданинг жонини оёғидан олмоқчи бўлди, оғзи билан қилган амали унга қарши чиқди. Яъни ўқигани Муқаддас китоб ва қилган ваъзи ва зикри, салоту саломи Азроилга: «Сенга бу тарафдан йўл йўқ», деди.

Азроил Жаноби Ҳақга бу аҳволдан арз қилди. Жаноби Ҳақ Азроилга: «Бор, бошқа тарафдан жонини ол, бу сенинг вазифанг», деб буюрди.

Азроил қўлларидан ўлдиришга ва жон олишга келар экан, улар билан берилган садақалар, бошини силаган етимлар, ёзилган диний китоблар, душманга урилган қиличларнинг ҳаммаси келди.

«Ё Азроил, сенга бу тарафдан ҳам йўл йўқ», деди. Азроил қулоқ тарафидан одамнинг жонини олмоққа шайланганда, бу сафар қулоқ: «Бу қулоқлар Қуръон тинглади, зикр, ваъз эшитди, ё Азроил! Бу ердан ҳам сенга йўл йўқ», деди.

Бу сафар Азроил кўзларини мўлжаллади, бироқ унга кўзларнинг қилган ишлари – Қуръони Каримни ўқиши, етимларга марҳамат билан қараши ва бутун оламга ибрат назарини ташлаши каби ишлар қарши чиқди: «Бу ердан ҳам сенга йўл йўқ», деди.

Азроил унинг оёқларидан жонини олмоқчи бўлди, аммо оёқлари ила қилган амаллари қарши чиқди: жамоат билан ибодат қилгани, қадрдонлари, қариндошларидан хабар олгани – барчаси қарши бўлди.

Азроил бу тарафдан ҳам йўл тополмаганидан сўнг Жаноби Ҳақга ниёз этди, илтижо қилди. Тангри Таоло: «Исмимни ўзингнинг кафтингга ёз, уни қулимга (бандага) кўрсат», деди. Азроил шундай қилди, қул жонини севиниб-севиниб таслим этди. Руҳ Яратган ишқи ила ўлим қийноғини сезмай учиб кетди.

ИБОДАТДА ЖОНИМНИ ОЛ

Азроил инсон суратида борар экан, бир мўмин билан учрашиб қолди ва салом бериб, саломини олди. Азроил унга: «Менинг сенда бир эҳтиёжим бор. Аммо бу эҳтиёжимни сир сақлашинг шарти билан айтаман», деди. Ул одам: «Марҳамат, хуш келдинг, қутлуғ келдинг, айт қандай эҳтиёжинг, таклифинг бор», деди.

Азроил: «Мен Азроилман, сенинг жонингни олгани келдим», деди. Мўмин одам: «Қанча вақтлардан бери мен сени кутаман. Келганинг қандай яхши бўлди, хуш келдинг», деди.

Азроил (а.с.): «Балки бирор заруратинг бордир, уни битириб ол, сўнг жонингни олай» деган эди, мўмин одам: «Майли, менинг ишим Тангри ҳузурига боришдан зарур эмас. Менинг орзуим унинг вуслатига (васлига) етишмоқдир», деди.

Азроил: «У ҳолда қандай орзу этган бўлсанг, шундай бўлсин», деди. Мўмин зот ундан: «Ҳеч фурсатинг борми?» деб сўраган эди, Азроил: «Ҳа, имконим бор», деди. Мўмин: «Агар менга бир оз фурсат беролсанг, ибодат қилаётганимда жонимни ол», деди. Азроил унинг илтимосига рози бўлди ва шундай жонини олди.

Дарҳақиқат, Яратганнинг амрига риоя қилиб, унга биноан иш юритган мўминлар шундай ўлимни орзу қиладилар, шундай жон таслим этишни истайдилар. Улар ўлим – Ҳақга етишиш эканлигини яхши биладилар.

АЗРОИЛНИНГ ҚЎЛИДАН ҚУТУЛИБ БЎЛМАЙДИ

Ўтган замонларда бир подшоҳ яшар эди. Жуда кибрли ва ғурурли бўлганидан инсонлар қадрини билмас, уларга марҳамат қилмасди. Ҳеч ким унинг олдига кела олмасди ва дардини айта олмасди.

Бир куни муҳофизлари (соқчилари) билан отларга миниб сайр қилгани борар экан, йўлда инсон суратида Азроил унинг олдига келди. Азроил унга салом берди ва: «Бир оз тўхта, сенда ишим бор», деди. Аммо подшоҳ Азроилни писанд қилмай, йўлида давом этмоқчи бўлди. Унинг отини юганидан ушлагандагина подшоҳ дарҳол ўз аҳволини тушунди ва: «Менга рухсат бер, отдан тушайин», деди. Азроил унга: «Йўқ, сен отдан тушмай туриб бир эҳтиёжим, ишим бор. Бошингни эгар устига эг, бир гап айтаман», деди. Ҳукмдор бошини эгар устига эгди. Азроил унга: «Мен Азроилман, жонингни олгани келдим», деди.

Ҳукмдорнинг ранги оқариб кетди: «Менга рухсат бер, болаларимни бориб кўрайин», деди. Азроил (а.с.): «Йўқ, рухсат бермайман», деди. Ҳукмдор: «Отдан тушайин, кейин жонимни ол», деди. Азроил (а.с.): «Йўқ, бунга ҳам рухсат бермайман», деб шу заҳоти ҳукмдорнинг жонини олди. Ҳукмдор отдан жонсиз йиқилди.

Дарҳақиқат, Азроил (а.с.) – бу қисмат, тақдирдир ва бир онда келиб бир он ҳам одамга фурсат бермайди, нафас олдирмайди.

ЎЛИМ ШИРИН ОШНИ АЧЧИҚ ҚИЛАДИ

Ҳазрат Исо (а.с.) ўлими олдидан кўзларидан дув-дув ёш оқарди, ёш эмас, қон оқар эди. Агар Пайғамбар ўлимдан титраб, шундай йиғласа, бошқа қулларининг иши қанчалик оғир ва азобли бўлади – буни идрок этиб бўлмайди. Ўлим аччиғи жуда оғирдир.

Ўлим ширин, тотли ошни ҳам аччиқ этади.

ЎЛИМ КУТИЛМАГАНДА КЕЛАДИ

Ҳазрат Юсома Зайд бин Собитдан узоқ муддатга бир хизматчи сотиб олди. Бундан Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хабар топдилар ва: «Сиз Юсоманинг шундай узоқ муддатга олиш-беришидан ҳайратланманг. Нафсим қудратида (Қудратли қўлида бўлган) кўзларимни очсам ўлим кўринади, юмганимда ҳам ўлим кўринади ёки оғзимга бир луқма солсам бўғзимда қолади. Эй, одам фарзандлари, ҳайратланманг. Тангрига қасамёд этаманки, ўлим муқаррар келади», дедилар. Жаноби Ҳақ муқаддас китобда: «Уларга айтки, қочганингиз билан у сизга албатта эришадир», деган. «Сиз ўлимдан қочишга қодир эмассиз».

ЭЙ ҲАЖЖОЖ, ЯРАТГАН СЕНИНГ ЖОНИНГНИ ОЛСИН

Бир замонларда Бағдоддан дуоси қабул бўлгувчи бир дарвеш чиқди. У ҳақда. Ҳажжожи Золимга хабар бердилар. Ҳажжож дарвешни чақириб: «Мени бир хайрли дуо қил», деди.

Дарвеш:

– Ё Раббий! Ҳажжожнинг жонини ол, – деди. Ҳажжож:

– Эй дарвеш, бу қандай дуо бўлди? – деди.

Дарвеш:

– Бу сенга ҳам хайрли, барча мусулмонлар учун ҳам хайрли бир дуодир, – деб жавоб берди ва давом этди: – Эй Ҳажжож! Қачонгача бундай зулм этасан? Сенинг ўлиминг инсонларга зулм этишдан хайрлидир. Шунда сен ҳам гуноҳдан қутуласан, мусулмонлар ҳам сенинг зулмингдан қутуладилар, – деди.

Изоҳ ва ўгит

Зулм этган золимнинг гуноҳи қиёмат куни бир неча баробар кўпаяди. Бу дунёда инсонларга зулм қилганлар охиратда жаҳаннам оташида жазосини оладилар. Ҳеч бир ёмонлик жазосиз қолмайди. У, албатта жазосини топади, жаҳаннамда ёнади. «Қиёмат куни шохсиз кўчқор шохли кўчқордан ҳаққини олади».

Зулм ислом нуқтаи назарида энг катта гуноҳ. Ислом зулмни энг буюк гуноҳ деб билиб, олимлар зулмнинг ёмонлигини тушунтириш учун жилд-жилд китоблар ёзганлар.

ЎҒЛИГА ЛИБОС ОЛИШ УЧУН ПУЛИ ЙЎҚ

Халифа Ҳазрат Умар (р.а.) замонида бир минг тўрт юз шаҳар фатҳ этилган эди. Эроннинг бутун хазиналари ва ғанимат моллари сув каби Мадинаи мунаввара оқарди. Аммо Ислом Халифаси Ҳазрат Умар (р.а.)нинг байрамда ўғлига либос олиб бериш учун пули йўқ эди. Бир куни Ҳазрат Умарнинг ўғли отасига:

— Отажоним, уст-бошим жуда тўзиб кетди. Дўстларим устимдан кулишяпти. Мен учун байрамга кийим олайлик, — деди.

Халифа Умар:

— Бўлмайди, ўғлим, янги кийим олгани пулимиз йўқ, — деб жавоб берди.

Ўғил:

— Отажон, келаётган ойнинг маоши устидан пул олиб туринг. Ўша пулга янги кийим оламиз, — деб айтди.

Халифа Байтул молнинг хазинабонига бир мактуб ёзди. Унда, «келажак ойнинг маошидан бир оз пул бериб тур, ўғлимга байрамлик либос олиб бермоқчиман», деди. Мактубни ўғлидан жўнатди. Ўғил уни молия нозирига олиб борди. Нозир мактубни ўқиб, сўнг Халифанинг ўғлига:

— Бўлмайди, бермайман, — деди.

Ўғил:

— Нега бермайсиз. Бу мактубга ишонмайсизми? — деди.

Хазинабон:

Биламан, мактуб Халифадан. Аммо бир камчилиги бор. Халифа янаги ойга қадар яшаши ҳақида бир васиқа бермапти, — деб айтди.

Халифанинг ўғли бу сўзларни эшитиб, шошилинч отаси олдига келди.

Халифа ўғлидан сўради:

— Ўғлим, нима бўлди, пулни олдингми?

— Йўқ, отажон, олмадим, хоҳламайман. Сиз шу қадар ҳалол миллатнинг раиси — Халифаси бўлганингизга қанчалар ифтихор қилсангиз арзийди. Сиз билан фахрланаман, отажон, — деб жавоб берди ўғил.

Ҳазрат Умар:

— Хазинабон Умарни билади. Агар пул берганида, дунёга келганига пушаймон қилдирардим, — деган экан.

Изоҳ ва ўгит

Шундай, китобхон қардошим! Беш-ўн ойлигини бирданига олдиндан қарз оладиганлар кўп. Ҳазрат Умардан ўрнак олганларида бундай қилмаган бўлардилар.

ЗУЛМДАН ҚОЧМОҚ УЧУН

Нўширавони одил аркони давлати билан овга чиқди. Ов қилган жойларида ов гўштидан кабоб қилдилар. Туз йўқ экан, озроқ туз топиб келиш учун хизматкорлардан бирини яқин бир қишлоққа юбордилар. Нўширавон хизматчи йигитга:

— Тузни пулга сотиб ол! — деди.

У пайтлар давлатнинг қишлоқдан туз олиш одати бор эди. Қишлоқ хароб бўлмасин, деб подшоҳ шундай деди.

Нўширавонга ёнидагилар: – Озгина туз олса нима қилади, – дедилар.

Нўширавон:

– Зулм, ҳақсизлик аслида қадим замонларда жуда кам бўлган. Вақт ўтиши билан ҳар янги келганлар озгинадан кўпайтириб, бугунги даражага келтирганлар. Агар подшоҳ аҳолининг боғидан бир олма узса, хизматчилар олма дарахтини илдизи билан суғурадилар. Агар подшоҳ бир одамдан бир тухум олса, подшох аскарлари минг товуқни пишириб ейдилар, – деб жавоб берди.

Изоҳ ва ўгит

Бу ҳикоя кўп ибрат дарси бергувчи ҳикоядир. Агар раҳбарлар шу мезонда ишлаганларида ҳеч кимнинг бурни қонамас, ҳеч кимга зулм этилмасди. Ҳамма ёмонликлар аслида кичик нарсадан бошланади. Ҳар бир ёмонликнинг олдини олиш керак. Шунда ёмонлик камаяди; оддий одамлар ҳам, раҳбарлар ва идора ходимлари ҳам, маъмурлар ҳам шундай бўлишлари керак.

ОТАГА ЎХШАГАН ЎҒИЛ

Бир кун мўминлар Халифаси Ҳазрат Умар (р.а.) ўз қўли билан фақирларга, йўқсилларга овқат тарқатар эди. Бир одам қўлида боласи бирла келди.

Ҳазрат Умар (р.а.) у одамга:

– Субҳоналлоҳ! Бу болани сенга ўхшашлигидек, икки инсоннинг бир-бирига ўхшашини ҳаётимда илк дафъа кўриб турибман, – деди.

Бола билан келган одам:

— Ё Амирал-мўъминин, бу бола билан боғлиқ ажойиб мўъжиза бор, — деди. — Мен бир сафарга боришим зарур эди. Аммо ўша пайт оилам бу ўғлимга ҳомиладор эди. Мен йўлга чиқаётганимда, хотиним «Мени шу аҳволда ташлаб кетасанми?» деди. Менинг боришим зарур эди. Хотинимга «Қорнингдаги боламизни Тангрига омонат қолдираман», деб кетдим. Сафардан қайтганимда хотиним ўлган экан. Уни кўра олмадим, кўп йиғладим, дард чекдим. Бир кеча қўшниларим билан суҳбатлашиб ўтирган эдик, қаршимиздаги мозордан ёруғлик кўрдим.

— Бу қандай нур? — деб сўрадим. Қўшнилар:

— Бу нур сенинг хотининг қабридан чиқмоқда, биз уни ҳар кеча кўрамиз, — дедилар.

Мен ҳайратланиб, «Субҳоналлоҳ! Хотиним ибодат қилар, рўза тутар, мусулмонликнинг шартларини бажарар эди, ажабо, бу қандай нур, деб қизшудом. Ва қабр бошига бориб, қабрни очдим. Не кўз билан кўрайки, бир чироқ ёнарди. Чироқ нурида бу бола ўтирарди. Шу пайт бир овоз эшитдим: «Бола бизга топширилган. Сен омонат қолдирган эдинг. Энди ўзингга берамиз!» Мен:

«Оҳ, боламнинг онаси ҳам ҳаётда тирик бўлсайди», дедим. Яна ўша овоз: «Агар сен онасини ҳам бизга топширганингда, уни ҳам боланг каби сенга соғ-саломат топширар эдик», деди.

Изоҳ ва ўгит

Бу ҳикоядан англашиладиган ҳақиқат шудир: одам уйидан чиқиб кетар экан, тан ва жондан бир ишонч ва имон билан боласини Яратганга омонат қолдирди. Одамнинг ирфони бор эди. Инсоннинг Яратганга бўлган имони, ишончи ва таваккули бутун бўлса, Зуҳурини — тажаллисини кўра олади. Аммо сен ва менга ўхшаш оддий киши кўзи очиқ бўлса ҳам қалб кўзи кўр бўлса, уни кўра олмайди.

ЎЗ ҲОЛИГА ШУКР ЭТИШ

Ҳазрат Мусо бир фақир одамни кўриб қолди. Устига кийгани ҳеч нарсаси йўқлигидан қумга кўмилиб ўтирар, қум ичида яшарди. У ҳам Ҳазрат Мусони кўриб:

— Эй Мусо! Мени дуо қилгин, Жаноби Ҳақ менга бир оз дунё, бойлик берсин, — деди.

Ҳазрат Мусо уни дуо қилди. Жаноби Ҳақ қулига бойлик берди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Ҳазрат Мусо Тур тоғида муножот қилиб қайтар экан, шаҳарлик халқ тўпланиб ўша одамни судраб кетаётганларини кўрди. Ҳазрат Мусо сўради:

— Нима бўлди? Не ҳол юз берди? Бу одамни нега ёқасидан тортиб судрайсизлар?

— Бу одам ичкилик ичиб, бир одам билан жанжаллашиб, уни ўлдириб қўйди. Энди қасос олиш учун ва жазосини бериш учун олиб кетмоқдамиз, — деб жавоб берди халқ.

Ҳазрат Мусо (а.с.):

— Ё Раббим! Сен ҳар кимга ўзига лойиқ нарсани берган экансан. Сенинг адолатингга қурбон бўлайин, мени афв эт, — деб тавба ва тазарру қилди.

Изоҳ ва ўгит

Эй, мусулмон қардошим, ўз ҳолингга шукр қил. Сен ўзинг учун ниманинг яхшилигини, ниманинг хайрли бўлишини билмайсан.

ЗАКОТ ТУЯЛАРИНИ ХАЛИФАНИНГ ЎЗИ БОҒЛАР ЭДИ

Бир кун Ҳазрат Умар (р.а.) Байтул молга — давлат хазинасига қарашли туяларни тушки жазирамада боғлаб қўяман деб қаро терга тушди. Асҳоби Киром (яқинлари)дан баъзилари:

– Эй Амирал-мўъминин! Сиз нега бу туяларни боғлайман деб мунча заҳмат чекмоқдасиз? Бир одамга буюринг, бу ишларни у бажарсин, туяларни боғласин, – дедилар. Ҳазрат Умар (р.а.):

– Бу туялар фақирларнинг ҳақидир. Жаноби Ҳақ мени буларга қараб туришга маъмур (бошлиқ) этди. Бу ишларни ўзим бажаришим зарур. Охиратда булар мендан сўралади, – деди.

Асҳоби Киром яна эътироз билдирдилар:

– Ё Амирал-мўъминин. Сиз ўзингизга тегишли (давлат) ишларини бажаринг. Бу ишларни бизга буюринг.

Ҳазрат Умар (р.а.):

– Эй дўстларим! Йил бўйи юртни кезиб юраман. Фақирлар, йўқсиллар, хасталарнинг ҳолидан хабардорман, – деди. Ва: «Дажла канорасидаги бир чўпоннинг йўқотган эчкисини Тангри Умардан сўрайди», деб кўзёши тўкди.

Изоҳ ва ўгит

Сиз мусулмонликни қандай тушунасиз? Фазилат – Исломда. Ҳуқуқ, инсон ҳақлари, берилган омонатларни қўриқламоқ, топширилган вазифаларни ҳалоллик билан бажариш – ҳаммаси Исломнинг амри.

АРСЛОН – МУСОФИР МЕҲМОНЛАРГА ТАШЛАНМАДИ

Буюк бир зот бошидан кечирганларини шундай ҳикоя қилади:

– Мен бир буюк зотни зиёрат этиш учун оқшом пайтида унинг уйига бордим. У шом намозининг фотиҳасини ўқимади. Мен: «Ибодатимиз бузилди», деб қўрқдим. Эрта тонгда таҳоратга чиққанимда, у ерда менга бир арслон ҳужум қилди, бақирдим. Уй соҳиби ташқарига чиқди ва арслонга:

«Мен сенга меҳмонларга тегма, демаганмидим?» деган эди, арслон нари кетди. Таҳоратимни олиб уйга кирдим. У буюк зот менга шундай деди:

– Сиз ташингизни (устки томонни) тозалашга интиласиз.

Шунинг учун арслондан қўрқасиз. Биз эса қалбимизни тозалаш билан машғул бўлганимиз учун арслондан қўрқмаймиз. Аксинча, арслон биздан қўрқар».

Эй Қардошим! Ҳар ким ҳар нарсадан қўрқади. Кимки Яратганга чин қалбдан итоат этса, ҳамма нарса унга итоат этади.

Изоҳ ва ўгит

Яратганга итоатда бўлган одам бошқалардан итоат кўради. Яратдан қўрққан одамларга лутфларини эҳсон этади. Бутун мавжудот, барча зарралар ҳаммаси Унинг амридадир. Ҳамма нарсага инсон хизматида бўлиш топширилган. Инсон Яратганнинг амрида бўлса, ҳамма нарса инсоннинг амрида бўлади.

ДЎСТЛАРНИНГ ДАРАЖАСИ БУЮКДИР

Бир шайх Мисрни зиёрат қилишга борди. У ерда қари бир одамнинг таҳорат олаётганини кўрди; чол таҳоратни янглиш олар эди.

Шайх унга бундай деди:

– Сиз қари одамсиз, Мисрдек буюк бир исломий мамлакатда яшаяпсиз. Нега янглиш таҳорат оляпсиз?

Чол шайхга:

– Эй инсон, Мисрга қачон келдингиз? – деди.

Шайх:

– Ҳозир келдим.

Чол:

– Сизнингча энг муқаддас жой қаер? – деб сўради.

– Макка, – деди шайх.

Чол:

– Макка қайси тарафда?

Шайх бармоғи билан Макка томонни кўрсатди. Чол гўё орадаги пардани кўтаргандек, шайхга Макканинг ўзини кўрсатди.

Шунда шайх:

– Сизни англамабман, – деб чолдан узр сўради ва унинг ҳузурида ўн икки йил қолди. Унга хизмат қилди, унинг ишончини қозонди. Чол ўлар вақти етганда, шайхга: «Бу пулни ол, мени фалон ерга кўм ва менга сарф эт», деди.

Шайх чолнинг васиятларини бажарди. Жанозасини ўтказар экан, осмонда кўп қушлар айланаётганини кўрди. Улар қанотлари билан ер юзини тўсиб турганларида осмондан ерга бир киши тушди. Шайх ҳайратда қолди. Кўкдан тушган одам унга: «Сен ҳайрон бўлма, бу кўриб турганинг қушлар шаҳидларнинг руҳларидир. Улар қилич шаҳидлари ва тасаввуф шаҳидларидир. Буларнинг жасадлари Жаннатда, руҳлари эса арши аълодадир», деди.

ИҒВОГАРЛИК БОР ЕРДА БАРАКА БЎЛМАЙДИ

Ҳазрат Мусо замонида қурғоқчилик бўлиб, ҳаёт ниҳоятда оғирлашиб кетди. Уч марта ёмғир тилаб дуо қилдилар. Ҳазрат Мусо: «Ё Раб, уч марта ёмғир тилаб ибодат қилдик. Ибодатимизни қабул этмадинг», деди.

Жаноби Ҳақ:

– Токи орангизда иғвогар бор экан, сенинг ҳам, бошқаларнинг ҳам ибодатларини қабул этмайман, – деди.

Ҳазрат Мусо:

– Ё Раб, иғвогар ким, уни орамиздан чиқарамиз, – деди. Жаноби Ҳақ:

— Мен сизга фисқ-фасодни — иғвогарликни ман қиламан, — деди.

Ҳаммалари тавба қилишди. Жаноби Ҳақ ёмғир ёғдирди. Иғвогарлик, чақимчилик энг ёмон феълдир. Иғвогарлик бор ерда барака бўлмайди.

ИҒВОГАРЛИК БИР БАЛОДИР

Бир одам қул сотиб олаётган эди, сотувчи: «Унинг бир айби бор. сўз ташувчи — иғвогар», деди. Харидор: «Бунинг аҳамияти йўқ», деб сотиб олди. Бир неча кун ўтганидан кейин қул уй соҳибининг хотинига: «Сени эринг яхши кўрмайди, яқинда бир аёлга уйланиш ниятида. Мен сенга бир яхши маслаҳат берайми?» деди. Хотин: «Майли», деди. «Эринг ухлаётганида устара билан унинг бошидан сочини кесиб ол, шунда уйлана олмайди», деди қул ақл ўргатиб. Хотин рози бўлди. Кечки пайт уй соҳиби келганида унга: «Сенинг хотининг бошқа бир эркак билан ўйнашади, ундан қутулишни истайсанми?» деди ва яна: «Кечаси ётганингда хотининг сени устара билан суймоқчи бўлади, сен унинг ўзини ўлдир», деди.

Кечаси ётганларидан бир оз вақт ўтгач, хотин туриб устара олиб келар экан, эри: «у мени суймоқчи», деб хотинини ўлдирди. Хотинининг қариндошлари уни ўлдирдилар. Унинг қариндошлари хотинининг қариндошларини ўлдирдилар. Икки тараф бирбири билан қир-пичоқ бўлди.

Иғвогарлик, гап ташиш инсонларни шу аҳволга солиб, душман этадиган бир балодир. Иғводай бир ёмон фитна йўқдир. Фитнанинг катта-кичиги бўлмайди. Кичигидан қочмаган каттасидан қутула олмайди.

СУТГА СУВ ҚЎШГАН ХОТИННИНГ КЎРГУЛИКЛАРИ

Бир хотиннинг биттагина сигири бор эди. Ул хотин жуда фақир эди. Сигирининг сути билан кун кўрарди. Кечки пайт ва тонгда сигирини соғиб, сутини сотарди.

Аёлнинг феъли ёмон, сабр-тоқати йўқ эди. Кўп пул топишни орзу қиларди. Шу сабабдан сутга сув қўшиб сотарди, кунда иши шу эди. Ойлар, йиллар ўтаверди.

Кунлардан бир кун қаттиқ бўрон бўлиб, сел келди. Ҳаммаёқни сув босди. Дарёлар қирғоғидан тошди. Жўшқин дарёдан кечиб ўтаётиб, бу сутчи хотиннинг сигири сувга чўкиб ўлди.

Сутчи хотиннинг йиғлайвериб кўзлари шишиб кетди. Онасининг бақириб-чақиришига оқил ўғил:

— Она, она, нега йиғлайсиз? Сизнинг неча йилги сут-қатиғингиз суви сел бўлиб, сигиримизнп оқизиб кетди-ку, — деди.

Изоҳ ва ўгит

Эй, Ҳақ йўлчиси, эй мўмин! Шу ёш боладаги заковатни кўрингки, кўп одамнинг бунга ақли етиши даргумондир. Севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар: «Ҳар бир туғилган чақалоқ Ислом тушунчаси, ғояси ила туғилади. Сўнгра боланинг тушунчасини у яшаган муҳит, давра бузади. Ота-онаси бузади». Болаларнинг ҳаммаси чин мусулмон каби фикрлайдилар. Болаларни атроф-муҳит мусулмонлик тушунчасидан чиқаради. Давра, ота-она, эл-дўст, қариндош ва улфат — шулардан бири болани бузади. Ҳақиқий мусулмон уни ҳеч бузмай, ўзига ўхшатиб ўстиради. Болалар туғилганларида покиза туғиладилар. Тушунчаси ва қобилияти Исломга уйғун равишда дунёга келадилар.

Бу ҳикояда эс-ҳуши жойида бўлган хотинлар учун ибрат дарси бор. Сутга сув қўшиш катта бир гуноҳдир. Қанча

гўдаклар сут билан ўсади. Қанча беморлар сутли овқат еб шифо топади. Шунга қарамай, сутга сув қўшиб сотиш жаҳаннамга чипта олиш билан тенг. Агар сув қўшиб сотилган сут пулига Ҳажга борилса, бошга балолар келади.

Эй қардош! Тўғриликдан ҳеч айрилма. Ўзингни мусулмонман десанг, тўғри бўл! Ҳаром-ҳаришни ишлатма. Тангри берганига қаноат қил. Молинг ва бошқа топган нарсангнинг хайрлиси, ярарлиси ҳалол бўлганидир. Буни ҳеч эсингдан чиқарма!

ТОРТИБ ОЛИНГАН БАЛИҚ ТОМОҒИГА ТИҚИЛДИ

Балиқчи тутган балиқларини уйга олиб келар экан, бир золим йўлтўсар унинг балиқларини тортиб олди ва урди. Балиқчи бундай дуо қилди: «Ё Раббий, мени заиф, уни қувватли яратдингки, у менга зулм қилди. Махлуқотингдан бирини унга рўпара қил, токи бутун олам ундан ибрат олсин. Ё Раббий, сен ҳар нарсага қодирсан!»

Золим балиқларни пишириб еяётган пайтда томоғига қилтаноқ тиқилди. Нафас ололмай қолди. Табибларга югуриб даво тополмади. Кечга яқин Яратганга ёлворди. Золим тушида: «Фалон одамнинг ҳаққини берасан, шундан сўнг хасталикдан қутуласан», деган нидони эшитди. Уйғонар-уйғонмас шошилиб балиқчини қидириб топди. Унга минг дирҳам бериб, ҳалоллашди. Яратганнинг изни билан хасталикдан қутулди.

КЕЧА-КУНДУЗ ШАРОБ ИЧУВЧИ ОДАМ

Шароб ичган бир одам маст бўлиб, сийдиги билан қўлини, юзини юва бошлади. Унга: «Нима қиляпсан?» дедилар. «Қўлларимни, юзимни ювмоқдаман», деб жавоб берди у.

Изоҳ ва ўгит

Бу ҳикояда ичкилик одамларни қай аҳволга солиши кўрсатилган. Айби бор одамлар бундан ибрат олишлари керак. Дарҳақиқат, ичкилик инсоннинг номус ва шарафига энг катта доғдир.

ЮЗИНИ КЎППАК ЯЛАГАН МАСТ

Бир мастнинг дудоқларини ит ялай бошлади. Маст итга: «Эй афандим! Эй султоним! Яратган сени муборак қилсин», дер экан, ит мастнинг юзига қараб сия бошлади. Итнинг бу иши учун ҳам маст ташаккур айтди.

Изоҳ ва ўгит

Мастлик ақлсизлик демакдир. Мастлик инсоннинг ақлини шу қадар олиб қўяди. Ва инсонни ўзлигидан, инсонликдан узоқлаштирадиган бир ҳолга келтиради. Ит мастнинг юзига сийганида, маст юзимни ювяптилар, деб ўйлади. Мастларнинг қандай айб, қандай уят сўзлар айтишларини билмаган одам йўқ. Мастлар номус ва шарафларини сақламайдилар, чунки ўша пайтда ақлларидан айрилган бўладилар. Мастлик қанча давом этса, ақлсизлик ҳам шунча давом этади. Мастлар бундай пайтда нима қилганларини ҳам билмайдилар. Номус, ор, шараф каби қадриятлар қушдек учиб кетади, қайтиб келиб қўнмайди. Қанча номусли хотин ва қизларнинг номуси мастликда парчаланади. Бундай чиркин хатарларнинг минг-мингини ҳар куни газеталарда ўқиймиз. Ичкилик заҳарли илон кабидир. Бир чақса ўлдиради. Яхшиликка олиб келмайди. Шунинг учун динимизда ичкиликнинг барча хиллари ҳаромдир, гуноҳдир дейилган. Ичувчилар жаҳаннамга бориб ёнадилар, кул бўладилар.

ИЧКИЛИК АҚЛНИ ОЛАДИ

Жаброил (а.с.) Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: «Тангри: Жаъфари Тайёрий жоҳилият ва Исломда бўлган тўрт хислатлари сабабли мақтовга сазовор бўлди деди», деб хабар берди. Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Жаъфари Тайёрийдан сўради, Жаъфар бундай жавоб берди: «Қарасам, ичкилик ақлни йўқотади. Шунинг учун ичкилик ичмадим. Бут-санамларга қарамадим, – на зарари, на фойдаси бор. Уларга сиғинмадим. Оиламни рашк қилганим учун бошқаси билан зино этмадим, бошқаларнинг хотинларига боқмадим. Ёмонлигини кўрганим учун асло ёмон сўзламадим».

Изоҳ ва ўгит

Ақлли одамлар бошқаларнинг бошига келган яхшиликлардан ўгит олиб, яхшиликка интиладилар. Ёмонликларидан ибрат олиб, ёмонликлардан узоқлашишга ҳаракат қиладилар ва ўзларини сақлайдилар.

ЯРАТГАННИНГ НЕЪМАТЛАРИ БЕҲИСОБ

Фақирлардан бири фақирлигидан шикоят қила бошлади. Қолганлари унга айтдилар: «Тилингни лол этамиз, сени соқов қиламиз. Эвазига сенга ўн минг лира берамиз». Рози бўлмади. «Кўзларингни кўр қиламиз, ўн минг лира берамиз», дедилар. Рози бўлмади. «Оёқ-қўлингни кесамиз, ўн минг лира берамиз», дедилар. Яна рози бўлмади. Улар: «Эй ҳаёсиз инсон, ўттиз минг лира келадиган сармоянг бор экан, яна фақирман деб юришинг тўғрими?» дедилар.

Изоҳ ва ўгит

Яратган сабр қилувчи фақирларни севади. Сабр қилган фақирлар бу ҳикоядан ибрат ола билган кимсалардир. Ҳар неъматнинг Тангридан келишига ишонган одам шундай сабр қилади. Сабрли бўлмоқ учун ирфонли бўлмоқ керак. Инсон ўз ҳолига шукр эта билса, шунда у роҳат кўради. Жаноби Ҳақнинг ўз бандаларига берадиган неъматларини тушунса, у ҳолда бировга ҳолидан шикоят этмайди.

ЁЛҒОН ҲАММА ЁМОНЛИКНИНГ БОШИДИР

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига бир киши келиб: «Ё Расулуллоҳ, менинг учта хасталигим бор: зино, ёлғон ва ичкилик ичиш», дебди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ёлғон сўзлама», деб буюрдилар. Бир оз вақт ўтгач, у одам зино қилишни хоҳлабди. Аммо Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мендан сўрасалар, қандай ёлғон гапираман, деб ўйлаб қолибди. Сўнгра ичкилик ичишни хоҳлабди. Яна, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мендан сўрасалар, нима дейман деб, ёлғон гапирмасликдан сақланибди ва натижада икки гуноҳидан ҳам қутулибди.

Изоҳ ва ўгит

Ота-боболаримиз: «Ёлғон барча ёмонликнинг бошидир. Ёлғон билан имон бир ерда турмайди. Ёлғончида ор-номус бўлмайди», деганлар. Ёлғончи одамларда номус бўлмайди. Номуссиз одам инсонларнинг номусларини поймол қилишдан тоймайди. Шунинг учун динимизда ёлғонга ҳеч ўрин йўқ. Динимизда ёлғон катта гуноҳдир.

ПАЙҒАМБАРИМИЗ (С.А.В.)НИНГ НАБИРАСИ КАСАЛ БЎЛИБ ҚОЛГАНИ

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қизлари: «Ўғлим ўлар ҳолатда, келишингизни илтижо қиламиз», деб хабар берди. Буни эшитган Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизининг олдига одам юбориб, ундан ўз саломларини ҳам йўлладилар ва: «Берган ҳам, оладиган ҳам Яратгандир. Ҳамма нарса Унинг ихтиёрида, ҳар ишнинг муайян вақти бор. Шунинг учун сабр қилсин ва нажот тиласин», деб буюрдилар. Бунга жавобан Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қизлари: «Яратган қасамёд қилиб отамнинг келишини сўрайман», деб илтижолар қилди. Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Убайда ва бир қанча саҳобалари билан бирга бордилар. Гўдакни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келтирдилар. Расулуллоҳ унинг қаршисига ўтирдилар, кўзлари ёшга тўлди. Бола тез-тез нафас ола бошлади. Шу пайт Саъд: «Ё Расулуллоҳ! Бу не ҳол, Сиз нега йиғлайсиз?» деди. Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бу бир раҳматдирки, Уни қулларининг қалбларига қўйгандир», дедилар.

Изоҳ ва ўгит

Ислом дини марҳамат динидир, марҳамати (раҳмдиллиги) бўлмаганларнинг Ислом динига кўра қадри бўлмайди. Бақириб чақирмасдан, ўлганларга кўзёши тўкиб йиғлаш жоиз. Бақириб чақириш тўғри эмас. Ислом бақириб-чақиришга изн бермайди.

САЛТАНАТ – БИР КЎЗА СУВГА ТЕНГ

Бир подшоҳ қабзиятга йўлиқиб, таҳорат олишга жуда қийналибди. «Ким мени бу касалликдан қутқарса, салтанатимни ўшанга бераман», дер экан. Бу сўзни эшитган қулларидан бири подшоҳ олдига келиб, унинг қорнини силабди, подшоҳ шифо топибди. Подшоҳ:

– Бу тахтга ўтир, бутун салтанатим сенга, – дебди. Ул одам:

– Йўқ, сен ўз мақомингда ўтир, фақат унинг қийматини, ҳаддини бил. Бу дунёнинг зарра қадар қиймати йўқ... Бир кўза сув каби тугайди. Агар уни ича олмасанг, салтанатингни берасан, ичиб чиқаролмасанг ҳам салтанатингни берасан. Шунинг учун у бир кўза сув кабидир, деб айтибди.

Изоҳ ва ўгит

Ер юзида энг буюк неъмат сиҳатдир. Бир одам подшоҳ бўла олар, қирол, жумҳурият раиси, бир мамлакат мол-мулкига эга чиқа олар. Аммо сиҳати бўлмаса, бу барча моддий салтанат ҳеч ҳузур бермайди. Бирор одамнинг бир дунё мол-мулки бўлса ҳам бир пиёла сув ичиб уни чиқара олмаса, унда нима бўлади?! Шу бир пиёла сувни чиқармоқ учун барча мол-мулкини беришга рози бўлади. У ҳолда мол-мулк, пул, амал ва мақом билан керилиш ақлли одамнинг иши эмас.

Бир пиёла сувчалик қадри бўлмаган дунё мол-мулкига боғланиб қолиш аҳмоқликнинг ўзидир. Инсон ўз ҳаддини билиши керак. Жаноби Ҳаққа шукр этиш керак. Яратган қандай неъматлар берган бўлса, унинг шукронасини қилмоқ керак, неъматларининг шукри туганмасдир. Яъни биз бир қул сифатида Унга шукр этамиз. Чунки Унинг неъматлари беқиёс. Бадавлат одамлар эса бундан ҳам кўп шукроналар айтиши керак. Кеккайиб кетиш, ўзни билмаслик, бойман деб ғурурланиш ақлли ва оқил мусулмон иши эмас.

СЕНГА ҚУЛ БЎЛИШИМ УЧУН УЧТА ШАРТИМ БОР

Бир одам бир қулга харидор бўлди. Қул у билан савдолашди ва:

— Сенга қул бўламан, майли, фақат учта шартим бор, — деди. — *Биринчиси:* ибодат вақтида мени бўш қўясан. *Иккинчиси:* кундузи менга нима хоҳласанг буюравер, кечаси ишимга аралашмайсан. *Учинчиси:* менга берган хонангга бошқа одам кирмайди.

Харидор бу шартларни қабул қилди. Қул ҳеч ким турмайдиган хонани танлади ва у ерда тонггача ибодат билан машғул бўлди. Кундузлари хўжайини, кечалари ибодатини қилди.

Кунлардан бир кун подшоҳ, зиёфат берди. Ярим кечага қадар зиёфатда бўлдилар. Ҳамма тарқалгач, хўжайин ҳам уйига қайтиб келди. Қараса, қули ярим кечада сидқидилдан ибодат қилмоқда. Бошидан бир нур чиқиб осмонга таралиб турибди, дуо қилмоқда. Дуосида: «Ё Раббий, кундуз кунлари афандимга (хўжайинга) хизмат қилишга мажбурман. Агар шундай бўлмаганда, кечаси ҳам, кундузи ҳам сенга ибодат этардим. Узримни қабул эт, гуноҳларимни кечир», деб ёлвормоқда. Ҳожаси эрта тонгда қулига: «Сен бугундан бошлаб озодсан, ҳурсан», деди. Қул: «Ё Раб, модомики, менинг аҳволимни бу зот билиб қолган экан, жонимни олгин», деб ёлворди. Шу заҳоти руҳини таслим этди.

Изоҳ ва ўгит

Эй, Ҳақ йўлчиси! Жаноби Ҳақ авлиёлик даражасига юксалтирган қулларига турли-туман неъматлар беради. Уларга берган кароматларни пинҳон тутади. Авлиёнинг каромати

ошкор бўлганда, бу дунёдан кўчмоғидан, вафоти яқинлашгандан дарак беради.

ИНСОН ТАВОЗЕЛИ БЎЛМОҒИ КЕРАК

Хорун ар-Рашид бир пайтда ҳаждан қайтаётиб Бағдодга келди. Уни бутун халқ кутиб олиш учун истиқболига чиқди. Шаҳардан ўтиб бораркан, тўпланган халойиқ ичидан Баҳлул Хорунга бундай деди:

– Эй мўминларнинг амири!

Хорун юзидан ниқобини олиб Баҳлулга қаради:

– Буюр, эй Баҳлул! – деди. Баҳлул:

– Эй ҳукмдор, Байтуллоҳ зиёратидан қайтмоқдасан. Шундай муборак сафардан келяпсану, бу кибр, бу ғурур нимаси? Агар тавозе қилсанг, сен учун янада хайрли бўлади, – деди.

Хорун ар-Рашид йиғлаб, кўзёш тўкди ва:

– Эй Баҳлул, яна насиҳат қил, давом эт, – деди. Унга жавобан Баҳлул:

– Эй Хорун, барча ерлар сеники, барча инсонлар сенга тобе бўлса ҳам борадиган жойинг тупроқдир, – деди.

Хорун уни тушунди ва:

– Тўғри айтасан, Баҳлул, – деди.

ЧАҚАЛОҒИНГНИ НЕГА СУТДАН АЙИРДИНГ?

Халифа Ҳазрат Умар (р.а.) ҳар галгидек кечқурун шаҳарни кезиб юрарди. Кўчадан ўтиб кетаётганида аччиқ-аччиқ йиғлаётган чақалоқнинг овозини эшитди. Бир оз пойлаб турди, чақалоқ йиғиси тўхташини кутди. Аммо бола борган

сари қаттиқроқ йиғлар эди. Ҳазрат Умар (р.а.) чидаёлмай, эшикни тақиллатди ва:

— Нега болани йиғлатмоқдасиз, унинг онаси йўқми? — деб сўради.

Чиққан хотин:

— Мен унинг онаси бўламан, — деган эди, Халифа унга:

— Сен нега бунчалик шафқатсиз хотинсан, нега болани бунчалик йиғлатасан, — деди.

Хотин:

— Нега ҳолимизни билмай, бундай дейсиз, озор берасиз? Болани яқинда сутдан ажратдим, уйимизда егулик бирор нарса бўлсайди, боламни овутар эдим, — деди.

Ҳазрат Умар (р.а.):

— Боланг неча ёшда? — деб сўради.

Хотин:

— Ҳали бир ёшга тўлгани йўқ, — деди. Ҳазрат Умар (р.а.):

— Нега бундай эрта сутдан айирдинг? — деб сўради.

Хотин:

— Тангри Халифага инсоф берсин. Болалар сутдан ажратилмагунча нафақа бермайди. Шунинг учун эрта сутдан ажратдим, — деб жавоб берди.

Ҳазрат Умар (р.а.) бомдод намозини ўқигандан сўнг мулозимларидан бирини чақириб:

— Сизнинг Умарингизга уят! — деб икки марта надомат билан қайтарди. — Ҳар бир мусулмон бола туққанида Халифага дарҳол хабар берсин. Байтул молдан — давлат хазинасидан нафақа тайинлансин. Ҳеч бир аёл нафақасиз қолмасин ва боласини эрта сутдан айирмасин. Шу онда кимнинг чақалоғи бўлса, болани келтириб, нафақа ёздирсин, — деди.

Алоҳида жарчилар Мадина кўчаларида юриб, аҳолига бу қарорни эълон қилдилар.

Изоҳ ва ўгит

Китобхон қардошим! Жаҳон тарихида адолати зарбулмасал бўлган Ҳазрат Умар барча мусулмонлар ва ўзининг қарамоғидаги халққа шундай ғамхўрлик қилар эди. Мадина кўчаларида кўча қоровуллари каби вақти-вақти билан кезиб, «дардли фуқаро борми», деб юрарди ва кўпинча бундай одамларга шахсан ўзи ёрдам берарди. Бир куни болалари йиғлаган хотиннинг болалари учун ун орқалаб борган Умар дўстининг бундай қилмагин, деган эътирозига қарамасдан: «Унни Умар ташисин, фақирларнинг кўнглини олмоқ учун терласин. Яратган Умарни афв этсин», деб унни ўзи ташиди. Сўнгра у хотиннинг уйига келиб, ўз қўли билан овқат пишириб едирди. Ўтни ўзи ёқди, ўт ёқар экан, соч-соқоли кулга булғанди. Хотин ёрдам беришни истаганда, унга:

– Бор, болаларингни овут. Мен ўзим уларга овқат тайёрлаб бераман, – деди. Болалар қоринларини тўйдириб ётдилар. Умар ҳузур қилиб дам олди. Ва:

– Эртага Умарнинг олдига боринг. Сизга нафақа берсин, – деб хайрлашди.

Адолатнинг тимсоли бўлган Умар (р.а.) шундай бир Умар эди. Разиаллоҳу анҳу. Тангри ундан рози ва хушнуд бўлсин.

ЗАКОТ ВА САЛОБА

Салоба исмли бир зот намоздан сўнг Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг орқасидан уйига қайтар эди. Унинг аҳволи яхши эмас, заиф, ғоят фақир ва камбағал эди. Бир кун келиб у Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га:

– Ё Расулуллоҳ! Мени бир дуо қилсангиз, Яратган бизга ҳам бир оз дунё, давлат берсин, – деди.

Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Ҳолингга шукр қил, ё Салоба, – дедилар.

Салоба:

– Шукр қиламан, ё Расулуллоҳ! Аммо бир оз садақа бериб савоб қозонмоқ истайин, – деди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Шукр қил, оз мол-дунё шукр этилмаган кўп мол-дунёдан хайрлидир, – дедилар.

Салоба яна:

– Ё Расулуллоҳ! Биттагина янги кўйлагимиз бор, тўғри ибодат қилишимиз учун. Мен масжидга келишда кияман. Жамоатдан сўнг тезда уйга келаман. Мен ечиб, оилам кийиб ибодат қилади, – деди.

Расулуллоҳ яна қайтариб шукр этиш кераклигини таъкидласалар ҳам Салоба такрор гапирарди. Бир кун Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Салобага «бир қўйни ол», дедилар. Салоба бир қўйни олди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуо қилдилар.

Салоба оз фурсатда анча бойиди. Секин-аста намозларга келмайдиган бўлди. Сўнгра Жума намозларига ҳам келмайдиган бўлди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Салоба қаерда? Нима бўлди бизнинг Салобага? – деб сўрадилар.

Асҳоб:

– Ё Расулуллоҳ! Салоба бойиб кетди. Қўйлари Мадинага сиғмайди. Салоба Мадина ташқарисига чиқди, у ерда қароргоҳ қурди, – дедилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Уят, Салобага, – дедилар.

Ҳар бир мусулмон бой ҳам ибодат қилади, ҳам закот беради, деган амр келди. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) закот олувчиларни Салобага юбордилар. Маъмурлар Салобага молингнинг қирқидан бирини закотга бер, дедилар.

Салоба ўйлаб:

– Қирқдан бири берилса, шунча қўйнинг пули бўлади-я, – деди ва маъмурларга қараб. – Биласизларми, мен бу қўйларни қандай қилиб олганман? Бунча закот бермайман, – деди.

Маъмурлар:

– Тангри амри бу, – дедилар.

Салоба:

– Мен бориб Пайғамбар билан гаплашаман, – деди. Маъмурлар келмасдан бурун Жаброил (а.с.) Расулуллоҳ, (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) га келди. Жаноби Ҳақ Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га билдирди. Яратган: «Ҳабибим, аввал бизга қанча берса, биз ҳам шунча хайр-эҳсон қиламиз, дейдилар-да, эришилган бойликдан эҳсон беришга хасислик қиладилар. Бундай одамларнинг молларидан закот олишни ман этаман», деб буюрди.

Сўнг Салобанинг ўзи келди. Ғафлатдан қутулди ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ялинди: «Молимнинг закотини ол», деди. Аммо Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олмадилар. Салоба Ҳазрат Абу Бакр ва Ҳазрат Умар даврларида ҳам яшади. Ҳеч бири Салобанинг закотини қабул қилмади. «Расулуллоҳ закот олмаган молдан биз закот олмаймиз», дедилар

Салоба бошини тошдан-тошга ура-ура ўлиб кетди. Салобанинг хайрсиз моли Салобани ҳалок этди.

Изоҳ ва ўгит

Китобхон қардош! Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ё Салоба, ҳолингга шукр қил», – деб буюрган эдилар. Салоба тушунмади. Хайрсиз молни кўпайтирди. Ҳолбуки, хайрли мол Яратган йўлида харж қилинган мол эди. Салоба ҳақида Тавба сурасида оятлар бор, 10-жузда. Ҳозирги замонамизда не-не Салобалар бор, молининг ҳисобини билмайди. Аммо закот беришга келганда ... Аввалари фақир бўлган, кейин бойиб кетганлар борки, уларнинг кўпи ҳам

шундай дейдилар. Худди Салобага ўхшаб. Буларни мен XX аср салобалари, дейман. Қардошларим, хайрли мол-мулк яхшилик йўлида сарф этилган мол-мулкдир.

ИШОНЧЛИ ЗОТ КЕЛМОҚДА

Пайғамбаримиз ўттиз беш ёшда эдилар. Ҳали пайғамбарлик ваҳйси тушмаган. Аммо Маккада юксак ахлоқли, ишончли зот сифатида танилиб, Муҳаммадул Амин исми билан аталардилар.

Ўша пайтда маккаликларнинг энг асосий ишлари Каъбани таъмирлаш эди. Ёмғир ва селлар сабаб Каъба деворлари бузилганди. Устига-устак, ёнғин туфайли Каъбанинг ёпинчиғи ҳам зарар кўргач, маккаликлар бу муқаддас бинони янгилашга қарор қилишди. Каъбани Иброҳим (алайҳиссалом) қурган пойдеворгача бузиб, янгидан қуришмоқчи бўлдилар. Ҳар бир қабилага бир бўлиб берилиб, деворлар ўралди. Навбат, жаннатдан юборилган муқаддас тош — Ҳажарул Асвадни жойига қўйишга келди. Фақат ҳар бир қабила буни бажариш шарафига эга бўлишни истарди. Бу хусусда келишмовчилик келиб чиқди. Қон тўкилишига оз қолди. Шу пайт ораларидаги энг кекса зотлардан Ҳузайфа:

— Эй қурайш қабиласи! Келишолмаётган нарсангиз бўлса бу мавзуда шу эшикдан биринчи кирган зотни орангизда ҳакам қилинг, — деди ва Каъба томон очиладиган Бани Шайба эшигини кўрсатди.

У ердагилар бу таклифни қабул қилди ва Бани Шайба эшигига қараб биринчи бўлиб ким кирар экан, дея кута бошлашди. Иттифоқо, эшикдан тўғрисўзлиги ва юксак ахлоқи ҳар доим таҳсинга сазовор бўлган Муҳаммад Амин кирганини кўришди. Севинч билан:

— Ана, ал-Амин келяпти! Унинг қарорига барчамиз розимиз! — дейишди.

Аҳвол У киши билдирилгач:

— Менга бир мато келтиринг, — дедилар. Кейин эса Ҳажарул Асвадни келтирилган мато устига қўйдилар. Ҳар бир қабиладан бир вакил чақириб, уларга:

— Қабилангиз номидан матодан тутинг! Энди эса биргаликда уни юқорига кўтаринг, — дедилар.

Тош ўрнатиладиган жойигача кўтарилгач, Ҳажарул Асвадни қучоқларига олиб, ўз қўллари билан ўрнига жойлаштирдилар. Бу ҳакамликдан барча мамнун бўлди. Катта бир жанжалнинг олди олинди.

УЧ КУНДАН БЕРИ

Кўнгиллар султони Расулимизнинг номаъқул сўз сўзлаганлари ёки берган сўзларида турмаганларини ҳеч кимса на кўрган ва на эшитган эди. Ул зотнинг асҳобидан бўлган бир зот дейдики:

— Жоҳилият даврида Яратганнинг Расули билан бир ерда учрашишга келишган эдик. Фақат мен берган ваъдамни унутдим. Уч кундан сўнг эслаганимда югуриб ўша ерга бордим. Қарасам, Яратганнинг Расули ҳали ҳам ўша жойда мени кутиб турибдилар. Мендан на жаҳлари чиқди ва на хафа бўлдилар. Фақатгина:

— Эй йигит, менга машаққат бердинг! Уч кундан буён ҳар куни шу вақтда сени бу ерда кутаётгандим, — дедилар.

ЭНГ ТЎҒРИ СЎЗЛИ

Талҳа ибн Убайдуллоҳ ўтмишдан бир хотира айтиб беради:

“Бусро бозорига борган эдим. Қарасам, бир роҳиб монастирда:

— Бозорга келганлардан сўраб кўринг-чи, ораларида Маккадан келганлар борми? — дея бақирарди.

Мен дарров:

– Ҳа, мен борман! Мен маккаликман, – дедим.

Роҳиб мендан:

– Аҳмад чиқдими? – дея сўради.

– Аҳмад ким? – дедим.

– Аҳмад, Абдуллоҳ ибн Абдулмутталибнинг ўғлидир! Бу ой, у намоён бўладиган ойдир. У барча пайғамбарларнинг охиргисидир. Маккадан йўлга чиқади; хурмозор, тошли, сувли ва шўрли бир тупроқда ҳаракат қилади. Уни асло қўлдан бой берма!

Роҳибнинг айтганлари менга таъсир қилган эди. Бусродан Маккага келишим билан дарҳол:

– Янги хабар борми? – дея сўрадим.

– Ҳа, бор. Абдуллоҳ ўғли Муҳаммад Амин пайғамбарликни даъво қиляпти. Ҳаттоки, Абу Бакр ҳам унга имон келтирди, – дейишди.

Мен аниқлаштириш мақсадида Абу Бакрнинг ёнига бордим ва:

– Сен ростдан ҳам Муҳаммадга тобе бўлдингми? – деб сўрадим.

– Ҳа! Сен ҳам унинг олдига бор ва имон келтир. Чунки у ҳақ ва ҳақиқатга бошлайди. Орамиздаги энг ростгўй инсон удир, – деди.

Талҳа ибн Убайдуллоҳ роҳибдан эшитганларини ҳазрат Абу Бакрга айтиб бергач, биргаликда Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига боришди. Ҳазрат Талҳа Исломга кирди ва мусулмон бўлди. Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) роҳибнинг айтганларидан хабардор бўлгач, ниҳоятда севиндилар.

ЕТАРЛИ ЖАВОБ

Ёсир ҳали мусулмон бўлмаган эди. Ўғли Аммордан қаерга кетаётганини сўради. Аммор:

– Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) олдиларига, – деди.

Бу жавоб Ёсирга етарли бўлган эди.

– У амин бир инсондир. Маккаликлар уни шундай танишади. Агар у пайғамбар эканини айтаётган бўлса, тўғри. Чунки унинг ёлғон гапирганини ҳеч ким эшитмаган.

Бу сўзлар, бу ишонч фақатгина бир-икки кишига тегишли эмас. У зотни таниган барча бир овоздан у зотнинг тўғрисўзликларини тасдиқлашди.

ВАФОЛИГА ВАФО

Абдуллоҳ ибн Масъуд айтганлар: "Пайғамбаримиз, бизни Нажошийга юборганларида орамизда саксонта эркак бор эди. Муҳожирлар Нажошийнинг ўлкасига борганларидан кейин қурайшликлар Амр ибн Ос билан Умара ибн Волидни баъзи ҳадялар билан Нажошийга юбордилар.

Бу икки элчи Нажошийнинг ҳузурида сажда қилиб, унга салом беришди. Кейин бири Нажошийнинг ўнг тарафига, иккинчиси чап тарафига ўтди. Гап бошлаб, шундай дейишди:

– Амакиларимизнинг ўғилларидан бир жамоат сизнинг тупроқларингизга келди. Улар, биздан ва жамоатимиздан юз ўгиришди.

Нажоший сўради:

– Улар ҳозир қаерда?

– Сизнинг ўлкангизда.

– Уларга хабар юборинг, – деди Нажоший.

Дарҳол мусулмон муҳожирларга хабар юборилди. Жаъфар муҳожирларнинг вакили бўлди. Қиролнинг ҳузурига келгач,

унга сажда қилмади. Мусулмонга хос саломи билан салом берди.

У ердагилар:

– Нега подшога сажда қилмадинг? – дейишганда Жаъфар бундай жавоб берди:

– Биз фақат Яратганга сажда қиламиз.

Нажоший бунинг сабабини сўрагач, Жаъфар:

– У бизга бир пайғамбар юборди, биз у пайғамбар воситасида ёлғиз Унга сажда қилишимиз, намоз ўқишимиз ва закот беришимизни буюрди, – деди.

Амр дарров орага тушиб:

– Марям ўғли Исо ҳақида уларнинг ишончи сеникидан фарқ қилади, – деди.

Нажоший:

– Сизлар Марям ўғли Исо ҳақида қандай фикрдасиз? – деди.

Жаъфар:

– Яратганнинг айтгани каби ишонамиз: "У, ҳеч бир башар унга тегмаган иффатли Марямга берган руҳидир", – дея жавоб берди.

Бу жавобдан сўнг Нажоший ердан бир чўп олиб:

– Эй Ҳабаш халқи, эй руҳонийлар, эй роҳиблар! Валлоҳи, улар Исо ҳақида бизнинг айтганларимиздан ортиқ нарса айтишмаяпти, – деди.

Сўнгра мусулмонларга:

– Сиз ва ёнингизда келган зотга салом! Мен гувоҳлик бераманки, шубҳасиз, у Яратганнинг Расулидир! Ўлкамда истаганингизча қолишингиз мумкин. Валлоҳи, агар шу салтанат вазифаси устимда бўлмаганда, унинг ҳузурига бориб, оёқ-кийимларини кўтариб юрар эдим, – деди.

Кейин унинг буйруғига биноан Қурайшнинг ҳадялари элчиларига қайтарилди. Ўша куни Нажоший, жуда одилона

ва садоқатли муносабатда бўлган эди. Унинг бу ҳақгўйлиги ва вафосига жавобан Нажоший вафот этган”.

ДАЪВОСИДАН ҚАЙТМАДИ

Абдуллоҳ ибн Жаъфар (розияллоҳу анҳу) айтгандилар: “Абу Толиб ўлгач, Қурайш майхўрларидан бири Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гап отди ва устларига тупроқ сочди. Аллоҳнинг Расули уйга қайтдилар. Қизларидан бири ҳам йиғлар, ҳамда дадасининг юзидаги тупроқларини артарди. Аллоҳнинг Расули унга:

– Суюкли қизим, йиғлама! Шунга ишонгинки, Яратган отангни муҳофаза этади. Абу Толибнинг ўлимига қадар Қурайш, менга нисбатан нохуш ҳаракатда бўлмаган эди. Унинг вафотидан сўнг бундай хатти-ҳаракатлар орта бошлади, – дедилар.

Яна бошқа бир куни Қурайшнинг зулмлари ортганда Тангрининг Расули:

– Эй амакижон! Йўқлигингизни қанчалар тез ҳис қиляпман, – дея амакиларини соғинганларини билдирдилар”.

ИШОНДИМ

Исломиятнинг ўн биринчи йилида бир куни кечаси ҳазрат Жаброил (алайҳиссалом) келиб, Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олиб, Буроқ исмли бир улов билан Қуддусдаги Масжиди Ақсога олиб борди. Расулимиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у ерда барча пайғамбарларга имомлик қилиб ибодат қилдирдилар. Кейин Жаброил (алайҳиссалом) билан осмони фалакларга юксалдилар. Меърожга чиқиш давомида Жаннат ва Жаҳаннамни кўрган Расулимиз, Сидратул-Мунтаҳа деган ердан кейин саёҳатларини Жаброилсиз (алайҳиссалом) ўзлари давом

эттирдилар. Ва оламларнинг Рабби билан пардасиз кўришдилар. Ниҳоят, қайтадиган вақт ҳам келди ва Расулимиз қайтадан Маккага бордилар. Шунчалик узоқ саёҳат фақатгина бир неча дақиқа ичида бўлиб ўтган ва Пайғамбаримизнинг ҳали ётган жойлари совумаган эди. Ҳолбуки, ўша замонларнинг имконияти билан, Маккадан Қуддусга бир ойда бориларди.

Тонг отди. Бу воқеани олдин яқинларига, кейин маккаликларга эшиттириш учун Каъбанинг олдига бордилар. Расулимизни эшитган мушриклар айтганларига ишонмасдан масхара қилишни бошлашди. Ўзаро:

— Мана бу биз учун қулай фурсат, — дея севинч билан ҳазрат Абу Бакрнинг ёнига боришди. Ва:

— Эй Абу Бакр! Сен Қуддусга кўп марта бориб келгансан. Йўлни яхши биласан. Маккадан Қуддусга бориб-келиш учун қанча вақт кетади? — деб сўрашди.

Ҳазрат Абу Бакр:

— Ҳа, яхши баламан. Бир ойдан кўп вақт кетади, — деди.

Мушриклар ҳазрат Абу Бакрнинг берган жавобидан ниҳоятда хурсанд бўлишди. Нашъа билан:

— Ақлли ва тажрибали одамнинг сўзи мана шундай бўлади, — дейишди.

Абу Бакр ҳам бизни маъқуллайди, деган ишонч билан:

— Сенинг дўстинг, бир кечада Қуддусга бориб келганини даъво қиляпти, — дейишди. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) исмларини эшитар-эшитмас ҳазрат Абу Бакрнинг ранги ўзгарди. Қалбида у зотга нисбатан чексиз имон ва ишонч бор эди.

Мушрикларнинг, у зот ҳақларида нолойиқ гап айтишлари ёқмади. Жаҳли чиққанини билдириб:

— Агар буларни у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтаётган бўлсалар, мутлақо тўғридир, — деди.

Мушриклар ҳайрат ичида:

— Нима, бу билан сен Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кечада Масжиди Ақсога бориб келганига ишонаман, демоқчимисан? — дейишди.

Абу Бакр:

— Ҳа! Ҳатто, мен унинг бундан ҳам иложи йўқ мавзулардаги сўзларини тасдиқлайман. Чунки мен, у зотнинг эртадан кечгача самодан хабар олишларига ишонаман, — деб уларнинг ёнидан айрилди.

Қурайш мушриклари, нима бўлганига тушунолмай қолишди. Бошларини ерга эгиб, ортга қайтишдан бошқа чоралари қолмади. Абу Бакр эса дарров Расулимизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига борди.

Набийлар Набийсининг атрофида катта оломон бор эди. Аммо уларнинг ҳеч бири имон келтириш учун эмас, аксинча Меърож воқеасини эшитгач, у зотни янаям кўпроқ масхара қилиш мақсадида тўпланишганди.

Ҳазрат Абу Бакр оломон ёнига яқинлашиб, баланд овозда:

— Эй Расулуллоҳ! Меърожингиз муборак бўлсин! Сизнинг ҳар бир сўзингиз ростдир, мен ишондим, — дедилар. Бу сўзлари билан ҳазрат Абу Бакр мушрикларни яна бир бор ҳайратга солган, мусулмонларни эса имонларини кучайтирган эдилар. Ўша кундан бошлаб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Бакрга “Сиддиқ” лақабини бердилар.

ВАЪДА

Ҳар йили бўлгани каби Исломнинг ўн биринчи йилига кирилган ҳаж мавсумида Макка узоқ ва яқиндан келган араблар билан тўлиб-тошганди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам ҳар доимгидай Маккага келган зиёратчиларни имонга, эзгуликка даъват этиш учун чиққан эдилар. Шундай кунларнинг бирида Макка билан Мино орасида Ақоба дейилган тепаликда мадиналик олти кишига

дуч келдилар. Мадинадаги Ҳазраж қабиласидан бўлган бу олти киши, Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзларини эшитгач, дарров имон келтиришди. Улар Мадинадан Ислом карвонига қўшилган илк мусулмонлар эди. Кейинги ҳаж мавсумида худди шу ерда кўришишга ваъдалашиб, Мадинага қайтишди. Қайтгандан кейин у ерда Исломни англатишни бошлашди. Бир йилдан кейин яна ҳаж мавсуми келганда ўша жойдан бу олти киши билан бирга келган яна олти киши бор эди. Улар Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан учрашишди. Бу ўн икки мадиналик Расулимизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қуйидаги тарзда ваъда беришди:

— Ҳузурли ва қайғули, севинчли ва ғамгин кунларда сизга итоат этамиз! Сизни ўзимиздан афзал биламиз. Бошлиқ ким бўлса ҳам унга эътироз этмаймиз. Яратган йўлида бизни камситишларига эътибор бермаймиз. Яратганга ширк келтирмаймиз. Ўғрилик қилмаймиз, зинога яқинлашмаймиз. Қизларимизни асло ўлдирмаймиз. Бир-биримизга туҳмат қилмаймиз. Ҳар бир яхши ниятингизда сизга қарши бормаймиз.

Ақобадаги бу ваъданинг ортидан мадиналиклар, Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга Исломни тушунтирадиган ва Қуръони каримни ўргатадиган устоз жўнатишларини сурашди. Тангрининг Расули, устоз қилиб Мусъаб ибн Умайрни танладилар ва Ақобада ваъда берганлар билан бирга Мадинага юбордилар. Шундай қилиб, Мадинага биринчи бўлиб ҳижрат қилган саҳоба ҳазрат Мусъаб бўлди. У ерда Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вакили бўлдилар ва мадиналиклар учун янги бўлган динни аҳолига ўргатдилар. Ҳазрат Мусъаб бир йилдан сўнг Исломнинг ўн учинчи йили ҳаж мавсумида Маккага етмиш икки киши билан келдилар. Расулимизга (соллаллоҳу алайҳи

ва саллам) Исломнинг Мадинадаги тез ёйилиш хушхабарини бера туриб, шундай дедилар:

– Ё Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)! Мадинада Ислом кирмаган хонадон қолмади.

ҲАҚ ЙЎЛИДА

Муҳаммад ал Абдари, отасидан шундай нақл қилади:

“Мусъаб ибн Умайр ёш, келишган, сочларининг гўзаллиги билан танилган ва Маккада бармоқ билан кўрсатиладиганлардан бири эди. Ота-онаси уни жуда яхши кўришарди. Онаси жуда бой эди, унга энг чиройли ва энг қимматбаҳо кийимларни кийдирарди. Мусъаб маккаликлар орасида энг хушбўй атирларни ишлатар, Хадрамавтда ишлаб чиқарилган оёқ-кийимларни киярди. Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг бу ҳолини эслаган пайтларида шундай дердилар:

– Маккада Мусъаб ибн Умайрдан ҳам чиройли сочли, башанг кийимли, мўл неъматларга соҳиб бўлган бирини кўрмадим!

Мусъаб ибн Умайр, Расулимизнинг, ибн Арқамнинг уйида Исломга даъват қилаётганларини эшитгач, дарров олдиларига бориб, мусулмон бўлган ва у зотни тасдиқлагандилар. Фақат онасининг ва қавмининг қаттиқ қаршилик кўрсатишидан қўрқиб, мусулмонлигини бекитиб, Тангри Расулининг ҳузурларига яширинча бориб келарди.

Бир куни Усмон ибн Талҳа унинг намоз ўқиётганини кўриб қолиб, онасига ва яқинларига хабар берди. Кейин оиласидагилар уни қамаб қўйди. Бу қамоқ биринчи Ҳабашистон ҳижратига қадар давом этди. Ҳабашистон ҳижратида Мусъаб мусулмонлар билан биргаликда Ҳабашистонга борди.

Кейинроқ улар билан бирга қайтди. Мадинанинг биринчи муаллими бўлди. Гўзал хулқларни Мадинага ҳам ёйди ва ундан мамнун бўлдилар.

ЁЛҒОН ГАПИРГАНИНИ ЭШИТМАДИК

Ҳижратнинг олтинчи йилида имзоланган Ҳудайбия шартномаси билан келган тинчлик йилларида Расулимиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), дунёдаги барча давлатларга элчилар юборгандилар. Ёзган мактубларида асрлар бўйи кутилган охирги замон пайғамбари эканликларини айтган, келтирган дин ва Муқаддас Китобга имон келтирилишини сўрагандилар. Бу мактублардан бири Рим императори Ҳирақлга ҳам жўнатилганди. Ҳирақл, мактубни бошидан охиригача ўқиб бўлгач, Шош ҳудудидаги Абу Суфённи чақиртирди ва ораларида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Унга кўпроқ эргашаётганлар кимлар — бойларми, фақирларми?

— Фақирлар.

— Унга ишонгандан кейин ортига қайтганлар бўлдими?

— Шу кунгача бўлмади.

— Хўш, унга эргашганларнинг сони ортмоқдами, камаймоқдами?

— Кундан-кун ортиб бормоқда.

— Пайғамбарликни даъво қилган кишининг бирор бир ёлғон гапирганини эшитдингизми?

— Йўқ, у зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёлғон гапирганларини ҳеч қачон эшитмадик.

Яратганнинг Расулидан келган мактубдан ташқари, мусулмонларнинг энг ёмон душмани бўлган Абу Суфённинг берган бу жавоблари баттар ҳайратини орттирган Ҳирақл ўзини тутолмасдан шундай эътироф этди:

– Бир инсон, шу кунгача ҳеч бир инсонга ёлғон гапирмасдан, Яратганнинг ҳузурида ёлғон гапириши мумкин эмас.

НАЖОТ – ТЎҒРИЛИКДА

Кўнгилларнинг Султони Расулимиз марҳамат қиладилар: “Доимо тўғриликни изланг! Тўғриликда ҳалокатингизни кўрсангиз ҳам, шубҳасизки, унда сизнинг нажотингиз бордир”.

ЯХШИ ЖАМОАТ

Абу Саид (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Бир бадавий Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келиб, қарзини ундирмоқчи бўлиб, Тангрининг Расулига қўпол тарзда:

– Тез қарзингизни тўланг, – деди.

Саҳоба:

– Ҳой, ким билан гаплашаётганингни билмаяпсанми? – дея уришди.

У эса:

– Мен ҳаққимни истаяпман, – деди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Ҳақ эгасининг тарафида бўлишингиз керак эмасмиди? – дедилар.

Кейин Ҳавла бинти Қайсга, “Ёнингда хурмо бўлса, қарзга бериб тур, хурмо келганида сенга берамиз”, деб хабар жўнатдилар.

Ҳавла:

– Ота-онам Сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ, бор, – деди ва Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хоҳлаганларича хурмо берди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бадавийга ҳаққини тўлаб, унинг қорнини тўйдирдилар.

Бадавий:

– Сиз ҳаққимни тўлалигича тўладингиз.

Бу ҳодисадан сўнг Яратганнинг Расули:

– Қарзларини тўлаганлар инсонларнинг энг хайрлисидир. Ичингиздаги заиф ва кучсизларнинг қарзлари ва ҳақларини азият чектирмасдан ва ранжитмасдан олиб беролмаган жамоат, яхши жамоат бўлолмайди, – дея марҳамат қилдилар.

СИЙМОСИДА ЁЛҒОН АКСИ ЙЎҚ

Яҳудий бир тижоратчи, айни пайтда руҳоний бўлган Зайд ибн Суъна Пайғамбаримиздаги сифатларнинг китобларида ёзилганлар билан мувофиқ келаётганига гувоҳ эди. Фақат бу сифатлардан иккитасинигина ҳозиргача кузатолмаган эди. Бинобарин, ўз-ўзича шундай ўйлади: "Тўғриси, унинг сиймосидан ёлғон гапирмаслиги кундай равшан. Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сийратига қараганимда сўнгги пайғамбарга оид қанча пайғамбарлик аломати бўлса, иккитасидан ташқари ҳаммасини кўрдим. Қандай қилиб бўлмасин, қолган икки фазилати ҳақидаги саволимга ҳам жавоб топмоғим лозим. Унинг ҳалим ва мулойимлигини ҳамиша жаҳлини боса олиши ва унга қарши қилинган қўполликлар ундаги ҳилм ва кечиримлилик сифатини янада орттириш ҳолатини қандай кузатсам экан?"

Шу хаёллар билан ўтирар экан, Зайднинг хаёлига бир фикр келди. Тўғри Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) турган жойга борди.

Пайғамбаримиз ҳазрат Али билан бирга хоналаридан чиқдилар. Худди шу пайт улов минган бир бадавий у ерга келди ва:

– Ё Расулуллоҳ! Фалончи уғилларининг қишлоғида бир неча одамим бор; улар мусулмон бўлдилар. Мен: "Мусулмон бўлсангиз, ризқингиз кўп ва барокатли бўлади", деган эдим.

Аммо ҳозир қурғоқчилик туфайли анча қийналиб қолишди. Ё Расулуллоҳ! Молга қизиқиб, Исломга кирганлари каби яна мол-дунё туфайли динни тарк этишларидан қўрқувдаман. Агар уларга ёрдам юборишни маъқул кўрсангиз, бу ишни ўз зиммамга олардим, – деди.

Расулуллоҳ ёнларида турган Ҳазрат Алига қарадилар. Ҳазрат Али:

– Ё Расулуллоҳ, ҳеч нарсамиз қолмади, – дедилар.

Зайд ибн Суъна, бу вазият у зотни синаш учун қулай фурсатлигини англаб, Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яқинлашди ва:

– Эй Муҳаммад, фалончининг хурмозоридан бир қисм хурмони нақд пулга, олдиндан пулини тўлаш орқали фалон куни сотасизми? – деди.

Аллоҳ Расули:

– Фалончининг хурмозори, дея жой белгилама, – деб огоҳлантирдилар.

Зайд:

– Розиман, – деди ва аҳдлашув тугади.

Зайд ибн Суъна ҳамёнини очиб, белгиланган вақтда олинажак маълум миқдордаги хурмолар учун олдиндан 80 танга олтин тўлади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у олтинларни бадавийга бердилар ва:

– Тезроқ бор, уларга ёрдам бер, – дедилар.

Зайд ибн Суъна бу ҳодисанинг давомини шундай ҳикоя қилади: "Келишилган муддат келишига икки ёки уч кун бор эди. Расулимиз, ҳазрат Абу Бакр, ҳазрат Умар, ҳазрат Усмон ва саҳобалардан баъзилари билан бирга келиб қолишди. Дарров ёнларига бориб, кўйлакларидан тутдим ва ғазаб билан:

– Эй Муҳаммад, ҳаққимни менга қачон тўлайсиз! Валлоҳи, сиз Абдулмуттолиб ўғиллари қарзларингизни орқага

суришдан бошқа нарсани билмайсизлар. Сизларнинг кимлигингизни яхши биламан! – дедим.

Аллоҳ Расули эса сокин ва вазминлик билан менга қарадилар. Сўнг ҳазрат Умарга:

– Эй Умар! Ҳозир сенинг бу ҳаракатингга эмас, бошқа бир чора топишингга эҳтиёжимиз бор! Менга қарзимни одобга риоя қилган ҳолда тўлашимни, унга ҳам қарзини одоб билан сўрашини тавсия этишинг керак эди! Қани, Умар, у билан бирга бор-да, ҳаққини бер. Уни қўрқитганинг учун эса йигирма соъ[1] қўшиб бер, – дедилар.

Ҳазрат Умар мени бошлаб кетдилар ва ҳаққимни кўпи билан тўладилар.

– Эй Умар, нега ортиқча беряпсан? – дедим.

– Расулуллоҳ шундай буюрдилар. Бу сени қўрқитганим учун бадал, дедилар.

– Мени танидингми, эй Умар, – деб сўрадим.

– Йўқ, сени танимадим, – дея жавоб берди.

– Мен, Зайд ибн Суънаман, – дедим.

– Руҳоний роҳиб? – деб ҳайратла сесканди.

– Ҳа, руҳоний Зайдман, – дедим.

– Нега Расулуллоҳга бундай муомала қилдинг, нега ноҳақ гап айтдинг? – деди.

– Эй Умар! Илк бор Унинг сиймосига қараганимда қанча пайғамбарлик белгиси бўлса, икки хусусдан ташқари барчасини кўргандим. Аммо шу иккита хусус борасида ҳеч нарса билмасдим. Бу ҳилм ва кўнгилчанлик; ғазабини боса олиши ҳамда ўзгалар томонидан қилинган ҳурматсизлик ва қўполлик у зотнинг мулойимлик ва кечиримлилигини орттиришига оид хусуслар эди. Қўполлик ишлатиш йўли билан уларни ҳам билиб олдим.

Эй Умар! Сени гувоҳ қилиб айтаманки, Раббим дея ягона Аллоҳни, диним деб Исломни, пайғамбарим деб ҳазрат

---

[1] Соъ – Бир соъ, уч килога якин.

Муҳаммадни қабул қилдим. Сени гувоҳ қиляпман, молимнинг ярми Муҳаммад умматига садақадир, – дедим.

Ҳазрат Умар:

– Муҳаммад умматининг ярмига деб айт, чунки ҳаммасига етказолмайсан, – деди.

– Бир қисмига, – дея васиятимни тўғриладим.

– Кейин ҳазрат Умар билан Зайд Расулуллоҳнинг олдиларига қайтишди ва Зайд калимаи шаҳодат келтириб, Яратганга ва Расулига имон келтирди. У зотга байъат қилди.

НИМА БЕРАСАН?

Бир куни бир аёл боласини чақирганда:

– Кел, қара, сенга нима бераман, деганида Аллоҳ Расули дарҳол:

– Нима берасан? – дедилар.

Аёл эса:

– Бир нечта хурмо бермоқчи эдим, ё Расулуллоҳ! – деб жавоб берди. Шунда:

– Агар унга ҳеч нарса бермайдиган бўлсайдинг, ёлғон гапирган бўлардинг, – дедилар.

Зеро, Расулуллоҳ ёлғонни нифоқ аломати ҳисоблар ва ундан узоқ туришга чақирардилар. Ёлғон – мунофиқнинг уч аломатидан биридир. Қолган иккиси ваъдасида турмаслик ва омонатга хиёнат қилишдир.

БУНДАЙЛАРДАН ҚОЧИНГ

Садақа ибн Абу Абдуллоҳ ривоят қилади: “Ҳазрат Умар бундай дерди:

– Ҳеч бир далилсиз ўз фикрида қатъий турганлар, аслида суннатга қарши кимсалардир. Улар Расулуллоҳнинг суннатларини яхшилаб ўрганишдан ва ёдлашдан маҳрумдирлар ва бу

фурсатни қўлдан бой беришган. Яна бу кимсалар ўзларидан ва жавобини билмаган нарсалари ҳақида нимадир сўралганида "Буни билмаймиз", дейишдан уяладилар. Нотўғри фикрлари билан суннатга қарши чиқишади. Ана шундайлардан узоқ бўлинг".

ДАЪВОИМДАН АСЛО ҚАЙТМАЙМАН

Абу Рофеъ айтади: "Ҳазрат Умар румликлар устига қўшин юборганди. Юборилган қўшинда Асҳоби икромдан Абдуллоҳ ибн Ҳузофа исмли зот ҳам бор эди. Румликлар уни асир олиб, қиролларининг ҳузурига олиб боришди ва:

– Бу одам Муҳаммаднинг асҳобидандир, – дейишди.

Золим қирол унга:

– Сени мулкимга ва салтанатимга шерик қилсам, насороликни қабул қиласанми? – дея таклиф қилди.

Абдуллоҳ:

– Кўзимни юмиб-очганчалик муддатга бўлса-да, Муҳаммаднинг динидан қайтишим учун менга ўз салтанатингни берсанг ҳам бу таклифингни асло қабул қилмайман! – деди.

– Модомики, ўз эътиқодингга шунчалик содиқсан, у ҳолда сени ўлдираман! – деди қирол.

– Билганингни қил, – деди Абдуллоҳ.

Қиролнинг буйруғи билан Абдуллоҳ чормихга боғланди. Қирол, ўқчиларга:

– Қўл-оёқларига яқинроқ ерга ўқ узинг! – деди.

– Бу қийноқлар давомида Абдуллоҳга фақат насоролик динини қабул қилиши талаб қилинди. Аммо у инкор қилди. Охири қиролнинг буйруғи билан чормихдан олишди. Сўнгра катта бир қозон келтиришди ва ичини сувга тўлдириб, қайнатишди. Кейин икки мусулмон асирни қозон ёнига келтиришди. Асирларга ҳам насоролик таклиф қилинди. Улар рад қилишгач, ҳар иккисини қозонга ташлаб юборишди. Бу гал қирол қайнаб турган сув ичига Абдуллоҳни ташлаш-

ларини амир қилди. Абдуллоҳ қозонга яқин келтирилганида йиғлади.

Шунда аскарлар:

– Қиролим, бу асир йиғламоқда! – дейишди.

Қирол Абдуллоҳнинг йиғисини қўрқоқликка йўйиб:

– Уни олдимга келтиринг! – дея буюрди.

Абдуллоҳ келтирилгач, яна олдинги таклифини такрорлади. Аммо яна рад жавобини олгач:

– У ҳолда нега йиғладинг? – дея сўради.

Абдуллоҳ:

– Ичимдан: "Абдуллоҳ, ҳозир шу қозонга ташлансанг, албатта, ўласан. Кошки, вужудимдаги ҳар бир тук ададича жоним бўлсайди ва такрор-такрор қайноқ қозонга ташлансам, ҳар бир жонимни Тангри таоло учун фидо қилсам эди!" деган ўй кўнглимдан кечиб, йиғладим, – деди.

Қирол Абдуллоҳнинг имонидаги собитлик ва қатъиятни, ҳеч қандай ўлим азоби уни бу йўлдан қайтаролмаслигини кўриб:

– Агар бошимдан ўпсанг, сени озод қиламан, – деди.

Абдуллоҳ бу таклифга қарши шундай бир таклиф билдирди:

– Барча мусулмон асирларни озод қилсанг, бошингдан ўпишга рози бўламан.

Қирол:

– Майли, таклифинг қабул қилинди. Уларни ҳам сен билан бирга қўйиб юбораман, – деди.

Абдуллоҳ: "Бу одам, Яратган душманларидан биридир. Яхшиси бошидан ўпай. Ҳам мени ҳамда қолган мусулмон асирларни озод қилсин. Бундан нима ҳам зарар кўрар эдим?" дея ўйлади.

Ва шу ўйлар билан яқинлашиб, қиролнинг бошидан ўпди. Қирол ҳам ваъдасида турди асирларни қўйиб юборди. Абдуллоҳ асирлар билан бирга Мадинага қайтди. Вазиятни ҳазрат Умарга билдирди. Ҳазрат Умар:

– Энди ҳар бир мусулмон Абдуллоҳ ибн Ҳузофанинг бошидан ўпиши шарт. Мана, энг биринчи бўлиб мен бошлаяпман, – деди ва Абдуллоҳнинг бошидан ўпди.

ЎҒРИЛИК ҚИЛГАН АЁЛ

Урвадан ривоят қилинади: "Макка фатҳ қилинган йили, бани Маҳзум қабиласидан бир аёл ўғрилик қилибди. Буни дарров қабила ҳазрат Усома ибн Зайдга мурожаат қилишибди. Усомадан, Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнига бориб, аёлнинг қутилиши учун воситачи бўлишини сўрашди. Усома, аҳволни Аллоҳ Расулига арз этган Расулимизнинг юз ифодалари ўзгарди ва:

– Эй Усома! Сен Аллоҳ белгилаган жазоларидан бирининг авфи учун қандай қилиб мендан ёрдам сўраяпсан? – дедилар.

Ҳазрат Усома:

– Мени кечиринг. Мен учун Яратгандан афв тиланг, эй Аллоҳнинг Расули!.. – деди.

Кеч тушгач, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) турдилар ва Аллоҳга, Унга лойиқ кўпгина сифатлар билан ҳамду санолар айтгач, шундай марҳамат қилдилар:

– Сиздан олдингиларнинг ҳалокати сабаби шу эди: ораларида обрў эгаси ўғрилик қилса, уни кечиришарди. Ўғрилик қилган, етим ва заиф бўлса, керакли жазони қўллашарди. Агар Муҳаммаднинг қизи Фотима бу ишни қилганида унинг ҳам жазосини айнан берардим.

БИР ОЯТ ТАРИХИ

Аллоҳ Расули, инсонлар орасидаги энг ишончли зот эдилар. Уммати ҳам айни ишончга лойиқдир. Шунинг учун ҳам бир оятда:

"Албатта, Яратган сизларга омонатларни ўз аҳлига эриштиришни ва агар одамлар орасида ҳукм қилсангиз адолат ила

ҳукм қилишни амр қилур! Яратган сизларга қандай ҳам яхши ваъз қилур. Албатта, Яратган эшитувчи ва кўрувчи Зотдир" (*Нисо, 58*).

Бу оятнинг нозил бўлиш сабабини ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) шундай ҳикоя қилади: "Макка фатҳ этилгач, Расулимиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Каъбанинг калитини, ўша куни мусулмон бўлмаган Усмон ибн Талҳадан олиб, Каъбани шахсан ўзлари очдилар. Кейин ҳазрат Аббос келиб, калитларни сўради. Эҳтимол, истиқболнинг буюк мўмини у омонатга лойиқроқдир. Ва айни пайтда калитларни унга берилиши унинг кўнглини очарди. Ва шундай ҳам бўлди. Чунки бу оила, отадан ўғилга ўтадиган бир мерос билан бу калитларни муҳофаза этишарди. Асрлар бўйи бу вазифага лойиқ эканликларини исботлашганди.

Ҳа, бу оят нозил бўлгач, Каъбанинг калитлари қайтадан Усмон ибн Талҳага қайтарилди. Ва бир оздан сўнг бу улуғ зот мусулмон бўлди".

ҲАҚ ТАЛАШГАН ОҒА-ИНИЛАР

Умму Салама (розияллоҳу анҳо) айтадилар: "Ансордан икки зот Аллоҳ Расулига келиб, бир меърос масаласи сабабли бир-бирларидан шикоят қилишди. Орадан узоқ йиллар кечгани сабаб иккисини ҳам гувоҳлари йўқ эди. Набийлар набийси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Сизлар менинг ҳузуримда бир-бирингиздан даъво қилдингиз ва ўзингизни оқлаяпсиз. Мен, ҳаққида ваҳий тушмаган масалаларга фақат ўз қаноатим билан қарор бераман. Шояд мен, инингизнинг ҳаққини қўлидан олиш учун айтаётган далилингизга қараб сизнинг фойдангизга ҳукм берсам, уни асло олманг! Чунки мен, унга Жаҳаннам оловидан бир парча олиб берган бўламан. Инининг ҳаққини

олган кимса, Қиёмат куни шу олов парчаси бўйнида осилиб турган ҳолда тирилтирилади, – дедилар.

Бу гапдан кейин ака-укалар йиғлаб юборишди, иккаласи ҳам:

– Ё Расулуллоҳ! Ҳаққим уники бўлсин! – дейишди.

– Модомики шундай дедингиз, у ҳолда ҳақни яхшилаб билиб, орангизда бўлишинг. Бир-бирингиздан рози бўлинг, ҳалоллашинг, – дедилар Сарвари олам.

ЁҚИМСИЗ ТАКЛИФ

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Абдуллоҳ ибн Равоҳа (розияллоҳу анҳу) ҳар йили Ҳайбарга борар; яҳудийларни хурмоларини ва узумларини миқдорини тахминан ўлчаб кейин ўша миқдорнинг ярмини солиқ сифатида беришини сўрардилар.

Яҳудийлар, Аллоҳ Расулига Абдуллоҳ ибн Равоҳанинг маҳсулотларини миқдорини тахмин қилиб солиқ сўрашидан шикоят қилишди. Бу ёқдан Абдуллоҳ ибн Равоҳага пора таклиф қилишди. Абдуллоҳ ибн Равоҳа:

– Сизлар, менинг кўз олдимда ёқимсизсиз. Аммо сизга бўлган нафратим, Аллоҳ Расули учун туйган муҳаббат мени сизга нисбатан ҳақсизлик қилишга ундамайди, – деди.

Улар ҳам ибн Равоҳани тақдирлаб:

– Мана шундай адолат сабабидан еру осмон оёқда турибди, – дейишди”.

ТЎҒРИ ВА ЁЛҒОН СЎЗ

Набийлар Набийси Расулимиз:

– Тўғриликдан айрилманг. Тўғрилик сизни рози қиладиган яхшиликка етказади. Киши, тўғри бўлса ва доимо тўғриликни айтса, Тангри наздида сиддиқлардан ёзилади.

Ёлғондан узоқ туринг. Зеро, ёлғон инсонни гуноҳга, у эса Жаҳаннамга элтади. Киши тўхтовсиз ёлғон гапирса Яратган наздида ёлғончилардан деб ёзилади.

КОМИЛ МЎМИН

Омонатнинг аҳамияти ҳақида Расулимиз бундай деганлар:

— Омонатдор бўлмаганнинг имони йўқдир. Қул остидаги омонатга соҳиб чиқмаган ва омонат ҳаққини қўриқламаган кимсани имони ҳам комил эмасдир.

Яъни, бир жиҳатдан имон билан омонат, бир-бирига сабаб ва натижа кабидир. Омонатга хиёнат қилган инсон, комил мўмин ҳисобланмайди. Ҳа, агар инсон комил бир мусулмон бўлса, у омонатда амин бўлса-да. Агар омонатда амин бўлолмаса, имони ҳам комил эмас, деганидир.

ОЛТИ ХУСУСДА СЎЗ БЕРИНГ

Аллоҳнинг Расули шундай марҳамат қилганлар:

— Гапирганда тўппа-тўғри гапиринг! Ҳаракат ва фикрларингиз тўппа-тўғри бўлсин! Ва сизлар бу мавзуда худди ўққа ўхшанг! Ваъдангизни бажаринг! Зотан бунинг акси мунофиқлик аломатидир. Омонатга эҳтиёт бўлинг! Сизга омонат хусусида ишонч билдирганларни янглиштирманг. Уларнинг ишончини оқланг!

Иффатли бўлинг! Ор-номусингизни сақланг, бошқаларни ҳам ор-номусини ўз номусингиз каби сақланг! Кўзларингизни ҳаромга қарашдан сақланг! Сизга тегишли бўлмаган нарсаларга қараманг ва бировнинг молига кўз тикманг! Ҳаромга қараш қалбни кўр қилади. Қўлингизни бошқаларга зарар беришдан узоқ тутинг! Ҳеч кимга ҳеч қандай ёмонлик қилманг!

РОСТЛИК – НАЖОТДИР

Каъб ибн Молик, қиличидек сўзи, сўзидек қиличи кескир бир инсон эди. Шоир эди. Шеърлари билан кофирларнинг илҳомини барбод этарди. Ақобага ҳам келиб Расулуллоҳга байъат айтган эди. Ва Мадинанинг илк мусулмонларидан эди. Фақат Табук сафарида иштирок этмаган эди. Табук қийин бир жанг эди. Бу жангда озгина инсон чўлнинг жазирама иссиғига қарамасдан буюк Рим империясининг катта қўшини билан жанг қиларди.

Бу жанг ҳақидаги хотираларини ҳазрат Каъб шундай ҳикоя қилади:

Ҳамма жангга чақирилди, жанг оғир кечарди. Аллоҳ Расули бу жангга алоҳида аҳамият берар эдилар. Ҳамма каби мен ҳам тайёргарлик кўрдим. Ҳатто, бугунгача бирор урушга бунчалик яхши тайёргарлик кўрмаган эдим.

Икки жаҳон Сарвари (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаракат учун буйруқ бердилар ва қўшин ҳаракатга ўтди. Мен ўз-ўзимга: "Барибир уларга етиб оламан", деб бирга чиқмадим. Ҳеч қандай ишим йўқ эди. Фақат ўзимга бўлган ишончим мени чалғитаётган эди. Бугун, эрта, индин дегандек, кунлар ўтиб кетди. Мажбуран кутишим керак эди ва кутдим ҳам. Бу кутишнинг ҳар соати бир кундек чўзилиб кетди, гўё.

Ниҳоят, Аллоҳ Расулининг сафардан қайтишлари хабари эшитилди. Ҳар сафар ҳам шундай бўлар эди. Мадина ул зотнинг қайтишига яқин қайта жонланарди. Мана ҳозир ҳам ҳамманинг юзида қувонч. Аллоҳ Расули қайтаётган эдилар. Қўшин Мадинага келди. Расули Акрам одатларига кўра, аввало масжидга кириб, икки ракат намоз ўқидилар ва халқ билан кўриша бошладилар. Ҳамма гуруҳ-гуруҳ бўлиб, масжидга келар, ул зотни зиёрат қилар ва ушбу сафарга иштирок этмаганлар узр айтишарди. Менинг

ҳолатимдагилардан кўпчилиги узрли сабабларини айтишди ва Аллоҳ Расули уларнинг узрларини қабул қилдилар.

Мен ҳам худди шундай қилишим мумкин эди. Зеро, ишонтиришга ва сўзга уста эдим. Лекин қандай қилиб ҳеч қандай сабаб бўлмаган ҳолда Аллоҳ Расулига ёлғон гапира олардим. Гапира олмадим. Учрашганимизда иккн олам Сарвари, юрагимни тешиб ўтадиган табассум билан мени кутиб олдилар ва:

– Қаерда эдинг? – дедилар.

Бор гапни айтиб бердим. Юзларини ўгирдилар ва:

– Тур, кет, – дедилар.

Ташқарига чиқдим. Қавмим атрофимга тўпланиб:

– Менинг аҳволимга тушган бошқалар ҳам борми? – деб сўрадим.

– Бор, – дедилар ва икки исмни айтдилар. Иккови ҳам Бадрда иштирок этган машҳур, обрўли саҳобалардан эди:

– Мурора ибн Рави ва Ҳилол ибн Умайя. Ҳа, улар ҳам ҳеч қандай узр баён қилмай, тўғрисини айтишган ва менинг аҳволимга тушишган экан. Бу зотлар эргашишга лойиқ инсонлар эди. Мен ҳам улардек йўл тутиб, узр-баҳона келтиришдан воз кечган эдим.

Учаламиз ҳақимизда бир амр берилди:

– Энди бирорта мусулмон биз билан кўришмайди, гаплашмайди!

Икки шеригим уйларига кириб олиб, тўхтовсиз, кечаю кундуз йиғлашарди. Мен уларга нисбатан ёш ва бақувватроқ эдим. Кўчага, бозорга чиқар ва намоз вақтларида масжидга борардим. Бироқ мен билан ҳеч ким гаплашмас эди.

Вақтимни асосан масжидда утказардим. Аллоҳ Расули менга бир мартагина қараб табассум қилармиканлар, дея узоқ кутдим. Ҳайҳот, ҳар куни уйимга ҳижрон билан қайтардим. Юзларидан табассум аримаган ул муборак инсон менга қараб бир мартагина табассум қилмасдилар. Салом бераман ва алик

олармикинлар, дея умид билан муборак юзларига қарайман, аммо афсуски яна умидим пучга чиқарди.

Кўпинча намоз ўқиркан, кўз қирим билан ул зотга қарайман. Намозни бошлаганимда менга қарардилар, аммо намозимни тугатишим билан дарҳол мендан кўзларини олиб қочардилар. Роса эллик кун аҳвол шундай ўтди. Ҳамма инсонлар ва мен яшаётган жой менга шу қадар бегоналашган эдики, ўзимни бегона бир юртдагидек ҳис қила бошладим.

Бир куни амакимнинг ўғли Абу Қатоданинг боғ деворидан ошиб, ёнига бордим. Уни жуда яхши кўрардим. У ҳам мени жону дилдан севарди. Салом бердим, бироқ алик олмади. Сўрадим:

– Айт-чи, менинг Яратган ва Расулини севишимга ишонмайсанми?

У жавоб бермади. Саволимни уч бор такрорладим. Учинчисида:

– Аллоҳ ва Расули билади, – деди ва ёнимдан кетди.

Дунё кўзимга қоронғу эди. Абу Қатодадан бу сўзни асло кутмаган эдим. Кўзларим ёшга тўлди ва ўкиниб-ўкиниб йиғладим.

Яна бир куни Мадина кўчаларида танҳо кезар эканман, кўчалар бўйлаб бир одам мени сўраб-суриштирганини эшитдим. Сўралган одамлар мени ишорат билан кўрсатишган эди. Одам ёнимга келди, қўлида бир мактуб бор эди. Бу мактуб менга бўлиб, Ғассон ҳукмдоридан эди. Ҳукмдор мени ўз мамлакатига чақираётган эди. Мактубида: “Эшитдимки, соҳибинг сени ёлғиз ташлаб қўйибди. Бизга кел, сен кабиларнинг бизнинг наздимизда қадр-қиммати баланддир...” каби сўзлар ёзилган эди. “Бу ҳам бир имтиҳон”, дедим ва мактубни йиртиб, оловга отдим.

Роса эллик икки кун тўлган эди. Энди сабр-бардошим қолмади. Дунёим қорайган, қабр қадар торайган эди.

Одатдагидек уйимнинг томида бомдод намозини ўқиб ўтирардим. Ногаҳон "Хушхабар, эй Каъб!" деган овоз эшитдим.

Шу заҳоти саждага бош қўйдим.

Ўша куни бомдоддаги ибодат намозидан сўнг Аллоҳ Расули афв этилганимизни эълон қилган эдилар! Масжидга қараб югурдим: ҳамма ўрнидан турган, мени табриклашарди. Талҳа мени қучоқлаб, юз-кўзимдан ўпарди. Гўё янги бир Ақоба ҳодисасини бошимдан ўтказар эдим.

Аллоҳ ва Расулининг ҳузурларига бориб, қўлларини ушладим. Ул зот ҳам қўлимдан тутган эдилар. Ўша онда жаннат хушхабарини олсалар ҳамки, бу қадар севинмас эдилар, назаримда. Менга қараб:

– Тангри сизларни кечирди, – дея марҳамат қилдилар ва биз ҳақимизда нозил бўлган қуйидаги оятни ўқидилар:

"Ва (жангга бормай) **ортда қолган уч кишининг ҳам** (тавбаларини қабул этди)**. Уларга** (шунча) **кенг ер тор бўлиб, юраклари сиқилиб ишонганларидан сўнг, тавба қилишлари учун тавба эшиклари очилди. Албатта, Яратган Тавбаларни қабул қилувчи ва Раҳимли Зотдир"** (*Тавба, 118-оят*).

Оятлар ўқилгач, Расулуллоҳга қараб:

– Ё Расулуллоҳ! Мен ростгўйлик ила қутилдим. Бундан кейин то тирик эканман, рост сўздан бошқа сўз сўзламасликка ваъда бераман, – дедим.

ПАНОҲ ТИЛАЙМАН

Сарвари коинот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доим ушбу дуони ўқир ва умматига ҳам тавсия этардилар:

"Тангрим! Очликдан паноҳ тилайман, у нақадар ёмон йўлдошдир. хиёнатдан ҳам Сенга юкинаман, у нақадар ёмон сирдошдир".

Омонатга риоят этиш муҳим бўлганидек, хиёнат қилмаслик ҳам шу қадар аҳамиятлидир. Аҳдига вафо

қилмаган ва шу тариқа хиёнатга йўл қўйган инсонлар ҳақида Аллоҳ Расули бундай хабар берадилар:

– Яратган Қиёмат кунида барча инсонларни бир жойга тўплаганида ҳар вафосиз учун бир байроқ кўтарилади ва "Мана фалончи ўғли фалончининг бевафолиги", дейилади.

ҲАҚИҚИЙ МЎМИН

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўминнинг таърифини берар эканлар, шундай марҳамат қилдилар:

– Ҳақиқий мўмин удирки, инсонлар моллари ва жонлари борасида ундан омондадирлар.

ОМОНАТДА ЎРНАК ЗОТ

Тангри таоло Расулини омонатдор инсон сифатида танлади ва Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ишонч ва масъулиятни ҳаяжон ва жону дилдан ҳаётларига татбиқ қилдилар. Айниқса, ҳар вақт ваҳий келганида уни муҳофаза қилиш учун Жаброил тугатмасидан айтганларини ёдлаб қолиш учун қайта-қайта такрорлардилар. Бу борада шу қадар ҳассос эдиларки, бир куни Қуръон ул зотга шундай хитоб қилди:

"(Эй, Муҳаммад! Қуръонни) **тезроқ** (ёдлаб) **олиш учун у билан тилингни** (кўп) **қимирлатма"** *(Қиёмат, 16).*

"Мушрикларга ўзларининг кофир эканликларига гувоҳ бўлган ҳолларида, Яратганнинг масжидларини обод қилишлари жоиз эмас. Ана ўшалар ҳабата бўлганлардир ва улар дўзахда абадий қолувчилардир.

Албатта, Яратганнинг масжидларини фақат охират кунига имон келтирганлар, намозни тўкис адо этадиганлар, закотни берганлар ва Яратгандан бошқадан қўрқмаганларгина обод қилурлар. Ажаб эмаски, ана ўшалар ҳидоят топувчилардан бўлсалар.

Ҳожиларга сув беришни ва Масжидул Ҳарамни обод қилишни Яратганга, охират кунига имон келтирган ва Унинг йўлида курашганлар каби қилдингизми?! Улар Унинг ҳузурида тенг эмаслар. Тангри золим қавмларини ҳидоят қилмас" (*Тавба, 17–19*).

Қуръон, ул зотга бир омонат сифатида берилганди. У зот ҳам бу муқаддас омонатга соҳиб чиқолмасликдан қўрқар ва дир-дир титрар эдилар. Шунинг учун ҳам у зотга тасалли берар ва Расулига омонатга соҳиб чиқа олиши кафолатини берарди.

Аллоҳ Расули, умрлари давомида омонатга соҳиб чиқишга ҳаммадан кўпроқ ғайрат қилганлар ва бу вазифанинг оғирлигини доим елкаларида ҳис этганлар. Шунинг учун ҳам уммати билан видолашув пайти – Видо Ҳажида бу масъулиятини яна бир бор ҳис этган ва инсонлардан сўраган эдилар.

– Яқинда мен ҳақимда сиздан сўрашади. Вазифамни адо этдимми?

У ерда йиғилганларнинг ҳаммаси еру осмонни жаранглатиб айтдилар:

– Ҳа, сиз вазифангизни ҳақ-рост, бекаму кўст адо этдингиз!

Шундан сўнг Расули Акрам қўлларини кўтариб: "Аллоҳим, шоҳид бўл!" деган эдилар.

Ҳа, омонатдорлик Ҳақ таолодан бошланган, Жаброил ва Аллоҳ Расули орқали умматга етказилган эди *(Ислом тарихидан)*.

САВОЛНИНГ ЖАВОБИ

Ибн Масъуд айтдиларки:

– Бирингизга бир савол сўралганда ҳукм беришингиз сўралса, Аллоҳнинг Китобига қараб ҳукм беринг. Агар жавобни Қуръондан тополмасангиз, Аллоҳ Расулининг суннатига кўра ҳукм чиқаринг. Ҳам Қуръонда ҳам суннатда бу масалада

жавоб бўлмаса, унда солиҳ зотларнинг фикрларига мурожаат қилинг. Масаланинг ечими бу манбаларнинг бирортасида топилмаса, унда ўз ижтиҳодингиз (фикрингиз)га кўра ҳукм беринг, бундан тортинманг.

МУБОРАК ЎГИТЛАР

Ҳурафи ат-Тои ҳикоя қилади:

"Бир сафарда ҳазрат Абу Бакрга ҳамроҳ бўлгандим. Қайтганимизда:

— Эй Абу Бакр! Менга тавсия бер, — дедим.

У шуларни айтди:

— Фарз ибодатларни вақтида қил, кўнглингни тинч қилиб, молингнинг закотини бер. Рамазон рўзасини тут, ҳаж сафарингни адо эт...

Сизлардан бирингиз қандайдир қўшнисининг қўй ёки туясига нимадир бўлганда асаби бузилиб, ухлай олмаса ва "Қўшнимнинг туяси!" дея хавотир олса, Тангри бундан кўпроқ Ўз қўшниси бўлган мўминларни зулмга учрашларига ғазаб қилади...

ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВ

Ҳазрат Абу Бакр илк бор Расулуллоҳдан сўнг мусулмонларга хитоб қилиш учун масжиднинг минбарида эди. У гап бошламасдан олдин ҳазрат Умар турди, ҳамду сано айтиб, бир-икки оғиз сўз билан:

— Яратган, эзгуликка чорлов ишини сизнинг хайрингиз ва Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) дўсти, ғордаги йўлдоши бўлган зотга насиб этди. Турингглар ва унга байъат қилинглар,—дегач, масжиддагиларнинг барчаси туриб ҳазрат Абу Бакрга байъат қилишди.

Шундан сўнг Абу Бакр:

– Ҳамд бўлсин Яратгангаки, очиқ, яширин барча ишларда фақат Ундан ёрдам сўрайман. Кечада ва кундузда келадиган барча ёмонликлардан Унга сиғинаман! Гувоҳлик бераманки, Тангридан ўзга илоҳ йўқдир! Иқрорманки, Муҳаммад (алайҳиссалом) Унинг қули ва Расулидир! Унга итоат этганлар, тўғри йўлни топади. Унга исён этган эса ҳалок бўлади! Расулуллоҳ (алайҳиссалом), ўтган йили шу турган еримда турганлар, – деди ва ўзини тутолмасдан кўзларидан ёш оқди. Кўзёшлари билан Расули Акрамнинг ўша пайт айтганларини такрорлади:

“Сизга тўғри йўлни тавсия этаман. Тўғриликдан айрилмангиз. Чунки тўғрилик, яхшилик билан биргадир. Ёлғондан сақланинг. Чунки ёлғон, ёмонлик билан биргадир. Аллоҳдан афв тиланг. Чунки ҳеч кимга имондан сўнг афвдан янаям хайрлиси берилмагандир. Бир-бирингизга ҳасад ва душманлик қилманг! Бир-бирларингиз билан алоқани узманг!

Ҳазрат Абу Бакр сўзларини шундай тугатди:

– Мен Аллоҳ ва Расулига итоат этган муддатимча, сиз ҳам менга итоат этинг! Ўзим ва сиз учун Ундан мағфират ва афв тилайман.

УНИНГ КЎНГЛИНИ ОЛ

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) ҳикоя қилади:

“Абу Бакр бир жумада жамоатга:

– Эртага эрталаб закот туяларини келтиринг, тақсим қиламиз. Аммо ҳеч ким рухсат сўрамасдан ёнимизга кирмасин, – деди.

Эртаси куни бир аёл ҳожасига:

– Манави арқонни олинг, балки бизга бир туя лутф этар, – деди.

Ҳалиги одам келганида ҳазрат Абу Бакр билан ҳазрат Умар туялар турган жойга кириб бўлишганди.

Рухсат сўрамасдан у ерга кирмаслик ҳақида огоҳлантирилганлигига қарамай, у одам ҳам орқаларидан кирди. Абу Бакр:

– Бу ерга киришингга ким рухсат берди? – деди жаҳли чиқиб. Сўнг унинг қўлидаги арқонни олди.

Туяларни тақсимлаб бўлгач, ҳазрат Абу Бакр ўша одамни чақириб, арқонини берди ва:

– Хоҳлаган битта туянгни олиб кет, – деди.

Шунда ҳазрат Умар:

– Валлоҳи мумкин эмас, эй Абу Бакр! Уни текинхўрликка ўргатма, – деди.

Шунда ҳазрат Абу Бакр:

– Бу одамга ноҳақ таъна қилдим.

– Модомики шундоқ экан, у ҳолда унинг кўнглини ол, – деди.

Бу суҳбатдан сўнг ҳазрат Абу Бакр, хизматчисига кийимлари билан бир туя, бир кўйлак ва беш динор келтиришини буюрди. Буларни ҳалиги одамга бериб, кўнглини олди.

ТУБАН БИР ЧУҚУР

Ҳазрат Умар ҳавозин қабиласининг закотларини йиғиш учун Бишр ибн Осимга тайинлаганди. Бишр бу вазифадан тортингани учун у ерга бормади.

Ҳазрат Умар у билан учрашганида:

– Нега юборган жойимга бормадинг? Бизни эшитиш ва итоат қилишинг керак эмасмиди? – деб суради.

Бишр ибн Осим:

– Албатта! Давлат бошлиғимизнинг буйруқларини бажаришга мажбурман. Аммо мен, Пайғамбаримизнинг бундай марҳамат қилганларини эшитгандим:

“Кимгаки мусулмонларнинг бир иши юклатилса, юклатилган вазифани яхши адо қилган булса, қутулади, ёмон бажарган бўлса, босган жойи ёрилади ва чуқурлиги етмиш йиллик бир масофа бўлган жарликдан пастга қулайди”, деб жавоб берди.

Бишрнинг бу жавобидан Ҳазрат Умар маҳзун ва ғамгин ҳолда у ердан кетди. Йўлда Абу Зарни учратди. Абу Зар:

— Эй мўминлар Амири! Ҳорғин ва ғамгин кўриняпсан, тинчликми? — деди.

— Қандай қилиб хафа бўлмай, Бишр ибн Осимни кўрдим. Менга Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳар ким мусулмонларнинг бир ишини олса!..” деб бошланадиган ҳадисларини эслатди, — деди.

Абу Зар:

— Сен буни Расулуллоҳдан эшитганмидинг, — дея сўради.

— Йўқ, — деди ҳазрат Умар.

— Шаҳодат этаманки, мен Расулуллоҳдан мана бундай эшитганман: “Ҳар кимки мусулмонлардан бирига бир иш берган бўлса, жаҳаннам кўприги устида тўхтатилади. Агар вазифадор киши ишини яхши бажарган бўлса, иш буюрган ҳам қутулади. Вазифадор вазифасини яхши қилмаган бўлса кўприкда турган жойи ёрилади ва чуқурлиги етмиш йиллик зим-зиё қоронғу бир жарликка қулайди”.

Эй Умар! Кўнглингни шу икки ҳадисдан қайсиниси кўпроқ зирқиратди? — деди Абу Зар.

Ҳазрат Умар:

— Иккиси ҳам зирқиратди. Бу хавфлар қаршисида масъулиятни ким ўз бўйнига олади?.. — деди.

ҚЎРҚИЛГАН БЕШ НАРСА

Ҳазрат Умар Абу Ҳурайрани бир ерга бошлиқ қилиш учун чақирди. Бироқ Абу Ҳурайра бу таклифни қабул қилмади.

Ҳазрат Умар:

— Сендан кўра хайрли бўлган бирини истаган бир вазифани нега истамаяпсан? — деди.

Абу Ҳурайра:

— Ким экан мендан ҳам хайрлироқ, — дея суради.

— Ёқуб Пайғамбарни ўғли Юсуф Пайғамбар, — дея жавоб берди Ҳазрат Умар.

Абу Ҳурайра:

— Юсуф, Пайғамбар ўғли бир пайғамбардир!

— Мен эса, Умайя ўғли Абу Ҳурайраман. Мен икки ёки уч нарсадан қўрқаман, — деди.

Бунинг устига Ҳазрат Умар:

— Беш нарсадан қўрқаман десанг-чи,— дея марҳамат қилди.

Абу Ҳурайра:

— Билмаган нарсамни айтишдан, нотўғри ҳукм чиқаришдан, сиртимдан таёқ ейишдан, молимни қўлдан беришдан ва номусимга тил текказишларидан қўрқаман,—деди.

ЁРДАМСЕВАРЛАРГА ХУШХАБАР

– Аллоҳ инсонларнинг эҳтиёжларини кетказиш (таъминлаш) учун бир неча инсонларни яратиб қўйганки, инсонлар муҳтож бўлиб қолганларида уларга югуриб боришади. Ана шу (ёрдамсевар) инсонлар Аллоҳнинг азобидан омонда бўлганлардир.

* * *

— Ким мусулмон биродарининг иши учун ёрдамга югурса, бу унинг учун ўн йил эътикоф туришдан яхшироқдир.

«Минг бир ҳадис»дан

ЯРАТГАНГА ҲАМД БЎЛСИН

Мусо ибн Абу Исо айтганди:

“Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) бир куни Ҳориса ўғилларининг қудуғининг ёнига келди. У ерда Муҳаммад ибн Масламага (розияллоҳу анҳу) дуч келди. Унга:

— Муҳаммад, мени бошқарувимни қандай деб ўйлайсан? — дея сўради.

Муҳаммад ибн Маслама:

— Валлоҳи, сени худди орзу қилганим каби сенинг яхшилигингни истаганлар каби кўряпман! Масалан, сени солиқ йиғишда, муваффақиятли деб топаман. Яна хазина молига кўз тикмаганингдек уни адолатли йўсинда тарқатасан. Агар тўғрилик ва адолатдан айрилсанг, ўқни оловга тутиб тўғрилаганимиз каби биз сени йўлга солишни биламиз, — деди.

Ҳазрат Умар:

— Яъни, демак сен менга, сен ҳақдан қайтсанг, ўқни оловда тутиб тўғриланиши каби биз ҳам сени тўғрилаймиз! деяпсан, шундайми? Мени адолат йўлидан озганимда тўғрига бурадиган жамоатни бошига бошлиқ қилибди, — деди.

БОШҚАРУВЧИНГИЗ ҚАНДАЙ

Асвад ибн Язид шундай айтганди:

Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) ҳузурига келганлардан сўрарди:

— Бошлиғингиз касалларни зиёрат қиладими, хизматчиларнинг таклифини рад қилмайдими? Сизга нисбатан муносабати қандай? Эшиги олдида одамлар кутиб қолмайдими? — дерди.

Бу талабларга жавоб бермаган бошлиқларни дарҳол ишдан оларди.

ҚАЛБЛАРНИ ТАНГРИ БИЛАДИ

Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтган:

– Ҳазрат Умарнинг (розияллоҳу анҳу) шундай деганини эшитгандим:

«Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётликларида инсонларнинг яширин ҳолатлари, тушган оятларда аён бўларди. Энди ваҳий узилди, оят тушмайди ва биз амалларингизга кўра муомала қилишга мажбурмиз. Бошқаларга муносабати яхши деб билганларимизга ишонамиз, уларни яқинимизга оламиз. Муносабатлари ёмон бўлган киши гарчанд қалби тозалигини айтса ҳам унга ишонмаймиз ва унга эътибор бермаймиз!”

ҲАЗРАТ УМАРНИНГ АДОЛАТИ

Шоби айтганди:

“Ҳазрат Умар ила ҳазрат Убайй ибн Каъб орасида бир келишмовчилик бўлганди. Ҳазрат Умар:

– Бу масалани ҳал этиш учун бир кишини ҳакам қилайлик, – деди.

– Бунинг учун Ҳазрат Зайд ибн Собитни танлашди. Даъволашиш учун унинг ёнига боришди. Ҳазрат Умар:

– Орамизда ҳукм бериш учун сенинг ёнингга келдик, – деди.

Ўша замонларда, даъво суди учун ҳакамни уйига бориларди. Икки рақиб Зайднинг олдига киришганда Зайд ўтирган кўрпачасининг бош тарафидан жой бўшатиб:

– Эй мўминлар Амири, мана бу ерга ўтир, – деди.

Ҳазрат Умар:

– Бу ноҳақликдир! Мен, рақибимнинг ёнида ўтираман, – деди ва иккиси Зайднинг қаршисига ўтиришди.

Ҳазрат Убайй ибн Каъб даъвосини айтди. Ҳазрат Умар эса инкор этди. Исломга кўра инкор қилган қасам ичарди Зайд:

– Муминларнинг Амирини қасамдан озод қилайлик, – деса ҳам Ҳазрат Умар қасам ичди ва шундай деди:

– Зайднинг олдида, Умар билан ҳар қайси мусулмон тенг бўлмагунча Зайд ҳеч кимнинг даъвосини ҳал қила олмайди".

МАСЖИД КЕНГАЙТИРИШ

Зайд ибн Аслам (розияллоҳу анҳу) айтганди:

"Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амакиси ҳазрат Аббоснинг, Масжиди Набавийнинг ёнида бир уйи бор эди. Ҳазрат Умар у ерни Масжидга қўшмоқчи эди. Аббосга:

– У ерни менга сот, деган таклифни қилган бўлса ҳам Аббос сотмади.

Ҳазрат Умар:

– Ундай бўлса, менга эҳсон қил, – деди. Аббос, бу таклифни ҳам қабул қилмади.

Ҳазрат Умар:

– У ҳолда ўзинг масжидга қўш, – деди.

Аббос бунга ҳам кўнмади. Ҳазрат Умар:

– Ўзга чоранг йўқ, шу таклифлардан бирини, албатта, қабул қиласан, – деди.

Аббос яна эътибор қилмади. Бунинг устига Умар:

– Орамизда ҳакамлик қилиши учун бирини танла, – деди.

Аббос Убайй ибн Каъбни таклиф этди. Убаййнинг ҳузурида ўзларини оқлашди. Убайй ибн Каъб, Ҳазрат Умарга:

– Уни рози қилмасдан туриб уйини ололмайсан, – деди.

Ҳазрат Умар:

– Бу ҳукмни бераётганда Тангрининг Китобидан топганинг бир далил ёхуд ҳазрат Пайғамбаримизнинг суннатидан бир далилинг борми? – деди.

Убайй ибн Каъб:

— Расулуллоҳнинг суннатларига суяняпман, — деди.

Ҳазрат Умар:

— Уни айт, — дегач, Убайй:

— Мен Пайғамбаримиздан эшитгандим, у улуғ зот шундай дегандилар: "Довуднинг ўғли Сулаймон Байти Мақдисни барпо қилаётганининг эртаси куни қурилган деворни йиқилганини кўрди. Жаноби Ҳақ унга "Мулк соҳибининг ризосини олмагунингча унинг ерида бино қурма", дея буюрди.

Убаййнинг бу ривоятидан сўнг ҳазрат Умар, ҳазрат Аббосни тинч қўйди. Ҳазрат Аббос эса уйини ўз розилиги билан, Масжидга қўшди ва Масжид кенгайди.

ТЎҒРИ ЕРГА КЕЛДИНГ

Анас (розияллоҳу анҳу) айтганди:

Миср халқидан бир ёш йигит ҳазрат Умарнинг ҳузурига келди ва:

— Эй мўминларнинг Амири, мен зулмдан шикоят қилиб, сенинг ёнингга келдим, — деди.

Ҳазрат Умар:

— Сен адолат қарор топадиган жойга келдинг, — деди.

Ёш йигит:

— Амр ибн Оснинг ўғли билан мусобақада, мен уни енгдим. Амр ибн Оснинг ўғли: "Мен аслзода ота-онанинг аслзода ўғлиман!" деб мени урди, — дея арз қилди.

Ҳазрат Умар Амр ибн Осга ўғлини ёнига олиб, дарров Мадинага келишини буюриб мактуб ёзди. Амр ўғли билан келди. Ҳазрат Умар мисрлик йигитга:

— Сен ҳам уни ур, — деди.

Йигит Амрнинг ўғлини урди. Кейин ҳазрат Умар Амрга қараб:

– Оналаридан ҳур ҳолда туғилган инсонларни нақадар тез қуллаштирдингиз, – дея танбеҳ берди. Амр ибн Ос (р.а.):

– Эй мўминлар Амири! Вазиятдан хабарим йўқ эди, – деди”.

ЎЛГАН ОДАМ НИМА ҚИЛГАНДИ?

Бир куни ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) қўлларини қулоқларига қўйган вазиятда:

– Ҳа, мен шу ердаман! Ҳа, мен шу ердаман, – дея ташқарига чиқди.

У ердагилар:

– Умарга нима бўлди, – деб сурагач, ҳазрат Умарнинг яқинларидан бири деди:

– Умарнинг қўмондонларидан биридан хабар келди. Ислом қўшинидан бири дарёдан ўтолмабди, кема ҳам топилмапти. Қўмондон, “дарёни қанча чуқурлигини билган бир одам топинг”, дебди. Улар эса қария бир кишини келтиришибди. Ҳаво жуда совуқ экан. Қария: “Мен совуқдан қўрқаман”, деса ҳам қўмондон уни мажбурлаб дарёга туширибди. Чол совуққа чидай олмай: “Эй Умар! Қаердасан?” дея жон берибди. Ҳазрат Умар вазиятни билгач, дарров бир мактуб билан қўмондонни Мадинага келишга буюрибди. Қўмондон келибди. Ҳазрат Умар бир неча кун у одамнинг юзига қарамади. Кимдандир жаҳли чиқса шундай йўл тутарди. Қўмондонга: “Ўлдирган одаминг нима қилган эди?” дея сўради. Одам, “Эй мўминлар Амири, уни улдиришга қасд қилмагандим. Дарёдан ўтиб олиш учун сувнинг чуқурлигини билмоқчи эдим. Устига устак, шу-шу ерларни қамал қилдик, – деди. Унга, ҳазрат Умар шундай жавоб берди: “Мен учун бир мусулмоннинг ҳаёти келтирган

барча нарсаларингдан афзалроқдир! Қани, энди кет ва ўлган одамни яқинларига бадалини тўла”.

ҚАРИЯ ЯҲУДИЙНИНГ МАОШИ

Абдуллоҳ ибн Абу Ҳадрод ал-Асломи (розияллоҳу анҳу):

“Ҳазрат Умар ила биргаликда Жобияга борганимизда ғайри мусулмонлардан бир қарияни у ерда тиланганини кўрдик. Ҳазрат Умар у одамнинг аҳволини сўради.

– Қария заиф ва қарздор, – дейишди.

– Ҳазрат Умар у одамни солиқ тўлашдан озод қилди. Жобия идорачиларига эса:

– Сиз унга соғ пайтида солиқ юкладингиз, қариганида эса уни тиланишга мажбур қилиб қўйдингиз, шундайми, – дея жаҳл қилди.

– Қарияга хазинадан ўн дирҳам маош белгилади.

КАБУТАР

Нафи ибн Абдулҳорис:

“Ҳазрат Умар Маккага келганди. Жума куни Дорун-Надвага кирди, Масжиди Ҳаромга яқин бўлишни хоҳлаганди. Нимчасини ичкарида бир ерга осди. Бир кабутар келиб нимчасининг устига қўнди. Кир қилмасин, деб уни чўчитиб учирди, у бошқа бир қозиққа илди. Кабутар кўчган жойга бир илон келди ва уни чақиб ўлдирди. Ҳазрат Умар жума намозини ўқиб бўлгач, мен ва ҳазрат Умар, Усмон унинг ёнига кирдик. Бизга:

– Бугун қилган бир ишим ҳақида ҳукм беринг, деб ҳодисани айтдим. Аслида, қуш ишончли ерда эди. Мен уни учирдим, у кетди ва ўлимни топди. Бунга мен сабабчи бўлдим, – деди.

Ўша пайт, мен орага кирдим ва Усмонга:

– Мўминларнинг Амирига уч ёшли бир эчкини қурбон қилишга нима дейсан, – дедим.

Ҳазрат Усмон:

– Ҳа, мен ҳам айни шу фикрдаман, – деди.

ИМОНЛАРИДА СОДИҚ ВА САМИМИЙ БЎЛГАНЛАР

Абу Убайда ибн Жарроҳ, ҳазрат Умар замонида Шомда ҳоким эди.

Ҳараклус қўшини билан келиб, Шомни олишга кўз тикиб турган эди. Абу Убайнинг ёнида жангчилари оз миқдорда эди. Шунинг учун ҳам шаҳарни душмандан қўриқлай олмас эди. Шунинг учун Шом аҳолисини бир жойга тўпладилар.

Ва ҳоким шуларни айтди:

– Сиздан солиқ тўпладик. Бу солиқ сизларни душмандан қўриқлашимиз учун эди. Қарасак кучимиз жуда оз. Шунинг учун олган солиқларимизни қайтариб берамиз.

Шундай қилиб, солиқлар эгаларига тарқатилди. Бу ажойиб манзарани кўриб ҳайратга тушган роҳиб ва поплар черковларига бориб, мусулмонлар ҳақига дуо қилишди. Уларнинг соғ-омон бўлишини Яратгандан сўрашди. Мусулмонлар вақтинча кетишар экан:

– Иншооллоҳ, қайтиб келиб, сизларни Ҳараклуснинг зулмидан қутқарамиз, –дейишди.

БОШҚАРУВЧИЛАРНИНГ ЭШИГИ

Бир куни Абу Ҳузайфа атрофидагиларга:

– Фитнали жойлардан узоқ туринг, – деди.

Ёнидагилар:

– Эй Абу Абдуллоҳ, фитнали жойлар қаерлар? – деб сўрашганда, Абу Ҳузайфа:

— Бошқарувчиларнинг остонаси фитнанинг уясидир. Сизлардан бирингиз бошқарувчининг ҳузурига кириб, унинг айтганларини ёлғондан тасдиқласангиз ва уни йўқ жойдаги хислат билан мақтасангиз шунинг ўзи энг катта фитнадир.

БАЛКИ МЕНИ МАДҲ ЭТАРСИЗ

Абу Абдотал Анбар (розияллоҳу анҳу) айтади:

— Мусулмонлар Мадоин шаҳрини фатҳ этиб, ғаниматлар олгач бир одам, қўлида мушк қутиси билан келди ва қутини ғанимат (ўлжа) тўпловчига берди.

Тўпловчининг ёнидагилар:

— Бунақасини кўрмаганмиз. Ҳеч ҳам ғаниматини обкелиб топширмаган! Сен бошқа ғаниматларини ўзингга олиб қолиб, шунисини топширасанми, — дейишди.

У шундай деди:

— Агар менда Яратганга имон бўлмаганида, буни ҳам сизга келтириб бермасдим!

— Сен кимсан? — деб сўрашди.

— Мен кимлигимни айтмайман, — деди У.

Агар айтсам, мени ҳаддан зиёд мадҳ этасизлар. Мен бу ишни мадҳ этишлари учун қилмадим. Аллоҳ ризоси учун қилдим.

Одамнинг ортидан кузатишди ва у шу ернинг амири ибн Абди Қайс эканини билишди.

ЕГАН НАРСАЛАРИНИ ҲАҚҚИНИ БЕРИШАРДИ

Абуз Заҳро ал-Қушайр айтади: “Ҳараклус Константинияга сафарга чиққанда мусулмонлардан қочиб келган бир одамга:

— Менга мусулмонлар ҳақида маълумот бер, — деди.

У:

– Сенга уларни ўз кўзинг билан кўргандай қилиб айтаман. Улар кундузлари от устида жидду жаҳд билан машғулдирлар, кечалари эса ибодат қилишади. Ё йўл устида еган нарсаларининг ҳаққини эгаларига тўлашади. Бир ерга кирганда албатта салом беришади. Душманларини енггунча майдонни ташлаб чиқмайди, – деди.

Ҳараклус:

– Айтганларинг рост бўлса, улар, биз босиб олган жойларни ҳам қўлга киритишади, – деди.

МАКТУБ

Эрон ҳукмдори Яздужард, Хитой қиролига мусулмонларга қарши ёрдам сўраб мактуб ёзди.

Хитой қироли келган элчига:

– Қиролларнинг, бир-бирларига ёрдам бериши керак, деб ўйлайман. Фақат душманларингиз ҳақида менга айтиб бер. Уларнинг сони кам, сизларники эса кўплигини биламан. Менимча, оз куч билан сиз каби кучли ва сон жиҳатдан устун бўлган бир қўшинни енгишлари ақлга сиғмайди.

Элчи:

– Истаганингизни сўранг, деди. Ҳукмдор:

– Улар, берган ваъдаларида туришадими?

– Ҳа.

– Жангни бошламасдан олдин сизларга нима дейишади?

– Биздан уч йўлдан бирини танлашимизни сўрашди: Ё уларни динига ўтишимиз, ўтсак улар эга бўлган барча ҳақ-ҳуқуқларга биз ҳам эга бўлишимизни айтишди. Ёки солиқ тўлашни, солиқни юртимиз тинчлигини сақлаш учун ишлатишларини айтишади. Униям, буниям қабул қилмасак, жанг қилишади.

– Қумондонларига итоатлари қандай?

– Бир жамоат, ўз муршидига қандай итоат қилса, худди шундай.

– Нималарни ҳаром, нималарни ҳалол деб ҳисоблашади?

– Ўзларига ҳалол қилинганни ҳаром, ўзгаларга ҳаром қилинганни ҳалол ҳисоблашадими?

– Йўқ.

– Бу миллат ҳаромни ҳалол, ҳалолни эса ҳаром деб билмагунча енгилмасдир.

Шундан кейин Хитой ҳукмдори ушбу мактубни ёзиб, элчига берди:

"Сенга бир учи Хитойда-ю бир учи Марвда бўлган қўшин жўнатишим мумкин. Фақат элчингиз менга айтгани бу миллат, тоғларни еридан қўзғатмоқчи бўлса, уддасидан чиқади, бунга кучлари етади. Ҳатто, мени ҳам енгади. Сен уларни рози қил ва келиш. Сенга тегмагунларича сен ҳам уларга тегма".

ЕТТИ ТЎРҒАМ НОН

Қулайб дедики:

– Ҳазрат Алига Исфаҳондан ғанимат моллар келди. Уларни еттига тенг бўлди. Бу моллар орасида битта нон ҳам бор эди. Униям етти бўлакка бўлиб, ҳар бир бўлагини молларининг устига бирма-бир қўйиб чиқди. Сўнг етти қўмондонини чақириб, қуръа усули билан молларни уларга топширди.

ЯРАТГАНГА ОИД БИР ҲАҚ

Али ибн Рабои айтганди:

"Жода ибн Ҳубайра, ҳазрат Алининг ёнига келди ва:

– Эй мўминлар Амири! Ёнингга сени ўзидан, жонидан, оиласидан ва молидан ҳам кўпроқ севадиган бир киши

келяпти. Яна иложини қилса, сени томоғингдан бўғадиган иккинчи бир киши келяпти. Сен бўлса сенга кин сақлаган одамнинг манфаатига ва сени севганнинг зарарига ҳукм чиқаряпсан, – деди.

Ҳазрат Али Жоданинг кўксига бир урди ва:

– Агар иш нафсим ва ҳисларимга қолганда балки сен айтгандай қилардим. Аммо Тангрига оид бир ҳақ ишни сени айтганингдек, асло, қилмайман, – деди.

ПУХТА ДЕВОР

Саид ибн Сувайд (розияллоҳу анҳу) айтганлар:

"Саҳоба Умайр ибн Саъд, Ҳумидеда вилоятида ҳоким бўлган пайтида минбарга чиқди ва:

– Қаранглар, Ислом пишиқ бир девор ва йиқилмайдиган эшикдан иборатдир. Исломнинг соғлом девори адолатдир, эшиги эса ҳақиқатдир.

БУНДАЙ ҲУКМГА ДУЧ КЕЛМАДИМ

Исо ибн Абдуллоҳ ал-Ҳошимий отасидан нақл қилади:

"Ҳазрат Алининг олдига икки аёл келди. Аёллардан бири, иккинчисининг чўриси эди. Ҳазрат Алидан нималарнидир сўрашди. Ҳазрат Али, чўрига олтмиш кило буғдой ва қирқ дирҳам пул беришини айтди. Хизматчи берилган нарсаларни олиб келгач, аёл:

– Эй Муминлар Амири, менга ҳам чўримга берганингдай миқдорда ҳадя берасанми? Ҳолбуки, Араб аслзодасиман, у эса менинг чўрим, – деди.

Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) у аёлга шундай жавоб берди:

– Муқаддаснинг китобда аслзодаларни чўрилардан устун қўйинг дейилмаган, – деди.

ЙЎҚОЛГАН ЗИРҲ

Ҳоким қилган бир ривоятга кўра Жамал воқеасида ҳазрат Алининг (розияллоҳу анҳу) зирҳи йўқолган эди. Бир киши зирҳни топиб, сотиб юборди. Сал ўтмай зирҳ бир насорода экани маълум бўлди. Шунда ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) насоро устидан Қози Шурайҳга шикоят қилди. Қози ҳузурида ҳазрат Алининг гапи ростлигига ўғли Ҳасан билан озод этган хизматкори Қанбар гувоҳлик берди.

Шурайҳ:

— Ҳасаннинг ўрнига бошқа бир гувоҳ келтир, — дегач, ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу):

— Ҳазрат Умардан Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ҳасан билан Ҳусан жаннат аҳли бўлган ёшларнинг афзалидир", дея марҳамат қилганларини эшитмаганмидинг? Ўғлим Ҳасаннинг гувоҳлигини қабул қилмайсанми? — деди.

Шунда Қози Шурайҳ:

— Мен бу нарсани ўзингиздан ўрганганман. Сиз: "Фарзанднинг отасининг фойдасига гувоҳлик бериши жоиз эмас", дегандингиз деди.

Сўнг Шурайҳ насорога юзланиб:

— Зирҳни ол, у сеники, — дея ҳукм чиқарди.

Бунга жавобан насоро шундай деди:

— Мўминларнинг амири мен билан бирга мусулмонлар қозисининг ҳузурига келди. Қози унга қарши ҳукм чиқарди ва у қозининг ҳукмига рози бўлди. Эй Мўминларнинг амири! Яратган ҳаққи, сен тўғри гапирдинг, бу зирҳ сеники. Туянгдан тушиб қолганида мен олиб қўйган эдим.

Яратгандан ўзга ибодат қилинажак илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Унинг элчиси эканига гувоҳлик бераман.

У Исломни қабул қилгач, ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) ўз зирҳини унга ҳадя этиб, етти юз дирҳам пул ҳам берди.

Ислом билан шарафланган бу одам ҳазрат Алининг ёнидан ҳеч айрилмади. Сиффийн жангида шаҳид бўлди.

БИР ФАРИШТАНИНГ ЗАЙД ИБН ҲОРИСАГА ЁРДАМ БЕРИШИ

Лайс ибн Саъд ҳазратларидан ривоят қилинади: “Эшитишимча, Зайд ибн Ҳориса (розияллоҳу анҳу) тоифлик бир одамдан бир хачирни ижарага олиб сафарга чиқибдилар. Хачир эгаси унга уловни беришдан олдин бир шарт қўйибди: “Мен хачирни истаган жойимда сендан олиб қўйишим мумкин. Шунга рози бўлсанг, йўлга чиқамиз”. Зайд ибн Ҳориса (розияллоҳу анҳу) ноилож шартга рози бўлибдилар.

Улар йўлга чиқишибди. Йўловчилар анча йўл босиб, бир харобага келиб қолибдилар. Шунда хачирнинг эгаси Зайд ибн Ҳорисага (розияллоҳу анҳу):

– Туш! – дебди.

Зайд ибн Ҳориса (розияллоҳу анҳу) ҳайрон бўлиб, хачирдан тушибди. Қараса, хароба ичида бир неча жасадлар ётган эмиш. Зайд ибн Ҳориса (розияллоҳу анҳу) кўнгли бир ёмонликни сезибди. Шунда хачирнинг эгаси унинг ёнига келиб:

– Сени ўлдирмоқчиман, – дебди.

Зайд ибн Ҳориса (розияллоҳу анҳу) айтибдиларки:

– Майли, фақат рухсат бер, икки ракат намоз ўқиб олай.

– Хўп, ўқи, аммо сендан олдин ҳам манави ўликлар ибодат қилишган эди. Бироқ уларга намозлари ёрдам бермади.

Зайд ибн Ҳориса (розияллоҳу анҳу) айтадилар: “Мен ибодат қилганимдан кейин у одам мени ўлдириш учун яқинлашди. Шу пайт қаердандир: “Уни ўлдирма!” деган овоз эшитилди. У одам қўрқиб кетди ва овоз эгасини қидириб, ташқарига чиқди. Аммо атрофда ҳеч ким йўқ эди. Шу пайт бир отлиқ ичкарига кирди. Унинг қўлида темирдан ясалган

бир найза бўлиб, найзанинг учи чўғдай қизариб турарди. У найзани қаттол одамнинг кўксига санчди. У одам шу жойда вафот этди. Отлиқ менга қараб: "Биринчи марта "Йа, Арҳамарроҳимийн", деганингда мен еттинчи қават осмондан тушдим. Иккинчи марта дуо қилганингда энг яқиндаги қаватга келдим. Учинчи марта дуо қилганингда олдингда эдим", деди" *("Ал-Истиёб", 1-жилд, 548-бет).*

АСҲОБНИНГ ФАРИШТАЛАРНИ КЎРИШЛАРИ

Ойша ва ансордан баъзи кишиларнинг фаришталарни кўришлари Ойша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Бир куни ташқаридан кимнинг овози эшитилди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тезлик билан ўринларидан туриб, ташқарига чиқдилар. Мен ҳам у зотнинг ортларидан ташқариладим. Қарасам, Диҳятул Калбий экан. У отига суянган, бошига сариқ салла ўраган ва бир учини елкалари орасига осилтирган ҳолатда турарди. Бир оздан сўнг Расулуллоҳ қайтиб ёнимга келдилар.

— Сиз бирданига туриб ташқарига чиққач, мен ҳам ортингиздан чиқдим ва у ерда Диҳятул Калбийни кўрдим, — дедим.

Шунда у зот:

— Уни кўрдингми? — дедилар.

— Ҳа, — дедим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

— У Жаброил (алайҳиссалом) эди. Менга Бани Қурайза қабиласи билан жанг қилишимни буюрди.

* * *

Бани Қурайза ҳақида Саид ибн Мусаййаб ривоят қиладилар: "... Шундан сўнг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва

саллам) сафарга чиқдилар. Мадина билан Бани Қурайза орасида дуч келган кимсага:

– Сизнинг ёнингиздан бир киши ўтдими? – деб сурадилар.

Улар ҳам:

– Диҳятул Калбий ўтди. Кулранг хачирга минганди.

Остида ипакдан силлиқ мато парчаси бор эди, – дейишди.

– У Диҳятул Калбий эмас. У Жаброил алайҳиссаломдир. Бани Қурайза яҳудийларнинг қалъаларини яксон этиш ва дилларига қўрқув солиш учун юборилган, – дедилар" *("Далойил", 182-бет; Абу Нуаймдан).*

АНСОРДАН БИР ОДАМНИНГ ЖАБРОИЛНИ КЎРИБ, У БИЛАН ГАПЛАШГАНИ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ансордан касал бўлган бир одамни кўргани бордилар. Уйга яқинлашганларида бемор кишининг ичкарида биров билан гаплашаётганини эшитдилар. Бироқ ичкарига кириб уни ёлғиз ҳолда кўргач:

– Мен ташқаридалигимда сен ким биландир гаплашаётган эдинг, ичкарига кириб сени ёлғиз ҳолда кўрдим, – дедилар.

– Ё Расулуллоҳ, ҳароратимнинг шиддатидан ёлғиз қолайин, ҳеч ким мени безовта қилмасин, деб ётоққа кирган эдим. Шу пайт ёнимга бир одам келди. У жуда покиза ва дилкаш эди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

– Сен билан гаплашган Жаброил (алайҳиссалом) эди.

Орангизда шундай кишилар борки, Яратгандан нима сурашса, Яратган беради" *(Ҳайсамий, 10-жилд, 41-бет; Баззор ва Табаронийдан).*

ИБН АББОСНИНГ ЖАБРОИЛНИ ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ ЁНЛАРИДА КЎРИШИ

Иби Аббос розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: “Отам билан бирга Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларида эдик. Расули акрам биров билан гаплашаётганлари учун отамга унча эътибор бермадилар. Бир оздан сўнг ҳузурларидан чиқдик. Отам менга:

– Ўғлим, кўрдингми, сенинг амакиваччанг менга умуман эътибор бермади, – дедилар.

– Отажон, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларида бир одам бор эди. У билан муҳим бир нарсани гаплашаётган эдилар, – дедим.

Биз яна Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларига кирдик.

Отам айтдилар:

– Ё Расулуллоҳ, Абдуллоҳга сизнинг менга эътибор бермаганингизни айтган эдим. У эса менга сизнинг ким биландир гаплашаётганингизни айтди. Ростдан ҳам ёнингизда кимдир бормиди?

Аллоҳнинг Расули менга қаради.

– Абдуллоҳ, сен уни кўрдингми? – дедилар.

– Ҳа, – дедим.

– У Жаброил (алайҳиссалом) эди. Мен билан гаплашаётгани учун сизга эътибор қила олмадим, – дедилар *(Ҳайсамий, 3-жилд, 276-бет; Имом Аҳмад ва Табаронийдан).*

ИРБОД ИБН СОРИЯНИНГ ШОМ МАСЖИДИДА БИР ФАРИШТАНИ КЎРГАНИ

Урва ибн Руваймдан ривоят: “Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асҳобидан Ирбод ибн Сория исмли бир одам бор эди. Жуда қариб қолгани учун ўлимни орзу қилар:

“Кексайиб қолдим, суякларим юмшади. Энди мени даргоҳингга ол”, деб дуо қиларди.

Ирбод менга деди: “Бир куни Шом масжидида яшил ипакдан кўйлак кийган, келишган, чиройли бир йигитни учратдим. Менга: “Сен қандай дуо қиляпсан?” деди. “Хўш, унда қандай дуо қилай, жиян?” дедим. Шунда у: “Э, Тангри! Менинг амалимни гўзаллаштир ва умримга барҳам бер”, деб дуо қил, деди” *(Ҳайсамий, 10-жилд, 184-бет; Табаронийдан).*

ПАЙҒАМБАР ВА АСҲОБИНИНГ ДУОСИ БИЛАН КЎР КЎЗЛАРНИНГ ОЧИЛИШИ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дуолари билан Қурайшдан бир неча кишининг кўзлари очилиши Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳумо) шундай ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидда баланд овозда Қуръон ўқирдилар. Қурайш қабиласидан бир неча кишига бу иш ёқмай, Расулуллоҳни тўхтатмоқчи бўлишди. Бироқ энди ҳаракатга ўтишганида уларнинг қўллари бўйинларига ёпишиб, кўзлари кўрмай қолди. Кейин Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларига келиб: “Эй Муҳаммад! Сен билан орамиздаги қариндошлик ҳаққи-ҳурмати, бизга раҳм қил”, дейишди (у ерда Пайғамбар алайҳиссалом билан қариндошлик алоқаси бўлмаган ҳеч бир кимса йўқ эди).

Шунда Пайғамбаримиз ҳам уларга раҳм қилиб, кўзлари очилгунча дуо қилдилар. Шунда: “Йа Сиин! (Эй Муҳаммад!) Ушбу ҳурматли Қуръон билан қасамёд этаманки, ҳақиқатдан Сиз Пайғамбарлардансиз! (Сиз) тўғри йўлдадирсиз!” ояти каримасидан: “(Эй Муҳаммад!) Сиз уларни огоҳлантирдингизми ёки огоҳлантирмадингизми уларга барибир — имон келтирмаслар”, *(Ёсин сураси, 1-10)* ояти каримасигача нозил бўлди. Лекин улардан ҳеч қайсиси имон келтирмади” *(Абу Нуайм, “Далойил”, 63-бет).*

УҲУД КУНИ ҚАТОДАНИНГ КЎЗИНИ ТУЗАЛИШИ

Қатода ибн Нўъмондан (р.а.) ривоят қилинади: "Кимдир Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ёй совға қилган эди. Уҳуд жанги куни ўша ёйни менга бердилар. Мен у зот ёнларида кечгача ўша ёй билан ўқ отдим. Шу қадар кўп отдимки, ёйнинг ўртаси ингичкалашиб қолди.

Ўша куни Расулуллоҳнинг олдиларида туриб, ул зотга ўзимни қалқон қилиб турардим. Шунда бир ўқ юзимга тегиб, кўзим косасидан чиқиб кетди. Бу пайтда жанг секинлашиб қолган эди. Кўзимни қўлимга олиб, Расулуллоҳнинг ёнига бордим. Қўлимдаги кўзимни кўриб, Аллоҳ Расулининг кўзлари ёшланди.

– Ё Твнгрим! Қатода сенинг Пайғамбарингни юзи билан қуриқлади. Унинг кўзини кўзларнинг энг гўзали ва энг ўткири қилгин, – деб дуо қилдилар.

Ҳа, Расулуллоҳнинг дуолари билан ростдан ҳам кейинчалик кўзларим кўзларнинг энг гўзали ва энг ўткири бўлди" *(Ҳайсамий, 8-жилд, 297-бет; Табаронийдан).*

* * *

Маҳмуд ибн Лобид айтадилар: "Уҳуд жанги куни Қатоданинг кўзига бир ўқ келиб тегиб, кўзи юзига осилиб қолди. Мўминлар унинг чиқиб кетган кўзини олиб ташламоқчи бўлдилар. Бироқ шу пайт кимдир: "Йўқ, Пайғамбар алайҳиссалом билан маслаҳатлашмасдан бир иш қилмайлик", деди.

Қатода Расулуллоҳнинг олдиларига бордилар. Аллоҳ Расули унинг кўзини жойига қўйиб, қўллари билан силадилар. Шундан кейин у зотнинг дуоси билан қайси кўз оқиб тушгани ҳам билинмайдиган бўлиб кетди" *("Ал-Исоба", 3-жилд, 225-бет; Дорақутний билан Ибн Моҳиндан).*

САҲОБАЛАРНИНГ КЎЗ ОҒРИҒИДАН ҚУТУЛИШЛАРИ

Абдураҳмон ибн Ҳорис ибн Убайд бобоси Убайдадан ривоят қилади: "Уҳуд жангида Абу Зарр Ғифорийнинг бир кўзи яраланган эди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни дуо қилиб, туфлаб қўйишлари билан кўзи иккинчисидан ҳам соғлом бўлди" *(Ҳайсамий, 8-жилд, 298-бет; Абу Яълодан).*

* * *

Руфоа ибн Рофиъ розияллоҳу анҳу айтади: "Бадр жангида юзимга теккан бир ўқ билан кўзим ташқарига отилиб кетди. Фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туфлашлари ва дуо қилишлари билан ҳеч қандай оғриқ сезмадим" *(Абу Нуайм, "Далойил", 228-бет).*

* * *

Бани Саломон қабиласидан бир одам онасидан, онаси эса тоғаси Ҳубайб ибн Фувайкдан ривоят қилади: "Отам мени Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларига олиб борди. Ҳар икки кўзим ҳам оппоқ бўлиб, ҳеч нарсани кўрмас эди. У зот кўзларим ичига туфлаб, дуо қилган эдилар, шу ондан кўзларим кўра бошлади".

Ровий айтади: "Унинг саксон ёшида ҳам игнадан ип ўтказганини кўрдим" *("Ал-Исоба", 1-жилд, 308-бет; Ибн Абу Шайбадан).*

ЗАННИРАНИНГ КЎР КЎЗИНИ ОЧИЛИШИ

Саъд ибн Иброҳим ривоят қилади: "Заннира Рим наслидан бўлган аёл эди. Мусулмон бўлганидан кейин кўзлари кўрмай

қолган эди. Буни кўриб бутпарастлар: “Лот билан Уззо уни кўр қилди”, дейишди. Заннира эса: “Мен Лот ва Уззога ишонмайман”, деди. Унинг мана шу ишончи туфайли кўзлари очилиб, яна кўра бошлади”.

* * *

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят: “Абу Толиб қизи Умму Ҳоний (розияллоҳу анҳу) деди: “Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) Заннирани озод этгач, унинг кўзлари кўр бўлди. Қурайш мушриклари: “Уни кўр қилган Лот ва Уззодан бошқа нарса эмас”, дейишди.

Заннира эса: “Ёлғон гапиришяпти, Яратганнинг Байтига қасам, Лот ва Уззо ҳеч кимга на зарар, на фойда бера олади”, деди.

Шунда Аллоҳ Зул Жалол унинг бу кучли ишончига мукофот қилиб кўзларига нур берди” *(“Ал-Исоба”, 4-жилд, 312-бет; Ибн Мандоҳ ва Муҳаммад ибн Усмон Ибн Абу Шайбадан).*

ОВОЗНИНГ УЗОҚ МАСОФАЛАРГА ЕТИШИ

Ибн Умар розияллоҳу анҳу айтадилар: “Умар (розияллоҳу анҳу) қўшинни Сория исмли бир қўмондонга топшириб, сафарга жўнатган эди. Бир куни Умар хутба қилаётиб, бирдан: “Эй Сория, тоққа! Эй Сория, тоққа! Эй Сория, тоққа!” деб бақириб юборди. Орадан вақт ўтиб, Сориянинг қўшинидан хабарчи келди. Умар ундан аҳволни сўрадилар. Шунда элчи: “Ё Амиралмуъминин, биз душманга енгилган эдик. Бир пайт: “Эй Сория, тоққа!” деган бир овоз эшитилди. Кейин тоққа чиқиб ҳимояландик ва Тангри таоло иноятн билан душманни мағлуб этдик”, дедилар”.

* * *

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Жума кунларининг бирида Умар (розияллоҳу анҳу) хутба қилар экан, кутилмаганда: “Эй Сория, тоққа! Бўрини чўпон қилган ким бўлса, зулм қилган бўлади”, деди. Бу сўзларни эшитган одамлар бир-бирларига қарашди. Шунда Али (розияллоҳу анҳу) уларга: “Бу одам нима деяётганини яхши билади”, дедилар.

Умар (розияллоҳу анҳу) хутбани тугатгач, ундан воқеани сўрашди. Умар: “Менга шундай туюлдики, мушриклар қўшинимизни мағлуб қилишди. Қўшин бир тоғнинг ёнидан ўтаётган эди. Агар тоққа чекинишса, душман билан жанг қила оларди. Агар тоққа чекинишмаса, енгилиб, йўқ бўлишарди. Шунинг учун ўша сўзларни айтдим”, деди.

Бир ойдан сўнг хабарчи келиб: “Фалон куни Умар (розияллоҳу анҳу) овозини эшитиб, тоққа чекиндик ва душман устидан зафар қозондик”, деди” *(“Ал-Исоба”, 2-жилд, 3-бет; “Далойил”, 210-бет; Байҳақий билан Лаълакаий “Шарҳус-сунна”да; Зайн Оқулис “Фавоид”да; Ибн Аъробий “Караматул-авлиё”да, Ибн Мардавийндан).*

* * *

Наср ибн Тониф орқали қилинган ривоятда ҳазрат Умарнинг: “Менга шундай туюлдики, душман Сорияни тоққа чекинишга мажбур қилган эди. Тангри қулларидан бири унга овозимни эшиттирар, деб ўйладим”, дегани келтирилади” *(Абу Нуаймдан).*

* * *

Амр ибн Ҳорис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Бир куни Абдураҳмон ибн Авф Умарга (розияллоҳу анҳу) айтдилар: “Сендан хавотир буляпмиз. Сен гоҳида ўзингга ўзинг гапирасан. Хутбада “Эй Сория, тоққа!”, деб бақириб

юбординг, биз эса ҳеч нарса тушунолмадик, сенга бўлди ўзи?”

Умар (розияллоҳу анҳу) айтдилар: “Мен уларни таҳликали ҳолда кўрдим ва бу сўзларни беихтиёр айтиб юбордим”, дедилар.

Улар Сориянинг элчиси мактуб юборгунча кутишди. Бир куни кутилган мактуб келди. Унда шундай сўзлар бор эди: “Жума куни душман билан рўпара келдик. Бомдод намозини ўқигач, жанг бошланди. Ниҳоят, жума намози пайти келди ва қуёш шарқ томон оғди. Худди ўша пайтда: “Эй Сория, тоққа!” деб икки марта овоз келди. Кейин тоққа чекиндик ва шундан кейин душмандан устун кела бошладик. Ниҳоят, Тангри уларни мағлуб этиб, йўқ қилди”.

Бу гаплардан сўнг Умар ҳақида ғийбат қилганлар: “Шу одамни тинч қўйинглар. Яратган унинг ёрдамчиси ва ҳар ишида мададкордир”, дейишди” *(Абу Нуайм, “Далойил”, 210-211-бетлар).*

* * *

Зайд ибн Аслам ва Ёқуб ибн Зайддан ривоят қилинади: “Умар ибн Хаттобдан (розияллоҳу анҳу): “Эй Сория, тоққа!” дедингиз, бу нима дегани?” деб сўрашди.

Умар (розияллоҳу анҳу): “Ҳеч нарсани билмайман, бу сўзлар оғзимдан ўзим билмаган ҳолда чиқди”, дедилар”.

Ибн Касир ҳазратлари: “Бу ривоятлар бир-бирини қувватлайди”, деганлар *(“Ал-Бидоя”, 87-жилд, 131-бет; Воқидийдан).*

АБУ ҚУРСОФА ОВОЗИНИНГ УЗОҚ ЕРЛАРГА ЭШИТИЛИШИ

Ос ибн Абу Қурсофанинг қизи Аззоҳдан ривоят қилинади: “Римликлар Абу Қурсофанинг бир ўғлини асир олишган эди. Қурсофа ҳар намоз вақти келганида Асқолон шаҳри

тепалигига чиқиб: “Эй фалончи, намозга!” дея бақирар, ўғли ҳам Рим ўлкасидаги отасининг овозини эшитарди” *(Ҳайсамий, 9-жилд, 396-бет; Табаронийдан).*

ҲАЗРАТИ УМАРНИНГ БИР ЖИННИ ЕРГА ОТИШИ ВА ЎША ПАЙТЛАРДА ШАЙТОНЛАРНИНГ БОҒЛАНИШИ

Абу Воил розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) дедилар: “Шайтон Пайғамбаримизнинг асҳобларидан бирига дуч келиб, у билан кураш тушди. Асҳобдан бўлмиш у зот шайтонни ерга йиқитиб, бармоғини тишлади. Шунда шайтон: “Мени қўйиб юбор, сенга бир калима ўргатаман, у калимани ким мендан эшитса, халққа бош бўлади, халқни бошқаради”, деди.

У шайтонни қўйиб юборди. Бироқ шайтон унга бу калимани айтмади. Шунда у яна шайтонни ушлаб, бош бармоғини тишлаб, “Менга айт, ўша калимани”, деди. Шайтон эса айтмайман деб оёқ тираб туриб олди. Лекин учинчи сафар унга: “Бақара сурасидаги Оятал Курсийдир”, деди.

Абдуллоҳ ибн Умардан: “У зот ким эди”, деб сўрашди.

У: “Умар ибн Хаттобда, бошқа ким ҳам бўларди”, деб жавоб бердилар”.

* * *

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асҳобларидан бир киши жинлардан бирига дуч келиб, у билан курашди. У инсон жинни ерга йиқитди. Жин ердан туриб: “Қани, яна бир марта”, деди. У жинни яна енгиб: “Сен жуда заиф ва кучсизсан. Сенинг қўлларинг худди итнинг оёғига ўхшайди. Сенинг бор бўлганинг шуми?” деди. Шунда жин: “Йўқ, мен ҳаммасидан кучлиман. Кел, яна бир марта

курашайлик. Агар мени енгсанг, сенга бир неча фойдали калима ўргатаман", деди. Улар энди учинчи марта курашга тушдилар. Бу сафар ҳам асҳобдан бўлган зот жинни енгиб: "Ана энди уша калималарни айт-чи!" деди. Жин ундан "Оятал Курсийни ўқийсанми?" деб суради. У: "Ҳа, ўқийман", деди. Жин айтдики: "Мана шу Оятал Курсийни қаерда ўқисанг, шайтон у ердан ел чиқарган каби қочади ва тонггача у ерга қайтиб Кирмайди", деди.

Эшитаётганлардан бири: "Эй Абу Абдурраҳмон! Асҳобдан бўлган у одам Ким эди?" деб суради.

Бу саволга Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу): "Умар ибн Хаттоб бўлмаса, бошқа ким ҳам бўларди?" деб жавоб берди" *(Ҳайсамий, 9-жилд, 71-бет; Табаронийдан).*

* * *

Мужоҳиддан шундай ривоят келади: "Бизга, Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) замонида шайтонлар боғланган эди. Умар шаҳид этилиши билан боғичлари ечилди", деб айтишарди *("Ал-Мунтаҳаб" 4-жилд, 385-бет; Ибн Асокирдан).*

ЗУБАЙРНИНГ ЖИНЛАРДАН БИРИНИ ҲАЙДАШИ

Омир ибн Абдуллоҳ ибн Зубайрдан ривоят қиладилар: "Абдуллоҳ ибн Зубайр (розияллоҳу анҳу) Қурайш қабиласидан бир суворий гуруҳи билан умрадан қайтаётган эди. Яносиб деган жойга келганларида бир дарахт олдида бир одамни кўришди. Абдуллоҳ ибн Зубайр олдинда эди. У одамнинг олдига борганида унга салом берди. Аммо у одам унга эътибор бермади. Эътиборсизлик билан алик олди. Абдуллоҳ ибн Зубайр отидан тушганида ҳам жойидан жилмади. Шунда Абдуллоҳ: "Соядан қоч", деди. У истамайгина нари кетди.

Абдуллоҳ айтади: “Мен унинг қўлидан тутиб, “Сен кимсан?” дедим. “Мен жинларданман”, деди. У ҳали гапини тугатмасдан ҳафсалам пир бўлиб, қўлимни тортдим: “Демак, сен жинлардансан-а, менга бу шаклда кўриняпсан?” дедим. Диққат билан қарасам, унинг оёқлари ҳайвонларникига ўхшарди. У мендан узоқлашди.

Орадан бир оз ўтиб, дўстларим келишди.

“Ёнингда ўтирган одам қани?” дейишди.

“У жинлардан эди, қочди”, дедим.

Буни эшитгач, улар қўрқувдан ўзларини йўқотиб қўйдилар”. *(“Ал-Бидоя”, 8-жилд, 335-бет; Ибн Муборакдан).*

АСҲОБНИНГ ЖОНСИЗ НАРСАЛАРДАН ОВОЗ ЭШИТИШЛАРИ

Сувайд ибн Зайд айтадилар: “Бир куни Абу Зарр Ғифорий (розияллоҳу анҳу) масжидда ёлғиз ўтирарди. Буни кўриб унинг ёнига келдим ва Усмон ибн Аффондан сўз очдим. Шунда у менга деди: “Усмон (розияллоҳу анҳу) ҳақида яхшиликдан бошқа нарса айтолмайман. Чунки унинг фазлининг нечоғлигини Расулуллоҳ ҳузурларида ўз кўзим билан кўрдим.

Мен ҳар доим Расулуллоҳни кузатар ва ул зотни бир ерда ёлғиз кўрсам, дарров ёнларига борардим. Бир куни у зотнинг уйидан чиққанларини кўриб, мен ҳам ортидан боравердим. Расулуллоҳ бир ерга бориб ўтирдилар. Мен ҳам ёнларига бориб ўтирдим. Шунда у зот менга юзландилар: “Эй Абу Зарр, нега келдинг?” деб сўрадилар. “Аллоҳ ва Пайғамбари учун келдим”, дедим.

Бир оздан сўнг Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) келиб, у зотнинг ўнг тарафларига ўтирди. Шунда Расулуллоҳ унга ҳам: “Эй Абу Бакр, нега келдинг?” дедилар. Абу Бакр ҳам худди мен сингари: “Аллоҳ ва Пайғамбари учун келдим”, дедилар.

Орадан озгина вақт ўтиб, Умар келди. У Абу Бакрнинг ўнг томонига ўтирди. Расулуллоҳ унга ҳам: “Нега келдинг, эй Умар?” дедилар. У ҳам: “Аллоҳ ва Пайғамбари учун келдим”, дедилар.

Бир оздан сўнг Усмон келди, у энди Умарнинг ўнг

томонига ўтирди. Пайғамбаримиз ундан ҳам: “Нега келдинг?” деб сўрадилар. Усмон ҳам: “Аллоҳ ва Пайғамбари учун келдим”, дедилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ердан етти ёхуд тўққизта тош олдилар. Тошлар Расулуллоҳнинг қўллари ичида асаларининг овозини эслатадиган бир овозда Яратганни тасбеҳ қила бошлади. Расулимиз тошларни ерга қўйганларида овоз тўхтади. Расулуллоҳ тошларни яна олиб, Абу Бакрнинг қўлига берди. Шу пайт тошлардан яна зикр овозлари эшитилди. Абу Бакр ҳам уларни ерга қўйгач, овоз йўқолди. Аллоҳ Расули тошларни Умарнинг ҳовучларига қўйдилар. Тошлардан яна зикр овози эшитилди. Умар ҳам тошларни ерга қўйгач, овозлар тўхтади. Аллоҳ Расули тошларни Усмоннинг ҳовучларига қўйдилар. Тошлар унинг қўлида ҳам худди ўша овозда тасбеҳни бошлашди. Усмон ҳам уларни ерга қўйгач, овозлар тинди” *(Ҳайсамий, 8-жилд, 244-бет; Баззордан).*

* * *

Байҳақий ушбу ривоятнинг сўнггида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Бу пайғамбарлик халифалигидир”, деганларини келтирадилар.

* * *

Табароний ҳам икки хил усулда баён қилинган ушбу ривоятнинг бирида: “Кейин у тошларни Алига бердилар. Тасбеҳ эшитилди. У тошларни ерга қўйгач, овозлар йўқолди”, дейдилар.

Бошқасида эса: “Тошларнинг тасбеҳини жамоатнинг ҳаммаси эшитишарди. Кейин бизга бердилар. Аммо бу тошлар ҳеч биримизнинг қўлимизда тасбеҳ айтмади”, дейдилар.

ИБН МАСЪУДНИНГ ОВҚАТДАН ТАСБЕҲ ОВОЗИНИ ЭШИТИШИ

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят: “Биз мўъжизаларни баракот деб ҳисоблардик. Сиз эса таҳдид деб ҳисоблайсиз. Саёҳатларнинг бирида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга эдик. Бир жойда сувга зор бўлдик. Шунда Пайғамбаримиз: “Қаранглар-чи, кимда кўпроқ сув бўлса, келтиринг”, дедилар.

У зотга ичида камгина сув қолган бир мешни келтиришди. Расулуллоҳ қўлларини идишга қўйдилар-да: “Баракали, тоза, Яратганнинг фазлидан туширилган сувга келинг”, дедилар. Воажаб, шунда мен Расулуллоҳнинг бармоқлари орасидан чашмадай сув оқаётганини кўрдим.

Расулуллоҳ билан овқатланаётганимизда овқатдан тасбеҳ овозини эшитардик” *(“Ал-Бидоя”, 6-жилд, 97-бет; Бухорийдан. Термизий ҳам ривоят қилган ва саҳиҳ деган).*

* * *

Расулуллоҳ амакиси Аббос ҳаққига дуо қилаётганларида эшик ва деворлардан “Омин, омин”, деган овозлар эшитилгани ҳам ривоят қилинади.

АСҲОБНИНГ РАСУЛУЛЛОҲНИ СОҒИНИБ, ЙИҒЛАГАН ЁҒОЧ ОВОЗИНИ ЭШИТИШЛАРИ

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: “Жума кунлари Пайғамбаримиз бир дарахт шохи ёнида туриб, хутба қилар-

дилар. Бир куни Ансорлардан бир кимса: "Ё Расулуллоҳ, Сизга бир минбар ясаб берайликми?" деди. Расулуллоҳ эса: "Ўзингиз биласиз", дедилар.

Шу тариқа бир минбар ясалди. Расулуллоҳ жума хутбасини қилиш учун шу минбарга чиққанларида ҳалиги дарахт шохидан бола йиғиси каби овоз эшитилди. Буни кўрган Расулимиз минбардан тушиб, уни қучоқладилар ва худди ёш болани овутгандай йиғлаётган дарахт ёғочини овутдилар" *("Ал-Бидоя", 6-жилд, 127-бет; Бухорийдан).*

* * *

Мазкур ривоят Жобир розияллоҳу анҳудан бошқача бир усулда шунда баён қилинади: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари учун қурилган минбарга чиққач, хурмо ёғочидан туянинг инграган овози каби овоз эшитдик. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келиб, қўлларини унинг устига қўйдилар. Шу пайт овоз йўқолди".

* * *

Ушбу ривоятни Имом Аҳмад бундай келтирадилар: "Пайғамбаримизга минбар тайёрланиб, хутба қилиш учун унга чиққанларида, олдин ёнида туриб хутба қиладиган устун туя каби йиғлай бошлади. Шу даражада йиғлардики, бутун жамоат эшитарди. Ниҳоят, Расулуллоҳ келиб, уни қучоқлаб юпатганларида йиғиси тинди" *("Ал-Бидоя", 6-жилд, 129-бет).*

* * *

Бу ҳақда Абу Нуайм Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: "Агар уни қучоқламаганимда қиёматга қадар йиғлар эди", деб марҳамат қилганликларини айтадилар *("Далойил", 142-бет).*

* * *

Анас розияллоҳу анҳу айтадилар: “Ҳасан Басрий бу воқеани айтар экан, йиғлаб: “Эй Яратганнинг қуллари! Қуп-қуруқ бир дарахт Расулуллоҳнинг айрилиғига хафа бўлиб йиғлар экан, сизларнинг яна ҳам зиёда йиғлашингиз керак эмасми?” дердилар” *(“Ал-Бидоя”, 6-жилд, 127-бет; Бағовийдан).*

ЎЧОҚДАГИ ҚОЗОНДАН ЭШИТИЛГАН САС

Абул Баҳтарийдан ривоят қилинади: “Бир куни Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) ўчоқда қозон остига олов ёқаётганида (Салмон Ал-Форсий ҳам шу ерда эди) қозондан қандайдир пастгина овоз эшитилди ва бу овоз секин-секин баландлаб, тасбеҳ айтаётган бола овозидай эшитилди ва шу пайт бирданига қозон ўчоқдан ағдарилди. Лекин ичидаги овқат тўкилмасидан яна олдинги жойига қайтди.

Шунда Абу Дардо (розияллоҳу анҳу): “Эй Салмон, Аллоҳнинг санъатига қара! На сен ва на отанг бундай нарсани кўрмагансиз?” дедилар.

Салмон (розияллоҳу анҳу) эса: “Агар сабр қилиб, жим турганингда Яратганнинг қанча-қанча оятларини кўрардинг”, дедилар”.

ЖОНИВОРЛАРНИНГ ПАЙҒАМБАРИМИЗ ВА САҲОБАЛАР БИЛАН ГАПЛАШИШЛАРИ

Расулуллоҳнинг бўри билан гаплашганлари Ҳамза ибн Абу Усайддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ансорлардан бир одамнинг жаноза билан бирга Бақиъ қабристонига кетаётганларида йўлнинг ўртасида бир бўри ётганини кўрдик.

Расулуллоҳ айтдилар: “Бу бўри сиздан улуш сўраяпти, улушини беринг”.

Асҳоблар ажабланиб: “Ё Расулуллоҳ, унга нима берайлик, сиз нимани беришимизни маъқул кўрасиз?” дейишди.

Расулуллоҳ айтдилар: “Ҳар йили, ҳар сурувдан битта қўй”.

“Бу кўплик қилади”, дейишди.

Расулуллоҳ бу сафар бўрига: “Ундай бўлса, сен ҳам сурувларидан ўғирлашда давом эт”, дедилар. Шундан кейин бўри ётган жойидан туриб нари кетди”.

* * *

Муталлиб ибн Абдуллоҳ ибн Хантабдан ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинада эканликларида, бир куни бир бўри келиб, у зотнинг қаршиларига ўтирди.

Расулуллоҳ асҳобга: “Бу бўрилардан юборилган элчи. Истасангиз, уларга нимадир ажратинг, улар шу нарса билан кифояланиб, ҳаддидан ошишмасин. Истасангиз, уларга ҳеч нарса берманг ва ўзингизни улардан қўриқланг. Ўзлари сиздан нима олишса, ризқлари”, дедилар.

Шунда одамлар: “Ё Расулуллоҳ, биз рози бўлиб, уларга ҳеч нарса бермаймиз”, дейишди.

Пайғамбаримиз эса уч бармоқлари билан бўрига ишорат қилиб: “Сен булардан ололганингча ол”, дедилар.

Бўри увиллаб-увиллаб ортига қайтди”.

* * *

Жуҳайна қабиласидан бир киши шундай ривоят қилади: “Бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ибодат қилиб бўлгач, гуруҳ-гуруҳ бўлиб юзга яқин бўри келди-да, у зотнинг қаршиларига ўтиришди. Шунда Аллоҳнинг Расули: “Булар бўрилардан сизга юборилган элчилардир.

Уларга ризқларингиздан улуш ажратсангиз, бошқа молларингизга зарар бермайди”, дедилар.

Асҳоб эса фақирликдан шикоят қилиб, бундай қилолмасликларини айтишди.

Шунда Расули Акрам: “Ундай бўлса, уларга ҳеч нарса бера олмаслигингизни айтинг”, дедилар.

Шундан сўнг бўрилар увиллаб-увиллаб нари кетишди” *(“Ал-Бидоя”, 6-жилд, 146-бет).*

ДЕНГИЗНИНГ АБУ РАЙҲОНГА БЎЙСУНИШИ

Бани Саъд қабиласининг озод этилган қули Урвадан шундай ривоят қилинади: “Абу Райҳон (розияллоҳу анҳу) бир денгиз сафарида эди. Унинг қўлида бир неча китоб варақлари бўлиб, у шу варақларни бирлаштириб тикиб ўтираркан, тўсатдан қўлидаги игнаси денгизга тушиб кетди. Шунда Абу Райҳон: “Ё Аллоҳ! Иззат ва Жамолинг ҳаққи! Сенга ёлвораман, игнамни менга қайтар”, деб дуо қилди.

Шу онда игна сув юзига чиқди. Абу Райҳон қўлини чўзиб, игнани олди” *(“Ал-Исоба”, 2-жилд, 157-бет; Иброҳим ибн Жунайд “Китоби Авлиё”да).*

ДЕНГИЗНИНГ АЪЛО ИБН ҲАДРАМИЙГА БЎЙСУНИШИ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аъло ибн Ҳадрамийни Баҳрайнга юборганида мен ҳам бирга эдим. Ундан бир-биридан ажойиб ҳодисалар кўрдим. Денгиз қирғоғига борганимизда, у менга: “Бисмиллоҳ”ни айтиб, ўзингизни денгизга ташланг”, деди.

Қасам ичаманки, биз денгизнинг нариги қирғоғига юриб ўтдик, аммо оёқ-кийимларимизнинг ости ҳам ҳўл бўлмади. Қайтаётиб бир чўлда дўстларимиз сувсизликдан қийналишди. Шунда Аъло ибн Ҳадрамий ибодат қилиб, қўлларини ҳавога кўтариб дуо қила бошлади. Ҳали дуоси тугамасидан қалқондай булут кўринди ва туйнукларининг оғзини очди. Шунчалар кўп ёмғир ёғдики, тўйиб-тўйиб ичдик, ҳайвонларимизни ҳам суғордик.

Аъло ибн Хадрамий вафот этганида уни кўмдик. Аммо орадан бир оз ўтиб, "йиртқич ҳайвонлар ковлаб еб қўйишмасин", деган шубҳа билан қабрни яна очдик. Бироқ у қабрида йўқ эди".

* * *

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) сафарга чиқиш учун қўшин ҳозирлаб, унга Аъло ибн Ҳадрамийни қумондон этиб тайинлади. Ушбу сафарда мен ҳам бор эдим. Жанг майдонига борганимизда душман бизнинг келишимиздан хабар топиб, бутун сув қудуқларини ёпиб қўйишганини кўрдик. Ҳаво жуда иссиқ эди. Сувсизликдан бизнинг ҳам, уловларимизнинг ҳам тоқатимиз тоқ бўлган эди. Жума кунларининг бирида қуёш ғарб томонга йўналган пайтда Аъло ибн Ҳадрамий биз билан икки ракат намоз ўқигач, қўлларини самога кўтарди. Кўкда ҳеч нарса кўринмасди. У ҳали қўлларини туширмай туриб, бўрон бошланди. Сўнгра бир булут пайдо бўлиб, ёмғир ёға бошлади. Шунчалар ёғдики, ердаги чуқурлар кўлга айланди, ҳаммаёқ сувга тўлиб-тошди. Тўйиб-тўйиб ичдик, мешларимизни тўлдирдик, ҳайвонларимизни суғордик. Кейин душман томон юрдик. Қарасак, душман курфаздан ошиб, бир оролга жойлашибди.

Кейин Аъло ибн Ҳадрамий соҳилда туриб: “Ё Алий, ё Азим, ё Ҳалим, ё Карим”, дея илтижо қилганидан кейин бизга: “Яратганнинг исмини айтиб, денгиздан ўтинг”, деди.

Қасам ичаманки, биз кўрфазнинг нариги тарафига ўтдик. Ўшанда ҳайвонларимизнинг тирноқлари ҳам ҳўл бўлмади. Кўп ўтмай душман билан рўбарў келиб, уларнинг бир қанчасини ўлдирдик, асир олдик. Кейин яна кўрфазга қайтдик.

Қўмондонимиз бизга яна айни сўзни такрорлади. Биз яна ҳайвонларимизнинг тирноқлари ҳам ҳўл бўлмасдан соҳилнинг нариги томонига ўтиб олдик”.

* * *

Саҳм ибн Минжоб айтадики: “Аъло ибн Ҳадрамий дуоси бундай эди: “Ё Алиму, ё Ҳалиму, ё Алиййу, ё Азийму, инна абидука ва фи сабийика мукаатилу адуввака, исғина, ғойсан нашрабу минҳу ва натаваддау фа иза таракнаҳу, фала тажъал ли аҳадин фиҳи насийбан ғойрина”. Маъноси: “Эй ҳар нарсани билувчи ва кечиримли буюк Тангри! Биз Сенинг қулларингмиз, Сенинг йўлингда душманинг билан жанг қиламиз. Ичиш ва таҳорат олиш учун бизга ёмғир ёғдир ва биз бу ердан кетганимиздан кейин бу ёмғирни бошқаларга насиб этма”.

У денгизда юрганимизда эса: “Ё Тангри, бизни душманинг билан учраштир”, деган эди” *(“Ал-Бидоя”, 6-жилд, 155-бет; Байҳақий ва Бухорий бошқа санад билан Ибн Абид Дунёдан).*

ҲАЗРАТ УМАРНИНГ ДУОСИ БИЛАН ЁМҒИР ЁҒИШИ

Ҳаввос ибн Жубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Умар ибн Хаттоб даврида катта қаҳатчилик бўлди. Шунда Умар (розияллоҳу анҳу) халқ билан бирга адирга чиқиб,

ибодат қилганидан сўнг, ридосини ечиб тескари кийиб олди ва қўлларини кўтариб: "Бизни кечир, бизга ёмғир бер", дея илтижо қила бошлади ва ёмғир ёққунча жойидан жилмади.

Орадан бир неча кун ўтиб кўчманчи араблар ҳазрат Умарнинг (розияллоҳу анҳу) ёнига келишиб: "Эй мўминлар амири, биз фалон куни, фалон жойда эдик. Бир булут парчаси бизга соя солди ва ундан: "Эй Абу Ҳафз, сенга ёрдам келди! Эй Абу Ҳафз, Сенга ёрдам келди!" деган овозни эшитдик", дейишди" *("Ал-Канз", 4-жилд, 290-бет; Ибн Абид Дунё ва Ибн Асокирдан).*

* * *

Молик ибн Аддордан ривоят қилинади: "Умар ибн Хаттоб замонида катта қаҳатчилик бўлди. Бир одам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабрларини зиёрат қилиб: "Ё Расулуллоҳ! Умматингиз ҳалок бўлди. Умар учун Раббингиздан раҳмат сўранг", деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кечаси бу одамнинг тушига кириб, унга: "Умарнинг ёнига бор, унга мендан салом айт ва унга: "Тадбир ол!", деганимни етказ", дедилар.

Тонг отгач, у одам Умар (розияллоҳу анҳу) ёнига бориб бўлган гапларни айтиб берди. Шунда Ҳазрат Умар йиғлаб: "Ё Раббим! Сенга маълум, қўлимдан келгунича тадбир оламан", деди" *("Ал-Канз", 4-жилд, 209-бет; "Ал-Бидоя", 7-жилд, 92-бет; Байҳақий, "Далойил"да).*

* * *

Абдураҳмон ибн Каъб ибн Моликдан ривоят қилинади: "Мадинада шундай қаҳатчилик ва очлик бўлдики, ҳатто очликдан ёввойи ҳайвонлар инсонлардан ҳайиқмайдиган бўлиб қолди. Жонлиқларни ориқлигидан сўйишнинг сира иложи йўқ эди. Халқ ана шундай оғир аҳволда қолди. Ҳазрат

Умар (розияллоҳу анҳу) ҳузурига вилоятлардан ҳеч ким келиб-кетмасди.

Ниҳоят, бир кун Билол ибн Хорис Музаний (розияллоҳу анҳу) келиб, Умар ибн Хаттобнинг ёнига кириш учун рухсат сўради. Ҳузурига киргач: "Мен сенга Расулуллоҳ юборган элчиман. Тушимда Расулуллоҳ сенга: "Мен сени ақлли ва тадбирли деб билардим, ҳали ҳам шундай деб биламан, аммо сен нима қиляпсан?" демоқдалар", деди.

"Сен бу тушни қачон кўрдинг?" деб сўради ҳазрат Умар.

"Кеча оқшом", деди Билол.

Шунда Ҳазрат Умар одамларни намозга тўплашни буюрдилар. Тез орада жамоат тўпланиб, ибодат қилгандан сўнг Умар одамларга юзланиб: "Эй инсонлар! Тўғрисини айтинг, қилинмаслиги қилинишидан яхшироқ иш қилганимни кўрдингизми?" дедилар.

Одамлар: "Тангри билур, йўқ!" деб жавоб беришди.

Шунда Умар Билол ибн Хориснинг айтганларини тўпланганларга етказди.

Одамлар эса: "Билол тўғри айтяпти, нега мусулмонларидан ёрдам сурамадинг?" дейишди.

Шу пайтгача буни ўйлаб кўрмаган Ҳазрат Умар: Бир қаҳатчилик охирги чегарасига етган бўлса, энди бартараф бўлгай", деди ва турли ўлкаларнинг ҳокимларига Мадина ва унинг атрофидаги аҳолига ёрдам бериш лозимлиги ҳақида мактублар ёзди. Ўзи эса Аббос билан бирга яёв ҳолида одамларни ёмғир дуоси учун шаҳар ташқарисига олиб чиқди. У ерда қисқагина хутба ўқилгач, сўнгра тиз чўкиб: "Бизни кечир, бизга раҳм қил, биздан хушнуд бўл, фақат Сенга бандалик қиламиз, фақат Сендан ёрдам сўраймиз", деб дуо қилганидан сўнг орқага қайтишди.

Одамлар ҳали уйларига етиб бормасидан сув кўлмаклари ичида юришга мажбур бўлдилар".

* * *

Умар ибн Хаттоб ўғли Осимдан ривоят қилинади: “Адирда яшайдиган Музайна қабиласидан бир оила аъзолари оила бошлиғига: “Очликдан ҳали замон ўламиз, бизга бир қўй сўйиб бер”, дейишди.

Оила бошлиғи уларга: “Сурувда сўйишга ярайдиган қўй йўқ”, деди.

Бироқ болалари уни ҳоли-жонига қўйишмади. Натижада, у қўйларидан бирини сўйди. Бироқ қўйнинг терисини шилиб, фақат суякдан бошқа нарса тополмагач, беихтиёр: “Ё Муҳаммад”, деб бақириб юборди.

Ўша кеча тушида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Ёмғир хушхабарини ол! Умарга бор, мендан салом айтиб: “Мен сени сўзига содиқ бир киши деб биламан. Фикр-мулоҳазали ва тадбирли бўл”, деганимни айт”, дедилар.

У эрталаб йўлга чиқди. Умарнинг (розияллоҳу анҳу) эшигига келиб, хизматчига: “Мен Расулуллоҳнинг элчисиман, ичкарига киришим учун рухсат сўра”, деди” (“Табарий тарихи”, 3-жилд, 192-бет).

МУОВИЯ ВА ЯЗИД ИБН АСВАД ЖУРАШИЙНИНГ ДУОСИ БИЛАН ЁМҒИР ЁҒИШИ

Салим ибн Омир Хаборийдан ривоят қилади: “Бир йили қурғоқчилик бўлди. Шунда Муовия ибн Абу Суфён ва Шом халқи ёмғир дуоси учун майдонга чиқди. Муовия хутба қилиш учун минбарга ўтиргач: “Язид ибн Асвад Жураший қаерда?” деб суради.

Язидни чақиришди, у келгач, Муовия ёнига – минбарга чиқишини айтди. Язид минбарга чиқиб, ундан пастда ўтирди. Шунда Муовия ўрнидан туриб: “Биз бугун энг яхшимиз ва энг устунимиз воситаси ила Сенга юкунмоқдамиз. Язид ибн Асвад Жураший воситасида сенга юкунмоқдамиз. Эй Язид!

Қўлларингни Яратганга оч!” деди. Язид қўлларини кўтарди, халқ ҳам қўлларини дуога очди.

Кўп ўтмай ғарб томондан бир булут парчаси кўтарилди ва шамол эса бошлади. Шундай ёмғир ёғдики, жамоат уйларига зўрға етиб борди” *(“Табақот”, 7-жилд, 444-бет).*

АНАС ИБН МОЛИКНИНГ ДУОСИ БИЛАН ЁМҒИР ЁҒИШИ

Сумома ибн Абдуллоҳдан ривоят қиладилар: “Ёз кунлари эди. Анас ибн Моликнинг (розияллоҳу анҳу) боғбони келиб унга қурғоқчиликдан шикоят қилди. Шунда Анас (розияллоҳу анҳу) ибодат қилганидан сўнг, боғбонга: “Қара-чи, бирор нарса кўряпсанми?” деб сўради. Боғбон қараб: “Ҳеч нарса кўрмаяпман”, деди. У ичкарига кириб яна ибодат қилди ва боғбонга: “Қара-чи, бирор нарса кўряпсанми?” деди. Боғбон бу сафар ҳам: “Ҳеч нарса кўринмаяпти”, дегач, у яна ибодат қилишда давом этди.

Учинчи ёхуд тўртинчи мартасида боғбон унга: “Қуш қанотича келадиган булут парчасини кўрдим”, деди.

Анас (розияллоҳу анҳу) эса намоз ва дуода давом этаверди.

Ниҳоят, боғбон ичкарига кириб: “Бир ёмғир ёғмоқдаки, бутун осмон булут билан қопланган”, деди.

Анас ибн Молик унга: “Башир ибн Шағаф юборган отга мин-да, кўриб кел-чи, ёмғир қаергача ёғибди экан?” деди.

Боғбон Анас айтган отга миниб йўлга чиқар экан, ёмғир боғлардан нарёққа ўтмаганини кўрди” *(“Табақот”, 7-жилд, 21-бет).*

КЎНГЛИМДАГИ КАЪБА

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни саҳобаларига: “Инсонларнинг ҳар бир яхши ишлари учун кўплаб

мукофотлар берилади. Яхшиликларнинг савоби камида ўн баробарида ёзилади, ҳатто етти юз баробаргача чиқади. “Рўза бундан мустаснодир. Чунки у фақат Мен учундир, Мен унга хоҳлаганимча мукофот бераман. Бандам Мен учун хоҳиш-истакларидан, егуликлардан воз кечди”, деб марҳамат қилади”, дедилар-да, яна сўзида этдилар: “Рўзадорнинг икки қувончи бор. Бири рўзасини очгандаги қувончи, иккинчиси эса Раббиси ҳузурига борганидаги қувончидир. Рўзадорнинг оғзидан чиққан ҳид, Аллоҳ учун мушки анбар ҳидидан ёқимлироқдир”. *(Бухорий, Савм, 29; Либос, 78; Муслим, Сиём,164).*

* * *

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг райҳонлари бўлмиш набиралари Ҳасан ва Ҳусайн бетоб бўлиб қолишган эди.

Оталари ҳазрат Али ва оналари ҳазрат Фотима Тангри таолога бундай назр қилишди: “Болаларимиз тузалиб кетишса, уч кун рўза тутамиз”.

Кўп ўтмай болалар тузалиб кетишди ва ота-она рўзани бошлашди. Биринчи кун саҳарликка туриб, рўза тутишга ният қилишди. Кеч тушгач, энди ифтор қилмоқчи бўлганларида бир фақир келиб: “Тангри розилиги учун менга егулик беринг, очман”, деди. Улар ифтор учун тайёрлаган овқатларининг ҳаммасини фақирга беришди. Ўзлари эса сув билан ифтор қилишди. Уйда ейишга бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Ифторга бошқа ҳеч нарса тополмадилар. Иккинчи куни ҳам саҳарликка турмай рўза тутаверишди. Бу сафар ифтор пайтида бир етим келиб: “Тангри розилиги учун бирор нарса беринг”, деди. Улар яна туз тотмасдан ифторда емоқчи бўлган овқатларининг ҳаммасини ўша етимга бериб, сув билан ифтор қилишди.

Ифторсиз, саҳарликсиз учинчи кун ҳам ҳам рўзада давом этишарди. Учинчи куни ифтор пайти бўлди. Эшикларини бу сафар бир асир тақиллатди. У ҳам оч эканини айтиб, егулик сўради. Ҳазрат Али ва ҳазрат Фотима бу гал ҳам егуликларининг ҳаммасини асирга беришди. Оғизларини яна сув билан очишди, аммо назр қилган рўзалари ҳам тугаган эди.

Уларнинг қилган саховатлари ва бошқаларни ўзларидан кўра кўпроқ ўйлаганлари Тангри таолога манзур бўлди. Улар ҳақида: "Улар таомни суйиб турсалар-да, ўзлари емай, фақирга, етимга ва асирга берадилар" маъносидаги оятини нозил қилиб, улардан рози эканини билдирди *(Инсон, 8)*.

ЭНГ ЯХШИ УЛОВ

Саййид Бурҳониддин ҳазратлари нафснинг хоҳиш-истагини бажармасликка ҳаракат қилардилар. Озгина егулик билан ифтор қилиб, ҳар ўн икки кунда бир овқат ердилар.

Бир куни саҳар пайти ғойибдан: "Бугундан бошлаб нафсингни қийнама", деган овоз эшитилди.

Шунда Саййид Бурҳониддин: "Расулуллоҳни бутун инсониятга юборган Яратганга қасамки, комилликка эришмасимдан тухтамайман", деди ва Яратгандан нима сўраган бўлса, ҳаммасига эришди.

Бир куни кўргани келган дўстларига бундай деди: "Агар Тангри таолога етарлича бандалик қилмаётган бўлсангиз, ҳеч бўлмаса, рўза тутинг. Қорнингизни оч қолдиришга эътибор беринг. Чунки рўза тутишдан ҳам яхшироқ ибодат йўқ. Очлик ва рўза баракоти билан пайғамбарлар ва авлиёларнинг қалбларидан ҳикмат булоқлари отилиб чиққан. Инсонни Тангри раҳматига етказишда рўзадан яхшироқ улов йўқ.

ТЕНГИ ЙЎҚ

Абу Умома исмли бир саҳоба Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг олдига келиб: “Менга шундай бир амал тавсия этингки, Аллоҳ таоло мени у туфайли мукофотласин. Пайғамбар алайҳиссалом бундай дедилар: “Сенга рўзани тавсия қиламан. Зеро, унинг тенги, ўхшаши йўқ”. *(Насоий, Сиём, 43)*

ЯХШИЛИК ЭШИКЛАРИ

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ёнма-ён кетаётган эдилар. Фурсатдан фойдаланиб, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан сўрадилар: “Ё Расулуллоҳ, мени жаҳаннамдан узоқлаштирадиган ва жаннатга яқинлаштирадиган бир амални айтинг”.

Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: “Муҳим нарса сўрадинг. Бу иш қулайлик насиб этган одамга осон. Аллоҳга ибодат қилиб, Унга ширк келтирмайсан, ибодат қиласан, закот берасан, Рамазон рўзасини тутасан, ҳажга борасан”, дедилар, сўнгра сўзида давом этиб: “Сенга яхшилик эшикларини кўрсатайми?” дедилар.

Муоз розияллоҳу анҳу: “Ё Расулуллоҳ, кўрсатинг”, деди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Рўза жаҳаннамга пардадир, садақа хатоларни кетказади, худди сув оловни ўчиргани каби. Кечаси қилинган ибодат яхшиларнинг белгисидир”, дедилар. Сўнгра ушбу оятни ўқидилар: “Уларнинг ёнбошлари (ибодат қилиш учун) ўриндиқларидан ажраб турар (оз ухлашади). Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик билан дуо қилурлар ва биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан эҳсон қилурлар” (Сажда, 16).

Пайғамбар алайҳиссалом яна сўрадилар: “Бу диннинг боши, устуни ва чўққисини сенга айтайми?”

“Ё Расулуллоҳ, айтинг!” деди Муоз розияллоҳу анҳу.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Бу диннинг боши Ислом, устуни ибодат, чўққиси жидду жаҳддир. Сенга буларнинг ҳаммасини бутунлаштирган асосни айтайми?”

“Ё Расулуллоҳ, айтинг!” деди Муоз розияллоҳу анҳу.

Пайғамбар алайҳиссалом Муоз розияллоҳу анҳуга муборак қўллари билан тилини кўрсатиб: “Шунга эҳтиёт бўл”, дедилар.

Муоз розияллоҳу анҳу яна сўрадилар: “Ё Расулуллоҳ, биз гапирганларимиз учун жавоб берамизми?”

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Эй Муоз! Инсонларнинг бурунларидан тутиб, юзтубан оловга отилишларига сабаб уларнинг тиллари туфайли бўлмасдан нима?” *(Термизий, Имон, 8)*

ШУНДАЙ ИССИҚ КУНДА

Бир куни Ҳажжож ва унинг одамлари Макка билан Мадина орасида сафар қилаётиб, бир қудуқ ёнида дам олиш учун тўхташди. Дастурхон ёзилгач, Ҳажжож:

– Атрофга қаранг, фақирлар бўлса, олиб келинг, бирга овқатланайлик, – деди. Хизматкорлар сал нарида эски кўйлак кийган ва ерда чўзилиб, ухлаётган бир одамни кўриб, уни уйғотиб Ҳажжожнинг ёнига олиб келишди.

Ҳажжож унга:

– Қани, кел, овқат еймиз, – деди.

У одам:

– Емайман, – деб таклифни рад этди.

Бу жавобдан ҳайратланган Ҳажжож:

– Нега емайсан? – деди.

Одам жавоб берди:

— Сенинг дастурхонингдан ҳам яхшироқ жойга чақирилганман.

— Қаерга чақирилгансан?

— Яратганнинг меҳмондорчилигига чақирилганман. Рўза тутяпман.

— Шундай иссиқ кунда рўза тутяпсанми? — деди Ҳажжож.

— Ҳа, шундай иссиқ кунда рўза тутяпман, шояд қиёмат кунининг оташидан сақлансам...

РАЙЙОН ЭШИГИ

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: "Жаннатда Раййон деган эшик бор. Ундан фақат рўзадорлар киради. Рўзадорлар кириши билан эшик ёпилади. Бошқа ҳеч ким кира олмайди".

РЎЗАДОР БИЛАН ОЛОВ ОРАСИГА

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: "Ким Тангри учун бир кун рўза тутса, Тангри у билан олов орасига катталиги ер ва осмон орасидек бўлган тўсиқ яратади. Ҳамма нарсанинг закоти бор. Жасаднинг закоти рўзадир. Рўза сабрнинг ярмидир. Сабр эса имоннинг ярмидир".

РАМАЗОН ҲИКМАТИ

Набийлар набийси соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай огоҳлантирдилар: "Ким ҳеч қандай узрли сабаби ва бошқа касаллиги бўлмасдан Рамазоннинг бир кунини рўза тутмай ўтказса, Рамазондан ташқари бутун умр бўйи рўза тутиши ҳам, ўша рўзанинг ўрнини босолмайди".

БИР КУНИГА БИР КУН

Ҳазрат Ойша ва ҳазрат Ҳафса оналаримиз рўза тутган кунларининг бирида уларга егулик ҳадя қилишди. Улар бундан тановул қилишди. Шу пайт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келдилар.

Ҳазрат Ҳафса онамиз айтдилар: "Ё Яратганнинг расули, Ойша билан нафл рўзага ният қилган эдик. Аммо бизга овқат тортиқ қилишди. Биз ундан едик". Шунда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Бу куннинг ўрнига бошқа бир куни қазо рўзаси тутинглар", дея марҳамат этдилар. *("Муватто", Сиём, 50)*

УЛАР РЎЗА ТУТМАДИЛАР

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни мусулмонларга рўза тутишларини буюриб: "Мен рухсат бермасдан ҳеч ким рўзасини очмасин", дедилар.

Шомга яқин очлик ва чанқоқликдан ҳолдан тойган икки аёл Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламга одам юборишди. У одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига келиб: "Ё Расулуллоҳ, икки аёл рўза тутишди ва чарчаб қолишди. Ҳузурингизга келишга уялишмоқда. Рухсат берсангиз, ифтор қилишса (рўзаларини очсинлар)", деди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам изн бермадилар. Ҳалиги одам яна икки марта келди. Ниҳоят, Сарвари олам соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Улар рўза тутишмади. Кун бўйи инсонларнинг гўштини ейишди, қандай рўзадор бўлишсин? Уларга бориб айт: рўза тутган бўлишса, истифро этсинлар-чи (қусинлар-чи)", дедилар.

Ҳалиги одам бориб, аёлларга бу гапларни етказди. Аёллар айтилгандек қилдилар. Ўртадаги одам Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларига қайтиб, бўлган

воқеани айтди. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салам айтдиларки: “Бу икки аёл Яратган уларга ҳаром қилган нарсалардан узоқлашмай рўза тутишди. Аммо Яратган уларга ҳалол қилган нарсалар билан ифтор қилишди. Улар бир жойга ўтиришиб, кишиларнинг ғийбатини қилишди”. (Имом Термизий ривояти)

“МЕН РЎЗАДОРМАН...”

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни шундай дея марҳамат қилдилар: “Ким ёлғонни ва ёлғон билан иш тутишни тарк этмаса, Яратган у кимсанинг еб-ичишни тарк этишига эҳтиёжи йўқ.

Бирор киши рўзадор бўлган куни хунук сўз сўзламасин ва ҳеч ким билан тортишмасин. Агар биров уни сўкса ёхуд қўполлик қилса: “Мен рўзадорман”, десин”. *(Имом Бухорий, Савм, 26)*

СУРМА ТОРТМОҚДАМАН

Бир одам Пайғамбар алайҳиссалом зиёратларига келиб, суҳбат асносида: “Ё Тангрининг расули, кўзим оғрийди, рўзадор бўлсам-да сурма тортмоқдаман. Бу рўзамни бузадими?” деб сўради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: “Йўқ (бузмайди)”. *(Имом Термизий, Савм, 30)*

АЛЛОҲ ЕДИРИБДИ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Ким рўзадорлигини эсдан чиқариб, бирор нарса еб қўйса ёхуд ичса, рўзасини охиригача етказсин. Зеро, уни Аллоҳ едириб, ичирибди”. *(Имом Бухорий, Савм, 20)*

РЎЗАДОРЛИГИНИ УНУТИБ ҚЎЙИШ

Бир одам келиб Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан сўради: “Рўза тутган эдим, аммо рўзадорлигимни эсдан чиқариб еб-ичиб қўйибман”.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: “Зарари йўқ”, деб жавоб бердилар. Ҳалиги киши яна савол берди: “Мен бир кишининг ёнига борган эдим, у ерда ҳам унутиб, овқат еб қўйибман”.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу яна: “Майли, рўза очилмайди”, дедилар.

У одам учинчи марта савол берди: “Кейин яна бошқа бир дўстимнинг уйига боргандим. Яна рўза эканимни унутиб, овқат еб қўйдим”.

Бу сафар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: “Кўриниб турибди, сен рўза тутишга одатланмаган экансан”, дедилар.

РЎЗАДОРНИНГ САВОБИЧА

Бир куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салам шундай марҳамат қилдилар: “Ким бир рўзадорга ифторлик қилиб берса, унга рўзадорнинг савобичалик савоб ёзилади. Аммо рўзадорнинг савобидан ҳеч нарса камаймайди”. *(Имом Термизий ривояти)*

ОНАМНИНГ ЎРНИГА

Бир аёл Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига бориб:

– Онам вафот этди, назр рўзасидан қарзи бор эди. Унинг ўрнига рўзасига бадал рўза тута оламанми? – деди.

Яратганнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– Онангнинг қарзи бўлса ва сен уни тўласанг, бу қарз унинг ўрнига тўланган бўлармиди? – деб сўрадилар.

Аёл:

– Ҳа, – деди.

Пайғамбаримиз:

– Ундай бўлса, онангнинг ўрнига рўза тут! – дедилар. *(Имом Бухорий ривояти)*

БАЪЗИ ЙИЛЛАР

Бир куни Аббод катта олим Саиддан Ражаб ойидаги рўза ҳақида сўради. У зот эса шундай жавоб бердилар: "Саҳобалардан Ибн Аббос бундай деган эдилар: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи йиллари Ражаб ойида шунақа (кўп) рўза тутар эдиларки, биз энди сира овқатланмайдилар, дердик. Баъзи йиллари эса кам рўза тутардилар. Биз, бу ойда энди рўза тутмасалар керак, деб ўйлардик". *(Имом Бухорий, Савм, 82)*

АЖИБ ВАСИҚА

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар:

– Ким Ражаб ойининг биринчи куни рўза тутса, Тангри таоло унинг бу рўзасини етмиш йиллик гуноҳига каффорат этади. Ўн беш кун рўза тутса, Ҳақ таоло Қиёмат куни унинг ҳисоб-китобини осон ўтказади. Ражаб ойида ўттиз кун рўза тутган бандасига хушнудлик васиқаси ва далилини беради. Уни азобдан сақлайди. *(Абдулқодир Жийлоний, "Жунятут толибийн", 269)*

РАҒОЙИБ КЕЧАСИ

Бир куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларга Ражаб ойининг афзалликларини қуйидагича баён этдилар:

– Ким Ражаб ойида рўза тутса, Тангри таоло унга уч турли иззат-икром кўрсатади. Ўтмишдаги гуноҳларини кечиради, ҳаётининг қолган қисмида уни ҳимоя қилади.

У ерда йиғилганлар орасидан кекса бир киши ўрнидан туриб:

– Мен ойнинг ҳамма кунида рўза тутишга куч тополмайман, – деди.

Сарвари коинот соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар:

– Сен Ражаб ойининг биринчи, ўн бешинчи ва охирги кунини рўза билан ўтказ. Шунда ҳаммасини рўза тутиб ўтказгандай кўп савобга эришасан. Чунки савоблар ўн баробар ёзилади. Бироқ Ражабнинг илк жума кечасидан хабарсиз қолма. Фаришталар бу кечани Рағойиб демишлар. Рағойибда кечанинг учдан бири ўтгач, осмонлар ва ердаги барча фаришталар Каъба атрофида жам бўлишади. Яратган уларга: "Эй малакларим, нима истагингиз бўлса, Мендан сўранг", дея марҳамат этади. Улар: "Эй Раббимиз, Ражаб ойида рўза тутганларнинг гуноҳини кечиришингни истаймиз", дейишади. "Мен Ражаб ойида рўза тутганларни афв этдим", деб марҳамат қилади. *(Абдулқодир Жийлоний, Кўрсатилган асар, 272-б.)*

МУБОРАК ОЙНИНГ 27-КУНИ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар:

– Ким муборак Ражаб ойининг йигирма еттинчи куни рўза тутса, Тангри у кишига олтмиш ой рўза тутганлик савобини ёзади. *(Ўша манба, 272-б.)*

БУ КЕЧАНИНГ ИЧИДАМИ?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қариндошлари Меърож кечаси у зотни кўролмагач, қидиришга тушдилар. Ҳатто, амакилари Аббос бир тепаликка чиқиб:

– Муҳаммад! Муҳаммад! – дея бақира бошлади.

Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– Лаббай, – дедилар.

– Эй биродаримнинг ўғли! Сен бизни бу кеча анча хавотирга солиб қўйдинг. Қаерда эдинг?

– Масжидул Ақсога бордим.

– Шу кеча ичидами?

– Ҳа. Шу кечанинг ичида бориб келдим.

– Ҳар ҳолда, бошингга фақат яхшилик келгандир, – деди амакилари.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– Менинг бошимга яхшиликдан бошқа ҳеч нарса келгани йўқ, – дея жавоб бердилар. *("Ислом тарихи" китобидан)*

РАМАЗОН ҲУРМАТИДАН

Бир куни саҳобалардан бири Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрадилар:

– Рамазон рўзасидан кейин қайси рўза фазилатлироқ?

Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай жавоб бердилар:

– Рамазонга ҳурмат учун Шаъбон ойидаги!

Саҳобий яна сўради:

– Қайси садақа афзал?

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– Рамазонда берилгани, – дедилар. *(Имом Термизий, Закот, 28-бет)*

САБАБИ НИМА?

Ҳазрат Ойша розияллоҳу анҳо бундай деганлар:

– Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Рамазондан бошқа бирор ойда тўлиқ рўза тутганларини кўрмадим. Бирор ойда Шаъбон ойида тутганлари қадар кўп рўза тутганларига гувоҳ бўлмадим.

Бу ҳол ҳазрат Усома розияллоҳу анҳунинг диққатини тортиб, у зотга савол берганлар:

– Ё Расулуллоҳ! Шаъбон ойида тутганингизчалик бошқа ойларда рўза тутганингизни кўрмаяпман.

Шунда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар:

– Бу Ражаб билан Рамазон орасида инсонлар ғафлатда қоладиган ойдир. Ваҳоланки, бу ойда амаллар Раббимиз даргоҳига кўтарилади. Мен рўзадор ҳолимда амалларим тақдим этилишини хоҳлайман. *(Имом Бухорий, Савм, 52; Имом Насоий, Савм, 70)*

ФАЗИЛАТЛИ КЕЧА

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат этадилар:

– Шаъбон ойининг ярми, яъни, Бароат кечаси киргач, кечасини намоз, кундузини рўза билан ўтказинг. Шубҳасиз, Яратган у кеча қуёш ботиши билан дунё осмонига тушади ва: “Мендан афв сўрайдиган йўқми, уни афв этайин! Ризқ талабидаги йўқми, унга ризқ берайин! Шифо сўрайдиган йўқми, шифо берайин!” дейди. *(“Сунан”, “Иқоматус солат”, 191)*

ШОКИР БАНДА

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Шаъбон ойининг ўн бешинчи кечаси кирганида, яъни, Бароат кечаси – ҳазрат

Ойша онамизнинг хонасида эдилар. Ётоқларида бир оз узанганларидан сўнг жимгина ўринларидан турдилар. Ойша онамиз розияллоҳу анҳо бир оздан кейин Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам турганларини сезгач, чироқни ёқмай, хона ичини пайпаслай бошлади. Иттифоқо, қўллари ул зоти бобаракотнинг оёқларига теккач, сажда ҳолатида эканларини билди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам саждадан бошларини кўтармас ва дуо қилар эдилар. Ҳазрат Ойша розияллоҳу анҳо Сарвари коинот соллаллоҳу алайҳи ва саллам нима деб дуо қилаётганларига қулоқ тутдилар. Дуодан сўнг Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна ибодатга турдилар. Бу ҳоллари тонггача давом этди.

Ҳазрат Ойша онамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оёқлари ибодатдан чарчагандир, дея ул зотнинг муборак оёқларини уқаладилар ва бундай дедилар:

– Ё Расулуллоҳ! Ота-онам йўлингизда фидо бўлсин. Яратган Сизнинг утган, келгуси гуноҳларингизни кечирган. Нега тонггача уйқусиз қолиб, ибодат қилмоқдасиз?

– Эй Ойша, Яратганга шукр қилгувчи банда бўлмайинми? Сен бу кечада нима бўлганини биласанми?

– Бу кечанинг бошқа кечалардан устунлиги нимада?

– Бу йили туғиладиган ҳар бола шу кеча дафтарга қайд этилади. Бу йил вафот этадиганларнинг номлари ушбу кеча махсус дафтарга ёзилади. Ҳар кимнинг ризқи тақсимланади. Бу кеча ҳамманинг қилган ишлари ва ибодатлари Тангрининг ҳузурига чиқарилади.

– Ё Расулуллоҳ! Ҳамма фақат Тангрининг раҳмати ила жаннатга киради, шундай эмасми?

– Сиз ҳамми?

– Мен ҳам Яратганнинг раҳматисиз жаннатга киролмайман. Ўзининг раҳматига чўмдирсагина кираман. *(Имом Бухорий ривояти)*

ФАРЗ БЎЛДИ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Мадинага ҳижратларининг ўн саккизинчи ойи бошларида қибла Каъбага томон ўзгарган эди. Шундан сўнг эса рўза фарз қилинди. Тангри таоло рўза мўминларга фарз бўлганини Бақара сурасининг 183, 184-оятлари орқали маълум қилди: "Эй имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз. Саноқли кунларда. Бас, сизлардан кимки бемор ёки сафарда бўлса, саноғи бошқа кунлардандир. Мадори етмайдиганлар зиммасида бир мискин кимсанинг (бир кунлик) таоми фидядир. Кимки ихтиёрий равишда зиёда хайр қилса (лозим бўлганидан ортиқ фидя берса), ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутишингиз (фидя бериб тутмаганингиздан) яхшироқдир".

МУБОРАК ОЙ

Ҳазрат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам рўза фарз қилинганидан сўнг, Рамазон ойи киришидан бир кун олдин мусулмонларга бундай хитоб қилдилар:

– Эй инсонлар! Улуғ ва қутлуғ бир ойнинг сояси устингизга келди. Бу ойда шундай кеча борки, минг ойдан яхшироқдир. Яратган бу ойда рўза тутмоқни фарз қилди.

Бу ойда бир яхшилик қилган киши бошқа ойларда бир фарз амал бажарган каби бўлур. Бу ойда бир фарз амал қилган кимса бошқа ойларда етмиш фарз адо этган каби бўлур. Рўза сабр ойидир, сабрнинг мукофоти эса жаннатдир.

Рамазон ўзаро ёрдамлашув ойидир. Бу ойда мўминнинг ризқи кўпайтирилади. Бу ойда ким бир рўзадорга ифтор қилиб берса, бу гуноҳларининг кечирилишига ва жаҳаннамдан халос бўлишига васила (сабаб) бўлади. Айни

пайтда, унга рўзадорнинг савоби қадар савоб берилади. Рўзадорнинг савобидан эса ҳеч нарса камайтирилмайди.

Шунда баъзилар:

– Ё Расулуллоҳ! Ҳаммамизда ҳам рўзадорга овқат бериш имкони йўқ, – дейишди.

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– Яратган бу савобни (меҳмон қилолмайдиган даражада йўқсил бўлганлар учун) рўзадорни қуруқ бир хурмо билан ёхуд бир қултум сув билан сийлаган ва қилдирганга ҳам беради, – деб марҳамат қилдилар.

Бу шундай бир ойки, бошланиши раҳмат, ўртаси мағфират ва охири дўзах оловидан қутулишдир. Бу ойда қул ва хизматкорларининг ишини енгиллатган кишини Яратган кечиради ва дўзах оловидан паноҳ беради. *("Ат-тарғиб", 11-б)*

ҲИЛОЛНИ КЎРДИК

Бир бадавий Рамазоннинг илк кунлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб:

– Мен ҳилолни кўрдим, – деди.

– Тангридан бошқа илоҳ йўқлигига иқрормисан? – сўрадилар Сарвари олам соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

– Ҳа.

– Эй Билол, одамларга эртага рўза тутишларини эълон қил, – дедилар Расули акрам. *(Имом Абу Довуд, Имом Термизий ривоятлари)*

ОЙ КЎРИНМАЙ ҚОЛДИ

Бир Рамазон ойи арафасида ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу бир гуруҳ мусулмонлар ойни кўриш учун бир тоғнинг тепасига чиқишди. Осмонга диққат билан қарай бошлашди. Ораларидан бири ҳаяжон билан:

– Эй Умар, ана ҳилол! – деди.

Ҳазрат Умар осмонга яна-да синчиклаб боқдилар, бироқ ҳилолни кўрмадилар. Ҳилолни кўрганини айтган одамга:

– Сен хаёлан кўраяпсан, шекилли. Йўқса мен осмонни сендан ҳам яхши кўриб турибман. Мен янги ойни кўрмаяпман, ахир. Қўлларингни ҳўллаб, юзингга сур, кейин осмонга яна бир бор қарагин-чи, – дедилар.

Ҳалиги одам қўлини ҳўллаб, юзига сурди, сўнг осмонга боқиб, ойни кўролмади.

– Эй мўминлар амири, энди ой кўринмай қолди, – деди.

– Ҳа, – дедилар ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу. – Сал олдин қошингнинг бир толаси эгилиб, кўзингнинг олдини тўсган эди. Ана ўша қош толаси сени чалғитди. *(Жалолиддин Румий, “Маснавийи маънавий”)*

РАМАЗОННИНГ ИЛК КЕЧАСИ

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ривоят қилишича, бир куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилдилар:

– Рамазон ойининг илк кечаси жаннатнинг барча эшиклари очилади ва ой давомида бир эшиги ҳам ёпилмайди. Жинларнинг (шайтонларнинг) катталари (ашаддийлари) боғланади. Осмондан бир вазифадор ҳар кечаси тонггача бундай нидо қилади: “Эй эзгулик қилган, давом эт ва хушхабарингни ол, эй ёмонлик истаган, (ёмонликдан) воз кеч ва уйғон”. *(Байҳақий, “Шуабул имон”)*

РЎЗА ТУТГАН ЧАҚАЛОҚ

Абдулқодир Жийлонийнинг отаси тушида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрган эди. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: “Эй Абу Солиҳ! Тангри

таоло бу кеча сенга комил ва даражаси юксак бир ўғил фарзанд эҳсон этди. У менинг ҳам фарзандим ва суюклигимдир", дея марҳамат қилдилар.

Абдулқодир туғилганида унда бошқа болаларда кўрилмаган ғайритабиий ҳоллар юз бера бошлади. Булардан бири Рамазон ойида бўлди. Абдулқодир саҳар вақти сутини эмганидан сўнг, кун бўйи ҳеч эммас, фақат ифтор пайти ҳамма оғиз очганида сут эмарди.

Ўша йили рамазон ойининг охирида ҳаво булутли бўлди. Шунинг учун осмонда ҳилол кўринмаган ва Рамазоннинг тугаб-тугамагани номаълум эди. Шунда қўшнилар онасидан Абдулқодирнинг ҳолатини сўрашди. Унинг сут эммаётганини билишгач, рўза тутишда давом этишди. *("Авлиёлар қомуси"дан)*

САҲАРЛИК

Бир куни Зайд дўстларига бир рамазон хотирасини гапириб берарди. Рамазон кечаларидан бирида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга саҳарлик қилганини, сўнгра намозга турганларини айтгач, у ердагилар:

– Овқатланиш билан ибодат қилиш орасида қанча вақт ўтди? – деб сўрашди.

Зайд бундай жавоб берди:

– Эллик оят ўқишга кетадиган вақт. *("Авлиёлар қомуси"дан)*

САҲАРЛИКДА БАРАКА БОР

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар:

– Бизнинг рўзамиз билан аҳли китобнинг рузаси орасидаги фарқ саҳарлик қилишдир. Саҳарлик қилинг, зеро саҳарликда баракот бор. ***(Имом Муслим, Имом Бухорий, Имом Абу Довуд ривояти)***

ИБОДАТДАН СЎНГ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рўза тутганларида ифтор вақти бўлса, бир неча янги хурмо билан оғиз очар эдилар. Агар янги хурмо бўлмаса, қуруқ хурмо билан очардилар. Қуруқ хурмо ҳам топилмаса, бир неча қултум сув ичардилар. Овқатни эса шом намозини ўқиганларидан сўнг ер эдилар. *(Имом Абу Довуд ривояти)*

УЛ ЗОТ ҲАМ ШУНДАЙ ҚИЛАРДИЛАР

Бир куни Масрук Ойша онамизга (розияллоҳу анҳо):

– Саҳобадан икки киши бор. Иккови ҳам яхшиликда бир-биридан қолишмайди. Бироқ улардан бири шом намозини ўқишда ва рўзасини очишда шошилади, иккинчиси эса шом намозини ҳам, ифторни ҳам кечиктиради, – деди. Ҳазрат Ойша:

– Шом намозини ўқишда ва ифторлик қилишда шошилгани қайси бири? – дея сўради.

Масрук:

– Абдуллоҳ, – деди.

Шунда Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо):

– Яратганнинг расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам шундай қилардилар, – деди. *(Имом Муслим ривояти)*

БЕШ ГЎЗАЛЛИК

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни саҳобаларга бундай дедилар:

– Рамазон ойида умматимга бошқа бирор пайғамбар умматига берилмаган беш фазилат берилди: Рамазоннинг илк кечаси кирганида Яратган бандаларига (раҳмат назари ила)

қарайди. Кимга бундай қараса, унга асло азоб бермас; рўзадор бўлганлари ҳолда чанқаганларида, уларнинг оғизларидан чиқаётган ҳид, мушки анбар ҳидидан хушбўйроқдир; кечаю кундуз фаришталар улар ҳаққига истиғфор айтишади; Тангри жаннат (аҳли)га: "Бандаларим учун безанинг ва тайёргарлик кўринг. Бандаларим яқинда дунё ғам-ташвишларидан қутулиб, Менинг уйим ва марҳаматимда истироҳат қилишади", дея хитоб қилади; Рамазоннинг охирги кечаси кирганида эса Тангри таоло уларнинг ҳаммасини мағфират қилади.

Жамоадан бир киши:

– У кеча Қадр кечасими? – деб сўради.

– Йўқ, ишчилар ишларини тугатишгач, уларга ҳақи берилишини билмайсизларми? – деб марҳамат қилдилар Сарвари олам соллаллоҳу алайҳи ва саллам. *(Байҳақий, "Шуабул имон")*

РАҲМАТ ДУОСИ

Усома нафл рўзаси тутган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келгач, ул зотга таом берди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга:

– Сен ҳам е, – дедилар.

Усома:

– Мен рўзадорман, – деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар:

– Рўзадор одам бировга таом берса ва унинг таомидан бошқалар еса, фаришталар рўзадорга раҳмат тилаб дуода бўлишади.

Бошқа бир ривоятда эса бундай дейилган: "Рўзадорнинг ёнида рўза тутмаганлар овқатланса, фаришталар рўзадорга раҳмат ўқиб туришади". *(Имом Термизий ривояти)*

ШАЙТОННИНГ МАКРИ

Рамазон кунларидан бирида Абдулқодир Жийлоний ҳазратлари ва дўстлари бир чўлдан ўтишарди. Рўза тутганлари учун чанқоқ ва очликдан ҳолсиз эдилар. Шунга қарамай, йўлларида давом этишарди. Шу аснода рўпараларида ёруғ бир нур кўринди ва бундай овоз берди:

— Мен сизнинг улуғ Раббингизман. Рамазонда еб-ичиш сизга ҳаром, аммо ҳозир сизга еб-ичишни ҳалол қилдим. Енглар, ичинглар.

Бу ҳайратомуз ҳолат қаршисида ҳаяжонга тушган баъзилар дарҳол сув идишлари ва егуликларига қўл узатишди. Худди шу пайт Абдулқодир Жийлоний дўстларини огоҳлантирдилар:

— Асло рўзаларингни оча кўрманглар!

Овоз келган томонга юзланиб:

Шайтон ўзини чиройли кўрсатиб, уларни алдашга уринган, аммо тезда миси чиққан эди. *(“Ислом Қомуси”, Жийлоний боби).*

СИЗ УЧУН БАРДАМЛИКДИР

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижратнинг саккизинчи йили Рамазон ойида ўн минг кишилик мусулмонлар қўшинининг бошида, Мадинадан Макка томон борардилар. Қўшиндагилар рўза тутишган эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Рўзасини тутмоқчи бўлганлар тутсин, очмоқчи бўлган очсин, — дедилар. Бироқ ул зотнинг ўзлари очмаганлари учун мусулмонлар ҳам очишмади.

Пайғамбаримиз Арж деган жойга келиб, жуда чанқадилар ва муборак юзларини ювдилар.

Мусулмонлар яёв ва уловда Ғамим деб номланувчи жойгача етиб келдилар. Шунда баъзи кишилар:

– Ё Расулуллоҳ! Рўза тутиш ансорларга оғир кела бошлади. Ҳамма Сизнинг нима қилишингизни кутмоқда, – дейишди.

Иттифоқо, Пайғамбаримиз аср ибодатидан сўнг Қудайдга келгач, улов устида эканлар, бир идишда сув келтирдилар. Идишни ҳамма кўрадиган ҳолатда кўтариб ичдилар – рўзаларини очдилар. Мусулмонларга ҳам рўзаларини очишларини буюрдилар.

Мусулмонлардан баъзилари рўзасини очиб, биъзилари очмай давом эттиргани ҳақидаги хабар етказилганида, Расули акрам:

– Улар буйруққа итоат этишмади! Сиз эрта тонгда душманларингиз билан юзма-юз келасиз. Рўзани очиш сиз учун тетиклик (бардамлик)дир, – деб марҳамат қилдилар. *("Ислом тарихи", 3-жилд, 145-бет)*

НИМА ГАП?

Бир сафарда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир неча одамлар бир одам атрофида йиғилишганини кўриб:

– Нима гап, тинчликми? – дея сўрадилар.

– Рўза тутганлардан бири бу одам, эй Тангрининг пайғамбари, – дейишди.

– Сафарда рўза Аллоҳни мамнун қиладиган диндорлик эмас, – дедилар Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам. *(Бухорий ривояти)*

УЧ КИШИНИНГ ДУОСИ

Уч киши бор, дуолари рад этилмайди: ифтор пайти рўзадорнинг дуоси, одил давлат раҳбарининг дуоси, зулм ва ноҳақликка учраган кимсанинг дуоси.

Бу дуолар булутлар устига чиқиб, уларга осмон эшиклари очилади ва Аллоҳ таоло айтади:

– Иззатим ҳаққи, ҳикмат сабабидан бир оз кеч бўлса ҳам, албатта, унга ёрдам бераман. *(Ибни Можа "Сунан"и, 1815-ҳадис)*

ИФТОР ПАЙТИ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: "Рўзадорнинг қилган дуоси рад этилмайди".

Пайғамбаримиз ифтор асносида ушбу дуоларни ўқирдилар: "Эй, Тангрим! Сенинг розилигинг учун рўза тутдим. Сен берган ризқ ила рўзамни очдим. Сенга суяндим. Сенга имон келтирдим. Рамазон ойининг эртанги рўзасини тутишга ният қилдим. Менинг олдинги ва келгуси гуноҳларимни кечиргин.

Сенинг розилигинг учун рўза тутдим. Сенинг ризқинг-ла рўзамни очдим. Эй мағфирати мўл Раббим! Мени, ота-онамни ва барча мўминларни Ҳисоб кунида мағфират айла". *(Ибни Можа "Сунан"и, 1753-ҳадис)*

КИМ НИМА СЎРАСА

Рамазоннинг ҳар кечаси бир фаришта бундай овоз беради:

– Эй яхшилик қилганлар! Яхшиликда давом қилинг ва ажрингизни олинг. Эй ёмонлик истаганлар. Бас, етар энди, ёмонликдан тўхтанг, кўзингизни очинг!

Кейин фаришта яна бундай дейди:

– Яратган кечиришини истаган бир киши бўлса, кечирилади. Тавба қилувчи бор бўлса, тавбаси қабул бўлади. Дуо қиладиган киши бўлса, дуоси қабул этилади. Ким Яратгандан нимани сураса, истаги ижобат қилинади. *(Кандеҳлавий, "Фазоилул аъмол", 327-бет)*

БУ ИККИ КУН ҚАНДАЙ КУН?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида халқ шодиёна қиладиган икки байрам бор эди.

Улар: “Биз исломиятдан аввал бу кунларда хурсандчилик қилардик”, дейишди.

Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– Яратган бу икки байрамингиз ўрнига яна-да яхшироғини – Қурбон ва Рамазон байрамларини ҳадя этди, – дедилар. *(Имом Абу Довуд, Солат, 245; Имом Насоий, Ийдайн, 1–179)*

РЎЗАДОР БЎЛГАНИМДА

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам душанба ва пайшанба кунлари рўза тутардилар. Ул зотдан:

– Ё Расулуллоҳ! Сиз душанба ва пайшанба кунлари рўза тутяпсиз, бунинг ҳикмати нима? – деб сўрашди.

Набийлар набийси соллаллоҳу алайҳи ва саллам жавоб бердилар:

– Душанба менинг туғилган куним ва пайғамбарлик берилган (ёки менга ваҳий келган) кундир. Амаллар душанба ва пайшанба кунлари тақдим этилади. Мен амалим рўзадор эканимда берилса, хурсанд бўламан. Яратган душанба ва пайшанба кунлари бир-бирлари билан аразлашганлардан ташқари барча мусулмонларнинг гуноҳларини кечиради ва (амалларни тақдим этувчи фариштага): “Аразлаган бу икки киши ярашгунча уларни қўйиб тур”, деб буюради. *(Имом Муслим, Сиём, 197; Имом Термизий, Савм, 44)*

ТЎЛИНОЙ КУНЛАРИ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ой чиқиб, атрофни яхшилаб ёритадиган, яъни ойнинг 13-, 14- ва 15-кунлари албатта рўза тутардилар. Бу кунлари ой тўлин бўлади. Тўлиной пайтида дунё, ой ва қуёш бир хил йўналишда бўлганидан ойнинг тортиш кучи ортади ва инсон вужудидаги сув миқдори 60 фоизга ошади. Натижада, жисмоний ва руҳий

ўзгаришлар баъзи инсонларда жиноят қилишга мойиллик ҳиссини орттиради. Бундай пайтларда инсонни гуноҳдан сақлайдиган энг яхши ибодат рўзадир. *(Имом Насоий ривояти)*

ЯРАТГАНГА ЭНГ СЕВИМЛИ ИБОДАТ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Зулҳижжа ойининг илк ўн кунида, яъни, Қурбон ҳайитигача рўза тутардилар. Бир куни бундай деб марҳамат қилдилар:

— Зулҳижжанинг ўн кунида қилинган ибодат Тангри учун энг севимли ибодатдир! Яратган Арафа куни, яъни, Қурбон байрамидан бир кун олдин тутилган рўзани, ўша кундан олдинги бир йил билан ўша кундан кейинги бир йил содир этиладиган гуноҳларга каффорат қилишига ишонаман! *(Абу Лайс Самарқандий, "Танбеҳул ғофилин")*

БУТУН ЙИЛ РЎЗА

Бир куни Яратганнинг расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар:

— Рамазон рўзасини тутган ва Шаввол ойида яна олти кун рўза тутган киши бутун йилни рўза тутиб ўтказгандай бўлади. *(Имом Муслим, Сиём, 204)*

АШУРО РЎЗАСИ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага ҳижрат қилгач, яҳудийларнинг Ашуро куни рўза тутишларини кўрдилар.

— Бу нима? — деб сўрадилар.

Улар:

— Бу улуғ, хайрли кундир. Бу кун Яратганнинг Мусони ва Исроил ўғилларини душманларидан қутқарган, Фиръавн ва одамларини сувга чўктирган, Мусо (алайҳиссалом) эса бунга шукрона сифатида рўза тутган кундир. Шунинг учун бугун рўза тутамиз, — дедилар.

Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Мен Мусога (алайҳиссалом) ва унинг рўзасини тутишга сиздан кўра яқин ва лойиқроқдирман, — дедилар.

Ашуро куни рўза тутишни ҳам ўзлари давом эттирдилар, ҳам мусулмонларга буюрдилар. Аммо Рамазон рўзаси фарз қилингач, Ашуро куни рўза тутиш-тутмаслик мусулмонлар ихтиёрига қўйиб берилди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Ашуро куни рўза тутгиси келган тутсин, хоҳламаганлар тутмасин, — дедилар. *(Байҳақий ривояти)*

МЕЪЁР ЯХШИ

Бир куни саҳобалардан Боҳилий Пайғамбаримизнинг ёнларига келиб:

— Ё Расулуллоҳ! Мени танидингизми? — деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Сен кимсан? — дедилар.

У киши:

— Бир йил олдин сизнинг зиёратингизга келган Боҳилийман, — деди.

Ул зот унинг озиб кетганини кўриб, хавотир билан сўрадилар:

— Сени бунчалар ўзгартирган нима? Олдин жуда яхши кўринардинг!

Боҳилий:

— Сиздан айрилганимдан бери кунларимни рўза тутиш билан ўтказдим, — деди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Ўзингга азоб берибсан! Сабр ойини (Рамазон) тўлиқ, қолган ойларнинг бир кунини рўза билан ўтказ, — деб марҳамат қилдилар.

Боҳилий:

— Бу сонни орттиринг. Менинг кучим бундан кўпроғига етади, — деди.

Ул зот:

— У ҳолда ҳар ойда икки кун рўза тут, — дедилар.

Боҳилий:

— Яна орттиринг, — деди.

Ул зот:

— Майли, ҳар ойда уч кун, — дедилар.

Боҳилий:

— Яна орттиринг, — деди.

Шунда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Ражаб, зулқаъда, зулҳижжа ва муҳаррам ойларида уч кундан рўза тутиб, тўхтат, яна уч кун рўза тутиб, тўхтат, яна уч кун тут ва тўхтат, — деб марҳамат қилдилар. *(Имом Абу Довуд, Савм, 55)*

УМР БЎЙИ РЎЗА

Бир куни саҳобалардан бир гуруҳи нажот топиш мақсадида баъзи ишлар қилишини айтишди. Жумладан, кундузлари доим рўза тутиш, кечалари ибодат қилиш, ётоқда ётмаслик, гўшт емаслик, уйланмаслик хусусида бир фикрга келишишди.

Шундай қарор қилган бу гуруҳ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларига келиб, ул зот қандай ибодат қилишларини сўрашди. Тегишли жавобларни олгач:

— Расулуллоҳ ким, биз киммиз? Яратган ул зотнинг олдинги ва кейинги барча гуноҳларини кечирган. Шу сабабдан ул зотга кам ибодат ҳам етади, — дейишди.

Шунда ораларидан бир киши:

– Мен энди умр бўйи ҳар кеча ибодат қиламан, – деди.

Яна бири:

– Мен ҳам ҳаётим давомида фақат рўза тутаман, – деди.

Кейин уларнинг бундай гаплашганларини билгач, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларни топиб:

– Сизлар шундай дебсизлар. Яратгандан энг кўп қўрқадиганингиз ва ман қилинган ишлардан энг кучли сақланадиганингиз менман. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам, уйланаман ҳам, рўза ҳам тутаман. Менинг суннатим шу, ким суннатимдан юз ўгирса, мендан эмас, – деб огоҳлантирдилар.

Бу ўгитдан саҳобалар бундай тарздаги ҳаётдан воз кечишди. *(Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Насоий ривоятлари)*

ЭНГ ОЛИЙ РЎЗА

Бир кун рўза тутиб, бир кун тутмаслик маъносидаги "савми висол" ҳазрат Довуддан (алайҳиссалом) бу умматга қолган ибодат. Шу боис бу рўза "Довуд рўзаси" ҳам дейилади.

Абу Муҳаммаднинг бундай деганлари ривоят қилинади:

– Умримни охиригача кундузлари рўза тутаман, кечалари ибодат қиламан, деб қасам ичганимни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтишибди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мендан: "Шундай деган сенмисан?" деб сўрадилар. Мен: "Ҳа, мен айтдим, ота-онам Сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ", дедим. Шунда у зот: "Бунга кучинг етмайди! Баъзида рўза тут, баъзан е, баъзан ухла, баъзан (таҳажжуд) учун тур! Ҳар ойда уч кун рўза тут! Бир яхшиликнинг эвази (мукофоти) ўн баравардир. Бу бир йилни рўза билан ўтказганга ўхшайди", деб марҳамат қилдилар. Мен: "Бундан ҳам кўпроғини қила оламан", дедим. "У ҳолда бир кун рўза тут, икки кун ифтор қил", деб айтдилар. "Бундан ҳам

ортиғини қила оламан”, дедим. “Унда бир кун рўза тут, бир кун тутма! Бу Довуднинг рўзасидир ва рўзаларнинг энг олийсидир”, дедилар. Мен: “Бундан ҳам ортиғини қила оламан”, дедим. “Бундан ортиғи бўлмайди”, дедилар Сарвари олам соллаллоҳу алайҳи ва саллам. *(“Риёзус солиҳийн”, 3-жилд, 368–369-бетлар)*

АЛЛОҲНИНГ РАСУЛИ ҲАЙИТДА

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ҳайитига бирор нарса еб чиқар эдилар. Қурбон ҳайитида эса ибодат қилгунга қадар рўзадор каби ҳеч нарса емас эдилар. Қурбон ҳайити намозини ўқиб, уйга қайтгач эса, қурбонлик ҳайвони гўштидан ер эдилар.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари очиқ, кенг ва текис майдон – “Мусалло” деб аталувчи жойга келардилар...

Намоз ўқиладиган жойга борарканлар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида ҳазрат Билол розияллоҳу анҳу бир найза олиб юрар, уни намозгоҳнинг қибла тарафига тарафига қадаб қўярди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам найза тўғрисида туриб ҳайит намозини ўқиб берардилар.

Сўнгра ҳамма жойида ўтирар, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўринларидан туриб, мусулмонларга панд-насиҳат қилардилар.

Мусаллодан қайтишда эса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам келган йўлларидан эмас, бошқа йўлдан юрар эдилар. *(“Пайғамбаримиз ва Ислом дини” китобидан).*

НАСУҲНИНГ ТАВБАСИ

Қадим замонда Насуҳ деган бир одам яшаб ўтган. Насуҳ аёллар ҳаммомида узоқ йиллар ходим бўлиб ишлайди, ҳеч ким унинг эркак эканини пайқамайди. Юзида соқол-мўйлови йўқ, овози ҳам аёлларникига ўхшарди. У бемалол аёллар ёнига борар, тегишар, айримларнинг "кўнглини овлаб" йўлдан ҳам урарди. Ишига моҳир бўлганидан талабгори кўп эди. Ҳатто, маликаларни ҳам ходимлик қилиб, ювинтириб қўярди.

Орадан йиллар ўтгач, Насуҳ бу иши гуноҳ эканлигини англаб, тавба қилди. Бироқ, тарки одат амри маҳол бўлди – тавбасига содиқ қололмади. Бу ҳол бир неча бор такрорланди. Бир куни Насуҳ дўстларидан бирининг ҳузурига бориб, ҳолини англатиб:

– Ҳаққимга дуо қилинг, – деб ўтинди. Яратганнинг валий қули унинг ҳаққига холис дуо қилди.

Насуҳ бир куни ҳаммомда одатдаги хизматини ўтаётганида маликанинг қимматбаҳо марвариди йўқолиб қолгани маълум бўлди. Ҳаммом эшиги тамбалланиб. Марваридни қидиришга тушилди.

Бироқ марварид топилмади. Яна синчковлик билан қидира бошлашди.

– Кексаю ёш – ҳамма онадан янги туғилган каби ечинсин, текширилади, деб огоҳлантирилди.

Насуҳ қўрқувдан бир чеккага ўтириб олди. Юзи докадай оқариб, лаблари титрарди. Ўлим қўрқуви бутун вужудини ўраб олганди. Ҳа, ниҳоят, унинг миси чиқадиган бўлди!

Беихтиёр бундай деди:

– Ё Раббий. Неча бор тавба қилдим, бироқ тавбамга содиқ қололмадим. Менга сўнгги бор имкон бер. Мени бу балодан, шармандаю шармисор бўлишдан қутқар. Онт ичаман – барча гуноҳларимга тавба қилдим...

Бир бошдан текширишга киришилди. Навбат Насуҳга келган, қутулиш имкони йўқ эди. Шунда хизматчи аёлнинг:

– Марварид топилди! – деган хитоби эшитилди.

Насуҳни текширишга ҳожат қолмаган эди. Насуҳ шарманда бўлишдан, ўлимдан омон қолди. Марварид топилгани учун ҳамма хурсанд эди. Ҳамманинг кўнгли жойига тушгач, Насуҳга:

– Эй моҳир ходим, малика сени чақиряпти, ювинтир, – дейишди.

Насуҳ худди таклифни эшитмагандай, ҳаммомдан чиқиб кетди. Қайтиб тавбасини бузмади. *("Маснавий", 5-жилд, 2225-байт)*

Тавба қилдим, бузмагаймен,
Бўлмагунча токи жон тандин жудо.

Шарҳ

Баъзилар "Маснавий"да мустаҳан, яъни очиқ-сочиқ ҳаёсизликка яқин ҳолатлардан сўзловчи ҳикоялар ҳам борлигини, шундай китобга бу ярашмаслигини айтишади.

Ҳа, "Маснавий"да шундай ҳикоялар бор. Аммо уларда баён услуби ва меъёри шундай белгиланганки, мақсад шаҳватни жунбишга келтириш эмас, балки ҳикоядан мурод хайрли ибрат олиш экани аён бўлади. Ҳикоялар насиҳат тарзида, таъсирчан ҳикматли сўзлар воситасида баён этилади.

Ушбу ҳикоялар ҳикмат пардасига ўралган. Ҳикоядан гўзал ҳикматли сўзлар ва ўгитлар жой олганки, инсон уни ўқиркан, мазмундан кўра мақсад кўпроқ ойдинлашиб, шаҳватдан кўра ҳаё устунлашади.

Жинсий ҳаёт чиндан ҳам қизиқарли мавзудир. Таълим-тарбия, ибрат учун меъёрида қўлланиши мумкин. Мавлоно Румий ҳам шу услуб билан айтмоқчи бўлган насиҳатини янада таъсирлироқ қилишга эришган.

* * *

Ушбу ҳикояда чин, самимий тавба қандай бўлиши кераклиги тиниқ мисол орқали баён этилган.

Оятдаги "насуҳ" сўзининг маъноси тафсирларда батафсил тушунтирилади. "Насуҳ" сўзи – самимий ва покиза қалб ила қилинган, жиддий, холис каби маъноларни ташийди. Ҳаққа қайтиб, юраги ёниб, хато ҳаракатини, гуноҳини қайта такрорламасликка қатъий қарор қилишни ифодалайди.

Бундай залворли маънони зеҳнларга чуқур сингдириш учун Румий ҳазратлари ушбу ҳикояга мурожаат қилган. Астойдил қилинган тавба маъносидаги "насуҳ" сўзини бир шахснинг исми, ҳикоя қаҳрамони сифатида қаламга олган.

Ҳикояда тасвирланган манзара шу қадар таъсирлики, уни ўқиган киши пировардида ҳақиқий тавба нималигини англайди.

Тавбайи насуҳ қилинган қабоҳатлар, гуноҳ ишлардан, Яратган рози бўлмаслиги учун воз кечмоқ ила бўлади. Яратгандан уялиб, ҳаё қилиб, пушаймон бўлиб, ичи ёниб ва қаттиқ изтироб тортиб гуноҳларни ташламоқ ила бўлади. Бу қабоҳатни (гуноҳни) қайта бор қилмасликка азм этиб, ҳеч бир сабаб билан уни такрорламаслик ила бўлади.

Жаноби Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир саҳобий: "Эй Аллоҳнинг расули, насуҳ тавбаси нима?" деб сўради. Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) жавоблари бундай бўлди: "Кишининг содир этган гуноҳлари учун пушаймон бўлиб ва мағфират сўраб, сўнгра сут кўкракка қайтмагани каби гуноҳга қайтмаслигидир" *("Ҳақ дини Қурьон" тафсири, VIII жилд).*

Мавлоно ҳазратлари айтадилар: "Тавбага бир ёруғлик керак, тавбага бир чақмоқ, бир булут шарт. Кўнгил чақмоғи ила икки кўз булути бўлмагач, яъни, кўзёши тўкмагач, таҳдид ва ғазаб оташи қандай ўчсин?"

Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонида Фарҳоднинг кўзёши ила ғусл қилганини айтади.

* * *

“Тавба” сўзнининг луғавий маъноси “қайтиш” демакдир. Гуноҳдан яхшиликка қайтишни ифодалайди. Яратганнинг бизга лутф ва марҳамати сўнгсиздир. Сўнгги нафасга қадар тавба қилиш имкони бор. Ҳадисларда қиёмат келгунига қадар тириклардан тавбанинг қабул бўлиши билдирилади. Бунга ишора этиб, Мавлоно бундай дейди: “Тавбанинг ғарб томонда бир эшиги бор, қиёматга қадар очиқдир. У қуёш ғарбдан чиққунигача очиқдир, у эшикдан юз ўгирма!”

Тавба банданинг бандалигини ҳис қилиши ифодасидир. Инсон фақат ўзи буюк деб билган, ҳурмат қилган зот олдида узр сўрайди, афв тилайди. Тавба имонли инсонларнинг феълидир.

Бандаси хатосиз бўлмайди, муҳими – бу хатода доимий бардавом бўлмаслик. Охиратда банда ҳақи ва ширкдан бошқа барча хато кечирилади. Мавлоно айтади: “Юз бора тавбангни бузган бўлсанг-да, яна кел”. Умидсизланма, юз биринчи марта тавбага ният қил. Тавба сўнгги нафасгача қабул бўлади.

* * *

“Маснавий”да баён этилаётган тавбанинг аҳамиятини, моҳиятини англаш учун Бобараҳим Машрабнинг ушбу муҳаммасига эътибор қаратсак:

Кимки толибдур, анинг ганжи ниҳони тавбадур,
Англағил, мулки баданнинг посбони тавбадур,
Зиндаларнинг барҳо жисмида жони тавбадур,
Бандаларнинг равнақи, дину, имони тавбадур,
Жумлайи шоҳу гадонинг соябони тавбадур.

Тавбани оғзингга олсанг, зарра қолмасдур гуноҳ,
Ҳар гуноҳинг бўлса, афв этгай ани ул Подшоҳ,

Чун Насуҳнинг тавбасин Қуръонда ёд этти Илоҳ,
Тавбадин айрилса ҳар ким, бил, тополмас ҳеч роҳ,
Жумлайи шоҳу гадонинг соябони тавбадур.

Тавба бир дарё эрур, моҳи анинг жўяндалар,
Тавбанинг дарёсида покизадур шармандалар,
Гарданини ҳам қилур бу йўлда сарафкандалар,
Бу сабабдин тавбага майлонду(р) содиқ бандалар,
Жумлайи шоҳу гадонинг соябони тавбадур.

Тавбасиз тоатни Холиқ қилмади ҳаргиз қабул,
Тавбадин қочган кишилар топмади даргоҳга йўл,
Тавбани мўминга фарз этди Тангри бирлан Расул,
Токи жонинг бордурур, тавбанинг йўлида бўл,
Жумлайи шоҳу гадонинг соябони тавбадур.

Тавба қилгин сан топай десанг Сулаймондек нигин,
Тавба қилгин, тавбалик халқларга бўлгин ҳамнишин,
Карвон кетти, жадал қилгил, бу йўлдин қолмагин,
Тавба фармонларнинг ҳаргиз ёнидин айрилмагин,
Жумлайи шоҳу гадонинг соябони тавбадур.

Ҳар нафас толибгадур гўёки юз минг Маҳшаре,
Бебаҳо ноёбдур билсанг, бу умрнинг гавҳари,
Айтиб ўтди бизга шундоқ Аршнинг Пайғамбари,
Тавбалик халқларни тупроғига бўлғил муштарий,
Жумлайи шоҳу гадонинг соябони тавбадур.

Тавбани ҳаргиз қўлунгдин бермагил, олий мақом,
Дину имонли азизлар тавбадин топти низом,
Тавбасиз халқлар эрур монанд аспи белижом,
Йўлга киргил, тавбани кўнглунгга нақш этгил мудом,
Жумлайи шоҳу гадонинг соябони тавбадур.

Машрабо, ҳар соате сан тавбани такрор қил,
Банда бенуқсон эмасдур, кунда истиғфор қил,
Оби ҳасратдин дийдангни ҳар замон хунбор қил,
Бир гуноҳнинг устида тавбангни минг изҳор қил,
Жумлайи шоҳу гадонинг соябони тавбадур.

* * *

Умар Форуқ сайдо ал-Жазарий – Нақшбандий ҳазратлари тавбанинг қабул бўлиши учун баъзи шартлар мавжудлигини таъкидлайдилар.

Биринчидан, аввало, қилинган гуноҳларни эътироф этиб, пушаймон бўлиш. Бу пушаймонлик, афсус-надоматни қалбан ҳис этиш ва қайта бу гуноҳларга қайтмасликка азм қилиш.

Иккинчиси, қазо бўлган намозлар бўлса, жуда қисқа фурсатда қазосини ўқиш, тутилмай қолган рўзаларни адо этишга ҳаракат қилиш.

Учинчиси, зиммада бировларнинг ҳақи бўлса, ундан қутулиш керак бўлади. Тилимиз билан кимгадир озор етказган ёки кимнидир ғийбат қилган бўлсак, ўша одамни топиб, ундан кечирим сўраш, кўнглини ҳушнуд қилиш лозим. “Эй биродар. Бир пайтлар сен ҳақингда шундай-шундай номақбул гапирдим, сенинг ҳақингда тажовуз қилдим. Энди пушаймонман. Тавба қилдим. Аллоҳ розилиги учун мени кечир...”, деб ундан розилик олиш керак.

Тавбамизнинг барқарорлиги, давомийлиги учун ғайрат қиламиз, айни пайтда яна баъзи нарсаларга диққат этамиз. Масалан: маъсият (гуноҳ қилувчилар) давраларидан узоқ юриш, ундай жойларга бормаслик керак. Нафс ва шайтон биз билан бирга. Агар у ерга борсак, бу икки душман бизни алдаб қўйиши, гуноҳга бошлаши мумкин.

Зеро, ҳикоядаги Насуҳнинг тавбасини неча марталаб бузишига, тавбасида собит, содиқ қололмаслигига у яшаётган

муҳит ҳам таъсир қилаётган эди. Нафс ва шайтон қутқуси яна-да кучли бўлиб, ишини унга жозибали кўрсатаётган эди. Ниҳоят у сўнгги таклифни кескин рад этишга ўзида куч топди. Гуноҳи уни икки дунё ҳалокатига олиб бораётганини сезди, аниқроғи бу ҳақиқат унга кўрсатилди. Бу меҳрибон Яратганнинг Насуҳга лутфи эди. Бундай лутфга сазовор бўлган кимсанинг қайта бор гуноҳга қўл уриши, тавбасини бузиши инсофсизликдир, ношукрликдир.

* * *

Яхшиликнинг мезонлари кўп. Шоиримиз Фозил Зоҳид тавбага шошилмоқни яхшиликнинг асосий мезони дейди:

Яхшилик қил, жаннатга бўлсанг муштоқ,
Пеша айла савобга савоб қўшмоқ.
Яхшиликдан дарак – тавбага шошмоқ,
Адашган бўлса, тўғри йўлга тушмоқ.

* * *

Насуҳ тавбанинг баракоти, аҳамиятини ушбу ривоят янада кенгроқ ифодалайди.

Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади:

“Бир кун бир аёл олдимга келиб:

– Мен ҳам зино қилдим, ҳам зинодан туғилган боламни ўлдирдим. Энди шу гуноҳимдан тавба қилсам бўладими? – деб сўради.

– Сен учун тавба йўқ! Яратган кўзингни кўр қилсин, ҳеч бир қулайлик бермасин – дедим мен аёлга.

Шундан сўнг аёл йиғлаб, тиззаларига уриб чиқиб кетди. Эртаси куни бомдод намозини ўқиб бўлгач, бу воқеани айтган эдим, Жаноби Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Сен аёлга нақадар ёмон жавоб берибсан. Сен ахир "Улар Яратган билан бирга бошқа бир илоҳга илтижо қилмаслар ва Яратган (ўлдиришни ҳаром қилган) бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлардан биронтаси)ни қилса, уқубатга дучор бўлур. Қиёмат кунида унинг учун азоб бир неча баробар қилинур ва у жойда хорланган ҳолда мангу қолур. Магар ким тавба қилса ва имон келтириб, яхши амаллар қилса, бас, Тангри яна ўшаларни ёмонлик-гуноҳларини яхшилик савобларга айлантириб қўйур. Тангри мағфиратли, меҳрибон Зотдир" *(Фурқон, 68-70)* мазмунли оятларни ўқимаганмидинг? – дея марҳамат қилдилар.

Шундан сўнг дарҳол аёлни чақиртириб, унга бу оятларни ўқиб бердим. Аёл севинганидан ўша заҳоти сажда қилди ва:

– "Менга қутулиш эшигини очганга беадад ҳамду санолар бўлсин", – деди. *("Қалбимизнинг нури", Тошкент, "Истиқлол", 2003, 10 – 11-бетлар)*

Демак, сидқидилдан, кўзда ёш, қалбда илтижо ила қилинган тавбайи насуҳ туфайли гуноҳлар кечирилибгина қолмасдан, ҳатто савобга айлантирилар экан. Ҳа, бу шубҳасиз тенги йўқ меҳрибонлик, улуғ неъматдир.

Жалолиддин Румий ҳазратлари ана шундай улуғ лутф-эҳсонни бошқалар билан баҳам кўрмоқчилар.

Меҳрибон Зот умид бирла кўтарилган қўлларни бўш қайтармайди:

Умид бирла кўтарибмиз билакни,
Тангрим, қабул айла тилакни. *(Сўфи Оллоёр)*

Яратган таборака ва таоло гуноҳи кечирилишини сўраб, тавба-истиғфор қилаётган бандасининг гуноҳини кечирмасликка ҳаё қилиши мўтабар манбаларда айтилган. Ушбу ҳолат Саъдий Шерозийнинг "Гулистон"ида қуйидагича баён этилади:

“Ҳар вақтки, аҳволи паришони гуноҳкор бандаларидан бири тавба ва ружуъ қўлини қабул бўлур умиди билан даргоҳи самадониға кўтарса, унга илтифот этмас эса, яна ул банда талаби мағфират қилсин, иккинчи марра (марта) эъроз айлар эса, яна тазарру ва фиғон билан талаби мағфират этсин. Сўнгра Тангри айтур: “Эй фаришталарим, батаҳқиқ, бандамдан ҳаё қилдим. Ваҳоланки, у бандамнинг мендан бошқа маъбуди йўқдир. Бас, батаҳқиқ ман уни мағфират этдим, яъни, ул бандамнинг дуосини қабул айладим ва мақсудини ҳосил қилдим. Зеро, бандамнинг кўп дуою фарёдидан уялурман”.

Байт:

Карам бин ба лутфий Худовандгор,
Гуноҳ банда кардаст-Ў шармсор –

Боқ караму лутфи Яратганни бил,
Банда гуноҳ қилгучидир – Ул хижил

(Саъдий Шерозий”. Гулистон” Мулло Муродхўжа таржимаси, Тошкент, ЎзФА “Фан”, 2005, 15-бет)

* * *

Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари ичида тавбанинг бадиий талқини акс этган назм жавоҳирлари кўп. Ҳазиний ғазалига Ғарибийнинг ушбу муҳаммаси Жалолиддин Румий ҳазратлари ҳикояларидаги мазмунни, моҳиятни теранроқ англашимизга ёрдам беради:

Дилимни муниси аҳли ҳидоят қилмасам бўлмас,
Ўзимни ходими соҳиб дироят қилмасам бўлмас.
Миниб ҳиммат отин тарки фароғат қилмасам бўлмас,
Гуноҳга тавба айлаб, эмди тоат қилмасам бўлмас,
Хатою маъсиятларга надомат қилмасам бўлмас.

Эшитмай ҳақ суханни ўтти умрим гўши карликда,
Тижорат суди ўрнига ҳама кони зарарликда.
Етиб вақти қарилик кору борим бесамарликда,
Абас ўтди йигитлик, сад дариғо, бехабарликда,
Ғаниматдир, тирикликда риёзат қилмасам бўлмас.

Ётурмиз кеча-кундуз хоби ғафлат бирла бепарво,
Гуноҳим кўп эрур йўқ тоат этмоқ ҳиммати асло.
Нетурман тоатим йўқтур табаҳ иш кўп менда аммо,
На юз бирла борурмиз туҳфасиз Ҳақ қошиға фардо,
Ҳаётим борича энди ибодат қилмасам бўлмас.

Гуноҳ бирла ўтуб умри азизим йўқ пушаймоним,
Топиб тавфиқи тавба бирла ўтсам йўқдур армоним.
Тазарруъда, надоматда чиқарсам оҳу афғоним,
Сулуким қодирия, раҳбаримдур пиру пироним,
Саҳарлаб зарби ибодатни одат қилмасам бўлмас.

Жафо жонимга қилдим, маъсият қайдини беркитдим,
Агарчи яхши сўзларни жаҳонда кўплаб эшитдим.
Вале менга ҳаво ғолиб бўлубон онқадар кетдим,
Юруб нафсим учун шул вақтгача тоатни тарк этдим,
Қаноат шаҳрига бориб, тижорат қилмасам бўлмас.

Баҳойимдек емоқ-ичмоққа бордир мойили лаззат,
Бу боисдин тополмасман ибодат қилгали фурсат.
Ётурман маъсият лойига ботиб бир неча муддат,
Фужуру фисқу исёним халойиқлар аро шуҳрат,
Мадина, Маккатуллоҳни зиёрат қилмасам бўлмас.

Ғарибийнинг ўтур умри ҳамиша безафарликда,
Гуноҳи касратидин доимо хуни жигарликда.
Дили қолиқ, улусни ўртасида бемақарликда,

Эгасиз ит каби умрум ўтодур дарбадарликда,
Ҳазиний, ихтиёр эт, энди ҳижрат қилмасам бўлмас.

* * *

Жалолиддин Румий ўқувчисига муҳим бир мавзуни тушунтирмоқчи бўлса, олдин уни ҳар жиҳатдан тайёрлайди, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос муқаддима келтиради. Жумладан, "Насуҳнинг тавбаси" олдидан хотинига хиёнат қилиб, айбини хаспўшлашга уринган эр, нафсига мағлуб чўри ҳикоясини келтиради. Аёл "феъли сўзини ёлғонга чиқараётган", "иқрори фисқу корига номуносиб" эрига қараб, бундай дейди:

Рўзи маҳшар ҳар ниҳон пайдо бўлур,
Ҳар гуноҳкор бир йўла расво бўлур.

Қўл-оёқлар тилга киргай, сўйлагай,
Қилмишин Ҳаққа ҳикоят айлагай.

Қўл дегай: урдим, ўмардим бўйлаким,
Лаб дегай: сўрдим, сумардим бўйлаким.

Неча юрдим, дер оёқ, шаҳватгача,
Олат айтур: мен зино этдим неча.

Кўз дегайким: неча бор кўрдим ҳаром,
Ҳам қулоқ дер: тингладим макруҳ калом.

Бас, қабоҳатларни сўйлайдир бари,
Бўйла расво айлагай аъзолари.

("Маснавий", V жилд, 2212 – 2217-байтлар)

Бу эслатмалар билан ўқувчини ҳушёр торттирган Румий "умр дафтарингни гуноҳлар билан қорайтирдинг, энди тавба

кўзёшлари ила Ҳаққа ёлвор, умринг илдизини суғор, шунда умр дарахтинг мева беради, заҳри қотиллар шакарга айлангай – гуноҳлар кечирилгай”, дейди:

Номайи умринг қорайтирдинг магар,
Тавба қил, қилмишларингга сарбасар.

Нақди умринг кечди, ҳушни жамлагил,
Илдизинг тавба суйи-ла намлагил.

Илдизи умрингга бер оби ҳаёт,
Ул дарахтинг мева бергайдир, набот.

Жумла кечмишлар самарга айланур,
Заҳри қотиллар шакарга айланур.

Ҳақ мубаддал айласа, бўлмас дема,
Қилмишинг тоатга айлангай ҳама.

Ниҳоят, Румий ўқувчини навбатдаги ҳикояни диққат билан тафаккур, таваббур билан тинглашга чорлайди:

Хўжа Насуҳ тавбаси не, англагил,
Сўйлайин, жону танинг-ла тинглагил.

Шарҳи не бул тавбанинг мендан эшит,
Айламишдинг тавба, такрор тавба эт.

* * *

Шарҳимизга қисқа, аммо мазмунли ҳаёт яшаган “нозиктаъб олим, некбин шоир, моҳир хаттот, (Садриддин Салим Бухорий таърифи) Фурқат Ниёзнинг (1968–2009) ушбу сатрлари билан якун ясамоқни маъқул кўрдик.

Ғафлат билан кетган кунларга,
Бедор бўлмай ўтган тунларга,

Дунё солган минг афсунларга,
Тавба қилдим, кечир, Илоҳим.

Яхшиларга эргашолмадим,
Насиҳатга қулоқ солмадим.
Нафс амридан ҳеч қололмадим,
Тавба қилдим, кечир, Илоҳим.

Жон бермоқлик бордир бошимда,
Раҳм этар ким кўзда ёшимга?
Оғу солди нафсим ошимга,
Тавба қилдим, кечир, Илоҳим.

Расулуллоҳ умматиман деб,
Юрдим фақат дунё ғамин еб,
Номуносиб ишни кўрдим эп,
Тавба қилдим, кечир, Илоҳим.

Қуръон ўқиб, қилмадим амал,
Шайтон берди оғули "асал".
Элчисини юборди ажал,
Тавба қилдим, кечир, Илоҳим.

ЯРАТГАННИНГ ҚУЛИ БИЛАН КАЛТАГИ

Боғда бир ўғри дарахт тепасига чиқиб, бор кучи билан шохларни силкитарди. Буни кўрган боғ эгаси келиб:

— Ҳой, менинг боғимда дарахтга чиқиб, нималар қиляпсан, Яратгандан қўрқмайсанми? — деди.

Дарахтдаги ўғри дарҳол жавоб берди:

– Яратганнинг бир қули, Унинг боғида, унга инъом этган мевалардан емоқда. Нега менга бақирасан? У берган неъматга хасислик қиляпсанми?

Шунда боғ эгаси хизматчисини чақирди:

– Айбак, арқонни келтир, бу одамга жавоб берай.

Хизматчи арқонни келтиргач, боғ эгаси ўғрини дарахтга маҳкам боғлаб, калтак билан уни ура бошлади.

Жони оғриган ўғри дод солди:

– Ҳой одам, нима қиляпсан? Қўрқмайсанми, мени ўлдириб қўясан.

Боғ эгаси хотиржам жавоб берди:

– Яратганнинг қули У бошқа бир қулини Унинг калтаги билан уряпти, нега бақирасан? *("Маснавий" V жилд, 3077-байт)*

Бир киши эрди дарахтнинг устида,
Силкитиб, мева қоқарди пастига.
Келди боғбон, деди: эй бузғун амал,
Не қилурсан, ҳай? Тангримдан уял.
Дедиким: мен – банда, булбоғи Аллоҳ.
Мевасин ерман, Тангримдан ато.
Кўр-кўрона сен маломат айлама,
Қўй, бу очкўзликни одат айлама.
Деди: ҳой, Айбак, келтур арқонни сан,
То бу дам олсин жавобин Бул Ҳасан.
Ўғрини тутди, дарахтга боғлади,
Урди андоқким, туйиб тўқмоқлади.
Ўғри ул қичқирди: инсофинг қани?
Бегуноҳдин ўлдирарсен бандани.
Деди боғбон: мен – Тангрининг бандаси,
Ушбу калтаклар – Унинг зарбаси.

Шарҳ

"Маснавий"да Мавлоно Румий қадарийларнинг ақидаси бузуқлиги ҳақида кўп тўхталади. Шунингдек, жабриячилар (фаталистик) тушунчасини қаттиқ танқид қилади, инсон бир нав ихтиёрга эгалигига диққатни жалб этади.

Бу ҳикоянинг сарлавҳасида "Раббим, мени Сен йўлдан оздирдинг" (*Аъроф, 16)* мазмунли ояти карима келтирилган. Бунда иблис (шайтон) жабрия деган қарашнинг тамсилчи (намоёнда)си экани баён этилган.

Масъулиятни ва қилган гуноҳини ўзидан соқит этмоқчи бўлганлар ўзларича шундай эътироз – ҳимоя "усули"ни қўллашади:

– Менинг не айбим бор? Тақдирни чизган ва ишларни қилдирган Сенсан. Шундай экан, мени нега айблаяпсан, мендан нега ҳисоб сўрайсан?

* * *

Пассив бир Қадарийлар каби суст, лоқайд фикрда бўлиш катта хатодир. Инсон тақдирини олдиндан билмагани учун ақлини ва иродасини ишга солиб, доимо яхшиликка ва гўзалликка интилишга масъулдир.

Чунончи, юқоридаги оятнинг давомида Ҳазрати Одамнинг хатти-ҳаракати орқали "одоб" тушунчаси ва ҳурмату одобнинг аҳамияти ҳақида баҳс юритилади. Ҳазрати Одам ва Ҳавво эса тақиқланган мевани еганлари учун жаннатдан чиқарилганларида: "Роббана золамна анфусана..." – Эй Раббимиз, биз ўзимизга зулм қилдик. Агар бизни кечирмасанг ва раҳм қилмасанг, албатта зиён кўрувчилардан бўлурмиз" дейишди *(Аъроф, 23).* Шу тариқа айбларини бўйинларига олишди. Шайтон каби: "Сен шундай хоҳладинг, шундай тақдир этдинг, биз ҳам тақиқланган мевани едик. Бизнинг айбимиз нима?" дейишмади.

Одам одобли бўлгани туфайли узр сўради; шу тариқа Тангрининг афвига ва раҳматига ноил бўлди. Иблис одобсизлик қилиб Тангрининг даргоҳидан қувилди. Одам одобга риоя этгани учун авф ва мағфиратга ноил бўлди.

"Маснавий"да Мавлоно Румийнинг икки хил инсоннинг ҳолига ачинганини кўрамиз. Булардан бири ҳаддан ташқари қадарчи, жабриячи ёхуд фаталист дейилувчи нусхадир. Улар сабаб ва инсондаги жузий ихтиёрни инкор этувчилардир.

Иккинчиси эса, тақдирни батамом инкор этувчи, моддиюнчилик эътиқодидаги кимсадир. Бундайлар сабабларнинг тузоғига тушади ва мусаббибни (сабабни Яратганни) йўқ ҳисоблайди.

Румий ҳазратлари янглиш қадар (тақдир) ва таваккул тушунчасидагиларга танбеҳ беради: Агар меҳнатинг (хатти-ҳаракатинг, ғайратинг) ила таваккул қил. Уруғни эк, сўнгра ҳар нега қодир Тангрига юкун. Ҳазрати Пайғамбар бадавийга: "**Аввал туянгни боғла, кейин таваккул қил**", дедилар.

Жалолиддин Румий "Маснавий"нинг 5-китобида жабрия ва қадариячилар қарашларининг нақадар янглиш, айни пайтда кулгили эканини таъкидлайди. Инсонга жузъий ихтиёр, яхшини ёмондан, "аччиқни ширидан, мушкни ахлатдан" ажрата оладиган ақл неъмати берилганини эслатади. Фикрларини оддий, ҳаётий мисоллар билан далиллайди. Мана, эътибор беринг:

Итга тош отгил-да, кўргил нетгай ул,
Тошга эрмас, сенга ҳамла этгай ул.

Ҳамла этса тошга, балким, сен йироқ,
Ул сабабдин тошга элтгайдир фироқ.

Бўйлаким ҳайвон билур — не ихтиёр,
Ақли инсон билмагайми ихтиёр?

Хаста эрмассен, бошингни бойлама,
Ихтиёрингсиз табассум айлама.

* * *

Руҳу шайтон сенга савдо кўрсатур,
Ихтиёрингдин нишон эрмасми бул?

Ихтиёр бор бизда, лекин ул ниҳон,
Матлубин кўрганда қўзғалгай ҳамон.

Гоҳи устозлар гўдакларни урар,
Бир қаро тошни урарларми улар?

Тошга дерму: эртага келгил, аё,
Келмасанг, мен сенга бергумдир жазо?

* * *

Ул қадардан ҳам жабр расво турур,
Чунки жабрий ҳиссига мункир эрур.

Ҳиссига мункир эмас марди қадар*,
Ҳақ иши туйғуга сиғмас, эй жигар?

Инчинун, бизга берилган жузъий ихтиёрни доимо яхшиликка, эзгуликка ишлашимиз, ёмонликдан, қабиҳликдан сақланмоғимиз керак. Акс ҳолда ҳикоядагидек боғбон қўлидаги ўғри ҳолига тушиб қолишимиз мумкин.

Шарҳимизга Ҳазрат Навоийнинг мумтоз сатрлари ила якун ясаймиз:

---

* мард қадар – тақдирга ишонувчи

Қилма ул ишким, етиб нуқсон санга,
Охири бўлгай вуболи жон санга.
(Яъни, ўзингга зарари етадиган, жонингни увол этадиган ишни қилма.)

Қайси ишдинким етар нафсингга ком,
Топар ондин комини шайтон мудом.
(Қайси ишдан нафсинг ором олса, ўшандан шайтоннинг мақсади ҳосил бўлади.)

ОВОЗИ ЁҚИМСИЗ МУАЗЗИН

Овози ниҳоятда ёқимсиз бир муаззин ғайримуслим ўлкадаги бир масжидда азон айта бошлади. Мусулмонлар энди ён-атрофдагилар қарши чиқмаса, деб андиша қилиб туришганида, бир киши қимматбаҳо совға кўтариб келди.

— Азон айтган одам қаерда? Уни менга кўрсатинг, унинг овози мени хотиржам қилди, унга қарзимни тўлашим, бу ҳадяларни беришим керак, — дер эди у.

Мусулмонлар ҳайрон қолишди:

— Ажабо, қандай қилиб бу чийиллаган овоз уни хотиржам қилади?

Ғайримуслим тушунтирди:

— Менинг жуда чиройли қизим бор. Анчадан бери мусулмон бўлиш орзусида эди. Уни бу ниятидан ҳеч қайтаролмадим. Бир кун қизим бу одамнинг овозини эшитгач, мендан сўради:

— Бу нима? Умрим бино бўлиб бунақа ёқимсиз овозни эшитмаганман?

— Бу азон, мусулмонларни ибодатга чақиряпти, — дедим мен.

Менга ишонмай, бошқалардан ҳам сўради. Ҳамма айни жавобни бергач, мусулмон бўлишдан воз кечди. Мен

хотиржам бўлдим. Шунинг учун унга бу ҳадяларни келтирдим. *("Маснавий", V жилд, 3368 – 3386-байтлар)*

Бир муаззин борди, овози ёмон,
Келди кофир шаҳрига, айтди азон.

Дедилар: қўй, сен азон деб чекма ун,
Тортгуси баҳсу адоватлар узун.

Кўнмади ул, зое кетди эътироз,
Ҳар куни урди неча бонги намоз.

Халқ тўлиб-тошганда бул савдо била
Чиқди бир кофир, қўлида тўн ила.

Шаъму ҳалво бор эди илкида боз,
Ҳадя келтирмишди айлаб сарфароз.

Сўрди у: айтинг, муаззин қайда ул?
Ки овози бизга ғоят хуш эрур.

Дедилар: овози қурсин, қўй уни,
Дедиким, бутхонадин келгай уни...

Бир қизим бор, ой хира ёғдусига,
Тушди ул мўмин бўлиш орзусига.

Бошини банд этди савдо, кетмади,
Панд-ўгитлар унга таъсир этмади.

Чун имон деб ўзни этмишди унут,
Ул магар ўт эрди, мен ўт ичра уд.

Турмушим эрди азоб, дарду алам,
Ўз уйимда ғурбат эрди дамба-дам.

Ўртанаркан, чорасиз эрдим чунон,
Бул муаззин айтди тўсатдан азон.

Не овоз бул, деб ҳамон сўрди қизим,
Ки унинг бирлан қорайди юлдузим.

Не овозлар тингладим мен эрта-кеч,
Бул овоздек туймадим расвони ҳеч.

Синглиси дедики, бул – бонги азон,
Аҳли мўминларни чорлайдир ҳамон.

Бовар этмай, бошқалардин сўрди ул,
Бошқалар ҳам дедиларким, бўйладур...

Ўйга толди, чекди андуҳ, чекди ғам,
Кўнгли қолди ул мусулмонликданам.

Кетдилар ташвиш, азобим тарқалиб,
Шул кеча ётдим магар роҳат қилиб.

Орзуга етказди овози мани,
Ҳадя келтирдим, муаззин эр қани?

Шарҳ

Азон ислом шиорларидандир. Уни гўзал, чиройли овозда айтиш лозим. Дин туйғуси каби гўзаллик туйғуси ҳам инсоннинг фитратида (яратилишида) бордир.

Қуръони каримда хунук овоз ҳақида бундай дейилган: **“Овозларнинг энг ёмони маркаб** (эшак) **овозидир”** *(Луқмон,*

19). Ҳадисларда Қуръонни чиройли овозда ўқиш тавсия этилган. Пайғамбар (алайҳиссалом) чиройли овозда Қуръон ўқиганларни тақдирлаганлар, алқаганлар. Билол Ҳабашийни айнан овози чиройли бўлгани учун ҳам азон айтувчи қилганлар. Ул зот: "Қуръонга овозларингиз ила безак беринг, гўзаллаштиринг", дея марҳамат қилганлар. *(Бухорий. Тавҳид, 53).*

Ҳазрати Пайғамбарнинг амрлари ва таълимлари билан илк бор азон айтган одам Билол Ҳабашийдир. Ҳабашистонлик занжи, бир озод этилган қул бўлган Билол ҳаёти давомида – ҳазарда (муқимликда) ва сафарда Ҳазрати Пайғамбарга муаззинлик қилди. Билолга бундай шарафли вазифанинг берилишидаги энг асосий омил самимий мусулмонлиги ва пайғамбарни яхши кўргани ва айниқса, овозининг ёқимли ва таъсирчан бўлганидир.

* * *

Ҳа, хуш овоз, хуш оҳанг тарона ҳам инсон қалбини юмшатади. Ўзбек мумтоз адабиётининг ушбу намунаси шу фикримизни далиллайди деб ўйлаймиз:

Нола торин соз этиб узма кечалар, ёдини
Тонг хуруси бирла тенг, хуш толиби дийдордин.

Журм сели неча инса бузма умид уйини,
Хона обод ўлди, кўп исёну неча истиғфордин.

Тоату тақвони қилсанг, ташлағил ужбу риё,
Яхшилар айлаб бу ишни, кўп қўрқадур Жаббордин...

Бошимиздан то аёқ мустағрақ журму гуноҳ,
Ҳолимиз расвочилиқ, афв етмаса Ғаффордин.

Беадад айб иш этармиз ошкору ниҳон,
Нетгумиз маҳшарда гар сатр ўлмаса Саттордин.

(Мажзуб Намангонийнинг 1903 йилда Тошкентда нашр этилган девонидан қисқартириб олинди. — А.Т.)

* * *

"Маснавий"да (III-жилд, 172-байт). "Дўстларнинг янглиши бегоналарнинг тўғрисидан яхшироқдир" сарлавҳаси остида қуйидагилар баён этилади:

Асли араб бўлмаган Билол азондаги "ҳаййа" калимасини "ҳеййи" тарзида талаффуз этгани боис беҳузур бўлганлар Ҳазрати Пайғамбардан муаззинликни бошқа бировга топширишларини сўрашади. Бунга жавобан Расуллуллоҳ "Билолнинг "ҳеййи"си мақбулдир", деб марҳамат қиладилар.

Демак, Билолнинг самимияти, айниқса овозининг гўзаллиги, муаззинлик учун энг муҳим омил бўлган.

* * *

Мусулмон юздаги хол, узукдаги кўз каби ҳар бир хатти-ҳаракати, юриш-туриши ила бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Ярашмаган, номақбул биргина янглиш ҳаракат нафақат ўзининг, балки бошқа мусулмонларнинг обрўсини туширади. Инчинун, азон айтувчи ҳам аввало бу гўзал вазифага лойиқ-лойиқ эмаслиги, эзгуликка, нажотга чорловчи овози қандайлигига эътибор берсин. Акс ҳолда, савоб ўрнига гуноҳга йўл қўйиши мумкин.

* * *

Динимиз, унинг бутун арконлари азиздир. Бинобарин, бу динга мансуб киши ҳам азиз-мукаррам бўлмоғи керак. Унга самимият, ихлос ила риоя қилмаган, унинг қадрига етмаган залолатга тушажак. Унинг бу залолати, адашуви, қабоҳати кўпчилик пок, яхши ниятли мусулмонларга доғ бўлиб тушади, зарар беради. Қолаверса, бу дин остонасидаги нечанеча инсонларнинг ҳафсаласини пир қилади, ихлосини,

рағбатини сўндиради. Мавлоно Румий бир ғайримуслим қиз тимсолида ифодалагани каби бу қутлуғ, муборак остонадан насибасиз ортга қайтади. Бундай маънавий зарарнинг ўрнини тўлдириш нақадар қийинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

* * *

Алишер Навоий "Арбаъин" асарларида "Қўлидан ва тилидан мусулмонларга озор етмайдиган киши ҳақиқий мусулмондир" мазмунли ҳадиси шарифни шеърда қуйидагича баён этадилар:

Кимки мусулмонлиғ айласа даъво,
Чин эрмас гар фидо қилур жонлар.
Ул мусулмондурурки, солимдур
Тилию илгидин мусулмонлар.

Румий ҳикоясидаги муаззин кўпчиликка озор етказди. Бунга, аввало ундаги қайсарлик, жоҳиллик сабаб бўлди. Дўстларининг "Сен азон айтмай қўяқол", деган илтимосларига қулоқ осмади. Ҳолбуки, Ҳазрат Навоий айтганларидек:

Киши айбинг деса, дам урмагил, ул эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?

(Айбингни айтган кишига эътироз билдирма, қулоқ тут, чунки у ойнага ўхшайди. Ойна нафас тегиб, хиралашгач, айбингни кўрсатолмай қолади)

ҚУШ ОВЛАЁТГАН ОДАМ

Бир қушча ўтлоққа учиб борди. У ерда эса овчи тузоқ қўйган, тузоққа маълум бир сиқим буғдойни сепган, ўзи чеккада, ўтлар орасида яшириниб ётарди.

Қушча келиб, унинг атрофида айланиб уча бошлади. Одамнинг бундай хас-хашакка ўраниб олиши унга ғалати туюлди:

— Сен кимсан? Нега яшириниб ётибсан, бундай овлоқ жойда нимани кутяпсан? Йиртқич ҳайвонлардан қўрқмайсанми? — деб сўради.

— Мен бир зоҳидман. Дунёга этак силкидим. Шу чекка жойда ўт-ўланлар билан озиқланиб, шунга қаноат қилиб яшайман, деди одам.

Қуш одамдан яна бир неча савол сўради, одам жавоб берди. Ниҳоят, қуш у буғдой доналарини кўриб қолди.

— Булар нима?

— Булар менга ҳеч кими йўқ бир етимнинг омонати.

— Жуда очман, рухсат берсанг, булардан еб, қорнимни тўйдирсам, чунки шундай менинг заруратим бор. Зарурий ҳолларда ҳатто лош (ўлакса) ейиш ҳам мубоҳдир.

— Бу буғдойларни менга ишонганлари учун омонат қолдирдилар, етим ҳақини ейиш гуноҳ.

Бироқ қуш ниҳоятда оч эди, қаттиқ туриб олди:

— Эй зоҳид киши, рухсат берақол энди — шу буғдойдан ейин, қорнимни тўйдирайин, — деди.

— Зарурат ҳақида ўзингга бир фатво ўйлаб топдинг. Агар ҳақиқатда бундай бўлмаса, гуноҳкор бўласан. Ҳатто, заруратинг бўлса-да, эҳтиёт бўлишинг, ҳаромдан сақланишинг яхшидир.

Қушнинг ортиқ чидашга тоқати қолмади, катта иштаҳа билан буғдойларга ҳужум қилди ва ея бошлади. Бир-икки дон емай туриб, тузоққа илинди. Қутулиш учун жон талвасасида типирчилар экан, ўз-ўзига:

— Сохтачи-ёлғончиларнинг афсунларига алданган кишининг ҳоли хароб бўлади, дер эди.

Буни эшитган одам унга деди:

— Йўқ, ундай эмас, етим молини ноҳақ еган, кўзларини ҳирс қоплаганларга ҳам лойиқ жазо мана шу. *(“Маснавийи маънавий”, VI жилд, 435-байт)*

Шарҳ

Бу ҳикоянинг бир қарашда таъсири кучсизроқ кўринади. Кўз олдимизда қушларга тузоқ қўйган ва ёлғон гапирган одам гавдаланади. Қуш билимдонми ёки зоҳид сиёқли одам, дея иккиланамиз. Ҳикояда ҳаёт ҳақиқати табиий эҳтиёж оғир босади, яъни, очликка чидай олмаган бечора қуш тузоққа тушади.

Румий ҳазратлари айтмоқчи бўлган гапларини воқеа баёни орасида қисқартириб ўтади.

Ҳикоядаги одам ўзининг "зоҳид" эканини иддао қилади. Сизга маълум, зуҳд ва зоҳидликнинг моҳияти – ўткинчи ва дунёвий нарсаларга ортиқча аҳамият бермаслик, абадий бўлган охиратга янада кўпроқ диққат қилишдир. Ўзини "зоҳид" дея таништирган овчи тилидан зоҳидликка чиройли изоҳ берилади:

Ўспиринлар ўйнашурлар шодумон,
Судрашур шомда уларни уй томон.

Ёш бола олгай ўйинлар машқини,
Ўғри илгайдир тўни ҳам кафшини.

Ул ўйин завқига чун ғарқ бўлгуси,
Ёдига тушмайди тўни, дўпписи.

Қош қорайгач, эсга тушгай ул унут,
Уйга қайтишга юрак йўқ, юз шувут.

"Болалар ўйиндан завқланадилар, аммо кечқурун уларни қўлларидан судраб, уйларига олиб кетишади. Ёш бола ўйинга қизиқиб кетганидан кўйлаги, қалпоғи, оёқ кийимини ечиб отади. Ўғри эса келиб, уларни илиб кетади. Бола ўйинга шу қадар берилиб кетадики, кийимлари ҳатто эсига ҳам тушмайди. Кеч кириб қолса ҳам, ўйинни тарк этмайди, уйига қайтишни хаёлига келтирмайди". Мавлоно шу ўринда,

Қуръони карим оятлари мазмунини эслатади: “Эшитдингми, дунё фақат бир ўйиндан иборат” (*Анъом, 32; Анкабут, 29; Муҳаммад, 36*)

“Сен бўлсанг ўйинга берилдинг, кийимингни елга бердинг, энди қўрқувга тушдинг. Қоронғу тушмасидан кийимингни қидир, вақтингни миш-миш (бекорчи гаплар – А.Т.) билан зое кетказма”. Айни ўринда Румий тавбанинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатади:

Қош қораймасдин даракла, тўнни топ,
Кундузингни беҳуда этма хароб...

Тавбани жабдуқла, от сол тўғридин,
Ёт қувиб, тўнингни олгин ўғридин.

Тавба тулпори ажаб тулпор эрур,
Лаҳзада авжи фалакка юксалур.

Асра тулпорингни, ўғри ногаҳон
Чалмасин, тўнингни олгандек ниҳон.

Қуш тилидан буталар орасига бекиниб, зоҳидлик даъво қилган одамга бундай қилиши яхши эмаслигини эслатади:

Қуш: азизим, хилватда ўтирма. Аҳмаднинг (Ҳазрати Муҳаммаднинг) динида роҳиблик дуруст эмас. Пайғамбар роҳибликдан қайтардилар. Сенга нима бўлиб бундай даъвога берилдинг”, дейди (“Маснавий”, VI-жилд, 478 – 479-бетлар).

Қуш деди: хилват аро ўлтирма, бас,
Дини Аҳмадда тараҳҳуб хуш эмас.
Чун тараҳҳубни ясоқ этди Расул,
Сен бу янглиғ бидъат этма, эй фузул.

Ушбу байтларда Ҳазрати Пайғамбаримизнинг (алайҳи ва саллам) “Мусулмончиликда роҳиблик йўқдир” *(Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснад”, IV, 226)* ҳадисларидан иқтибос келтирилган.

Чиндан ҳам, Ислом динида ҳеч қачон қадимги даврларда бўлгани каби таркидунёчилик, роҳибликка асло ўрин берилмаган.

* * *

Ҳа, зоҳидлик тоғу тошларга чиқиб, халқдан ажралиш, хилватга чекиниш эмас. Ҳақиқий зоҳидлик халқ ичида юриб, ҳақла бирга бўлишдир. Кишининг оиласи ва фарзандларини қаровсиз ташлаб қўйиши, тирикчилик заҳматини тарк этиши зуҳд эмас. Зуҳд нафсни тарбиялаш, унинг истакларини камайтириш, уни жиловлаб олишдир. Инчинун, кунни фақат чиройли матоҳлар ва лаззатли овқатлар ҳақидаги суҳбат ва баҳслар билан ўтказмаслик керак. Аммо кутилмаган ва тамаъсиз келган неъматларни қабул қилиш ва шукрини келтириш лозим бўлади. “Ҳайрли мол хайрли (солиҳ) қул учун нақадар яхши” (“Кашфул хифа, 2-жилд, 320-бет) сўзларини ҳаётига татбиқ этган киши бахтлидир.

* * *

Зоҳидлик мақсади ила халқдан узоқлашмоқ ва ёлғиз яшашнинг нотўғри эканини Жалолиддин Румий қуш тилидан бундай баён қилади:

“Жума куни ибодат қилиш, намозларни ҳам жамоат билан ўқиш, халққа яхшилик қилишни, ёмонликлардан сақланиш лозим. Ёмон феъллиларнинг заҳматларига сабр қилиш, халққа булут каби манфаатли бўлиш керак. Инсонларнинг яхшиси халққа фойдаси тегадиганидир:

Жумъада шартдир жамоат-ла намоз,
Амри маъруф ҳам ёмондин эҳтироз.

Етса ранж, сабр айла, олма дилга сен,
Манфаат ёғдир булутдек элга сен.

"Хойрун-нас ан янфаъун нас", эй ўғил,
Тош эмасдирсен, кесак-ла турмағил.

* * *

Бундай чиройли насиҳатлар берган қушнинг борлиғида моддий томон тош босади. Унинг қорни оч, ердаги буғдой доналарини териб емоқчи... Бу гал одам ёлғон гапиради: "булар етимнинг моли, менга омонат берилган", дейди.

Қуш эса жуда очқаганидан, ўлмаслик учун ҳаром нарсаларни ейиши ҳам мумкинлигини айтади: "Мен жуда очман, шу онда менга ҳатто лош (ўлакса) ҳам ҳалол".

Унга одам: "Зарурат борасида фатво чиқариб олгансан. Унутмагин, зарурий эҳтиёжинг бўлмаса, гуноҳкор бўласан. Ҳатто, эҳтиёжинг бўлганида ҳам зулмдан сақланишинг жуда яхшидир".

Жалолиддин Румий бу ўринда фиқҳий бир масалага эътиборни тортади. Қуш тилидан Бақара сурасининг 173-оятини эслатади: **"Яратган сизларга фақатгина ўлаксани, қонни, тўнғиз гўштини ва Яратгандан ўзгага аталиб сўйилган нарсаларнигина ҳаром қилди. Энди кимки золим бўлмаган ва ҳаддан ошмаган ҳолида ночор вазиятда қолса, гуноҳкор бўлмайди".**

Фиқҳ илмида "заруратлар ҳаром нарсаларни мубоҳ қилади", деган қоида бор. "Мажалла"да эса "Заруратлар ўз миқдорларича тақдир ўлунур" дейилади. Бу борада бундай ифодалар ҳам учрайди: "Монеъ зоил ўлдукда мамну авдат этар" (Тўсиқ ўртадан кўтарилгач, таъқиқ қайтиб келади). "Изтирор ғайрнинг ҳақини ибтол этмас" (Мажбурлик бошқанинг ҳақини бекор қилмайди).

Фиқҳ қоидасига кўра, мажбур бўлганида тақиқланган нарсаларни ҳам ейиш мумкин. Бироқ бу мажбурлик ва заруратнинг ҳақиқатини ва даражасини белгилайдиган кишининг ўз виждонидир. Рухсат билан азимат, фатво билан тақво орасида танлаш ихтиёри инсоннинг ўзида. Тақволи муносабат шахсий фидойиликни тақозо этади.

* * *

Умар Форуқ Сайдо ал-Жазарий айтадилар: "Ислом фиқҳида рухсат ва азимат деган икки тушунча бор. Рухсатлар қулайликлардир. Айтайлик, инсон бир мушкул ҳолатга тушса, ундан қутулишнинг осон чорасини излаб топади ва яна йўлида давом этаверади. Азимат эса қийин, аммо энг соғлом, ишончли йўл. Тасаввуф аҳли қийин бўлса ҳам, ана ўша соғлом йўлни танлайди. Дарров осонига қараб кетмайди. Қийналган киши дарров фатво излайверса, айтинг-чи, унда тақво қаерда қолади? Тақволи инсон йўлида собит туради, қийинчиликдан оғринмайди. Чунки аҳли тақво бўлиш осон эмас..."

* * *

Васиба исмли саҳобий айтади: «Расулуллоҳдан яхшилик ва гуноҳнинг нима эканини сўрадим. Марҳамат қилдиларки: "Эй Васиба, сенга инсонлар (муфтийлар) ҳар қанча фатво беришган бўлса-да, сен ичингдан, қалбингдан фатво ол" (бу гапни уч марта такрорладилар). "Расулуллоҳ яна давом этиб: "Яхшилик виждон ва қалб астойдил ишонган нарсадир. Гуноҳ эса кўнгилда из қолдирган ва иккиланишга йўл очган нарсадир", дедилар» (Аҳмад ибн Ҳанбал. IV, 228; Доримий. "Сеҳр", II).

* * *

Аҳмад Яссавий ҳазратлари айтади:

Эй кўнгил, қилдинг гуноҳ, ҳаргиз пушаймон бўлмадинг,

Сўфиман деб лоф уриб, толиби жонон бўлмадинг.
Хайф, умринг ўтти, бир лаҳза гирён бўлмадинг,
Сўфинақш бўлдинг, вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг.

Сўфилиқ шундоғмудур, доим ишинг ғафлат билан,
Дона-тасбеҳ қўлингда, тилларинг ғийбат билан.
Саллага чил печ урарсен нафси бад иззат билан,
Сўфинақш бўлдинг вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг.

Аҳмадо, сен сўфи бўлсанг, сўфилик осон эмас,
Ҳақ Расули сўфи бўлиб дунё молин суйгон эмас.
Дунёни суйгон киши, бешак билинг, инсон эмас,
Сўфинақш бўлдинг вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг.

* * *

Инсон нафсининг офатларидан бири – ҳақиқатни тан олмаслик, насиҳатга қулоқ осмаслик, фақат ўз фикрида қайсарлик билан оёқ тираб туриб олишидир.

Мавлоно Румий ушбу ҳикоя билан ана шундай – ҳали нафси тарбияга муҳтож одамларга ойна мисол айбу камчиликларини кўрсатмоқда.

АҲЛИ БАЙТНИНГ МОТАМИНИ ТУТИШ

Ашуро куни халабликлар шаҳарнинг Антокия дарвозасида тўпланар, сўнг ярим тунгача аҳли байтга мотам тутиб, бақирар, йиғлар, дод-фарёд солишарди. Бу ерда Аҳли байтнинг Язиддан, Шимирдан тортган зулмлари эсланарди.

Шундай кунларнинг бирида чўлдан ғариб бир шоир келиб қолди. У катта оломонни ва фарёдларни кўргач, бунинг сабабига қизиқди. Ўз-ўзича: “Улуғ бир бек ўлганга ўхшайди, йўқса бунча кўп инсон бир жойга тўпланмас эди” дея ўйлади. Оломонга яқин бориб:

— Мен ғариб-бечораман, бир оз шеър айтишга маҳоратим бор. Аммо бу ерга бегонаман, шунинг учун бўлиб ўтган воқеалардан хабарим йўқ. Бир жаноза бор шекилли. Менга ўлган одамнинг исми, лақабини, нима ишлар қилганини айтинг, у ҳақда бир марсия ёзайин, — деди.

Оломондан бир киши келиб:

— Вей, тентакмисан ёхуд аҳли байт душманимисан? Ашуро кунидан хабаринг йўқми? Карбалода жон берганлар учун мотам тутиш юз йиллаб яшашдан кўра, устун эканини билмайсанми? — деди.

— Аҳли байтни севаман, — деди шоир, — аммо Язиднинг даври қаерда-ю, Карбало қаерда? Бу мотам бу ергача нақадар кеч етиб келибди. Ҳатто, кўрлар Карбалода содир этилган ёмонликларни кўрди, карлар ҳам у қайғули ҳикояларни эшитди. Сиз шу пайтгача ухлаётганмидингиз. Бунча йилдан сўнг мотам тутяпсиз, йиғламоқдасиз? *(“Маснавий”. VI-жилд, 777 — 779-байтлар)*

Деди: қайда қолди ул даври Язид?
Энди етмишму у пайғоми шаҳид?
Кўзи кўрлар келди барча кўргани,
Кар қулоқлар ҳам эшитмишдир ани.
То ҳануз уйқуда эрмишсиз, аё,
Баски, йиғларсиз бугун йиртиб яқо.

Шарҳ

Карбало фожиаси Ҳазрати Ҳусайн ва яқинларининг шаҳодати билан якунланган юракларни изтиробга солувчи бир ҳодисадир.

Ҳазрати Ҳусайннинг шаҳид этилиши, албатта ҳар мусулмоннинг қалбини оғритади. Аммо буни қиёматгача судраб, қон даъвоси ҳолига солиш, бошқа бир муаммога йўл очади. Афсуски, шиа ва рофизийларда бунга ҳаддан зиёд

мисоллар учраб туради. Язидга лаънат ёғдирар экан, гўё Ҳазрати Алининг хилофатини кечиктирганлар дея Ҳазрати Абу Бакр, Умар ва Усмонни халифа ҳисобламаслик ва уларга таъна қилиш ҳам ҳаддан ошишдир.

"Маснавий"да бунга боғлиқ қизиқарли бир ҳикоя ҳам бор. Халқи ашаддий шиа бўлган Сабзавор аҳолиси "Абу Бакр" исмини асло ишлатмас экан. Воқеа бундай баён этилади:

Хоразмшоҳ ҳукмдори Муҳаммад Али сабзаворликларга қарши жангга кирган эди. Қўшинига ҳужум амрини беради. Қўшин душманни тор-мор қилади. Шаҳарликлар подшоҳ ҳузурига келиб, бош эгишди ва омонлик исташди.

— Эй буюк султон, бизларни ўлдирма, сенга солиқ тўлайлик, амрларингга бўйинсуниб, хизматкоринг бўлайлик, — дейишди.

Подшоҳ:

— Менга олтинингиз ҳам, кумушингиз ҳам керак эмас. Агар менга шаҳрингиздан бир Абу Бакр (исмли киши)ни келтирмасангиз, шаҳрингизни ер билан яксон қиламан, — деди.

Халқ фарёд кўтарди:

— Нима истасанг иста, фақат биздан "Абу Бакр" деган бировни истама.

Подшоҳ жаҳл қилиб:

— Ҳой калтабинлар, агар бир Абу Бакр олиб келмасанглар сизларни ҳеч нарса қутқара олмайди — бекорга уринманг, — деди.

Буни эшитган шаҳарликлар ҳар кучага, ҳар бурчакка хабар юборишди. Ҳамма Абу Бакр исмли одамни қидирарди. Уч кеча-ю уч кундуз қидиргач, ниҳоят, бир хароба жойдан Абу Бакр исмли бир кишини топишди. Бу касал ва бечора одам йўловчи эди. Касалланиб, бу вайронага кирган, бир бурчакда ётарди. Уни кўргач:

— Тезроқ бўл, подшоҳ сени сўраяпти. Сен туфайли бутун шаҳар вайронага айланишдан сақланади, тур, сени подшоҳга олиб борамиз, юр, — дейишди.

Бечора одам ётган жойидан жавоб берди:

— Агар туриб юришга мажолим бўлганида, йўлимда давом этар, севганларимга бир он аввал етар эдим, — деди.

Деди: юрсам, бунда мен тургаймидим,
Шул қаро бурчакда ўлтиргаймидим...

Бўйла душман шаҳридин кетмасмидим,
Дўстларимнинг шаҳрига етмасмидим?

Бир замбил топиб келишди, хаста одамни унга қўйиб, подшоҳ ҳузурига олиб боришди. *("Маснавий", V жилд, 867-байт)*

* * *

Ҳазрати Мавлонода Пайғамбар ва аҳли байт севгиси юксак савиядадир: "Унинг жонига, авлодининг келишига ва замонига юз мингларча офарин!" "Унинг давлат ва иқбол соҳиби, халифасининг ўғиллари, унинг жон-кўнгил унсуридан туғилганлар". "Истасанг Бағдоддан бўлишсин, истасанг Ҳиротдан, истасанг Райдан. Сув ва тупроқ қоришмаси бўлмасидан унинг наслидир улар". "Атиргул бутоғи қаерда ўсса ўссин, атиргулдир. Шароб идиши қаерда қайнаб кўпирса кўпирсин, шаробдир". "Қуёш ғарбдан бош кўтарса-да, барибир қуёшдир, бошқа нарса эмас" *("Маснавий", VI жилд, 175-179-байтлар).*

Офаринлар ул муборак жонига,
Офарин фарзандлари давронига.

Ул халифазодаларким, ҳар бири,
Кам эмас, жону дилнинг унсури.

Балки Бағдоду Ҳирот, Райдан улар,
Асли наслига вале пайванд улар.

Гул бутоғи қайда ўсса, гул эрур,
Май хуми ҳар қайда жўшса, май турур.

Гар қуёш мағриб тарафдин чиқса, бас,
Айни офтобдир, бўлак офтоб эмас.

* * *

Мумтоз адабиётимизда аҳли байт севгиси ўзининг гўзал бадиий талқинини топган. XVIII–XIX асрларда яшаб ижод этган ориф шоиримиз Мажзуб Намангоний ҳам аҳли байтни гулшандаги муаттар бўйли ажиб гулларга, Ҳазрати Ҳасан ва Ҳусайни икки лолага, ўзларини андалиб – булбулга ўхшатади:

Ёри ғор ҳам Умар, Усмони Зиннурайндин,
Файз иси инди жаҳонга Ҳайдари Каррордин.

Соҳиби базм гулшанин сипрайни насри лоласи,
Робитайи ихлосинг узма бул икки дилдордин.

Андалиб хушнаво бўлсин бу гулшан даврида,
Дағи Мажзубни қувма, Раббим, гирди бу гулзордин.

* * *

Шоир Юнус Эмро ҳам Карбалода содир бўлган ҳодисадан қаттиқ изтироб тортади ва Ҳазрат Ҳасан ва Ҳусайнга бўлган ҳурматини қуйидагича ифодалайди:

Шаҳидларнинг сарчашмаси,
Ҳасан ила Ҳусайндир.

Ошиқларнинг кўзёшиси,
Ҳасан ила Ҳусайндир.

Ҳазрат Али оталари,
Муҳаммаддир боболари.
Аршнинг икки қуббалари,
Ҳасан ила Ҳусайндир.

Бобоси-ла бирга борган,
Кавсар ирмоғида турган.
Чанқоқ умматга сув берган,
Ҳасан ила Ҳусайндир.

Юнус Эмро, дунё фоний,
Тарк айла, кел, жону танни.
Икки жаҳоннинг султони
Ҳасан ила Ҳусайндир.

Расулуллоҳга, оила аҳли ва асҳобига саловот ва саломлар бўлсин.

БИЛОЛ ҲАБАШИЙ

Хўжайини Ҳазрати Билолга диндан қайтсин деб кўп азоб берарди. Шу боис Ҳазрати Абу Бакр уни сотиб олишга қарор қилди. Ниятини Ҳазрати Билолнинг хўжайинига айтди. Унга бир оқ танли қул ва катта миқдорда пул бериб, Ҳазрати Билолни сотиб олди. Шунда Ҳазрати Билолнинг хўжайини бўлган кофир қаҳ-қаҳа отиб кула бошлади. Ҳазрати Абу Бакр:

– Нима бўлди? Нега бунча куляпсан?

– Агар бу қадар ҳаваси баланд кўринмасанг, берган пулингнинг ўндан бирига олишинг мумкин эди. Менимча, у ярим ақчага ҳам арзимайди. Унинг баҳосини сен орттирдинг.

Ҳазрати Абу Бакр бундай деди:

– Ҳой аҳмоқ, болага ўхшаб, бир ёнғоқ эвазига бир гавҳар бердинг. Менга қолса, у икки жаҳон қийматига тенг. Асл зарар кўрган сенсан. Агар ақлингни ишлатиб, яна бир оз баҳосини тортишиб турсанг эди, уни сотиб олиш учун бутун мол-мулкимни берардим. *("Маснавий", VI жилд, 888–1110-байтлар)*

Шарҳ

Жалолиддин Румийнинг Билол Ҳабашга севгиси, ҳурмат-эҳтироми баланд экани маълум. Шу боис унинг исми "Маснавий"да тез-тез учрайди.

Ҳабашистонлик Билол Маккада бир бойнинг қули, мусулмон бўлганини ошкора айтган илк етти кишидан бири эди. Бундан қаттиқ ғазабланган соҳиби Умайя ибн Халаф Билолдан янги динни тарк этишни қаттиқ талаб қилди. Билол қароридан воз кечмагач, хўжайини уни туш пайтида Арабистоннинг жазирама қуёши остида ётқизиб, катта ҳарсангтошни кўкрагига бостирар, аямай азоб берарди. Шу йўл билан исломиятдан қайтишга мажбурламоқчи бўларди. Бироқ Билол ҳар сафар "Раббим Яратгандир, У ягонадир" дея чидаб бўлмас азобни имон билан енгар эди. Умайя ибн Халафнинг бу ишларидан Ҳазрати Пайғамбар ниҳоятда хафа бўлдилар. Сўнгра Ҳазрати Абу Бакр катта тўлов эвазига Билолни хўжайинидан сотиб олди ва озод қилди.

Билолнинг овози ёқимли ва жарангдор эди. Қора танли бир кўчманчи бўлишига қарамай, самимий имони ва ихлоси туфайли Пайғамбаримизнинг эҳтиромларига сазовор бўлди. Азон айтиш суннат бўлгач, Ҳазрати Пайғамбар азонни Билолга ўргатдилар ва илк бора у азон айтди. Бинобарин, Пайғамбаримизнинг муаззини бўлди.

Билол бомдод азонини тонг отиши билан айтарди. Билол бу азонга "ас-солату хойрум миннаннавм" (намоз уйқудан

афзал) сўзларини қўшди. Бундан мамнун бўлган Ҳазрати Пайғамбар ҳар тонг бу сўзларни такрорлашига изн бердилар.

Макка фатҳ этилган кун Билол Каъба томига чиқиб, азон айтди. Имон-эътиқоди сабабли аҳли азоб-исканжа кўрган ва кўчиб кетишга мажбур бўлган бу муқаддас шаҳар осмонларида Тангри ва Расулининг исмларини жарангдор овозда баралла янгратди.

Билол Ҳабаший умр бўйи Ҳазрати Пайғамбаримизнинг ёнларидан ажралмади. Билол ул зотни жуда севарди, буюк садоқатила боғланган эди. Унинг сазовор ишларидан баъзилари қуйидагилар дейиш мумкин: Ҳазрати Пайғамбарнинг таҳорат сувларини тайёрлаб бериш; шахсий эҳтиёжларини таъминлаш; жангда махсус ҳимоя қилинишлари, кундузлари сояда туришларини таъминлаш; овқат тайёрлаш; байтулмол ишларига қарашиш; Ҳазрати Пайғамбарнинг амри билан баъзи тўловларни амалга ошириш, элчиларни меҳмон қилиш, Расулуллоҳнинг амрларини халққа етказиш; аёл асирларни муҳофаза этиш ва ҳоказо...

Билол Ҳабаший Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) вафотларидан кейин бир марта ҳам азон чақирмади. Суюкли Расули Акрамнинг (вафотига) қайғуриб, Мадинадан кетмоқчи бўлди. Бироқ Ҳазрати Абу Бакрнинг қистови билан қолди. Халифа Умар даврида Сурия тарафларга кетиб қолди. Олтмиш ёшдан ўтгач, Шомда вафот этди.

Ҳазрати Билол узун бўйли, ориқ, очиқ юзли, қуюқ сочли, занжи эди. Пайғамбаримиз унинг жаннатий бўлишини хабар берган эдилар.

"Маснавий" шарҳчиларидан бири бундай дейди: "Пайғамбар жанобимизда руҳоний ва маънавий томон ғолиб келганида баъзан тафаккурга чўмар, бошқа оламларда сайр этардилар. Бундай пайтларда такрор башарий ҳаёт шароитларига қайтиш учун Ҳазрати Ойиша онамизни чақирардилар:

– Каллимийний, йа Ҳумайра!

Бу эса: “Эй Ойиша, мен билан гаплаш, менга дунёда эканимни ҳис эттир, ҳатто мени дунёга торт!” маъносидаги бир мурожаат эди.

Бунга муқобил – дунё вазифаси ила ортиқча машғул бўлиб, дунё шовқинидан қочиб, маъно оламига сайр эҳтиёжини сезганларида Билол Ҳабашийга:

– Ариҳна, йа Билал! (бизни дам олдир, бизни роҳатлантир, эй Билол!) дер эдилар.

Пайғамбаримиз гўё бундай демоқчи бўлганлар:

– Эй Билол! Бизга азон айт. Овозингни баландлат! Яратганнинг номини такрорлаб айт! Сенга сўйлаганим ҳақиқатни, сенга берганим сирларни баланд овозда баралла айт!”

Бу ифодалар ушбу ҳадиснинг шарҳи бўлиши керак. Пайғамбаримиз марҳамат қилдилар: “Тур эй Билол, бизни намоз билан (азон билан) роҳатлантир, дам олдир!” *(Абу Довуд. “Адаб”, 78; Аҳмад бин Ҳанбал. V, 364.)*

Олдин ҳам айтилганидек, Мавлоно бошқа бир ўринда Ҳазрати Билолнинг асл араб бўлмагани боис баъзи сўзларни тўғри талаффуз қилолмаганини келтиради. Масалан, у азондаги “Ҳаййа” сўзини “Ҳеййи” шаклида талаффуз этади. Бундан норози ва безовта бўлганлар Ҳазрати Пайғамбардан арабчани янада тўғри талаффуз қиладиган бир муаззинга азон айттиришни сўрашади. Расулуллоҳ: “Тангри наздида Билолнинг “ҳеййи”си мақбулдир” деб жавоб берадилар. Билолни самимий мусулмон ва овози ёқимли бўлгани туфайли Пайғамбаримиз муаззин ўлароқ танлаган эдилар. *(“Маснавий”. III жилд, 172-байт)*

МУҲИБЛАР ХАТОСИ МАҲБУБ НАЗДИДА БЕГОНАЛАР САВОБИДАН АФЗАЛДИР

Ул Билоли сидқ уриб бонги намоз,
"Ҳаййа!" эрмас, "Ҳеййа!" дер айлаб ниёз.

Дедиларким, эй Расул, зеҳн айла то,
Ки бино оғозида бундоқ хато.

Эй Расули Холиқу Парвардигор,
Бир муаззин танла ўзга, беғубор.

Айб бўлгай аввали дину салоҳ,
Янглиш ўлса "Ҳаййа алал-фалоҳ!"

Ғазаб қилди, ушбуни тинглаб Расул,
Неча бир сирру синоат очди ул.

Деди: Ҳаққа хуш эрур "ҳаййи" Билол,
Не эмиш ул "ҳаййу-ҳаййу" қийлу қол.

Гапни чўзмангким, очармен розингиз,
Айтадурмен охиру оғозингиз.

Хуш даминг йўқ эрса, айларга дуо,
Бор, дуо бергай ул ихвони сафо.

САБРНИНГ МУКОФОТИ

Бир дарвеш Абул Ҳасан Ҳарақоний исмли шайхнинг шуҳратини эшитиб, уни кўрмоқ учун Талқон шаҳридан йўлга чиқди. Неча кун, неча тунлар йўл юриб тоғлардан ошди, яйловлардан ўтди, ниҳоят, ул зот яшаётган шаҳарга бориб,

уйини сўради. Уйни топгач, ҳурмат билан эшикни тақиллатди. Ҳарақонийнинг хотини эшикдан бошини чиқариб:

— Нима истайсан? — деди.

— Яратганнинг дўстини зиёрат қилиш учун Талқон шаҳридан келдим, — деди дарвеш.

Буни эшитган аёл қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Узун соқолингга боқ. Ҳеч ўйламай қилган ишингга, бу оворагарчиликка бир қара. Ҳей одам, сенинг бошқа қиладиган ишинг йўқмидики, шунча вақтингни йўлларда зое этдинг. Бир ахмоқни кўриш шунча заҳматга арзийдими? — дея эри ҳақида яна не-не ёмон сўзлар айтди, ҳақоратлар қилди.

Дарвеш унинг ҳамма гапларини сабр билан эшитди ва охирида:

— Гапириб бўлган бўлсанг, у муборак зотнинг қаердалигини айт, илтимос, — дея кўзёши тўкди.

Аёл яна бир қанча ҳақоратомуз сўзлар айтди.

Дарвеш бу ҳолда шайхнинг жойини билиш мумкин эмаслигини англагач, у ердан кетди. Яна сўраб-суриштира бошлади. Ниҳоят, шайхнинг ўрмонга кетганини билиб, ўша ёққа қараб йўл олди. Дарвеш ҳам юрар, ҳам: "Шундай бир улуғ зот нима жин уриб бундай бадфеъл, тили заҳар, оғзи шалоқ аёлни уйида ушлаб турибди?" деб ўйларди.

Дарвеш шу хаёллар билан борар экан, бир пайт қараса, шайх баҳайбат бир арслонга миниб олган, арслон устига ўтин, ўтинларнинг устида шайх, қўлидаги қамчиси эса каттакон бир илон эди.

Ҳарақоний дарвешнинг кўнглидан ўтган ўй-фикрларини илғаб бундай деди:

— Мен шу бадфеъл хотинга сабр қилиб, юкини тортаётганим учун бу арслон ҳеч эътирозсиз менинг юкимни кўтаряпти, — деди. *("Маснавий". VI жилд, 2044-байт)*

Ул таҳаммул чун ҳавойи нафс эмас,
Ул хаёли нафсинг эрмиш, эт абас.

Олмасам устимга ул хотин юкин,
Устига олгайму эрди шер юким?

Тевалармиз, элга бўлсин деб сабақ,
Юкламишдир устимизга юкни Ҳақ.

Шарҳ

Ёмон феъл-атворли инсонлар ҳар даврда бор, булар аёл ҳам бўлиши мумкин, эркак ҳам. Ҳикоямизда ёмонлик аёлга тушибди. Оила бир аёл ва эркак таъсис этган тенгликдир. Икки томоннинг ҳам ўзаро келишиб, фаровон турмуш кечиришлари орзу қилинади. Аммо баъзан ишлар текис кетмаслиги мумкин. Эр-хотиннинг бири ёмон феълли ва золим чиқиб қолади. Бундай ҳолда иккинчи томонга тушадиган вазифа – мумкин қадар сабр ва оқиллик намунасини кўрсатишдир. Акс ҳолда оила тарқалиб, болалар сарсон ва бахтсиз бўлишади. Бузилган оилаларнинг фарзандлари ўртасида жиноятчилик кўплиги аччиқ ҳақиқат. Илк келишмовчилик, тортишувданоқ ажралиш йўлини тутиш тўғри эмас. Ажрашишларнинг ортиши жамият тизимини заифлатади. Пайғамбаримиз бир ҳадисларида айтадилар: "Абғазул ҳалали илаллоҳи ат-толақу – ҳалол амаллардан бири Аллоҳ таолога ёқмайдигани талоқдир" *(Доримий. "Талоқ", 3).*

* * *

Аллоҳ таоло талоқни ёқтирмайди, чунки оиланинг бузилиши яхши эмас. Болалар сарсон-саргардон, тирик етим қолишади. Ахир бу оилада туғилган фарзандлар эртанинг буюклари, яхши инсонлари бўлишлари мумкин. Улар элга хизмат қилишлари керак. Ҳозиргиларнинг ва катталарнинг

вазифасини ким бажаради? Умуман, етук, баркамол фарзанд ҳузур-ҳаловатли оила муҳитида етишиб чиқади. Акс ҳолда, у қароқчи бўлади.

Инсонмиз, заифмиз, ўзаро таҳаммулимиз – сабримиз етарли эмас. Бироқ жиддий мулоҳаза юритишимиз керак. Дейлик, умр йўлдошингиз сизга ёқмайдиган бир гап айтди. Дарҳол жаҳл отига минманг. Кулиб: "Бўлди, сен ҳақлисан, бошқа қилмайман", денг, жаҳлни енгишга ҳаракат қилинг. Ёхуд ташқарига чиқиб кетинг. Бироқ буни Тангри таоло учун, болакайларнинг келажаги учун қилинг. Болаларимизнинг зиммамизда ҳақлари бор! Ҳозир яхши тарбия берилмаса, эртага улар юзимизга доғ бўлишлари ҳеч гап эмас. Бундай ёмонликка сабаб бўлганимиз учун биз гуноҳкор ҳисобланамиз. Бу масъулиятни жиддий ҳис этмоғимиз керак. Болаларга ҳозирданоқ яхши тарбия бериб, яхши инсонлар қилиб етиштирайлик. Оқибатда, катта савобга ноил бўламиз. Биздан кейин амал дафтаримизга яхшиликлар ёзилишига болаларимизнинг солиҳ амаллари сабаб бўлади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бир ҳадиси шарифларида инсон ўлганидан сўнг унинг амал дафтари ёпилиши, бироқ уч нарсадан унга савоб етиб туришини марҳамат қиладилар. Шулардан бири – солиҳ, яхши хулқли, одобли фарзанд тарбиялаган бўлса, ана ўша орқали савоб етиб туришини айтганлар. Фарзанд қилган ҳар бир яхши амалнинг савоби ота-онага ҳам етади. Фарзанд ҳақида: "Сени тарбиялаган ота-онангдан рози бўлсин" дея хайрли дуо эшитиш катта бахт.

Мана шуларни ўйлаб эр-хотин баъзи қийинчиликларга бардош бериб, масалага ақл кўзи билан қараши зарур. Муҳими, оила ўчоғини бузиш эмас, қуришдир. Дейлик, бир йил минг машаққатлар билан бир уй қурасиз. Бириси келиб, уни бир пасда йўқ қилиши ҳеч гап эмас. Ҳа, оила мустаҳкамлиги икки томонлама севги, ҳурмат-эҳтиромга таянади. Оналар бу борада янада ҳассослик кўрсатишлари

зарур. Хотин эрини ҳурмат қилмас экан, бола одобсиз бўлиб улғаяди. Оқибатда у онага ҳурматсизлик қилади. Шўрлик она ҳам азият, ҳўрлик жабрини тортишга маҳкум бўлади.

Сабрли, очиқ чеҳра, гўзал ахлоқ, ҳалимлик сифатлари билан безаниб, яхши инсон бўлайлик. Яхши бўлиш осон эмас. Бироқ осон бўлмаган иш ташлаб қўйилмайди, албатта. Ташлаб қўйиб, осонликча воз кеча қолсак, гўзалликларни ким барпо этади. Тангри таоло барчамизга бу йўлда гўзал сабр берсин.

Оила муқаддас, қутлуғ бир муассасадир, ҳазил ёхуд ўйинчоқ эмас. Шунинг учун Аллоҳ таоло талоқ борасида жуда оғир шартлар қўйган. Бу шартлар бажарилсагина қайтадан бирга яшашга изн берилади. Оқил инсон ўша шартларни эслаган заҳоти "талоқ" сўзини тилга олишдан ўзини тияди.

Оилада гўзал, хушвақт кунлар бўлгани каби, бир оз нохушликлар, жанжаллар ҳам бўлиб туради. Бундай пайтда эр ҳам, хотин ҳам сабр қилса, ўзини тутса, ёмон ҳолат ўтиб кетади. Арзимаган сабаб билан хотинига талоқ бериш оқил инсоннинг иши эмас.

* * *

Ҳикоядаги зот ҳам оқил, ориф зотдир. Ориф, оқил, авлиёнинг асосий хислатларидан бири сабрли бўлишдир.

Келган меҳмон билан қисқа "суҳбат"дан кўриняптики, Ҳарақоний ҳазратларига Тангри таоло аёли орқали ажиб синов юборган. Ҳазрат ақл-фаросат, сабр билан бу имтиҳондан яхши ўтганлар (бир киши менга ҳар куни: "Ё Парвардигор, мени аёл билан имтиҳон қилма" деб дуо қилишини айтган эди. – А.Т.).

Бадфеъл хотинли улуғ зотлардан бирига:

– Шу аёлингиздан талоқ бериб, қутулсангиз бўлмайдими? – деб сўрашганда, у:

— Хотинимнинг инжиқликларига бошқа киши сабр қилолмайди, у мендан бошқаси билан турмуш қурса, у эркакнинг аҳволи не бўлади, биласизми? — дея изоҳ берган экан.

Муътабар манбаларда хотинининг инжиқликларига сабр қилган эрга берилажак ажр-мукофотлар ҳақида яхши хабарлар бор.

* * *

Албатта, ҳар кимнинг ҳам чегаралганган сабр-тоқат кучи бор. Оила учоғининг давомийлиги учун сабрдан асло воз кечмаган одам маънан фойда кўради. Мавлоно Румий ҳикоя сўнгида айтади:

Сен учун айтдим бу сўзни, англагил,
Ноаҳллар бирла бўлгин сен аҳил.

Хушла озорин, ёмондин етса ранж,
Ҳақ демиш: ас-сабру мифтаҳул фараж*.

Ул ёмонлар гар жафо этгай сенга,
Нури суннат Ҳақ ато этгай сенга.

Анбиё қасдига ҳаддин ошдилар,
Чун илонлардек басе чирмашдилар.

"Ёмон феълли аёлинг билан муроса қиласан деб бу воқеани англатдим. Сабр саодатнинг калитидир, — дейилади. Бу сирга етмоқ учун кулиб, хушнуд бўлиб, унинг юкини торт. Ёмон феъл-атворлиларга сабр-тоқат қилсанг, суннатнинг, яъни, Пайғамбар йўлининг нурига етишасан. Пайғамбар олчоқ кимсалардан кўп азият чекдилар, илонсифат кишилардан неча азоблар кўрдилар"

---

* Фараж – сабр саодат калитидир.

Ҳикоядаги арслонга миниш лавҳаси бошқа авлиё маноқибларида ҳам учрайди. Бу ҳолат "каромат" деб таърифланади. Валийларнинг кароматлари ҳақдир, мумкиндир. Аммо улар бу мавзуга ортиқча аҳамият беришмайди. "Муҳими каромат эмас, истиқоматдир", дейишади. Яъни, ғайриоддий, ғайритабиий ишлардан кўра, яхши одам каби одам бўлмоқ, комил мусулмон каби яшамоқ аҳамиятлидир. Зеро, ҳазрат Навоий таъкидлаганларидек:

Одам авлодида камдир одамийлик шеваси,
Одам эрмас улки, майли, одамизот айлагай.

Ҳикояда номи тилга олинган Ҳарақоний 1033 йили вафот этган Ҳақ дўсти, валий зотлардандир. Эрон, Хуросонда яшади. Қалби барча инсонларга севги ва шафқат билан тўла эди. У зотнинг бундай дегани келтирилади:

– Туркистондан Шомга қадар ҳудуддаги кишилардан бирининг бармоғига тикан кирса, менинг бармоғимга кирган бўлади. Худди шундай – Туркистондан Сурияга қадар бўлган жойларда бир кимсанинг оёғи тошга урилса, мен унинг оғриғини туяман. Агар биргина қалбда изтироб бўлса, у менинг қалбимдир".

* * *

Авлиё Чалабий Қарс қалъасининг Лола Мустафо Пошо даврида таъмирланганини ҳикоя қилар экан, бир аскарнинг генералга айтиб берган тушини нақл этади. Аскар айтади: "Тушимда нуроний бир зот ўзининг Абул Ҳасан Ҳарақоний эканини ва мақоми (дафн этилган ўрни) шу ерлигини айтди. Оёғим билан босиб турган жойни қазишимни истади".

Шундан сўнг ўша жойни қазишибди ва устида: "Манам шаҳиду Саийд Ҳарақоний" ёзуви бор тўрт бурчакли мармар тош топилибди. Ғозийлар мармарни такбир ва тавҳид садолари

билан кўтаришгач, қабр ўртага чиқибди. Ярим билагидаги без ва эгнидаги ҳирқанинг чиримагани; вужудининг ўнг томонидаги яраси ҳали ҳам қонаб турганига гувоҳ бўлишади. Ғозийлар яна такбирлар айтиб қабрни ёпишади. Қалъа ичига илк бор Лола Мустафо Пошо томонидан Абул Ҳасан Ҳарақоний номида бир таккя ва жомеъ-масжид қурдирди.

Авлиё Чалабий келтирган ушбу маълумот кейинчалик кенг ёйилиб, Ҳарақонийнинг Қарс шаҳри фатҳида иштирок этгани ҳақидаги ишонч асосланишига йўл очди. Қарсда унинг номидаги бир жамғарма ташкил қилинди. Абул Ҳасан Ҳарақоний мақбараси ҳозиргача зиёрат қилинади.

* * *

Шарҳимизни "Бахтли оила бунёд этаётган ёшларга икки мактуб" билан якунлаймиз.

КЕЛИНПОШШАГА МАКТУБ

1. Эрингга у ёқтирадиган исм ва сифатлар билан мурожаат қил!

2. У ёқтирадиган овқатларни чиройли, мазали пиширгинки, уйни соғинсин.

3. Эринг уйдан чиқаётганида кузатиб қўй; оқшом қайтганида табассум ила кутиб ол.

4. Энг чиройли бўлиб кўринишинг керак бўлган киши эринг эканини бил.

5. Иффат ва ҳаёлингни муҳофаза эт. Энг гўзал тақво либоси эканини унутма; ҳар ишимизни кўриб турган Яратганни эсла.

6. Эринг ва болаларингдан меҳрингни аяма. Уйингнинг тираги бўл. Эринг уйда бўлмаганида хотиржам юрсин.

7. Эрингдан миннатдор бўлишни, унга раҳмат айтишни унутма. Кучи етмайдиган ишларни айтиб қийнаб қўйма, ундан бировларга шикоят қилма.

8. Эрингнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўл.

9. Эринг рухсат бермаган жойларга борма.

10. Тежамкор бўл. Исрофгар бўлма. Қийин аҳволда ҳам исён этма.

11. Озода ва саранжом-сариштали бўл. Эрингнинг кийимлари ҳам тоза ва дазмолланган бўлсин.

12. Эрингнинг қариндошлари ва яқинларини меҳмон қилишдан оғринма. Уларга яхши муомалада бўл.

13. Қайнонангни тажрибали бир она сифатида ҳурмат қил, эринг хурсанд бўлсин.

14. Онангнинг уйига бўлар-бўлмасга ҳадеб бораверма, ишларинг оқсамасин.

15. Болаларингни яхши хулқли, маданиятли инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қил, эл-юрт сени яхшилик билан тилга олсин.

СУЮКЛИ КУЁВТЎРАГА МАКТУБ

1. Уйдан чиқаётганда аёлингга: “Яхши қолинг”, деб чиқ. Ҳамиша унинг кўнглини хушнуд эт.

2. Сени кутиб кўзи тўрт бўлмасин, вақтлироқ уйга кел.

3. Ташқарида еб-ичганларингдан уйингга ҳам олиб кел.

4. Аёлингнинг хато-камчиликларини бошқаларга айтма, яхшилик, фазилатларини эсла.

5. Уйингни сарф-харажатсиз қолдирма, улар бошқаларга муҳтож бўлишмасин.

6. Ишхонангдаги нохушликларни уйга келиб айтма. Уйинг севинчга тўлсин.

7. Тўй ё саёҳатга борганингда иложи бўлса, аёлингни ҳам олиб бор.

8. Уйга салом бериб ва кулар юз билан киргин, уйдагилар келганингдан севинишсин.

билан кўтаришгач, қабр ўртага чиқибди. Ярим билагидаги без ва эгнидаги ҳирқанинг чиримагани; вужудининг ўнг томонидаги яраси ҳали ҳам қонаб турганига гувоҳ бўлишади. Ғозийлар яна такбирлар айтиб қабрни ёпишади. Қалъа ичига илк бор Лола Мустафо Пошо томонидан Абул Ҳасан Ҳарақоний номида бир таккя ва жомеъ-масжид қурдирди.

Авлиё Чалабий келтирган ушбу маълумот кейинчалик кенг ёйилиб, Ҳарақонийнинг Қарс шаҳри фатҳида иштирок этгани ҳақидаги ишонч асосланишига йўл очди. Қарсда унинг номидаги бир жамғарма ташкил қилинди. Абул Ҳасан Ҳарақоний мақбараси ҳозиргача зиёрат қилинади.

* * *

Шарҳимизни "Бахтли оила бунёд этаётган ёшларга икки мактуб" билан якунлаймиз.

КЕЛИНПОШШАГА МАКТУБ

1. Эрингга у ёқтирадиган исм ва сифатлар билан мурожаат қил!

2. У ёқтирадиган овқатларни чиройли, мазали пиширгинки, уйни соғинсин.

3. Эринг уйдан чиқаётганида кузатиб қўй; оқшом қайтганида табассум ила кутиб ол.

4. Энг чиройли бўлиб кўринишинг керак бўлган киши эринг эканини бил.

5. Иффат ва ҳаёлингни муҳофаза эт. Энг гўзал тақво либоси эканини унутма; ҳар ишимизни кўриб турган Яратганни эсла.

6. Эринг ва болаларингдан меҳрингни аяма. Уйингнинг тираги бўл. Эринг уйда бўлмаганида хотиржам юрсин.

7. Эрингдан миннатдор бўлишни, унга раҳмат айтишни унутма. Кучи етмайдиган ишларни айтиб қийнаб қўйма, ундан бировларга шикоят қилма.

8. Эрингнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўл.

9. Эринг рухсат бермаган жойларга борма.

10. Тежамкор бўл. Исрофгар бўлма. Қийин аҳволда ҳам исён этма.

11. Озода ва саранжом-сариштали бўл. Эрингнинг кийимлари ҳам тоза ва дазмолланган бўлсин.

12. Эрингнинг қариндошлари ва яқинларини меҳмон қилишдан оғринма. Уларга яхши муомалада бўл.

13. Қайнонангни тажрибали бир она сифатида ҳурмат қил, эринг хурсанд бўлсин.

14. Онангнинг уйига бўлар-бўлмасга ҳадеб бораверма, ишларинг оқсамасин.

15. Болаларингни яхши хулқли, маданиятли инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қил, эл-юрт сени яхшилик билан тилга олсин.

СУЮКЛИ КУЁВТЎРАГА МАКТУБ

1. Уйдан чиқаётганда аёлингга: “Яхши қолинг”, деб чиқ. Ҳамиша унинг кўнглини хушнуд эт.

2. Сени кутиб кўзи тўрт бўлмасин, вақтлироқ уйга кел.

3. Ташқарида еб-ичганларингдан уйингга ҳам олиб кел.

4. Аёлингнинг хато-камчиликларини бошқаларга айтма, яхшилик, фазилатларини эсла.

5. Уйингни сарф-харажатсиз қолдирма, улар бошқаларга муҳтож бўлишмасин.

6. Ишхонангдаги нохушликларни уйга келиб айтма. Уйинг севинчга тўлсин.

7. Тўй ё саёҳатга борганингда иложи бўлса, аёлингни ҳам олиб бор.

8. Уйга салом бериб ва кулар юз билан киргин, уйдагилар келганингдан севинишсин.

9. Уйингни Қуръонсиз, китобсиз ва намозсиз қолдирма. Бомдодга турганингда оила аъзоларингни ҳам уйғот, раҳмат ва баракот кун бўйи сиз билан бирга бўлсин.

10. Ғайратли бўл, рашкчи бўл. Бироқ ноўрин гумон ва шубҳага борма. Айб-камчилик қидиришдан сақлан.

11. Инсофли бўл; аёлинг кучи етмайдиган ишларни унга буюрма. Керак бўлганида унга ёрдам бер.

12. Қарорларингда аёлинг билан ҳам маслаҳатлашишни унутма.

13. Кутилмаган совғалар бериб, кўнглини олишни бил.

14. Дунё уйига кириш дунёга муккасидан берилиш эмас, охиратни унутма. Дин, Ватан, инсоният учун меҳнат қилишни унутма.

15. Озгина ҳалол даромад кўп ҳаром фойдадан яхшидир. Ҳаром луқма ема, хотининг ва фарзандларингга ҳам едирма.

СУЛТОН МАҲМУД ВА ЎҒРИЛАР

Султон Маҳмуд бир кеча кийимларини ўзгартириб шаҳарни айланиб юрганида, бир гуруҳ ўғрига дуч келди. Ўғрилар:

— Оғайни, сен кимсан, ярим тунда бу овлоқ жойларда нима қидиряпсан? — деб сўрагач, Султон Маҳмуд:

— Мен ҳам сизга ўхшаган ўғриман, — деди.

Ўғрилар уни сафларига қўшишди. Улардан бири:

— Дўстлар, модомики бир жойга йиғилдик, келинг, кимнинг қандай ҳунари бўлса, қўлидан нима иш келса, айтиб берсин, — деди.

Шунда ўғрилардан бири ўрнидан турди:

— Мен итлар ҳуриб, нима деяётганини биламан, — деди.

Бошқалари кулишди:

— Бу ҳунаринг икки чақага арзийди холос.

Бошқаси сўз олди:

– Менинг бутун ҳунарим кўзларимда. Тун қоронғисида кўрган одамимни кундузи ҳам танийман.

– Менинг ҳунарим қўлларимда, – деб гап бошлади бошқаси, – қўлим билан исталган деворни теша оламан.

Яна бошқа ўғри:

– Менинг маҳоратим бурнимда, тупроқни ҳидлаб, қаерда, қандай хазина яширин эканини биламан.

Ўғрилар шу тариқа ҳунарларини айтишганидан сўнг, Султон Маҳмудга қарашди:

– Эй, янги дўст, қани, айт, сенинг нима ҳунаринг бор?

– Менинг ҳунарим соқолимда. Уни ўйнатиб, айбдорларни жазодан, ўлимга ҳукм қилинганларни дор остидан қутқараман, – деди Султон Маҳмуд.

Бу гапни эшитган ўғрилар:

– Энг катта ҳунар сенда чиқди, кўпроқ сенга ишимиз тушар экан. Шу боис бизнинг раисимиз бўлишинг керак. Бундан буён сен нима десанг, биз бўйсунамиз. Ҳаммамиз амрингдамиз, – дейишди.

Султон Маҳмуд:

– Модомики, мен раисингиз эканман, қани турингглар, бориб подшоҳнинг хазинасини ўғирлаймиз, – деди.

Ўғрилар ҳеч эътироз этмасдан туриб, сарой томон йўл олишди. Саройга яқинлашганларида бир ит ҳура бошлади. Ит овозини тушунадиган ўғри хавотирланиб, олдинга отилиб чиқди:

– Ҳой, тўхтанглар, бу ит: “Подшоҳ сиз билан бирга”, деяпти, – деди. Бошқа ўғрилар:

– Кўп валдирама, кетдик, ишимиздан қолмайлик, – дейишди.

Ҳидни яхши биладиган ўғри тупроқни ҳидлаб, хазинанинг жойини аниқлади.

Девор тешадиган ўғри хазинага йўл очди. Ҳаммалари бирга хазинага киришиб, кўтаргунларича олтин ва

Румий назарда тутган ҳадиси шарифнинг мазмуни қуйидагича: “Инсонлар кумуш ва олтин маъданига ўхшайдилар. Жоҳилият даврида яхши бўлганлар, динни яхши англашса, Исломда ҳам яхшидир” (*Муслим. “Фазоилус саҳоба”, 199).* Румий у кишини гапиртиришда давом этади:

“Мажнун каби тупроқни ҳидлайман, адашмай Лайлининг хокини топаман”. “Ҳар кўйлакни ҳидлаб, ичида Юсуф борми, ёки шайтон (Аҳриман)ми – биламан. Ҳазрати Муҳаммад (алайҳиссалом) Ямандан ҳид олардилар. Мен ҳам шу насибадан баҳраманд бўлганман”:

Ҳидласам, басдир димоғим билмаги,
Ул Юсуфму Аҳриманнинг кўйлаги?

Етди Аҳмадга магар атри Яман,
Ул насибдин мен-да бўлдим баҳраманд.

Румий ҳазратлари мумтоз адабиётдаги талмеҳ санъатини қўллаб, Ёқуб пайғамбар ва Увайс Қаранийга ишора қилади.

Ёқуб ва Юсуф (алайҳимуссалом) ҳикояси Қуръонда муфассал баён этилади. Юсуф акалари томонидан қудуққа ташланиб, кейин сотиб юборилгач, фарзанд доғида отасининг кўзлари кўр бўлиб қолади. Ҳазрати Ёқуб фарзанд фироқи ва фарзандлар хиёнати билан имтиҳон қилиндилар. Сабр ва умид билан бу имтиҳондан муваффақиятли ўтгач, ўғли Юсуфга етишдилар. **“Энди қачонки хушхабарчи келиб, уни** (яъни, Юсуфнинг кўйлагини Ёқубнинг) **юзига ташлагач, унинг кўзлари очилди”.**

* * *

Халқ орасида Вайсал Қараний деб аталувчи зот яманлик бўлиб, онага ҳурмат севгиси ва Пайғамбаримизга чин севгиси боис номи тилларда достондир. Тарихий маълумотларга кўра,

Не ажиб ганжина бордир остида...
Мисли Мажнун ҳидлаб-ҳидлаб ҳокини,
Мен топармен Лайли қабри покини.

Румий ер усти ва остидаги моддий эмас, маънавий ганжина — хазиналардан баҳс юритмоқчи, тўғрироғи шу ганжиналарга ўқувчи диққатини тортмоқчи, ғафлат билан улардан бебаҳра қолишдан қайтармоқчи, маънавий ҳушёрликка чақирмоқчи.

Шоир Ҳувайдо айтганидек:

Ҳоки пойи яхшилар бўл, ҳок бўлмасдан бурун,
Бу қаро ер бағри сенга чок бўлмасдан бурун.

Умуман, тупроқ бадиий адабиётда камтарлик, ҳоксорликнинг тимсоли бўлиб келади.

Тупроқ бўлгил, олам сени босиб ўтсин...

Аҳмад Яссавий

* * *

"Маснавий"нинг 4-китобида Мавлоно Жалолиддин Румий тупроқнинг биз билган-билмаган хислатларига таъриф беради:

Ишқимиз бордир шу тупроққа ажиб,
Чунки тургай қаршимизда тиз чўкиб...

Гарчи тупроқ зоҳиран тупроқ эрур,
Ич-ичин боқсанг, фақат нур ичра нур...

Зоҳиран тупроқ аламга бандадир,
Ботини юз минг табассум, хандадир.

Аллоҳга мақбул, суюкли бўлишнинг шарти тупроқ бўлиш бўлса, мардудлик — рад этилишга сабаб шайтоний кибр, кеккайишдир:

жавоҳирлардан олиб чиқишди. Яширинган жойларига келишди. Султон Маҳмуд бу ерга келадиган яширин йўлни яхшилаб ўргангач, жимгина у ердан чиқиб, саройга қайтди. Эрталаб аскарларини юбориб, ўғриларни маконларида бостириб ушлатди. Ўғриларни қўллари боғланган ҳолда ҳоким ҳузурига келтиришди. Айблари аниқлангани учун ҳаммаси жазога маҳкум эди. Жазони ижро этиш учун сарой майдонига чиқаришди. Ҳаммаси қўрқувдан титрар эди.

"Кечаси кимни кўрсам, кундузи кўрганимда ҳам албатта танийман" деган ўғри подшоҳни тахтида кўргач, дарров таниди. Ўртоқларига:

— Бу кеча биз билан дўстлашган одам тахтда ўтирибди, — деди.

Ўғрилар жазо жойига олиб борилар экан, Султон Маҳмуд уларга юзланди:

— Ҳамма ҳунар-маҳоратини кўрсатди, энди навбат менга, — деди ва бир бош ишорати билан уларни жазодан қутқариб қолди. *("Маснавий", VI жилд, 2816-байт)*

Шарҳ

Мавлононинг мақсади фақат ҳикоя сўзлаш эмас. Бинобарин, ҳикояни шошилмай бафуржа айтиб беради. Орасира диққатни жалб этувчи эслатмалар, ҳикматларни келтиради. Жумладан, тупроқни ҳидлаб, ичида нелар борлигини биладиган ўғри тилидан бундай дейди:

Биттаси: бурнимдадир чин хосият,
Мен юриб тупроқни ҳидлармен фақат.
Жумла инсонларни маъдан, деб Расул
Айтмиш эрди, не сабабдин эрди ул?
Мен билармен ҳар қарич ер устида,
Не ажаб ганжина бордир остида

у Яманда яшаган, кекса онасини ёлғиз қолдиришга кўзи қиймагани учун Ҳазрати Пайғамбарни (алайҳиссалом) кўришга келолмаган. Ҳаёти ҳақида кейинчалик бир неча манқибалар ёзилди.

Жалолиддин Румий байтларида мана шунга ишорат этмоқда. Мумтоз адабиётда Вайсал Қаранийга кенг ўрин берилади. Юнус Эмро ёзади:

Ёстиғи тош эди, тўшаги тери,
Умматни жаннати айламоқ қасди,
Ҳақнинг суюкли қули, Ҳабибнинг дўсти,
Яман ўлкасида Вайсал Қараний.
Онасидан изн олди – жўнади,
Каъба йўлларидан ўтди, айланди.
Ул муборак уйга борди – топмади,
Яман ўлкасида Вайсал Қараний.
Пайғамбар масжиддан уйига келди,
Вайсалнинг нурини эшикда кўрди.
Сўрди Ойишадан: "Уйга ким келди?"
Яман ўлкасидан Вайсал Қараний.
Юнус айтар, келинг, биз ҳам борайлик.
Оёғин гардига юзлар сурайлик.
Ҳақ насиб айласин, қўшни бўлайлик,
Яман ўлкасида Вайсал Қараний...

* * *

Ҳикоя зоҳиридан чиқариладиган хулоса равшан, яъни ҳалоллик, поклик, тўғрилик, инсон зийнатидир, бунинг акси, яъни, ўғрилик эса шармандалик, ҳатто ҳалокатга сабаб бўлади. Бироқ, Жалолиддин Румий ўғрилар можароси баҳонасида бир неча хусусларга ишорат қилмоқда. Буни ҳикоя орасида у зот ташлаган ҳикматомуз "луқмалар"дан илғаш мумкин:

Мен биларман ҳар қарич ер устида,

Эй Навоий, ўзни мақбул истасанг, тупроқ бўл,
Ким эрур мардуд улким, бошида киндори бор.

Бахши шоир Ошиқ Вайсал ёзади:
Дўст-дўст дея мен кимларга боғландим,
Менинг содиқ ёрим қаро тупроқдир.
Беҳуда айландим, беҳуда ёндим,
Менинг содиқ йўлим қаро тупроқдир.

Одамдан шу дамга наслим келтирди,
Менга турли-турли мева едирди,
Ҳар кун мени елкасида кўтарди,
Менинг содиқ ёрим қаро тупроқдир.

Ҳавога боқарсам ҳаво оларман,
Тупроққа боқсам гар дуо оларман.
Тупроқдан айрилсам, қайда қоларман?
Менинг содиқ ёрим қаро тупроқдир.

Тилагинг бўлса гар иста Тангридан,
Олмоқ учун узоқ кетма тупроқдан.
Жўмардлик тупроққа берилмиш Ҳақдан,
Менинг содиқ ёрим қаро тупроқдир.

Ҳар кимки бўлурса бу сирга мазҳар,
Дунёда қолдирар ўлмас бир асар.
Кун келар Вайсални бағрига босар,
Менинг содиқ ёрим қаро тупроқдир.

* * *

Бошим туфроқ, ўзим туфроқ, жисмим туфроқ,
Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ.

Аҳмад Яссавий

Мавлоно Румий қаҳрамони тупроқнинг ана шу сир-асрорларидан воқиф, ҳеч қурса, бу ажойиботларни билмоққа мушток талабадир:

Ҳидлагувчи ҳидлади боз, очди сир,
Дедиким, бойлик, хазина шундадир.

Ҳа, у хазинани "қўлга киритгач" ўзини, ўзлигини, уни ҳалокатдан қутқарувчи нажоткорни "топди". У бандасининг ҳар бир хатти-ҳаракатини билишини ва кўришини дўстларига англатди. Зеро, "кўзи ўткир" шериги шоҳни кўриши билан:

Билдиким, тахт узра улким шоҳ эрур,
Тундаги ул ҳамдаму ҳамроҳ эрур.
Хосиятлар маҳзани – соқолидир,
Бизни тутқунлаш – унинг аъмолидир.
Ул таниб олмишди шоҳга бир қараб,
Шул танишлик бирла очди сўзга лаб.
Деди: ваҳува маъакум, шоҳ ул ўзи,
Ҳам кўриб, ҳам тинглагувчи ул ўзи.
Кўзларим шул тунда олмишди таниб,
Туймадим ойдек юзига термулиб.

Румий мумтоз адабиётнинг иқтибос санъатини қўллаб, Қуръони карим Ҳадид сураси 14-оятга ишора этади: **"Сизлар қаерда бўлсангизлар У сизлар билан биргадир. Яратган қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир".**

Румий "мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир" қоидасига амал қилиб, шоҳга илтифоти, муҳаббати ортган ўғри номидан унинг умидвор сўзларини келтиради:

Умматимни сўргум андин мен нуқул,
Ошносидин ўгирмас юз на ул.

Икки дунёга суянч ориф кўзи,
Жумла Баҳромга паноҳдир юлдузи.

Шоҳга кўз тикди Муҳаммад ҳар нафас,
Сўнг ғарибларни шафоат қилди, бас.

Халқ шоири, таржимон Жамол Камол таржимасидаги сўнгги байт изоҳида ушбу сатрларнинг Ванн-нажм сураси 17-оятига ишора экани қайд этилади. Ушбу оятларда Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) Меърож кечаси Яратганнинг қудратига далолат қиладиган жуда кўп аломатларни кўрганлари (таъкид биздан. – А.Т.) айтилади. Ўша суранинг 26-оятидан: **"Осмонларда қанчадан-қанча фаришталар бўлиб, уларнинг шафоатлари ҳам бирон фойда бермас, магар Ўзи хоҳлаган ва рози бўлган кишилар учун** (шафоатга) **изн берганидан кейингина** (у шафоатнинг) **фойдаси тегар".**

Жалолиддин Румий ҳикоя орқали шафоат мақомига ҳам изоҳ бериб, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) умматларига нақадар меҳрибон, "шафоатлиғ, тунлари тиловатлиғ, йўлдан озғон гумроҳга ҳидоятлиғ, ғариб, етимга мурувватлиғ"зот эканларини *(Аҳмад Яссавий)* эслатмоқда. Хўш, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) шафоатларига кимлар ноил бўлишаркин? Бу саволга Аҳмад Яссавий ҳазратлари бундай жавоб беради:

"Ал-каззобу лаа уммати" деди, билинг Муҳаммад,
Ёлғончилар қавмини уммат демас Муҳаммад.

Тўғри юрган қулини, Ҳақни излаб йўлини,
Рост юриган қулини уммат дегай Муҳаммад.

Ҳар ким умматман деса, Расул ишин қўймаса,
Шафоат куни бўлса, маҳрум қўймас Муҳаммад.

Тангри таоло сўзин, Расулуллоҳ суннатин
Инонмаган умматин уммат демас Муҳаммад.

Умматман деб юрурсан, буйруғини қилмассан,
Нечук умид тутарсан, анда сўрмас Муҳаммад.

Мушкулдир осий банда, уммат демаса анда,
Расво ўлур Маҳшарда, уммат демас Муҳаммад.

Уммат дегай Муҳаммад, чин сўзласа қул Аҳмад,
Тонг-ла бўлса Қиёмат, маҳрум қўймас Муҳаммад.

Ҳа, Мавлоно Румий айтмоқчиларки, ҳикояда келган оғир, танг аҳволда қолганлар сингари биз ҳам шафоатга муҳтожмиз, умидвормиз:

Шоҳга ул юзланди чанқоқ сийнасўз,
Чун Қадр шомида ойга тикди кўз.
Жонини тикмишди унга бир йўла,
Инчинун, сўз очди гўстоҳлик била.
Дедиким, балчиққа ботганмиз, хароб,
Тонгла Маҳшарда ўзингсан офтоб.
Подшоҳим, интизор этдинг, етар,
Энди соқолинг қимирлатсанг, нетар?

Энг муҳими бу илтифотга, бу неъматга, бу марҳаматга лойиқ бўлишга ҳаракат қилмоқдир. Румий фикрича, бунинг учун кўз, кўнгил, қулоқ очиқ бўлиши, ҳақиқатни кўриши, ҳис қилиши, эшитиши керак. Шоҳдан огоҳлик, уйғоқ, сергак бўлиш, “султоншунос” бўлиш керак:

Ўзгадир лекин у кимса, марди хос,
Тун аро эрса, кўзи султоншунос.

Шоҳдин огоҳлик – ҳунарнинг афзали,
Ўзгасин қўй, роҳи шайтондир бари.

Улки тунда шоҳни кўрмишди кўзи,
Энди ҳукм айларда шоҳ тортингуси.

Итки подшодин хабардор этди, ҳай,
Каҳф ити деб қўйса отин арзигай.

Ул қулоқда хосият бордир магар,
Ҳурса ит, топгай арслондин хабар.

Итки тунда соқчидек уйғоқ эрур,
Уйқусизлар ҳолини билмасми ул?

* * *

Улуғ бир зотдан шогирдларидан бири:

– Ҳазратим, менинг гуноҳим кўп, бу ҳолда қиёмат куни ҳолим не кечаркин? – деб сўради.

– Сен чўпон бўлсанг, қўйларинг орасида бир оқсоқ, мажруҳ қўй бўлса, нима қилардинг? – сўрабди улуғ зот.

– Уни ташлаб қўймасдим, қолганларига қўшиб, олиб келардим, – дебди шогирд.

Шунда устози айтди:

– Ўғлим, сен вазифангни ихлос-ла бажар, Яратган карамлидир. Биизниллаҳ, биз-да қараб турмасмиз...

* * *

"Маснавий"нинг бошқа бир ўрнида муаллифнинг кўришга доир, басийрат кўзига доир ҳикматли фикрларини учратамиз. Румий охирни, оқибатни кўра олган инсон – масъуд, бахтиёр, охур – нафс балосига алданиб, бепарво

қолган инсон матруд – рад этилган, Парвардигор ҳузуридан қувилажак инсон эканини айтади. “Сен маҳи фохир, яъни, тўлин ойни кўргандек, ҳақиқатни кўр, бир кўзли иблис каби ҳақиқатни чала, ярим-ёрти кўрмагин”, дейдилар:

Кимки кўргай охирин, масъуд эмиш,
Кимки билгай охурин, матруд эмиш.

Кўр уларни, чун маҳи фохирни кўр,
Аввалин кўрдинг басе, охирни кўр.

Сен магар бир кўзли иблис бўлма, ҳай,
Ярмини кўргай-да, ярмин кўрмагай.

Кўрди тупроқни. Имонни кўрмади,
Ерни кўрди, посбонни кўрмади.

Оқибатни кўрмаган эрдан бироқ
Оқибатни кўрса, хотин яхшироқ. (IV-китоб, 1622-байт).

* * *

Шарҳимизни ушбу ҳикояда келган бир дуоси билан якунлаймиз:

Ё Тангрим, кўзларни равшан айлагил,
Бизни офатдан, балодан асрагил.
Тун ношод, кундуз паришон айлама,
Жон тилар васлингни, ҳижрон айлама.

ОТНИНГ ҚУСУРИ

Бир амирнинг жуда чиройли оти бор эди. Ҳатто, подшоҳнинг отлари ичида ҳам унинг тенги йўқ эди. Амир бир кун бу отига миниб Хоразмшоҳ уюштирган маросимга бор. Подшоҳнинг кўзи беихтиёр ўша отга тушди. Отнинг туриши,

хатти-ҳаракатлари, ранги султоннинг ақл-ҳушини олди. Отнинг қаерига қарамасин гўзал ва жозибали эди.

Подшоҳ сафардан қайтгач, дарҳол бу отни олиб келишларини буюрди. Аъёнлар амирнинг уйига бориб, шоҳнинг амрини айтишди. Амир паришон бўлди. Ахир, подшоҳнинг ҳукмига қарши чиқиб бўлармиди?

Чорасиз ҳолда вазир Имодулмулкнинг ҳузурига бориб,

Деди: олсинлар бисотим бешу кам,
Мен берай боримни ҳам, йўғимни ҳам.
Лек ўлимдир менга отдан айрилиқ,
Олсалар отимни, ўлгаймен аниқ.
Мен биларменким, қўлимдан кетса от,
Қолмагай жисмимда, сўнгайдир ҳаёт...
Кетса ёрим, сабр этармен ҳар қалай,
Кетса от, сабру қарорим қолмагай.

Имодулмулк амирнинг елкасига уриб қўйди, унга тасалли берди:

— Сен ташвишланма, мен отингни қайтариб олиб бераман, — дея туриб подшоҳ ҳузурига кетди.

У подшоҳ ҳузурида овоз чиқармай, тек турар, бироқ ичидан тинмай дуо-илтижо қиларди. Худди шу пайт хизматкорлар отни олиб келишди. Подшоҳ тахтидан тушди. Имодулмулкка отни кўрсатиб:

— Нақадар гўзал, нақадар тенгсиз бир от! Ҳамма аъзолари нақадар нуқсонсиз! — деди. Имодулмулк:

— Тўғри айтяпсизку, ҳазрати олийлари, лекин менга отнинг боши ниҳоятда хунук кўринмоқда, — деди.

Подшоҳ диққат билан қаради. Ҳақиқатан бу отнинг боши ҳўкизнинг бошига ўхшарди. Шу ондаёқ отга бўлган бутун иштиёқи сўнди. Отни эгасига қайтариб беришларини буюрди. Аслида:

Бир баҳона эрди бу, чун Тангри, ҳай,
Шоҳ дилин отдан совутди ҳар қалай.

Курмасин, деб ёпди эшикни Аллоҳ,
Ул сухан эрди эшикдин бир садо...

Ул эшик ҳар гал ғичирлар шул йўсин,
Бонгини тинглаб, кўролмассан ўзин.

Янграса ҳикмат ила гар хушовоз,
Ланг очилгай бир эшик жаннатда боз.

Тўлса ғийбатга қулоқнинг тешиги,
Ланг очилгайдир жаҳаннам эшиги.

Тингла бонгин, гар йироқдирсен бу дам,
Бахтиёр улким, кўрар эшикни ҳам.

("Маснавий", VI жилд, 3485 – 3493-байтлар).

Шарҳ

Хоразмшоҳлар Мавлоно Румий туғилиб ўсган ҳудудда (1100 – 1230 йиллари) ҳукм сурган бир сулоладир. Улар ҳукмронлик қилган даврда кўплаб дин, адабиёт ва тасаввуф олимлари етишиб чиққани тарихдан маълум..

Ҳикояда бир чиройли от устидаги баҳсдан сўз юритилмоқда. Аждодларимизнинг отга ишқибозлиги қандай кучли бўлгани таъкидланяпти.

"От – йигитнинг қаноти", "Оти борнинг қаноти бор", "От тегди – қанот тегди", "От дўсти – ота дўсти", "Яхши от – ярим ризқ", "От ушлаган – азобидан қутулар" (ушлаган – бу ўринда "боққан, асраган" маъносидадир), "Отли йигит – бахтли йигит", "Бошсиз бўрк бўлмас, Тотисиз турк бўлмас"

(бурк – қалпоқ, телпак; тоту, тоти – кичик от, тойчоқ.) каби ўзбек халқ мақоллари ҳам бежиз айтилмаган.

Қуръони карим от Тангри таоло инсонга берган улуғ неъмат экани баён этилган: **“У зот яна сизлар минишингиз учун зийнат қилиб отлар, хачирлар ва эшакларни** (яратди). **Яна сизлар ҳали билмайдиган нарсаларни ҳам яратур”** *(Наҳл, 8)*

Бироқ бошқа дунё моллари, зеб-зийнатлари каби “қимматбаҳо” отлар ҳам синов-имтиҳон учун берилгани таъкидланади:

“Одамларга аёллар, болалар, туганмас олтин-кумуш бойликлар, (қиммат) **баҳоли отлар, чорва ва экин-тикинлар каби истак-хоҳишларга кўнгил қўйиш чиройли қилинди. Ҳолбуки, бу нарсалар ҳаёти дунёнинг** (ўткинчи) **нарсалардир. Тангрининг ҳузурида эса энг гўзал қайтадиган жой – жаннат бордир.** *(Оли Имрон, 14).*

Пайғамбаримизнинг (с.а.в) бир ривоятга кўра, ўн бешта (Ибн Можа. “Мухтасар ус-сияр”), бошқа ривоятга кўра, еттита (Ибн Гузай ал-Қалбий. “Китобул хайл”) отлари бўлган.

Имом Нававий “Ат-тақриб ва-т-тайсир” асарида (Байрут, 1980) қуйидагиларни ёзади: “Аллоҳ Расулининг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) отлари бор эди. Биринчи минган отлари Сақбдир. Пешонаси ва оёғида оқи бор эди. Сабха исмли яна бир отлари бўлган. Бу айни пайтда ўзлари миниб ғазотга чиққан илк от эди. Бошқа бир отлари эса Муртажаздир. Расули Акрам бу отни бир бадавийдан сотиб олганлар. Сахб бин Саъд бундай дейди: “Расулуллоҳнинг Лизоз (Лазоз), Зариб ва Лухайф (Лахиф) исмли уч оти бўлган. Лизозни у зотга Муқовқис ҳадя қилган. Лухайф (Лахиф) эса Робиа ибн Абул Баронинг совғасидир”.

Расулуллоҳ унга бир неча туя берганлар. Маълумотларга кўра, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) кўпроқ қора,

пешонасида ва орқа оёқларида оқи бўлган отларни яхши отлар деб таърифлаганлар.

Ас-Саъдус-Самарқандий "Жонзотларнинг тиббий хосиятлари" асарида яна бир эътиборли маълумотни келтиради: "Расули акрамнинг отлари бор эди. Ва ҳадисда келибдурким, "Ҳеч оқшом йўқки, магар от бу дуони ўқимагай: "Робби, иннака саҳҳоратани ли-ибни Адама ва жаъалти ризқи фи-ядиҳи ва ҳабибни ийёҳи (Парвардигорим, мени Одам фарзандига бўйсундирдинг ва ризқимни унга боғладинг. Эй Худо, бас, мени унга севимли қил!)"

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадисларида марҳамат қиладилар: "От уч хил иш учундир. Бири савоб, бири – парда ва яна бири гуноҳдир. Савоб – шуки, киши уни Яратган йўлида ўтлоқда ёки уйида боқса, унга савоб ёзилур. Ўтлаши учун уни яйловга ёки ўз боғчасига боғлаб қўйса, арқони етган жойгача савоб ёзилаверади...

Бойлик ва зориқмаслик учун боқиб, парвариш қилиб, миниб Аллоҳнинг ҳақини унутмаган бўлса, унга шу от дўзахдан парда бўлади. Агар киши уловини фахр, риё ёхуд мўминларга қарши ҳаракат учун боқса, бу иши учун унга гуноҳ ёзилади".

* * *

Ҳикояда амир билан ҳукмдор орасида чиройли отга эга бўлиш учун тортишув баён этилган. Ҳолбуки, тасаввуфда бу ҳолнинг чораси очиқ-ойдин айтилган: "На сен бир нарсага молик бўлгайсан, на бирор нарса сенга молик бўлгай".

Ҳикояда эса бу ҳикматнинг тескариси. Ўртада қимматбаҳо бир от бор, эгаси уни жуда яхши кўради. Яъни, у отга молик, от унинг мулки. Аммо отга бўлган ишқибозлиги шу даражада зиёдаки, гўё унинг мубталосига айланган. Отдан айрилиб қолиш унга ўлим билан баробар. Ҳукмдор ҳам шунга ўхшаш туйғу асири бўлиб, бировнинг мажбуран отига эгалик

қилмоқчи. Бу ҳам вазиятни қийинлаштиришдан бошқа нарса эмас. Хўш, чора нимада? Чора – ҳар нарсага лойиқ, меъёрида баҳо беришдир. Тангри таолодан бошқа ҳар нарса фонийдир, ортидан жон-жаҳд билан елиб-югуришга арзимайди.

Нотўғри англашилмасин – ҳаракат қилманг, мол-мулк эгаси бўлманг, демаяпмиз. Аммо топган, эришган нарсаларингизга топинадиган даражада боғланиб қолманг демоқчимиз. Акс ҳолда, хато қиламиз. Пул чўнтагимизда бўлсин, қалбимизда эмас. От ҳам табласида яшасин, кўнглимизда эмас.

* * *

Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар:

Ҳечи мо нею ҳеч кам не,
Аз ҳеч – ҳеч-ҳеч ғам не.
Жанда дар пушту пуш гўристон,
Рўзе ки мерам, ҳеч мотам не.

Ҳеч нарсамиз йўқ, аммо ҳеч камимиз йўқ. Ҳеч – ҳеч дейишдан ғамимиз йўқ. Эгнимизда жанда-ю, ортда қабристон, ўлган кунимиз ҳатто мотам йўқ. *(Нажмиддин Комилов. "Тасаввуф" Тошкент "Мовароуннаҳр" – "Ўзбекистон", 2009, 89-бет)*

Тасаввуф аҳлининг ушбу шиори ҳам бу борадаги фикрларимизни ойдинлатади.

* * *

"Дунёни кўр, сайр қил, ичига кир, аммо эҳтиёт бўл – дунё сенинг ичингга кирмасин" (Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий) қоидасига амал қилиш энг тўғри йўл. Ҳа, ҳаёт денгизидан сузиб ўтишда қайиқ ичига сув киргизмасдан, яъни қалбимизни дунё севгисига олдирмай соғ-саломат қирғоққа етиб олсак, марра бизники.

Суфи Оллоёр айтади:

Ҳарис улдур агар дунёйи фоний,
Йиғай деса муҳаббат бирла они.
Агар бўлса кишида моли саҳли,
Кўнгул берса, эрур дунёнинг аҳли.
Бисотида бир арпа қурси бўлса,
Ани дун аҳли бил, гар ҳирси бўлса.

* * *

Тангри таоло инсонга турли неъматлар бериб, имтиҳон қилади. Сод сурасида Сулаймон (алайҳиссалом) ва учқур отлар билан боғлиқ қисса шу жиҳатдан жуда ибратлидир: **"Биз Довудга Сулаймонни ҳадя этдик.** (Сулаймон) **нақадар яхши бандадир. Дарҳақиқат, у** (Яратган рози бўладиган йўлга) **қайтгувчидир. Эсланг, унга** (бир куни) **кечки пайт гижинглаб тургувчи учқур отлар рўбарў қилинган эди. Бас, у** (ўша отларга маҳлиё бўлиб, кун ботиш олдидан ўқийдиган намози қазо бўлгач), **деди: "Дарҳақиқат, мен Парвардигоримни эслашдан** (яъни, ўқийдиган намозимдан қолиб) **бу суюкли отларни суюб эркалашга берилиб кетибман!**

Ҳатто (қуёш ҳам) **парда ортига беркинибди** (яъни, ботиб кетибди)**! У** (от)**ларни менга қайтаринглар-чи! Бас, у** (қилич билан отларнинг) **оёқ ва бўйинларини "силаш"га киришди** (уларни Яратган йўлида қурбонлик қилиб юборди)**"** *(30-33 – оятлар).*

Улуғ олимимиз Олтинхонтўра Соғуний бу оятлар тафсирида, жумладан, бундай ёзади: "Буларнинг *(яъни, отларнинг. – А. Т.)* адади мингта эрди. Аларнинг намойишиға машғул бўлиб, аср намозини унутиб қўйдилар. Қасддан тарк этмадилар. Кейин маҳзун бўлиб, отларни сўйиб, садақа қилдилар".

* * *

Ҳикоядаги Имодулмулк ўша даврда яшаган ақлли, тажрибали, ҳамманинг ҳурматига сазовор донишманд зотлардан эди. Бундай инсонларнинг борлиги жамият учун фойдадир. Ҳукмдорлар, подшоҳлар билан халқ ўртасида бу каби зотлар кўприк, яхши муносабатларга воситачи бўлишган. Бировнинг молига ноҳақ кўз тикилган пайтларда булар орага кириб, ноҳақликнинг олдини олишган, ўртани ислоҳ этишган.

Амирнинг отини олиб қолиш учун қўллаган тадбир диққатни тортади: "Султоним, от жуда гўзал, бироқ боши бир оз ғалати, ҳўкизнинг бошига ўхшайди"...

Бу нарса – талқиннинг кучи. Биз катта аҳамият берган нарсаларга муносабатимизнинг ўткинчи, ўзгарувчан эканига ёрқин мисолдир. Кўпчилигимизнинг ҳаётимизда бундай ҳол содир бўлган. Бир пайтлар ниҳоятда ёқтирганимиз бир ашёни вақт ўтиб, ёқтирмай қоламиз. Айниқса, бир ташқи омил таъсир этувчи бўлса, бу ҳолат янада ўзини гезроқ намоён этади.

Мавлоно Румий мансуб бўлган тасаввуф тушунчасида ҳам бу ўткинчи, келиб-кетувчи ҳаваслaрга чиройли жавоб бор. Маъруф Кархий (815 йили вафот этган) дейди: "Тасаввуф ҳақиқатларни олмоқ, инсонларнинг қўлидагилардан умид узмоқдир".

Ҳа, ҳақиқатларни, ҳақиқий бўлган, қолувчи бўлган нарсаларни олмоқ. Яъни, ўшанга баҳо бермоқ, уни хуш кўрмоқ! Ундан бошқаларига фақат улар лойиқ бўлган қийматни бермоқ керак. Ҳақиқатларнинг ҳақиқати (Ҳақиқатул ҳақойиқ) Яратгандир. Ягона ҳақиқий борлиқ Удир. Унга оид бўлган, У тавсия этган йўналмоғимиз керак бўлган асл ҳақиқатдир. Машру йўлда эга бўлганимиз мол-мулк, мақом, мавқе, шунингдек, оила, фарзандлар ҳаммаси яхши, ёқимли нарсалардир. Улар кўз қувончидир, ҳаётимизга ранг ва чирой қўшади. Бироқ улардан ҳеч бирига сиғинадиган даражада боғланиб қолмаслигимиз керак. Буларнинг бари кема сузиши

учун зарур сув кабидир. Кемадан ташқарида бўлишса, яхши. Кеманинг ичига кириб олишса, яъни, қалбимизни ром этишса, маънан ғарқ бўламиз.

* * *

Жалолиддин Румий тасвирлаётган Имодулмулк қалби дунё севгисидан ҳоли, мол-дунёга рағбати йўқ муҳтарам зотдир. У

Гар ғарибликда амир эрди мудом,
Лек амирликда фақир эрди мудом.

Барча муҳтожларга эрди чун падар,
Даф этарди ҳар зиёну ҳар зарар.

Кўрса айб, ёпгувчи марди Ҳу эди,
Феъли халқнинг феълидин айру эди.

Комил инсонга хос бундай фазилатлари боис унинг гаплари шоҳга таъсир утказди, шоҳ фикридан қайтди.

Мавлоно Румий шоҳнинг ҳолатини тасвирлар экан, ҳар нарса Ҳақ таолонинг иродасига боғлиқ эканини, у бандаларини хоҳлаган йўл билан синаши мумкинлигини эслатади:

Бир нима кўрсатса кўзга, хоҳиши,
Бир нима беркитса кўздин, хоҳиши.

Билдиким, ғойибдин эрмиш бул сабақ,
Ҳар нафас бир имтиҳон айлайди Ҳақ.

Жалолиддин Румий ушбу ҳикоя сарлавҳаси остига яна бир сарлавҳача қуяди: **“Қанчалар гўзал бўлмасин, Юсуф оғаларининг ҳасади туфайли харидорларга хунук кўрина бошлади”. “Юсуфга у қадар рағбатлари йўқ эди”** *(Юсуф сураси, 20-оятга ишора).*

Мавлоно Румий ҳикоя охирида қалбнинг эгаси Тангри таоло экани, уни хоҳлаганидек буриши мумкинлиги ҳақидаги қудсий ҳадис мазмунини иқтибос санъатининг ўзига хос бадиий талқини тарзида ўқувчига эслатади:

Дил кўзин очгай, бекитгай Зулжалол,
Дамба-дам айлаб неча сеҳри ҳалол.

Ул сабабдинким демишди Мустафо:
Пастни пасту ҳақни ҳақ кўрсат, Тангрим...

То етиб охирга, ағдарсанг варақ,
Етмагай афсус, надоматдин сабақ.

Ул Имодким макр бунёд айлади,
Ҳақ уни айларга иршод айлади.

Макри Ҳақдир, аслида сарчашма ул,
Икки бармоғи аросинда кўнгул.

Шундай қилиб, Жалолиддин Румий ҳикоя баҳонасида ўқувчисини маънавият осмонининг бир неча буржларига саёҳат қилдиради. Бу саёҳатга қўшилган сизу биз йўловчилар нақадар бахтлимиз!

МИСРДАГИ ХАЗИНА

Бағдодда катта меросга эга бир одам бор эди. Қисқа вақгда бойлигини элга совурди; йўқсил бўлиб қолди. Зеро, бойликни ҳеч заҳмат-машаққатсиз қўлга киритган эди.

Танг аҳволда қолгач, қўл очиб, Тангрига ёлвора бошлади. Бир неча кун дуо-илтижолар қилди. Ниҳоят, бир оқшом тушида: “Мисрга боришинг керак, у ерда катта бир хазинага эга бўласан”, дейилди. Одам уйғонгач, вақтни ўтказмай,

Миср йўлига тушди. Узоқ сафар уни қийнаб қўйди. Оч, ташна, чарчаган эди. Бир неча кун паришон Миср кучаларида тентираб юрди. На бир бурда нон топди, на хазинанинг изини. Ниҳоят, тиланчилик қилишга мажбур бўлди. Уялганидан кечаси тиланарди. Ўша кунлари Қоҳирада ўғрилар купайиб қолишган эди. Миршаб уни тутиб олди, ўғри деб ўйлаб, роса калтаклади. Шунда уқувсиз тиланчи, бечора йўқсил: "Илтимос, урма. Мен ўғри эмасман. Сенга ҳақиқатни айтаман!" деб фарёд солди.

– Қани айт-чи, ярим кечада нимани қидиряпсан? – деди миршаб. – Балки бегонадирсан. Аммо ёлғон гапира кўрма, менга тўғрисини айт!

Одам қасам ичиб, бошидан ўтган воқеаларни айта бошлади:

– Мен на ўғри, на кисавурман, бир ғариб бағдодликман, – дея кўрган тушини ва хазина қидираётганини айтди.

Миршаб унинг гапларига ишонди ва:

– Ҳой, сен қандай ақлсиз одамсан, бир тушга ишониб, хаёлга берилиб, шу ерларга келдингми? Мен неча йилдир, Бағдодда, фалон маҳалланинг фалон кучасидаги уйнинг фалон жойида бир хазина яширинганини тушимда кўраман. Шунга ишониб бўларканми? Қани, тезроқ бу ердан туёғингни шиқиллат-чи. Йўқса, қўлимдан қутулолмайсан, – деб бақирди.

Бу гапларни эшитган одамнинг севинчи ичига сиғмасди. Чунки миршаб айтган жой Бағдоддаги ўзининг уйи эди. Шоша-пиша Бағдодга йўл олди. *("Маснавийи маънавий", VI жилд, 4206-байт)*

Бўлди сархуш бу хабардин, кетди дард,
Тангрига тилсиз, дудоқсиз айтди ҳамд.

Деди: шу калтак менга нуқлу навот,
Чун дўконим ичрадир оби ҳаёт.

Бир буюк ризққа етишдим, бўйлаким,
Кўрлигимдин ваҳм аро муфлис эдим.

Шарҳ

Шарҳимиз аввалида ўзбек халқ мақолларини келтиришни маъқул кўрдик:

Ҳар ерни қилма орзу,
Ҳар ерда бор тошу тарозу.

Ҳар ернинг ўз ботмони бор.

Қайга борсанг ҳам, қозоннинг қулоғи тўртта.

Хўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради.

Бормаган жойда олтин бор,
Кўрмаган жойда кумуш.

Фалон ерда олтин бор,
Борсанг бақир* топилмас. (*бақир — қизил мис)

Бу мақоллар орқали доно халқимиз: яшаб, ишлаб, ризқингга сабаб бўлиб турган, оз бўлса-да ризқинг келиб турган жойингнинг шарт-шароитга, иссиқ-совуғига, яхши-ёмони, оғир-енгилига кўниккин, сабр-қаноат қилгин. Агар бу шарт-шароитларни ёқтирмай, қўнимсизлик, қаноатсизлик қилиб, иссиқ ўрнингни ташлаб, бошқа ерни қидирадиган бўлсанг, ҳамиша ҳам қадр-қиммат топавермайсан. Чунки, ҳар бир ернинг ҳам яхши ва ёмон жиҳатлари, қийинчиликлари, камчиликлари бўлади. Бинобарин, ўз ерингни тарк этмай, сабр қилсанг, шу ҳолингча қолиб кетмайсан, бир ризқ эшиги очилади, деган маънода ўгит беради доно халқимиз.

Инсон табиати қизиқ. Баъзан у хом хаёл ортидан қувлашдан ўзини тиёлмайди. Кимлардир қўлидаги имконият, уйи ичидаги хазинадан бехабар диёрма-диёр кезишади, аниқроғи, сарсону саргардон юришади.

Мавлоно Румий хазина ортидан югураётган одамни бундай гапиртиради: "Хазинанинг бошида туриб, йўқсилликдан ўляпман-у, хабарим йўқ. Чунки зулматда, ғафлат пардаси ортида эканман".

Деди шўрлик: ганж эрур хонамда чун,
Мен фақирмен йўқсилу зормен нечун?

Бўла бир йўқсил гадо ганж узрамен,
Чунки зулмат ичра, ғафлат ичрамен.

Ҳикояда англатилгани каби баъзан жуда яқиндаги неъмат ва имкониятларга қанча кўп заҳмат ва қийинчиликлардан сўнггина эришилади.

* * *

Бу ҳикояни яна қуйидагича тушиниш ҳам мумкин: Аслида хазина бир мажоздир, эришилмоқчи бўлинган нарса ишқ, илоҳий ишқ хазинасидир. Бу асл хазина ўзимиздадир. Ўз ичимиздаги хазинага етишмоқни мақсад қилишимиз керак. "Бир мен бордир менда мендан ичкари" сири бу хазинага ишорат қилади. Келинг, ишқ хазинасини топган ошиқ шоир Юнус Эмронинг ҳикоя шарҳига ёрдам берувчи ушбу шеърини тинглайлик:

Бир мен бордир менда мендан ичкари...

* * *

Энди Ҳазрат Навоийдан эшитамиз:

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсан, ўзингдин истагил.

“АЛ-КИМЁГАР”

Бразилиялик адиб Пауло Коэлонинг “Ал-кимёгар” романи бутун дунёда, жумладан, бизда ҳам қизиқиб ўқилди. Ҳатто, бу асар уч фарқли таржима ҳолида (Озод Шарафиддинов, Аҳмад Отабоев, Азиз Саид) нашр этилди. Роман устида кўплаб баҳс-мунозаралар, эътирофлар бўлди.

Бу роман сюжети “Маснавий”да келтирилган ушбу ҳикояга жуда ўхшайди. Ёзувчи билан ўтказилган мулоқотда “Маснавий”ни ўқиганмисиз?” саволига жавоб бермаган бўлса-да, мусулмонликни маданият ўлароқ таниган, тан олган ёзувчининг ҳикояни ўрганиб, романида қўллаганини тахмин қилиш мумкин.

Ҳикоянинг илдизлари қадимларга ҳам бориши мумкин, фарқли версиялари балки бошқа халқларда ҳам учраши мумкин. Муҳими бу қадимги ва жаҳоншумул мавзуни ўзига хос услуб билан – румиёна ёхуд коэлона услуб билан ўқувчисига етказишдир.

Энди ҳикоянинг “Уч узум донаси” сарлавҳаси билан ёзувчи Искандар Пала қаламига мансуб бошқа бир талқинини тақдим этмоқдамиз.

УЧ УЗУМ ДОНАСИ

Истанбулнинг Тўпқопи маҳалласида Акариечи (Таккечи) Иброҳим Оға жомеъ деб аталган меъморий ёдгорлик бор... Бу жомеъ қурилиши билан боғлиқ ажиб ҳикоя нақл қилинади.

Иброҳим Оға “Ёпиқ бозор” ҳунармандларидан, қалпоқ сотиб, кун кечирадиган, ҳалол, кўзи тўқ, камтарин инсон эди. Камбағал бўлгани учун Тўпқопи ташқарисидаги эски бир уйда яшар, ҳар кун бозоргача пиёда бориб келарди. Бир кеча тушига бир чол кириб, деди:

— Болам, Боғдодга бор, кўприк рўпарасидаги хурмо дарахтига ўралган ишкомда уч узум донаси — насибанг бор. Олгину офият ила егин.

Иброҳим Оға содиқ тушлар рўёбга чиқишини билар, аммо тушга унча эътибор бермайдиганлардан эди. Пайғамбар ёхуд авлиёуллоҳнинг туши бўлса, бошқа гап. Ўзи каби оддий бир одамнинг туши нима бўлибди? Устига устак уч узум донаси неча ойлик йўл машаққатини тортишга арзийдими?

Бироқ, Иброҳим Оға айни ўша тушни яна кўраверди.

Ўша кун ишга борган, аммо ўй-фикри кўрган тушида эди. Ниҳоят, учинчи кун ҳам айни тушни кўргач, ҳеч кимга бир оғиз гап айтмасдан, елкада халта, оёқда чориқ, қўлда ҳасса: "Қайдасан, Бағдод?" дея йўлга тушди.

Иброҳим Афанди ҳафталаб йўл босиб, ниҳоят, Дажла суви тўлиб-тошиб оқиб, яшартирган Доруссаломнинг марказий кўприги ёнига борди. Яқиндаги ошхонага кириб, қорнини тўйғазаркан, бир томондан кўприк атрофига разм солар, тушидаги хурмо дарахтига ўралган ишкомни қидира бошлаган эди. Во ажаб!

Тушида таърифланганига ўхшаш бир хурмо кўприкнинг нариги бошида, соҳилда турарди. Қорнини тўйдиргач, ширинлик нияти билан уч узум донасини емоқ учун ишком олдига келди. Бироқ, қайси узум бошидан узиб ейишни билмай турди. Кейин ишком ёнидаги ўриндиққа ўтириб, узумларга разм сола бошлайди. Иттифоқо, барглар орасида фақат уч узум донаси бўлган бир шингилчага кўзи тушади. Аммо у бир оз тепароқда эди. Яқин бориб бир-икки сакрасада, қўли етмади. Шу пайт ёнига кекса бир одам келиб:

— Ассалому алайкум, оға. Узум емоқчи бўлсангиз, ана — шунчаси турибди, нега бунча тепага сакраяпсиз? — деди.

Қалпоқчи Иброҳим ҳайрон қолади. Ҳақиқатан бу саволга нима деб жавоб берсин. Ниҳоят, у бошидан ўтказганларини қарияга бирма-бир айтиб берди.

Кекса киши уни эшитган сайин кулгиси қистай бошлайди ва охир айтади:

— Ҳой, намунча содда бўлмасанг. Мен уч йилдан бери шунга ўхшаш туш кўраман. Менга ҳам тушимда: “Истанбул диёридаги Тўпқопи ташқарисида жойлашган Тўпчилар маҳалласида бир қалпоқчининг кўмир омбори остида уч хум олтин бор. Бориб уларни ол”, дейишади. Лекин мен бунга ишониб, жойимдан ҳам жилганим йўқ. Сен бўлсанг уч дона узум учун шунча йўлдан келибсан. Шунчалар ҳам аҳмоқ бўладими одам?

Бу сўзларни эшитган Иброҳим Оға ҳушидан кетмаслик учун ўзини зўрға тутиб турди. Чунки одам таърифлаган манзил унинг Истанбулдаги уйи, кўмир омбори ҳам ўзиники эди. Ҳеч нарса сездирмаслик учун уч узум донасини еб, дарҳол йўлга чиқади. Истанбулга келиб, кўмир омборини қазийди. Чиндан ҳам, уч хум тилла топади. Олтинларни олади ва кўп хайр-эҳсондан ташқари ҳозир унинг номи билан аталаётган у кўркам жомеъ масжидини ҳам қурдиради.

Насибага қаранг! Бировга уч узум донаси сабаб улуғ ризқ берди, кимнидир уч хум олтиндан маҳрум қолдирди.

ТАҚДИМ

Бу олам ибрат олишни истаган кишилар учун ҳамиша ҳикматга тўладир. Ҳар бир нарсага ибрат олиш истаги билан қараш ҳаётнинг ҳақиқати ва ҳикматини топишнинг калитидир. Шу боис авлиёю анбиёлар, шайхул машойихлар, ориф зотлар бу оламнинг ҳар бир ҳодисасига ибрат деб қараганлар ва уларда беқиёс ҳикмат ва сир яширин эканлигидан ҳайратланганлар. Улар олам ҳақиқатини шу тарзда кашф этганлар. Парвардигор бу оламни бандалари учун ибрат дарсхонаси қилиб яратган. Ҳар бир инсон бу

дарсхонадан ўз қунти ва лаёқати даражасида сабоқ олиб, ҳақиқатга эришади. Шу боис бир шоиримиз:

Минг дарси маориф ўқилгай ҳар варағинда,
Ё Раб! Қандай гўзал мактабдур мактаби олам,

дейди. У бу сўзлари билан ибрат олишни истаган кишиларга бу олам қандай гўзал ибрат мактаби қилиб яратилганини таъкидлайди. Бу олам бир мактаб экан, ундаги ҳар бир яратилмиш нарса-ҳодиса ҳам бир китобдир. Ибрат олишни истаган кишилар бу китобдан мингларча ҳақиқатни кўриб, инсониятга хизмат қилади.

«Ибратлар ва ҳикматлар» номли китобимизда Шарқ ва Ғарб донишмандларининг энг гўзал ҳикояларини ИБРАТ, ҳақиқат ҳақидаги сабоқларини эса ҲИКМАТ дея ўқувчиларига тақдим қилмоқчимиз.

Турфа гуллардан жамланган гулдастадек гўзал бу ибратлар ўқувчиларимизнинг ахлоқи гўзаллашиши учун таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Аввало, бу ҳикматлар худди гул боли каби ширин ва кишилар учун шифобахшдир. Ким бу китобни ўқиб, таъсирланса, ибрат олса, у шубҳасиз энг гўзал хулққа эришади.

Бу китобдаги ибратли ҳикоят, ривоят, масаллар, панд-насиҳат, ўгитлар ҳар бир кишининг ўзини-ўзи тузатиши учун бир ойнадир. Ҳар бир одам бу ойнага қараш билан ибрат ва сабоқ олиш даражаси қадар ҳақиқатни кўради, бошқа кишилар учун ҳам фойда келтириб, ўрнак бўлади.

Муҳаммад КАМОЛ

ИБРАТ

Саъдий шундай дейди:

Бир куни ҳаммомда эдим. Бир киши менга бир сиқим тупроқ-гил берди. У гул каби ёқимли ҳид таратади. Мен ажабланиб гилга дедим:

— Эй гил!.. Сен гулмисан, анбармисан? Гулдек ҳид таратишинг мени маст қилди.

Гил:

— Эй Саъдий!.. Гул ҳам, анбар ҳам эмасман. Балки тупроқларнинг-да энг хокисориман. Лекин бир кун гул билан ошно бўлдим. Шу гулнинг хушбуй ҳиди кўксимга ёйилди. Мендаги хушбуй ҳид ўша гулнинг ҳидидир. Йўқса, мен оддий бир гил-тупроқман, холос, — деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Саъдий бу ҳикоят билан кишиларга бир ибрат дарси бериб, шундай дейди:

— Эй инсон!.. Доимо гўзал феъл-атворли кишиларни дўст қилиб ол. Уларнинг гўзал феъллари сенга таъсир этади. Сен ҳам улар каби гўзал феълли бўласан. Гул ҳиди гилга таъсир қилгани каби, яхши кишиларнинг гўзал ахлоқи ҳам сенга таъсир этади ва ҳақиқий инсон бўлиб етишасан. Яхшиларнинг ёнида ўтирмоқ, мушк анбар дўконида ўтирмоққа ўхшайди. Киши бу дўкондан ҳеч нарса харид қилмаса ҳам, доимо фойда олади. Аввало, кўнгли ёқимли ҳидлардан баҳра олиб роҳатланади. Бадфеъл кимсалар билан бирга бўлишни эса, темирчи дўконида ўтирмоққа қиёс қилса бўлади. Ким бу жойда ўтирса, у албатта дуконнинг бадбуй ҳидидан ёки оташ учқунларидан зарар кўради.

Саъдий бир кафт тупроқ — гилнинг гул каби ҳид таратиши унинг гул билан ошнолиги билан боғлиқдир, деб кишиларга гўзал бир ибрат дарси бермоқда.

Ҳикматли сўз

Дўстнинг энг яхшиси — энг гўзал хулқлисидир.

ЧАЁН БИЛАН ТОШБАҚА

Бир чаён дарёнинг ёқасида оч-наҳор кезарди. У чўкиб кетишдан қўрқиб дарёнинг нариги тарафига ўтолмай, ночор турарди. Бир кун бир тошбақа чаён яшаётган жойга келди.

Чаён тошбақага:

— Эй қардошим!.. Илтимос, менга йўлдош бўл. Ёрдам бер. Мени сувнинг нариги тарафига ўтказиб қўй. Бир неча кундан бери оч-наҳорман. Ҳаётим хавф остида, — дея ёлворди.

Тошбақа унга ачинди ва деди:

— Майли. Менинг орқамга мин. Сени бу иложсиз вазиятдан қутқарайин. Сени истаган жойингга — дарёнинг нариги тарафига, ҳамма нарса мўл-кўл жойга олиб борайин, — деди.

Чаён минг қуллуқ қилиб, дарҳол тошбақанинг устига минди. Лекин, дарёнинг ўртасига боришганида, чаён тошбақани чақмоқчи бўлди.

Тошбақа чаёнга:

— Эй! Нима қиляпсан? Тўғри турсанг-чи, — деди.

Аммо чаён тошбақанинг бу сўзларини гуё эшитмаган каби чақмоқчи бўлаверди. Тошбақа чаён нишлари енгил ботганини сезиши билан бақирар эди. Ниҳоят чаён:

— Эй тошбақа! Сени чақишни истайман — деди.

Тошбақа ҳайрон бўлиб:

— Эй пасткаш! Мен сенга нима ёмонлик қилдим? Сен менинг яхшилигимга ёмонлик қилмоқчимисан? — деди.

Чаён:

— Эй тошбақа! Сўзинг жуда тўғри. Аммо мен яхшиликка қарши ёмонлик қилмасам, кўнглим роҳатланмайди. Менинг касб-корим шу. Мен заҳримни сочиб турмасам чидаб тура олмайман. Мен ўз ишимни қиляпман.

Тошбақа ҳам:

ҲИКМАТ

Эй инсон! Мулла Жомийнинг бу қиссасида ҳар кимнинг ўз кўзи билан кўриб ҳукм чиқариши, қилган хатоларини такрорламаслиги ҳақида ўгит бор.

Шунинг учун эй инсон, ўз жуссангни, қобилиятингни, кучингни, имкониятингни эътиборга ол ва шунга мувофиқ иш тут. Ҳар ким бошлаган йўлга юрма. Шундай қилмасанг, ҳор бўлиб, ҳалок бўласан. Ёдингда тут, бу қисса сенга катта сабоқ бўлсин.

Ҳикматли сўз

Ҳар ким ўз қобилияти, кучи, имконига яраша ҳаракат қилса, у тўғри йўл тутган бўлади.

ПОДШОҲ БИЛАН АСИР

Подшоҳ бегуноҳ бир асирни ўлимга ҳукм қилди. Жонидан умидини узган асир, подшоҳни сўка бошлади. Подшоҳ ёнидаги вазирга қараб:

— Бу асир нима деяпти? — деб сўради.

Доно вазир:

— Олампаноҳ! Бу асир: «Жаннат, ғазабини енгганлар, кечиримли инсонлар учундир» деб, сиздан марҳамат кутяпти, — деди.

Подшоҳ бу сўздан хурсанд бўлиб, асирни афв этди. Лекин подшоҳнинг ёнида турган юраги қора, бахил бошқа бир вазир подшоҳга эгилиб:

— Олампаноҳ бу асир анчадан бери сизни ҳақорат қилиб сўкаяпти, — деди.

Подшоҳнинг бу сўздан аччиғи чиқди ва бу вазирига ғазаб билан бақирди:

– Эй нодон вазир! Сенинг рост гапингдан бу вазирнинг ёлғон сўзи минг марта афзалдир. Чунки унинг ёлғони яхшиликка олиб боради. Унинг ёлғони билан жонлар сақланиб қолади, қалблар қувонади. Сенинг тўғри сўзинг билан эса жонлар ўтга ташланади, қалблар ғамга ботади, – деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Саъдий бу қисса билан кишиларга ибрат олгулик бир ҳақиқат дарсини бермоқда. Ҳақиқий инсон одамларни яхшиликка чорлаган, уларни яраштирган, кишиларга яхшилик қилувчи инсондир. Шу боисдан ҳам муқаддас динимиз инсонларнинг орасини тузатиш учун ёлғон сўзлашга ҳам ижозат бергандир.

Биринчи вазир ақлли ва донолик билан икки кишининг орасини тузатмоқ мақсадида сўзлаган ёлғон сўзи, айни яхшиликдир. Иккинчи вазирнинг рост сўзи эса икки томонни ранжитгани учун катта гуноҳ ва хатодир.

Саъдий буларни ҳикоя қилгач, китобида: «Кимки подшоҳга сўз айтадиган бўлса, яхшилик келтирадиган сўзлардан бошқа нарсани сўзламасин», – деб ёзади.

Подшоҳ Фаридун даврида ёзилган ушбу байтлар доимо ўқиганларга ибрат бўлсин: «Эй дўст! Бу дунё ҳеч кимга қолмайди. Сен кўнглингни фақат жумла жаҳонни яратганга боғла. Дунё мулкига ҳирс қўйма. Бу дунё сен каби жуда кўп кишиларни ўз комига тортиб, сўнгра ҳалок қилади. Энг асил мақсад тоза, пок қалб билан кишиларга хизмат қилишдир».

Ҳар бир инсон бу қиссадан ўзига керакли хулоса чиқармоғи лозимдир. Зеро, ҳар бир киши албатта ҳалок бўлади. Ўлим тупроқда ҳам, тахт устида ҳам, арқонда ҳам,

тўшакда ҳам – қаерда бўлмасин, албатта келади ва кишиларни ҳалок қилади. Бу – Яратганнинг амри. Шундай экан, сен фақат тўғри яшаб, гўзал хулқ билан умр кечириб, яхшиликка интилиб ўлмоққа ҳаракат қил.

Ҳикматли сўз

Яхшиликка йўғрилган ҳар сўзда шифо бордир.

ИККИ КЎППАК

Бир бойнинг икки кўппаги бор эди. Бирини уйни қўриқлашга, бошқасини овга ўргатган эди. Бой уйга кириши билан уйни қўриқлашга ўргатган кўппаги олдига чиқар, у билан ўйнар эди. Бой овчи ити овда тутган ўлжалардан баъзиларини уй кўппагига берар эди. Бунга овчи итнинг жаҳли чиқарди. Бир кун уй кўппагига:

– Менга қара! Бу ўлжанинг кетидан югурган менман-ку! Сен эса уялмасдан мен тутган ўлжани ейсан, – деди.

Уй кўппаги:

– Менга нима дейсан? Сен бу арзингни хўжайинга айт. Мени тайёр овқатга ўргатган у эмасми? – деди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Бу қиссадан ҳисса шуки, болаларни танбал қиладиган ҳам, ишчанликка ўргатадиган ҳам сенсан. Шундай экан, сен уларга яхши ўрнак бўл, кўп-кўп яхши насиҳатлар бер. Уларни ҳунар ўрганишга, билимли бўлишга ўргат. Доимо яхшиликка, меҳнатсеварликка бошла. Танбалликнинг охири надоматдир. Фарзандларини дангаса, тайёр ейишга ўргатган ота, шубҳасизки, фарзандларига энг катта ёмонлик қилган, уларни ўлимга маҳкум қилган бўлади.

Эй ўғлон! Тайёр луқмадан эмас, меҳнат билан топилган луқмадан роҳатлан. Зеро, мамлакатнинг порлоқ келажаги меҳнатсевар инсонларга боғлиқдир. Текин томоқ эса билгинки, мамлакатга, халққа зараркунандадир.

Ҳикматли сўз

Меҳнатсевар инсон фақир бўлса ҳам доимо ҳурматдадир, танбал одам бой бўлса ҳам, доимо беобрўдир.

ИБРАТ

Саъдий шундай дейди:

Макка саҳросида карвон билан йўлда кетардик. Бир неча кун овқат емаганим ва ухламаганим туфайли дармоним қуриди. Бир қадам ҳам юргани ҳолим қолмади. Қумга йиқилдим. Катта карвон битта йўловчини кутадими? Ҳамма йўловчилар ўз жонини сақлаш учун олға интиларди. Фақат менинг юришга мажолим қолмаганди. Нима бўлса бўлди деб, йиқилган жойимда ётдим. Мени огоҳлантириш учун келган карвонбошига:

– Мени қўй! Дармоним қолмади, нима бўлса бўлсин, – дедим.

Карвонбоши:

– Эй дўстим! Ҳарами Шариф олдинда. Қароқчилар эса ортда. Агар кетсанг, қутуласан, қолсанг ўласан, – деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Бу олам заҳматга тўладир. Инсон унинг заҳматларини енгмагунича, саодатга эришмайди. Саодатнинг калити роҳатни тарк этиш орқали қўлга киритилади. Бевақт уйқу дардига тушган киши ҳаётини бой беради. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Акиф Бей бу ҳикояни баён қилиб:

Манзил сари маромда борар тўхтамай юрган,
Йўқдир нажот умиди бу чўллардан ўтмасдан.
Ҳайҳот! Йўлда бундайин уйқу келса кўзига,
Барча йўловчи ўлар, жафо қилар ўзига,

дея, ҳаётнинг қийинчиликларини енгмагунча бахтга эришиб бўлмаслиги, ғафлат дардига чалинганлар йўлда қолиб кетиши хабарини беради.

Эй инсон! Қиссадан ҳисса шуки, мақсадга эришиш учун бу саҳрони роҳатдан кечиб, уйқусиз босиб ўтиш керак.

Ҳикматли сўз

Ёшликда ғафлат уйқусида бўлганлар, кексаликда заҳмат чекади.

ЎРГИМЧАК БИЛАН ИПАК ҚУРТИ

Ўргимчак ипак қуртини кўриб, унинг устидан кулди ва:

— Омонмисан, дўстим! Сен жуда секин, жуда оғир иш қиляпсан. Қара, мен оз вақтда каттакон бир тўсиқни бир зумда тўқиб ташлайман, — деди.

Ипак қурти ўргимчакка деди:

— Тўғри, сен ҳақсан. Аммо бир зумда қилинган бу уйингдан ва ночорроқ уй борми? Сенинг ингичка ипларинг жуда заифдир. Мен секин ишлайман, аммо пишиқ иш қиламан. Шу боис ипагимни ҳамма қардлайди. Ипагим оз бўлса ҳам сеникидан устундир ва қимматдир.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Бу қисса шошиб иш қиладиганларнинг пала-партиш иш қилишларини кўрсатади. Ишнинг яхшиси – пухта қилинганидир. Кимки пухта иш қилса, ҳамма уни ёқтиради. Пухта бажарилган иш оз бўлса ҳам жуда яхши ва қимматли бўлади. Ҳар бир яхши ва пухта иш келажакда катта ривожланишларга сабаб бўлади. Ўргимчакнинг шошиб бажарган иши сифатсиз. Ипак қуртининг секин бажарган иши пишиқ, пухта. Шу боис у қимматли. Одамлар ҳам худди ўргимчак сингари шошма-шошарлик билан эмас, ипак қурти сингари секин шошмасдан, ўйлаб, пишиқ, пухта иш қилиши керак.

Эй ўқувчи! Жамиятга керакли бўлишни истасанг, ишингни пухта қил. Шуни аниқ билгинки, жамият сен каби инсонларга муҳтождир. Инсоният фақат сен кабиларнинг обдон ўйлаб амалга оширадиган пишиқ, пухта ишлари туфайли юксалади.

Ҳикматли сўз

Яхши иш оғир бўлса-да, пухта булур. Тезда қилинган иш кўп бўлса-да, яроқсиздир.

ТОР КЎПРИК УСТИДАГИ ЭЧКИЛАР МОЖАРОСИ

Торгина бир кўприкдан бир эчки ўтаётган эди. Унинг рўпарасидан яна бир эчки секин-секин келарди. Бир-бирига яқинлашгач, биринчи эчки иккинчисига «Йўлимдан қоч!» деб бақирди. Иккинчи эчки ҳам ғазабланиб:

– Сен кимсанки менга бақиряпсан? Бор-йўғи бир эчки экансан, агар арслон бўлганингда ҳам сенга йўл бермайман, – деди.

Улар роса талашиб тортишдилар. Сўнг тик кўтарилишиб, қаттиқ шохлашдилар. Лекин ҳар иккиси ҳам сувга тушиб, оқиб кетди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Бу дунёда шу эчкилар каби ўжар кишилар борки, улар ўз ўжарликлари туфайли ўзларини ҳалокатга дучор қиладилар.

Бу қисса бизга ўжарликнинг ёмон оқибатини кўрсатади. Қамоқхоналардан берилган статистик маълумотларга қараганда, у ердаги болаларнинг аксарияти ўжарлик ва жаҳолат натижасида шундай ҳолатга тушишган.

Агар кишилар бу қиссадан хулоса чиқарса, ҳалокатга етаклайдиган ўжарликдан воз кечишади ва саодатга эришишади.

Ҳикматли сўз

Ўринсиз ўжарлик кишиларни чоҳга туширади.

ҚОВОҚАРИ ВА АСАЛАРИ

Бир кун қовоқари асаларини ўлдирмоқчи бўлди. Чорасиз қолган асалари қовоқарига фарёд қила бошлади:

– Эй азиз қардошим! Атрофда шунча кўп бол бор экан, уларни қўйиб нечун менга наштарингни санчиб, ўлдирмоқчисан, – деди.

Қовоқари:

– Эй асалари! Тўғри айтяпсан, лекин сен бол хазинасисан, болнинг қайноғи сенда, – деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Мулла Жомий кишиларга катта бир ҳақиқат дарси бериш билан шундай демоқчилар: «Ҳаётда асалари каби шифобахш кишиларни баъзи ёмон, аҳлоқсиз кимсалар таъқиб остига олиб, йўқ қилишни истайдилар. Уларнинг энг ширин сўзлари, ҳатто, ёлворишлари ҳам ёвуз кимсаларнинг раҳмини келтирмайди. Раҳмсиз кимсалар доно олимларни ўлдириш билан роҳатланадилар. Шу боисдан айтадиларки, «Олимнинг ўлими – оламнинг ўлимидир. Олимни ўлдирмоқ – оламни ўлдирмоқ. Олимнинг тириклиги – оламнинг тириклигидир».

Ҳикматли сўз

Бир олим – бир оламдир. Оламнинг тириклиги олим биландир.

ТУЛКИ БИЛАН ҚАРҒА

Бир қарға пишлоқ парчасини олиб, дарахтнинг шохига қўниб турарди. Оч тулки қарғанинг оғзидаги пишлоқни кўриб, шошиб дарахтнинг остига келди:

– Хайрли кун, қарға ҳазратлари! Гўзал ипак каби патларингиз бор. Патларингиз каби овозингиз ҳам гўзал. Шубҳасиз, бутун қушлар сизни булбулдан ҳам баланд деб биладилар, – деди.

Қарға бу сўзларни эшитиб севинди. Севинганидан шохдан-шохга сакрарди. Сўнгра овозини кўрсатиш учун бутун қуввати билан «Қаг! Қаг!» деб қағиллади. Пишлоқ эса оғзидан тушиб кетди. Тулки пишлоқни дарҳол илиб, паққос туширди ва қарғага қайрилиб қарамасдан кетди. Қарға бу воқеадан лол қолди. Ҳайратланиб, уйга толди. Бундай тотли сўзларга энди алданмасликка қасам ичди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Бу дунёда худди шу тулки каби айёр кимсалар бордирки, улар ширин сўз ва мадҳлари билан сени алдаб, қўлингдагини олишга ҳаракат қиладилар. Кейин эса хайр-маъзурсиз ёнингдан қочадилар. Шундай экан, сен учун бу дунёда энг зарур вазифалардан бири тулки феъли кимсаларнинг ёлғон сўз ва сохта хушомадларига алданмасликдир. Тулкифеъл айёр кимсалар қанча подшоҳлар ва бойларни гўзал сўз ва мадҳлари билан ҳалокатга етаклаганлар.

Ҳар бир хушомадгўй бу қиссадаги тулкига ўхшайди. Яқинлашган инсонни ҳалокатга етаклайди.

Ҳикматли сўз

Ахлоқсизнинг ширин сўзи соф дил кишиларга бир тузоқдир.

ПОДШОҲ БИЛАН ҚУЛ

Турк подшоларидан бири қулларидан бирига сирини айтди ва унга бу сирни ҳеч қачон ҳеч кимга айтма, дея қатъий тайинлади. Қул ҳам ҳеч кимга айтмасликка қасамлар ичиб, ваъда берди. Аммо кўп ўтмасдан бу сир оламга ёйилди. Подшоҳ бу сирнинг ёйилишидан ғазабланди. Дарҳол жаллодга қулнинг бошини олишни буюрди. Бошқа бир қул подшоҳга:

— Шафқат қилинг, подшоҳим! Бу қулни ўлдирманг, бир қошиқ қонидан кечинг. Аслида айб олампаноҳимизнинг ўзларидадир. Чунки сир сизда турган пайтида, бир булоқ кўзи каби эди. Олампаноҳимиз у булоқ кўзини очгач, сув пишқириб сел бўлди, оламга ёйилди. Энди уни қайтариб бўлмайди, — деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Ҳаётда бир оз кенг феълли бўл. Кўнглингни ҳамиша кенг тут. Сиқилганингда дарҳол сирингни бировга очма. Очсанг, албатта надомат чекасан. Сиринг сенда экан, бахтлисан. Ёйилгач эса ғийбатдан ўзингни қутқара олмайсан. Сир ўзингда экан, сен унга ҳукмронсан. Ёйилгач эса, ғийбат сени мағлуб қилади ва роҳатинг бузилади.

Ҳикматли сўз

Ҳақиқий инсон ўз тилининг соҳибидир.

ТЕМИРЧИ ВА УНИНГ ИТИ

Бир темирчининг яхши кўрган ити бор эди. Ит дўкондан ҳеч кетмасди. Темирчи шогирдлари билан қизиган темирни болғалар экан, ити парво қилмасдан ухларди. Дўкондаги кетма-кет урилаётган болға зарблари итга ҳеч таъсир қилмас, ит уйғонмасди. Фақат овқат маҳали темирчи ва шогирдларининг оғзи чапиллашидан уйғонарди. Темирчи ҳайратланиб итидан сўради:

— Ҳой кўппак! Болғанинг дунёни тутаётган шовқини остида ухлайсан-у, қандай қилиб оғиз чапиллаши товушидан уйғонасан? — деди.

Ит эгасига:

— Эй валинеъматим! Менга фойдаси йўқ нарсалар билан ишим йўқ. Лекин ўзим учун фойдаси тегадиган нарсаларга ғоятда сезгирман, — деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Бу қиссадан ҳисса шуки, бу ғавғоли дунёда ҳар бир нарсага қизиқиш, ҳар бир нарсага аралашиш кишига

ранж, ташвиш келтиради. Сен фақат моддий ва маънавий манфаатларинг учун сезгир ва уйғоқ бўлмоғинг лозим.

Ҳикматли сўз

Ўз манфаати йўлида сезгирлик билан уйғоқ бўлиш, бекорчи сўзларга ухлаган каби лоқайд туриш чин инсонийлик белгисидир.

ИБРАТ

Бир деҳқон ўлими олдидан болаларини йиғиб деди:

– Болаларим! Бу дунё фонийдир, ҳар бир тирик жон ўлади. Мен ҳам ўляпман. Сизга васият қилмоқчиман. Бизнинг далада бир хазина кўмилган, уни топинглар. Далани ҳеч қачон сотманглар, – деди ва оламдан ўтди.

Болалари оталарини қабрга қўйишганидан кейин дарҳол далага югурдилар. Хазинани қидириб, даланинг ҳамма жойини қазиб чиқдилар. Лекин ҳеч нарса топа олмадилар. Жуда маъюсланиб қолдилар. Ўша йили қазиб ковлаб ташланган далага буғдой экдилар. Дала жуда мўл ҳосил берди. Болалар ҳосилни сотишиб, олтинларни ўзаро тақсимлашди. Шундагина оталарининг сўзлаган ҳикматини англашди. Деҳқоннинг далани қазисангиз, хазина топасиз, дегани меҳнат қилиш керак, дегани экан. Болалари ҳақиқатан ҳалол меҳнат орқасидан даладаги хазинани топдилар.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Ла Фонтэнинг бу қиссаси инсоният учун катта бир сабоқ манбаидир. Дунёда пешона тери билан ишлаб топилган нондай қадрли хазина йўқдир. Меҳнат билан топилган луқма энг тотли луқмадир. Шундай экан, ҳар одамнинг ўзи бир хазинадир. Унинг Меҳнат қилиб топган нони эса энг ширин, энг тотли луқмасидир. Дангаса ишидан

деҳқончалик мамнун бўлолмайди. Зеро, ишчи ишлаб иштаҳаси очилади, луқмаси ҳам ширин бўлади. Табобат ходимлари берган маълумотларга кўра, ишчи ва деҳқонлар жамиятнинг энг соғлом одамларидир.

Ҳикматли сўз

Меҳнат туганмас хазинадир.

МАЙМУН ВА УНИНГ БОЛАЛАРИ

Бир маймун болаларига янги ёнғоқ мағизларини келтирди. Болалари аввал кўрмаган бу мевани иштаҳа билан едилар ва ёқтириб қолдилар.

Онасига:

— Эй меҳрибон онамиз! Бизга ажойиб ширин емишлар келтирасан. Бу келтирганинг нима? — дедилар.

Онаси:

— Болаларим! Бу меванинг номи ёнғоқдир, куз мевасидир. Бугун шу мовий тоғларга шунинг учун кетгандим. Бир оз тўплаб сизларга олиб келдим, — деди.

Болалари онасига:

— Эй меҳрибон онамиз! Бизга у дарахтни тезроқ кўрсатгин, ака-укаларимиз билан бориб, бу ажойиб мевадан кўп-кўп ейлик, — дедилар.

Она маймун болаларига қўли билан ишора қилиб:

— Ана шу мовий тоғнинг этакларидаги яшил дарахтларни кўряпсизларми? Ана шу дарахт ёнғоқ дарахтидир. Бу мева унинг мевасидир, — деди.

Эртаси кун маймун болалари чопқиллаб-чопқиллаб мовий тоққа бордилар. Ҳаммаси ёнғоқ дарахтига чиқдилар. Зўр иштаҳа билан яшил пўстли ёнғоқни оғизларига солдилар.

Лекин меванинг заҳар каби аччиқлигидан ғазаб билан ҳаммаси бирдан ерга отдилар. Қоронғи тушгач, уйларига маъюс бўлиб қайтдилар. Оналари келиши билан унга норозилик билдириб:

— Эй она! Биз сени ғоятда меҳрибон деб ўйлардик. Бизга бу заҳарли мевани едиришдан мақсадинг не эди? У дарахтнинг мевасидек ёмон мевани ҳеч қачон кўрмаганмиз. Бизга бўлган бу ғаразингни тушунолмай қолдик, — дедилар.

Она маймун болаларининг бу аччиқ сўзларини эшитиб:

— Болаларим! Сиз она қалби нечоғлик меҳрга тўлалигини билмайсиз. Мен сизларни, ҳатто, чивин ҳам чақмасин дейман. Шундай экан, сизга заҳар едираманми? Ҳар бир болам бир жонимдир. Буни сизлар билмайсизлар. Шундай бўлгач, қандай қилиб мен сизни ёмон йўлга жўнатаман. Бу сўзларингиз нимаси? Бунда бир англашилмовчилик бор. Мабодо меванинг яшил пўстлоғини емадингизларми? — дейиши билан ҳаммалари «ҳа» деб жавоб бердилар. Она маймун:

— Болаларим! Сизлар гапимни яхши тушунмабсизлар. Ёнғоқ дея унинг яшил пўстини ебсизлар. Ҳолбуки, мен сизга унинг мағзи ҳақида гапирдим ва мағзини бердим. У заҳар каби аччиқ пўстлоқнинг ичида болдай мағизлар бор. Сўзимни яхши тушунмаганлигингиз оқибатида мени душман деб ўйладинглар. Эй болаларим, эшитинглар. Сиз доимо ишнинг ташқи тарафига боқсангиз худди шундай алданасиз. Нарсаларнинг ичида нима борлигига диққат қилсангиз ҳақиқатни топиб, бол каби ейсизлар, — деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Бу қиссадан ҳисса шуки, бу дунёда ғавғонинг боши кишиларнинг бир-бирини яхши тушунмаслигидан бошланади. Кўп киши ҳақиқатни шу қиссадаги маймун болалари каби янглиш тушуниб, ҳақиқатни айтганларни маломат қила-

дилар. Уларни душман санайдилар. Ҳолбуки, бирор ишни моҳиятини чуқур билмасдан туриб ҳақиқатга эришиб бўлмайди.

Ҳикматли сўз

Ҳар бир нарсанинг ҳақиқати унинг мазмунидадир.

АРСЛОН БИЛАН АСИР

Ўтган замонларда Андроклес исмли хушҳулқ бир асир Рим зодагонининг қўлидан қочиб, ваҳший ҳайвонлар яшайдиган ўрмонга яширинди. Ҳайвонлар билан яшашни, золим зодагонлар билан бирга яшашдан афзал билди. Машаққат, азобларга чидаб, оч-яланғоч ўрмонда яшай бошлади. Бир кеча ўрмонда даҳшатли овоз эшитилди. Андроклес бу қўрқинчли овоз эшитилган томонга кетди. Бу овоз яралланган арслоннинг фарёди эди. Раҳмдил Андроклес дарҳол арслоннинг ёнига бориб, ярасини боғлади. Арслон тузалгач, Андроклеснинг яхшилигини унутмасдан, унга хизмат қила бошлади. Бундан Андроклес ҳайрат ичида қолганди. Адроклес энди одамларга яқинлаша олмай қолди. Лекин тақдири азал ҳукми билан бир куни жандармлар Андроклесни ва арслонни тутиб, шаҳарга олиб келдилар. Ўша замонда қочган асирларни арслонларга ем қилишарди. Андроклесга нисбатан ҳам шундай ўлим ҳукми эълон қилинди. Одамлар Андроклеснинг ўлимини завқланиб томоша қилиш учун тўпландилар. Шу пайтда уч кун оч қолган арслоннинг қафаси очилди. Баҳайбат арслон Андроклесга қараб отилди. Бечора Андроклес қўрққанидан қочишга жой излар экан, арслон худди итоаткор қул каби келиб, Андроклеснинг оёқларига суйкалди ва у билан қучоқлашди. Бу воқеа халқни ҳайратда қолдирганди. Андроклес халққа қараб шундай деди:

— Эй инсон қиёфасидаги ваҳшийлар! Мана шу ҳайвонга бир мартагина яхшилик қилгандим. У яхшилигимни асло унутмади. Ҳанузгача менга итоат қилади. Сизга йиллар давомида яхшилик қилган бўлсам-да, кичкина бир хатом учун мени ўлимга маҳкум қилдингизлар, — деди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Шу воқеа хусусида диққат билан фикр қилсанг, ҳаётда қанчадан-қанча ҳодисалар бўлиб ўтганини биласан. Тангри ҳур қилиб яратган инсонлар бир-бирларининг майда камчиликларини кечира олмаслиги оқибатида асрлар бўйи қон қусганини кўрасан. Андроклеснинг ягона айби унинг табиий ҳуқуқи бўлган озодликка эришиши эди. У замонларда эса эркинликни истаган асирларга зулм қилинарди. Эркинликка чиқмоқчи бўлган қуллар «Заифнинг ҳақи сукут қилмоқ ёки ўлдирилмоқдир» қоидасига биноан турлича шаклларда қийноқларга солинар ва ўлимга маҳкум қилинарди.

Мана, инсоният ўзининг табиий ҳуқуқи-ҳурриятга қанчалик қийинчилик билан эришди. Аммо ҳанузгача бу кураш давом этмоқда. Бу қисса башариятнинг ҳурриятга эришиш йўлида қанчалик машаққат тортганини кўрсатадиган тарихий ҳодисадир.

Эй инсон! Сен ким бўлсанг ҳам бошқа кишиларнинг табиий ҳуқуқи — ҳурриятига асло тажовуз қилма. Тангри ҳар бир инсонни ҳур қилиб яратган ва фақат шу туфайлигина унга инсонийлик лаззатини бергандир.

Ҳикматли сўз

Ҳар бир инсон қанчалик озодликка, ҳурриятга эришса, раҳмдилликка дуч келса, у шу қадар инсонлигини ҳис қилади.

ЧЎПОН БИЛАН БЎРИ

Бир бўри қўйлар суруви ортидан уларга ҳеч зарар етказмасдан эргашиб келарди. Чўпон аввалари душманидан эҳтиёт бўлган каби бўридан эҳтиёт бўларди. Бўрининг бутун ҳаракатларини сезгирлик билан кузатарди. Бўри бирор маротаба ҳам қўйларга душманлик кўзи билан қарамаганидан, чўпонда бўрига нисбатан ишонч уйғонди. Бўрининг ҳаракатларида фурсат кутаётган душман қиёфаси йўқ эди.

Кунлардан бир кун чўпоннинг муҳим бир иши чиқиб, қишлоғига кетиб қолди. Бўрига жуда ишониб қолган чўпон унга барча қўйларини топшириб кетди.

Чўпон кетгач, бўрининг фаришталиги йиртқичликка айланди. Бўри чўпонсиз қолган сурувдаги ҳамма қўйларни қонига бўяди.

Қайтиб келган чўпон қўйларининг нобуд бўлганини кўриб, фиғони фалакка чиқди. Ўзини ерга урди, аммо ғишт қолипдан кўчганди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Бу қиссадан ҳисса шуки, дунёда беозор кўринган, фурсат келиши билан бўрига айланадиган бўри сийратли кимсалар бор. Уларга бирор нарсани ишониб омонат қолдирсанг, бўрининг сурувга қилган ишидай иш тутадилар. Бу кимсаларнинг сувратига қараб, ишонч билдириш худди мазкур қиссадаги чўпоннинг ҳолига солади. Ҳеч бир кишига, токи у синовдан ўтмагунча, ишонч билдириб бўлмайди.

Эй инсон! Кишиларга ишонч билдиришда жуда сезгир бўл. Акс ҳолда ҳалок бўласан. Чўпон ва бўри қиссаси сенга сабоқ бўлсин.

Ҳикматли сўз

Иккиюзламачига мол омонат бўлмас.

ТОВУС БИЛАН ҚАРҒА

Товус билан қарға боғда учрашиб, бир-бирларининг айбини қидира бошладилар. Товус қарғага:

— Ҳой қарға! Оёғингдаги шу қирмизи этикча фақат менинг гўзал либосимга ярашади. Ўз-ўзидан маълумки, сен кечанинг қоронғулигидан борлиқ оламининг ёруғлигига чиқаётиб, менинг қирмизи этикчаларимни кийгансан. Мен ҳам адашиб сенинг қоп-қора қўпол оёқ-кийимингни кийганман, — деди.

Қарға товусга:

— Ҳой товус! Аксинчадир. Ўша кечанинг қоронғулигида сен менинг шу либосларимни кийиб олгансан. Бу либослар арвоҳ оламида меники эди, — деди.

Буни эшитиб ўтирган бир тошбақа:

— Эй азизлар! Бекорга тортишманглар, фойдасиз мунозарадан воз кечинглар. Жаноби Ҳақ барча гўзалликни фақат битта кишига бермаган. Бутун ҳукмронлик тизгинини ҳам бир махлуқнинг қўлига бермаган. Ҳар ким ўз ҳиссасига тушган неъматлардан хушнуд ва рози бўлмагани учун бошқаларнинг нарсаларига кўз тикади, — деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Қиссадан ҳисса шуки, дунёда ҳар томонлама мукаммал инсон йўқ ва бўлмайди ҳам. Аниқки, ҳар бир кишининг ҳавас қиладиган жиҳатлари бўлгани каби, нуқсон, камчиликлари ҳам бордир. Ҳар бир киши ўзига берилган неъматларга шукр қилиб, бошқаларнинг неъматларига кўз олай-

тирмасагина бахтли бўлади. Бу сирдан огоҳ бўлсанг, доимо тўғри йўл тутасан. Кўзинг бошқаларнинг неъматида бўлиб, ўзингни ташвишга қўйма. Ана шундагина кўнглинг гўзаллашади.

Ҳикматли сўз

Ҳар ким ўз ризқига рози бўлса, дунёда ғавғо бўлмайди.

ЧЎТИР ПОДШОҲ ВА ОЙНА

Ойна кашф қилинмаган даврларда бир чўтир подшоҳ ўзини энг чиройли деб ҳисоблаб, ғурурланиб юрарди. Ҳушомадгўйлари унга «Тенги йўқ кўркам кишисиз» деб уни алдашарди. Иттифоқо ўша даврда ойна кашф қилиниб, атрофдаги подшоҳлардан бири элчиси орқали бир ойна совға қилиб юборди. Элчи ойнани шоҳга тақдим қилгач, чўтир шоҳ ва хушомадгўй мулозимлари ойнанинг атрофига тўпландилар. Подшоҳ бу ойнада ўзининг чўтирлигини кўрди. Ёнидаги беш вазирига: «Бу ойнадаги дўрдоқ лабли, пачоқ бурунли, қон кўзли, чўтир юзли одам ким?» деди. Беш вазир ҳақиқатни кўрган шоҳга нима дейишини билмай эгилиб, букилиб:

– Олампаноҳимиз ўзлари, – дедилар. Подшоҳ ғазаб отига миниб:

– Бу ойна ёлғон кўрсатар экан, – деб ойнани ерга уриб чилпарчин қилди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Қиссадан ҳисса шуки, хушомадгўйлар ҳамиша ўз мақсадлари учун ҳақиқатни яширадилар. Улар бўлиши керак бўлмаган нарсаларни бўлиши керак, деб айтишадилар.

Энг ёмон, бадахлоқ амалдорларни фариштадай покдомон қилиб оламга кўрсатадилар ва одамларни йўлдан урадилар.

Эй ўқувчи! Бу дунёда инсонга инсонлигини билдирувчи, кўрсатувчи энг буюк ойна Қуръондир. Фақат шу ойнадагина инсон ўзининг яхши ёки ёмонлигини билиб олади. Шу ойнадан бошқа ҳеч бир ойна инсонга ўзини кўрсата олмайди. Сен камтар, хоксор бўлгин ва бир мартагина шу ҳақиқат ойнасига боқ. Сўнгра жамиятга беминнат хизмат қила бошлайсан. Шубҳасизки, жамият ҳамиша яхши кишиларга муҳтождир.

Ҳикматли сўз

Ўзини доимо яхши ва ҳақ деб билган кишилар албатта алданади.

СУТ СОТУВЧИ ВА УНИНГ КЎЗАСИ

Қишлоқлик бир хотин сут солинган кўзасини бошига қўйиб, шаҳарга сут сотишга кетарди. Бу кун савдоси баракали эди. Кўп фойда топишини ўйлаб, бу хотиннинг ҳам севинчи ичига сиғмасди. «Мен бугун шу сутни аниқ сотаман, сотгандаям, қимматга сотаман. Кейин эса пулига саксонта тухум оламан, бу тухумларни курк товуғимга қўйиб, жўжалар очираман. Жўжаларнинг пулига эса, аниқки, бир қўзичоқ оламан. Қўзичоқни боқаман. Бир йилдан сўнг у семиз қўй бўлади. Қўйни сотаман. Бошқа пулларимга қўшиб, унинг пулига серсут сигир оламан. Ҳам сутидан фойдаланаман, ҳам боласини боқиб, уни ҳам сотиб...» деб хаёл суриб севинарди. Қувончи ичига сиғмай сакраб кетди. Оёғи тошга қоқилиб йиқилди. Сутли кўзаси ҳам бир томонга ағдарилиб, синди. Хотин маъюсланиб йиғлади. Қишлоғига қуп-қуруқ қайтиб келди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Ла Фонтенинг бу қиссаси хаёлпараст кишиларни феъл-атворини очиқ ва равшан кўрсатиб беради. Бу дунёда шундай хаёлпараст кишилар борки, улар чексиз ўй-хаёллари оқибатида жуда ёмон аҳволга тушадилар. Алқисса, ёшлик чоғида кўп хаёлга бериладиган ёшлар бу қиссадан ибрат олмоғи даркор. Дунёни фалокатга етаклаган Наполеон, Гитлер каби хаёлпараст, кўзини парда қоплаганлар ҳам бўлади.

Эй ўқувчи! Ўз имконинг ва қобилиятингга яраша иш тутишни ўрган. Муҳит, макон ва замонни ҳисобга олиб ҳаракат қил. Ўзинг кўрмаган, билмаган замонга баҳо беришга шошилма. Бу ишинг катта хато ҳисобланади. Қиссадан ҳисса шуки, хаёлпараст бўлма, ҳақиқатга яқинлашгин, одамларга фойданг тегсин.

Ҳикматли сўз

Режасиз ҳаракат надомат келтиради.

СИЧҚОН БОЛАСИ ВА МУШУК

Кичкина, тажрибасиз бир сичқон боласи ҳеч қўрқмасдан ҳар жойга кириб чиқар эди. Бир куни у хўроз билан мушукка дуч келди. Хўрознинг қичқириғидан қўрқиб кетган сичқонча югуриб, уясига келди:

– Онажон, бугун иккита ҳайвонни кўрдим. Бириси шундай ақлли, ёқимли ҳайвон эканки, уни қучиб олгим келди. Иккинчиси катта қанотли, ёқимсиз шовқин соладиган ҳайвон экан. Сичқонча яна давом этди:

– Онажон, билсанг биринчиси мағрур, хушфеъл, ипакдай майин жунли, бизникидай думи бор ҳайвон эди. Жуда хоксор кўринди.

Она боласига деди:

— Болагинам, ўша гўзал, эсли, чиройли кўринган ҳайвондан қўрқишинг керак. Қичқирган хўроз бизга егулик ҳозирлайди. У зиён етказмайди. Лекин сен ақл, ҳоксор деган ҳайвон аслида ўта маккор ва айёрдир. У — мушукдир. Ундан доимо эҳтиёт бўл. Мушукнинг ичи билан сирти бир хил эмас, — деди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Ла Фонтенинг бу қиссасида кишилар учун зарур сабоқлар бор. Кўпгина содда одамлар сезмаганликлари туфайли ўз душманларини дўст деб билиб эъзозлайдилар. Уларнинг ташқи кўриниши — зоҳирига қараб ақлли ва одобли, тоза қалбли деб ҳисоблайдилар. Бир шоир дўст бўлиб кўринувчи душман кимсалар тўғрисида шундай деган экан:

На гулдир ва на лола,
Оловдир, тегма ёнарсан.

Ҳаётда ҳам ташқи кўриниши худди гул, лола каби гўзал сувратли кишилар кўп. Аммо уларнинг ичлари ёмонлик оловига тўладир.

Хўрозларга ўхшаган бақироқ кишилар ҳам бордир. Аммо улардан жамиятга маккор, буқаламун кимсалар каби зиён етказмайди.

Эй инсон! Қиссадан ҳисса шуки сен, айёр, маккор кимсалар билан юриб, ўз ҳаётингни таҳликага қўйма. Дўст танлашда эҳтиёт бўл, ақл билан ўйлаб иш тут.

Ҳикматли сўз

Айёрлик маккор кимсаларнинг яширин қуролдир.

КИЙИК ВА БОЛАСИ

Бир куни кийик боласи отасига:

— Отажон, сиз итлардан жудаям каттасиз. Бунинг устига катта-катта шохларингиз ҳам бор. Шундай экан, нега доим улардан қочасиз, — деди.

Отаси:

— Болагинам, жуда тўғри гапирдинг. Билсанг, жасорат вужудда эмас, юракдадир. Мен бирор кўппак ҳурса ҳам юрагимга қўрқув тушиб, жойимда тура олмай қоламан, — деди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Бу қиссадан ҳисса шуки, ҳаётда гавдаси жуда катта бўлса-да, ўзи жуда қўрқоқ кишилар кўп. Улар учун майда, арзимас таҳликалар ҳам худди ўлимдай туюлади. Бундай кимсалар энг кичкина таҳликалардан ҳам қўрқувга тушадилар. Бу қуёнюраклар ўзларининг шайтоний васвасалари билан бутун мамлакатга зарар етказадилар.

Эй ўғлон! Сен агар тоза қалбли бўлсанг, қалбинг имон нури билан тўлади. Ўшанда арслон юракли бўласан. Шайтоний васвасаларга берилмайсан. Жамият ҳам сендан фойда кўради ва одамларга ўрнак бўласан. Кураш майдонидаги доимо ана шундай тоза арслон юракли кишилар жасорати туфайли зафар қозонилади. Қуёнюрак кимсалар жамиятни хароб қилади. Мамлакат бундай қўрқоқ, васвасага берилувчан кимсалардан тозаланмай туриб, саодатга эриша олмайди.

Ҳикматли сўз

Қўрқоқлик инсонни ваҳимага солади.

ИБРАТ

Бадбўй исларга одатланган чўчқабоқар атторлик дўконига кириб, ҳушини йўқотди ва ерга йиқилди. Атторлар ҳушига келсин, деб чўчқабоқарнинг бошига турли хил анвойи ҳидлар сепдилар. Чўчқабоқар бу хушбўй ҳидларни ҳидлаши билан баттар ўзини йўқота бошлади. Ҳар ким ўзича турли чора ўйлаб топар: кимдир ўт ёқиб исириқ тутатар, бошқа бири эса чўчқабоқарга кўз тегди деб ўйлаб, бурнига кўйлак парчасини ёқиб тутатарди. Яна кимдир эса нашами, афюнми чекди, деб оғзини ҳидларди. Охири атторлар чорасиз қолишди. Чўчқабоқарнинг касаллиги вақт ўтган сайин ёмонлашарди. Чўчқабоқарни таниганлардан бири унинг қариндошлариникига югурди. У шошилганича бўлган воқеани қариндошларига айтиб берди. Чўчқабоқарнинг укаси воқеани тушунди. Дарҳол чўчқанинг тезагини қўлига олиб, тезда касалнинг бошига етиб келди. Оломонга:

— Нари турингглар! Уни ҳозир даволайман, — деди.

Ҳамма ажабланиб орқага чекинди. Укаси ўзига-ўзи гапиргандай: «Акамнинг димоғида ёмон ҳидлар бор. Иликларигача сингиб кетган. Касаллигининг давоси ҳам димоғи одатланган нарса билан бўлади» дея, чўчқанинг тезагини чўчқабоқарнинг бурнига тутди. Ўлик каби ҳушсиз ётган чўчқабоқар бир зумда кўзини очди. Ётган жойидан уйғонгандай оёққа турди. Бу ҳолни кўрганлар: «Бу одам чўчқабоқарнинг қулоғига қандай афсун ўқиди экан» деб ҳайратда қолдилар. Лекин чўчқабоқарнинг ҳушига келишининг сири чўчқа тезагида эканлигини билмадилар.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! «Маснавий»нинг бу қиссасида ҳар кимнинг одатланган нарсаси билан ҳаёт эканлиги айтилмоқда. Молдунёни севган киши бойлик тўғрисида бирор нарса айтилган

пайтда ухлаётган бўлса ҳам уйғонади. Лайлони севган эса Лайло эсланган пайтда ухлаётган бўлса ҳам уйғонади. Олимлар учун илмий йиғинлар худди шундайдир. Жоҳиллар эса мушк ҳиди каби гўзал илм мажлисларида ҳушидан кетиб, ухлайдилар. Ҳар кимнинг тириклиги қизиққан нарсасидадир.

Эй ўқувчи! Бу дунёда одамларни уйғотмоқ истасанг, уларни қизиққан нарсаси билан тирилтириб, давосини шунга кўра бермоғинг лозим. Ана ушанда қиссада баён этилгани каби энг тажрибали ҳаким ва ҳоким сен бўласан.

Ҳикматли сўз

Энг яхши даво касалликни яхши фаҳмламоқ билан топилади.

КАКЛИК ВА ХЎРОЗ

Қишлоқ қаршисидаги тоғларда бир гала каклик тонгдан бери чуғурлашарди. Улар учун кенглик, тоза ҳаво, эркинлик ҳар куни байрам эди. Қуёш чиқиши билан қишлоқдаги хўрозлар ҳам бошпаналаридан чиқиб, ахлатхоналарни титиб, ғурур билан қичқириб қўярдилар. Бу ҳолни кўрган бир каклик қаҳ-қаҳа уриб кулди ва кеккайганча ахлат титаётган хўрозга:

– Эй мағрур аҳмоқ! Бир ҳовуч дон учун одамларга асир бўлиб ўтирибсан. Шу ахлатхонани ўзингга жаннат деб биласан. Ахлатхонадан қутул, – деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй ўқувчи! Шарқнинг буюк мутафаккири Жомий ҳазратлари бу қисса орқали кишиларга айтадики:

– «Эй инсон! Бу дунёда ўзинг учун энг азиз бўлган озодлигингни бир ҳовуч емишга сотма. Доим озод яша ва

озодликни сев! Аллоҳ сени озод қилиб яратди. Бир ҳовуч емишга алданиб азиз ҳаққингни сотма».

Озодлигидан маҳрум кишилар хўрозлар каби қанотларини ишлата олмаганлиги туфайли ўзларига ахлатхоналарни маскан қилдилар.

Ҳикматли сўз

Озодлик инсон учун жаннат, асирлик эса жаҳаннамдир.

ДЕҲҚОН ВА ИЛОН

Художўй бир деҳқон қиш кунларининг бирида даласидан қайтаётган эди. Ер музлаганди. Деҳқон йўлда каттакон бир илон музлаб ётганини кўрди. Деҳқоннинг илонга раҳми келиб, уни уйига олиб келди. Ўчоқнинг ёнига қўйиб исита бошлади. Танасига иссиқ тега бошлагач, илон жонланди. Вишиллаб деҳқонга ҳужум қилишга ҳозирланди. Раҳмдил деҳқон ҳам ғазабланиб: «Нонкўр! Сенга энди ўлим» дея бақирди ва қиличини чиқариб, илонни уч бўлакка бўлиб ташлади. Илоннинг боши, думи ва гавдаси бирлашмоқ учун беҳуда ҳаракат қиларди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Ла Фонтенинг бу қиссасида катта сабоқ бор. Албатта, раҳмдиллик инсоннинг энг улуғ фазилатдир. Лекин раҳмдилликни яхшиликни биладиган кишиларга қилиш фойдалидир. Бу дунёда илон сийратли кимсаларга раҳмдиллик қилинса, улар қувватга тўлиши билан дастлаб уларга яхшилик қилганларга озор етказадилар. Илон сийратли кимсалар жамият учун катта офат бўлади.

Эй ўқувчи! Инсонларга хизмат қилишни хоҳласанг, ҳеч қачон илон сийратли кимсаларга раҳмдиллик қилма. Уларга ён берсанг, улар жамиятга зарар етказадилар.

Ҳикматли сўз

Яхшиликни – яхшиликни билганларга қилмасанг, жамиятга ёмонлик қилган бўласан.

ПОДШОҲ ВА ТАНГРИ ОШИҒИ

Бир подшоҳ масжидга кириб, ибодат қила бошлади. У ерда сидқидилдан ибодатга машғул бўлган бир одамни кўрди. Унга ихлоси ортиб, вазирига:

– Бор, шу кишига мендан салом айт. Қандай истаги бўлса, дарҳол бажараман, – деди.

Вазир дарҳол Тангри ошиғининг ёнига келиб, унга подшоҳнинг амрларини билдирди.

Тангри ошиғи эса:

– Подшоҳга мендан салом айт. Қулга эҳтиёжим йўқ, – деди.

Бу сўзни эшитган подшоҳ ғазабланди ва вазирига:

– Бор! Подшоҳ қудратлидир. Унинг қўлидан ҳар нарса келади, деб айт, – деди. Вазир Тангри ошиғига подшоҳнинг бу сўзларини айнан етказди. Тангри ошиғи бу сўзни эшитгач, табассум билан вазирга деди:

– У ҳолда подшоҳ амр этсинларки, мен, тинчимни бузаётган мана шу пашшалардан қутулайин. Шу пашшалар мени ранжитмасин, – деди.

Вазир тангри ошиғининг бу сўзларини подшоҳга айнан етказди. Буни эшитган подшоҳ бошини эгди. Ўтириб йиғлади, сўнгра: «Бир Тангри ошиғи менга ҳақиқатни англатди. Айни шу дақиқада қуллигимни, ожизлигимни англадим», деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Дунё матоси кимнинг қўлига ўтса, у ғурурлантиради. Подшоҳ, бой ўзини қудратли деб билади. Ўзини ҳамма нарсанинг устидан ҳукмрон ҳисоблайди. Лекин бу қиссада бўлгани каби, уларнинг сўзи битта пашшага ҳам ўтмайди. Ўлим тўшагида ётган ўша қудратли подшоҳ, ҳатто устига қўнган бир пашшани ўзидан нари ҳайдолмай қолади.

Эй ўқувчи! Бу дунё матоси сенинг кўзингни пардаламасин. Ўзингни ҳар нарсага қодир деб ғурурланма.

Эй инсон! Бир оз хоксор бўл. Инсонларга хизмат қил, ўзингни қудратли ҳисоблаб, ғурурланма. Билгинки, Исломнинг, инсонликнинг пойдевори ҳам тавозедадир, кишиларнинг ўз ожизлигини билишидадир. Инсоннинг инсонлиги унинг бойлиги ва мансабига қараб эмас, балки унинг ахлоқига қараб белгиланади.

Ҳикматли сўз

Ўзини кучли ҳисоблаган ҳар қандай киши, албатта бир куни ожизлик аччиғини тортади.

АРСЛОН БИЛАН ЮМРОНҚОЗИҚ

Бир арслон ҳайбат билан ўтирганча ўйланарди. Шу пайт панжаси остидан бир юмронқозиқ тупроқдан чиқиб қолди. Арслон юмронқозиққа чанг солмади ва мардлик кўрсатди. Юмронқозиқ арслоннинг бу иши учун ундан мамнун бўлди. Мингларча ташаккурлар айтиб, яхшилигини унутмади. Эртаси кун арслон ов қилаётиб тузоққа тушиб қолди. Ҳар қанча кучли бўлмасин, қанчалик бақирмасин, у тузоқдан чиқа олмади. Унинг ҳаёти хавф остида эди. Арслонни бу ҳолда кўрган

юмронқозиқ дарҳол югуриб келиб, ўткир тишлари билан тузоқни қирқиб ташлади. Арслонни таҳликадан қутқарди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Ла Фонтенинг бу машҳур ҳикояси катта-кичик инсонларнинг бир-бирига ҳурмат кўрсатиши зарурлиги тўғрисидадир. Шундай вақтлар бўладики, энг бечора бир киши ҳам баъзан казо-казолар қила олмаган ишларни қилиб, кўпчилик инсонларни ҳалокатдан қутқаради. Қиссадаги арслон қанчалик қудратли бўлмасин, у тўрга тушгач, мажолсиз қолиб, ўлимга маҳкум бўлган эди. Уни бақувват панжаси эмас, фақат юмронқозиқнинг тиши қуввати қутқарди. Жаноби Ҳақ ҳар кимга ҳар хил ҳунар ва қудрат берган. Бунда жамиятда инсонлар бир-бирига муҳтож бўлсин ва бир-бирига ҳурмат билан боғлансин, деган ҳикмат бор. Ла Фонтенинг бу қиссаси ақл эгалари учун ибратдир.

Ҳикматли сўз

Шундай вақт келадики, сен ожиз, ночор деб ҳисоблаган инсон сенга энг катта ёрдам беради.

ТОВУС БИЛАН ҲАКИМ

Бир ҳаким чиройли товусни кўрди. Унинг гўзаллиги ҳакимни ҳайратга солди. Лекин товуснинг ҳунук қағиллаши, чиройли патларини юлиши ҳакимни ажаблантирди. Чидай олмаган ҳаким товусга:

— Эй товус! Шундай гўзал патларингни нега юляпсан? Бундай чиройли патни ерга ташлашга қандай қилиб кузинг қийди? Бу ишинг Яратган берган неъматга ношукрлик эмасми? — деди.

Товус ҳакимнинг бу сўзини эшитиб, фарёд қилиб йиғлади ва ҳакимга:

— Эй ҳаким! Сен сувратнинг жозибасига қараб ҳукм қиляпсан. Менинг бу гўзал патим, бу гўзал қанотларим бошимга минг турли балолар келтирди. Барча чеккан заҳматларим, мана шу гўзал патларим туфайлидир. Бу патлар менда экан, ўзимни ҳимоя қилишга ожизман. Кошки кўримсиз бир қуш бўлсам. Халқнинг назарида бўлмасам, ана ўшанда озод яшардим. Хоҳлаган жойимда кезардим. Эй ҳаким! Бу зийнат, бу сифатлар менда бўлгани учун душманларим жуда кўп, — деди.

Шарқ ҳикояси

ХИКМАТ

Эй инсон! Ҳазрати Мавлононинг бу қиссасида кишилар буюк ибрат олгулик сабоқлар бордир. Зоҳири чиройли зийнатлар, мол ва мансаб кишилар ҳаловатини бузадиган нарсалардир. Инсоннинг мансаби, моли қанчалик ортса, хавотири ҳам шунчалик ортади. Минг турли балоларга мубтало бўлади. Тангри таоло: «Молларингиз ва фарзандларингиз дунё ҳаётининг зийнатидир» деб буюради. Мол ва авлодинг дунёнинг зийнатларидан эканлигини билдиради. Энг хотиржам киши халқнинг назаридан четда яшаган кишидир. Ана шу қисса товусдай чиройли кишиларнинг қандай яшаётганликларини кўрсатишга кифоядир.

Ҳикматли сўз

Халқнинг назари энг катта асирликдир.

ҲАКИМ БИЛАН БОЛАЛАРИ

Бир ҳаким болаларини тўплаб:

— Эй кўзимнинг нурлари! Мол-дунёга иштиёқ қўйиш яхши эмас. Сизга фақат ҳунар ўрганишни васият қиламан. Хизматчилик ҳам маҳкумликдир. Олтин-кумуш ҳам кишини

хавф-хатарга қўядиган матодир. Уларни ўғри олади-ю, кетади. Ёки эгаси секин-секин сарфлаб тугатади. Лекин ҳунар суви тугамайдиган булоқдир. Ҳунарли кимса ишдан кетса ҳам ғам емайди. Қаерга борса ҳам шарафли мавқеини тиклаб олаверади. Ҳунари йўқ қаерга борса тиланади, миннатларга дучор бўлади, – деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Ҳунар туганмас хазинадир. Ҳунарсиз инсон доимо қўрқув, таҳлика ичида яшайди. Дунёнинг таназзули уни қўрқувга солади. Очлик қўрқуви уни ҳар доим чўчитади. У доимо ҳаёт ташвишларига асир бўлиб юради. Фақат ҳунар соҳиби ҳар чоқ эркин, озоддир. Шу боис ҳар киши эркин озод яшаши учун аниқ бир ҳунар соҳиби бўлиши лозимдир. Бу қиссада кишилар учун катта ҳақиқат дарси бор. Инсон олим бўлиши баробарида бир ҳунар соҳиби ҳам бўлса, у мустақил ва ҳур инсон бўлади. Акс ҳолда, у ҳатто, илмини асирликка маҳкум қилади. Бу қисса эркин, озод, ҳур яшамоқни истаганларга энг катта ҳиссадир.

Ҳикматли сўз

Ҳунар аҳли ҳамиша эркин яшайди.

ҲЎКИЗ ВА УНИНГ ШОХИ

Бир ҳўкиз подага йўлбошчилик қиларди. Шохининг катталиги билан ҳўкизлар орасида машҳур эди. Подага бўри ҳужум қилган пайтда ҳам бу ҳўкиз ўз шохлари билан уни яралаб ўлдирарди. Шу боисдан ҳам бутун пода хатарсиз эди. Бир куни ҳўкизнинг шохига касаллик тегиб, у синди. Бу ҳўкиз ҳам бошқа ҳўкизлар каби бўрини кўриши билан қоча бошлади. Бунинг

сабабини сураганларида эса: «Шохимдан айрилган куним қаҳрамонликдан ҳам айрилган эдим», деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Қиссадан ҳисса шуки, сен ҳаётда кураш учун турли хил қуроллар билан қуролланишинг лозим. Қуролдан маҳрум бўлган киши аниқки, мағлуб бўлади. Фақат қувватнинг ўзи муваффақият қозонишга кифоя қилмайди. Ҳар қандай кураш учун қурол лозим. Ундан маҳрум бўлса, қаҳрамонлик фойда бермайди.

Ҳикматли сўз

Қурол мўлжалга уриш учун энг керакли қувватдир.

ТУЯ – БИР АҚЧА, МУШУК – МИНГ АҚЧА

Бир туякаш ғоятда қадрлайдиган қизғиш туясини йўқотиб қўйди. Неча кун қидирса ҳам уни топа олмади. Туякаш неча кеча-кундуз уйқусиз, оч-яланғоч ҳолда туясини ўйлаб йиғларди. Ғазаби ичига сиғмас, ҳамма айб туяда деб биларди. Ахийри умидини узиб, ғазаб билан:

– Эй туя! Агар сени топсам, шу одамлар гувоҳ бўлсин, Аллоҳга қасамки, бир ақчага сотаман, – деб телбаларча бақирди. Туякашнинг қасамидан бир соат ўтар-ўтмас, туячилар қизғиш тусли туяни топиб келдилар. Туякаш нима қилишини билмай ҳайрон эди. Яратганга шукроналар қилиб, зиёфат, садақалар берди. Лекин қасамини ўйлаб, дард чекарди. Эртаси куни у туянинг устига бир қора мушукни миндириб, туяни сотиш учун бозорга чиқарди. Харидорлар атрофга тўплангач, «Туя – бир ақча, мушук – минг ақча» дея

бақира бошлади. Харидорлар туяни бир ақчага олишни хоҳласалар-да, туякаш «Туя, мушук бирга сотилади. Алоҳида сотилмайди», дер эди. Харидорлар туякашга «Инсофинг борми, бир қора мушук минг ақча бўладими?» десалар, туячи ҳам «Сизларда ҳам инсоф борми, туя ҳам бир ақча бўладими?» дер эди. Олувчилар қайтадан «Туя яхши, лекин мушук бўлмасайди», дедилар.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Бу қисса инсоннинг ғазабланган пайтларида шуурсиз ҳаракатлар қилиб, сўнг қандай тузатишни билмай, аросатда қолиши тўғрисидадир. Боболарнинг «Жаҳл чиқса – кўз қораяр, жаҳл кетса – юз қизарар» деган ҳикматлари бор. Киши доимо ғазабланган пайтида онгсиз бўлади. Ўша пайтда у нима деганини билмайди. Ҳар қандай сўзи ва ҳаракати уни фалокатга етаклайди.

Эй бу қиссани ўқиётган ва кишиларнинг суянчи бўлишни истаганлар! Сизлар ғазабланган пайтларингизда доимо сабрли, сўзингиз ва қўлингизга ҳоким бўлмоғингиз лозим. Агар шундай қилсангиз, саодатга эришасиз. Билингки, ҳар қандай ғазабнинг оқибати надоматдир. Қора мушук рамзи ҳам совуқлик рамзидир. Бозорнинг омадсизлигига, бузилишига сабабдир. Кишилар бир нарсанинг амалга ошишига қарши бўлишса, «эшагидан тушови қиммат» қабилида иш тутадилар. Бу қисса кишиларнинг хатоларини тузатишга интилиши хусусидаги бир ибратли сабоқдир.

Ҳикматли сўз

Жаҳл келганда тилига ва қўлига ҳоким бўлган киши ёмон оқибатдан халос бўлади.

ҚАРИ АРСЛОННИНГ СЎНГГИ СЎЗИ

Бир замонлар барча ҳайвонларни зир титратган ўрмон қироли арслон қариди. Аввалари ундан қўрққан ҳайвонлар кунларнинг бирида арслоннинг бошига тўпландилар. От мажолсиз арслонга яқинлашиб, уни бир неча марта тепди. Бўри эса арслоннинг бир неча жойидан тишлаб, қонга бўяди. Сўнгра ҳўкиз арслоннинг заифлигидан фойдаланиб, уни шохлаб ташлади ва у ердан бу ерга отиб ўйнади.

Бечора арслон жуда ғамгин ва дардманд эди. Бир замонлар унинг олдида дир-дир титраган бу хоинлар, ҳозир уни тепиб, таҳқирлар эди. У паришон бир ҳолда, ўлимини кутиб, овоз ҳам чиқармасди. Бир пайт бир эшак уни тепмоқчи бўлиб келаётганини кўрди. Буни кўрган ўрмонлар қироли ич-ичидан ёнди. Сўнг бақирди: «Етар, бас! Эшакнинг тепиши менга ўлимдан баттар. Буни кўргандан кўра минг марта ўлсам розиман», деди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Ла Фонтенинг бу қимматли қиссасида золимлар учун жуда катта сабоқ бордир. Золим майдонга чиқса, авжланиб зулм қолади. Аммо бир куни ҳаёт чархи айланиб, қувват ва қудрати кетгач, у ҳам қиссада бўлгани каби оқибат топади. Жаҳон тарихи бу каби аччиқ қисматларга тўладир.

Эй инсон! Бу қиссадан хулоса чиқариб, ўзингни тарбияла. Йўқса, жуда ёмон оқибатга дучор бўласан.

Ҳикматли сўз

Ёмонликнинг оқибати надоматдир.

МАЖНУН БИЛАН ҲУКМДОР

Араб подшоларидан бирига Мажнуннинг можаролари ҳақида айтиб беришди. Ҳайратланган подшо вазирларига: «Бу одамни топиб, ҳузуримга келтиринг» деб амр қилди. Вазирлар ўлканинг тўрт томонига жарчилар жўнатдилар. Мажнунни бир тоғдан топиб келдилар. Подшоҳ Мажнунга насиҳат қилди. Уни бу ҳаракатлари сабабли айблади ва деди: «Сен одамлардан қандай нуқсон кўрдингки, улардан қочиб, ҳайвонлар билан дўст тутиндинг. Тоғларни ўзингга маскан қилдинг?».

Мажнун ингграниб: «Эй ҳукмдор! Лайлони севганим учун одамлар мени айбладилар. Менинг ишқимни маъзур тут. Унинг ҳуснига телбаларча ошиқ бўлдим. Лайлони эслаб, эй кўнгилларни олувчи гўзал, кошки шу одамлар ҳам сени менинг кўзим билан кўрсалар эди! Ўшанда мени тушунар эдилар. Сендек туйғулардан бенасиб ҳукмдорнинг танбеҳларини ҳам эшитмасдим» дея йиғлади.

Бу сўз подшоҳнинг юрак-юрагига таъсир қилди. Подшоҳ вазирларига энди Лайлони олиб келишни амр қилди. Вазирлар водийларни кезиб, Лайлони топиб, подшоҳнинг олдига келтирдилар. Подшоҳ Лайлога тан кўзи билан боқиб, заифгина, буғдойранг бир қизни кўриб кулди:

– Эй аҳмоқ! Унинг қайси гўзаллиги сени телба қилди? – деди.

Мажнун ингграниб:

– Эй подшоҳ! Тан кўзи билан эмас, Мажнуннинг жон кўзи билан қарасанг, Лайлода нималар борлигини кўрар эдинг, – деб афсусланди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Ишқ сўнгсиз муҳаббатнинг инсондаги тажаллисидирки, у кишиларни ихтиёр ва иродаларидан маҳрум

қилади. Танаси жисмонан соғ бўлса-да, бу нозик ҳислардан маҳрум бўлганлар доимо ошиқларнинг устидан куладилар. Шарқнинг буюк мутафаккири Жалолиддин Румий ҳам «Ошиқ бўл, эшакликдан воз кечгин» дейиш билан кишиларнинг нозик ҳисларига ишора қилгандир. Инсонларнинг энг буюклари кўз илғамас латофат оламига ошиқ бўлганлари боис, бири рассом, бири шоир, яна кимдир эса Лайлонинг гўзаллигига мафтун бўлиб келадилар. Бу қиссада оламга моддий кўз билан боққанларга, бу боқишнинг хатоли эканлиги уқдирилади. Инсон фақат моддий бойликларни эгаллаш орқали эмас, балки маънавиятнинг нозик қирраларини ўзида мужассам этиши билан инсондир, дейилади.

Эй, бу оламга тан кўзи билан қараганлар! Сизлар бу оламнинг фақатгина боғу чаманларини кўрасизлар. Чунки сизнинг истагингиз шундан иборат. Ҳар нарсанинг қийматини ҳам шундай ўлчайсизлар. Мажнун айтганидек, инсонларга хос нозик туйғулар билан оламга боқсангиз эди, бу оламда нақадар гўзал ва беқиёс ҳодисалар борлигини кўрар эдингиз.

Ҳикматли сўз

Оламга бир кўз билан қараган кишилар алданади.

ИККИ МАСТ ЎРТАСИДА

Бир маст роса ичиб, кечаси йўлда йиқилиб ўзини билмасдан ётарди. Девқомат бир одам йўлдан ўтаётиб, унга раҳми келди. Бир қоп топиб, унга мастни солиб, орқасига кўтариб, уйига олиб кетди. Йўлда бошқа бир мастга дуч келдилар. Қопдаги маст бақириб борар эди. Иккинчи маст бу наърани эшитиб чидай олмади. Ётган жойидан бақирди:

— Эҳ бечора! Бир-икки қадаҳ камроқ ичганингда уйингга роҳатланиб кетар эдинг, — деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Бу қиссадан ҳисса шуки, сен ҳаётда ўз айбини кўрмасдан, бошқаларнинг айбини кўриб, насиҳат қиладиган кўп кишиларни курасан. Инсон ўз нафсига насиҳат қилмасдан туриб, бошқаларга насиҳат қилса, бу худди шу қиссадаги биринчи мастнинг иккинчисига қилган насиҳати каби фойда бермайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам шу боисдан «Энг аввало, нафсингга насиҳат қил, кейин бошқаларга» деганлар. Бу ҳадис кишиларга шубҳасиз ёруғлик ва ҳақиқат булоғидир. Мана шу қисса эса бизга насиҳатни кимларга қилиш кераклиги ва насиҳат ким томонидан берилиши ўринли бўлиши тўғрисида сабоқ беради.

Ҳикматли сўз

Амалсиз олимнинг сўзи мевасиз дарахтга ўхшайди.

КАБУТАР ВА ЧУМОЛИ

Бир чумоли сувга тушиб, чўкиб кетаётган эди. Уни кўрган кабутар дарҳол тумшуғига бир сомон чўпини олиб, чумолига узатди. Чумоли сўнгги қувватини тўплаб, чўпга осилди. Кабутар чумолини қутқариб қолди. Чумоли кабутарга қандай раҳмат айтишни билмасдан унга меҳр билан қаради. Кабутар учиб кетди. Кунлардан бир кун чумоли бир овчининг кабутарни нишонга олиб турганини кўрди. Чумоли бор қуввати билан югуриб, овчининг ёнига борди. Оёғидан ўрмалаб, бошига чиқиб олди ва кўзидан шундай чақдики,

овчи жон аччиғида милтиғини қўлидан тушириб юборди. Кабутар ҳам овчини кўриб қолиб, учиб кетди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Бу қисса яхшиликнинг унутилмас эканлигини кўрсатиб турибди. Инсонийлик яхшилик асосига қурилгандир. Исломнинг ҳам асоси шудир. Тангри таоло «Яхшилик қилингизларки, нажот топасизлар» деб буюргандир. Кўриниб турибдики, нажотнинг пойдевори яхшиликдир. Инсон бу оламда қилган яхшилиги учун жаннат саодатига эришади, яъни дунё майдонига яхшилик уруғини экса, охиратда унинг савоб ҳосилини йиғиб олади. Ёмонлик қилган кимса эса охиратда ҳам яхшилик кўрмайди. Бу қисса яхшиликнинг шу дунёда ҳам маҳсул берганлигини кўрсатувчи гўзал ибратдир.

Ҳикматли сўз

Яхши инсон ҳеч қачон яхшиликни унутмайди.

ШОҚОЛ ВА ҲЎКИЗ

Бир куни шоқол ҳўкизга:

— Ҳой қудратли ҳайвон! Сенга ҳеч тушунолмайман. Нега сен ўзингдан беҳад заиф инсонга қулсан? Одамлардан кучлисан. Лекин нега уларга бўйсунасан? Мен шу кичик жуссам билан инсонларга бўйсунмайман. Увиллаб уларнинг тинчлигини бузаман, — деди.

Ҳўкиз шоқолга:

— Эй кичик ҳайвонча! Одамлар менинг емишимни, ичадиган сувимни беради. Эркалаб пешонамни силайди. Мен бу яхшиликларини ҳеч қачон унутмайман. Шу боис ҳам уларга хизматда бўламан, — деди.

Шоқол ҳўкизга:

– Эй баҳайбат ҳайвон! Шу катта вужудингда мендагичалик ақлинг йўқ экан. Уларнинг эркалаб силашлари сени алдамасин. Улар сени ўз манфаатлари учун эркалаб силайдилар, сув, овқат, берадилар. Сен ҳам пешонангни силаганлари учун бўйинтуруқ остига кирасан. Мен эса ҳеч қачон уларнинг бўйинтуруқлари остига кирмайман. Ундан кўра ўлимни афзал кўраман! – деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Қиссадан ҳисса шуки, кулиб турган юз, ширин сўз, қорин тўқлиги сени алдаб қўймасин. Баъзида булар инсон учун тузоқ бўлади. Қорнингнинг тўйиши сени бўйинтуруққа солиб, ўзинг учун энг қимматли бўлган озодликдан маҳрум этади. Бўйинтуруқда ўлишдан озодликда ўлиш минг марта афзалдир.

Эй ўқувчи! Кулиб турган ҳар бир одамга, ҳар бир ширин сўзга алданма. Улар сени эркинликдан маҳрум қилиб, қул қилади.

Ҳикматли сўз

Инсонларни озодлигидан айирмаган яхшилик ҳақиқий яхшиликдир.

ТЎТИ ВА ҚАРҒА

Тўти билан қарға бир қафасда эди. Тўти қарғанинг чиркинлигини кўриб, ирганиб ўтирарди. Ўз-ўзига: «Бу қандай фаросатсиз, чўтир юз, ёқимсиз, мурдор махлуқ-а... Бу қандай омадсизлик. Қани энди орамиз Ғарб ва Шарқ орасичалик узоқ бўлса», дерди.

Қарға ҳам ўз-ўзига: «Бу қандай ёқимсиз овозли қуш, такаббур, манман, риёкор... Бу қандай ёмон қисмат бўлди? Менинг ўзимга лойиқ дўст топилмади, топилмади-да», дерди. Қарға бир оз ўйлаганидан кейин: «Балки бу қуш менинг катта гуноҳимга берилган жазодир? Бундай мағрур, ахмоқ билан тура олмайман», деб айтди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсонлар! Бу қисса дунёқараши бир-бирига тескари кишиларнинг бир жойда турганда бир-бирларидан зеркишларига ишора қилади. Баъзида қисмат қарама-қарши фикрли кишиларни яқин ҳамкор бўлишга мажбур қилади. Ана ўшанда уларда қиссадаги тути билан қарғанинг изтироблари содир бўлади. Зеро, уларнинг яратилишлари, феъл-атвори бир-бирига зиддир. Бири ўлаксадан, бири шакардан лаззат олади. Бири яхшиликдан, бошқаси эса куфрдан шодланади. Хулоса, ҳар ким ўзига маъқул кўрганини ёқтиради. Ҳаётда ғоз-ғозни, товуқ-товуқни севади. Ҳар бир нарса, ҳар ким ўз жинсидагилар билан бирикади. Ҳеч замон яхшилар ёмонлар билан бирлашиб, дўст бўлмаганлар. Бу қисса ҳам шундай кимсалар хусусидадир.

Ҳикматли сўз

Ғоялар қарама-қаршилиги кишиларни бирлаштирмайди.

КАСАЛ БИЛАН КАР

Анчадан бери касал ётган одамнинг бир кар қўшниси бор эди. У шу пайтгача беморни кўргани келмаган эди. Бир куни бошқа бир қўшниси карга: «Бемор қўшнингни кўргани бормадингми?» деди. Бу гап калга таъсир қилиб, дарҳол

қўшнисини кўргани кетди. Йўлда ўз-ўзига: «Ҳа, менда карлик, қўшнимда эса касаллик бор. У секин гапиради, мен эса ҳеч эшитмайман. У билан қандай гаплашаман» деб ўйларди. Сўнгра «Касалнинг гапларини юз ифодасидан билиб оламан» деди.

Масалан, унга «Қандайсан?» дейман. У эса «яхшиман» деб табассум қилади. Мен ҳам унга: «Алҳамдулиллаҳ, жуда ҳам хурсандман» дейман. Ёки касал менга «Қийналаяпман, оғриқ азоб беряпти» дейди. Мен ҳам «Аллоҳ шифо берсин» дейман. Кейин яна айтаман: «Нима еяпсан, нима ичяпсан». У ҳам: «Шўрва ёки сут» дейди. Мен ҳам унга: «Ош бўлсин» дейман. Яна сўрайман: «Қайси табиб қараяпти?». Аниқки, касал ҳам жавоб беради: «Фалончи табиб қараяпти». Мен яна айтаман: «У табиб ғоятда қўли енгил, яхши даволайди дейман» деб ўйлай-ўйлай қўшнисиникига кирди. Ётоғининг бош томонига яқинлашиб, касалга салом берди:

— Қалайсан қўшним, — деди. Касал оғир қимирлаб, табассум қилиб:

— Касалим оғир, қўшнижон, ўляпман — деди. Кар бу гапни эшитмасдан, унинг табассумига қараб:

— Оҳ, оҳ! Жуда хурсандман. Тангрига шукр, — деди.

Касал карнинг кутилмаган бу сўзидан ранжиди. Ўз-ўзига: «Бу одам душман экан-да, бундай деяпти» деб минғиллади. Шу пайт кар хастага яна деди:

— Нима еб, нима ичяпсан?

Касал ғазабланганидан:

— Заҳар еб, заҳар ичяпман, — деди.

Кар бу сўзни эшитмасдан, унинг юзига боқиб:

— Ош бўлсин, — деди.

Қўшниси жуда ғазабланди. Кар сўзида давом этди:

— Қайси табиб келиб турибди?

Касал жаҳл билан жавоб берди:

— Азроил келиб кетяпти, — деди.

Кар давом этди:

— Оҳ, оҳ. Унинг қули енгил, яхши даволайди. У шундай деб касалнинг ёнидан чиқиб кетди. Кетаётиб ўз-ўзига: «Тангрига шукр, касалнинг ҳам ҳолини сўраб қўйдим», деди.

Касал ғазабланиб:

— Бу одам душман, хоин! Қаердан келди бу, нега келди? — деб бақирди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Жалолиддин Румийнинг бу қиссаси кишилар ўртасидаги баъзи англашилмовчиликларини кўрсатиб беради. Одамлар бу дунёнинг машаққати остида айни касал одамга ўхшайдилар. Баъзилари илмдан, одоб-ахлоқ ва фазилатдан жуда узоқ бўлганлари туфайли мазкур ҳисобдаги нозик туйғуларни англаб, ҳақиқатни тушуниб етмайдиган карга ўхшайдилар. Уларнинг суҳбатлари, ҳатто меҳрибонлиги ҳам ҳақиқий эмас. Бундай кишилар ҳар қандай гапни ўз тушунчасига кўра англаб, шунга қараб, сен билан дўст ёки душман бўладирлар. Бу қисса сувратга эмас, сийратга қараб иш тутсанг тўғри бўлади, деган мазмунидаги сабоқдир. Чунки яхши тушунмаган сўзлар ҳар икки томонни ранжитади.

Ҳикматли сўз

Гапини яхши тушунтира олмаган киши охирида надомат чекади.

КЎР БИЛАН МАЖРУҲ

Куз кунларининг бирида кўзи ожиз гўзал бир қиз беҳи боғларининг орасидан аста-аста ҳассасига таянганча ўтиб борар эди. Унда шундай бир маъсумлик бор эдики, уни узоқдан кўрганлар бир фаришта деб ўйлашарди. Ёқимли

шабада дарахт шохларини эркалаб, мушк-анбарни эслатадиган беҳи ҳидларини водийга ёярди. Кўр бу манзараларни кўрмаса-да, водийдан таралаётган бу хушбўй ҳидларни ҳис қиларди. Анча вақтгача шундай юрди. Фариштадай симонинг ичида минг турли ёмон ўй-фикрлар айлана бошлади. Бу чиройли беҳилардан бир қанчасини узиб ейишни ўйлаётган бўлса-да, бу ерда хандақлар, лойли ерлар бўлиши мумкин, деган ўй уни таҳликага солиб қўяётганди. Бундан ташқари, боғ эгаси, қоровул ва итлардан қўрқув ваҳимаси ҳам бор эди. Кўр таёғини тегади деб ўйлаб, йўлнинг ёқасидаги беҳи дарахтларига бир неча марта силтаса-да, таёқ ҳавода кезарди. Бунинг устига, тушган беҳиларни қандай қилиб ҳам топарди? Тўрвасини ҳам тўрт-беш беҳи билан ҳам тўлдира олмасди. Суврати фариштадай кўринган бу одамнинг сийрати шу боис ёмон фикрлар билан ёнаётганди. Оҳ! Кўзлари очиқ бўлсайди, қанча ёмон ишларни қилган бўларди. Яна шундай фикрлар билан ичида ўт ёнаркан, қаршисидан бир одамнинг сурина-сурина келганини ҳис қилди. Келган одамга камоли одоб билан салом берди. Уни кимлигини билиш учун:

— Эй йўловчи! Сен кимсан? Қаердан келиб, қаерга кетяпсан? — деди. У одам:

— Биродар, мен фақир бир мажруҳман. Шаҳарчадан тиланчиликдан келяпман, кулбамга кетяпман. Тангри ҳеч кимни мажруҳ қилмасин, кўрликдан ҳам ёмон. Ҳар куни шу боғдан ўтарканман, ҳил-ҳил пишган беҳиларни кўраман-у, бирор дона ҳам ололмайман. Боғбонлари ҳам жуда хасис одамлар. Ҳолбуки, шу тўрвани тўлдириб берсалар ҳам камайиб қолмайди, — деди мажруҳ. Шунда кўр мажруҳга шайтоний бир фикр айтди:

— Биродар, мен кўр бўлсам, сен мажруҳсан. Кел иккимиз биргалашиб, тўрваларимизни тўлдирамиз, — деди. Кўр мажруҳни елкасига кўтариб, боққа кирди. Мажруҳ кўрга йўл

кўрсатарди. Унинг айтишига биноан бир дарахтнинг ёнига келдилар. Мажруҳ:

— Эй кўр! Тўхта, тўрваларни бер. Мақсадимизга етдик, — дея, беҳи шохларини эгиб, синдириб беҳи уза бошлади.

Бу боғ эса бева хотин ва болаларники эди. Улар шу боғдан кун кечиришарди. Болалар меваларни ўғирлаётган, шохларни синдираётган икки ўғрини кўриб, онасига йиғлаб боришди. Онаси кулбадан чиқди. Боласидай эҳтиёт қилиб ўстирган, ягона умиди бўлган дарахтларни синдиришаётганини кўриб йиғлаб юборди:

— Инсоф қилинглар! Раҳм қилинглар! Мен беваман, болаларим етим, — деди.

Лекин кўр ҳам мажруҳ ҳам унинг бу сўзларига аҳамият бермадилар. Дарахтларнинг шохларини синдиришда давом этдилар. Ниҳоят, хотин ва болаларнинг йиғлашини эшитган қоровул етиб келди. Икки ўғрини олиб, маҳкамага келтирди. Кўр ва мажруҳ қозининг ҳузурида ўзларини фариштадай гуноҳсиз кўрсатардилар. Кўр мажруҳга, мажруҳ эса кўрга айбни тўнкарди. Кўр қозига:

— Муҳтарам қози, менинг кўзим кўр, кўрмайман. Агар мажруҳ бўлмаганда мен бу ишни қилмаган бўлардим. Айб унда, — деди.

Мажруҳ эса:

— Эй қози! Инсофли бўлинг. Агар кўр бўлмаса, менинг қўлларим беҳиларга етмаган бўлар эди, айб унда, — деди.

Қози ғоятда одил эди. Иккисини ҳам жазолади ва уларга деди:

— Эй кўр! Сен кўрганингда эди, эй мажруҳ, сен ҳам юролганингда эди, ҳамма сизларнинг ёмонлигингиздан қочган бўлар эди. Аммо ҳамма сизнинг шу ҳолингизга ачиниб, ёрдам қилишади, — деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Нафс – кўр. Шайтон эса бечора мажруҳ қилиб кўрсатиб, инсонни йўлдан чиқаради. Нафс ва шайтон бирлашиб, қанча ғарибларни йиғлатади. Ҳақиқий инсон бу икки душманни енгган инсондир. Ҳар қандай ёмонлик шу икки ёвуз кучнинг бирлашишидан пайдо бўлади. Ҳар қандай яхшилик эса, шу ёвуз кучларни йўқ қилишдан ҳосил бўлади. У иккиси ажратиб ташланса, кўр билан мажруҳ ёлғиз бўлганидаги каби ёмонлик амалга ошмайди. Бу Шарқ қиссасидан олинадиган катта сабоқ – шу. Баъзи кишилар фаришта сувратли, аммо ҳайвон сийратли бўлади. Бундай кимсаларнинг бирлари ҳеч қачон икки бўлмайди.

Буюк мутафаккир Саъдий Шерозий айтганларидек:

«Бечора мушукнинг қаноти бўлса, осмонда чумчуқ қолмайди». Ушбу қисса бизга кишининг сувратига эмас, сийратига қарамоғимиз лозимлигини, шунга кўра хулоса қилишимиз кераклигини таъкидламоқда.

Ҳикматли сўз

Инсоннинг яхши ёки ёмон бўлиши ундаги яхши-ёмон фикрларнинг қайси бири устунлигига боғлиқ.

БЕБОШ ЎҒИЛ ВА ОНАСИ

Бебош бир ўғил онасининг сўзларига қулоқ солмас, гапларини бўлиб ташларди. Бечора она боласининг дарди билан ёниб юрарди. Она боласини йўлга солишга ожизлигини кўргач, бешигини олдига олиб келиб қўйди ва:

– Эй аҳмоқ болам! Болалигингни унутганга ўхшайсан. Сен доимо йиғлайдиган бола эдинг. Мен ҳам сени деб кеча-кундуз тинмасдим. Тунлари сенинг истакларинг учун уйқудан

ҳам воз кечгандим. Шу бешикда ожизгина ётардинг. Ҳатто, юзингдаги чивинни ҳам учириб юборолмасдинг. Бугун катта бўлдинг, куч-қувватга тўлдинг. Энди эса мени ранжитяпсан. Лекин, бир кун келиб албатта бу дунёдан ўтасан. Қабрнинг тубига, қоронғилик қаърига кирасан. Ўшанда Яратгандан раҳмат нури ололмайсан, – деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Шарқнинг буюк мутафаккири Саъдий бу қиссаси билан оналик ҳақининг нозик жиҳатларини баён қилмоқда. Дунёда валинеъматларини билмаганлар Ҳаққа исён қилган бўлишади. Шу боис ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) «Жаннат – оналарнинг оёғи остида» дейиш билан уларга хизмат қилиш жаннатий амаллардан эканлигини билдирганлар. Шубҳасизки, она ҳақини адо қилмоқ бу дунёда мумкин эмас. У бешикдаги гўдагини минг турли ниёзлар билан ўстириши фарзанди устидаги энг катта ҳақидир.

Бир куни бир киши Муҳаммад алайҳиссаломга:

– Мен онамни кўтариб, Маккани зиёрат қилдирдим, ҳақини адо қилдимми? – дебди. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в):

– Йўқ, у сени қучоғида олиб юрганда фарзандим унибўссин, катта бўлсин, – деб ўйлаганди, сен эса кўтариб юрган пайтингда онангнинг ўлими ҳақида ўйлардинг, – дедилар.

Эй фарзанд, сен онангнинг олдида турганингда, доимо Саъдийнинг бешик ҳақидаги ушбу қиссасини эслагин. Саъдий бу қиссани ёшларга ибрат бўлсин деб ёзганлар.

Ҳикматли сўз

Раббимиз ҳузурида энг мақбул амал, Унга ибодатимиз ва ота-онага хизматимиздир.

ҒАВВОС ҚУТҚАРГАН ОДАМ

Шоҳ бир неча қайиқларда денгизда мулозимлари билан сайр қиларди. Бирданига кўтарилган тўфон бир қайиқни ағдариб юборди. Ичидаги икки ўспирин сувга ғарқ бўла бошлади. Бу ҳол одил шоҳни хавотирга солди. Ғаввослардан бирига дарҳол бу ўспиринларни қутқаришни буюрди. Ғаввос чаққонлик билан сувга тушиб кетди. Бирини қутқаргач, дарҳол қайтиб иккинчисига кетди. Подшоҳ қайиқда буни кўриб, безовта турарди. Ғаввос иккинчи ўспиринни чиқарди. Лекин у ўлганди. Шоҳ ғаввосга:

— Эй ғаввос! Нега дастлаб узоқдагисини қутқардинг? Ҳолбуки, буниси ўлди, — деди.

Ғаввос:

— Подшоҳим, ўзим қутқарган шу ёш йигитдан дунёда яхшилик кўрган эдим. Буни қўйиб наригисини қутқаришим керакмиди? — деди.

Подшоҳ бу сўздан жуда мутаассир бўлди ва энди ҳаммага яхшилик қиладиган бўлди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Қиссадан ҳисса шуки, бу дунёда ҳам у дунёда ҳам сенга нажот келтирадиган ягона нарса яхшиликдир. Сен кишиларга қилган яхшилигинг қадар яхши инсонсан. Саодат ва фароғатга яхшилик билан эришасан. Яратган бир оятида: «Яхшилик қилингизки нажот топгайсиз» деб буюрган. Бу билан биз бир-биримизга доимо яхшилик қилишимиз кераклиги, фақат шу йўл билан фароғатга эришишимиз мумкинлиги айтилган. Шу боисдан ҳам бу оят инсонлик даъвосини қилувчиларга энг катта сабоқ бўлади.

Ҳикматли сўз

Яхшилик инсонни омонликка олиб келади.

АРСЛОН ТЕРИСИНИ КИЙГАН ЭШАК

Бир тегирмончининг эшаги йўлда ётган арслон терисини кўрди. Ўзига-ўзи: «Буни кийсам, ҳар кимни қул қилиб оламан» деб, дарҳол арслон терисини кийиб олди.

Бу найрангни билмаган ҳайвонлар унга ҳурмат ва таъзимни канда қилмадилар. Тегирмончи буни билиб қолди. Эшакнинг қулоғи катта бўлганидан арслон терисидан чиқиб турарди. Тегирмончи қўлига бир таёқ олиб, дарҳол эшакни олдига солиб, бир қул каби айлантира бошлади. Ҳақиқатни билмаганлар эса тегирмончини олқишлар эдилар.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Буюк мутафаккир Ла Фонтенинг бу қиссаси дунёдаги найрангбоз кимсалар тўғрисидадир. Эшак табиатли кимсалар ўзларини арслон кўрсатиб, кишиларни алдайдилар. Ҳолбуки, уларнинг бу ишлари риёкорликдан бошқа нарса эмас. Улар ушбу қиссадаги арслон терисини кийган эшакка ўхшайдилар.

Эй буларни ўқиётган ўқувчи! Инсонни билишда диққатли бўл! Баъзан арслон терисини ёпинган кишиларни кўрасан-у, уларни ҳақиқий арслон деб ҳисоблайсан. Бундан огоҳ бўл!

Ҳикматли сўз

Ҳақиқатни бехато кўрган кишилар энг катта саодатга эришадилар.

ҲАЗРАТИ ЮСУФНИ БИР КАЛАВА ИПГА ОЛМОҚЧИ БЎЛГАН КАМПИР

Гўзаллиги тилларда достон бўлган ҳазрати Юсуфни Мисрда бозорга сотиш учун чиқаришди. Бутун Миср бойлари Юсуфни олиш учун ҳамма бойликларини олиб келишди. Бир қари кампир бир тўп калавасини олиб, Юсуфга харидор бўлди. Даллолга:

— Эй даллол! Мана шу калавани ол. Шу болани менга бер, — деди.

Даллол кулди. Бу сўзни эшитганлар ҳам кулишди. Даллол кампирга:

— Эй кампир! Бутун Миср бойлари Юсуф учун ҳамма бойликларини тўкаётган бир пайтда, битта калаванг эвазига сенга Юсуфни беришармиди? — деди. Аёл жавоб берди:

— Эй даллол! Биламан, бу калава учун Юсуфни менга бермайдилар. Лекин Юсуфнинг ошиқлари дафтарига менинг исмим ҳам ёзилади, шу шараф менга кифоя, — деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Қиссанинг ҳиссаси маълумдир. Олийҳимматлилик, инсоннинг қалбини юксалтиради. Шунинг учун ота-боболаримиз: «Ҳиммат баланд бўлса, инсон туганмас давлатга эришади» дейишган. Мана шу қиссадаги қари кампир олийҳимматли ошиқнинг тимсолидир. Ҳақиқий зафар олий ҳиммат ва катта шижоат билан қўлга киритилади.

Эй ҳақиқат йўлидаги йўловчи! Муваффақиятга эришишни истасанг баландҳимматли, ғайратли, шижоатли бўлишинг лозим.

Ҳикматли сўз

Ҳар қандай истакка қатъий ғайрат ва олийҳиммат билан эришилади.

ЭШАК ВА КУЧУКЧА

Бир эшак уй кучукчасининг хонадон соҳиблари учун севимли эканлигидан ҳайратланиб, ўз-ўзига: «Нега хўжайин билан аёл бу кучукчани севиб, эркалайди. Уни қучоқлаб ўйнатади.? Мен каби маъсум ва бечорани эса уришади? Агар севимли бўлиш учун шу кучукча каби улар билан ўйнашмоқ керак бўлса, бу оғир иш эмас. Бу ишни мен ҳам қиламан ва таёқ ейишдан қутуламан. Мен ҳам севимли бўламан» деб ўйлади.

Шу пайт уй олдида бой кўринди. Эшак дарҳол жойидан сакраб туриб, тўғри бойга қараб югурди. Бойнинг иягини (юзини) ялайман деб, шундай қаттиқ урилдики, бой қўрқиб қолди. Эшак эса ишини тамомлаш учун «оғир» ва «гўзал» овози билан «эшак қўшиғи»ни айтди. Бу ишлардан бойнинг шу қадар жаҳли чиқдики, хизматчисига:

– Дарҳол таёқни олиб келинг, – деб буюрди.

Худди кучукча каби севимли бўлиш учун қилган ҳаракатлари нега бундай оқибат келтиришини тушунолмаган эшак таёқ емаслик учун қочиб қолди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Тангри кишиларни турли қобилиятли қилиб яратган. Ҳар бир киши ўз қобилияти етмайдиган ишга қўл урса, у ёмон оқибатлар келтиради. Ғарбнинг буюк мутафаккири Ла Фонте бу қиссада шуни таъкидламоқда. Эшак ҳеч

бир замонда ит билан тенг бўлолмайди. Унга тақлид қилса, оқибати хунук бўлади.

Бу қисса бизга ҳар ким ўз иқтидори, имкониятига қараб интилиши лозимлигини уқтиради. Ҳар ким ўз ишини қилсагина, у тўғри йўл тутган бўлади.

Ҳикматли сўз

Ҳар ким ўз қобилияти, иқтидорини билса, у энг фойдали иш қилган бўлади.

БИР ТЎРВА ОЛТИН ТОПИБ ҲАМ МАҲЗУН БЎЛГАН ОДАМ

Саъдий айтадики: «Басра шаҳрида бир арабнинг жавоҳирчиларга шундай бир ҳикоя айтиб берганини эшитгандим. У шундай деди: «Бир пайтлар саҳрода йўлимни йўқотган эдим. Ёнимда на ейдиган нарса, на ичадиган бир қултум сув бор эди. Ўлишимга ишониб қолдим. Айни шу пайт саҳрода бир тўрва кўрдим. Шундай югурдимки, ўша пайтдаги ҳаяжонимни ҳеч унутолмайман. Тўрвани очдим. Қарасам, тўрванинг ичи тўла олтин экан! Буни кўриб, шунчалик хафа бўлдимки, бу аччиқ изтиробни ҳеч замон унутолмайман».

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Бу қиссадан ҳисса шуки, кишиларни хушнуд қиладиган нарса олтину жавоҳир эмас. Улар одамларнинг ҳаёт кечириши учун бир восита, холос. Агар одам саҳрода қолса, у ҳаётини, жонини сақлаш учун бир қоп олтинни бир пиёла сувга алмашади. Олтин-жавоҳирлар эмас, бир пиёла сув ва бир бурда нон инсонни севинтиради.

Мана, бу қиссадан хулоса шуки, ҳар ким эҳтиёжини қондириш учун ҳаракат қилади. Унинг хурсандчилиги, севинчи муаммоларининг ҳал бўлиши билан боғлиқдир.

Ҳикматли сўз

Инсон нимага эҳтиёж сезса, шунга интилади.

ТЕМИРЧИ ВА ДЎСТИ

Бир темирчи тиним билмасдан кеча-кундуз ишлар эди. У баҳорнинг нафис гулларига бурканган водийларни, шаршараларни кўрмас эди. Бир куни унинг дўконига бир дўсти келди. Баҳор гўзалликларини айтиб тугата олмасди. Сўнг темирчига қатъий қилиб:

— Дўстим, гарчи бу дунёда жаннатдай гўзал жойлар бор бўлса-да, лекин мен ишимни қўйиб кетсам, ўша жаннатмакон жойлар гўзаллиги ҳам менга татимайди, — деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Бу қиссани ёшларимиз қулоқларига қуйиб олса арзийди. Чунки ишламоқ саодат булоғидир. Инсон қанча ишласа, бу булоқдан шунча ичиб шифо топади. Иш вақтида сайр қилмоқ ўзини ва жамиятни фалокатга тортиш демакдир. Иш вақти ва сайр вақтини тўғри белгилаб олган ҳаёт лаззатини тотади. Буюк Раббимиз «Ва анлайса лил инсани илла масаъа» деб ҳаммани фақат ишлаб, меҳнат қилиб яшашга буюрган. Аксинча, бу ҳақиқатни била туриб, вақтни беҳуда сарфламоқ кишини мусибатга олиб боради. Дунёнинг тамали меҳнат асосига қурилгандир. Бу бир суннати илоҳийдир. Буни беҳуда деб билганлар залолатга, бу йўлдан юрганлар саодатга юз

бурадилар. Шунинг учун ҳам бу қисса ибрат олувчи кишилар учун катта сабоқдир.

Ҳикматли сўз

Ўз ишини билган кишилар ҳаётдан лаззат топади.

БЎРИ БИЛАН ҚЎЗИЧОҚ

Бўри булоқнинг пастидан сув ичаётган қўзичоқни кўрди. У бир баҳона билан қўзичоқни ейишни хоҳларди. Қўзичоқга:

– Эй қўзичоқ! Нега сувимни булғаяпсан? – деб бақирди.

Бечора қўзичоқ ҳайратланиб:

– Мен сизнинг сувингизни қандай булғайман? Мен сувнинг пастида бўлсам... Сиз юқорида турибсиз-ку... – деди.

Қизишган бўри:

– Сен ўтган йили мен ҳақимда ёмон сўзлар айтганмишсан? – деб бақирди.

Қўзичоқ:

– Бу қандай гап? Мен ўтган йили ҳали дунёга келмагандим, – деди.

Бўри:

– Сен бўлмасанг аканг айтгандир, – деди.

Қўзичоқ:

– Менинг ака-укам йўқ, – деди.

Бўри ғазаб билан:

– Аканг бўлмаса, қариндошларингдан биридир. Менга эътироз қиляпсанми? Ким бўлибсанки, олдимда туриб гап қайтаряпсан? – деб қўзига ташланди ва уни ўрмонга олиб келиб, еди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Ла Фонтенинг бу қиссаси золимларнинг маъсумларни қандайдир бир баҳоналар билан йўқ қилишларини англади. Кўпинча кучли бўлганлар золим бўлади. Ҳақиқатни айтганлар эса, қўзичоқ каби заиф бўлади. Бу дунёда ҳақини талаб қилиш учун киши ҳам қувватли, ҳам ҳақ бўлиши лозим. Бир шоир айтганидек:

Бир оз ожиз, бир оз забунмисан?
Сенга бир шапалоқ ёки бир таёқ.
Шунда ҳам индамай қўйсанг,
Юзинга босарлар оёқ.

Эй инсон! Яхши билки, чумоли каби ожиз қолсанг, оёқлар остида эзилиб, қўзичоқ сингари бўриларга емиш бўласан. Дунёда масъуд бўлмоқ истасанг, ҳам кучли, ҳам марҳаматли бўлишинг керак.

Ҳикматли сўз

Зафар ҳам ҳақ, ҳам кучли бўлган кишиларга ёрдир.

ОҲУ ВА ЭШАКЛАР

Бир золим овчи беозор оҳу боласини тириклай тутиб, уни эшаклар қамаб қўйилган жойга солиб қўйди. Золимлар ҳам гуноҳсиз кишиларни тутиб, ашаддий ёвузлар ёнига қўйишади. Бечора оҳу бу жойда нима қилишини билмай, қўрққанидан сакраб, ўзини ҳар томонга урарди. Овчи ҳар тонг, ҳар оқшом эшакларга сомон, сув берар, эшаклар эса уларни иштаҳа билан еб-ичар, оҳу эса ҳеч нарса емас, ичмас, бўйнини эгиб, бир бурчакда турарди.

Мушкдай тоза наслли оҳу эшаклар ичида азобланарди. Бир эшак иккинчисига:

— Бу ваҳший оҳу ўзини подшоҳлардай тутяпти. Кибрланиб биз билан гаплашмаяпти, — деди.

Иккинчиси ҳам масхара қилиб:

— Бу оҳуда катта бир жавоҳир бор. Уни бизга бермоқчи эмас, — деди.

Бошқа бир эшак оҳуга ачиниб, уни сомонга таклиф қилди. Оҳу эшаклар орасида сиқилганидан ёрилиб кетай дерди. Сомон ейишга таклиф этган эшакка:

— Эй эшак, иштаҳам йўқ. Танамда дармон қолмади, — деди. Эшак масхара қилиб:

— Биламан, ноз қиляпсан. Биз еган сомонни ёқтирмаяпсан, — деди. Оҳу ҳам кулди:

— Эй эшак! Бу егулигингиз сиз каби эшакларга лойиқдир. Мен бу ерга келмасдан олдин кўм-кўк ўтлоқларда ўтлардим. Оби ҳаёт каби сувлардан ичардим. Тақдир тақозоси мени сиз эшакларнинг ёнига улоқтирди. Мени таъбим сизлар билан қандай мослашсин, — деди.

Оҳунинг гапларини эшитган эшаклар бақиришдилар:

— Ғурбатда ҳам ўзингни ҳокимдай тутяпсан, — деди.

Оҳу бу гапга кулиб:

— Менинг наслим сўзларимнинг тўғрилигига шоҳиддир. Менинг ичимдаги ўт ҳам анбардан хушбўйроқдир. Менинг ҳидимни сиз каби эшаклар билмайди. Сизлар фақат пешоб ҳидидан шодланасиз. Мушк ҳидини айтсам, юз бурасиз, — деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Қиссадан ҳисса шуки, дунёда оҳу каби гуноҳсиз кишилар бордир. Уларни золим овчилар асир олиб, ҳибс қиладилар. Бу қисса кишиларни оҳу каби гўзал, комил бўлишга даъват қилади. Ҳаёт мазмунини яхши еб, яхши

ичишда деб билган эшак ва ҳўкиз табиатлиларни ҳам баён қилади.

Инсон оҳу каби пок қолса, бу қиссадаги каби эшак табиатлиларнинг масхараларидан қутула олмайди. Чунки эшаклар оҳуларни ҳеч қачон тушунмайди.

Ҳикматли сўз

Ҳеч бир инсон дунёда ғамдан холи эмас. Ҳар кимнинг ўзига хос қисмати бор.

БЎРИ ВА ЛАЙЛАК

Бир бўрининг бўғзига суяк парчаси тиқилиб, уни ҳеч чиқара олмади. Безовта бўлиб турганида бир лайлакни кўриб қолди. Унга ишора билан дардига дармон бўлишни тушунтирди. Лайлак дарҳол келиб узун тумшуғи билан бўрининг бўғзидан суякни чиқарди. Бўри миннатдорчилик билдирди. Лекин лайлак иш ҳақини сўради. Бўри ғазабланиб:

— Эй аҳмоқ! Қандай ҳақингни сўраяпсан? Тумшуғинг оғзимда экан, унинг омон қолганига шукр қилди-да, бу ердан тез даф бўл! — деди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Ла Фонтенинг бу қиссаси бизга кишилар феъл-атвори турлича бўлишини кўрсатади. Бу дунёда худди қиссадаги бўри каби мол-дунёга ўч кимсалар кўп топилади. Улар бошқаларга ҳақ бермасдан ишлатишни табиий деб биладилар. Ишчи ҳақини сўраса, унга бўри каби ҳақоратли сўзларни айтадилар. Бу қиссада бўрининг лайлакка «Тумшуғинг оғзимда экан, уни қутқарганингга шукр қил» дегани

қабилида иш тутадилар. Бугун бутун дунёдаги файзсизлик сабаби, айни шу қиссада мужассамдир.

Ҳикматли сўз

Ишчининг ҳақини берган хўжайин яхши хўжайиндир.

АЙИҚ БИЛАН ДЎСТ БЎЛГАН ОДАМ

Бир аждарҳо бир айиққа ҳужум қилганида алпкелбат бир йигит айиқнинг додини эшитиб, югуриб келиб, уни ўлимдан халос қилди. Айиқ йигитнинг бу мурувватини кўргач, ундан айрилмай қолди. У йигитга қул каби боғланиб қолди.

Бир қанча вақт ўтиб, йигит хасталанди. Айиқ ундан кўрган мурувватн сабабли, йигитнинг ёнидан кетмас, унинг хизматида югуриб еларди. Бир куни ақлли бир дўсти хастани кўргани келди ва хастага:

– Эй биродар! Қалайсан? Ёнингдаги бу айиғинг нимаси? – деди. Бемор йигит бўлиб ўтган воқеани айтиб, «шу боис бу айиқ менга содиқ дўст бўлиб қолди», деди. Доно дўсти:

– Дўстим, айиққа кўнгил боғлама! Аҳмоқнинг дўстлиги балодир. Оқил душман нодон дўстдан яхшидир. Қўй, шу дўстингни бошингдан узоқ тут. Шундай қилсанг, хайрли бўлади, – деди.

Бу сўз хастага ёқмади. Дўстидан юзини бурди. Дўсти такрор илтимос қилди:

– Эй дўстим! Аҳмоқларнинг дўстлиги фожиа келтиради. Сенга ҳасад қилганимдан эмас, хавотир бўлганимдан айтяпман. Айиқларни эмас, инсонларни дўст тут, – деди.

Хаста эса:

– Эй ҳасадгўй! Ўз ишингдан қолма! Бу насиҳатингни ўзингга қил, – деди.

Дўсти заҳардай аччиқ бу сўзни ютиб, унинг ёнидан узоқлашди. Айиқ хастанинг чивинларини қўриб ўтирарди. Қайсар чивинлар хастанинг юз-кўзига қўниб, ғинғиллашарди. Айиқ бемор йигитнинг роҳатини бузаётган бу чивинларни ўлдиришга қасдланиб, катта бир тошни олиб касалнинг бошига урди. Касал тил тортмай ўлди.

Бу масал оламга ёйилиб, барчага ибрат бўлди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! «Маснавий» нақл қилаётган бу қиссадан хулоса шуки, аҳмоқ дўст инсонни ўлимга етаклайди. Шу боисдан ҳам боболаримиз «Ақлли душман аҳмоқ дўстдан яхшидир» дейишган. Чунки аҳмоқ дўст яхшилик қиламан, деб ҳам сени фалокатга етаклайди. Ақлли душманнинг яхшилиги бўлмасада, бу даражада ёмонлик қилмайди.

Буюк Раббимиз «Вааъриз анҳум» дея, ҳақ сўзни қабул қилмаган аҳмоқлардан юз ўгириш лозимлигини уқтирган. Аҳмоқнинг сўзи заҳар, оқилнинг сўзи самардир. Шу боис бир шоиримиз ёзган:

Оқилнинг ҳар каломи дуру жавҳар, инжудир,
Жоҳилнинг ҳар каломи, тану қалбни инжитур.

Эй ўқувчи! Қиссадан хулоса шуки, оқилга ўртоқ бўл, аҳмоқдан узоқ юр.

Ҳикматли сўз

Аҳмоқ билан дўст бўлган фалокатга тайёрлансин!

ТОШБАҚА БИЛАН ҚУЁН БЕЛЛАШУВИ

Бир тошбақа қуёнга:

– Кел, сен билан мусобақа қиламиз. Рўпарадаги тоққа ким аввал борса, ўша ғолиб бўлади, – деди.

Бу таклифга кулган қуён:

– Тентак бўлма, азизим, – деб жавоб берди.

Тошбақа:

– Биродар, баҳсда ютқазсам, ғолиб сенсан, лекин сени албатта ютаман, – деди.

Ниҳоят беллашувга келишдилар. Илк уринишдаёқ қуён тошбақани фарсах-фарсах ортда қолдирди. Ортга қайтиб-қайтиб, уни масхара қиларди. Бир тепаликнинг бурчагига бориб, озгина дам олмоқчи бўлиб, ухлаб қолди. Тошбақа чарчамасдан бутун тезлиги билан юрарди. Қуён уйғонгунча у тоғдаги дарахтга етай деб қолганди. Қуён уйғониб, кўрдики тошбақа дарахтга етай деб қолган. Дарҳол оёғини ерга уриб, ўқ каби отилиб дарахт томонга сакради. Аммо ҳайҳотки, тошбақа манзилга етиб бўлганди. Тошбақа ғолибона қуёнга қараб:

– Эй биродар, тез югуришнинг нима фойдаси бор? Салмоқ билан юрмоқ керак, – деди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Ла Фонтенинг бу ҳикояси бақувват кишиларнинг ўз рақибларига беписанд қараш оқибатида мағлуб бўлганларини эслатади. Рақибини назар-писанд қилмаганлар, шубҳасиз, қуён каби мағлуб бўлади. Биз ҳаётимизда бечорагина кўринган неча-неча талабаларни кўрдикки, улар фаоллиги сабабли, ютуқларга эришдилар. Ташқи кўринишларига ортиқча ишонган неча-неча талабаларни ҳам кўрдикки, улар синфдан қолиб, қувиляптилар. Тарихда ўзига ортиқча

ишонган катта қўшинлар оз сонли аскарга мағлуб бўлганидан далолат берувчи мисоллар кўп.

Эй ўқувчи! Сен куч ва қобилиятингга ишониб, мағрурланиб кетсанг, оқибатда мағлуб бўласан. Чунки рақибини ожиз ҳисоблаган зафарга эриша олмас.

Ҳикматли сўз

Ақл билан ўйлаб, пухта иш қилсанг, зафар сенга ёр бўлади.

БИР ҚУЛНИНГ ҚИРҚ ВАЗИРДАН УСТУН БЎЛИШИ ҲАҚИДА

Султон Маҳмуднинг қирқ вазири ва бир севимли қули бор эди. Подшоҳ бу қулни қирқ вазиридан ҳам устун кўрарди. Бутун вазирларига берадиган маошнинг тенг ярмини шу севимли қули Аязга берарди. Барча вазирлар Аязни ёмон кўришар, уни султон назаридан қолдиришга уриндилар. Бир куни вазирларидан бири:

— Олампаноҳ! Қулингиз Аязни ҳаммамиздан устун кўришингизнинг боиси нима? — деди.

Жуда тажрибали, ақлли подшоҳ бу саволга сукут билан жавоб берди. «Бир куни у сиздан устунлигини исбот қиламан», — деб қўйди ичида.

Кунларнинг бирида султон вазирлари билан бирга, отларга миниб овга чиқди. Узоқда бир катта қора нуқта кўринди. Подшоҳ вазирларидан бирига бу нуқтанинг нима эканлигини билиб келишини буюрди. Вазир ҳам отга миниб, жиловни силтаб, бу нуқтани билиб қайтди:

— Подшоҳим! Бу қора нуқта бир карвон экан! — деди. Подшоҳ:

— Бу карвон қаердан келаётган экан? — деб сўраганди, вазир жим қолди. Подшоҳ бошқа бир вазирга:

— Тезда сен бориб, бу карвоннинг қаердан келаётганлигини билиб кел, — деди. Иккинчи вазир шамолдай елиб бориб қайтди:

— Подшоҳим! Бу карвон Ҳиндистондан келаётган экан, — деди. Подшоҳ «Ҳиндистоннинг қайси шаҳридан келаётган экан?» деб сўрагач, вазир ҳайрон бўлиб қолди. Подшоҳ бошқа бир вазирга:

— Сен ҳам бор, карвон Ҳиндистоннинг қайси шаҳридан келганини бил! — деди. У ҳам бориб келди:

— Подшоҳим! Бу карвон Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳридан келаётган экан, — дейиши билан подшоҳ карвоннинг қаерга кетаётганини сўради. Вазир ўйланиб жим қолди. Подшоҳ бошқасига:

— Сен бориб билиб кел, — деди. Вазир ҳам отга миниб, карвоннинг қаерга кетаётганлигини сўраб келди. Ҳамадон шаҳрига кетаётганлигини билгач, бу хабарни подшоҳга етказди. Подшоҳ карвонда қандай юк борлигини сўради. Бу вазир ҳам билмагач, бошқасига:

— Бор, билиб кел, — деди. У ҳам отига минди ва тезда бориб, хабар олиб келди:

— Подшоҳим, бу карвонда дори-дармонлар, ипак матолар бор экан, — деди. Подшоҳ бу карвоннинг Деҳлидан қачон чиққани ва бу ерда неча кун қолажагини сўради. Вазир:

— Подшоҳим, унисини сўрамадим, — дейиши билан подшоҳ «Аяз қаерда?» деб бақирди. Хизматчилар югуриб бориб Аязни олиб келишди. Подшоҳ Аязга:

— Аяз, ўғлим! Шу отга мингин-да, ана у қора нуқта нималигини билиб кел, — деди.

Аяз таъзим қилиб шоҳнинг ҳузуридан чиқди. Шамол каби учиб, қора нуқтага бориб келди. Подшоҳга:

— Эй подшоҳим! У кўрганингиз қора нуқта бир карвондир. У фалон куни Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳридан чиқиб, дорилар ва ипак матоларни юклаб, Ҳамадонга йўл олибдир. Карвон уч кун шу ерда қоларкан. Фалончи сарбоннинг ҳимоясида, фалон куни Ҳамадонга қараб, йўлга чиқар экан, — деди. Шу тариқа қирқ вазир билиб келолмаган ишни битта Аязнинг ўзи билиб келди. Подшоҳнинг бошқа берадиган саволи қолмаганди. Подшоҳ Аяздан жуда мамнунлигини билдирди. Сўнгра қирқ вазирига қараб:

— Аязни нега яхши кўришимни, нега сизлардан устун дейишим сабабини билдингизми? — деди. Вазирлар бўйин эгиб, одил шоҳнинг сўзларига тан бердилар.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! «Маснавий»да баён этилган бу қиссада жуда муҳим ибрат дарси бор. Ҳамма ҳам ишлайди. Лекин диққат билан ишлайдиганлар кам топилади. Инсон диққат қилсагина бирор масаланинг асл моҳиятидан хабардор бўлади. Мана шу қиссада Аязнинг қирқ вазирдан устунлиги унинг масаланинг тўлиқ руҳи ва моҳиятини тўла англаб олиши туфайлидир.

Эй инсон! Бу қисса ҳаётда муваффақиятга эришишнинг энг муҳим сирларидан бирини ўргатади.

Ҳикматли сўз

Яхши тушуниб етиш — муваффақиятга эришиш сиридир.

АРСЛОН, БЎРИ ВА ТУЛКИ ОВГА ЧИҚДИЛАР

Бир куни тулки, бўри ва арслон овга чиқишди. Тулки ва бўри арслонга итоат қилдилар. Арслон ҳам ҳамма нарсани

билишига, ҳар нарсага кучи етишига қарамай, тулки ва бўри билан маслаҳатлашиб, иш кўрди. Дала-қирларни кезиб, бир тоғ сигири, бир тоғ эчкиси ва бир қуён тутдилар. Ўлжаларни судраб, ўрмонга олиб келдилар. Арслон бўрига қараб:

— Эй қария бўри! Бу ўлжаларни одилона тақсимла! — деди. Бўри ҳам:

— Шоҳим! Ёввойи сигир сизга муносиб, чунки сиз бизнинг каттамизсиз. Ёввойи эчки менга лойиқ, чунки мен ўртанчиман. Эчки ҳам овимизнинг ўртанчиси. Қуён эса тулкиники, — деди.

Арслон ғазабланиб, бўрининг ёнига келиб:

— Нималар дединг, яна бир қайтар-чи! — деди ва бўрини бир зумда ўлдириб қўйди.

Арслон бўрининг ўлигига қараб:

— Эй ношуд! Менинг ҳузуримда қозилик қилганнинг ҳоли шудир, — деди.

Сўнг тулкига:

— Қани тулкивой, бу ўлжаларни сен тақсимла, — деди. Тулки дарҳол юзини ерга суркаб, эҳтиром билан:

— Эй афандимиз! Бу семиз буқа сизнинг эрталабки нонуштангиз, эчки тушлигингиз, қуён эса кечки овқатингиз, — деди.

Арслон ҳайрат билан:

— Офарин тулки! Бундай тақсимлашни қаердан ўргандинг? — деди.

Тулки:

— Мана бу жонсиз ётган бўри оғайнимдан ўргандим, — деди.

Арслон тулкига:

— Эй менинг қадрдоним! Қалбинг биз билан бир бўлса, бизнинг қалбимиз ҳам сеники билан биргадир. Ўлжаларнинг учови ҳам сеники, — деди.

Тулки юзини ерга суйкаб: «Шукрлар бўлсинки, ўлжаларни тақсимлашда арслон мени бўридан кейинга қолдирди. Агар биринчи бўлиб буни менга таклиф қилганида эди, шубҳасиз, мен ҳам бўри каби ҳалок бўлардим», — деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! «Маснавий»да баён этилган бу қиссадан хулоса чиқар. Билгинки, катталарнинг ҳузурида ўз ҳаддини билмаган, уларнинг ҳурматини қилмаган худди ушбу масалдаги бўри каби ҳалок бўлади. Тулки бўрининг ўлимини кўриб, огоҳ бўлди ва ўзини қутқарди. Бўрининг ўлими тулкига ибрат бўлди.

Шунинг учун эй ўқувчи, сен тарихга яхшилаб назар солда, кишиларнинг бевақт ўлими сабабларини қидир. Улардан ибрат дарсларини ол-да, ўзингни ҳалокатга бошлайдиган ишлардан қутқар. Келажагингни ҳам шу асосда белгила.

Бу қисса ақл эгалари учун жуда муҳим сабоқдир.

Ҳикматли сўз

Ҳаддини билан — юксалар, ҳаддини билмаган — ҳалок бўлар.

ТУЛКИ БИЛАН МАЙМУН

Тулки билан маймун бирга йўлга чиқдилар. Йўлда бир-бирларига мақтанишиб кетардилар. Тулки ўзини ғоятда кибор бир оилага мансублигини ва ҳайвонлар ичида энг олийнасаб ҳисобланишини айтди.

Маймун ҳам:

— Биродар, менинг қанчалик олийнасаб эканлигимни фақат Тангри ва фақат ўзим биламан, — деди.

Ниҳоят, йўллари тасодифан одамлар қабристонидан чиқиб қолди. Маймун сакраб бир қабртошнинг ёнига ўтди ва йиғлаб, инграна бошлади.

Тулки:

— Эй оғайни! Нега йиғлаяпсан? — деди.

Шунда маймун:

— Мен йиғламай, ким йиғласин, шу қабрда ётган отамнинг саройида содиқ хизматкор эди, — деди.

Тулки кулиб:

— Эй оғайни! Оғзингга сиққанича алдайвер. Бу ердан биронтаси туриб, сенинг ёлғонингни ошкор қила олмайди-да, шундайми? — деди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Қиссадан ҳисса шуки, бу дунёда худди тулки, маймун каби ўзларини мақташ билан овора қанча-қанча ёлғончилар бор. Ҳақиқий инсон мақтанишга эҳтиёж сезмайди. Олтинни курган киши унинг олтин эканини дарҳол билади. Фақат, мис бўла туриб, олтиндай кўринишни хоҳлаганлар худди ушбу қиссадаги каби мақтанчоқлик қиладилар. Бир ориф бу хусусда шундай ҳикоят қилади: «Бир чўнтакда олтин, кумуш ва мис тангалар бор эди. Улар доимо шовқин қилиб: «Олтин нима бўлибдики, исми жуда машҳурдир? Ҳақиқатда эса биз ундан аълороқмиз» деб, ўзларини олтиндан устун қўйишарди. Олтин эса ҳеч жавоб бермасдан, сукут сақларди. Кумуш тангалар чидай олмай олтинга:

— Мақтанчоқ мис тангаларга муносиб жавоб берсангиз-чи! — дейишди.

Олтин:

— Эй дўстлар! Ғамгин бўлманг, эртага соҳибимиз бозорда чўнтагини очганда ҳар кимнинг қадр-қиймати намоён бўлади — деди»

Ушбу қисса шундай маъно англатади: ўз қадрини билмаганлар ўзларини мақтаб тасалли топадилар. Ўзларига ишончи бўлганлар эса сукут сақлайдилар. Уларнинг бу сукутлари қадр-қийматларига бўлган ишонч туфайлидир. Мис бўлганлар эса сарроф бўлмаганларнинг ёнида ўзларининг олтиндан юқори эканликларини айтиб мақтаниб юрадилар.

Эй инсон! Сен бу чиркин одатга яқинлашма. Олтин бўлсанг сени ҳеч ким мис қилолмайди. Душманинг сени ёмонласа ҳам маъюс бўлма. Устоз Саъдий бу ҳақида:

Бир аҳли ҳунар, кўрса шафо, шахси дунёдан,
Титратмасин асло қирилган қалбини бир он.
Бир тошки агар олтин косани синдирса,
Олтин яна олтиндир, қийматига етмас ҳеч нуқсон,-

дейди. Олтинни таҳқирлаш учун ахлатга ташласалар-да, унинг қиймати асло пасаймайди. Олтин олтинлигича қолаверади. Чанг осмонга чиқса ҳам, унинг қиймати ҳеч қачон ошмайди. У чанглигича қолаверади.

Эй ўқувчи! Тулки ва маймун қиссасидан ҳисса шуки, мақтанчоқ кишилар ёлғон эшигини очадилар ва сўнггида ўзларини ҳаммага кулги қиладилар.

Ҳикматли сўз

Инсон ё курингани каби бўлади, ё бўлгани каби куринади.

ҲОРУН РАШИД ВА ЖОРИЯСИ

Ҳорун Рашиднинг хотини вафот этган эди. Бутун сарой мотам ичида қолган, Ҳорун Рашид хотинининг ўрнини босадиган хотин топиш ташвишида қолган эди. Аёллар кўп эди. Лекин ўлган хотинига тенг келадигани йўқ эди. У билан жон ва тан каби эдилар. Подшоҳ бўлгач, унинг ишқига тушганлар кўп бўлди. Бутун сарой ва мамлакат қизлари у билан турмуш қуришга жон дер эдилар. Аммо уларнинг бу севгиси Ҳорун Рашиднинг ўзига эмас, балки подшоҳлиги учун эди. Ҳорун Рашид шоҳлигини эмас, ўзини севадиган бир хотин истарди. Бундай аёлни топиш мушкул эди. Бир куни ақлига бир фикр келди. Саройидаги жорияларнинг барчасини тўплади. Бир базм ташкил қилди. Базм сўнггида сарой хазинабонига хитобан:

— Эй хазинабон! Бугунги базмдан жуда хушнуд бўлдим. Ҳадялар бермоқчиман. Бутун хазиналаримни оч. Инжу ва жавҳарларни ўртага қўй. Шу жориялар хоҳлаганларича олсинлар, — деди.

Бу фармондан кейин барча жориялар хазинага жавҳарлардан олишга югуришди. Фақат биттасигина шу ерда қолди.

Ҳорун Рашид у қизга:

— Эй қиз! Гапимни эшитмадингми? Сен ҳам хазинага бор! — деди.

Қиз эса:

— Эй султонимиз! Менинг хазинам — сизсиз. Олтин, инжу ва жавҳар тошларини сизга алишмайман, — деди.

Подшоҳ бу сўздан хушнуд бўлди ва:

— Демак, мени ҳамма нарсадан афзал кўрасанми? — деди.

Қиз ҳам:

— Ҳа, сиз меники бўлсангиз, жумлаи жаҳон меникидир, — деди.

Подшоҳ шу қизга уйланди. Қизлар инжу ва жавҳарлар билан келар экан, бу қизнинг энг катта хазинага эга бўлганини кўрдилар. Улар худди ёш болалар каби инжу, олтин ва жавоҳирларни олиш учун хазинага югурганларидан уялдилар.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Оилада ҳақиқий севги бўлса инсон бахтиёр бўлади. Ҳорун Рашид шундай ҳақиқий севгини топишни истарди. Шунинг учун ҳам имтиҳон ўтказди. Атрофига тўплаган қизлардан фақат биттаси уни ҳақиқатдан севишини билди ва унга уйланди.

Ҳорун Рашидни севдим деганлар олтин ва жавоҳирларни олиш учун хазинага югуриб кетиш билан севгилари ёлғон эканлигини билдириб қўйдилар. Фақат биттаси ҳақиқий муҳаббати боис имтиҳондан ўтди.

Ҳикматли сўз

Инсонийликнинг тамали ҳақиқий севгидир.

ТИЛАНЧИ ВА УЙ СОҲИБИ

Бир куни тиланчи ҳашаматли бир уйга яқинлашди. Эшикни тақиллатиб, бир парча нон сўради. Уй соҳиби эшикка келиб:

— Эй бетайин! Бу уйни нон дўкони деб ўйладингми? Кет! Нонни нон дўконидан сўра! — деди.

Тиланчи:

— Афандим! Ҳеч бўлмаса бир парча гўшт беринг, — деди.

Уй соҳиби ғазабланиб:

— Эй аҳмоқ! Бу ер қассоб дўкони эмас. Гўшт қассоб дўконида бўлади. Кет, ўша ердан сўрайсан! — деди.

Тиланчи:

— Эй афандим! Ичим ёняпти, бир қултум сув бер! — деди.

Уй соҳиби:

— Бу ер булоқ эмас! Сув истасанг, булоққа бор! — деди.

Хуллас калом, уй эгаси тиланчининг барча истакларини киноялі, қаҳрли сўзлар билан рад этди.

Тиланчи: «Мадомики, бу уйда ҳеч нарса йўқ экан, бу ер ҳожатхона бўлса керак» деб, уйнинг ичига кирди ва у ерда ҳожатини чиқармоқчи бўлди.

Уй соҳиби орқасидан югуриб:

— Бу ер таҳоратхона эмас! — деб бақирди.

Тиланчи:

— Эй бадфеъл одам! Жим бўл! Бундай уйда таҳорат ушатиш керак, — деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Инсонийлик бир-бирига ёрдам асосига қурилгандир.

Кишиларга моддий ва маънавий ёрдам берган киши — энг яхши инсондир. Бунинг акси бўлганлар жамиятнинг энг ёмон аъзоларидир. Шу сабабли бу қиссада тиланчига бир қултум сув ҳам бермай, уни камситган, таҳқирлаган кишилар бир мурда ёки нажосат уюмига ўхшатилган. Инсон илму ирфондан, одоб-ахлоқдан бебаҳра бўлса, мурдага ўхшайди. Ҳақиқий инсон қўли ва тили билан жамиятга фойда етказади. Агар сенда бу жиҳатлар йўқ бўлса, сен инсон эмассан. Бу қиссадан ибрат ол-да, инсон бўл.

Кишиларга хизмат қилиш ҳар бир одамнинг энг муқаддас бурчидир.

ОҲ БАҒДОД, ОҲ!

БаҒдодликлардан бири чўлда йўлдан адашди. Оч-наҳор, юпун қолди. Ниҳоят, бир куни узоқдан қора жундан тўқилган бир чодир кўринди. Севинчдан баҒдодликнинг юраги ҳапқирди. Ҳолдан тойиб, чодирга яқинлашди. Чодирда бир аёлдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Аёл бу ночор йўловчини очиқ чеҳра билан кутиб олди. Чодирдан жой берди.

Йўловчи аёлга:

— Эй яхши аёл! Сувсизликдан ўлаёздим, сув борми? — деди.

Аёл идишда сув келтирди. Бир косада мусофирга сув берди. Сув иссиқ ва шўр эди. Мусофир сувни ичаркан, оҒзи куйди, тузи ҳам ёмон таъсир этди. Мусофир шу онда БаҒдодни эслади ва: «Оҳ БаҒдод, оҳ! Қандай гўзал диёр экансан, энди қадрингни билдим», — деди.

Сўнгра:

— Эй яхши аёл! Сен ҳеч БаҒдодни кўрганмисан? — деди.

Аёл:

— Йўқ, туғилганимдан бери ҳаётим чўлларда ўтяпти. Биз доим шу сувлардан ичамиз. Ҳозир эрим овга кетди. Чўлдаги каламуш, калтакесаклардан тутиб келтирса, қорнингни тўйдирасан, — деди.

БаҒдодлик буни эшитиб, товуслар каби фарёд билан яна: «Оҳ БаҒдод, оҳ! Қандай муборак диёр экансан, билмай юрган эканман», — деди.

Сўнгра аёлга БаҒдодни таърифлади ва мақганиб:

— Эй яхши аёл! Бу ер оловли жаҳаннам! Бу ерда сен қандай яшадинг, билолмай қолдим. Бағдоднинг ғоят латиф ҳавоси, боғлари, оқар сувлари... анвойи турли неъматлари бор. Бу ерда эса ҳатто, майса ҳам ўсмайди. Жаҳаннам каби оловли бир қум дарёси ичида турасан... Ўзинг асра Тангрим! — дея нола қилди.

Сўнгра аёлга:

— Эй яхши аёл! Сизни Бағдодга олиб кетайин, юртимни кўринг. Ўша ерда роҳат қилиб яшанг, — деди. Сўнг яна нола қилиб: «Оҳ Бағдод, оҳ! Қандай муборак диёр экансан, қадрингни билмаган эканман», — деди.

Бир оздан сўнг аёлнинг эри чодирга кириб келди. Аёл эри келтирган чўл каламуши ва калтакесакни сўйиб, иссиқ тошларнинг устига қўйиб пиширди. Мусофирни ҳам таклиф этдилар. Бағдодлик мусофирнинг кўз ўнгидан шаҳрининг гўзал боғлари, қўй гўштлари, латиф сув ва ҳаволари, жаннатни эслатадиган манзараси ўтарди. Бўғзини куйдирган сувларни ичаётганида, бу чўлнинг ёқимсиз емакларини ейишга мажбур бўлганида: «Оҳ Бағдод, оҳ! Қандай гўзал диёр экансан!» — дерди.

Аёл ва хўжайини чодирнинг ташқарисида ётдилар. Мусофир чодирда ётди.

Аёл кечқурун эрига деди:

— Бу мусофир «Оҳ Бағдод, оҳ!» деяпти. Бағдодни курганмисиз? У ер жаннатга ўхшар эмиш. Биз ҳам у жойга кетсак, — деди.

Эрининг жаҳли чиқиб:

— Эй хотин! Ҳар кимнинг сўзига ишонма. Бу ердаги кўнгил эрки у ерда йўқ. Бу ерда вужуд жафоси бор, аммо ҳуррият ва кўнгил сафоси бор. Сен аҳволингдан мамнун бўлмагунингча, жаннатга кирсанг ҳам роҳат топа олмайсан, — деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Шу қиссадан ҳисса шуки, инсон ўзи яшаётган жойнинг қадр-қийматини тўла англаб етмайди. Фақат тақдир уни фалокатларга, фожиаларга дуч қилганидагина, у яшаган жойининг қадрини ҳис қилади.

Инсоннинг бахти тасалли топган еридадир. Кўнгил тасаллисиз қолган пайтда киши саройда турган бўлса ҳам, у таскинга муҳтож бўлади. Шу боис орифлар кўнгил сафосини вужуд жафосидан устун қўядилар. Шарқнинг буюк мутафаккири Жалолиддин Румий: «Қудуқ тубида вужуд жафоси, лекин кўнгил сафоси бор. Халқ орасида вужуд сафоси, лекин кўнгил жафоси бордир», дейдилар.

Ҳикматли сўз

Вақт қадрини билган киши буюк бўлишга ҳақлидир.

ҚУЁН БИЛАН КАКЛИК

Бир далада қуён билан каклик дўст эдилар. У ерда осойишта ҳаёт кечирардилар. Бир куни далада итлар овози эшитилиб қолди. Бечора қуён қочиш учун жой қидирди. Тополмагач, жон аччиғида итларнинг олдидан қочди. Итлар ҳам тезлик билан қуённинг олдини тўсардилар ва мажолсиз қуённи шовқин солиб қувлар эдилар. Каклик қуённинг устидан кулиб:

– Ўзингга ишонардинг-ку! Нега тутилдинг? Нима бўлди у чаққон оёқларингга? – деб бақирди.

Бечора қуён дўсти какликнинг кулганини эшитиб, фарёд чекиб ўлди. Каклик қанотларига ишонар, итлардан бир зумда узоқлашишига ишонарди. Қуён йиқилиши билан итлар какликка қараб югурдилар. Каклик ўқ каби юқорига учган

эди ҳамки, овчи қўлидаги тўрни бирданига ҳавога отди. Каклик тўрга илинди.

Ғарб ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Асло йиқилганларни масхара қилма. Чунки унинг эшигини қоқиб келган фалокат албатта бир куни сенинг ҳам эшигингни қоқиб келади. Бу дунё бир тузоқдир. Биродарингга ёрдам қилгин. У ҳам бир куни сенга ёрдам қилади.

Бу қиссадаги қуённинг оёқларига, какликнинг қанотларига ишониши уларнинг ўлимига сабабчи бўлди. Бу дунёда қанчалаб ўзларига ортиқча ишонган кишилар борки, уларни охир-оқибат ана шу ишончи фожиага олиб келади.

Ҳикматли сўз

Одамларнинг энг аҳмоғи биродари фалокатга учраганида унинг устидан кулади.

КЎРЛАР ВА ФИЛ

Кўрлар мамлакатига бир фил келиб қолди. Ҳамма кўрлар филни кўришга бордилар. Бири филнинг оёғини ушлаб: «Фил терак каби бир ҳайвон экан» деди. Бир кўр филнинг хартумини ушлаб: «Фил терак каби эмас, бир мўри каби махлуқ экан» деди. Бу иккиси гап талашаётганида учинчи кўр филга яқинлашди. Қўли билан филнинг қорнини ушлаб, бошқа кўрларга эътироз билдирди: «Фил теракка ҳам, мўрига ҳам ўхшамайди. Фил девор каби бир ҳайвон экан» деди.

Яна бир кўр қизиқиб, филга яқинлашди. Филнинг думи қулига теккач: «Фил на мўри, на девор ва на терак кабидир. Фил супурги каби ҳайвон экан» деди. Завқи ошган бошқа бир кўр ҳам филга яқинлашиб, қулоғини ушлади. Сўнгра бошқа кўрларга кулиб: «Эй аҳмоқлар! Фил на мўри, на девор каби, на супурги каби бир ҳайвондир. Фил, қалқон каби бир ҳайвон экан. Эҳ бечоралар!» дея бақирди.

Бошқа бир кўр филнинг эгри-бугри тишини ушлаб кўриб, ҳайратда қолди. Қаҳ-қаҳа билан бошқа биродарларига кулиб: «Эй кўрлар! Эй аҳмоқлар! Ишонмасангиз кўринглар. Фил қилич каби бир ҳайвондир», – деди.

Барча кўрлар ўзлари ушлаб курганларини ҳақиқат деб ҳисоблаганлари учун ғавғо қила бошладилар. Ҳаммаси бир-бирини аҳмоқ деб ҳисобларди. Буларни ва филни кўриб турган бир ориф, кўрларнинг ғавғосига кулиб:

– Ҳеч бирингиз ҳақиқатни тўлиқ топа олмадингиз, – деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Бутун хатолар асл моҳиятни кўролмасликдандир. Ҳодисалар асл моҳиятини билмаслик уларни ҳар ким ўз ақли ва тушунчаси билан ўлчашдан келиб чиқади. Бу дунёда кўп кишилар бу ҳикоятда бўлгани каби бир нарса ҳақида турли фикр айтадилар. Уларнинг ҳар бири фақат мен ҳақиқатни биламан дея севиниб, мамнун бўладилар.

Турли хил мазҳаб ва маслакдаги кишилар ҳодисалар моҳияти тўғрисида ўз тасаввур-тушунчалари доирасида бир назарияни илгари сурадилар.

Дунёда энг катта саодат ҳақиқатни кўриш билан бошланади. Шу боис ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в): «Ё Раб! Ҳақни ҳақлигича, ботилни ботиллигича менга кўрсат» деганлар. Шундай вақтлар бўладики, инсон фосиқ бир

кимсани одил деб ҳисоблайди. Нотўғри назарияни тўғри назария деб қабул қилади.

Эй ўқувчи! Бу қисса сенга ҳақиқатни кўра билиш учун зарур сабоқ бўлсин.

Ҳикматли сўз

Борлиқ пардасини йиртмагунча ҳақиқатни кўриб бўлмайди.

БИР ШОҚОЛНИНГ БЎЁҚ ИДИШИГА ТУШИБ КЕТИБ, ШОҚОЛЛАРНИНГ БОШЛИҒИ БЎЛИБ ҚОЛГАНИ ҲАҚИДА

Бир кун бир шоқол нимадир бўлиб каттакон бўёқ идишига тушиб кетди. Чиққанида вужуди ранг-баранг бўлиб қолган эди. Тоғларга чиқиши билан уни кўрган шоқоллар ҳайратланиб, уни илоҳий бир қудрат эгаси деб ўйлаб, уни ўзларига етакчи, раҳнамо қилиб жўнатилган деб билдилар.

Ҳақиқатни билган бир шоқол:

— Дўстим! Бу жирканч рангларинг билан сафдошларингни алдама! Риёкорлик қиляпсан! — деса-да, шоқол алдоқчилигини қўймади. Ҳақиқатни айтган шоқол билан душман бўлди. Алдамчи шоқол қирга чиққанда, унинг жунларини бошқа шоқоллар ўпар, оёқларига йиқиларди. Шунда бирдан ҳаво айниб, шиддатли момақалдироқ бўлиб, ёмғир ёғиб юборди. Водийлар селларга тўлди. Барча шоқоллар жиққа ҳўл бўлишди. Алдамчи шоқол ҳам жиққа ҳўл бўлиб, бўёқлари оқиб кетди. Риёкорлиги ошкор бўлиб, ҳақиқат ошкор бўлди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Қиссадан ҳисса: бу дунёда жуда кўп шоқолтабиат кимсалар борки, улар ўзларини устун кўрсатиб, софдил кишиларга йўлбошчилик қилишади. Лекин риёкорликлари бир кун келиб очилиб қолгач, уларнинг асл башараларда кўринади. Агар одам ана шу шоқол каби иш тутса, у албатта шарманд бўлади.

Ҳикматли сўз

Ихлос – ибодатнинг руҳидир.

ИККИ ДЎСТ ЎРТАСИДАГИ ҒАМГИН МОЖАРО

Икки бадавлат дўст бор эди. Уларнинг ўзаро меҳр-оқибатига ҳамма ҳавас қиларди. Бир кун улардан бири камбағал бўлиб қолди. У шу даражада камбағаллашдики, ҳатто сўнгги молини ҳам сотишга мажбур бўлди. Фақирлик «оловли кўйлак» деганлар. Бу бечора эса бирданига бу «кўйлак»ни кийгани учун телба бўлаёзди. Нима қилишини билмай қолди. Ниҳоят, бой дўстига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Унинг эшигини тақиллатди. Бой хизматкорларига: «Боринглар! Бу одамни қувинглар, даф қилинглар!» дея бақирди. Хизматчилар бечора камбағални эшикдан шундай қувдиларки, фақир довдираб, мажнун каби ақлини йўқотди, бутун дунё унга сўнгсиз азоблар берадиган зиндондай кўриниб кетди. Уйига шуурсиз, худди ўлик каби қайтди. Ўз-ўзига: «Ҳа, демак, дунё шунчалик зиндон, одамлар шу қадар ваҳшийлашган экан, энг сўнгги умид ўлимдадир» дея қарор қилди. Бир қоғозга шундай васиятнома ёзди: «Оҳ ҳаёт! Қанчалар аччиқ экансан. Уни фақат бошимга тушганда

англадим. Ҳозир ҳар тарафим таҳқир олови ичида ёняпти. Бошқа умидларим қолмади». Чопқини қўлига олиши билан уйнинг эшиги қаттиқ тақиллади. Бирданига эшикнинг бемаҳал тақиллаши уни ҳайратлантирди.

Бой дўсти бир қарияни чақириб унга шундай деган эди:

— Бор! Бу ҳамёндаги олтинни ол. Фақир бўлиб қолган дўстимга отасининг пули эканлигини айтиб, қўлига бер. Кечирим сўра, йиғлаб-сиқтаб ёнидан кет. Асло мендан гап очма, — деди.

Қария ҳозир фақирнинг эшигини шу боис тақиллатарди. Ўлишга чоғланиб турган фақир эшикни очди. Қария камоли таъзим билан салом берди ва:

— Болам! Анча йил аввал раҳматли бобонгдан минг олтин олган эдим. Шуни бугун келтирдим, — деди.

Йигит олтинни олиши билан унда яшашга яна умид уйғонди. Ўз-ўзига: «Бобожоним муборак зот эди. У улганидан кейин ҳам бениҳоя ёрдам қилди. Энди пулни бекорга сарфламайман, тижорат билан машғул бўламан. Ҳаётимни қайта изга соламан», — деди. Эртаси куни бозорга чиқиб, тижорат билан шуғуллана бошлади.

Бой дўстининг орқасидан жосус ёллади. Жосусга: «Сенинг вазифанг бу одамни кузатиб, тижорати таназзулга юз тутса, менга бу ҳақда хабар етказишдир», — деди.

Аммо энди ишини бошлаган бечорани қаттиқ алдадилар. Бир куни у энг сўнгги молини ҳам йўқотди. Яна ўшандай паришон ва алам билан уйига қайтди. Жосус бўлган воқеани бойга етказди. Бой бошқа бир қарияга минг олтин бериб, дўстига отасининг қарзи эканлигини айтиб, беришни тайинлади.

Камбағал бўлиб қолган бечора алам ва изтироб оташи ичида ёнаркан, яна эшиги қаттиқ тақиллаганини эшитди. Бошқа бир қариянинг қўлида бир ҳамён олтинни кўриб, яна унда ҳаётга умид уйғонди. Бечора кўзёшлари билан бу олтинларни олди. Бу сафар пухталик билан сарфлади. Ҳеч

кимга пулини олдириб қўймади. Энди бой-бадавлат бўлди. Кундан-кунга иши ривожланди. Уйлар солиб, дўконлар очди.

Жосус бу ҳолни бойга етказди. Бой дўсти: «Бўлди, энди дўстимнинг зиёратига борамиз», – деди.

Зиёрат қилгани келган дўстини фақир дўсти яхши қарши олмади. Қувиб солишни ҳам ўйлади. Бошида минг турли ёмон фикр кезди. Бой дўсти: «Биз сен билан содиқ дўстмиз» дейиши билан фақир дўсти чидай олмади:

– Ёлғон! – деди ва унга аччиқ сўзларни айтишни бошлаши билан бой дўсти:

– Билсанг, сен учун қанча изтироблар чекдим. Сенинг энг ғамли пайтингда фалон қариядан сенга пул жўнатган мен эдим. Яна фалон куни фалон соатда минг олтин юборган мен эдим, – деди.

Йигит бу сўзларни эшитиб ҳайрон бўлди:

– Эй дўстим! Нега ундай қилдинг? – дейиши билан бой дўсти:

– Дўстим! Сен пулнинг қийматини унутган эдинг. Қанча пул берсам ҳам совурардинг. Сен тижоратни билмас эдинг. Қанча пул берсам ҳам тижоратда қийналар эдинг. Анча уқувсиз эдинг. Агар пулни мен берганимда, менга асир бўлар эдинг. Ҳолбуки, мен сени жуда яхши кўраман. Ҳаётга қайтариш орзусида эдим. Яратганга ҳамдлар бўлсинки, бугун сени ҳаётда ўз ўрнингни топган ҳолда кўриб турибман, – деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Бу қиссадан ҳисса шу: кишига энг катта ёрдам уни ҳаётга ҳозирламоқ, мустақил яшашга тайёрламоқдир. Энг катта сармоя ҳам шудир. Шундай пайтлар бўладики, инсон ҳамма нарсасини йўқотади. Бундай пайтда зарар кўришдай фожиа йўқ. Зарар инсон учун энг катта ботқоқликдир. Шоир:

Зиён шундай бир ботқоқликки, тушсанг бўғиласан,

Умидга ўран, ишонч билан интил, қайта туғиласан,
деган. Кишига энг яхши ёрдам ўз ўрнида қилинган ёрдамдир. Шу боис бу қиссадаги каби кишиларни юксалтириш учун уларнинг энг муқаддас ҳаққи бўлган эркинлигини ўзида қолдириш энг яхши ёрдамдир. Кишилар мана шундай ёрдам туфайлигина улғаядилар.

Ҳикматли сўз

Энг катта ёрдам инсонни ҳаётга ҳозирлаш, унинг эркинлигини тўла ўзида қолдиришдир.

КЎЗИ ТЎЙМАГАН МУШУК

Бир одамнинг жуда чиройли, севимли мушуги бор эди. Бой мушугини яхши кўрганидан, уни тансиқ таомлар билан сийлар эди. Мушук бу емакларга қаноат қилмай, қушнининг севимли кабутарларини тутиб ейишни мўлжал қиларди. Ниҳоят, бир кун кабутарларга ҳужум қилиб, бир неча кабутарларни ўлдирди. Кабутарларнинг эгаси қушларнинг фарёдларини эшитиб, мушукни таёқ билан уриб ўлдирди. Бошқа мушукларга ибрат бўлсин, деб мушукнинг терисига сомон тиқиб, кабутарлар эшигига осиб қўйди. Анча вақтдан кейин мушукнинг эгаси мушугини кабутарларнинг эшиги олдида терисига сомон тиқилган ҳолда осиғлиқ турганини кўриб, ҳикмат билан:

– Эй бадбахт! Олдингдаги неъматга қаноат қилсанг эди, бу фалокат бошингга тушмаган бўларди. Терингга сомон тиқилмас эди, – деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Бу дунёда қорни тўйса ҳам кўзи тўймайдиган мушук табиатли кўп кишилар бордирки, уларнинг ўлими

сабабчиси ўзининг ҳирси-томоғидир. Улар зоҳиран мушук каби севимли, итоатгўй кўринса-да, аслида қалбларида яшаётган ҳирс сабабли, ўзларига фожиа келтирадилар.

Уларнинг сувратлари чиройли, аммо, сийратлари чиркин. Улар маккор сийратлари билан кишиларга кулфат келтирадилар. Бу каби кимсаларнинг қоринлари тўйса-да, кўзлари тўймайди. Инсоният нима ёмонликлар кўрган бўлса, кўзи тўйишни билмаган, шундай мушук феъли кимсалар туфайлидир. Жамият бундай кимсалардан қутилмагунча ҳеч қачон ривожланмайди. Бу кимсалар қанча кўп неъмат тўпласа, кўзи яна шунча оч бўлади. Бу қисса шу жиҳати билан кишилар учун зарур сабоқдир.

Ҳикматли сўз

Кўзи тўймаган кишининг ўлими яқиндир.

БОЛАЛАР УСТОЗИНИ ВАҲИМАГА СОЛИБ, ХАСТА ҚИЛДИЛАР

Болалар ҳар куни устозлардан биридан танбеҳ эшитиб, таёқ ейишардилар. Болалар бир куни бир пана ерга ўтиб дардлашдилар: «Бу устозга Яратгандан бир хасталик келса-ю, бир оз роҳат қилсак. Устознинг танбеҳидан, таёғидан бир оз қутулсак, қандай маза бўларди», дедилар. Устоз эса доимо тош каби турар, асло хаста бўлмас эди. Ичларидан зукко бир бола бошқа болаларга деди:

— Болалар! Турингглар, устозни хасталантириш учун уни ваҳимага туширамиз. Аввало, мен устозни кўришим билан:

— Вой устоз! Нима бўлди? Хафа кўринасиз, юзингиз ҳам сарғайган. Воҳ-воҳ! Ҳавонинг ёмонлигидан бўлгандир. Эҳтимол, иссиғингиз ҳам бордир? Жуда аҳволингиз ёмон-ку! — дейман. Сўзим устозни бирдан ваҳимага туширади. Мендан

кейин фалончи сен кел, худди мен айтганимни айтасан. Шунда устозни ваҳимаси янада ортади. Сизлар ҳам бизнинг бу сўзимизга қўшиласизлар. Ўшанда устоз ваҳимага тушиб, хасталанади. Биз ҳам қутиламиз, — деди.

Ҳамма болалар қарсак чалдилар ва у болага:

— Офарин дўстим! Ақлингга балли! — дедилар.

Зукко бола бу сирни ошкор қилмаслик учун болаларга қасам ичтирди. Эртаси кун болалар ишларини амалга ошириш учун мактабнинг ташқарисида туриб, устозларини кутдилар. Ақлли бола ҳаммадан аввал мактабнинг эшигидан кирди. Тўғри синфга борди. Устознинг қўлидан ўпаркан:

— Вой устоз! Юзингиз сарғайипти. Қаддингиз сал эгилибди. Нима бўлди? Хастамисиз? — деди.

Устоз жаҳли чиқиб, болага бақириб:

— Мен ҳеч қандай хаста эмасман! Бор, жойингга ўтир! — деди.

Аммо қалбига бир оз ваҳима кириб: «Ажабо, мен хасталандиммикан?» дея ўйлай бошлади. Шу пайт бошқа бир бола синфга кирди. У ҳам худди аввалги боланинг гапини айтди. Устознинг ваҳимаси янада ортди. Бу ҳолни кузатган болалар ҳам бирин-кетин айнан шундай сўзладилар. Устознинг ваҳимаси зиёдалашиб: «Ажабо! Мен ҳақиқатдан ҳам хасталандиммикан? Рангим ҳам бузилибди. Ўзимдан хабарим йўқ экан-да» деб ташвишга тушди.

Ҳамма болалар:

— Воҳ, воҳ! Устоз, бу не ҳол? Юзингиз беҳидек сарғайибди. Гулдай сўлибди. Сизга ачиниб кетяпмиз! — дедилар.

Болаларнинг барчаси бирин-кетин бу сўзларни такрорлаган сари устознинг қалбини ваҳима босиб, изтироб билан ўрнидан турди. Дарҳол тўнини кийиб, уйига йўл олди. Устоз ваҳима ботқоғига ботди. Ўйлаган сари ваҳимаси ортар, хасталанарди. Уйига кетаркан: «Аёлим менга муҳаббат қўймаган экан. Мени сарғайган, сўлғин юзимдан нега

хабардор этмади? Ажабо!..» деб ўйлади. Уйининг эшигини жаҳл билан очиб, ичкарига кирди. Мактабдаги болалар ҳам севинишиб, устознинг ортидан уйигача келдилар.

Аёли устозга:

— Нима бўлди? Нечун бундай эрта келдингиз? — деди.

Устоз ҳам:

— Ҳой хотин! Юзимнинг рангини кўрмаяпсанми? Менинг ғамимдан ҳамма хабардор бўлса-да, сен ўз уйимда бўла туриб менинг ҳолимдан бехабарсан! — деди.

Аёли ҳайрат билан устознинг юзига қаради:

— Сизнинг вужудингизда ҳеч бир иллат йўқ! Ваҳима қилиб ўзингизни қийнаганингиз нимаси? — деди.

Устоз жаҳл билан:

— Ҳой хотин! Ҳануз ўжарлик қиляпсан! Изтироб чекаётганимни, юзимнинг сарғайганлигини кўрмаяпсанми? Ҳа, кўрмайсан! Чунки вафосизсан! — деди.

Бечора аёл нима дейишини, нима қилишини билмай қолди ва:

— Афандим! Ойна келтираман, қарайсиз. Сизнинг юзингизда ўзгариш йўқ! Ваҳимага берилманг, — деса-да, устоз:

— Доимо менга адоватда яшайсан! Қайсарлик қилма! Кўп гапирма! Ётоғимни ҳозирла! Бошим оғриб, вужудим титраб кетяпти, — деди.

Хотин ётоқни ҳозирлашга тараддуд қилиб тураркан, устоз:

— Ҳой хотин! Нега турибсан? Тез бўл, ўрнимни ёз! — деди.

Аёл ночор кўрпа-тўшак соларкан, ўзига-ўзи: «Ё Раб! Бу не ҳол? Эримнинг ичи ғазаб ўтига тўлган, нима десам ҳам фойдасиз», деди. Устоз эса «Оҳ! Оҳ!» деб инграниб, ётоққа кирди. Болалар айвонда тўпланиб, устознинг ҳолига боқардилар. Бир-бирлари билан пичирлашиб: «Устоз ётди, аммо ҳануз натижасини билолмадик», дедилар. Зукко бола бошқаларига секингина: «Болалар! Дарсларингизни бақириб ўқинглар!» деди. Болалар ҳам бақира-бақира ўқий

бошладилар. Зукко бола бу сафар болаларга бақириб: «Болалар! Бизнинг бақиришимиздан устознинг хасталиги ортади. Устозимиз безовта бўлади», – деди.

Устоз ётоқдан:

– Боринглар, кетинглар! Шовқин солманглар! Бошим қаттиқ оғрияпти! Мен тузалгунимча мактабга келманглар! – деди.

Болалар севинчлар ичига сиғмай:

– Эй севимли устозимиз! Тангри сизга шифо берсин! – дейишиб, устознинг уйидан узоқлашдилар. Болалар севинчларидан бақиришиб, уйларига кетдилар.

Оналари болаларига:

– Нега бундай эрта келдингиз? Мактабдан қочдингизми? – дея танбеҳ беришлари билан болалар:

– Эй она! Бир оз сабр қилинг, безовта бўлманг. Устозимиз хасталанди. Бизга рухсат берди, – дедилар.

Оналари:

– Болалар! Бунда бир иш бор! Қатиқ, қаймоқ, овқат ейиш, кўчаларда юриш учун юз ёлғон тўқийсизлар. Рост гапни эртага устозларингиздан билиб оламиз, – дедилар.

Эртаси кун тонгданоқ болалар оналари билан устознинг уйига бордилар. Устоз ётоқда оғир касалдай инграниб ётарди. Болаларнинг оналари устозга ачиниб:

– Вой, устоз! Нима бўлди? Тезроқ тузалиб кетинг! Бунчалик хаста эканлигингиздан хабаримиз йўқ эди. Яратган шифо берсин! – дедилар.

Устоз болаларнинг оналарига:

– Касал эканлигимни ўзим ҳам билмасдим. Менга болалар айтишди. Болаларнинг шовқини билан машғул бўлиб, касаллигимни сезмабман. Энди билдимки, бундай оғир аҳволда эканман-у, хабарим бўлмапти, – деди.

Шарқ ҳикояси

Бу қиссадан кўп хулоса чиқарса бўлади. Агар бутун тарих ўрганиб чиқилса, аксарият кишиларнинг ҳалокати ваҳимадан эканлиги маълум бўлади. Ҳақиқий инсон ҳеч қачон ваҳимага тушмайди. Икки дунёнинг саодати ваҳима ва хаёлларга берилмасдан, Ҳаққа ишониб яшашдир. Ҳақиқатдан ҳам мулла Жомий «Баҳористон»да дейдики: «Ҳар ким қуйидаги беш саодатни маҳкам тутса, бахтли ҳаётга эришади:

1. Вужуд соғлиғи.
2. Ҳаққа ишониш.
3. Ризқ кенглиги.
4. Шафқатли ва вафоли дўст.
5. Фароғат туйғуси.

Кимки Яратганнинг шу беш иноятидан маҳрум бўлса, у тотли ҳаётдан бенасибдир». Ўзини билмаган одамлар бу қиссада баён этилгани каби бошқаларнинг сўзи таъсирида ваҳимага тушадилар. Ваҳима эса айнан касаллик ва ҳалокатнинг ўзидир. Инсон нафси ҳаяжонларини енгиб, ваҳимадан узоқлашмагунча комилликка эриша олмайди. Инсон нафсининг васвасаси билан ўзида бўлмаган нарсани бор деб ҳисобласа, жаноби Ҳақ ҳам у нарсани беради. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Вужудингизда касаллик йўқ экан, ўзингизни касал қилиб кўрсатмангиз. Агар ўзингизни касал қилиб кўрсатсангиз, ҳақиқатдан касал бўласиз» деганлар. Бугунги тиббиёт ҳам касалга шифо топаётганлигини ёки яхши бўлаётганини айтиш унга энг яхши даво бўлишини исботлади. Касалга айтилган ёмон сўз уни ўлимга яқинлаштиради.

Эй инсон! Ўзингга кел! Ваҳима эшигига яқинлашма! Ботқоққа тушгандай бўлиб бўғилиб қоласан.

Ҳикматли сўз

Ваҳима – қалбни бузадиган маънавий заҳардир.

КАБУТАР, ТУЛКИ ВА ЛАЙЛАК

Бир кабутар катта бир хурмо дарахтининг тепасига ин қуриб, тухум қўйган эди. Кабутарнинг болалари тухумдан чиқар-чиқмас, тулкилардан бири дарахтнинг олдига келиб:

– Тухумларингни дарҳол ташламасанг, дарахтнинг тепасига чиқиб сени ҳам, тухумларингни ҳам ейман! – деб бақирди.

Кабутар қўрқиб болаларини тулкига ташлади. Кабутар бошқа тухум қўйиб, бола очди. Тулкининг ёмонлигидан қўрқарди. Шу пайт бир лайлак учиб келди. Кабутарнинг қайғуга ботганини кўриб унга:

– Нега хафасан, қайғули кўринасан? – деди.

Кабутар:

– Бир тулки бошимга бало бўлди. Мен тухум қўйишим билан у дарахтнинг тагига келиб, бақириб менга дағдаға қила бошлайди. Мен ҳам болаларимни унга ташлашга мажбур бўляпман, – деди.

Лайлак кулди:

– Тулки яна келса: «Болаларимни ташламайман. Ўзинг ол! Дарахтга тирмашсанг, мен учиб кетаман, болаларим сенга қолади», дейсан, – деди. Лайлак учиб, денгизнинг қирғоғига кетди. Тулки такрор дарахтнинг олдига келиб, ҳар доимгидай бақирди. Кабутар эса:

– Чиқа олсанг, чиқ! Болаларимни ўзинг чиқиб ол! – деди.

Тулки ҳайрат билан:

– Бу гапларни сенга ким ургатди? – деди.

Кабутар:

– Лайлак! – деди.

Тулки шу заҳоти лайлакни излаб кетди. Уни денгиз қирғоғидан топиб:

— Эй лайлак! Шамол ўнгдан эсса бошингни қандай сақлайсан? — деди.

Лайлак:

— Бошимни чапга бураман, — деди.

Тулки:

— Яхши, унда шамол чапдан эсса нима қиласан? — деди.

Лайлак:

— Бошимни ўнгга оламан ёки орқамни ўгираман, — деди.

Тулки:

— Яхши. Шамол орқадан келса нима қиласан? — деди.

Лайлак:

— Бошимни қанотларим остига оламан, — деди.

Тулки:

— Унда бошингни қанотларинг остига қандай оласан? Шуни менга кўрсат! — деди.

У ҳам кўрсатиш учун бошини қанотлари остига олди. Тулки фурсатдан фойдаланиб, лайлакка отилди. Бир ҳамлада ўлдирди. Кейин лайлакка:

— Эй лайлак! Кабутарга ақл ўргатишни биласан-у, нечун ўзингга ўргатмадинг? — деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

«Калила ва Димна»нинг бу қиссаси кишилар учун зарур бир сабоқдир. Бу дунёда қиссадаги кабутар каби қўрқоқ кишилар бордирки, улар тулки кабиларнинг таҳдидларига алданиб, неъматларини олдирадилар. Лайлак каби кишилар ҳам борки, улар бошқаларга ўгит бериб, ўзлари ҳийла туфайли ҳалок бўладилар.

Ҳақиқат инсон найрангбозларнинг ҳийласини дарҳол сезади. Ғам чекмай қайғуга ботмай, метин иродали бўлади. Бошқаларга берадиган ўгитини аввало ўзига татбиқ этади.

Эй инсон! Ҳаётдан лаззат олмоқ истасанг, ҳамманинг сўзига ишониб, ўзингни васвасага туширма. Яхши билгинки, бу дунёда ушбу масалдаги каби қанча тулки феъли кимсалар борки, улар васвасангдан фойдаланиб, сени ўлдирадилар.

Ҳикматли сўз

Ақл фойдаланилмагунча соҳибига фойда бермайди.

ҲАЗРАТИ ИСО БИР АҲМОҚДАН ҚОЧДИ

Ҳазрати Исо тоғ томонга шошилганча кетарди. Бир киши бу ҳолни кўриб:

— Нима бўлди ё Исо! Ортингдан сени ким қувлаяти? Кимдан қочяпсан? — деди.

Ҳазрати Исо у одамга жавоб бермади. У одам:

— Ё Руҳуллоҳ! Аллоҳ ҳақи, бир оз тур! Бунча шошилишнинг ҳикмати нима? — дейиши билан Исо алайҳиссалом:

— Бир аҳмоқдан қочяпман. Ўзимни у билан суҳбатлашишдан қутқаряпман. Кет, мени тўхтатма! — деди.

У одам:

— Ё Набиуллоҳ! Сен ўша масиҳ эмасмисанки, сенинг дуоинг билан қанча кўрларнинг кўзи очилди. Қанча маййитлар тирилди. Хасталар шифо топди, — деди.

Исо алайҳиссалом:

— Ҳа, мен ўша Масиҳман, — деди.

У одам:

— Мадомики, ҳар бир истагингни Тангри таоло қабул этган экан, унда нега қочяпсан? — дейиши билан Исо алайҳиссалом:

— Ҳақ таолонинг зоти покига қасам этаманки, мен бир мармартошга дуо ўқидим, тош ёрилди. Дуоимни бир майитга ўқидим, тирилди. Мен аҳмоқнинг қалбига мингларча ўқисам ҳам унга асло таъсир қилмади. Яна ўз ҳолича — аҳмоқлигича қолди ва аҳмоқ қоратош каби қора феълидан асло воз кечмади, — деди.

У одам:

— Ё Руҳуллоҳ! Дуоинг ҳар жойда таъсир қилсаю, унга келганда таъсир қилмаса? Бунинг ҳикмати нимада? — деди.

Исо алайҳиссалом:

— Эй инсон! Билки, аҳмоқлик иллати қаҳри, фақат кўрлик, карлик иллатигина қаҳр эмасдир. Аҳмоқлик эса «Хотамаллоҳу ала қулубиҳим ва ала самъиҳим ва ала абсориҳим ғишаватун» ояти билан қаҳри Тангридир. Яратган аҳмоқларнинг қалбларини муҳрлагандир. Уларнинг қулоқлари ва кўзларида пардалар бордир. Тангриинг бу муҳрини бузмоққа ҳеч ким қодир эмас. Бунинг чораси йўқдир. Бунинг бир чораси ундан қочмоқдир, — деди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсонлар! Қулоқлари ҳақиқатни тинглашдан, оғизлари ҳақиқатни сўзлашдан, қалблари ҳақиқатни севишдан завқ олмайдиганлардан қочинглар. Чунки уларнинг руҳиятидаги касофат сизларнинг қалбингизга чўкиб, сиз ҳам абадий у хасталикка мубтало бўласиз. Шу боис ҳам Исо алайҳиссалом ҳаворийларга: «Сизни қабул этмасалар ва сизни тингламасалар, кетингиз. Кетаётганингизда оёқларингизни чангини қоқингиз», — деб буюрганлар.

«Маснавий»даги бу ҳикоя, «Аҳмоқлардан қочинг. Чунки ҳазрати Исо ҳам улардан қочди. Зеро, аҳмоқнинг суҳбати анча қонлар тўкди» дея бу сирни баён этяпти. Ҳазрати Набий алайҳиссалом ҳам: «Оқил — дўстим, аҳмоқ — душманим»

деганлар. Аҳмоқларнинг суҳбати қарғалар каби бир ўлакса атрофига тўпланишдир. Уларнинг мажлислари фасоддир, суҳбатлари ғийбат, бўҳтон, амаллари қон тўкмоқдир.

Эй инсон! Аҳли дил бўл. Аҳли дилнинг мажлислари гул, суҳбатлари муҳаббатдир. Уларнинг амаллари яхшиликка йўғрилгандир. Инсонийликнинг улуғ фазилатини фақат шундайларнинг ёнида топа оласан.

Ҳикматли сўз

Ақлига йўлдош бўлиш, аҳмоқдан қочиш инсонни икки дунё саодатига эриштиради.

КЕЛАЙИНМИ?

Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида бир масжид бор эди. Ҳар ким бу масжидда тунда қолса, тонггача ўлик чиқарди. Бир оқшом бир ғариб мусофир шу масжидда ётишни ният қилди. Мусофир бу масжидда рўй берган воқеаларни эшитган бўлсада, узоқ ердан чарчаб келганди. У ҳеч қачон ўлим қўрқувини сезмаган эди. Шаҳар одамлари бу ғарибга:

— Эй ғариб! Асло масжидда ётма! Ким бу масжидда бир кеча ётса, ўлим шарбатини ичади. Мингларча киши бунга гувоҳ. Ўзингни ўлим чоҳига отма! Гуноҳ бўлади, — дедилар.

Ғариб эса:

— Эй менга ачинганлар! Бу ҳаётдан зерикдим. Менга ўлим жуда ширин ва лаззатлидир. Бу фоний дунёдан боқий дунёга учмоқ мен учун саодатдир. Қўйинглар мени, бу хусусда ваъз ва насиҳатга эҳтиёжим йўқ! — деди.

Ғариб одам: «Бисмиллоҳ таваккалту алаллоҳ» деб масжидга кирди. У қоронғи масжидда ухлагандай бўлиб ётди. Тун ярмида даҳшатли бир овоз: «Келайинми? Келайинми?» деб, беш карра бақирди. Бу шундай даҳшатли бир овоз эдики,

эшитганларнинг ўтакаси ёрилар эди. Бу мард киши ҳам дастлаб даҳшатдан бир оз ўзини йўқотди. Сўнгра ўзига келиб, ўзига хитобан:

— Эй жон! Қўрқма! Титрама! Зеро, қўрқиш ва титраш ўлимдандир. Ваҳимага тушма! Мардларча жон бер, — деди. Кейин бутун кучини тўплаб, оёққа турди ва бақирди:

— Эй жонини севганларни қўрқитувчи! Кел, тайёрман! Келадиган бўлсанг, кўрадиганинг бор! — дея телбаларча бақирди. Шу онда масжиднинг шифтидаги тилсим бузилиб, масжиднинг ичига ёмғир каби олтинлар ва жавоҳирлар тўкилди. Улар шу қадар кўп тўкилдики, буғдой уюмига ўхшаб кетди. Чунки бу хазина мардлик қилиб «Кел» деганга насиб бўладиган бир тилсим эди.

Шарқ ҳикояси

ҲИКМАТ

Эй инсон! Жасурлик барча хазиналарни очган бир тилсимдир. Бу дунёда ғалабага фақат жасурлик орқали эришилади. Тарихдаги буюк ғалабалар ҳам буюк жасоратларнинг маҳсулидир. Ҳар ким ўз касбида жасурлик кўрсатса, у шубҳасиз музаффар бўлади. Кимки қўрқоқ экан, у маҳкум ва асир бўлади.

Эй инсон! Юрагинг пок, нури тавҳид билан нурланган ҳолда юр. Улуғ мақсад йўлларида ўлимдан қўрқма! Бу йўлда ўлиш ҳар бир киши улуғ бир шарафдир. Шу боис, оталаримиз залолатда ўлишдан кўра мардларча ўлишни афзал кўрганлар. Бу қисса ғалабанинг тилсими жасорат кўрсатиш орқали очилиши тўғрисида сабоқ беради.

Эй йигит! Бу қиссадан сабоқ олгин ва қўрқоқ бўлиб ўлганлардан эмас, мард бўлиб ўлганлардан бўл!

Ҳикматли сўз

Инсон учун жасурлик – шараф, қўрқоқлик ордир.

ОНАНГ ХИЗМАТИНГГА МУҲТОЖ

Абул Ҳасан ал-Ҳарақоний ҳазратлари ривоят қиладилар: “Бир замонлар икки ака-ука бўлиб, уларнинг парваришга муҳтож онаси бор эди. Ҳар кеча улардан бири онасига қарар, бошқаси эса Тангри таолога ибодат қиларди. Бир оқшом ибодат билан машғул бўлган ўғил ўзи қилган ибодатдан олган файзи туфайли укасига:

– Бу кеча ҳам онамга сен хизмат қил, мен ибодат қилай, – деди.

Укаси рози бўлди. У ибодат қилаётиб саждада ухлаб қолди ва бир туш кўрди. Тушида бир овоз унга: “Укангни ёрлақадик, сени ҳам унинг ҳурмат учун эъзозладик”, дебди. Шунда йигит: “Мен Тангри таолога ибодат қиляпман. Укам эса онам хизматини қиляпти. Мени унинг қилган амали ҳаққи эъзозлаяпсизми?” дебди. Овоз унга: “Ҳа, сенинг қилаётган ибодатингга бизнинг эҳтиёжимиз йўқ. Лекин укангнинг онангга қилаётган хизматига онангнинг эҳтиёжи бор”, деб жавоб берди.

ОНА ҲАҚҚИ ВА АЛҚАМАНИНГ ВАФОТИ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар билан ўтириб суҳбат қиларлилар. Бир кили кишилар билан шу мажлиста кириб келиб:

— Ё Расулуллоҳ, шу онда эрим ўлим тўшагида, жони узилай деб турибди. Фақат роса ҳаракат қилса ҳам калимаи шаҳодатни айта олмаяпти. Эримнинг имонсиз кетишидан қўрқаяпман. Сиздан ёрдам сўраб келдим, — деди.

Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васаллам:

— Эринг соғ-омон пайтида қандай ёмон хатти-ҳаракат қилган эди? — деб сўради.

Хотин ҳеч қандай ёмон амали бўлмаганини, ҳамма ибодатни ўз ўрнида қилганини айтди.

— Эрингнинг бу дунёда кими бор? — дедилар.

Хотин кекса онаси борлигини айтгач, Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васаллам эри Алқаманинг онасини ҳузурига чақиртирди. Алқаманинг онаси келдилар. Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васаллам у аёлдан сўрадилар:

— Ўғлинг сенга қандай муносабатда эди? Ундан мамнунмисан?

Алқаманинг онаси:

— Ўғлим уйлангунига қадар яхши муносабатда эди. Уйланганидан кейин узгариб кетди. Ҳатто, сўнгги пайтларда уйини ҳам ажратиб олди. Унинг бу ҳаракатидан жуда хафа бўлдим, — деб жавоб берди.

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам кекса онага, ўғлининг ўлим тушагида эканини, ҳаққини ҳалол этмаган тақдирда у жаҳаннам азобида қолишини айтди.

Шунда она:

— Ҳаққимни ҳалол этмайман, рози эмасман, эй Яратганнинг Расули, — деди.

Алқама эса уйда қийналиб ётар, ҳали ҳам калима келтира олмаётган эди.

Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васаллам хотиннинг оналик ҳиссини жунбушга келтириш учун у ердагиларга:

— Бу ерга озгина ўтин олиб келинг, — дедилар.

Она ҳайрат билан:

— Ўтинни нима қиласиз, Ё Расулуллоҳ? — деб суради. Чунки онанинг кўнгли ниманидир сезгандек эди.

Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васаллам:

— Ўғлингни ёқаман, эртага жаҳаннамда оладиган жазосини шу ерда олсин, унга шу яхшироқдир, — дедилар.

Она бир қалқиб тушди.

— Ўғлимнинг кўзим олдида ёнишига рози бўлолмайман. Оналик ҳаққимга розиман, — деди.

Мурод ҳосил бўлган эди. Пайғамбаримиз Билол Ҳабашни жўнатиб:

— Бориб кўр, Алқама қандай аҳволда экан? — дедилар.

Билол Ҳабаш Алқаманинг ёнига бориб, калимаи шаҳодатни айтди. Шу онда Алқаманинг тили ёзилди: "Ла илоҳа иллАллоҳ Муҳаммадун Расулуллоҳ", деб жонини топширди.

ҚОЗИЛИК

Усмонлиларнинг серфазилат одамларидан бири бўлган Мулла Хизр Бейдан шундай ривоят қилинади: "Бир кун мажлисда суҳбат асносида қозилик касби ҳақида гап борди. Шунда мажлисдагилардан бири:

— Қозилик икки рақибдан бири баланд жойдан бўлганда жуда қийиндир, — деди.

Хизр Бей:

— Йўқ, унда қандай қийинчилик бор? Уларни мақомига қараб ҳукм қиласан. Агар икки тараф ҳам буюклардан бўлса, ана унда жуда қийиндир, — дедилар.

АНЖИР

Кония қишлоғидан бўлган бир одам ёз охирида Ақшаҳарга келибди. У дўконлардан бирида анжир кўриб, икки пуллик сотиб олибди. Унга анжир жуда ёқиб, йўл-йўлакай ҳаммасини

еб олибдида: “Кейинги сафар келсам, нақ бир ақчалик оламан”, дебди ўзига-ўзи.

Буни қарангки, кейинги сафар келишида анжирнинг вақти ўтган эди. У бозорни тўққиз марта айланибди. Лекин анжир тополмабди. Шунда бозорчилардан бири:

– Нима қидиряпсан? – деб сўрабди.

– Олдинги сафар келганимда бир мазали нарса еган эдим. Ўшани излаб тополмаяпман, – дебди у.

– У қандай шаклда эди?

– Қаварик шаклда, усти тери, ичи доридир.

– Мана шунга ўхшайдими? – деб унга бақлажонни кўрсатибди.

– Ҳа, шу, – дебди у, сўнгра ундан бир ақчалик сотиб олибди ва хурсанд бўлиб йўлида давом этибди.

У йўлда олган нарсасини еб кўрсаки, заҳарга ўхшайди. Шунда у: “Эҳ, кичкиналигингда асал каби эдинг, катталашиб заҳарга айланибсан”, деди.

ИМОМ АЛИ РИЗОНИНГ КАРОМАТИ

Маъмун ўзидан кейин Али Ризони халифа бўлиши учун валиаҳд қилиб тайинлабди. Бу иш Маъмуннинг яқин одамларига ёқмабди. “Халифалик Аббос ўғилларидан Фотима ўғилларига ўтиб кетади”, деб ўйлашибди. Шу сабабдан, вақт ўтган сари уларнинг Али Ризога бўлган адоватлари кучайиб бораверибди.

Бир куни адоватчилар ўзаро тил бириктириб, “Али Ризо Маъмуннинг олдига келганида ўрнимиздан ҳам турмаймиз, салом ҳам бермаймиз”, деб келишиб олишибди. Аммо Али Ризо Маъмуннинг олдига келганида улар беихтиёр ўрнидан туришиб, бош кийимини олиб, таъзим билан салом бериб юборибдилар. Сўнгра бир-бирларига қараб хафа бўлишибди. Ўрнидан туриб салом берганларига пушаймон бўлибдилар.

Али Ризо иккинчи куни яна келибди. Улар яна ўрнидан турибди, унга салом беришибди, аммо бош кийимини олишмабди. Шу пайт кучли шамол туриб, улар бош кийимини қўлга олишга мажбур бўлибдилар.

Шундан сўнг улар бир-бирига айтишибдики: "Бу одам Яратган наздида буюк манзил ва даражага соҳибдир. Шамолни кўр, у кириб чиқаётганида қандай эсди? Келинглар, яхшиси унга хизмат қилишда давом этайлик. Бу биз учун хайрлидир".

ОЙНА

Бадбашара бир одам йўлда кетаётиб ойна топиб олибди. Энгашиб уни олибди-да, ўзининг афти-ангорига боқибди. Сўнгра ойнани жойига қўйиб: "Асли сен яхши нарса бўлганингда улоқтиришмасди", деб йўлида давом этибди.

ШАЙХ АБДУЛАЗИЗНИНГ ЎҒЛИГА НАСИҲАТИ

Умар бин Абдулазиз ўғлининг минг дирҳамга узук сотиб олганини эшитиб қолибди. Ул зот дарҳол ўғлига шундай хат ёзибди: "Менга келган хабарларга кўра минг дирҳамга бир узук сотиб олибсан. Хатимни олишинг билан дарҳол уни сот ва мингта оч қоринни тўйдир. Қўлингга икки дирҳамлик узук тақ, у ҳам Хитой темиридан бўлсин. Узукнинг устига: "Яратган ҳаддини билган (нафсини идрок қилган)га марҳамат кўрсатсин", деб ёздир!"

* * *

Иброҳим Ҳавас айтади: "Шомда, Луқом тоғида эдим. Бир анор дарахтини кўрдим. Анор егим келди, яқинлашиб, битта анор узиб олдим. Уни иккига бўлиб еб кўрсам, нордон экан.

Анорни ташлаб юбордим ва йўлда давом этдим. Йўл-йўлакай тупроққа беланиб ётган бир одамни учратдим. Ажаб, унинг устида арилар ғуж-ғуж эди.

— Ассалому алайкум, — дедим ажабланиб.

— Ва алайкум ассалом, Иброҳим, — деб алик олди у.

— Мени қандай танидинг?

— Тангри таолони таниган одам учун Унинг қулини таниш муаммо эмас.

— Кўриб турибманки, Тангри таолога яқин экансан, сени шу арилардан қўриқласа бўлмайдими?

— Сени ҳам Яратганга муножот қилган ҳолда кўряпман, сени ҳам анор емоқ орзусидан сақласа бўлмасмиди? Ахир одам арининг заҳрини шу дунёда тортади, анорнинг заҳрини эса охиратда тортади, — деди у.

Мен аста бу одамдан узоқлашдим.

МАДҲИЯ ҚАНДАЙ АЙТИЛАДИ?

Бани Тамим қабиласининг уруғлари бир куни шоир Саломанинг олдига келиб:

— Биз учун чиройли мадҳия ёзиб берсанг, қабиламиз ифтихори бўлса, — дейишибди.

Шоир шундай жавоб берибди:

— Яхши, мадҳия этиладиган бирор иш қилинг, ёзиб бераман.

ҲИКМАТ ВА САОДАТНИНГ АСОСИ

Умматнинг ориф кишиларидан, машҳур шоир Ҳерсекли Ариф Ҳикмат шундай деган эди:

—Жуда кўп сайёҳат қилдим. Кўп олимларни кўрдим. Бир неча касб соҳиби бўлдим. Кўп пул ишладим, завқ ва сафо

сурдим. Дунёнинг иссиқ ва совуғини тажриба қилиб кўрдим. Ва ниҳоят, саодатнинг асоси сифатида шу тўрт нарсани топдим: соғлиқ-саломатлик, ҳисобини билмоқ, чиройли ахлоқ ва қалби зикри билан машғул бўлмоқликдир.

БАҲЛУЛ ДОНО

Аббосий халифалардан Хорун ар-Рашид бир кун қабзият касалига учрабди. Унга ҳар қанча дори-дармон қилишса ҳам ҳеч бирининг фойдаси бўлмабди. Замонасининг мана-ман деган табиблари ҳам бир чеккада тил тишлаб қолибди.

Бир куни Баҳлул доно унинг олдига келибди. Эшикдан кирар кирмас Хорун ар-Рашид унга:

— Биродар, қабзиятдан ўляпман, бунинг бирор чораси борми? — дебди.

— Агар тахтингни менга берсанг давосини айтаман, — дебди Баҳлул доно.

Хорун ар-Рашид наилож бу савдога рози бўлибди. Натижада, кўп ўтмай қабзият юмшаб, касалдан фориғ бўла бошлабди.

Яхши бўлиб, тузалгандан кейин сўзининг устидан чиқиш учун тахтини Баҳлул Донога ҳавола этибди. Шунда ул зот:

— Бир қабзиятга алмаштирадиган тахтни мен нима қиламан? Буни мен қабул қилолмайман, — дебдилар.

САРОЙНИНГ НУҚСОНИ

Бир подшо шоҳона сарой қурдириб, элу юртга катта зиёфат берибди. Подшо зиёфатга келганларга бир савол бераркан:

— Саройнинг нуқсони борми?

Келганлар зиёфатдан еб, саройни айланиб чиқиб, бирор нуқсон топа олмас эканлар.

Бир куни бир дарвеш келибди, ундан ҳам сўрашибди:

— Саройнинг нуқсони борми?

Дарвеш қараб туриб:
– Бир нуқсони бор, – дебди.
– Қандай нуқсони бор?
– Бекаси йўқ, – дебди дарвеш.
Подшо ва унинг одамлари дарвешни тақдирлашибди.

КЎНГИЛНИНГ ЎЛИШИ

Ҳасан Басрий ҳазратларидан сўрашибди:
– Кўнгилнинг ўлиши нима?
– Дунёни севмоқдир, – деб жавоб берибди у зот.

ҒАЗАБ

Бир куни Ҳожа Ҳазратлари бир жойга борибдилар. Дарвешлардан бири ейишга нон келтирибди. Ҳожа Ҳазратлари дервешга шундай дебди:

– Бу нонни ейишимиз яхши эмас. Чунки у ғазаб билан пиширилган. Ноннинг унини элаган, ҳамирини қорган ва уни пиширган одам дарғазаб бўлган.

Ҳожа Ҳазратлари агар бирор одам дарғазаб ҳолда овқат пиширса, шу таомни емас эдилар ва шундай дердилар: “Ғазаб, жирканиш, лоқайдлик ва мажбуран қилинган ишда хайр ва барака йўқдир. Бу ишга нафс ва шайтон аралашган”.

ҒИЙБАТ

Ҳасан Басрий Ҳазратларининг қулоғига: “Фалон киши сени ғийбат қилди”, дейишибди. Ул зот дарҳол бир товоққа ҳурмони тўлдириб, ўша кишига жўнатибди. Товоққа қўшиб шундай хабар ҳам йўлабди: “Хабар беришларича, менинг амал дафтаримга савоб ёздириб, гуноҳларимни тукибсан.

Шунинг учун сени тақдирламоқчи бўлдим, муносиб мукофотлай олмаганим учун маъзур тут”.

САҲОБА

Ҳасан Басрий ҳазратлари бир куни ёронлари ва аҳбобларига:

– Сизлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалам саҳобаларига ўхшайсиз, – дедилар.

Улар жуда хурсанд бўлишди.

Шунда Ҳасан Басрий ҳазратлари:

– Фақат шакл ва ҳаракат тарафдан айтаяпман, холос. Шояд сизлар саҳобаларни кўрган бўлсайдингиз. Уларнинг ҳаммаси кўзингизга далли девона бўлиб кўринарди. Агар улар сизни кўрганларида эди, сизнинг ҳеч бирингизни мусулмон демасди. Чунки улар олдинда боришяпти, йўрға от устида қуш каби, ел каби учишяпти. Биз эса яғир эшак устида ўтириб қолганмиз, – дедилар.

ЙЎЛНИНГ УЗУНЛИГИ

Бир куни Зуннун Мисрий раҳматуллоҳи алайҳ бир муридига мактуб бериб, уни Боязид раҳматуллоҳи алайҳга олиб боришларини тайинлабди. Мактубда: “Эй Боязид, бутун кеча ухлаб ётасан, ҳолбуки тўда ўтиб кетди”, деган ёзув бор эди”.

Хатни ўқиган Боязид раҳматуллоҳи алайҳ шундай жавоб ёздилар: “Эй Зуннун, комил инсон шундайки, бутун кеча ётиб ухлайди, аммо барибир тўдадан олдин манзилга етиб боради”.

Зуннун ҳазратлари жавобни ўқиб, йиғлаб: “У қандай улуғ зотдирки, бизнинг аҳволимиз ҳануз шу даражага етмади”.

ТАВБА

Ривоят қилишларича, бир одам Жунайднинг мажлисида туриб тиланчилик қилар эди. Буни кўрган Жунайд хаёлидан: "Бу одамнинг тани сиҳат, ишлаб пул топа олади. Шундай экан, нега тиланчилик қиляпти?", – деган фикр ўтди. Шу кеча туш кўрди.Тушида олдига усти ёпиқ идиш қўйилиб, "Қани, е!" деган овоз эшитилди.

Идишнинг қопқоғини очгач, кечаги тиланчининг ўлиги идиш ичига солинганини кўрди ва:

– Мен ўлик гўшти емайман! – деди.

– Кеча масжидда нима единг? – деган овоз келди.

Жунайд хаёлида ғийбат қилганини ва шунинг учун сўроққа тутилганини кўрди. Кейинчалик бу ҳақда одамларга шундай деди: "Шу тушнинг ваҳима ва даҳшати билан уйғониб, таҳорат олиб икки ракат ибодат қилгач, ўша дарвешни излашга тушдим. Ниҳоят Дажла дарёсининг қирғоғида уни кўрдим. Сув юзидан сабзавот қолдиқларини йиғиб юрган экан.Ёнига борганимни сезиб, бошини кўтарди:

– Ҳаққимиздаги фикринг учун тавба қилмадингми? – деб сўради.

– Қилдим, – дедим.

– У ҳолда энди бор, кет. —Қулларининг тавбасини қабул қилувчи Ўзидир. (Шуаро 42/25) Шу —хаёл тавбасини муҳофаза қил! – деди дарвеш".

ЖУНАЙД ВА ЎҒРИ

Ривоят қилишларича, Боғдодда бир ўғрини дорга осишди. Жунайд бориб, унинг оёғини ўпди. Одамлар унинг бу ҳаракатидан ҳайрон бўлиб, сабабини сўрашганида:

– Минг бор раҳмат бўлсин унга. Зеро, касби йўлида жонини фидо қилди. Бу ишни шундай камолга етказдики, шу

йўлда жон берди. Бошини дор ёғочининг бошига чиқарди, – деди.

ЁЛҒИЗ ҚОЛГАН МУРИДНИНГ АҲВОЛИ

Ривоят қилишларича, муридлардан бири: —Энди камолот даражасига эришдим, буёғига мен учун хилват яхшидир, – деган хаёлга берилди ва бир манзил топиб, анча вақтгача ёлғиз яшади. Ниҳоят шу даражага етдики, кимдир унга ҳар кеча бир арслон келтириб, уни шу арслонга миндирар, сўнг:—Қани кел, сени Жаннатга элтамиз,- дер эди. У ҳам арслонга миниб ғоят чиройли бир жойга борар эди. Бу ерда ёш, хушсурат одамлар, мазали таомлар ва шарқираб оқиб турган сувлар бор эди. Саҳаргача шу ерда бўлгач, ухлаб қолар, уйғонганида ўзини хилват масканида кўрарди. Натижада, унда кибр пайдо бўлди. Ўзини бошқалардан баланд тутишдек савдога учради. Суҳбатларда бетўхтов "Мени ҳар кеча Жаннатга олиб боришяпти", – дея бошлади. Унинг бу сўзлари Жунайдга етиб борди. Жунайд муриднинг масканига етиб келди ва уни қўрқинчли кибр ва ғурур чангалида кўрди. Ундан ҳол-аҳвол сўради. Мурид ҳам бошдан кечирганларини сўзлаб берди.

Жунайд унга:

– Бу кеча сени у ерга олиб борганларида уч марта "Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳилаллиййул азийм дегин", – деб маслаҳат берди.

Кеч бўлгач, уни яна арслонга миндириб, ўша сирли жойга олиб боришди. Мурид ичида Жунайдни инкор қиларди. Ҳар доимги жойга етганда Жунайднинг сўзларини синаб кўриш учун ўқиди. Ўша заҳоти шовқин-сурон кўтарилиб, атрофидагилар ғойиб бўлишди. Диққат билан қарасаки, олдига тўкин дастурхон эмас, ҳаром ўлган ҳайвон суяклари

қўйилган экан. Хатосини англаб, тавба қилди. Шундан сўнг Шайх Жунайднинг мажлисларига мунтазам қатнашда давом этди. У мурид учун ёлғизликдан катта душман йўқлигини англади.

ХАЛЛОЖНИНГ ШАҲОДАТИ

Ривоят қилишларича, Шиблий дор ёғочида турган Халложнинг қаршисида "Биз сени барча оламдан (одамлар ҳимоясидан) қайтармаганмидик?!" (Хижр, 70) оятини ўқиди. Ораларида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Ҳазрати Лутга қавми исканжа этиб азоб берганида, шундай деган эди. Эй Халлож, сенинг аҳволинг уникига қанчалар ўхшайди?! Тасаввуф нима, эй Халлож?

— Энг қуйи мартабасиз ҳам кўрган манзаранг!

— Энг юксак даражаси қайси?

— Сенга мумкин эмас!

Ҳамма унга тош отди. Шиблий ҳам шаръий фатвони маъқуллаш учун бир гул отди. Ҳусайн бин Мансур оҳ чекди. Халойиқ:

— Сенга отилган шунча тошлардан ҳеч бирига оҳ демадинг. Баданингга теккан бир гул учун "оҳ" дейишингнинг сири нимада? — деб сўради.

— Тош отганлар билмаганлари учун маъзурдирлар. У отган гул дармонимни қуритди. Зеро, у билар эди, бу ишни қилмаслиги керак эди.

Сўнгра қўлини кесишди. Халлож кулди.

Халқ:

— Бу кулгининг сабаби нима? — деди.

— Инсоннинг қўлини танасидан айириш осон ишдир. Эр улдирки, нафсоний сифат қўлини кесиб отади. Зеро, башарий сифатларни тарк қилганларнинг бошига қўнган тож аршга етадиган даражада юксакдир, — деди Халлож.

Сўнг оёғини кесдилар, бу сафар табассум қилди.

— Бу оёқ билан сафар қиламан, бошқа оёғим ҳиммат оёғи. Яна борки, энди у оёқ билан икки оламда сафар қиламан, агар кучингиз етса, ўша оёғимни кесинг, — деди у.

Сўнгра, қип-қизил қон бўлган кесик қўлларини юзига суриб, юз-қўлини қонга бўяди.

— Нега бундай қилдинг? — дейишди.

— Чунки кўп қон йўқотдим, биламан, юзим сарғаяди. Чеҳраси сарғайиб, оқариб кетди, деб ҳисоблаган чоғингизда юзимни қип-қизил рангда кўрасиз. Зеро, эрлар безаги уларнинг қонидир.

— Айтайлик, шунинг учун юзингни қонга бўядинг. Қўлларингни нега қонга бўядинг? — деб сўрашди.

— Чунки таҳорат олаяпман.

— Қандай таҳорат?

— Яратган ишқи йўлида ўқиладиган икки ракат намознинг таҳорати, у фақат қон билан қилинса, солиҳ бўлади.

Сўнгра кўзларини ўйдилар. Шунда халқ орасида қиёмат кўпди. Кимдир йиғлар, кимдир унга тош отарди.

Кейин Халложнинг тилини кесмоқчи бўлдилар.

— Бир-икки калима айта олишим учун сабр қилинг, — деди ва юзини самога қаратиб, ниёз қилди: — Илоҳим, сенинг қонунларинг ва ризолигинг ҳаққи менга бу азобларни раво кўрганларни савоб ва карамингдан маҳрум қилма! Шу иш важидан давлатларини бенасиб, амалларини бесавоб қолдирма! Алҳамдулиллоҳки, қўл ва оёқларимни сенинг йўлингда кесишди. Шояд бошимни ҳам танамдан айиришса, дорнинг тепасига чиқарар эдилар. Шунда мен сардор бўламан!

Сўнгра қулоқлари ва бурнини ҳам кесиб, устига отдилар. Қўлида бир парча матони ушлаган кекса аёл шу ердан ўтаётган эди:

— Шу бечора ва худбин Халложни яхшилаб уринг, асрордан баҳслашишга нима ҳаққи бор? — деди.

Ҳусайн жон бериш олдидан нидо қилди:

– Воҳиднинг ўзини вожидга бағишлаши унга кифоядир.

У яна: “Қиёмат кунига ишонмаганлар, унинг тезроқ келишини исташади. Муъминлар эса у кундан қўрқишади ва у куннинг ҳақ эканини билишади. Диққат қилинг, қиёмат хусусида ўжарлик қилганлар очиқ савдойилик ичидадирлар” (Шуаро 42/8) оятини ўқиди. Сўнгги сўзи шу бўлди. Сўнгра тилини кесдилар. Бошини кесганларида оқшом чўккан эди. Боши узилган дамда табассум билан жон берди. Халқ ғалаёнга келди. Ҳусайннинг жасадини ризо майдонининг четига олиб боришаётганда ҳар бир аъзосидан “Анал Ҳақ” деган овоз келарди. Эртаси куни: – Бу фитна, унинг аҳволи ҳаётлигидан ҳам баттар бўлади ҳали, – дейишди.

Кейинроқ уни ёқдилар. Кулидан “Анал Ҳақ” деган садо келди. Одамлар Халлож қатл қилинган вақтда унинг танасидан ерга тўкилган қон томчилари эканлигини кўришди.

ЖАНЖАЛКАШ ОРИФ

Бир кимсани кўпчилик ориф зот деб билишарди. Кунлардан бир куни шу одам бир кимса билан жанжаллашиб қолди. Шу пайт тасодифан Баҳлул ҳазратлари шу ердан ўтиб қолди. Ҳазрат Баҳлул ўзига ўзи айтдики: “Бу одам ҳақиқий ориф бўлганида ва Ҳақ таолони чиндан севганида эди, душмани билан учрашишга вақт топа олмаган бўларди”.

АБУ ЖАЪФАР КАЪБАДА ЙИҒЛАЙДИ

Абу Жаъфар Муҳаммад бин Али бин Ҳусайн бин Али бин Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, у бир куни Ҳажга бориш учун йўлга чиқди. Масжиди Ҳаромга келганда Байтуллоҳга қараб овоз чиқариб йиғлади.

Ҳатто, бу ердагилар унга:

— Одамлар сенга қараяпти, овозингни бир оз пасайтир, — деб танбеҳ беришди.

— Нега баланд овозда йиғламай? Балки Тангри таоло менга раҳм қилиб, мен қутуларман, — деди ва тавоф қилишда давом этди.

Ҳаж амалларини тугатгач, Мақоми Иброҳимда намоз ўқиди. Саждадан бош кўтарганида, бошини қуйган жой кўзёшидан ҳўл бўлганини кўришди.

ИМОМ ХОДИЙ (Р.А) НИНГ АНДИШАСИ

Какар бин Абу Делф шундай ривоят қилади:

— Имом Ходий (р.а) Самаррага келганида аҳволини сўраш учун ёнига бордим. Мутаваккилнинг эшик оғаси Заррофий мени кўриб, ичкарига киришимга изн берди.

Сўнг:

— Нега бу ерга келдинг? — деб сўради.

— Хайрли бир иш важидан, — дедим мен.

Менга "ўтир" дейишлари билан ўтирдим, аммо қўрқдим. Ичимда "Имомнинг зиёратига келиш шундай таҳликали эканми?" — деб ўйладим.

Заррофий бошқаларни хонадан чиқариб юборди. Ёлғиз қолгач:

— Нима юмушинг бор? Бу ерга нега келдинг? — деди.

— Хайрли иш учун, — дея жавоб бердим.

— Сен жанобимнинг аҳволини сўраш учун келдинг.

— Менинг жанобим ким экан? Менинг жанобим халифадир.

— Секинроқ сўзла. Сенинг жанобинг Ҳақ таолодир. Қўрқма, мен сен билан бир эътиқоддаман ва уни имом деб билмоқдаман.

Заррофий сал кейинроқ:

– Унинг ёнига боришни истайсанми? – деди.

– Ҳа.

– У ҳолда қўриқчи ташқарига чиқишини кут.

Қўриқчи ташқарига чиққанда хизматкорига :

– Бу одамни Аҳли Байтдан келган киши ҳибс қилинган ҳужрага олиб бор. Унинг ёнига ташлаб орқага қайт, – деди.

Имом (р.а)нинг ҳузурига киргач, ҳазратнинг бир бўйра устида ўтирганини ва олдида бир қабр ковланганини кўрдим. Салом бердим. Имом:

– Ўтир! – деб буюрди. Ўтирганимдан сўнг:

– Нега келдинг? – деб сўради.

– Аҳволингизни сўрай деб келдим, – дедим.

Сўнгра қазилган қабрга қараб йиғладим.

Имом (р.а):

– Йиғлама, энди менга ҳеч қандай зиён етмайди, – деди.

Сўнг имомдан бир ҳадиснинг маъносини сўрадим. Имом (р.а) саволимга жавоб берди. Сўнг шундай буюрди:

– Мени ёлғиз қолдир, ташқарига чиқ. Ўзимни хатарсиз ҳолда кўрмаяпман, сенга зиён етишидан андиша қиламан.

ХАЛИФАНИНГ ТАҲДИДИ

Халифа Жаъфар ал Мансурнинг Жаъфар бин Муҳаммад ас Содиқдан жаҳли чиқиб, уни ўлдирмоқчи бўлди. Жаъфар Содиқни ҳузурига олиб келишганида унга таҳдид билан шундай деди:

– Ироқликлар сени ўзларига имом деб қабул қилишибди. Молларининг закотини ҳам сенга беришяпти. Сен менинг ҳукмдорлигим ва салтанатимга таҳдид солаяпсан, мағлуб бўлишимни истаяпсан. Агар сени ўлдира олмасам, Яратган мени йўқ қилсин.

Жаъфар Содиқ халифага шундай жавоб қилди:

— Яратган унга ҳукмдорлик ва салтанат берган эди. У бунга шукур қиларди. Айюб (а.с) томонидан фақирлик ва хасталик билан имтиҳон қилинган, у ҳам сабр қилган эди. Юсуф (а.с) зулмга учраган эди. У ҳам сабр қилди ва эъзоз топди.

Жаъфар Содиқ (р.а)дан бу сўзларни эшитган Халифа Мансурнинг қалбидаги ғазаб олови бир оз пасайди. Бир оз вақт ўтиб, юрагида Жаъфар Содиққа нисбатан душманликдан асар ҳам қолмади.Унинг шаънига мақтов сўзларини айта бошлади. Жаъфар Содиқ халифанинг олдидан чиққач, ўзига ўзи:

— Халифага нималар дедингки, у хотиржам тортди ва сен тутган йўлга кирди? — деб савол берди.

Кейин саволига ўзи жавоб қайтарди:

— Раббимга шундай ёлвордим: "Тангрим, кўзинг билан мени сақлаки, у асло ухламайди. Мени хатолардан асраб, раҳматингга насиб эт".

ОБИДНИНГ ИХЛОСИ

Мусо алайҳиссалом замонида бир обид киши бор эди. Унинг иши фақат тоат-ибодатдан иборат эди. Бир куни Мусо алайҳиссаломга Азиз ва Жалил бўлгандан ваҳий келди: "Ўша итоатгўйга дегилки: "Эй Тангримнинг қазосига рози одам, доим ибодат қилишдан мақсадинг нима? Ахир сенинг номинг бахтсизлар девонига қайд қилинган-ку".

Мусо алайҳиссалом келиб унга бу хабарни етказди. Буни қарангки, Удан келган ваҳийни эшитгач, кўнгли батамом Унга боғланди. Янада кўп ибодатга берилди. Қуллик водийсига шундай шиддат билан кирдики, аввалари юз карра ибодат қилса, энди минг баравар кўпайтирди.

Шунда Мусо алайҳиссалом у одамнинг аҳволига таажжубланиб сўрадилар:

— Сенинг номинг бахтсизлар девонида экан. Мен буни сенга айтдим. Лекин сен бу нохуш хабарни эшитгач, ибодатингни яна кўпайтирдинг! Буни ҳеч тушунмаяпман?

Кўнгли паришон одам деди:

— Эй, Яратганнинг элчиси, Тур тоғининг нури Мусо! Неча замондан бери мен ўзимни ҳеч ким деб ҳисоблардим. Раббим мени ҳисобга қўшди. Буни билгач, бир ибодатим минг бўлди. Модомики, номим Унинг шаккок қуллари орасига кирган бўлса, менинг ишим яхшиланмоқда. Менга нур бағишласа ҳам жоиз, мени оловга отса ҳам жоиз. Истаганини қилади, мен қуллик қиламан, холос. Мен умрим бўйи Унинг ҳузуридаман.

Бу самимий сўзлардан кейин Мусо алайҳиссаломга шундай ваҳий қилди: "Ё Мусо, у ибодат қилувчининг ихлосини кўрдим. Ибодатни янада орттирди. У қуллигини орттиргач, Тангрининг ҳам раҳмати ва мағфирати ортди. Энди уни бахтиёрлар сафига қўшдим. Бориб унга Мендан мужда етказ".

Мусо алайҳиссалом илоҳий мужда билан бахтиёр одам ёнига югурди.

ҲАШАРОТНИНГ РИЗҚИ

Бир куни Сулаймон алайҳиссалом денгиз қирғоғида эди. Шунда бир чумоли қирғоққа келди. Унинг оғзида кичкинагина яшил баргча бор эди. У денгиз четига келганида, сувдан бир қурбақа чиқиб, баргни чумолидан олиб, денгизга шўнғиди. Чумоли ҳам орқасига қайтди. Буни кўрган Сулаймон алайҳиссалом чумолидан сўрадилар:

— Бунинг ҳикмати нима?

Чумоли шундай жавоб берди:

— Бу денгизнинг ўртасида бир тош яратган. Тошнинг ичида бир ҳашорат бор. Мени унинг ризқига сабаб қилган. Мен ҳар куни шу нарсани денгиз четига олиб келаман. Қурбақа эса

уни олиб, ўша ҳашаротга беради. У ҳашарот Яратганнинг қудрати билан шундай дейди: “Субҳоналлоҳ, мени яратди, денгиз ўртасида ва тош ичида макон берди. Менинг ризқимни ҳам унутмади. Илоҳий, уммати Муҳаммадийни умидсиз қилма!”

КИЧКИНА ҚИЗНИНГ ФАРЁДИ

Малик ибн Динордан ривоят қилинади: “Бир сафар Каъбани тавоф қилаётган эдим. Одамлар уйининг атрофида парвона каби айланишар эдилар. Қарасам, кичкина бир қиз Каъбага суяниб фарёд қиляпти. Кўзёшлари инжу каби этагига тушаётган бу қизалоқ шундай дерди: “Сенинг жаҳаннам азобидан бошқа тарбия усулинг йўқми?” Шунда мен ўз аҳволимга қараб сесканиб кетдим ва қўлимни бошимга қўйиб: “Ҳой Малик, ҳалок бўлдинг!” дедим ўзимга ўзим”.

ТАНГРИНИ БИЛИШГА ЮЗ ДАЛИЛ

Ўз даврининг буюк олимларидан бири Фахриддин Розий ҳазратлари ҳар ерда бузуқ эътиқодли одамлар билан мужодала қилар, уларни соф Ислом таълимотига даъват этар эдилар.

Бир сафар у Ҳиротга келганида, бу ердаги кўзга кўринган барча илм аҳли у зотнинг зиёратига келдилар. Шу кунларнинг бирида Фахриддин Розий ҳазратларини бир бой киши зиёфатга таклиф қилди. У зот зиёфатга бордилар ва у ерда бир кимсага кўзи тушди.

— Мен сизни илм мажлисларида кўрмадим, нега сиз зиёратга келмадингиз? — деди у кимсага.

— Мен бир фақирман, зиёратингизга боришим сизга шараф ҳам келтирмайди, сиз муҳим одамлар билан машғул бўлинг, — деди у кимса.

Бу жавоб Фахриддин Розийни ўйлантириб қўйди.

— Бу оддий жавоб эмас, қалби ва кўнгли уйғоқ одамнинг жавобидир, — деди у бегона кимсага қизиқиш билан тикилиб. — Наҳотки, бизнинг мажлисларимиз сизни қизиқтирмаса?

— Сиз "Мусулмонлар менинг зиёратимга келиши вожибдир", дебсиз. Нега сизнинг зиёратингиз вожиб бўлади?

— Мен илм аҳлининг бириман. Менинг зиёратимга келганлар аслида илм зиёратига келишади.

— Сиз айтинг-чи, Яратганни қай даражада биласиз?

— Мен Тангри таолони юз далил билан биламан!

— Биласизми, далил ва исбот шубҳаларни йўқотиш учундир. Демак, сизда шунча шубҳа борки, ҳар бирига далил излабсиз. Шу далиллар билан шубҳани кетказибсиз. Ҳолбуки, У менга шундай имон бердики, шубҳанинг зарраси ҳам йўқ қалбимда. Йўқ шубҳани кетказиш учун нега далил қидирай?

Бу жавобдан сўнг орага сукунат чўкди. Фахриддин Розий ҳазратлари бирдан ўтирган ўрнидан туриб:

— Узатинг, қўлингизни ўпай, сиз оддий одам эмас, имон ва ихлос намунаси, маънавият султонисиз! — дедилар.

Шунда бир киши Фахриддин Розийнинг қулоғига пичирлаб айтдики: "Бу киши Нажмиддин Кубро ҳазратларидир".

Фахриддин Розий ҳазратлари дарҳол тиз чўкиб ёлворди: "Ҳазрат, мени суҳбатингизга қабул қилинг".

ПОДШОНИНГ ЭШИГИ

Бир кеча шиддатли қор ёғди. Султон Малик шоҳ йўлда эди. Қор устига чодир қурилди. Совуқ шу даражада эдики, қушлар ҳам қанот қоқолмас эди. Шунда шоҳ ўйланиб қолди: "Шундай бир кечада менинг ғамимни қилиб, эшигимни қандай қўриқлаётган экан? Яширинча бориб кўрай-чи".

Шоҳ чодирдан чиқиб, саройга кетди. Ҳамма ёқ музлаган, сарой атрофида сукунат ҳукмрон эди. Аммо шоҳнинг эшигида

бир қўриқчи уйғоқ ўтирарди. У султоннинг оёқ товушини эшитиб ўқ каби ўрнидан қўзғалди.

– Ҳой, кимсан? Подшоҳимнинг эшигида нима қидиряпсан? – деди у.

– Эй қўриқчи, шундай совуқ, қаҳратон кечада подшоҳнинг эшигида ўтириб нима қиласан? Ундан кўра, уйингда, иссиққина ўринда мазза қилиб дам олмайсанми? – деди шоҳ.

– Йўқ, мен беватан бир ғарибман. Ватаним подшоҳ эшигидир. Унга хизмат қилишдан бошқа ишим йўқ. Бу тан, бу жон менда экан, бошим подшоҳ оёғини босган ердадир.

Қўриқчининг жавобини эшитган шоҳ эртаси куни фармон қилди: "Содиқ қўриқчига Хуросон беклигини бердим".

ҚЎРҚУВ ЁШЛАРИ

Бир куни мўминлар амири, ҳаё ва одоб инжуси саналмиш Усмон розияллоҳу анҳу қабр азобини эслаб кўзларига ёш олдилар. Буни кўрганлар ундан сўрашди:

– Эй мўминлар амири, нега йиғлаяпсиз?

– Қабр қўрқувидан,– деб жавоб бердилар.

Одамлар ҳайрон бўлишди.

– Жаҳаннамдан эмас, қабр қўрқувидан йиғлашингизнинг сабаби нима?

Усмон розияллоҳу анҳу айтдилар:

– "Қабр охират азобларининг биринчисидир. Ким ундан қутилса, ундан кейин келадиганлари осондир. Ким ундан қутила олмаса, ундан кейин келадигани янада мушкулдир".

МЕҲМОН РИЗҚИ БИЛАН КЕЛАДИ

Меҳмондўст бир саҳоба бор эди. Аёли эрининг ҳар куни меҳмон билан келишини ёқтирмас ва:

— Сиз уйга ҳар куни бир нечта меҳмон билан келасиз, келган меҳмонлар болаларимизнинг ризқини ейишяпти, — дер эди.

Эри рафиқасининг сўзларига эътибор бермас, уйга меҳмон етаклаб келишни канда қилмас эди. Хотинининг сабри тугаб, Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳузурига бориб, вазиятни билдирди.

— Эй Расулуллоҳ, эрим ҳар оқшом уйга бир нечта меҳмон билан келади. Унинг топгани меҳмонларга сарфланяпти. Агар эрим касал бўлиб қолса, очликдан ўлишдан қўрқаман, — деди.

Расулуллоҳ (с.а.в) унинг эрини ҳузурига чақиртирди, унинг сўзларини ҳам тинглади.

— Мен меҳмонсиз туролмайман. Дастураёл атрофида ҳамиша меҳмон бўлиши менга завқ ва барака келтиради, — деди у.

Бу сафар Пайғамбаримиз (с.а.в) унинг хотинига бундан сўнг уйида ҳар куни биттадан меҳмон бўлишини, аёл бунга кўниши кераклигини айтди.

— Болаларимнинг ризқини бошқаси ейишига рози эмасман, — деди аёл.

Эри ҳеч бўлмаса, битта меҳмонга рози бўлишини талаб қилавергач, аёл бу шартга кўнди. Лекин оқшомда эри яна икки киши билан келганини кўриб дили оғриди. Истар-истамас ўрнидан туриб, таом тайёрлаш учун ошхонага кирди. Уч кишига лойиқ таом ҳозирлаб, лаганни эрига узатди. Бир оздан кейин меҳмонлардан бири чиқиб кетаётганини кўрди. Меҳмон у тайёрлаган овқатдан емаган эди.

Хотин эридан:

— Меҳмонлардан бири нега овқат емай чиқиб кетди? — деб сўради.

Эри гўё иккинчи меҳмон ҳақида ҳеч нарса билмагандек, ҳайрон бўлиб жавоб қайтарди:

— Сен қайси меҳмон ҳақида гапиряпсан? Мен битта меҳмон олиб келдим, у ичкарида утирибди, — деди у.

Хотин эса уйдан бир одам чиқиб кетаётганини аниқ-тиниқ кўрган эди. Бу баҳсли масалага ечим топа олмасликларини англаган эркак дарҳол Пайғамбар (с.а.в) ҳузурига борди ва воқеани айтиб берди.

Буни тинглаган Расулуллоҳ шундай деди:

—Тўғри, уйингга иккита меҳмон келган эди. Фақат уларнинг бири оддий меҳмон эмас, балки инсон суратига кирган ризқ эди. Яратган аёлингнинг ақлини киритиш учун ризқни инсон шаклига киргазди.

Аёл меҳмонлар дастурхонига тортилган таомларни кўздан кечирди. Дарҳақиқат, ризқ сира камаймаган эди.

ДОВУД ТАЙНИНГ ДУОСИ

Халифа Хорун ар-Рашид бош қози Имом Абу Юсуф билан буюк авлиё Довуд Тай ҳазратларининг зиёратига борди. Икковлон уй эшигини тақиллатишди. Эшикни авлиёнинг кекса онаси очди. Хорун ар-Рашид билан Абу Юсуф кампирга Довуд билан кўришмоқчи эканликларини айтишди. Кампир ичкарига кириб, меҳмонлар келгани ҳақида хабар берганида, Довуд Тай ҳазратлари:

— Дунё аҳли билан ишим йўқ, — деб жавоб қайтарди. Халифа ва Абу Юсуф шайхнинг онасидан у билан кўриштиришни илтимос қилишди. Онаси кириб Довуддан яна меҳмонларни қабул қилишини сурагач, ул зот:

— Онага итоат амри бўлмаганида уларни қабул қилмасдим. Лекин волидамга қарши чиқишдан қўрқаман, — деди ва кўришувни қабул қилди.

Халифа билан бош қози ичкарига киришди. Ҳазрати Довуд халифанинг қўлини сиқиб кўришгандан кейин:

— Қандай мулойим ва чиройли қўл, қанийди оловда ёнмайдиган бўлса, — деди ва анча насиҳат қилди.

Кетар чоғларида Хорун ар-Рашид авлиёга бир ҳамён олтин бермоқчи бўлди. Аммо Довуд Тай ҳазратлари қабул қилмай:

— Сарфлаш учун пулим бор, менга ҳалол мерос бўлган уйимни сотдим. Шу пул тугагач, умримни ҳам тугатишни сўраб илтижо қилдим, — деди.

Хорун ар-Рашид ҳамённи қайтариб чўнтагига солди ва улар бу ердан кетишди. Орадан анча вақт ўтди...

Бир куни Абу Юсуф Довуд Тай ҳазратларининг вафоти ҳақида хабар берди. Чиндан ҳам шу куни буюк авлиё вафот этган эди. Имом Абу Юсуфдан буни қаердан билганини сўрашди. У воқеани шундай изоҳлади:

— Довуд ҳазратларининг яқинларидан унинг қанча пули борлигини ва кундалик эҳтиёжи учун қанча сарфлашини билиб олдим. Менинг ҳисоб-китобимга кўра, бугун ҳазратнинг пули тамом бўлиши лозим эди. Пули тугагач, умри ҳам тугаши керак. Чунки ул зот Аллоҳга шундай илтижо қилган. Яратган эса авлиёлар дуосини ижобатсиз қолдирмайди.

БИРОР ЖОЙ

Бир куни Язид Раққоший Умар ибн Абдулазиз ҳузурига кирди. Умар (р.а):

— Эй покдомон одам, менга насиҳат бер, — деди.

Юксак қалбли у инсон шундай деди:

— Эй мўминлар амири, сен ўлимга рўбарў келган илк халифа эмассан. Яъни, сен ҳам бошқалар каби бир кун дорулбақога кўчасан.

Умар (р.а) бетоқат бўлиб, кўзларига ёш келди:

— Давом эт!

— Эй Умар, Одам Атодан бошлаб бирор бир аждодинг тирик қолмаган, ҳаммаси вафот этган.

— Давом эт!

— Одамзот учун жаннат ва жаҳаннамдан ўзга манзил йўқ!

Бу гапни эшитган халифа ҳушидан кетди. Анча вақт ўзига кела олмади.

ҲАММАНИ ЙИҒЛАТГАН МАЪРУЗА

Саодатли кунлардан бири эди. Яъни, ҳақ ва адолат қуёши Ҳазрати Умар (р.а) мусулмонларга бошчи эди. Дунё худди ҳақиқат гуллари билан безанган боғга ўхшарди. Шундай кунларнинг бирида Умар (р.а) масжиди саодатга кирди. Ўша пайтда буюк саҳоба Каъбул Аҳрор (р.а) мўминларга насиҳат қилиб, бу дунё ва охиратнинг энг нозик ҳикматлари ҳақида сўзларди. Дин пешволарининг кўнгли ойдини Умар (р.а) дедики:

— Ё Каъб, бизни бир оз ҳаяжонга сол, қўрқит. Ҳазрати Каъб жони ва қалби билан берилиб, шундай деди:

— Унинг шундай фаришталари бор, яратилган кундан бери тик оёқда туришади. Улар ҳеч ҳам белларини букмаган. Бошқа фаришталари эса саждага энгашганлар ва сур чалингунга қадар бошларини кўтармайдилар. Уларнинг тасбеҳлари шундай:

— Субҳонсан Аллоҳим, ҳамд сен учундир. Ҳали сенинг шаънингга лойиқ ибодат қила олмадик.

Нафсимни жиловлаган Тангрига қасамки, қиёмат яқинлашмоқда. Унинг шундай кучли шовқини ва жон олгувчи товуши борки, тасаввур қила олмайсиз. Шу куни жаҳаннам одамзот қошига келади ва шундай қаттиқ ўкирадики, уни эшитмаган на набий, на сиддиқ ва шаҳид қолади. Ҳамма тиз чўкади. Барча пайғамбарлар, сиддиқ ва шаҳидлар:

— Эй Тангрим, сендан фақат ўз нафсимизни истаймиз,— дейишади. Иброҳим (а.с) ўғли Исмоил (а.с) ва Исҳоқни унутади. Шундай демоққа бошлайди:

— Эй меҳрибон зот, мен сенинг дўстингман.

Каъб (р.а) сўзини шундай давом эттирди:

— Эй Умар, агар сенинг амалинг етмиш пайғамбар амалига баробар бўлса ҳам, батамом қутулишга умид қила олмайсан.

Бу гаплар суҳбатда ҳозир бўлганларнинг юрагига ўқ бўлиб тегди. Жомеънинг ичи ҳайқириқга тўлди. Кўзёшлар дарё бўлиб оқди.

Ҳазрати Фаррух (р.а) ёш тўла кўзларини Каъб ҳазратларига тикиб ўтирарди. Шунда Каъб (р.а) кўнгилдан чиққан ёниқ бир ҳис билан шундай деди:

— Сизга яхши бир мужда ҳам айтай. Яратганнинг 313 йўли борки, банда уларнинг қайси бирига ихлос билан кирса, Тангрим уни жаннатга йўллайди. Эй Умар, ёмонликдан қочиш ва яхши амаллар билан ўша кунга ҳозирлан. Яқин фурсатда қиёматни кўрасан ва надомат чекасан. Алқисса, бекор ўтган кунларинг учун ёнасан. — Эҳ, қанийди умримни елга совурмасайдим, деб нола қиласан. Шуни асло унутмаки, сен жон берган лаҳзадаёқ қиёматинг бошланган бўлади.

НЕГА?

Шайх Нажмиддин Али (р.а) ҳазратлари ривоят қилади: —Вақти- вақти билан зиёратимга келадиган бир аёл бор эди. Унинг қалб кўзи очиқ эди. Бир куни яна ҳузуримга келди. У пайтлар қўлим бир оз калта эди, буни у ҳам биларди. Уйимда омбор бор эди. Агар арпа-буғдой каби бирор егуликка эга бўлсам, ўша омборларга қўярдим. Ҳозир эса улар бўш эди. Фойдаланиладиган вақт келгунга қадар тоза турсин деб оғизларини (эшикларини) ёпган эдим. У аёл ичкарида бирор нарса бор деб тахмин қилди ва деди:

— Модомики, қўлингиз калта экан, нега шу омборларнинг ичидагилардан фойдаланмайсиз?

— Улар бўш, — деди.

— У ҳолда нега эшигини ёпиб қўйдингиз?

— Тоза турсин деб.

Бориб эшикларини очди ва шундай деди:

— Улар эшиги ёпиқ бўлгани учун бўшдир. Агар улар очилса, улар ҳам оч ва очиқ оғиз каби бўлади. Ҳақ Таоло оч ва очиқ бўлган оғизнинг ризқини беради. Эҳтиёж вақти етгач, ҳар нарсанинг ризқини янада ўзига муносиб бир нарсадан етказади.

У хотин бу гапни айтганидан кейин кўп ўтмай Яратган омборларимга шунча кўп буғдой юбордики уларнинг ҳамма бўлмалари тўлди.

ЧИРОҚ КЎТАРГАН ОДАМ

Бир одам кундуз куни қалби ишқ ва оташга тўлиқ ҳолда, қўлида чироқ билан кетиб борарди. Йўловчилардан бири ундан сўради:

— Ҳой киши, ўзингга кел. Кундуз куни чироқ билан қаёққа кетяпсан? Бу нечук ҳол?

— Ҳар томондан одам излаяпман, — деди у.

— Атрофинг одамлар билан тўла-ку!

Чироқ кўтарган киши шундай деди:

— Бу икки йўл оғзида ғазаб ва ҳирс қўзғалган вақтда ўзини жиловлай оладиган одам қидиряпман. Ғазаб ва ҳирсини тия оладиган одам қаерда? Ҳар бир кўчадан шундай одамни излаяпман. Ўша одамни топсам, унга жонимни фидо қиламан.

Унинг сўзини эшитганлардан бири деди:

— Топиладиган нарсани қидиряпсан, аммо сен тақдир ва қазодан бехабарсан. Яхшилаб қара, сен фақат ёруғлик томонга қараяпсан, асл ҳолдан, ҳатто хабаринг ҳам йўқ. Аслида бу ҳаммаси қисмат ҳукмидир. Қазо ва тақдир айланиб турган осмоннинг йўлини ҳам адаштиради. Бу йўлда одимлаётган

одам, сен нотавонларнинг нотавонисан, бечораларнинг бечораси... Тегирмон тошининг айланишини кўрдинг, энди бу ёққа келиб тошни айлантирган сойни ҳам кўр!

ОЧКЎЗ ҚУШ

Бир қуш далага чиқди. У ерда тузоқ бор эди. Овчи ерга анча дон сочиб қўйган, ўзи беркиниб қулай пайтни пойларди. Ўлжага сездирмаслик учун танасини дарахт барглари ва шохлар билан ўраган эди.

Қуш унинг инсон эканлигини билмай, атрофида учиб айланди:

— Сен кимсан? Нега ям-яшил кийиниб, бу чуқурликда ваҳший ҳайвонлар орасида ўтирибсан, — деди.

— Мен бир зоҳидман, дунёдан умидимни уздим, бу ерда яшил майсага ҳам қаноат қиляпман. Ўзимга ёлғизликни танладим.

— Азизим, хилватда ўтирма. Аҳмаднинг динида зоҳидлик яхши эмас. Пайғамбар бу йўлни тақиқлади. Сен қандай қилиб бундай бидъатга берилдинг? — сўради қуш.

— Ақлсиз одам ақлли кишининг ёнида жонсиз тошга ўхшайди. Нон ташвиши билан яшайдиган одамнинг эшакдан фарқи йўқ. У билан кўришиб, сўзлашмоқ зоҳидликнинг ўзгинасидир.

— Сен ҳақсан. Аммо асл жанг тўғри йўлдан оздирувчиларга қарши олиб борилган жангдир. Арслон сифатига эга бўлган эр халқни ҳимоя қилиш ва муҳтожларга ёрдам бериш йўлига киради. Эрлик беркиниб ётганда эмас, душман билан тўқнашган пайтда билинади, — деди қуш.

— Ҳа, лекин инсонда куч-қувват бўлсагина, ёмонликка қарши тура олади. Куч-қувват бўлмагач, чекинмоқ тўғри йўлдир. Имкони етмайдиган ишдан қочмоқ ўринлидир, — деди овчи.

— Бирор ишга киришиш учун дилинг тўғри бўлиши керак. Дили тўғри бўлмаган инсоннинг дўсти ҳам бўлмайди. Сен яхши дўст бўлгин-у, беҳисоб дўст орттир. Аммо дўст бўлолмасанг, дўстсиз қоласан, кўмакчинг бўлмайди. Шайтон бўридир, сен эса Юсуфга ўхшайсан. Эй пок киши, асло Ёқуб эртагини унутма. Бўри ҳар сафар сурувдан ажралиб қолган ёлғиз қўзини ушлаб ейди.

Қуш яна шундай савол берди:

— Бу буғдойлар кимники?

— Васийси бўлмаган бир етимнинг омонати. Менга ишонганлари учун омонат қолдиришди.

— Мен жуда очман. Шу онда менга ўлакса ҳам ҳалол. Эй зоҳид ва муҳтарам зот, рухсат этсанг, мен шу буғдойдан есам, — деди қуш.

— Зарурат ҳақида ўзинг сўз очдинг. Лекин заруратинг, эҳтиёжинг бўлмаса ҳам есанг, гуноҳкор бўласан. Ҳатто, заруратинг бўлса ҳам нафсингни тия билсанг, бу сенга катта фойда келтиради. Модомики, емоқчи экансан, ҳақини тўла, — деди овчи.

Шу пайтда қуш нафсини жиловлай олмади. Буғдойдан еди, лекин тузоққа тушди. Қанча илтижолар қилди. Лекин бундай пайтда ёлвориш ва фарёдлар ёрдам бермайди.

Ўзини зоҳид деб таништирган овчи тузоқдаги қушга деди: —Эй, тузоғимдаги қуш, мадад сурагил. Чунки сенинг бу фарёдинг Басра хароб бўлмасдан қилинган фарёддир. Шоядки шу йиғи туфайли Басра омон қолса.

ТОБУТ ВА ТЕЛБА

Исломнинг шонли даврлари эди. Олам кўнгли ойдин авлиёлар ва пирлар билан тўла эди. Шундай кунларнинг бирида бир йигит вафот этди. Одамлар унинг тобутини олиб

кетишаётган эди. Эс-ҳушидан айрилган мажнунсифат бир одам узоқдан тобутни кўриб, сўради:

— Тобутдаги одам ким эди?

— У жуда бақувват, паҳлавон бир йигит эди, — деб жавоб беришди.

Телбанинг кўзларида ғалати бир нур порлаб, шундай деди:

— Ҳой соғлар, бу йигит кураги ерга тегмаган полвонлардан дейсиз. Аммо бу жигари куйган бечора бугун ким билан кўришишини билолмайди. Унга шундай кучли зарба беришади, шундай ерга ағдариб, қонига ғарқ қилишадики, асло ўрнидан туролмайди.

Телбанинг сўзлари халойиқни ҳайрат ва қўрқувга солди.

МАВЛОНО НАСИҲАТИ

Бир куни Амир Сулаймон Парвона Мавлонодан ўзига насиҳат айтишини сўради. Мавлоно бир зум ўйланиб:

— Амир Парвона, Қуръонни ёд олибсан деб эшитдим, тўғрими? — деди.

— Тўғри, — деб жавоб берди Амир.

— Шайх Садриддиндан ҳадис илмини ўрганганингни ҳам айтишди.

— Шундай.

— Модомики, Унинг пайғамбари сўзларини ўқиб туриб, у сўзлардан хулоса чиқармаган, бирор оят ёки ҳадисга амал қилмаган экансан, менинг насиҳатимни қандай тинглайсан ва амал қиласан? — деди Мавлоно. Парвона бу сўзларни эшитгач, кўзидан ёш тўкиб ташқарига отилди.

ГУНОҲНИНГ ДАВОСИ

Қалби оламни ёритган улуғ авлиё Боязид Бистомий ҳазратлари бир куни руҳи хасталарни даволайдиган маскан

ёнидан ўтаётган эди. Қараса, жиннилар бир табиб атрофига тўпланиб, ундан дардларига даво сўрашарди. Табиб ҳам жинниларни даволаш билан машғул эди. Замон авлиёси ундан сўради:

— Эй табиб, гуноҳкорлик касалига йўлиққанлар учун ҳам дори-дармонинг борми?

Табиб ўйланиб қолди. Ўша онда шу ердаги жиннилардан бирининг бақиргани эшитилди:

— Шу дарднинг давосини мен айтайми?

— Давоси нима экан? — сўради кароматлар соҳиби.

Жинни шундай деди:

— Тавба ўтини истиғфор япроғи билан аралаштирасан, кўнгил косасига қуйиб тавҳид тўқмоғи билан чиройли қилиб туясан. Сўнг инсоф элагидан ўтказиб кўзёши билан ҳамир қорасан. Ишқ оловида пиширасан. Ичига муҳаббат асалидан қуйиб, қаноат қошиғи билан эрталаб ва кечки пайт бир қошиқдан еб турасан.

Боязид Бистомий ҳазратлари юрагига ўқ теккандек титраб кетди. Шунчалик йиғладики, кўзёши соқолини ҳўл қилиб юборди.

ФАСОҲАТ ИЛМИНИ ЎРГАНГАН ОДАМ

Бир киши фасоҳат илмини ўрганишни мақсад қилди. Бу ниятини бир донишмандга айтган эди, у фасоҳат илми қоидаларини қоғозга ёзиб берди.

Кунларнинг бирида донишмандлар мажлиси ташкил этилди ва унда барча олимлар қатнашишди. Бу мажлисда фасоҳат илмини ўрганишга аҳд қилган ўша одам ҳам бор эди. У донишманд ёзиб берган қоидаларни ёд олган эди. Ёд олганларини тўти каби қайтариб, ўзининг нодонлигини

намойиш қилди. Мажлис аҳли унинг устидан кулди. У киши уялиб, мажлисни тарк этди.

ОЖИЗЛИК

Абдулфазл Ҳасан Яратганнинг содиқ қулларидан эди. Қалби пок, чеҳраси нурафшон бу зот умрини яратганнинг амрига бўйсуниб ўтказган эди. Умрининг сўнгги кунларида бир одам унга шундай савол берди:

— Эй, умрини яхшилик йўлида сарфлаган зот, вафотингдан кейин сени фалон жойга дафн этайликми?

Абдулфазл Ҳасан (р.а) аранг кўзларини очиб:

— Асло! У ер буюк зотлар, хайрли кишиларга муносиб. Мен кимманки, мозорим шундай жойда бўлса?! — деди.

Шунда унинг ҳузурида бўлган дўстлари:

— Эй, покдомон дўстимиз, сени қаерга дафн этайлик, ниятингни айт? — деб сўрашди.

Абулфазл Ҳасан ҳазин овозда жавоб берди:

— Қабримни шу тепадан қазинг. Менинг ўрним буюклар ёнида эмас. Ожизлар ва гуноҳкорларнинг ёнида. Қаерда ожизлик кўпроқ бўлса, ўша ерга раҳмат назари ҳам кўпроқ тушади. Мен ҳам барча бандалари каби ожизман, бошимни Ҳақнинг эшигига қўйиб кетяпман. Жон эса азалда бир ҳовуч тупроқдан иборат эди. Абадда ҳам бир ҳовуч тупроққа лойиқдир.

ТИЛГА КИРГАН ГЎДАК

Бу воқеа пайғамбаримиз замонидан анча олдин бўлиб ўтган. Ўша даврда бир подшо бўлиб, унинг бир сеҳргари бор эди. Сеҳргар бир куни:

— Подшоҳим, мен энди қариб қолдим. Менга бир шогирд берсангиз, унга ҳунаримни ўргатсам, — деди.

Подшо бир йигитни топиб, сеҳргарнинг ҳузурига жўнатди. Йигитнинг уйи билан сеҳргарнинг уйи орасида бир роҳиб яшар эди. Йигит йўлда у билан кўришиб, суҳбатлашиб қолди. Роҳибнинг сўзлари йигитга маъқул келиб, унинг динига кирди. Йигит роҳиб билан суҳбатлашиб ўтирган кезларида вақт қандай ўтганини билмас, шунинг учун сеҳргарнинг олдига ҳар сафар кечикиб борар эди. Сеҳргарнинг жаҳли чиқар, ғазаби келган пайтларда ҳатто йигитни урарди.

Йигит вазиятни роҳибга билдирди. Роҳиб "сеҳргар тазйиқ ўтказганида "уйдагилар рухсат бермади", оилангдагилар сўроққа тутса "сеҳргар қўйиб юбормади дегин", – деб маслаҳат берди. Шу тарзда орадан анча вақт ўтди. Бир куни йигитнинг олдидан йиртқич ҳайвон чиқиб қолди. Йигит эса "сеҳргар устунми ёки роҳибми, бугун билиб оламан", – деб ўйлади.

У бир тошни қўлга олиб: – Ё Тангрим, роҳибнинг иши сенга сеҳргарнинг ишидан кўра маъқулроқ бўлса, шу ҳайвонни ўлдир,– деди. Сўнг тошни отди ва ваҳший ҳайвон ўлди. Бўлган воқеани барча тафсилотлари билан роҳибга гапириб берди. Роҳиб:

– Бугун сен мендан кўра устун ҳолатдасан. Агар бирор офатга дуч келсанг, менинг исмимни айтма, – деди.

Йигит бир қанча бедаво дардларга даво топди, кўрларнинг кўзини очадиган даражага етди. Подшонинг кўзи ожиз бир дўсти у ҳақда эшитиб, катта туҳфалар билан ҳузурига келди.

– Кўзларимни очсанг, шу туҳфаларнинг бари сеники, – деди.

– Мен шифо бергувчи эмасман. Тангрига имон келтирсанг, мен ҳам сенга шифо беришини сўраб, Тангрига илтижо қиламан,– деди йигит.

Бемор дарҳол имон келтирди ва ўша ондаёқ кўзлари очилди. У севиниб подшонинг ёнига югурди.

Подшо сўради:

— Кўзларингни ким очди?

— Раббим, — деди у.

— Сенинг мендан бошқа Раббинг борми?

— Менинг Раббим ҳам, сенинг Раббинг ҳам Ҳақ таолодир.

Ҳукмдор ушбу сўзлардан дарғазаб бўлди. Бу сирнинг тагига етгунича, йигит ҳақида билиб олгунича дўстини қийноққа солди. Кейин йигитни дарҳол ҳузурига чақиртирди.

— Сеҳринг кўрларнинг кўзини очиш даражасига етибди, ҳамма беморларга шифо бераётган экансан, — деди подшо.

Йигит подшога:

— Мен ҳеч бир дардга шифо беролмайман, шифони Яратган беради, — деб жавоб қайтарди.

Подшо йигитни ҳам роҳибнинг исмини тилга олгунига қадар қийноққа солди. Сўнг роҳибни ҳам подшонинг ҳузурига келтиришди.

Подшо роҳибга:

— Дининдан қайт, — деди.

Роҳиб динидан қайтишни истамади. Подшо амри билан унинг бошини кесишди. Шундан сўнг подшо йигитга ҳам динидан қайтишини буюрди. Йигит ҳам бу таклифни кескин рад этди. Подшо уни мулозимларига топшириб:

— Уни фалон тоғга олиб бориб, энг баланд чўққига олиб чиқинг. Агар динидан қайтса, қўйиб юборинг, қайтмаса, пастга улоқтиринг, — деди.

Мулозимлар йўлга чиқишди. Қуёш оламни қиздирган бир кунда тинимсиз йўл юриб, оқшом чўкаётган пайтда тоғнинг энг баланд чўққисига чиқишга муваффақ бўлишди.

Ўша онда йигит шундай дуо қилди:

— Тангрим, ҳаммаси ўзингга осон, мени улардан ҳимоя қил.

Йигитнинг дуоси ижобат бўлиб, тоғ сурилди. Ундан бошқа ҳамма пастга думалаб кетди. Йигит соғ-омон орқага қайтди. Подшо ундан сўради:

– Сени олиб кетганларга нима бўлди?

Йигит жавоб берди:

– Тангрим мени улардан ҳимоя қилди.

Подшо уни яна мулозимларига топширди:

– Буни кемага олиб чиқинг. Денгизнинг ўртасига олиб бориб оёғига тош боғланг. Динидан қайтса, қўйиб юборинг, йўқса денгизга отинг, – деди.

Кемага чиқаётганларида, йигит одатича:

– Тангрим, мени улардан ўзинг ҳимоя қил, – дея илтижо қилди.

Кема сувга ғарқ бўлиб, йигитдан бошқа одамлар чўкиб кетишди. Йигит яна подшо ҳузурига қайтди.

Подшо ҳайрат билан сўради:

– Сен билан кетганларга нима бўлди?

– Тангрим мени улардан ҳимоя қилди. Буйруғимни бажармагунингча, мени ўлдиролмайсан, – деди йигит.

– Нимани истайсан? – сўради иложсиз қолган подшо.

Йигит шундай жавоб берди:

– Халқни катта майдонга тўплайсан, мени эса хурмо дарахтининг шохига осасан. Сўнг халтамдан ўқ олиб ёйнинг қоқ ўртасига жойлаштирасан. "Йигитнинг Рабби бўлган Яратган номи билан" деб менга отасан.

Ҳаммаси йигит айтганидек бўлди. Бутун халойиқ майдонга тўпланди. Тангри номи билан ўқ отилгач, йигит жон таслим қилди. Бунга гувоҳ бўлган халойиқ:

– Йигитнинг Раббига имон келтирдик, – деди.

Подшо:

– Дарҳол чуқур ҳандақ қазинг. Ичини оловга тўлдиринг. Ким динидан қайтмаса, оловга отинг, – деб буюрди. Ҳукмдор амри тезда бажарилди. Одамлар бирин-кетин ҳандаққа ташланди. Ниҳоят қўлида бола кўтарган бир аёлни ҳандақ четига келтирдилар. Аёл даҳшатли олов қаршисида қўрқувга тушиб, бир зум тўхтаб қолди.

Шу пайт қўлидаги гўдак тилга кириб, шундай деди:

– Онажон, сабр қил. Чунки сен ҳақ диндасан.

ПОДШОНИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

Бир подшо жомеъга кириб келди. Шу пайтда мулозимлари, подшо хавфсизлигига жавобгар қўриқчилари халқни саваламоқда эди. Таёқ кўтарган қўриқчилар бировнинг бошини ёрар, бошқасининг кўйлагини йиртар, шу тариқа подшога йўл очишарди.

Шу вазиятда бир йўқсил ҳам сабабсиз калтак еди. Қизил қонига бўялган ҳолда, алам билан подшога юзланди:

– Бу ошкора зулмни кўр, пинҳонидан сўз очма. Гўёки жомеъга келяпсан. Сенинг хайрли амалинг шу бўлса, ёмон амалинг қайси?

ҲАЗРАТИ ЗАЙНУЛОБИДИННИНГ НАМОЗИ

Пайғамбарлар пайғамбарининг муборак шажарасидан бўлмиш Имом Зайнулобидин ҳазратларининг қалби ҳикмат ва нур билан лиммо-лим эди. У ҳақиқат боғининг энг тоза гули, Аллоҳнинг содиқ ва севимли қули эди.

Бир куни буюк Имомнинг уйи ёнди. Оловнинг баландлиги осмонга етди.

Одамлар, “Ёнғин, ёнғин!” – дея бақиришар, Ҳақ меҳробига юз бурган Зайнулобидин ҳазратлари эса қимир этмасдан, жим ўтирарди.

Ниҳоят кўпчиликнинг ёрдами билан оловни ўчиришга эришдилар. Бу пайтда ҳамма Имомнинг уйида йиғилган эди. Кўзларда ҳайрат учқунлари ёнди. Зеро, Имом намоз ўқиётган эди. Чеҳраси худди гуллар билан безанган боғ ичида ўтирган

кишининг юзидек сокин эди. Салом бериб намозни тугатгач, ундан сурашди:

— Уйингизнинг бир қисми ёниб битди, наҳотки фарёд ва бақир-чақир овозларни эшитмаган бўлсангиз?

— Эшитдим, эшитдим, дўстларим. Лекин у дунёнинг олови бу ёқдаги оловнинг ҳаяжонини бостирди. Шунинг учун эътибор бермадим, — деб жавоб берди Имом.

ҲАЗРАТИ АЛИ (Р.А) ВА ПОП

Ҳазрати Али (р.а) қўшини билан жангга кетаётган эди. Қўшиннинг суви тугади. Ҳеч қаердан сув топа олишмади. Ниҳоят бир черковни кўриб қолиб, ўша томонга юришди. Етиб боргач, черковдагилардан сув сурашди.

Улар эса:

— Бу ердан 10 мил узоқликда сув бор, — дейишди.

Ҳазрати Али (р.а):

— У ёққа боришнинг ҳожати йўқ. шу ерни ковланг, — деди.

Одамлар у кўрсатган ерни ковладилар. У ердан катта тош чиқди. Кўп уринсалар-да, тошни жойидан қўзғата олишмади. Шунда Ҳазрати Али (р.а) келиб, муборак бармоқларини тошга теккиздилар. Тош худди пар каби кўтарилиб, остидан тоза, муздек сув отилиб чиқди. Аскарлар қувонч ва шукур билан сув ичишди, мешларини ҳам тўлдириб олишди. Черковнинг попи ва черковдагилар узоқдан уларни кузатиб туришарди. Бўлган воқеани кўриб, хурсанд ҳолда Ҳазрати Али (р.а) нинг ҳузурига келишди ва ундан сурашди:

— Сиз пайғамбармисиз?

— Йўқ, мен пайғамбар эмасман, лекин охирги пайғамбарнинг куёви ва халифасиман.

Поп дарҳол калимаи шаҳодатни айтиб, мусулмон бўлди ва шундай деди:

— Эй, мўминлар амири, аслида бу черковни қурган одамларнинг мақсади улкан тошни кўтара оладиган зотни кўриш бўлган. Бу ерда қачондир қудуқ борлиги китобларимизда ёзилган, ота-боболардан эшитганмиз. Қудуқ устидаги тошни фақат пайғамбар ёки унинг халифаси кўтара олади. Бу тошни сиз кўтарганингизни кўриб, узоқ йиллар кутган орзуйимизга эришдик.

Ҳазрати Али (р.а):

— Яратганга ҳамд бўлсин! — деди.

Роҳиб эса мамнуният билан қўшин сафига қўшилди.

РОБИЯ — ЯРАТГАННИНГ ҚУЛИ

Робия Адавийя бир оз улғайиб қолган пайтда ота-онаси вафот этишди. Ўша кезлари Басрада қаҳатчилик ва фавқулодда қимматчилик ҳукм сурар эди. Робиянинг опалари ҳам оламдан ўтишди. Ёлғиз ва кимсасиз қолган Робия бир золимнинг қўлига тушди. У одам қизни ўзига хизматкор қилиб олди. Кейинчалик олти кумуш танга эвазига бир чолга сотиб юборди. Робия чолнинг энг оғир юмушларини ҳам матонат билан бажаришга ҳаракат қиларди. У жуда қийин кунларни бошидан кечирди, чексиз заҳмат чекди, лекин дардини ҳеч кимга айтмади. Яратганнинг тақдирига рози бўлди, сабр қилди.

Бир куни рўпарасидан бир номаҳрам киши чиқиб қолди. Ундан қочиш учун тез югуриб кетаётганда, бехосдан йиқилиб тушиб, қўли синди. Дард ва алам билан Яратганга ёлворди:

— Ё Раббий, ғариб ва кимсасизман. Қул бўлганим етмагандай, қўлим ҳам синди. Лекин мен бу нарсалар учун хафа бўлмаяпман. Ниятим фақат менинг ризолигингга муяссар бўлиш. Афсуски, мендан рози бўлган-бўлмаганингни ҳам билмайман, — деди.

Шу пайт ғойибдан бир овоз эшитди:

— Хафа бўлма, сен охиратда ҳатто фаришталар ҳасад қиладиган мақомда бўласан.

Робия ҳожасининг уйига қайтди. У кундалик юмушларини бажарар, кечгача тик оёқда юрарди. Айни чоғда кундузлари рўза тутар, кечалари Яратганга ибодат қиларди.

Бир тун ҳожаси уйғониб кетди. Робиянинг хонасидан овоз эшитилар эди. У деразадан Робиянинг сажда қилаётганини кўрди. Қиз шундай дуо қиларди:

— Эй Раббим, менинг орзуим сенинг амрингга бўйсуниш эканлигини биласан. Саодатим эса сенинг ҳузурингда бўлмоқликдир. Агар имконим етса, бир сония ҳам сенга ибодат қилишдан тўхтамайман. Лекин уй соҳибининг юмушлари кўп. Унинг хизматидан ортиб сенга етарлича ибодат қила олмаяпман.

Уй соҳиби бу сўзларни эшитди. Шунингдек, у Робиянинг боши устида бир чироқ борлигини кўрди. Чироқ ҳеч нимага осилмасдан ҳавода муаллақ турарди. Хона эса шу чироқ шуъласидан чароғон бўлиб кетган эди. Уй соҳиби ҳайрат ичида қолди. Фақат бир нечта сўзни айта олди холос:

— Робия энди қул эмас.

У тонгга қадар ухлай олмади. Тонг отгач, дарҳол Робияни чақирди ва шундай деди:

— Сен энди озодсан, ўзинг истагандек яша. Агар шу ерда қолсанг, мен сенинг хизматингни қиламан.

— Мен кета қолай, — деди Робия.

Сўнг бу ердан кетиб, кичкина уйчага жойлашди.У вақтини ибодат билан ўтказар, бир кеча-кундуз ибодат қиларди. Робия кафанлигини доимо ёнида олиб юрар, намоз вақтида уни ёзиб, устида сажда қиларди. Ҳеч ким Робиянинг кафанликсиз юрганини кўрмади.

* * *

Шайх Занбилли Али розияллоҳу анҳу замонасининг энг буюк олимларидан эди. Уни ҳамма яхши кўрар ва ҳурмат қиларди. Унинг иштирокида тез-тез илм мажлислари ўтказиларди. У зотнинг ҳар бир суҳбати алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, тингловчиларнинг қалбини жўштирарди.

Ёз кунларининг бири эди. Ҳаво жуда иссиқ. Навбатдаги суҳбатларнинг бири эди. Сўз жонзотларга келиб тақалди. Шунда Ҳожанинг яқин дўстларидан бири савол берди:

– Ҳожам, сиз қайси қушни ёқтирасиз?

– Мен фақат қушларни эмас, ҳамма ҳайвонларни яхши кўраман.

– Ҳожам, инсонларни-чи?

– Инсонларни ҳам яхши кўраман, лекин ҳаммасини эмас. Ҳайвонларнинг ҳаммаси яхши кўришга лойиқ бўлганлари ҳолда одамларнинг ҳаммаси ҳам яхши кўришга лойиқ эмас. Баъзи одамлар ўз хатти-ҳаракати билан ҳайвондан ҳам тубандир.

– Яъни...

– Гап шундаки, инсонлар ҳайвонлардан устун яратилган, бироқ ҳайвонларнинг айрим инсонлардан устун тарафи шундаки, улар орасида мушриклар ва мункирлар йўқ!

ОБИД ВА ҲУКМДОР

Қадимда Исроил ўғилларидан бир обид бор эди. Кўнгли фақат илоҳий ишққа тўла эди. У бир масканга чекингач, ўзини ибодатга бағишлаган, шам каби ёниб тушган эди. Жонида тавҳид ифори бор эди. Ишқ Буроғига минган, абадият томон от сурарди.

Шу давр ҳукмдори бу обид ҳақида эшитди. Унинг қалбида обидга севги уйғонди. Бир куни хукумдор унинг ёнига бориб, суҳбатини тинглади. Кўнгли тамоман эриди. Шундай Ҳақ

йўлидаги одамдан ажралишни истамади. Уни ўз саройига олиб бориб, ой юзига тўйишни хоҳлади. Қалбида уйғонган бу орзуни обидга айтди.

— Сизни ўз саройимга ва ёнимга олишни хоҳлайман. Бу илтимосимни қабул қилиб, саройимни табаррук қиласизми?

Обид табассум қилди.

— Эй подшо, таклифингиз гўзал. Менга кўрсатган севги ва муҳаббатингизга ташаккур айтаман. Фақат мен подшо саройига борсам, тўсатдан бир кун ҳукмдор саройга кириб мени жорияси билан ёлғиз ҳолатда кўрса, нима дейди? — деди.

Ҳукмдорнинг жаҳли чиқиб кетди:

— Эй қора ниятли душман! Демак, сен ҳали менга шунчалар журъат билан гапиряпсанми?

Шунда обид:

— Эй ҳеч нарсадан бехабар одам, менинг карами кенг Раббим борки, кунда 70 та гуноҳ қилсам ҳам мендан дарғазаб бўлмайди ва мени ўз эшигидан қувмайди. Шу билан бирга ризқимни ҳам узмайди. Шундай экан, мени қандай қилиб шундай подшо эшигини ташлаб, ҳали гуноҳ ва исён қилмасимдан бурун мендан дарғазаб бўлган кимса эшигига келаман? — деди обид.

НАФСНИ ЎЗИНГ МАШҒУЛ ҚИЛҒИЛ

Бир куни Мансур Халложнинг хизматкори ҳожасидан насиҳат сўради. Шунда у зот айтдилар: “Нафсни қилиши керак бўлган иш билан машғул қил. Акс ҳолда, қилиниши керак бўлмаган иш билан у сени машғул қилиб қўяди”.

* * *

Сирожиддин Маставийҳон шундай ривоят қилади: “Бир куни ҳазрати Мавлоно бир илм мажлисида ўтирарди. У

йиғилганларга Мусо алайҳиссаломнинг ҳассаси ҳақида гапириб бердилар.

— Мусонинг ҳассаси сеҳргарларнинг етмиш туяга юк бўладиган уйдирмаларини Яратганнинг ёрдами билан йўққа чиқарди, — дедилар Мавлоно. — Унинг ҳассаси илонга айланиб, барча сеҳргарларнинг илонга айланган арқонлари ютиб юборди. Ҳасса ҳаммасини йўқ қилгани ҳолда на катталашди, на кичрайди. Буни ҳозир қандай ўхшатиш қилишга ҳайрон бўляпман.

Мавлоно шу аснода ҳазрати Валадга юзланди:

— Шуни сен изоҳла! — дедилар у зот.

Ҳазрати Валад бир оз ўйланиб туриб айтдилар:

— Бунинг муқояси шуки, бир кимсанинг катта саройи бўлса, қоронғи кечада шу саройга ёниб турган шам келтиришса, шамнинг ёруғи қоронғуликни шундай ютадики, қоронғиликдан асар ҳам қолмайди. Шунга қарамай, шам на кўпаяди, на камаяди.

Буни эшитган Мавлоно дарҳол ўрнидан туриб Султон Валадни қучоқлаб олди.

— Офарин, яхши изоҳладинг, олмасга сайқал бердинг гўё!

САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ ХУСУСИДА

Иброҳим ибн Дуҳадан шундай ривоят қилинади: “Чўлда Иброҳим ибн Шайбанинг ёнига боргандим. Менга шундай деди:

— Сени машғул қилиб қўядиган нарсаларни улоқтир.

Мен ҳамма нарсани отиб юбордим. Ёнимда фақат бир динор қолди.

— Уни ҳам отиб юбор, — дедилар.

Мен бир динорни ҳам отиб юбордим. У яна шундай деди:

— Ўзингни машғул қилма! Устингда сени қизиқтирган нарсаларни ҳам улоқтир!

Мен бир оз ўйланиб қолдим. Аммо ёнимдаги пойабзал боғичигача чиқариб отиб юбордим.

Шундан кейин ибн Шайб шундай деди:

— Яратганга садоқат билан амал қилганларнинг иши шундай бўлади.

ФАҚИРЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Абу Саид ибн Аҳмад ибн Исодан шундай ривоят қилинади: "Ўттиз йил фақирлар билан суҳбатлашдим. Мен асло уларга азият берадиган сўз айтмадим. Орамизда уларнинг нафратини қўзғатадиган ҳеч қандай иш бўлмади".

Шунда у зотдан сўрашди:

— Бунга қандай эришдингиз?

— Мен улар билан бирга бўлганимда доимо нафсимга қарши турдим. Уларнинг ёнига хурсанд ва меҳрибон бўлиб бордим. Уларга чиройли муомила қилдим. Ҳар сафар бирор сабаб топиб, совғалар олиб бордим, — дедилар.

НАМОЗ

Бир улуғ зот айтадилар: "Менга агар икки ракат намоз билан жаннат орасида танлаш ҳуқуқи берилса, намозни танлаган бўлардим. Чунки жаннат нафсимга хуш келувчи истакдир. Намоз эса Раббимнинг ризосига кўпроқ мосдир".

САЛОВАТНИНГ КАФФОРАТИ

Робия ул Адавиянинг отаси Исмоилнинг уч қизи бор эди. Тўртинчи қизи туғилганда исмини Робия қўйди. Ота жуда

камбағал бўлиб, Робия туғиладиган кунларда, бу рўзғорда ҳеч вақо йўқ эди. Бу ҳолатга онаси йиғлаб, эрига айтдики:

— Фалон қўшнидан озгина чироқ мойи сўрайсизми?

Робиянинг отаси бошқа ҳеч кимдан бирор нарса сўрамасликка аҳд қилган эди. Лекин аёлини хафа қилмаслик учун қўшниникига борди. Аммо унинг унинг эшигига бориб, эҳтиёжини сўрамасдан орқага қайтди.

— Эшикни очмади, — деди у.

Бундан хотини қаттиқ хафа бўлди.

Ўша кеча Исмоил тушида Пайғамбар алайҳиссаломни кўрдилар. Ул зот унга шундай деди: "Сира хафа бўлма! Туғилажак қизинг шундай аёл бўладики, умматимдан 70 минг одамга шафоат қилади. Эртага бир қоғозга: "Сен ҳар кеча Пайғамбаримизга юз саловати шариф, жума кечалари тўрт юз саловат айтардинг. Бу жума кечаси унутиб, саловат айтмадинг. Бунинг каффорати сифатида шу ёзувни сенга олиб келган одамга тўрт юз олтин бер", деб ёзиб, уни Басра волийси Исо Зоданга етказ", дедилар.

Робиянинг отаси уйғониб, Пайғамбарни тушида кўриш бахтидан йиғлаб юборди. Дарҳол ўрнидан туриб, айтилганларни бажарди. Сўнгра Исо Зоданинг олдига борди. Валий хатни олиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни тилга олганининг шукронаси учун минглаб олтинларни фақирларга садақа қилиб берди. Робиянинг отаси Исмоилга ҳам хатда ёзилганга қўшиб яна кўп олтин бериб, эҳтиёж сезса, яна келаверишини тайинлади.

Исмоил олтинларни олиб, керакли эҳтиёжларини таъминлади. Шундай қилиб, улар қизларига чиройли таълим-тарбия бериб вояга етказишди.

ИЛОҲИЙ ИРОДА

Асҳоби киромлардан Абдуллоҳ ибн Маъсуд розияллоҳу анҳу шундай ҳикоя қилади: “Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурида эдик. Тўсатдан бир зот пайдо бўлди. У Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қаршисига одоб билан келиб:

– Ё Расуллулоҳ, тўққиз кунлик йўлдан келяпман. Менинг уйқуларимни ўчирган икки масалани сизга арз қилиш учун кундузлари сувсиз, кечалари уйқусиз олти кундирки йўлдаман, – деди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан исмини сўрадилар.

– Зайд ул Хайл, – деб жавоб қилди у.

Оламлар сарвари:

– Зайд ул Хайр, мушкулотингни гапир-чи, эшитайлик, – дедилар.

Зайд эса назар тушган инсон билан, Унинг фазли ва раҳматидан бебаҳра қолган инсон сифати ва бу икки тоифа инсонларнинг аломати ҳақида сўради. Бу савол Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ёқди.

Шундан сўнг у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайддан шу пайтгача умрини қандай ўтказгани ҳақида гапириб беришини сўрадилар. Зайд эса яхшилик ва хайр аҳлини севишини, ўзи ҳам хайрли амалларни яхши кўришини, хайр ва ҳасанотлардан бебаҳра қолса хафа бўлишини, солиҳ амал қилса севиниб кетишини айтди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

– Эй Зайд, Яратганнинг яхши кўришини кўрсатувчи аломатлар мана шулардир.

Зайд ул Хайр бу жавобни эшитиши билан дарҳол ортига қайтиб кетди.

БУЮКЛАРНИНГ ДЎСТЛИГИ

Бир куни бир яҳудий Шамсиддин Табризийнинг олдига келиб:

— Эй Шамс, Мавлоно келяпти, — деди.

Шамс бу хушхабарни эшитиб, қўлидаги бор нарсасини унга ҳадя қилиб юборди.

Бир оздан кейин бошқа бир одам келиб:

— Яҳудий сени алдади. У сенинг ҳимматингдан фойдаланиб қолмоқчи эди. У ниятига етди. Мана, Мавлонони ҳам кўрмадинг, мол-мулкингдан ҳам ажралдинг, — деди.

Шунда Шамсиддин Табризий ҳазратлари айтдиларки:

— Биласанми, мени мол-мулкимни шу сўзнинг ёлғонига бердим, ростига эса жонимни бераман!

ХАЗИНА ТОПГАН ОДАМ

Бир одам кимсасиз бир ердан ўтаётиб, хазина топиб олди. Хазина шу қадар кўп эдики, у буни бир ўзи олиб кетолмаслигини англади. Ўзига ўзи айтдики: "Мен бу хазинани оз-оздан олиб кетсам, ҳам вақтим кетади, ҳам чарчайман, ҳам хазинани бутунлигича кўриш завқидан маҳрум бўламан. Яхшиси икки-уч нафар ҳаммол ёллайман". У шу хаёл билан ҳаммол ёллаб, хазинани ташишга тушди. Иш тугагач, уйига бориб қараса, хазинадан дарак йўқ. Чунки ҳаммоллар хазинани унинг уйига эмас, ўз уйига ташиб кетишган эди.

ҲАЖ ЙЎЛИДА ЎН ЙИЛ

Шақиқ Балхий раҳматуллоҳи алайҳ ҳикоя қилади: "Макка йўлида уриниб-суриниб кетаётган бир ногирон одамни кўрдим. Ундан:

– Қаердан келдинг? – деб сўрадим.

– Самарқанддан, – деди у.

– Қачондан бери йўлдасан?

У менга ўн йилдан кўп бўлганини айтди. Мен ҳайрат билан унга тикилдим.

– Эй Шақиқ, нега бундай қараяпсан?

– Мени жуда ҳайрон қолдирдинг, чунки сен ногирон ва ожизсан, йўл эса узоқ...

– Эй Шақиқ, йўлим узоқ, аммо Унга бўлган ишончим ва Унинг ишқи йўлимни яқин қилади. Вужудим заифлигига келсак, уни Эгам кўтаради. Сен буюк Тангрим олиб кетаётган ожиз қулга ҳайратланяпсанми? – деди".

ҚАЛБНИНГ БЕШ ДАВОСИ

Иброҳим Ҳавас раҳматуллоҳ алайҳ шундай деган эди: "Қалбнинг шифоси беш нарсадир:

1. Тафаккур қилиб Қуръони Карим ўқимоқ.
2. Кеча намозини тарк этмаслик.
3. Қалбни дунё билан боғлиқ ҳар нарсадан тозалаш.
4. Саҳар вақти Яратганга ёлвормоқ.
5. Яратганнинг дўстлари – солиҳ бандаларининг мажлисларида қатнашиб, улар билан суҳбатлашмоқ".

ИМОМ БАКИР РАҲМАТУЛЛОҲИ АЛАЙҲ ХРИСТИАН ПОПГА ҚАРШИ

Имом раҳматуллоҳи алайҳ шомда христиан жамоасига дуч келди. У зот жамоатнинг пешвосини кўриш ва мажлисида иштирок этиш учун уларга қўшилиб ўтириб олди. Бир оз вақт ўтиб христианлар пешвоси жамоат қошига келди ва одамлар орасида ўтирган Имомга кўзи тушди.

— Сен бизданмисан ёки Ислом умматимисан? — деди у. Имом раҳматуллоҳи алайҳ Ислом умматидан эканлигини айтди.

Шунда Поп сўради:

— У умматнинг олимлариданмисан ёки жоҳилларидан ми?

— Жоҳилларидан эмасман, — деб жавоб берди Имом.

— Сен ҳам жаннатга киришингни, у ерда еб-ичиб, аммо ҳожат қилмаслигингни иддао қиласанми?

— Ҳа.

— Бунга далил келтир!

— Ғўдак она қорнида онаси еб-ичган егуликлар билан ўсади, ривожланади, аммо ҳожат қилмайди.

— Бир соат борки, у на кечасига, на кундузига киради. Бу қайси вақт?

— Бу қуёшнинг чиқиш вақти. Биз бу саодатни кундузига, на кечасига қўшамиз. Бу вақтда беморлар ҳушига келади.

Поп бу жавоб қаршисида лол бўлиб қолди. Имом раҳматуллоҳи алайҳни ораларига қўшиб олган жамоат одамлари Попни мушкул аҳволда қолдирганликларидан ҳижолат бўлдилар.

СУЛТОН ОЛДИДАГИ ОДОБ

Бир куни Ислом донишмандларидан Али Даккак ҳазратларидан сўрашди:

— Машина ҳайдаб кетаётиб, намоз ўқиш масаласида нима дея оласиз?

У шундай жавоб берди:

— Тангри Таоло ҳузуридаги одоб Аёз Туркнинг Султон Маҳмуд Ғазнавий олдида сақлаган одобидан кам бўлмаслиги керак. Аёз — Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг қули эди. Бир куни у Султон хизматида эканлигида тўсатдан пойафзалининг учини қимирлатди. Султон Аёзнинг бу ишидан ҳайрон бўлди.

Шу пайтгача ундан ҳеч қандай беодоблик кўрмаган эди. Султон Аёзнинг узрли сабаб билан шундай қилганини сезди. Одамларидан бирига Аёзни кузатиб, вазиятни аниқлашини буюрди. Султоннинг одами Аёзни кузатди. Аёз бир хилватга кириб, оёқ-кийимини ечди. Ичидан бир чаён чиқди. Аёз пойабзали билан чаённи эзиб:

— Бугун мени Султон олдида беодоблик қилишга мажбур этдинг. Шу кунгача Султон ҳузурида одобсизлик қилмаган эдим, — деди.

Маъмур вазиятни Султонга билдирди. Аёз қайтиб келганида Султон:

— Эй Аёз, бугун нега беодоблик қилдинг? Оёғингни қимирлатдинг, тўғрими? — деб сўради.

Аёз узрли оҳангда жавоб берди:

— Айб қилмоқ хизматкор ва қулларнинг ишидир, кечириш эса султонлар мартабасидир.

— Чаён ҳикояси бизга етиб келди.

— Модомики, хабарингиз бор экан, гапириб берай. Салтанатингиз фуқароларидан бириман. Чаён оёғимни етти марта чақди, чидадим. Оёғимни қимирлатмадим. Саккизинчисида бардошим қолмади. Бармоқларимни қимирлатишга мажбур бўлдим, — деди Аёз.

Эй қардошим, диққат қил! Бир султоннинг олдида хизматкор кўрсатган одобга боқ!

Буюк Яратганнинг ҳузурида ибодат қилаётиб қандай одобсизликлар қилаётганларига бир қара!

Шунда бу ибодатларимиздан уялишимиз кераклигини, ҳатто умр бўйи ҳаё қилиб, бошимизни кўтара олмаслигимиз лозим эканлигини англаб етасан.

СЎФИЙ КИЙИМИ

Бир куни Бишри Хафий раҳматуллоҳи алайҳнинг олдига сўфийлар кийимига бурканган бир жамоат келди. Буни кўрган Бишри уларга деди:

– Эй жамоат, Яратгандан қўрқинг! Бу кийимни кийманг, чунки бундай кийиниш сизни бошқалардан ажратиб қўяди.

Сўфийларнинг ҳаммаси жим қолди. Фақат ораларидан бир йигит туриб шундай деди:

– Яратганга қасамки, биз шу кийимни киямиз, қасам ичаманки, шу кийимни киямиз. Токи инсонлар зоҳиримизга қараб ботинимиз манзарасини тасаввур эта билсинлар.

Бишри Хафий шундай деди:

– Қандай чиройли гапирдинг, офарин сенга, эй йигит. Фақат сенга ўхшаганларгина бу либосни кийишга ҳақлидирлар.

СУЛТОН МАҲМУДНИНГ КЎЗЛАРИ

Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ўлимидан юз йил ўтгач, Хуросон подшоларидан бири уни тушида кўрди. Қараса, Султоннинг бутун вужуди тупроққа айланиб бўлган. Фақат кўзлари омон бўлиб, айланар ва қараб турарди.

Туш таъбирчилари бунга изоҳ беришдан ожиз қолишибди. Фақат бир дарвеш подшо ҳузурига келиб шундай деди:

– Кўзларининг очиқ эканлиги ва қараб туришининг сабаби шудир: уни ҳасад тарк этмабди, ҳали ҳам мол-мулки кимлар қўлида эканига қизиқяпти.

ДУНЁНИ ТАРК ЭТ!

Гўзал исломий тариқатга кириб, замона шайхларидан бирига мурид бўлган янги дарвешнинг чўнтагида озгина пули бор эди. Мурид пули борлиги ҳақида шайхига айтмади. Шайх

эса унинг хатти-ҳаракатидан пули борлигини сезиб қолди, бироқ бу ҳақда сўз очмади.

Дарвеш пулини чўнтагида олиб юрар ва сир сақлар эди. Бир куни шайх муридини олиб сафарга чиқди. Анча вақт йўл юриб, зимистон водий қаршисидан чиқишди. Бу водийга кирувчи йўл иккига ажралган эди. Буни кўрган дарвеш ёнида пули борлиги учун роса қўрқиб кетди. Чунки пул инсонни тубанликка бошлашини тушунар, аммо овоз чиқариб айта олмас эди. У шайхига мулойим оҳангда деди:

— Эй шайхим, олдимизда икки йўл бор. Қайси бирини танлаганингизни айта оласизми?

Ёнидаги пул муридни қўрқувга солганини англаган шайх, жилмайиш билан, хотиржам жавоб берди:

— Сал аввал дунё моли билан бормоқчи бўлган йўлинг хато эди. Бу йўлни қўй! Уни тарк эт, елкангда қанча дунё моли бўлса, барчасини улоқтир. Зеро, улар бу йўлда ҳеч нарсага ярамайди. Агар улардан қутилсанг, олдимиздаги йўллардан қай бири тўғрилигини ўзинг ажратасан ва ундан бемалол юра биласан!

РОҲАТ ВА БАХТНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ

Бир подшо ажамлик қул билан кемага чиқди. Қул умрида денгизни кўрмаган, кемага ҳам илк бор чиқиши эди. Кема сафарининг ўзига яраша машаққатлари бор, уларга бардош бериш керак. Қул роса қийналиб кетди ва йиғлаб юборди. Вужуди дир-дир титради. Нима қилишса ҳам унга фойда бермади. Уни тинчлантиришга ҳаракат қилишди, аммо натижа бўлмади. Подшонинг кайфияти тушиб кетди. Ҳеч ким бу муаммони еча олмади. Кемада бир донишманд бор эди. У подшога шундай деди:

— Изн берсангиз, мен уни тинчлантираман.

— Марҳамат, — деди подшо.

Донишманд қулни денгизга улоқтиришларини буюрди. Қул бир неча марта сувга ботди, ҳар сафар сув юзасига қалқиб чиқди. Сўнг уни сочидан тортиб, кемага томон судрадилар. Қул икки қўли билан кеманинг орқасига осилди ва уни кемага чиқариб олишди. Қул кемада роҳатланиб ўтирди. У тинчиб қолган, аввалги хархашасидан асар ҳам йўқ эди. Подшо донишманднинг бу тадбирини маъқул кўрди ва ундан:

— Айтгин-чи, бу ишда қандай ҳикмат бор? — деб сўради.

Донишманд жавоб берди:

— Қул аввал ҳеч сувга чўкиб кўрмаганлиги учун кеманинг қадр-қимматини билмасди.

Шу каби ҳузур, бахт ва соғлиқнинг ҳам ўз қадр-қиммати бор. Роҳатда яшаган, бахтиёр бўлган одам бирор фалокатга учрамагунича, ўша роҳат-фароғатнинг қадрига етмайди. Инсон фарзанди хаста бўлмагунча соғлиқни қадрламайди.

ҲАЛОЛ ЙЎЛ БИЛАН ПУЛ ТОПМОҚ ХУСУСИДА

Имом Содиқ (р.а) Мусодиф исмли биродарига минг динор бериб, тижорат қилиши учун Мисрга жўнатди. Мусодиф бу пулга мол харид қилиб, Мисрга олиб келди. Йўлда Мисрдан келган карвонга қўшилди. Зарур истеъмол молларини олиб кетаётганини айтиб, Миср бозорларида бу моллар бор-йўқлигини сўради. Карвондагиларнинг сўзларидан ўзи олиб кетаётган моллар Миср бозорида камёблигини билди. Карвондаги савдогарлар молларини икки баробар фойдаси билан сотишга қарор қилишди ва бунга муяссар бўлишди. Қайтишда Мусодиф минг динорни фойдаси билан Имом Содиқ (р.а)нинг олдига олиб келди ва деди:

— Жоним сизга фидо, ҳаётимнинг бири ўзингиз берган сармоя, бошқаси фойдасидир.

Имом Содиқ (р.а) бунча кўп фойдани қандай топганини сўраганида Мусодиф воқеани гапириб берди. Молларни сотиш хусусида карвондаги бошқа савдогарлар билан қандай келишиб олганлари, олиб борган моллари Мисрда бўлмагани учун кўп фойда қолгани ҳақида сўзлади.

Имом Содиқ (р.а) ҳайрон қолди.

— СубҳонАллоҳ, Мисрдаги мусулмон қардошларимизга зарар келтиришини била туриб, шундай келишдингизми? — деди.

Сўнг олдидаги ҳамённинг биттасини олиб, Мусодифга:

— Фақат сенга берган сармояни қайтиб оламан. Бундай ноинсофлик билан топилган фойдани қабул қилмайман. Эй Мусодиф, билиб қўйки, ҳалол йўл билан пул топиш жуда қийиндир, — деди.

ҲАҚИҚИЙ СЕВГИ

Бир одам Шайх Нўъмоний ҳазратларининг ҳузурига келиб инграб юборди. Унинг аҳволини кўрган Шайх сўрадилар: "Эй одам, нега йиғлаяпсан? Бу йиғининг сабаби нима?"

Шайхнинг илиқ муомиласини кўрган одам шундай деди: "Муҳтарам Шайх, менинг бир муҳбубам бор эди. У оламдан кўз юмди. Мен ҳам ҳозир унинг дардидан ўляпман. Унинг мотами билан дунё кўзимга қоп-қора кўриняпти. Шу дард туфайли паришон бўлдим".

Бу одамнинг ғамгин сўзларни эшитган Шайх айтдилар: "Эй инсон, шунинг учун сен ўлмайдиган маҳбубни топ!"

ГЎРКОВ

Қадим замонда узоқ умр кечирган бир гўрков бўлган экан. У бир умр гўр қазиш билан яшаб ўтибди. Бир куни ундан

сўрабдилар: “Сен бир умр гўр қазидинг, шу йиллар давомида тупроқ остида ҳайратланарли бирор нарса кўрдингми?”

Кекса гўрков бир оз ўйланиб туриб шундай деди: “Ҳеч қандай ҳайратланарли нарса кўрмадим. Лекин мен сизга бир гап айтаман: нақ қирқ йилдан бери гўр қазийман. Мен ҳам, ит нафсим ҳам, ўлимни деярли ҳар куни кўриб яшадик. Аммо бу нафсимга эс кирмади. Бир зум ҳам Яратган амрига бўйсунмадим, буйруғига қулоқ солмадим”.

ТАБИБ БЕМОРМИ ЁКИ БЕМОР ТАБИБМИ?

Бир куни Шиблий раҳматуллоҳи алайҳ касал бўлиб қолибди. Буни эшитган халифа дарҳол унинг ҳузурига бир ғайридин табибни юборди. Табиб Шиблийни кўздан кечириб:

– Сенинг дардинг оғир. Мен касалингни ўз вужудимда ҳис қиляпман, – деди.

– Йўқ менинг дардим оғир эмас, – деди Шиблий.

– Қанақасига?

– Менинг дардим сен мусулмонликни қабул қилсанг, шу заҳоти шифо топади.

– Мен мусулмон бўлсам, сен тузаласанми?

– Албатта, тузаламан!

Бу гапни эшитган табиб дарҳол шаҳодат калимасини айтиб мусулмон бўлди. Шиблий раҳматуллоҳи алайҳ ҳам тез орада тузалиб кетди. Бу ҳодисани эшитган халифа йиғлаб: “Табибни бемор ёнига юбордим деб ўйлабман. Аслида беморни табиб олдига жўнатган эканман”, дедилар.

ХИЗР БИЛАН ДАРВЕШ

Юксак мақомга эришган бир дарвеш бор эди. Бир куни Хизр алайҳиссалом унга шундай деди:

— Эй камолотга эришган, ибодатларни бекаму кўст бажарган одам! Мен билан дўст бўласанми?

Бу гапга жавобан дарвеш деди:

— Мен сен билан дўст бўлолмайман. Сен узоқ умр кўриш учун бир неча марта оби-ҳаёт сувини ичгансан. Мен эса ҳар куни жонимни Яратганга қурбон қилиш орзуси билан яшайман. Жонсиз жонга рағбатим йўқ. Сен жонингни асраш, яшаш савдосидасан. Яхшиси шуки, қуш узоқдан тузоқни кўриб унга яқинлашмагани каби биз ҳам бир-биримиздан узоқроқ юрайлик.

ТИКУВЧИНИНГ ТАВБАСИ

Бир тикувчи Яратган дўстларидан бирига савол берди:

— Пайғамбаримизнинг "Яратган гуноҳкор қулининг тавбасини жони келишидан аввал қабул қилади", деган ҳадиси ҳақида нима дейсиз?

Яратганнинг дўсти саволга жавоб беришдан олдин ундан сўрадилар:

— Касбинг нима?

— Тикувчиман, кийим тикаман.

— Тикувчиликда энг осон нарса нима?

— Қайчини олиб матони кесмоқдир.

— Неча йилдан бери бу иш билан шуғулланасан?

— Ўттиз йилдан бери.

— Жонинг ғарғарага келганида мато кеса оласанми?

— Йўқ, кесолмайман.

— Бир муддат заҳмат чекиб ўрганганинг ва ўттиз йил осонгина қилган ишингни ўша пайтда қила олмасанг, умрингда ҳеч қилмаган тавбанги қанақасига қила оласан? Бугун кучинг борида тавба қил! У пайтда балки қила олмайсан! — дедилар.

ДУНЁВИЙ ҲАВАС

Исо алайҳиссалом бир сафарга чиққанларида у зотга бир яҳудий ҳамроҳ бўлибди. Улар йўлга чиқиш олдидан ўзлари учун егулик ҳам олишибди. Исо алайҳиссаломда иккита, яҳудийда эса учта нон бор экан. Яҳудий йўлда Исо алайҳиссаломга кўрсатмай, нонининг биттасини еб қўйибди. Ваҳоланки, Исо алайҳиссалом яҳудийда учта нон борлигини билар экан. Улар бир жойга етганларида:

– Сенда учта нон бор эди, биттаси қани? – дебди Исо алайҳиссалом.

– Менда иккита нон бор эди, – деб ёлғон гапирибди яҳудий.

Улар йўлда давом этибдилар. Бир пайт йўловчиларнинг олдидан мохов касалига чалинган бир одам чиқиб қолибди. Буни кўрган Исо алайҳиссалом ҳассаси билан беморга теккан экан, унинг аҳволи яхшиланибди. Яҳудий буни ўз кўзлари кўрибди.

Шунда Исо алайҳиссалом ундан: “Нонинг нечта эди?”, деб яна сўрабди. Яҳудий яна иккита эканини айтибди.

Улар йўлда бир суқир одамга дуч келишибди. Исо алайҳиссаломнинг шарофати билан унинг ҳам кўзлари очилибди.

Исо алайҳиссалом яна сўрабди: “Нечта нонинг бор эди?”

У яна иккита деб жавоб берибди. Шунча мўъжизани кўрса ҳам яҳудий имон клтирмай, ўз сўзида туриб олибди.

Улар йўлда давом этишибдилар. Бир жойга етганларида Исо алайҳиссалом бир дарахт соясида ётиб ухлаб қолибди. Буни қарангки, бу жойларнинг ҳукмдорининг бир бемор қизи бор экан. Ҳукмдор мамлакатига Исо алайҳиссалом келганини эшитиб уни қидиртираётган экан. Бир пайт Исо алайҳиссаломни ахтариб навкарлар келиб қолишибди.

– Сизларга ким керак? – деб сўрабди яҳудий.

— Бизларга Исо керак, уни ҳукмдорнинг қизини даволаш учун олиб кетишимиз керак, — дейишибди навкарлар.

Исо алайҳиссалом эса дарахт тагида донг қотиб ухлар эди. Буни кўрган яҳудийнинг кўнглига бир шумлик оралабди.

— Сизлар қидирган одам менман, — дебди яҳудий.

Навкарлар уни беморнинг ҳузурига олиб кетишибди. Ҳамма мўъжиза ҳассада бўлса керак, деб ўйлаган яҳудий, беморни ҳасса билан ура бошлабди. Аммо бундан натижа бўлмади. Аксинча, бемор ўлиб қолибди. Буни кўрган ҳукмдор яҳудийни ҳам дарҳол ўлимга ҳукм қилибди.

Шу пайт Исо алайҳиссалом уйқудан уйғониб, ҳассаси йўқолганини кўрибди. Қараса, яҳудийни дорга осишаётган эмиш.

— Бу менинг дўстим, уни қўйиб юборсангиз, Яратган изни билан вафот этган қизни тирилтираман, — дебди Исо алайҳиссалом.

Ҳазрати Исонинг таклифини қабул қилишибди. Исо алайҳиссалом ўликнинг бошига бориб: "Яратган изни билан ўрнингдан тур", дейиши билан қизалоқ ўрнидан туриб, касалликдан бутунлай фориғ бўлибди. Исо алайҳиссаломнинг бу мўъжизасини кўриб ҳам яҳудий имон келтирмабди.

Исо алайҳиссалом бу сафар тўғри гапирар деб ўйлаб: "Нечта нонинг бор эди?" деб сурабди. Аммо яҳудийдан яна иккита деган жавобни эшитибди.

Улар йўлда давом этибдилар. Бир пайт йўлдан беш бўлак олтин топиб олишибди. Шунда Исо алайҳиссалом: "Олтинни шундай тақсимлаймиз: кимнинг нони иккита бўлса, икки бўлак олтин олади. Агар учта бўлса, уч бўлак олади", дебдилар. Буни эшитган яҳудийнинг дарров фикри ўзгарибди.

— Ростини айтсам, менда учта нон бор эди. Биттасини сендан яшириб еб қўйгандим. Мен уч бўлак олишим керак, — дебди у.

Шундан кейин Исо алайҳиссалом ундан ҳафсаласи пир бўлиб, “Ма, олтиннинг бешталаси ҳам сенга бўла қолсин”, деб уни ташлаб кетибди.

Бир зумда шунча бойликка эга бўлган яҳудий севинчидан нима қиларини билмай эсанкираб қолибди. Аммо шу пайт унинг олдида икки киши пайдо бўлибди. Улар яҳудийнинг олдидаги олтинларни кўриб, ўзларига улуш талаб қилибдилар. Шундай яҳудий бир ҳийла қилмоқчи бўлибди.

– Мен уйга бориб, от келтирай, келгунимча шу ерда кутиб турингглар. Қайтиб келганимда бойликни бўлиб оламиз, – дебди у.

Уйга бориб, хотинига заҳарли бўғирсоқ пиширтириб, отда орқага қайтибди. У қайтиб келгунича, олтинга шерик бўлаётганлар яҳудийни ўлдиришга келишиб қўйибди ва келган заҳоти бу ишни амалга оширибди. Шундан кейин улар хурсанд бўлиб, олтинларни хуржунга жойлабди. Сўнгра яҳудий олиб келган бўғирсоқларни паққос туширибдилар ва ўзлари ҳам тил тортмай вафот этибди.

Орадан кунлар ўтиб, ортига қайтган Исо алайҳиссалом йўлда ўлиб ётган уч кишини кўриб, дунё неъматларига майл қилмагани учун Яратганга шукроналар келтирибди.

ХИЗМАТКОР ШАЙТОН

Шайтон хизматкор қиёфасига кириб, йигирма йил Жунайд Бағдодий ҳазратларининг хизматини қилган экан. Аммо бирор марта у зотнинг кўнглига васваса сололмабди.

Бир куни:

– Эй устоз, сиз менинг кимлигимни биласизми? – дебди.

– Сен лаънати Иблиссан, сени келган кунингдан бери танийман, – дебди Жунайд ҳазратлари.

— Сиз каби юксак даражага эришган яна бирор зотни билмайман. Йигирма йилдан бери сизни бирор ножўя ишга болай олмадим, — дебди шайтон.

— Даф бўл, маълун! Ҳозир менга ўзингни яхши кўрсатиш учун хушомад қиляпсан. Йигирма йилда қила олмаганингни йигирма сонияда қилмоқчимисан? Йўқол кўзимдан, — дебди у зот.

ФАҚИРНИНГ ИБРАТИ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар доимгидек илм мажлисида ўтирардилар. Шу пайт эски кийимда бир фақир киши кириб келди. У атрофга қараб, бўш жойлардан бирига бориб ўтирди. Фақир ўтирган жойда бир бой ҳам ўтирарди. У ёнига ўтиргач, бой киши кийимини йиғиштириб, ундан бир оз сурилиб ўтирди. Бу ҳолатни кузатиб турган Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бойга қараб шундай дедилар:

— Унинг фақирлигидан сенга бирор нарса юқади деб ўйладингми?

— Йўқ, ё Расулуллоҳ, — деб жавоб берди бой.

— Бойлигингдан унга бирор ҳисса ўтади деб қўрқдингми?

— Йўқ, ё Расулуллоҳ.

— Кийиминг кир бўлишидан қўрқдингми?

— Йўқ, ё Расулуллоҳ.

— У ҳолда нега ёнидан сурилдинг?

— Хато иш қилганимни тан оламан. Шу хато талафоти ва гуноҳимнинг каффорати сифатида бойлигимнинг ярмини шу одамга беришга тайёрман. Хато ҳаракат қилдим, ё Расуллулоҳ, — деб узр сўради бой.

Шунда фақир одам шундай деди:

— Лекин мен буни қабул қилмайман.

— Нега? — деб сўради йиғилганлар.

— Чунки бир куни мен ҳам ғурур ва кибр туфайли бирор мусулмон қардошимга бугун шу одам менга қилганидек ёмон ҳаракат қилиб қўйишдан қўрқаман, — деб жавоб берди фақир.

ҲАШАМАТЛИ КЕМА

Қадим ўтган замонда камбағал, уйсиз яшайдиган кўчманчи оиланинг икки нафар ўғли бўлган экан. Уларнинг ота-онаси ўспиринлик пайтида оламдан ўтибди. Ака-ука кўчманчиликни ташлаб шаҳарга йўл олибдилар. Шаҳар денгиз қирғоғида жойлашган эди, у ерни кезиб, ўзларига иш топибдилар. Аммо қилаётган юмушларидан мамнун эмас эдилар. Кейинчалик бошқа ишга қўл урибдилар. Катта ўғил денгиз тижорати билан қизиқа бошлабди. Укаси эса, шаҳарда қолиб, савдо-сотиқ билан шуғулланибди. Улар қийинчилик билан топган пулларини ўртага ташлаб, бўлишиб олибдилар. Орадан ой, йиллар ўтибди. Денгиз тижорати билан шуғулланувчи акаси шаҳардан шаҳарга қатнай бошлабди. Катта миқдорда пул тўплаб, кема сотиб олибди. Бир кун сафардан қайтиб келибди. Бандаргоҳдан тушар тушмас укасини қидирибди. Машҳур савдогар бўлиб танилган укасини қийинчиликсиз топибди. Унинг давлати шунчалар бисёр эканки, яшаш жойи қаср, кўргани иззат-ҳурмат экан. Ака-укасига бир оз ҳасад кўзи билан қараб, ўзича ўйлабди: “Укам бойиб кетиб, қасрлар қурдирибди, элнинг оғзига тушибди. Лекин сафарга чиққанида ёки борадиган жойида унинг бундай қасри борлигини ким ҳам билар эди. Мен кеманинг устига шундай қаср қурдирайки, борган еримда шундай қасри бор экан деб, кемага одамлар минсин”.

У дарҳол шаҳарнинг энг моҳир усталарини чақириб кеманинг устига қаср қуришларини буюрибди. Усталар эса, унинг фикрини маъқуллашмабди.

Катта ўғил сўзида қатъий туриб олибди. Усталар кема бундай катта юкни кўтара олмайди, деб қанча уринсалар ҳам

унга тушунтира олмабдилар. У эса, усталарнинг сўзларига қулоқ солмай ўз билганидан қолмабди.

Майли, гуноҳи бизга бўла қолсин, деб кема устига қаср қура бошлабдилар. Қисқа вақт ичида кеманинг устидаги қаср битибди. Иш тугар-тугамас кема хўжайини уфқларга назар солиб, шундай ҳашаматли кеманинг эгаси эканлигидан ғурурланиб, кема ишчиларига денгизга йўл олишни буюрибди. Кема эса қасрнинг оғирлигини кўтара олмай, биринчи шамолнинг ўзигаёқ бардош беролмай сувнинг тагига ғарқ бўлибди.

* * *

Баъзи кимсалар мўмай даромадни эгаси бўлгач, босар-тусарини билмай қолади. Ўзини бошқалардан устун қуя бошлайди. Бу унинг маънавий халокатидир. Халқимиздаги "кўрмаганнинг кўргани қурсин" мақоли бежизга айтилмаган.

МЕҲМОН ҲАҚИ

Кунлардан бир куни бир инсон ўлим жазосига маҳкум қилинадиган даражада айб иш қилибди. Бу одам бошқа айбдорлар билан қўлга олинибди. Улар бирма-бир сўроқ қилинибдилар. Навбат шу одамга келганда уни шу ўлканинг амири олдига олиб келишибди. Шунда амир: "Айбини бўйнига олган бўлса жазосини беринглар", деб буйруқ берибди. Соқчилар амирнинг буйруғини бажариб айбдорни амир олдида тиз чўктирибдилар. Жаллод ҳам тайёр экан. Шу пайт айбдор бор кучини йиғиб: "Эй амир! Пайғамбар номи билан менга бир қултум сув олиб келинглар. Кейин ўлдирсангиз ҳам майли", дебди. Амир ҳам айбдорнинг охирги тилагини бажо келтиришни буюрибди. Айбдорга сув олиб келишибди. Сувни ичиб, сўнгра амирга қараб шундай дебди: "Эй амир, Тангри сендан рози бўлсин. Умринг зиёда бўлсин.

Мен сизнинг ўлкангизда бир мусофирман, мени бир қултум сув билан меҳмон қилдинг. Мусулмон биродарингни ўлдиришни маъқул топсанг, буюргин мени ўлдирсинлар. Ёки айбимни кечира олсанг, айбимга иқрор бўлиб, бошқа бундай хато иш қилмасликка ваъда бераман", дебди.

Амир унинг бу сўзларини эшитиб жилмайибди ва шундай дебди: "Эй инсон! Меҳмон ҳақи улуғдир. Меҳмонга ҳурмат кўрсатиш керак. Модомики, шундай экан мен сени кечираман ва сени озод қиламан. Сен ҳам ўз ваъдангга содиқ қол ва бошқа бундай номаъқул ишлар қилмагин", деб мусофирни озод қилибди.

***

Меҳмон ҳақи улуғдир. Уларга нисбатан ҳурмат эътиборда бўлиш керак. Бундай инсонларга Тангри ҳам марҳамат кўрсатади.

ОДИЛ ВАЗИР

Қадим замонларда бир подшоҳ вазиридан қаттиқ жаҳли чиқиб, уни вазирлик лавозимидан олиб ташлабди. Унинг ўрнига сарой аёнларидан бошқа бирини вазир қилиб тайинлабди. Собиқ вазирига эса: "Сен билан яхши кунларни ҳам бошимиздан ўтказганмиз. Менинг хизматимни қилдинг. Буни унутиш ноинсофлик бўлар. Шунинг учун мендан истаган нарсангни сўра, мен бажо келтираман", дебди. Яхшиси мен сенга бир ер совға қилай, у ерда яшаб, уни обод қил дебди. Вазир эса: "Жуда ҳам олижанобсиз подшоҳим, лекин марҳамат қилиб, менга ташландиқ, вайрон бўлган бир қишлоқни берсангиз бош устига. У ерни обод қилиб, сизни дуо қилиб ўтай", дебди.

Подшоҳ собиқ вазирининг бу истагини қабул қилиб, унга ўзи ҳохлаганидек вайрона бир қишлоқни беринглар, деб амр қилибди. Сарой аёнлари ишга киришиб собиқ вазир истаганидек ер қидира бошлабдилар, аммо топа олмай яна подшох ҳузурига қайтибдилар ва шохга: "Эй олампаноҳ, мамлакатни айланиб, битта ҳам вайрон жой, қишлоқни топа олмадик", дебдилар.

Подшоҳ ҳам ҳайрон қолибди. Шу билан бирга, мамлакатда битта ҳам вайрон жой, қаровсиз ер бўлмаганидан севинибди ҳам. Сўнг "Вазир буни олдиндан билган бўлса керак, дарров ҳузуримга олиб келинглар" деб, собиқ вазирини чақиртирибди.

– Мамлакатда вайрон бўлган, қаровсиз қолган қишлоқ топилмади. Энди нима қиламиз? – деб собиқ вазирига мурожаат қилибди.

Шунда собиқ вазир:

– Эй олампаноҳ! Мен вазир бўлган пайтда ҳеч қандай қаровсиз қишлоқ қолмаганди, ҳаммаси обод эди. Ҳозир мулкнинг эгалигини мендан олиб қўйдингиз, энди шундай бир инсон қўлига топширингки, ундан ҳам тортиб олганингизда кўпайтирмаган, яхшиламаган бўлса ҳам, ҳечқиси йўқ, қандай бўлса шундайлигича қайтариб оласиз. Энди фармон сиздан, хизматингизга тайёрман, бош устига, – дебди.

Шунда подшоҳ катта хатога йўл қўйганини, шундай ақлли, билимдон, одил ҳамда ўз ишига содиқ инсонни ўзидан узоқлаштиргани учун афсусланибди. Дарҳол қилган хатосини тузатишга киришибди. Собиқ вазирни ўз ишига қайтариб, унга меҳри ортиб, ҳурмат-эътиборини янада кучайтирибди.

* * *

Яратган тўғри сўзлаган инсонни севади. Тўғриликни ўзига шиор қилган инсонга ҳар доим марҳамат кўрсатади.

БИР БЎЛАК ҲОЛВА

Ўз замонасининг машҳур билимдонларидан ҳисобланган Шибли бир кун масжидга борибди. Масжидда кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари бор экан. Шибли бир бурчакда ибодатини бажо келтирибди. Унинг диққатини ёнида ўтирган икки ёш бола тортибди. Уларнинг бири бой, иккинчиси фақир оиланинг фарзанди эканлиги усти бошидан ҳам маълум экан. Қоринлари оч қолган шекилли, ёнларидан халталарини олибдилар. Бой фарзандининг халтасида бир бўлак ҳолва, камбағал оила фарзандида эса бир бўлак қотган нон бор экан. Бой бола ҳолвани шундай иштаҳа билан ердики, шунда фақир оиланинг фарзанди унга: "Менга ҳам бир бўлак ҳолвангдан бер", дебди. Бой оила фарзанди: "Майли, бераман. Аммо бир шартим бор, менинг итим бўласан!", дебди. "Майли, сен айтгандек бўлақолсин", деб фақир оила фарзанди унинг шартига рози бўлибди. "Ундай бўлса, ит каби вовулласанг мен сенга ҳолва бераман", дебди. Ҳолва истаган бола ит каби ҳурар, унинг бу қилиғидан завқланган бой фарзанди эса унинг оғзига ҳолва бўлакларини соларкан. Бундай ҳаракат ҳолва тугагунича давом этибди.

Шибли ёш болаларнинг қилаётган хатти-ҳаракатидан кўзини қочирмабди. Ҳафа бўлиб кўзларига ёш олибди. Унинг бу ҳолатини кўрганлар: "Сизга нима бўлди, нега бунча хафа кўринасиз?" деб сурабдилар. Шибли эса: "Кўрмаяпсизларми, очкўзлик инсонни не куйларга солмаяпти? Шу бола қотган нонига қаноат қилганида эди, ит каби ҳурармиди?" деб жавоб қилган экан.

* * *

Туяни тепадан тушишга сабабчи бўладиган нарса: бир тутам ўтдир. Беҳудага фойда ортидан қувиш ҳалокатга олиб келиши муқаррардир.

ҚОВУН ПЎЧОҒИ

Қадим замонларда Хуросонда Махлап исмли бир инсон бор экан. У яхшиликлари билан танилган, улуғ инсон экан. Кунлардан бир кун Махлап бир қанча шогирдлари билан маҳаллада кетаётиб, тусатдан қовун пўчоғига сирпаниб йиқилиб тушибди. Дарҳол ўрнидан туриб, қинидан пичоғини чиқариб жаҳл билан қовун пўчоғини майда-майда бўлакларга бўлиб ташлабди. Шогирдлари ҳайрон бўлиб, "Эй устоз! Сиз буюк, ақлли, ҳамманинг ҳурматига сазовар инсонсиз. Лекин пичоқ билан қовун пўчоғини майдалаб бўлакларга бўлиш, сизга ярашадими?" деб сурабдилар.

Махлап эса: "Мен мана шу қовун пўчоғи туфайли йиқилиб тушдим. Оёғимдан чалган душман ҳам шу. Мен нима учун ундан ўчимни олмаслигим керак?" дебди. Шогирдлари нима дейишни билолмай ҳайрон бўлиб қолибдилар. Ҳеч кимнинг ақлига ҳа, душман пасткаш, хор тубан бўлса ҳам тубан кўриш керак эмас. Бир кун келиб уни қўлида ўзинг хор бўлишинг мумкин. Аммо ким биландир душман бўлиб қолсанг, ўзингни ундан устун билсанг ҳам, уни ёмонлама, барчанинг олдида изза қилма, қанчалик ожизсан деб таъналама, ҳақоратлама. Устунлигинг мақтаниш бўлмасин. Чунки худо сақласин, агар кун келиб душманинг сендан устун келса, сен учун уятли бўлади. Душманнинг олдида кучсиз, бечора, қисқаси қўлингдан ҳеч нарса келмайдиган вазиятда қоласан, хуллас, ҳамманинг олдида ёмон отлиқ бўлиб қоласан.

* * *

Душман устидан зинҳор кулмагин, ўзингни ундан устун тутма. Кун келиб, душманинг сендан устун бўлиб қолса, сендан ўч олишига қулай имкон бўлишини ҳам ёдингда тут.

ҚАНЧА ТАОМ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ КЕРАК?

Сосонийларнинг асосчиси Ардашер Бобохон кунлардан бир кун араб табибларидан бириа: “Бир кунда қанча миқдорда таом истеъмол қилиш керак?” деб сўраганида, Ҳаким унга: “Юз дирҳамчалик бўлади”, деган жавобни берибди.

Ардашер: “Юз дирҳамлик таом қувват берармикан?”дебди.

Ҳаким айтибдики: “Худди шу миқдордаги таом сени олиб юради, бундан ортиғини эса сен олиб юрасан”.

Яъни, ўзингга етарлича истеъмол қилсанг соғ юрасан, бундан ортиғини олиб юрсанг, сен таомга ҳаммол бўласан. Таом Аллоҳни эслаш ва яшаш учундир.

* * *

Таом яшаш ва Тангрини ёд олиш учундир. Соғ бўлиш учун етарлича таом истеъмол қилишимиз ва берган Тангрига шукур қилишимиз керак.

АҚЛЛИ СУЛТОН

Қадим замонларда Рай ҳудудида бир малика яшаб ўтган экан. Саида исмли бу малика дин-диёнатли, ақилли, доно, қобилятли эканлар.

Саиданинг умр йўлдоши вафот этганидан сўнг подшоҳ ўрнига кичкина шаҳзода тахтга чиқибди. Аммо у отасининг ўрнини боса олмабди, ўлкани бошқаролмабди. Унинг номи улуғ, супураси қуруқ экан. Чунки шаҳзода ўйин-кулгуга муккасидан кетган экан. Бундай аҳволни кўрган онаси Саида ишга ўзи киришибди. У Рай, Исфаҳон ва Кўҳистон ўлкаларини 30 йилга яқин идора қилибди. Ўлкани яхши бошқариб оёққа турғазибди.

Малика душманинг душманга раҳм-шафқат қилмаслигини ҳам яхши билар экан. Шу сабабли, у доимо ҳушёр бўлиб, душманларнинг ўлкага қадам босишларига йўл қўймас экан.

Давлатни бошқаруви пайтида Султон Маҳмуд Саидага элчи юборибди. Элчининг олиб келган хатида: "Бундан буён менга бўйсунасан, менинг номимдан пуллар бостирасан, ҳар йили солиқ тўлайсан. Рад этсанг ўлкангни босиб олиб, сени йўқ қиламан", деган мазмундаги сўзлар ёзилган экан. Саида мактуб келган элчидан мактубга шу мазмундаги жавобни қайтарибди: "Эй Султон Маҳмуд! Фахруддав умр йўлдошим ҳаётлигида сендан бунга ўхшаш хат келади деб қўрқардим. Ҳозир эса турмуш ўртоғим ўлди, ҳамма иш менинг бошимга тушди, бу ҳақида хавотирланмай қўйган эдим. Айтишларича, Султон Маҳмуд буюк ва ақлли подшоҳдир. У шунчалик шон-шуҳратга эга бўла туриб, бир ожиза аёл билан тенг келиши тўғри эмас. Аммо менга уруш эълон қилсанг, мен тайёрман. Уруш бўлса, икки томондан бирининг енгилиши аниқ. Агар мен ғалаба қозонсам, Султон Маҳмуддай подшоҳни енгган аёл бўламан. Агар сен ғалаба қилсанг, ким бўласан? Бир ожизани енгган шоҳ бўласанми?"

Элчи олиб келган жавоб мактубини ўқиган Султон Маҳмуд Саиданинг юртига юриш қилиш режасидан воз кечибди. Аммо Малика Саида пайтдан унумли фойдаланиб қолибди. У Султон Маҳмудни ғафлатда қолдириб, ўзи унинг юртига қўшин тортибди ва бу урушда ғалаба қозонибди.

* * *

Душманинг қанчалик кучсиз бўлса бўлсин, лекин сен бепарво бўлма, сергак бўл. Бундай душман бепарволигингдан фойдаланиб, заиф томонингни билиб, олиб сени оёқ ости қилади. Бунга йўл қўйма.

СУВГА ТАШЛАНГАН НОНЛАР

Қадим замонларда Боғдод шаҳрида Фотиҳ исмли бир бола яшаган экан. Эндигина мўйлаблари сабза урган бу ўспирин жуда ақилли ва тадбиркор экан. қисқа вақт ичида саройдан ўзига иш топибди. Ҳатто, Боғдод амирининг назарига тушибди. Амир бу болани қарамоғига олибди. Саройда яшай бошлабди. Фотиҳ жуда кўп нарсаларни ўрганибди. Амир уни ҳам ўз фарзандлари қаторида кўрибди. Бир қанча вақт ўтиб Фотиҳ сузишга қизиқиб қолибди. Амир бу истагини ҳам рад этмабди. Бу шининг усталарини чақириб Фотиҳга сузиш сирларини ўргатибди. қисқа вақт ичида Фотиҳ сузишни ўрганиб олибди. Ёш бола бўлгани учун ҳали ҳам яхши сузмас экан. ҳудди тажрибасиз чағалай сингари. Аммо у ўзини моҳир сузувчи деб билар экан. Кунлардан бир кун ёлғиз соҳилга келиб, кийимларини ечиб дарёга тушибди. Дарё шиддат билан оқарди. Сув Фотиҳни ўз домига торта бошлади. Фотиҳ соҳилга чиқиш учун ҳаракат қилибди, начора уддасидан чиқ олмабди. Холдан тойибди. Ортиқ сувга қарши чиқа олмайди, охири ўзини сувнинг оқимига ташлабди. Сув Фотиҳни ўз домига тортиб, шаҳардан узоқ-узоқларга олиб кетибди. Шу пайит денгиз бўйида ўсадиган бутанинг шохларини тутиб олишга мувофақ бўлибди. Аммо дарахтнинг нариги томони жарлик экан. Қанча урунса ҳам у ерга чиқа олмабди. Жарнинг пасида бир бўшлиқ ер бор экан. Бу ерга тушиб жойлашиб олибди. Аммо бу ер ташқаридан кўринмас экан. Бунинг охири нима бўлар экан деб ваҳимага тушиб, ёмон хаёлларга борибди. Сарой аёнлари болани соҳилда ўйнаб юрибди деб ўйлашибди. Аммо узоқдан назар ташласалар, болани кўрмабдилар. Келиб соҳилдан болани қидиришибди. Нима бўлганини, қаерга йўқолганини ҳеч тушуна олишмабди. Сувга чўкиб кетган деб ўйлашибди. Наилож, чорасиз саройга

қайтиб бу нохуш хабарни амирга етказишибди: “Фотиҳ сувга чўкиб ўлибди!”

Бу хабардан амир жуда хафа бўлибди. Етти кун йиғлаб, аза тутибди. Кейин шундай қарорга келибди: “Ҳеч бўлмаганда унинг жасадини топиш керак”.

Амир: “Ким Фотиҳнинг жасадини топиб олиб келса, унга минг олтин танга бераман”, дебди. Қайиқчи-ю ғаввослар денгизга йўл олибдилар. Қайиқчилардан бири синчковлик билан кузатиб Фотиҳни кўриб қолибди. Фотиҳ сув остидаги туйнукда соғ-омон ўтирарди. Буни ҳеч кимга айтмабди. Амирнинг ҳузурига бориб: “Эй амирим, сиз Фотиҳнинг ўлигини топганга минг тилло танга ваъда қилгандингиз. Фотиҳни тириклайн топганга нима берасиз?” дебди. “Беш минг тилло танга бераман”, дебди Амир. Қайиқчи дарҳол Фотиҳни сув остидаги туйнукдан олиб келиб, уни қандай топганини гапириб берибди. Амир Фотиҳни соғ-омон кўрганидан жуда севинибди. Ваъда қилган беш минг тилло тангани қайиқчига берибди. Кейин вазирга: “Дарҳол хазинага қара, уни тенг иккига бўл, ярмини садақа сифатида халққа тарқат”, деб буюрибди. Сўнгра: “Фотиҳга егулик олиб келинг, етти кундан бери туз тотгани йўқ” дебди. Фотиҳ эса: “Йўқ афандим, мен оч эмасман, қорним тўқ”, дебди. Амир ҳайрон бўлибди. “Сув билан инсоннинг қорни тўядими?” дебди. Бунга жавобан Фотиҳ: “Амирим, сувнинг ичидаги туйнукда ўтирган пайтимда ҳар куни дастурхонга ўхшаш тахта устида йигирматача тандир нон оқиб келарди. Оқиб ўтаётганда уларнинг бир нечтасини тутиб ердим. Шундай қилиб етти кун давомида шундай озиқландим”, дебди.

Амир Фотиҳнинг бу сўзларини эшитиб ажабланибди: “Ҳайронман, нонларни сувга ким ташлаши мумкин?” дебди. “Ким ташлаганини билмайману, лекин ҳар битта ноннинг устида “этикдўз Ҳасан Муҳаммад” деган ёзув бор эди”, дебди Фотиҳ. Амир: “Дарҳол жарчи юборинг, нонларни сувга

ташлаган ким бўлса ҳам олиб келинглар”, деб буйруқ берибди.

Жарчилар шаҳарнинг тўрт томонига бориб, Ҳасан Муҳаммадни топиб, Амир ҳузурига олиб келибдилар. “Мен этикдўз Ҳасан Муҳаммадман. Нонларни сувга мен ташлардим”, дебди.

“Нега бундай қиласан?” дебди амир.

“Мен оддий этикдўзман. Бир сафар бир нақл эшитгандим: “Яхшилик қил, сувга ташла, у бир кун келиб сени топади”. Бу сўзларни қанчалик тўғрилигини текшириб кўрмоқчи эдим”, дебди.

Амир: “Сен сувга отган яхшилигингнинг жавоби сенга яхшилик бўлиб қайтади”, деб Боғдодга яқин бир жойда қурилган ҳашаматли бир уйни этикдўзга совға қилибди. Этикдўз бундан жуда севинибди.

* * *

Қилинган ҳар қандай яхшилик жавобсиз қолмайди. Яхшилик қилган мукофотини бир кунмас бир кун албатта олади. Бу дунёда бўлмаса у дунёда олади.

ФИРИБГАРНИНГ ОМОНАТИ

Бир замонлар ўрта ҳол бир савдогар бўлган экан. Бир кун эрта саҳарлаб ҳаммомга бориш учун йўлга тушибди. Йўлда кетаётиб дўстини кўриб қолибди. Дўстини ҳам кел бирга борайлик деб таклиф қилибди. Дўсти эса: “Узр, сен билан бирга ҳаммомга боролмайман, жуда зарур ишим бор. Аммо сен билан ҳаммомгача йўлдош бўлишим мумкин”, дебди.

Улар биргаликда йўлга тушибдилар. Тонгда уйғонганлари учунми иккисининг ҳам кўзида уйқу бор экан. Суҳбатлашмасдан жимгина йўл кетаверибдилар. Савдогар олдинда, дўсти эса ортда борар эди. Ҳаммомга яқинлашгач,

дўсти ўз йўлига кетибди. Савдогар эса дўстининг кетганини пайқамабди ҳам. Шу пайт ногаҳон савдогарнинг ортидан бир фирибгар тушибди. Савдогар олдинда, фирибгар эса орқада бораверибдилар. Тасодифни қарангки, савдогарнинг ёнида юз тиллоси бор экан. Шунинг учун у "ҳаммомда ўғирлашлари мумкин" деган хаёлга бориб, ёнидаги олтинларини олиб фирибгарга узатибди-да: "Дўстим, мен ҳаммомдан чиққунча бу тиллолар сенга омонат", дебди.

Фирибгар ҳайрон бўлибди, аммо индамабди. Савдогар ҳаммомга кириб кетибди. Фирибгар эса тиллоларни олиб то савдогар ҳаммомдан чиққунича уни кутиб ўтирибди. Анча вақт ўтиб савдогар ҳаммомдан чиқибди. Қараса, бу атрофда дўсти йўқ. У ҳайрон бўлиб, дўстининг уйига жўнабди. Шунда савдогарнинг ортидан:

— Эй афандим, тўхтанг! — деган овоз эшитилибди.

Савдогар орқасига қайрилиб қараса, фирибгар турганмиш.

— Менга ташлаб кетган омонатингизни олмайсизми? Сизнинг омонатингиз деб мен бугун тирикчиликдан қолиб кетдим, — дебди у.

— Қанақа омонатни айтяпсан?

— Қанақа омонат бўларди, менга ташлаб кетган юз олтин тиллода.

Савдогар ҳайрон бўлибди.

— Йўғ-э, адашиб дўстим деб ўйлаб омонатимни сенга топширганмидим?

— Ҳа, менга берган эдингиз.

— Сен ўзи нима иш қиласан? — дебди савдогар.

— Мен бир фирибгарман, касбим инсонларни алдаш.

— Йўғ-э, сен фирибгармисан? Фирибгар бўлсанг, тиллоларимни олиб қочган бўлардинг, устига устак, дўстим деб ўйлаб омонатларимни сенга топширибман, нега олтинларимни олиб қочмадинг, нега мени кутиб ўтирибсан?

— Агар касбимни қилганимда сиз мендан бир тийин ҳам ололмас эдингиз. Аммо сиз менга тиллоларни омонат топшириб кетдингиз-ку! Омонатга хиёнат қилиб бўлмайди. Омонатга хиёнат эркакнинг иши эмас. Мен бир фирибгарман, кимни қачон, қандай алдашни ўзим яхши биламан.

Савдогар унинг бу гапларини эшитиб:

— Сен фирибгарсан, омонатга хиёнат қилмаслик касбингга бунга тўғри келмайди-ку! Тўғрисини айтсам, сенинг бу қилган ишингдан мен жуда ҳайратда қолдим. Омонатга хиёнат қилмадинг, олтинларни олиб қочмадинг. Бас, шундай экан, бу олтинларни сенга бераман. Ҳалол бўлсин! — дебдида, тиллоларини фирибгарга берибди.

* * *

Омонатга хиёнат қилиб бўлмайди. Омонат деб бизга топширилган нарсани асраш, унинг ўз мақсадларимизда фойдаланиш кечирилмас хатти-ҳаракатдир. Инсон олган омонатни қандай бўлса, шундайлигича қайтариш лозим.

ҲУНАРСИЗ ИНСОН — МЕВАСИЗ ДАРАХТ

Кайковус шундай деган экан: “Эй ўғил, буни ёдингда тут: агар оила қуриб, фарзандли бўлсанг, биринчи навбатда унга чиройли исм қўйгин. Иккинчиси, уни ақлли, мурувватли, билимли қилиб устиришинг керак. Катта бўлиб, вояга етганда унга яхши умр йўлдош топиб, оилали қилиб, вазифангни амалга оширишинг керак. Қуръони Каримни ўрганиб, уни ёд олсин.

Катта бўлиб, вояга етганда уни аскарлик санъатига ўргат. Бу санъатни пухта эгалласин, ҳар бир қуролдан фойдаланиш

сирларини ўргансин. Камон отиш, от миниш сирларини ўргансин. Бундан ташқари, сузишни ҳам ўргансин".

Кайковус буларни айтиб, ўзи бошидан ўтган бир воқеани айтиб берибди: "Ўн ёшли бола эдим. Саройда Абу Манзар Ҳожиб исмли юқори мартабали бир ходим бор эди. Бу одам ҳарбий маҳорат сирларини жуда яхши билар эди. Отам "ҳунарсиз одам мевасиз дарахтга ўхшайди", деб мени унинг қўлига топширдилар. Менга от минишни, қиличбозлик сирларини, камондан отиш, хуллас, эркак киши билиши лозим бўлган ишларнинг барчасини ўргатди...".

Энди буёғини ровийдан эшитинг: кунлардан бир кун Абу Манжар Хожиб подшоҳ ҳузурига келиб: "Султоним, ҳарбий санъат сирларининг барчасини шаҳзодага ўргатдим. Амр қилинг, эртага овга чиқайлик, шаҳзода ўрганган ҳарбий маҳоратини намойиш қилсин", дебди. Подшоҳ ҳам бу таклифга рози бўлибди.

Эртаси куни овга чиқибдилар. Кайковус устозларидан ўрганганларини маҳорат билан намойиш қилибди. Подшоҳ ҳам жуда мамнун бўлибди. Абу Манжар Хожибни мукофотлаб, шундай дебди:

— Эй устоз, ўғлимга нима ўргатган бўлсанг ҳам жуда яхши, сидқидилдан ўргатибсан. Аммо булардан бошқа яна муҳим ҳунар борки, бундан воқиф қилмабсан.

Устоз ҳайрон бўлиб:

— Султоним, у қандай ҳунарки мен билмасам? — дебди.

— Бу ҳунар сузиш санъатидир! Ўғлим қилич орқали душмандан қутилиши мумкин. Аммо сузишни билмаса, сувга чўкиб кетиши мумкин-ку!

Устоз тезда ишга киришиб, шахзода Кайковусга сузиш санъатини ўргатадиган эпчил, ўз ишининг моҳир устасини топиб келибди. Аммо шахзода бу ҳунарни унчалик ўрганишни хоҳламабди. Чунки сувдан қўрқар экан. Лекин хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам сузиш сирларини ўрганишга

мажбур экан. Уни моҳир сузувчи, яъни, кемачига топширибдилар. Охирида қийинчилик билан бўлса ҳам сузиш сирларини жуда яхши эгаллаб олибди.

Орадан йиллар ўтиб, Кайковус Ҳижоз томонга саёҳатга чиқибди. Шом йўлида Дажладан ўтиб, Мусулга етиб борибдилар. Мусул чегарасидан ўтиб кетаётганларида уларга қароқчилар ҳужум қилиб, бор-йўғини тортиб олибди. Шунда улар яна Мусулга қайтишга мажбур бўлибди. Буни қарангки, қайтишда улар денгиз йўли орқали келишга мажбур бўлибди. Чорасиз кемага минибдилар. Дажла устидан ўтиб, Боғдодга йўл олибдилар.

Денгизда жуда хатарли йўл бўлиб, у гирдобга тушган кемаларнинг омон қолиши амри маҳол экан. У ерни "оқбара" дейишар экан. У ердан фақатгина моҳир кемачигина соғ-омон ўтиши мумкин экан. Шаҳзода Кайковуснинг кетаётган кемаси у ерга етиб борибди. Кемада йўловчи кўп бўлиб, уни бошқара олмаган кемачи ва ундаги йўловчилар сувга ғарқ бўлибдилар. Кемадаги 23 йўловчидан фақат учтасигина омон қолибди. Улар зўрға соҳилга етиб олибдилар. Уларнинг орасида Кайковус ҳам бор экан. Бу фалокатдан қутилгани учун отасидан миннатдор бўлибди.

Ҳа, бу дунёда инсон бало-қазодан воқиф бўлмайди. Бошига қандай кулфатлар келишини олдиндан билмайди. Аммо унга ҳамиша ўрганган ҳунари ёрдамчи бўлади. Шундай экан, ҳеч иккиланмасдан, тортинмасдан ҳунар ўрганишга ҳаракат қилишимиз керак.

* * *

Ҳунарли инсон жамиятда ўз ўрнига эга бўлади.

Ҳунарсиз инсон эса мевасиз дарахтга ўхшайди.

НАСИҲАТГЎЙНИНГ ОҚИБАТИ

Қадим замонда Ганжа давлатида Фадлун исмли шоҳ бўлган экан. Шоҳнинг Дайлам исмли ақлли, зукко маслаҳатчиси бор экан. Шоҳ барча ишда унга суянар ва унинг маслаҳатисиз қарор қилмас экан. Аммо Дайлам ўта қаттиққўл экан. Бирор инсон айбли иш қилиб шоҳ фармони билан зиндонга тушса, Дайлам шоҳга шундай маслаҳат берар экан:

– Эй шоҳим, сенга бўйсунганга раҳм-шафқат қил, аксинча, сенга қарши борганларни аяма, ўлдирмай қўйма.

Шоҳ ҳам раҳмсиз маслаҳатчисининг фикрларини инобатга олиб, кўп инсонларнинг уволига қолибди.

Кунлардан бир кун хунук бир воқеа рўй бериб, Дайламнинг ўзи шоҳ олдида айбдор бўлиб зиндонга тушибди. Шоҳнинг хулқ-атворини яхши билган Дайлам ўртага одам қўйиб хабар жўнатибди. "Барча мол-мулким, бойлигимни берайин, фақат мени ўлдирманг", дейилган экан бу хабарда. Хабарни воситачидан эшитган шоҳ: "У менга бир пайтлар шундай деган эди: "Сенга қарши борган, бўйсунмаган инсонни соғ қўйма, уни ўлдир". Унга бориб айт: шу пайтгача унинг маслаҳатисиз иш кўрганим йўқ, бундан кейин ҳам уни охирига етказаман. Яъни, уни ўлимга маҳкум қиламан".

Ҳа, бировга чуқур қазисанг, ўзинг тушасан деб бежизга айтишмайди. Нимани эксанг, шуни ўрасан деганларидек, Дайламнинг ёмон ниятдаги насиҳатлари ўзининг бошига ҳам кулфат олиб келибди.

* * *

Инсон тарбиясизлиги, ақлсизлигидан шундай хато ишларга йўл қўядики, натижада ўз ёғига ўзи қоврилиб қолади.

ОЛАМНИ ЖОҲИЛ ИНСОН МАҚТАСА...

Бир олим киши илм билан машғул бўлиб ўтирарди. Бир одам салом бериб унинг ҳузурига кирибди. Салом аликдан кейин унга: "Эй илм аҳлининг устози, биласизми, бир инсон сиз ҳақингизда яхши гапларни айтиб, қаерга борса ўша ерда сиз қилган яхшиликлардан сўзлаб, сизни мақтаяпти", дебди.

Бу сўзларни эшитган олимнинг юзи ўзгариб, қайғуга ботиб, жуда хафа бўлибди. Хабар келтирган одам олимнинг юзидаги бу ўзгаришни кўриб ҳайрон бўлибди: "Эй илм аҳлининг устози, сизни хафа қиладиган бирон ножўя гап айтдимми? Нима сабабдан хафа бўлдингиз, қайғуга ботдингиз? Агар хатолик мендан ўтган бўлса, бир қошиқ қонимдан кечинг", дебди.

"Йўқ, йўқ, менинг кўнглимни оғритадиган хатолик сендан ўтмади. Гап шундаки, мени мақтаётган киши жоҳилдир. Менга бундан ортиқ хўрлик бўладими? Мен бир иш қилганманки, жоҳилга маъқул келиб мени мақтаяпти, кўкларга кўтараяпти. Демак, мен ҳам ҳали жоҳил эканман. Жоҳилларга маъқул иш қилибманки, жоҳилни жоҳил мақтаяпти", деб афсусланибди.

* * *

Жоҳил – илму ирфондан бебаҳра касдир.

КЎЗАДАГИ ТОШЛАР

Қадим замонда Бағдод шаҳрида бир тикувчи бўлган экан. Унинг кичик дўкони бўлиб, у ерда тиним билмай ишлар эканлар. Тикувчи дўконнинг деворига бир мих қоқиб, унга бир кўза илиб қўйибди. Тикувчи бирор кишининг оламдан ўтганини эшитса, шу кўзага битта тош солиб қўяркан.

Тикувчи йиллар давомида бу ишни амалга оширибди. Орачора қизиқиб: "Нега бундай қиласан?" деб сўраганларга,

“Шуни билки, туғилиш бор, ўлиш ҳам бор. Бу дунёга келганнинг қайтиш ҳам муқаррардир”, деб жавоб қайтарар экан.

Кунлардан бир кун тикувчининг дўконига бир харидор келибди. Қараса, тикувчи дўконида йўқ экан.

Келган киши ёнидаги дўкондан: “Кечирасиз, тикувчи қаерга кетганлигини айтолмайсизми?”, деб сурабди.

Дўкон эгаси: “Тикувчи ҳам кўзага тушди”, дебди.

* * *

Энг мушкул ишнинг ҳам чораси бор, лекин ўлимнинг чораси йўқ. Хоҳ бой бўлсин, хоҳ камбағал вақти-соати келган бўлса, инсонни фоний дунёдан олиб кетади. Чунки ўлим ҳақдир.

ОНА РИЗОСИ

Қадим замонларда Балх шаҳрида софдил, диндор одам бўлган экан. Бу инсоннинг Солиҳ исмли ўғли бўлиб, ҳақиқатдан ҳам исми жисмига монанд одобли, ростгўй ўспирин экан. Бир оз вақт ўтиб отасидан айрилган Солиҳ етим қолибди.

Кунлардан бир кун ибодат қилаётган Солиҳ: “Кеча кундуз қолдирмасдан ибодат қиламан. Менимча бу етарли эмас. Шу билан бирга илм эгалласам ҳам фойдали бўларди. Яхшиси бошқа ўлкага бориб илм ўрганаман” деган фикр хаёлидан ўтибди ва буни амалга ошириш учун онасига айтиб, ундан рухсат сурабди. Аммо онаси унга изн бермабди.

“Эй ўғлим кексаликда ёлғизлик қийин. Сен кетсанг мен ёлғиз қоламан, қийналаман”, дебди онаси.

Солиҳ эса: “Онам изн бермаяпти. Аммо менинг ниятим яхши-ку. Модомики ниятим яхшилик экан, онам рози бўлмаса ҳам бу ердан кетаман ва ўз мақсадимни амалга

ошираман” деб ўйлабди. Кунлардан бир кун она ризосини олмай Балхдан чиқиб кетибди. Боши оққан томонга йўл олибди. Йўл юриб чарчаб бир дарахтнинг соясида ўтириб

дам олибди. Шу пайт бир қуш келиб дарахтга қўнибди. ҳамда Солиҳнинг устига бажарибди. Бундан жаҳли чиққан Солиҳ қушга шундай жаҳл билан қарабдики, қуш ҳам дараҳтдан ерга тушиб жон берибди. Бир оз жаҳлдан тушган Солиҳ яна ўз йўлида давом этибди. Оқом пайти тунаш учун бир уйнинг эшигини тақиллатибди. Эшикни бир аёл очибди. Мусофирни ичкарига таклиф қилибди.

“Қорнингиз очган кўринади, бир оз сабр қилсангиз ҳозир таом тайёрлаб олиб келаман” дебди уй бекаси.

Ҳақиқатдан ҳам Солиҳнинг қорни жуда оч экан. Аёл ҳам бир оз куттириб қўйибди. Солиҳнинг қорни эса таталаб кетибди. Ва ниҳоят аёл таом олиб келибди. Солиҳ эса аёлга жаҳл билан қарабди. Унга қарши аёл ҳам қошини чимириб: “Эй Солиҳ! Ўша дарахт устидаги қуш сингари ғазаб билан мени ҳам ўлдирмоқчимисан? У қушга етган кучинг менга ҳам етади деб ўйлайсанми? Йўқ, бекорга уриняпсан. Бу ҳунар эмас. Ўрни келганда сенга бир маслаҳат берай, бажариш, яратиш бу асл ҳунар; йиқитиш, вайрон қилиш эса безорликдир”.

Унинг сўзларини эшитган Солиҳ аёлнинг бу каромати олдида ожиз қолибди. Дарҳол аёлдан узр сўрабди. Аёл қандай қилиб бу қобилиятга эга бўлганини билишни хоҳлаб тортинибгина аёлдан сўрабди: “Сир бўлмаса, буларга қандай эришгансиз?”

Аёл эса: “Онамнинг ризосини олганман, уни кўнглини шод қилдим. қудратли Яратган ҳам мени бу мартабага сазовор қилди. Агар онанг розилигини олиб бу ишга қўл урганингда эди, натижаси хайрли бўлган бўларди. Илм йўлида бундай машаққатларга дучор бўлмас эдинг”, дебди.

Бу сўзларни эшитган солиҳнинг юраги ғамга ботибди, афсусланибди. Ўзига-ўзи "Мен нима қилиб қўйдим", деб олдига тортиқ этилган таомни ҳам тановул қилмай, ўша заҳоти такрор ўз юртига қайтибди.

Ўша кундан эътиборан онаси розилигисиз бир ишга қўл урмабди. Онасининг кўнглини хушнуд қилиб, олган дуолари ижобати билан тез орада илм эгаси бўлибди. Шуҳрат қозониб элга танилибди.

* * *

Фарзандлар оналари олдида қарздорлар. Бу қарзларни адо этиш уларнинг бурчидир. Бежизга, жаннат оналаримиз оёғи остидадур деб айтилмайди.

ТАЪМАГИРНИНГ ЖАЗОСИ

Қадим замонда бир чўпон бўлган экан. Чўпон меҳнатсевар, ҳалол, ўз ишига содиқ, яхши хулқ-атвор эгаси экан. Бадавлат инсоннинг қўйларини боқарэкан. Оқшом тушганда қўйларни соғиб, сутини хўжайинига олиб борар экан.

Лекин чўпонни бир нарса қийнар экан. Қўйларнинг эгаси соғилган сутнинг тенг ярми миқдорида сув қўшиб чўпонга буларни сотишни буюрар экан. Лекин виждони қийналган чўпон бундай қилма, алдов билан узоққа боролмайсан. Сутга сув қўшиб сотмайлик, бунинг охири вой бўлиши мумкин дер экан. Лекин чўпоннинг сўзларини инобатга олмай, ҳатто жаҳли чиқиб сен ўз ишингни қил, бундай ишларга сенинг ақлинг етмайди деб дўқ урар экан хўжайини.

Чорасиз қолган чўпон ноилож сув қўшилган сутларни сотар, лекин виждони қийнарлар экан. Ҳар сафар шундай азоблар экан. Чўпон ҳар гал хўжайинини бу ишдан қайтаришга уринар экан.

Кунлардан бир кун хўжайинига сизга охирги маротаба айтяпман алдов билан яхшиликка эриша олмайсиз. Бунинг натижаси ёмон бўлади. Келинг, қилаётган шу ишингиздан воз кечинг дебди.

Хўжайин унинг бу гапларини ҳам инобатга олмай, билганидан қолмабди. Чўпон эса бу ҳақда бошқа сўз очмабди.

Ёз кунларининг бирида чўпон қўйларни сой бўйидаги ўтлоққа олиб борибди. ғўйлар мазза қилиб ўтлаб дам олиш учун дарахт тагига ётибдилар. Чўпон эса қўйларни кўра оладиган даражада бир оз тепаликка жойлашибди. Шу пайт ҳаво бирданига айнаб, осмон қоп-қора булутлар билан қоплпниб, кучли шамол кўтарилибди. Бирдан кучли шовқин эшитилибди. Чўпон жойидан туриб бу ниманинг шовқини, нима бўляпти ўзи деб сой томонга қараса шундай кучли сел келиб ҳамма қўйларни оқизиб кетибди. ҳеч бири омон қолмабди. Яхшиямки чўпон тепаликда экан, бўмаса у ҳам сувга ғарқ бўлар экан. Омон қолганига шукрона айтибди. Чорасиз қолган чўпон хўжайини олдига қуруқ қўл билан қайтибди. Бўлган воқеадан хабарсиз бўлган қўйларнинг эгаси чўпондан: “Сутлар қани, нега олиб келмадинг? дебди.

Чўпон эса: “Қўй бўлса сут олиб келаман-да”, деган жавобни берибди. Унинг жавобидан жаҳли чиққан хўжайини: “Кўп вайсама, қўйлар қаерда? Нима бўлди уларга?” деб дўқ урибди.

Чўпон эса: “Қўйлар оқиб кетди, сувга ғарқ бўлди. Сизга минг марта сутга сув қўшманг, алдовнинг оқибати ёмон бўлади. Сув қўшилган сутни сотмайлик деб ялинганман. Сиз бўлсангиз менга қулоқ солмадингиз. Гапларимни писанд қилмадингиз. Охир оқибат сутга қўшилган сувлар йиғилиб сел бўлиб қўйларни оқизиб кетди”, дебди.

Қўйларнинг эгаси нима қилишини билмай ҳайрон қолибди. Барча бойлигидан айрилибди. Анчагача ўзига кела олмай

умрининг охиригача ночор аҳволда қолибди. Очкўзлигидан, таъмагирлигидан қайғу-аламда кун кечирибди.

* * *

Алдовнинг оқибати ёмон бўлади. Ҳийла ишлатиб бошқаларни алдаган инсон охир оқибат азоб-уқубатларга мубтало бўлади. Алдаш яхшиликка олиб келмайди.

АРСЛОН ТЕРИСИГА ЎРАНГАН ЭШАК

Қадим замонлар бой бир савдогар яшаб ўтган экан. Орадан маълум бир вақт ўтиб савдогар касодга учрабди. Ҳамёнида бир чақа ҳам қолмабди. Бечоранинг бор-йуғи эшаги қолган экан, лекин у ҳам очликдан озиб-тўзиб кетибди. Тирик мурдага айланиб қолган эшак юк у ёқда турсин ўзини ҳам кўтара олмайдиган аҳволга тушибди. Бир куни савдогар эшагига қараб: "Бечора жонивор, очликдан ўладиган кўринади, уни бир ўтлоққа олиб бориб қўйсам балки жон кирар...", деб ўйлабди.

Айни баҳор мавсуми, майсалар униб ётган вақт экан. Савдогар эшакни ўтлаш учун яйловга қўйиб юборибди. Нима бўлганда ҳам эшак жуда озғин ва нимжон эди. Савдогар ваҳший ҳайвонлар эшакка зарар келтирмасин деб, эшакнинг устига уйидаги эски бир арслон терисини кийдириб, хавф-хатардан қўриган бўлибди. Уни «хих-хих»лаб яйловга ҳайдабди. Арслон терисига ўралган эшак ўтлай бошлабди. Узоқдан кўрган йиртқич ҳайвонлар, арслон деб ўйлаб ундан ҳуркиб қочишар экан. Эшак ҳам бемалол ўтлаб хоҳлаганича айланиб юрар экан. Қисқа вақт ичида жон кирган эшак эски аҳволига қайтибди. Кунлардан бир кун нимадир бўлиб бир шаҳарча ичига кирибди. Боғбонлар уни кўриши билан арслон келди деб ўйлаб, қўрқиб қоча бошлашибди. Баъзилари

дарахтга тирмалашишибди. Эшак эса у ердаги ўтларни иштаҳа билан ейишда давом этибди.

Шу пайт боғнинг ёнидан бир нечта эшак ўтиб кетаётган экан, бирданига ҳанграшни бошлашибди. Уни эшитган арслон терисини кийган эшак ҳам уларга жўр бўлибди. Бу ёқимсиз овоздан боғбонлар, боғга кирган арслон эмас, балки эшак эканини англаб етишибди. Дарахтдан тушиб эшакни тутиб олишибди ва ҳамон устидаги арслон терисини ечиб олишибди. Адабини бериб, роса ишлатишибди.

* * *

Инсон насл-насабини яширишга қанчалик ҳаракат қилмасин, маълум бир муддат буни уддасидан чиқиши мумкин, лекин бир кун келиб бир ножўя ҳаракати билан ким эканини ошкор қилиб қўяди.

МУШУК БИЛАН АРСЛОН

Ҳиндистон томонда сердарахт, ям-яшил ўтлар билан қопланган, ёввойи ҳайвонларга бой бир ўрмон бўлган экан. Кунлардан бир куни ана шу ўрмонга арслон келиб, ўзини бу бепоён ўрмоннинг қироли деб эълон қилибди. Атрофидаги барча йиртқич ҳайвонлар унинг хизматига ҳозиру нозир эканлар. Унинг хизматларини ўзлари учун амри вожиб билиб, унинг ҳимояси остида бехавотир яшар эканлар.

Шу тарзда орадан ойлар, йиллар ўтибди. Арслон ёшлигини, соғлиғини, тинчини йўқотибди. Кучга тўла ёшлиги, куч-қувватидан асар ҳам қолмабди. Кўзлари хиралашиб, тишлари ўтмаслашиб, дармонсизлигидан ҳатто олдига қўйилган таомни ҳам ея олмайдиган аҳволга келиб қолибди. Кечалари эснаса, оғзи очилиб қолар экан. Бундан фойдаланган атрофидаги сичқонлар унинг тишлари орасидаги қолдиқларини осонгина олиб ейиишар экан. Кекса арслон сичқонлардан кўрган

азиятлари етмагандек, оқшомлари ухлай олмай, уйғониб кетар экан. Ҳаттоки, арслон қаршилик кўрсатишга, уларни тутиб жазолашга ҳам ожиз экан.

Бир кун арслон вазири бўлмиш бўрига арз қилиб, ярамас сичқонлар уни қай аҳволга солганидан нолибди. Бўри:

— Эй зоти олийлари! Сизнинг бу аҳволингиз худди бир подшоҳ ва донишманднинг ҳикоясига ўхшайди, — дебди.

Шунда арслон:

— Қандай ҳикоя экан у? — деб сўрабди.

Шунда бўри ҳикоясини бошлабди.

—Ҳаддан зиёд кибрли, қаҳрли бир подшоҳ бўлган экан. Бир кун подшоҳ мажлис ўтказибди, донишмандларнинг даҳоси ҳам мажлис иштирокчиларидан бири экан. Жазирама ёз экан. Пашшалар подшоҳнинг жуда асабига тегибди. Бунга ортиқ чидай олмаган подшоҳ донишмандга қараб: "Жуда қизиқ, Аллоҳ бу пашшаларни нега яратган экан-а? Булардан ҳеч қандай фойда йўқ-ку, бунинг устига ифлос ва кир бўлса. Ҳамманинг асабига тегса...", — дебди. Донишманд буларга жавобан:

— Эй олампаноҳ! Ҳеч бир нарсани бекорга яратмаган. Бу пашшаларнинг яратилиш ҳикмати шундай: золим ва зулмкорларга аслида қанчалик ожиз эканликларини эслатишдир. Золимлар ва зулмкорлар қанчалик куч-қувватга эга бўлишларига қарамай бу кучсиз ҳашаротларга тенг кела ололмайдилар. Шундай экан улар Тангри таоло олдида ожизликларини ва ўзига муҳтож эканликларини эслатиб қўйишдир, — дебди. Донишманднинг бу ҳикояси подшоҳга маъқул келибди ва шундай хулоса чиқариб ўзига тасалли берибди. Бўри бу ҳикояни арслонга айтиб бериб:

— Подшоҳим, куч-қувватга эга бўлсангиз ҳам шу кичкинагина сичқонларга бас кела олмаяпсиз, — дебди. — Модомики, ҳар нарсанинг бир иложи бор. Зеро, яратган ҳар бир нарсада ҳикмат бордир. Бирининг қўлидан келган иш

бошқасининг қўлидан келмаслиги мумкин. Шунингдек, уйни товус патлари билан эмас, балки, супурги билан тозалай оламиз. Хуллас, сизнинг дардингизга шифо ҳам топилади. Яъни, нафақадаги эски дарбозабон бир мушук бор. Буюринг, шахсий қўриқчингиз этиб тайинлансин. Арслон бўрининг таклифини қабул қилибди.

Чапик исмли, яъни "чаққон" лақабли мушук арслоннинг қўриқчиси этиб тайинланибди. Чапик арслонга шундай дебди:

— Эй йиртқичлар шоҳи! Марҳаматингиз билан камина қулингизга қўриқчилик вазифасини бердингиз, бунинг учун сизга қанча миннатдорчилик билдирсам ҳам кам. Кўп йиллардан бери сизга хизмат қилдим, аммо бир марта бўлса ҳам илтифотингизга сазовор бўлолмадим. Ваҳоланки сиз билан бир наслданмиз, — дебди.

Арслон:

— Сен билан қандай қариндошлик алоқаларимиз бор? — деб сўрабди.

Чапик шундай дебди:

— Ҳазрати Нуҳ кемада кетаётганда, у ердаги сичқонларнинг ярамас қилмишларидан барча ҳайвонлар ожиз қолишибди. Ҳазрати Нуҳга шикоят қилишибди. Ҳазрати Нуҳ Яратганнинг амри билан арслоннинг бурнини сиққанда, бурнининг икки тешигидан иккита мушук чиқибди. Ана ўша икки мушук бизнинг ота-боболаримиздир. Улар кемадаги барча сичқонларни еб тугатишибди. Шундай қилиб кемадаги барча ҳайвонлар хотиржам бўлишибди. Шундай экан, камина қулингиз ҳам сизнинг ёнингизда бу ишни охирига етказсам, — дебди.

Ҳаммаси Чапик ўйлаганидек бўлибди. Чапикни кўрган сичқонлар даг-даг титрар, яшириниш учун тешик қидиришар эди. Бироқ Чапик сичқонларнинг биронтасини ҳам ўлдирмасди, фақатгина арслоннинг ёнига келишларига йўл

қўймасди. Арслон ҳам анчагина хотиржам бўлиб қолган эди. Чапикнинг обрў-эътибори ҳам кундан кунга ортиб борибди. Шундай қилиб Чапик ўз ўрнига эга хизматчилардан бири эди. Чапик кунлардан бир кун катта ўғлини арслоннинг ҳузурига олиб келибди ва арслонга:

— Эй зоти олийлари! Бу менинг катта ўғлим, фарзандимдир. Подшоҳларга хизмат қилиш йўл-йўриғини жуда яхши билади. Қўлидан келмаган ишнинг ўзи йўқ. Камина қулингиз, баъзан бошқа ишларга ҳам чалғишга мажбурман. Рухсат берсангиз, ўғлим менинг ўрнимга тан соқчингиз бўлса, — дебди.

Арслон Чапикнинг бу таклифини қабул қилибди. Бир кун Чапик ўз ўрнига ўғлини қўйиб:

— Қани ўғлим ўзингни кўрсат, эътиборли, сергак бўлгин! — дебди.

Ўша кечаси қаровулчилик қилган ўғли отасининг йўлини тутмабди. Кўзига кўринган биринчи сичқонни ўлдирибди. Тонггача битта ҳам сичқон қолмабди. Эртаси кун Чапик келиб не кўз билан кўрсинки, остонада бир тўплам ўлган сичқонлар ётарди.

Ғазабланган Чапик:

— Эй аҳмоқ, эй нодон! Менинг не-не машаққатларга чидаб умр бўйи эришган обрў-эътиборимни бир кечада чиппакка чиқардинг. Қадримни ер билан битта қилдинг. Аждодларимизга кўрсатилган қадрнинг сабабини биласанми? Сичқонларни бу ерлардан узоқ-узоқларга ҳайдагани бўлган. Энди сичқонлар ҳам йўқ, бизнинг ҳеч кимга керагимиз ҳам йўқ. Яратган жазойингни берсин, ҳаммасини барбод қилдинг!

Орадан бир неча кун ўтибди. Чапикнинг қўрққан, хавотир олган иши бошига тушибди. Арслон қараса, сичқонлар ортиқ уни безовта қилмаяпти. Бўри вазирини чақириб:

— Бу мушукни ишдан бўшатамиз. Энди унинг бизга кераги йўқ, чунки лавозимга қўйиш учун ҳам бирон сабаб бўлиши

керак. Кераксиз ўринга биронтасини лавозимга қўйиш, худди кўр одамга игна бергандек гап. Сичқон бўлмаган жойда мушукнинг ишлаши ҳам шу кабидир. Ваҳоланки, мушук авлоди қон тўкувчидир. Ҳисоб куни мен ҳам уларнинг тўккан қони учун жавоб бераман. Ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам уни ишдан бўшата қолай, – дебди.

Дарҳол Чапикни лавозимидан олибдилар. Чапик аввалгидек ишсиз кўчада қолибди. Ўғлининг бу ишини ҳеч қачон кечирмабди. Ўғли ҳам қилган ишидан пушаймон бўлибди. Афсуски, сўнгги пушаймон ўзингга душман... Бор имкониятни ҳам қўлдан бой берибдилар.

* * *

Қулай фурсат инсонга камдан-кам келади.

Шунинг учун ҳам қулай фурсатни қўлдан бой бермаслик, ундан унумли фойдаланиш керак. Зеро, сўнгги пушаймон инсоннинг ўзига душман бўлади.

ТЎҚУВЧИ

Бир замонлар Боғдод деган кўҳна шаҳарда тўқувчилик ва матога ишлов берувчи ҳунарманд бўлган экан. Ўз ишининг устаси бўлган бу тўқувчи, ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, даромадини кўпайтиришга уринар экан. Аммо уддасидан чиқа олмас экан. Унинг ҳалложлик билан шуғулланадиган бир дўсти бор экан. Бир кун унинг уйига меҳмонга борибди. Қарасаки, уйи тамоман саранжон-саришта. Бошқалардан ортиқ жойи бўлса борки, ҳеч кимдан кам жойи йўқ. Хонадони замонасининг энг шоҳона уйларидан экан.

Тўқувчи буларни кўриб жуда ҳайрон қолибди. Ўзига ўзи: “Мен подшоҳ ва зодагонларга хизмат қиламан, мато тўқийман, кашта соламан. Бу ҳаллож эса фақатгина жун ва

пахта титса ҳам ўта бой, менинг эса бирим икки бўлмайди. Бунинг ҳикмати нима экан, ажабо?” деб ўйга толибди. Шу ўй билан уйга келибди. Уйида ўтирса ҳам, хаёлидаги фикрлар унга тинчлик бермабди. Юрагини ҳам ҳавас, ҳам ҳасадга ўхшаш ташвиш эгаллабди. Уни паришонхотир кўрган аёли ёнига келиб, нимадан хафалигини суриштирибди. Тўқувчи шундай жавоб берибди:

– Нимасини айтасан аёл! Ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келдим. Мен бу шаҳардан бошқа юртга кўчиб кетмоқчиман. Бу шаҳарда ҳеч омадим келмади. Балки борган жойимда санъатимни кўпроқ қадрига етишар. Даромадим ҳам ортар. Ҳеч бўлмаганда қолган умримизни роҳат-фароғатда ўтказармиз. Донишмандлар айтганидек, “Тоққа чиқмасанг дўлана қайда”. Яна бир донишманд: “Инжу садафдан чиқмагунча қиймати билинмас”, деган экан, аёл.

Аёли тўқувчига айтибдики:

– Сенинг бу айтганларинг фақатгина хомхаёлдан иборат. Бу дунёда барчанинг ризқини Тангри таоло беради. Бандаси қаерга бормасин, қанчалик ҳаракат қилмасин, Яратганнинг буюрганидан ортиғини ололмайди. Уни ўзгартириш сенинг қўлингда эмас. Сен қаерга борсанг ҳам, қисматинг ҳеч қачон ўзгармайди. Энг яхшиси борига шукур қилиб яшашдир. Балх шоҳи Иброҳим Адҳам нега тожу тахтдан воз кечганини биласанми? Агар эшитган бўлсанг, бу бир ўгит, ўрнакдир.

– Йўқ эшитмаганман. Қанақа экан? Сен айт, мен тинглай.

Аёл ҳикояни бошлабди: “Балх шоҳи Иброҳим Адҳам бир кун овга чиқибди. Тушлик қилиш мақсадида бир ерга ўтирибди. Таом еб ўтирганида бир ари келиб, дастурхондаги нон ушоғидан олиб яна учиб кетибди. Иброҳим Адҳам арининг бу нон ушоғини нима қилишига қизиқибди ва арининг ортидан борибди. Ари дарахтнинг ковагига қўнибди. У ерда кўзи кўр бир чумчуқ яшар экан. Арининг визиллаганини эшитган чумчуқ оғзини очибди. Ари ҳам

дастурхондан олган нон ушоғини унинг оғзига солибди. Кейин учиб кетибди. Бу воқеага гувоҳ бўлган Иброҳим Адҳам Яратганнинг нималарга қодир эканига яна бир бор тан берибди. Кўп ўтмай бу дунё билан алоқани узиб, тарки дунё қилибди. Қолган умрини фақат яхшилик, эзгуликка бағишлашга қарор берибди. Кўрдингми ҳожам, ҳамманинг ризқини, ҳатто ўша қирдаги кўр чумчуқнинг ризқини ҳам олиб келиб оғзига солиб қўйган Яратган сизнинг ризқингизни бермайдими?".

Тўқувчи:

— Эй аёл, аслида гапингда жон бор. Таваккал қилиш гўзал фазилатлардан биридир. Аммо шуни ҳам унутмаки, ҳаракатда баракат дейдилар. Бу нарсаларга ақлинг етмайди. Арслон қанчалик қудратли бўлмасин, лекин занжирбанд ҳолатда ов қилолмайди. Югурмаган от ҳеч қачон улоқда ғолиб бўлолмайди. Мен йўлга чиқиш қароримдан воз кечмайман, — дебди.

Тўқувчи гапидан қайтмабди ва аёли билан хайрлашиб, йўлга отланибди. Йўл юрса ҳам мўл юрибди ва ниҳоят Нишопур шаҳрига етиб келибди. У ерда бир мунча вақт ишлабди ва кўнглидагидек даромад қилибди. Кейин ўзига: "Энди қирқ йил умр кечирсам ҳам, бу пулларга роҳат-фароғатда яшайман", дебди. Яна Нишопурдан Бағдодга қайтиш учун йўлга чиқибди. Хавфли йўлдан ўтишга тўғри келибди. Ярим кечаси уни уйқу тутиб, қаттиқ уйқуга кетибди. Тушида осмону фалакдан икки гўзал қуш ерга қўнибди. Бир-бирини танимаган бегоналардек бири иккинчисидан сўрабди:

— Сиз кимсиз?

Иккинчиси:

— Мен бу тўқувчининг меҳнат ва ғайратиман, — деб жавоб берибди.

—Ўзингиз ким бўласиз? — деб сўрабди иккинчиси.

Биринчиси:

— Мен ҳам бу тўқувчининг толеъи ва бахтиман. Ҳар бир банданинг ризқини беради, ҳамда энг хайрлисини беради. Кимгадир кўп, кимгадир кам. Шундай одамлар борки, уларнинг қалблари покдир. Мол-давлатлари ортган сари имонлари, яхшиликлари ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Яна шундай одамлар ҳам борки, қилган ишлари фақатгина ёмонликдир. Уларнинг мол-мулклари кўпайиб боргани сари кибрланиб бораверадилар. Бу одамга келсак, тақдири азал китобида дунё мол-мулкига эриша олмаслиги ёзилгандир, — дебди.

Қуш буларни айтиб бўлгандан кейин тўқувчига қараб:

— Эй тўқувчи шунча пулни олиб қаерга кетяпсан? Яратгандан келган ҳар ишни рад этиш, унинг ҳукмини кечиктиришга ҳеч кимнинг қудрати етмайди, — дебди.

Кейин тўқувчи пулларини қўйган ҳамёнини қўлига олибди ва бир одамни чақирибди. Шу онда одам пайдо бўлибди. Қуш қўлидаги пул солинган ҳалиги ҳамённи одамга узатиб:

— Ол шу ҳамённи, жўна! — дебди.

Бир зумда қушлар ҳам, одам ҳам кўздан ғойиб бўлибди...

Тўқувчи бу қўрқинчли тушдан чўчиб уйғониб кетибди. Дарҳол ҳамёнини яширган жойини қарабди. Афсуски, ҳамён жойида йўқ. Шунча йил ишлаб, пешона тери билан топган пулидан бир чақа ҳам қолмаган эди. Тушкунликка тушиб қолган тўқувчи ён-атрофини қидирибди. Аммо топа олмабди. Ўтириб уйга толибди ва ўзига ўзи: «Энди аёлимга ва таниган-билганларга нима деб жавоб бераман?” дебди. Арзигулик бир жавоб топа олмаган тўқувчи чорасиз қолибди. Ватани Бағдодга боришдан воз кечибди ва яна Нишопурга қайтибди.

Нишопурга қайтиши билан қаттиқ ишга киришибди. Бу сафар аввалгидек, ҳатто ундан ҳам ортиғи билан пул ишлабди.

Бағдодга қайтиш учун яна йўлга чиқибди. Йўлда тунаш учун тўхтабди. Тунда тушига яна ўша қушлар кирибди. Яна иккала

қуш одинги суҳбатларини такрорлашибди. Тўқувчининг толеъи ва бахти бўлган қуш, меҳнати ва ғайрати бўлган қушга:

— Эй гапга тушунмаган жонзод! Яратган тақдири азалда нима ёзган бўлса, ўша бўлади. Нега бекорга овора бўласан? Буни сенга аввал ҳам айтгандим. Нимага аҳмоқнинг ишини қиляпсан, тақдири азалга қарши иш тутасанми? — дебди.

Меҳнат ва ғайрат рамзи бўлган қуш шундай жавоб берибди:

— Айбга буюрма, эй толе ва бахт қуши! Бизнинг бўлганимиз шу. Меҳнатимиз ва унинг эвазига топганимиз қанчалик бекор кетса кетсин, биз билган йўлимиздан қолмаймиз. Агар ким бизга ишонса, мақсадига етказамиз. Агар бизга ёрдам берсанг нур устига аъло нур бўлар эди. Йўқса, бор будимиздан маҳрум бўламиз, лекин ишлаш азму қароримиздан воз кечмаймиз, — дебди.

Тўқувчи уйғониб қараса пуллари яна жойида йўқ. Шунда ўзига-ўзи: «Ҳақиқатдан ҳам тақдирдан қочиб қутилиб бўлмас экан. Пешонага ёзилганидан ортиғига уриниш ҳам бефойда экан. Тақдирга рози бўлишдан бошқа илож йўқ. Тамъани бир жойга қўйиб, қаноаткор бўлиш керак экан", — дебди.

Бу сафар нима бўлса ҳам йўлда давом этишга ва ватани Бағдодга қайтишга қарор қилибди.

Бағдодга бориши биланоқ, бошидан кечирганларини аёлига сўзлаб берибди. Аёли:

— Мен сизга буни бошданоқ айтгандим. Аммо сиз гапимга қулоқ солмадингиз. Кеч бўлса ҳам оқибатида не кўйларга тушиб, тушуниб етдингиз. Бу ҳам ҳаммага насиб қилавермайди. Шунинг ўзи ҳам оз нарса эмас. Бошингизга бир иш тушмасдан, соғ-саломат қайтганингизнинг ўзи кифоя, — дебди.

* * *

Керагидан ортиқча нарсаларни қўлга киритишга уринмаган, борига шукур қилиб, тамъа қилмаган инсон йўқчилик

нима эканини билмайди, ҳаётда қийинчиликка ҳам дучор бўлмайди.

ФАРРУХ БАХТ

Бобил шаҳрида бир подшоҳ бўлган экан. Унинг икки ўғли бўлиб, каттасининг исми Ҳумоюн Бахт, кичигиники эса Фаррух Бахт экан. Вақти қазоси етиб, подшоҳ ёруғ дунёдан кўз юмганда, тахтга катта ўғли Ҳумоюн Бахт ўтирибди. Мамлакатда адолат ўрнатиб, эл орасида "одил подшоҳ" номини олибди. Подшоҳ ўзини чин дилдан ҳурмат қилувчи иниси Фаррух Бахтни мамлакатнинг энг катта вилоятига ҳоким қилиб тайинлабди.

Бу икки оға-инининг бир-бирига бўлган иззат-ҳурмати таҳсинга сазовор экан. Оға-иниларнинг кичиги акасини ота ўрнида кўрар экан. Ҳумоюн Бахт ва Фаррух Бахт ўртасидаги самимий эҳтиром ва меҳрни кўрган қўшни ўлка подшоҳлари уларга ҳасад қилишар экан. Ҳасад ўти уларнинг юракларини ўртар, мамлакат бошқаруви шундай иноқ оға-инилар қўлида экан, бундай юртга бостириб кириш ва истаган нарсаларини қўлга киритиш мушкуллигини англашар экан. Улар қабиҳ мақсадларини амалга ошириш учун оға-инилар орасига нифоқ солиб, уларни бир-бирига душман қилиш пайида эканлар. Ғанимлар қулай фурсат топиб, ниятларига етишибди. Уларнинг фисқу фасодлари натижасида ака-уканинг ораси бузилибди. Ҳумоюн Бахт укасидан шубҳалана бошлабди. Кун сайин улар орасидаги муносабат ёмонлашибди. Оға инисини ранжитиб, унга тазйиқ ва зулм ўтказа бошлабди. Бу азият ва камситишларга ортиқ чидай олмаган Фаррух Бахт шоҳона либосларини дарвешлик либосига алмаштириб, бегона юртларга бош олиб кетибди.

У саҳрода бир дарвешга дуч келибди. Ўз дунёси ичида ўзига бир олам қурган бу одам «қулинг ҳам буш, кошонанинг

бурчаги ҳам бўш! сўзига амал қилар, бировга муҳтож эмасди. Яратган йўлида тарки дунё қилган одамлардан эди. Фаррух Бахт унинг лоқайдлигига ҳайрон қолибди. Унинг ёнига бориб, тавозеъ билан салом бериб, сурабди:

– Эй, саодатли дарвеш! Кимсасиз саҳрода ёлғиз ўзинг рақси самоъ билан бандсан? Бундай бахтиёрликнинг сабаби не? Бу дунёда нимага эришдингки, шунчалик хурсандсан?

Дарвеш унга қараб шундай жавоб берибди:

– Эй, йўловчи! Мен ушбу дамда шундай бебаҳо хазинага эгаманки, не-не Искандару Доролар унга эришиш йўлида жонларини фидо қилганлар. Бу абгор вужудимда шундай бир хазина ва кўнглим боғида шундай нафис бир гул борки, дунёнинг ишлари унинг олдида ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Мени қўй, ўзингдан сўзла. Жуда паришон кўринасан. Асло дунё ишларига чалғима! Тақдирнинг буюрганини ўзингга ҳамроҳ қил. Мени айтди дерсан, сен бахтли бўласан ва ҳар кунинг байрамдек ўтади.

Шаҳзода дарвешнинг қўлини ўпиб, ҳаққига дуо қилишини сурабди. Сўнгра биргаликда йўлда давом этибдилар. Йўлда бир йигитга дуч келибдилар. Йигит шаҳзоданинг олдига келиб ҳурмат билан қўлини ўпибди ва ундан ҳизматкорликка олишини сурабди. Ёш йигит:

– Мени Муборак Фол дейишади. Яратганнинг ожиз бир қулиман, – дебди.

Шаҳзода бу йигитни отасининг собиқ хизматкорларидан деб ўйлаб, уни қабул қилибди. Шунда дарвеш Фаррух Бахтга:

– Кўрдингми!? Яратган сенга йўлдош юборди. Йўлингда давом эт! – деб у билан хайрлашибди.

Фаррух Бахт ва Муборак Фол йўлларида давом этишибди. Бир сой бўйига етгач, дам олиш учун тўхтабдилар. Муборак Фол сайр қилиб юрган чоғда, шаҳзода сой бўйида ёлғиз қолибди. У сувга қараб, катта бир илоннинг қурбақани тутиб олганини кўрибди. Илоннинг оғзидаги қурбақа типирчилаб

фарёд қиларди. Шаҳзоданинг қурбақага раҳми келибди ва илонга ташланибди. Илон қўрқиб кетиб ўлжасини ташлаб юборибди. Омон қолган қурбақа сувга шўнғибди. Лекин илон кетмабди. Турган жойида шаҳзодага тикилиб тураверибди. Илон шаҳзодага гўё шундай дегандек бўлибди:

«Сен қурбақани ўлимдан қутқардинг, аммо мени оғзимдаги луқмамдан айирдинг. Мени оч қолдириб, зулм қилмадингми?»

Шаҳзода илоннинг ҳам оч қолишини хоҳламабди. Пичоғини қинидан чиқариб, ўзининг сонидан ўша қурбақа катталигида кесиб олиб, илоннинг олдига отибди. Илон гўштни олиб инига равона бўлибди. Ярмини ўзи еб, ярми билан шериги – урғочи илонни сийлабди. Ва шаҳзоданинг эзгу иши ҳақида урғочи илонга айтиб берибди. Бундан ҳайратга тушган урғочи илон:

– Одам фарзанди ҳам шундай сахий, мард бўлар эканми? Бўлиши мумкин эмас! Ахир одамлар номардликлари, хасисликлари билан ном чиқарганлар-ку, – дебди.

Эркак илон:

– Ҳақиқатдан ҳам уларнинг кўпчилиги бевафодир. Лекин одамлар орасида шундай эзгу ишларга қўл урадиганлар йўқ эмас. Улар мол-мулкларини биров билан баҳам кўриш у ёқда турсин, шу сахий йигит каби ўз вужуди эвазига фидокорлик қилишни ҳам арзимас хизмат деб ҳисоблашади, – дебди.

Урғочи илон:

– Модомики, бу сахий инсон сенга яхшилик қилган экан, сен ҳам унинг ҳузурига бориб хизматини қил, энди яхшилик қилиш навбати сенга, – дебди.

Аслида илон ҳам, қурбақа ҳам жинлар қавмидан экан. Иккаласининг орасида низо чиқиб, бир-бирини ўлдирмоқчи бўлишган экан. Қурбақа қиёфасидаги жин ҳам шаҳзоданинг мардлигига тан берибди. Иккаласи маслаҳатлашиб, инсон қиёфасида Фаррух Бахтнинг ҳузурига келибдилар. Илон қиёфасига кирган жин биринчи бўлиб гап бошлабди:

– Менинг исмим Холис.

Қурбақа қиёфасидаги жин эса:

– Меники эса Мухлис, – дебди.

Иккиси ҳам шаҳзодага: —Бизни ўз хизматингизга олинг,– деб илтимос қилибдилар. Фаррух Бахт буларни ҳам марҳум отасига содиқ одамлардан деб ўйлаб, қабул қилибди. Фаррух Бахт, Муборак Фол, Холис ва Мухлис йўлда давом этибдилар. Узоқ вақт саёҳатда бўлиб, кўплаб мамлакатларни кезиб, кунларнинг бирида ниҳоят Миср шаҳрига етиб келишибди.

Яратганнинг ҳикматини қарангки, ўша куни Миср подшоҳи учун энг қувончли кун экан. Шу куни подшоҳ шарафига тантана уюштирилар, одамлар ҳукмдор ҳузурида бор маҳоратларини намойиш қилишар экан.

Фаррух Бахт бир чеккада дўстлари билан тантанани кузатиб ўтирибди. Шу пайт подшоҳнинг кўзи беихтиёр Фаррух Бахтга тушибди. Уни анча кузатиб ўтиргач, ташқи кўриниши ва хатти-ҳаракатларидан олийнасаб бир хонадонга мансуб бўлса керак, деб ўйлабди. Лекин йигитнинг дарвешона уст-бошига қараб, масалани еча олмабди.

Подшоҳ уни ёнига чақиртириб, қаердан келганини сўрабди. Лекин Фаррух Бахт ҳақиқатни яшириб:

– Дунё кезиб юрган сайёҳлармиз, йўлимиз сизнинг юртингизга тушди, подшоҳи олам, – дебди.

Миср подшоҳига унинг гап-сўзлари, одоби жуда маъқул бўлибди. Унинг кетишига изн бермай, саройда олиб қолибди. Уй-жой инъом этиб, яхшигина маош ҳам тайинлабди. Кейинчалик мажлисларга ҳам таклиф эта бошлабди. Подшоҳ йигит билан суҳбатларидан завқ олар, унга бўлган ҳурмати ортиб борар экан. Кунлар кетидан кунлар ўтибди. Бир куни подшоҳ дарё бўйида сайр қилиб юраркан, бармоғидаги узукни сувга тушириб юборибди. Бу узук подшоҳ учун жуда қадрли экан. Дарҳол ғаввосни чақиришни буюрибди. Юзга яқин

ғаввослар келиб, қайта-қайта сувга шўнғибдилар. Аммо узукни топишга муваффақ бўла олмабдилар. Подшоҳ ва унинг ёнидагилар қаттиқ қайғуга ботиб, дарё бўйида узукни қидириш билан овора экан.

Воқеалар Фаррух Бахтнинг қулоғига етибди ва яқинларига сўзлаб берибди. Шунда Мухлис:

— Йўқ демасангиз, дарёга шўнғиб, узукни олиб чиқаман. Сиз эса султоннинг ҳузурига боринг, узукни топишингизни айтиб, ундан изн сўранг, — дебди.

Фаррух Бахт дарҳол подшоҳнинг ҳузурига борибди. Аввало, у подшоҳдан ҳол-аҳвол сўрабди. Ҳукмдорнинг кўнгли бир оз ёришгач, йўқолган узук ҳақида сўз бошлабди:

— Изн берсангиз, мен ҳам узугингизни топишга уриниб кўрмоқчи эдим, — дебди.

Подшоҳ бундан ғоят мамнун бўлиб, унга изн берибди. Фаррух Бахт уйига қайтиб, Мухлис билан бирга дарё бўйига йўл олибди. Мухлис сувга шўнғиб, қурбақа қиёфасига кирибди. Дарё тубида ярқираб турган узукни топибди.

Сув юзига чиқаркан яна инсон қиёфасига кирибди ва узукни Фаррух Бахтга топширибди. Ўзида йўқ хурсанд бўлган Фаррух Бахт узукни подшоҳга олиб борибди. Қадрли узугини топган подшоҳнинг хурсандчилигини таърифлашга тил ожиз экан. У Фаррух Бахтга бош-оёқ сарпо кийдирибди. У билан янада яқин дўст тутинибди. Йигитнинг мақоми, обрў-эътибори ошибди. Кунлар кетидан ойлар ўтибди. Миср подшоҳининг ҳусну латофатда беназир, соҳибжамол қизи бор экан. Бир куни боғда сайр қилиб юрганда, уни бир заҳарли илон чақибди. Дарҳол подшоҳга хабар берибдилар.

Бу воқеа подшоҳга жуда қаттиқ таъсир қилибди. Чунки малика унинг яккаю ёлғиз дилбанди экан. Кўзининг оқу қораси бўлган қизининг бошига тушган бу фалокатдан подшоҳ қаттиқ қайғуга ботибди.

Мамлакатдаги барча табибларни чақиртириб, маликани сақлаб қолишларини сурабди. Табиблар даволашнинг барча усулларини қуллаб курибдилар. Аммо ҳеч бирининг фойдаси булмабди.

Буни эшитган Холис Фаррух Бахтга:

—Дустим! Подшоҳнинг ҳузурига боринг ва мени шогирдим деб таништириб, маликани узим даволайман деб рухсат суранг. Мен эса бир дори тайёрлаб, беморни тузатаман, – дебди.

Фаррух Бахт Холиснинг айтганини қилиб, уни саройга олиб борибди. Подшоҳ уларга рухсат берибди ва Фаррух Бахтга:

– Агар қизимни тузата олсанг, қизим рози булса уни сенга бераман ва сени узимга куёв қиламан, – деб қасам ичибди.

Кейин эса Фаррух Бахт ва Холисни қизининг ёнига олиб борибди. Холис илон чаққан жойни оғзига тутиб, заҳарни суриб чиқариб ташлабди. Малика тез орада оёққа турибди. Қизининг тузалганини курган подшоҳ, вазирларини йиғибди. У ваъдасида туриб ҳамманинг куз унгида қизи билан Фаррух Бахтнинг туйларини эълон қилибди. Кейин барчага:

– Мен энди қариб қолдим.Ўғил фарзандим ҳам йуқ. Фаррух Бахтни тахт вориси, кейинчалик эса подшоҳ деб эълон қиламан, –дебди.

Аркони давлат ва халойиқ :

– Амрингиз биз учун вожибдир, – дейишибди.

Хуллас, Фаррух Бахтнинг ярим бахти тулин ойдек тулибди. Энг яқин дустлари Муборак Фол, Холис ва Мухлис уни биринчилардан булиб табриклашибди. Муборак Фол:

– Фаррух Бахт! Яратганга ҳамду санолар булсинки, сенинг бахт йулингни очиб, муроду мақсадларингга етдинг. Подшоҳлик йулинг ҳам очилди. Энди сендан бир илтимосим бор. Холис ва Мухлисга рухсат берсанг, юртларига бориб

қариндош-уруғлари билан учрашсинлар. Қачон хоҳласанг, яна ёнингга қайтишади, – дебди.

Фаррух Бахт:

– Эй, Муборак Фол! Бундай бемаъни гапларни гапирма. Бу икки дўстим менинг қийинчилик дамларимда ёнимда бўлиб, оғиримни енгил қилишди. Шу кунларга етганим учун улар олдида қарздорман. Энди уларни ёнимдан кетказа олмайман. Бунга виждоним йўл қўймайди, – дебди.

Муборак Фол қарасаки, Фаррух Бахтнинг уларга изн бериш нияти йўқ. Ноилож ҳақиқатни ошкор қилишга мажбур бўлибди:

– Эй, доно ва марҳаматли шаҳзодам! Эсингда бўлса, акангдан қочиб саҳрода юрган дамларингда сенга дуч келган дарвеш қиёфасидаги зот, ўз замонасининг энг буюк олимларидан, доноларидан бири эди. Сенинг софдиллигингни кўрган дарвеш, ҳаққингга дуо қилди. Буюк Тангри ҳам унинг дуоларини қабул қилиб, сени муроду мақсадингга етказди. Ёрдамга муҳтож дамларингда мени сенинг ёнингга йўллади. Мен сен билан ҳар доим бирга бўламан, ҳеч қачон айрилмайман. Энди мен каби отангнинг собиқ хизматкорларидан деб ўйлаганинг Холис ва Мухлисга келсак, улар ҳам аслида ким эканликларини ўзлари айтиб беришади.

Шаҳзода Холис ва Мухлисдан аслида ким эканликларини сўрабди. Холис шундай жавоб берибди:

– Эй, марҳаматли шаҳзодам, биз иккимиз ҳам жинмиз. Бундан анча йил аввал Мухлис билан тортишиб қолган эдик. Бир-биримиздан нафратланиб, ўлдириш пайида эдик. Лекин тенгсиз марҳаматинг билан бу ниятдан воз кечдик ва ҳузурингга отландик. Сенинг бахт толеъингни очиш учун инсон қиёфасида хизматингга кирдик. Ўшандан бери яқинларимизни курмадик. Рухсат берсанг, энди биз кетсак. Лекин сен қачон бизни кўришни хоҳласанг, ўша заҳоти чақир, ҳузурингда ҳозиру нозир бўламиз, – дебди.

Фаррух Бахт улардан кўрган яхшиликлари учун Тангри таолога яна бир бор ҳамду санолар айтибди. Ўзи истамаса-да, Холис ва Мухлисга рухсат берибди. Жинлар ўша заҳоти кўздан ғойиб бўлибди. Шаҳзода Холис ва Мухлисни тез-тез эслаб турибди. Улар билан бирга ўтказган дамларини ҳеч қачон унутмабди.

* * *

Ҳақиқий дўст, дўстининг яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам у билан бирга бўлган кишидир. Шунинг учун ҳам ҳақиқий дўст буюк неъмат ҳисобланади.

ШОҚОЛ БИЛАН ТОВУС

Бир шоқол шаҳар яқинига бориб, у ерни ўзига макон тутди. Оқшом тушиб, одамлар сийраклашиб қолганида, у шаҳар кўчалари ва бозорларни айланиб, суяк ва нон қолдиқлари билан қорнини тўйғизар эди. Кунлар бир зайилда ўтаверди.

Бир оқшом шоқол яна бозор айланишга чиқди. Насибасини излаб кетаётиб, бир дўконнинг эшиги қия очиқ қолганини кўриб қолди. Шоқол ичкарига кирди. Бу ер бўёқчининг устахонаси экан. Қоронғуда бирор егулик топарман деб дўконни остин-устин қилди. Тусатдан бўёқ идиши ичига тушиб кетди. Нима бўлаётганини англамаган шоқол, бир амаллаб идишдан чиқиб, бошқа бир идишнинг ичига тушиб қолди. Дўкон эшигига етиб олгунича бечора шоқолнинг тушиб чиқмаган бўёқ идиши қолмади. Минг турли рангга бўялиб, ажойиб кўринишга кирди.

Эртаси куни ўз маконига борса, атрофидаги ҳайвонлар уни кўриб кўзларига ишонишмади. Барча ҳайвонлар “бу қандай жонивор экан”, деб ҳайратга тушишди. Улар аста-секин бу ғаройиб жониворга ҳурмат-эътибор билан қарай бошладилар.

Шоқол қараса, ҳайвонларнинг ҳеч бири уни танимай, унга иззат-ҳурмат билан муомала қилаяпти. Бундай муносабатдан

ҳаволанган шоқол, вазиятдан фойдаланиш йўлига ўтди. Ундан ким эканини ва насл-насабини сўраб-суриштирганларга:

— Мени аълолар аълоси товус дейишади! Улуғ бир сулола вакилиман, — деди.

Ҳамма ҳайвонлар у билан қизиқиб қолишди. У ўзига янада кўпроқ бино қўя бошлади. Ҳар ким билан гаплашмайдиган одат чиқарди. Ҳаттоки, қариндошлари билан ҳам алоқани узди. Шундай қилиб, кибру ҳавода ундан ўтадиган ҳайвон қолмади. Ҳамма ҳайвонлар унга итоат қилиб, ҳар қандай ишни унинг маслаҳати билан бажарадиган бўлишди. Хуллас, шоқолнинг айтгани айтган, дегани деган бўлди.

У ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш учун арслон, қоплон, бўри, сиртлон ва айиқ каби ҳайвонларни ўзига ёрдамчи қилиб тайинлади. Ҳаммага вазифаларни тақсимлаб берди. Шунга қарамай, баъзи ҳайвонлар унинг қаердан келгани, ким эканлиги билан қизиқар, насл-насабини сўраб-суриштиришни тўхтатишмас эди. Айниқса, арслонлар ҳокимиятни қўлдан чиқарганликлари учун жуда хафа бўлиб, янги ҳукмдорнинг уруғ-аймоғини сўраб-суриштиришар эди. Аммо шоқол ҳам анойи эмас эди. У арслонларга сир бой бермасдан, жуда зийраклик билан иш кўрди. Шу тарзда анча вақт ўтиб кетди. Кунлардан бир кун шоқол одатдагидек тахтда ўтирар, бошқа ҳайвонлар эса унинг атрофида тўпланиб буйруғини кутишар эди. Шу пайт уларга яқин ердаги боққа бир тўда шоқол келиб, баланд овозда увуллай бошлади. Таниш овозларни эшитган шоқол бир онда ўзини йўқотиб қўйди. Ёлғон билан эришган мавқеи ҳам, товуслиги ҳам ёдидан чиқиб, уларга қўшилиб увуллай бошлади. Шундай юракдан увуллай бошладики, овози чор атрофга ёйилди. Хуллас, унинг ёлғони фош бўлди. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Атрофидаги ҳайвонлар, айниқса арслонлар шунча пайт ўзлари бўйин эгиб келган ҳукмдор оддийгина бир шоқол эканини кўриб, ғазабландилар. Дарҳол уни тутиб, роса

таъзирини беришди, сўнг ташқарига улоқтиришди. Тахт яна арслонлар қўлига ўтди.

* * *

Қиссадан ҳисса шуки, инсон асл қиёфасини узоқ вақт яшира олмайди. Эртами-кечми ўз хулқ-атвори, гап-сўзи ва хатти-ҳаракати билан асл қиёфасини кўрсатиб қўяди.

ШОҚОЛ ВА ТУЯ

Бир одамнинг туяси бор экан. Кунлардан бир кун жонивор хасталаниб, бадани қип-қизил этга айланибди. Қўтир касаллигига учраган туясини даволаш учун бу одамнинг қўлламаган дориси қолмабди. Лекин дорилардан ҳеч бири фойда бермабди. Чорасиз қолгач, туяни чўлга олиб чиқиб ўз ҳолига қўйиб юборибди.

Ёлғиз, бечораҳол туя боши оққан томонга юраверибди.Кўп ўтмай, икки шоқолга дуч келибди. Шоқоллардан бири уясига беркиниб олган каламушни пойлаб ётган экан. Туяни кўрган шоқол каламушни қўйиб, уни овлаш пайига тушибди. Туя тамомила ҳолдан тойиб йиқилганини кўргач, унинг яхши ўлжа бўлишини ўйлаб суюнибди.

Урғочи шоқол эркагига:

— Ғўрлик қилма, узоқдаги ўлжа ортидан қувиб, нақдини қўлдан чиқарма! Катта ўлжа ортидан қувиб, қўлингдаги кичик ўлжадан айрилишинг ҳеч гап эмас, — дебди.

Эркаги шунда ҳам қароридан воз кечмабди. Урғочисининг сўзларига қулоқ солмай:

— Асло! Майда-чуйда нарсаларга қаноат қилиш менга ярашмайди. Катта ўлжа турганда кичиги билан овора бўлгим йўқ. Туя турган жойда митти каламушни пойлашни истамайман, — дебди. Сўнг туянинг ортидан кузатишни давом эттирибди. Шоқол туяни тинимсиз таъқиб этибди. Туя қаерга

борса, у ҳам орқасидан борибди. Аммо у туяни қўлга кирита олмабди. Бу орада каламушдан ҳам қуруқ қолибди. Қорни оч, дармонсиз, қилган ишидан пушаймон ҳолда, урғочи шеригининг ёнига қайтибди.

Урғочи шоқол ситамкор оҳангда:

– Кўрдингми, борига қаноат қилмаганинг етмагандай, қилган фойданг оворагарчилик бўлди! – дебди.

Кибр-ҳаво билан урғочисининг гапига қулоқ солмаган шоқол уялганидан бошини эгиб, лом-мим демабди.

* * *

Озга қаноат қилмаган, купга ҳам эриша олмайди.

Кичикни писанд этмай, каттага эришишни истаган кичикка ҳам зор бўлиб қолади. Қилган фойдаси фақат заҳмат бўлади.

ҚАБРДАН КЕЛГАН НИДО

Умар ибн Хаттоб, розийаллоҳу анҳу, замонида тақводор, ибодатини доимо масжидда жамоат билан қиладиган бир йигит бор эди. Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, уни ниҳоятда яхши кўрар эдилар. Йигитнинг жуда қариб қолган отаси бор эди. Йигит ҳар куни хуфтон намозидан сўнг отасини зиёрат қилгани келарди.

Йул бўйидаги уйлардан бирида яшовчи аёл бу йигитга ошиқ бўлиб қолди. Аёл ҳар кун йигитнинг йўлини пойлаб, уни ўзига оғдиришга ҳаракат қиларди. Ниҳоят, бир сафар йигит ўзини бошқара олмай, аёлнинг ортидан эргашди. Бироқ остонадан кирар экан, ҳушёр тортди ва: “Тақво қилгувчи зотларни қачон шайтон томонидан бирор васваса ушласа, (Яратганни) эслайдилар, бас, (тўғри йўлни) кўра бошлайдилар” (Аъроф, 201) мазмунли ояти каримани ўқидию, ҳушсиз йиқилди.

Аёл дарҳол бир жориясини чақирди. Иккаласи йигитни отасининг уйига элтиб, эшикни тақиллатдилар. Эшикни очган ота остонада беҳуш ётган ўғлини кўрди. Уни ичкарига олдилар. Йигит ярим тунда ўзига келди.

– Ўғлим, сенга нима бўлди? – сўради ота.

– Ҳеч нарса, ҳаммаси жойида.

Ота:

– Худо ҳаққи, менга тўғрисини айт, – деб қўймагач, йигит бўлган воқеани гапириб берди.

– Ўғлим, сен қайси оятни ўқидинг? – дея сўради отаси.

Йигит ўша оятни такрор ўқигач, яна ҳушдан кетди. Қанча уринишмасин, ўзига келмади. Йигит жон таслим қилган эди. Ўша кечадаёқ уни ювиб, дафн этишди.

Эрталаб бўлган воқеани Ҳазрати Умарга, розийаллоҳу анҳу, етказдилар. Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, келиб, йигитнинг отасига таъзия изҳор қилгач:

– Нега мени чақирмадингиз? – дедилар.

– Эй мўминларнинг амири! Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди, сизни безовта қилгимиз келмади, – деди ота.

– Ундай бўлса, юринг, бирга қабр бошига борайлик, – деди халифа ва икковлон у ерга етгач:

– Эй фалончи! – деб марҳум йигитни чақирди ва: “Парвардигори (ҳузурида) туришдан (яъни, Парвардигор олдида туриб ҳаёти дунёда қилиб ўтган барча амалларига жавоб беришидан) қўрққан киши учун икки жаннат бордир” (Раҳмон, 46) мазмунли оятни ўқиди.

Иттифоқо, қабрдан йигитнинг:

– Эй Умар! Сиз эслатган икки жаннатни Раббим менга икки бора инъом қилди, – деган овози эшитилди.

ГАПИРУВЧИ БЎРИ ЁХУД ҚИЁМАТ АЛОМАТИ

Абу Саид ал-Худрийдан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинади: “Бир бўри сурувга ҳужум қилиб, бир қўйни олиб қочди. Чўпон бўрини қувиб, қўйни тортиб олди. Шунда бўри тилга кириб:

— Яратгандан қўрқмайсанми? Парвардигор менга юборган ризқни нега қайтариб оляпсан? — деди.

— Во ажаб? Бўри инсон каби гапирмоқда! — ҳайратини яшира олмади чўпон.

— Менинг одамдай гапирганимга ажабланяпсанми? Бундан ҳам муҳимроқ нарса бор. Ясрибда Муҳаммад исмли бир зот одамларга янги динни таълим бермоқда, — деди бўри.

Шундан сўнг чўпон сурувини ҳайдаб Мадинага келди. Қўйларни бир пана жойда қолдириб, Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳузурларига келди ва бўлиб ўтган воқеани айтиб берди. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, одамларни ибодатга чақиришни буюргач, чўпонга:

— Қўрганларингни буларга ҳам сўзлаб бер, — дедилар.

Чўпон воқеани сўзлаб берди. Шунда Сарвари олам, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, марҳамат қилдилар:

— Биродарингиз тўғри гапиряпти. Муҳаммаднинг ҳаёти измида бўлган Яратганга қасамки, жониворлар инсонлар билан гаплашмагунича, кишининг оёқ-кийимидаги боғич ип тилга кириб, сўзламагунича ва кишининг сони, у кўчада ё сафарда бўлганида оиласининг уйда нималар қилганини хабар бермагунича (яъни, шундай замонлар келмай туриб) қиёмат қоим бўлмайди».

(Мазкур ҳадисни Имом Аҳмад Абу Ҳурайрадан, Абу Нуъайм эса, Анасдан ва Байҳақий Ибн Умардан ривоят қилишган)

САЛМОНИ ФОРСИЙ ИБРАТИ

Зайд ибн Савҳоннинг озод этилган қули Солим ҳикоя қилади:

«Хўжайиним Зайд ибн Савҳон билан бирга бозорда эдик. Салмони Форсий ёнимиздан ўтди. Анча-мунча озиқ-овқат кўтариб олибди. Хўжайиним унга:

– Сен Расулуллоҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, саҳобасисан. Бунча кўп захира тўплашга эҳтиёж сезмаслигинг керак-ку, – деди.

– Янглишяпсан. Киши ўзини бундай нарсалар билан таъминлаб қўйса, ҳам хотиржам бўлади, ҳам ибодат учун кўп вақт топади, шайтон ҳам уни васваса қилишдан умидини узади, – деб жавоб берди Салмони Форсий».

СЕН НЕГА ЙИҒЛАЯПСАН?

Қайс ибн Аби Ҳозим ҳикоя қилади: Бир куни Абдуллоҳ ибн Равоҳа аёлининг тиззасига бош қўйиб ётаркан, йиғлади. Буни кўрган аёли ҳам ўзини тутиб туролмади. Абдуллоҳ ундан:

– Сен нега йиғлаяпсан? – деб сўради.

– Йиғлаётганингизни кўриб, мен ҳам йиғладим, – жавоб қилди хотини. Шунда Абдуллоҳ:

– Мен Тангри таолонинг: “Сизлардан ҳар бирингиз унга (дўзахга) тушгувчидирсиз” (Марям, 71, мазмуни) деган амри эсимга тушиб қолиб йиғладим, – деди Абдуллоҳ хотинига.

ХОТИРЖАМЛИК СИРИ

Абу Забйа, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар:

«Абдуллоҳ ибн Масъуд, розийаллоҳу анҳу, вафотларидан сал олдин хасталаниб қолдилар. Беморни кўришга келган Усмон, розийаллоҳу анҳу, ундан сўрадилар:

– Сени нима безовта қиляпти?
– Гуноҳларим.
– Кўнглинг нимани тусаётир?
– Раббимнинг раҳматини.
– Сенга бир табиб чақирайми?
– Аслида мени касал қилган Табибдир.
– Сенга бир оз маош ёздиришимга рухсат берасанми?
– Маошга эҳтиёжим йўқ.
– Ҳеч бўлмаса, кейин қизларингга берилади-ку!

Шунда Абдуллоҳ ибн Масъуд, розийаллоҳу анҳу:

– Сен қизларимни камбағалликдан қийналишади деб хавотирдамисан? Мен уларга ҳар кеча Воқеа сурасини ўқишни тайинлаганман. Зеро, Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар оқшом Воқеа сурасини ўқиган киши ҳеч қачон тирикчилик заҳматини чекмайди», деб марҳамат қилганларини эшитган эдим, – деди»

ЭНГ САРА ОЗУҚА

Кумайл ибн Зиёд ривоят қиладилар:

«Ҳазрати Али, розийаллоҳу анҳу, билан бирга айланиб юрар эдик. Жаббон қабристони ёнидан ўтаётганимизда, қабристонга қараб:

– Эй қабрларда ётганлар, эй суяклари чириб, тупроққа қоришганлар, эй қоронғуликларда ёлғиз қолганлар, сизларда нима гап? Биздан сўрасангиз, молларингиз тақсимланди, болаларингиз ўксиз ва етим қолди ва хотинларингиз бошқа турмуш қуришди. Бизда ана шундай хабарлар. Сизларда қандай хабарлар бор? – деб сўрадилар.

Сўнгра мен томонга бурилиб:

– Эй Кумайл, агар уларга жавоб қилиш учун изн берилганида: “Озуқанинг энг яхшиси тақводир”, деб айтишган бўлар эди, – дедилар.

Бир оздан кейин эса йиғлаб, бундай дедилар:

— Эй Кумайл, қабр амаллар сандиғидир. Буни фақат ўлганингдан сўнг биласан...»

МУОМАЛАДАГИ ЭҲТИЁТКОРЛИК

Ойиша, розийаллоҳу анҳо, ривоят қиладилар:

«Бир одам Жаноби Пайғамбаримизнинг, алайҳиссалом, ёнларига кириш учун рухсат сўради. Расули акрам, соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Қандай ёмон одам бу. Қавми ва яқинлари юзидаги доғдир, — дедилар.

Бироқ ичкари кирганида унга очиқ чеҳра билан муомала қилиб, илтифот кўрсатдилар. У чиқиб кетгач, бошқа бир киши киришга рухсат сўради.

— Нақадар яхши инсон. Оиласи ифтихор қилгулик бир фарзанддир, — дедилар. Лекин Сарвари олам, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бу кишига аввалги одамга кўрсатилганчалик илтифот қилмадилар. У киши чиққач, Ойиша онамиз:

— Ё Расулаллоҳ, биринчи кишини ёмон деганингиз ҳолда унга яхши муомала қилдингиз. Иккинчисини яхши деб туриб, унчалик илтифот этмадингиз, — деб сўради.

Пайғамбаримиз, алайҳиссалом:

— Эй Ойиша, инсонлар орасида шундайлари борки, феъли ёмон бўлгани учун улардан эҳтиёт бўлиш керак, — дея марҳамат қилдилар».

ОҚИЛОНА ЖАВОБ

Бир куни бир яҳудий келиб Жаноби Пайғамбаримиздан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, машиат (ирода) ҳақида сўради.

— Машиат ёлғиз Яратганникидир, — дедилар. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

— Сен шундай деяпсан, аммо агар мен туришни хоҳласамгина тураман, — деди яҳудий.

— Сен ўрнингдан турасан, бироқ Унинг ирода ва хоҳиши билан турасан.

— Хоҳласам, ўтираман ҳам.

— Яратган хоҳлаган бўладики, ўтирасан, — дедилар.

— Мен истасам, шу хурмо дарахтини кесаман.

— Яратган хоҳлаган бўлса, кесасан.

— Хоҳламасам, кесмайман, — деди яҳудий.

— Яратган кесмаслигингни хоҳлаган бўладики, кесмайсан.

Шу асно Жаброил, алайҳиссалом, тушиб Жаноби Пайғамбаримизга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Сиз ҳам Иброҳим, алайҳиссалом, каби рақибингизни Аллоҳнинг ёрдами билан мот қилдингиз, — дедилар. Шунда: "Сизнинг бирон-бир хурмо дарахтини кесишингиз ёхуд уни кесмай ўз поясида қолдиришингиз, Яратганнинг изни-иродаси биландир. Тангри йўлдан адашган (фосиқ-итоатсиз) кимсаларни ана шундай уялтириб, расво этар" (Ҳижр, 5) мазмунли ояти карима нозил бўлди.

ЭНГ ШИДДАТЛИ ОЯТ

Муҳаммад ибн ал-Мунташирдан:

«Бир одам Ҳазрати Умарга, розийаллоҳу анҳу:

— Яратганнинг китобидаги энг шиддатли ва қўрқинчли оятни биламан, — деди. Умар, розийаллоҳу анҳу, бир таёқ олиб, уни астагина урди ва:

— Ўзингча қандай "тадқиқот" ўтказдингки, бундай бир оятни учратдинг? — дегач, ҳалиги киши у ердан кетди.

Эртасига Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, унга учрашиб:

— Сен айтмоқчи бўлган қайси оят эди? — деб сўрадилар.

— "Ким бирор ёмонлик қилса, албатта жазосини кўради" оятидир. Зеро, ҳеч ёмонлик қилмаган одам йўқ. Шунга кўра,

бирортамиз ҳам азобдан қутула олмаймиз (нажот тополмаймиз), – деди у киши.

Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, бунга жавобан:

– Бу оят нозил бўлганида биз шунчалар қўрқдикки, ҳатто овқат еёлмай қолдик. Ниҳоят, Тангри таоло: "Ким бирон-бир ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра сўраса, мағфират қилгувчи ва меҳрибон эканини топар – кўрар" (Нисо, 110) мазмунли ояти каримани нозил қилди, – дедилар».

СИЗНИ ЯХШИ КЎРАМАН...

Абдуллоҳ ибн Саржасдан, розийаллоҳу анҳу:

«Жаноби Пайғамбаримизга:

– Мен Абу Заррни яхши кўраман, – дедим.

– Буни ўзига айтдингми?

– Йўқ.

– Бориб айтгин.

Шундан сўнг Абу Заррни топиб:

– Мен сени Тангри учун яхши кўраман, – дедим.

– Тангри ҳам сени яхши кўрсин, – деди у.

Кейин бу ҳақда Расули акрамга айтган эдим, шундай марҳамат қилдилар:

– Яхши кўрган кишингга: "Сизни яхши кўраман", дейишинг савобдир».

* * *

Бир одам Ибн Аббоснинг ёнидан ўтди.

– Бу одам мени яхши кўради, – деди Ибн Аббос.

– Қаердан биласан? – деб сўрашди ундан.

– Чунки мен уни яхши кўраман, – деб жавоб берди у.

УЧ ҲАРАКАТ ТАРИХИ

Саъсаа ибн Савхондан:

«Бадавий араблардан бири Алининг, розийаллоҳу анҳу, олдига келиб:

– Эй амирал мўминин, сиз: “Лаа яъкулуҳу аллаъл-хоотуун” (Ал-Ҳаакка, 37) оятини (зоҳирий маъноси: “қонли йирингни фақат қадам босганлар ейди”) қандай тушунасиз? Наҳотки, қадам босмайдиган инсонлар ҳам бўлса? – деб сўради.

Али, розийаллоҳу анҳу, кулимсираб:

– Сен сўзни янглиш талаффуз қилмоқдасан. “Лаа яъкулуҳу аллаълхоотуун” эмас “иллаъл-хоотиуун”. (Жаҳаннамда қонли йирингни фақат гуноҳкорлар ейди”), деб тўғри ўқигин, –дедилар.

– Ҳа, эй амирал мўминин. Тўғриси сиз айтганингиздай бўлади, – деди у араб.

Шундан сўнг Ҳазрати Али, розийаллоҳу анҳу, ёнларида турган Абу Асвад ад-Дуалийга ўгирилиб:

– Бугун араб бўлмаган бир неча миллатлар мусулмон бўлиб, арабларга қўшилдилар. Шу сабабли араб тили бузилишга юз тутди. Халққа шундай нарсани ўргатгинки, у билан арабий тилни бузилишдан муҳофаза эта олайлик, – дедилар.

Шундан кейин Абу Асвад ёзувда устун, ўтра, асра усулини қўллай бошлади”.

ТИЛ ЎРГАНГИН

Зайд ибн Собитдан, розийаллоҳу анҳу:

“Жаноби Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, менга:

– Сен сурёний тилини яхши биласанми? Чунки менга ушбу тилда ёзилган хатлар келади, – дедилар.

– Йўқ, – дедим мен.

– Ўргангин, – дея марҳамат қилдилар. Шундан сўнг мен сурёний тилини ўрганишга киришдим ва ўн етти кун ичида ўрганиб олдим”.

ЁМОНЛИККА ЯХШИЛИК

Абу Ҳурайрадан, розийаллоҳу анҳу ривоят қилинади:

«Бир кун бир аёл олдимга келиб:

– Мен ҳам зино қилдим, ҳам зинодан туғилган боламни ўлдирдим. Энди шу гуноҳимдан тавба қилсам бўладими? – деб сўради.

– Сен учун тавба йўқ! – дедим мен аёлга. – Яратган кўзингни кўр қилсин, ҳеч бир қулайлик бермасин...

Шундан сўнг аёл йиғлаб, тиззаларига уриб чиқиб кетди. Эртаси куни бомдод намозини ўқиб бўлгач, бу воқеани айтган эдим – Жаноби Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

– Сен аёлга нақадар ёмон жавоб берибсан. Сен ахир “Улар Яратган билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қилмаслар ва Яратган (ўлдиришни ҳаром қилган) бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлардан бирортасини) қилса, уқубатга дучор бўлур. Қиёмат кунида унинг учун азоб бир неча баробар қилинур ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолур. Магар ким тавба қилса ва имон келтириб яхши амаллар қилса, бас, Яратган ана ўшаларнинг ёмонлик-гуноҳларини яхшилик-савобларга айлантириб қўюр. У мағфиратли, меҳрибон Зотдир” *(Фурқон, 68-70)* мазмунли оятларни ўқимаганмидинг? – дея марҳамат қилдилар.

Шундан сўнг дарҳол аёлни чақиртириб, унга бу оятларни ўқиб бердим. Аёл севинганидан ўша заҳоти сажда қилди ва:

– Менга қутулиш эшигини очган Тангри таолога беадад ҳамду санолар бўлсин, – деди».

НОУМИД ШАЙТОН

Табаронийдан ривоят қилинади:

“Абу Фарва исмли бир одам келиб Жаноби Пайғамбаримиздан:

— Бошдан-оёқ гуноҳга ботган, қилмаган номаъқулчилиги қолмаган бир кимса тавба қилса бўладими? — деб сўради.

Расули акрам, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, унга:

— Сен мусулмон бўлганмисан? — дедилар.

— Ҳа.

— Ундай бўлса, бундан кейин ёмонликларни ташлагин-да, ҳамиша яхшилик қил. Сенинг аввал қилган гуноҳларингни яхшиликларга айлантиради.

— Барча хиёнату сохтакорликларимни ҳамми?

— Ҳа.

У одам такбир айта бошлади ва чиқиб кетди. Кета-кетгунича (бизга кўринмай қолгунича) такбир айтди».

БЕШ МИНГ ҚЎЙДАН АФЗАЛ

Ҳазрати Алидан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинади:

«Пайғамбар, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бир куни мендан:

— Эй Али, сенга беш минг қўй берайми ёки ҳам дунё, ҳам охират учун фойдали беш калимани ўргатайинми? — деб сўрадилар.

— Ё Расулаллоҳ, беш минг қўй озмунча фойда эмас. Бироқ менга ўша беш фойдали калимани ўргатишингизни хоҳлайман, — дедим.

Шунда Расули акрам, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ушбу дуони ўргатдилар:

— Тангрим, гуноҳларимни мағфират қил. Менга кенг феъл ва ҳалол бир даромад насиб эт. Нафсимни берган ризқингга

қаноатли қил ва қалбимни Ўзинг манъ этган нарсаларга мойил қилиб қўйма».

ХАЙРЛИ ОҚИБАТ

Муоз ибн Жабал, розийаллоҳу анҳу, вафот этишларига яқин қолган соатларда қайта-қайта: “Тонг отдими?” деб сўрар, ҳар гал унга: “Ҳали тонг отмади”, деб жавоб беришар эди. Ниҳоят, “Тонг отди”, дейишгач, Муоз ибн Жабал, розийаллоҳу анҳу:

— Тонггида оташга кетиладиган кечадан Тангримнинг паноҳига сиғинаман. Эй ўлим, хуш келдинг, сафо келдинг. Сен умрим давомида менга илк бор ташриф буюрган бир зиёратчисан, бир фақир дўстига мурожаат этган суюкли маҳрамсан.

Бугунгача мен Сендан қўрқиб келдим. Бироқ бугун Сенинг раҳматингдан умидворман. Сенга аёнки, дунё молини тўплаш, ариқлар очиб далаларни боғ-роғ қилиш каби ишлар билан машғул бўлиш учун дунёда қолмоқчи эмасман. Майли, шиддатли иссиқларда чанқоқ қолайин, дунё ҳаётининг машаққатларини тортайин, бироқ зикр ҳалқаларида олимларнинг тиззаларига тиззамни қўйиб сени зикр этиш учун, дунёда қолмоқ истайман, — деб илтижо қилдилар.

ЭСКИСИНИ КИЙМАГАНГА ЯНГИСИ ЙЎҚДИР

Қусайр ибн Убайддан, розийаллоҳу анҳу:

«Мўминларнинг онаси Ойишанинг, розийаллоҳу анҳо, зиёратига бордим. Менга:

— Ҳозир, бир оз кутиб тур, кўйлагимнинг шу йиртиқ жойини тикиб олай, сўнг гаплашамиз, — дедилар.

— Эй уммул мўминин, ҳозир шу ишингни одамларга айтсам, сени хасисга чиқаришади, — дедим.

Ойиша, розийаллоҳу анҳо, шундай дедилар:

— Болам, ақлли бўл. Эскирган кийимларини киймаган киши учун янги кўйлак йўқдир».

БИРОВГА ЧОҲ ҚАЗИСАНГ

Лайс ибн Саъддан, розийаллоҳу анҳу:

«Зайд ибн Ҳориса, розийаллоҳу анҳу, тоифлик бир одамдан бир хачирни кирага олгани ҳақида гапириб бердилар.

— Сени хоҳлаган жойимда тушириш шарти билан хачирни кирага бераман, — деди хачирнинг эгаси.

Икковлон йўлга тушдик. Хачирнинг эгаси бир харобага етиб боргач, менга:

— Туш! — деди.

Хачирдан тушдим, хароба ичида бир неча ўликларни кўрдим. Хачирнинг эгаси мени ҳам ўлдирмоққа чоғланаётган экан. Мен:

— Ибодат қилиб олай! — дедим.

— Ўқий қол. Сендан олдин мана булар ҳам ибодат қилишган, бироқ ибодатлари ўзларига ҳеч бир фойда бергани йўқ, — деди у.

Намоз ўқиб бўлганимдан сўнг ҳалиги одам мени ўлдирмоқчи бўлиб илгарилаган эди, “Йа, арҳамарроҳимийн”, дедим. Иттифоқо: “Уни ўлдирма!” деган овоз эшитилди. У одам қўрқиб, бу овоз эгасини топиш учун ташқарига чиқди, бироқ ҳеч ким кўринмагач, яна ортга қайтди. Мен бу сафар уч марта такрорладим. Шу пайт бир отлиқ ичкарига кирди. Қўлида темир найза, найзанинг учи оловли эди. У найзасини қароқчининг кўксига санчиб, орқасидан чиқарди. Қароқчи ўлди. Отлиқ менга қараб:

— Биринчи бор айтганингда мен еттинчи қават осмонда эдим. Иккинчи марта дуо қилганингда энг пастки қаватга тушдим. Учинчи марта дуо этганингда, бу ерга етиб келдим, — деди».

ФИТНАДАН ЙИРОҚ БЎЛИНГ

Абу Нуаймдан, раҳматуллоҳи алайҳ:

“Ҳузайфа, розийаллоҳу анҳу, шундай насиҳат қилдилар:

– Фитна қалбларда бош кўтаргай. Фитнадан озроқ озуқа олган қалбда бир доғ пайдо бўлади. Шундан сўнг унда фитнага нисбатан нафрат уйғонса, доғ кетади. Кимки қалби фитнага дучор бўлган-бўлмаганини билмоқчи экан, қалбини тафтиш қилсин. Агар аввал ҳаром деб билган нарсани ҳалол деса, ёки асли ҳалол нарсани ҳаром дер экан, демак қалби фитнага макон бўлибди.

Фитналардан эҳтиёт бўлинг. Ҳеч ким фитнага берилмасин. Яратганга қасамки, кимки фитнага юзланса, тошқин сел йўлдаги нотоза нарсаларни суриб кетганидек, фитна ҳам у кимсани ана шундай судраб олиб кетгай. Фитна дастлаб ҳақ-рост қиёфасига ўраниб, бошланади. Шу даражадаки, баъзилар уни ҳақ бир даъво деб биладилар. Фақат ўртадан кўтарилганидан кейингина унинг фитналигини тушуниб етади. Бинобарин, фитнани кўрганингизда уйингизда ўтиринг, қиличларингизни синдиринг ва ёйларингизнинг ипини кесиб ташланг.

Ҳатто, сув қўшилмаган шароб ҳам фитна каби инсонлар қалбини алдаб, чалғита олмайди.

Шундай бир замон келадики, сувга чўкаётган одам каби астойдил дуо қилган кишигина фитнадан омон қолади, бошқа ҳеч ким қутулолмайди.

Дунё учун охиратни унутган, охират учун дунёни ташлаган кимсалар сизларнинг яхшиларингиз эмас. Яхшиларингиз ҳар иккаласидан ҳам тўғри фойдалана олганларингиздир”.

ЮКСАК МАРТАБА

Анас ибн Моликдан, розийаллоҳу анҳу:

“Жаноби Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– Қиёмат куни мартабаларига пайғамбар ва шаҳидлар ҳам ҳавас қиладиган ва Тангри даргоҳида нурли минбарлар устидаги жойлари билан таниладиган кишиларнинг хабарини берайинми? – дея марҳамат қилдилар.

– Улар кимлар, ё Расулаллоҳ? – сўрашди асҳоб.

– Улар Тангри таолони Унинг қулларига севдириш учун интилган ва ер юзида зиммаларига иршод вазифаси юкланган одамлардир.

– Ё Расулаллоҳ! Яратганни Яратганнинг қулларига севдирмоқ тушунарли. Бироқ Яратганнинг қулларини Яратганга севдириш қандай бўлади? – деб сўрадим.

– Уларни Яратган севган нарсаларга ташвиқ этишади ва ёмон кўрган нарсалардан қайтаришади. Улар бунга қулоқ осиб, амал қилишса, Яратган уларни севади, – деб марҳамат қилдилар Расули акрам, соллаллоҳу алайҳи ва саллам».

ИНСОНЛАР ИККИ ҲОВУЧДИРЛАР

Табаронийдан, раҳматуллоҳи алайҳ, ривоят қилинади:

“Муоз ибн Жабал, розийаллоҳу анҳу, вафот этар чоғи йиғладилар. У кишидан:

– Нега йиғлаяпсан? – деб сўрашди.

– Валлоҳи, мен ўлим азобидан қийналиб ёки ортимда молдунё қолиб кетаётгани боис йиғлаётганим йўқ, – дедилар. – Жаноби Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Инсонлар икки ҳовучдирлар. Бир ҳовучи жаннатда, бир ҳовучи эса дўзахда”, деганларини эшитганман. Мана шу ҳовучлардан қайси бирида эканимни билмаганимдан йиғламоқдаман”, – дедилар Муоз ибн Жабал, розийаллоҳу анҳу».

ЭЛЛИК МИНГ ДИРҲАМЛИК ХУРМОЗОР

Абдуллоҳ ибн Абу Бакр ривоят қиладилар:

«Ансорлардан бири Мадинанинг Куф деган дарасида намоз ўқиётган эди. Хурмолар роса пишиб етилган, шохлар ораси ғуж-ғуж мева эди. Ҳосил мўллигидан ансорнинг кўнгли чоғ бўлди. Фикри анча вақт хурмоларига боғланиб қолди. Сўнг ибодатини давом этирди. Шундан сўнг у:

— Бу дунё моли туфайли диним ҳалок бўлмасин, — деди. Кейин амирал мўминин Ҳазрати Усмоннинг, розийаллоҳу анҳу, ҳузурига бориб, мақсадини айтди:

— Шу боғим Тангри йўлида садақадир. Уни ўзингиз маъқул кўрган йўлда ишлатинг.

Ҳазрати Усмон, розийаллоҳу анҳу, хурмозорни эллик минг дирҳамга сотиб, пулини хазина ҳисобига ўтказдилар.

Шундан кейин бу боғ "эллик минг дирҳамлик хурмозор" номини олди».

НАҚАДАР ЁМОН ИШ

Абул Ҳасан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар: "Набийнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ёнларида ўтирар эдик. Даврадан кимдир туриб кетди, бироқ оёқ-кийимини унутиб қолдирди. Даврадагилардан бири унинг оёқ кийими устига ўтириб олди. Ҳалиги киши бир оздан кейин қайтиб келиб, оёқ кийимини сўради.

— Биз кўрмадик, — дейишди. Пойабзал эгаси безовталаниб қолди. Сўнг унинг оёқ кийими устига ўтирган киши:

— Мана, оёқ кийиминг, — деди.

Шунда Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Мусулмон кишини безовта қилиш нақадар ёмон иш, — дедилар.

— Мен ҳазиллашдим, — деди у киши.

Расули акрам, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, яна ўша гапларини такрорладилар”.

КИМ ЯРАТГАНГА ИШОНСА

Сулаймон ибн Сурод, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар: “Бадавий араблардан бири Набийга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, иқтидо этиб ибодат қиларкан, ёнида теридан қилинган ўқдони турар эди. Шерикларидан бири ўқдонни яшириб қўйди. Ибодатдан сўнг, аъробий:

— Менинг ўқдоним қани? — деб сўради. Шериклари кулишди. Шунда Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Ким Яратганга, охират кунига ишонса, ҳеч бир мусулмонни безовта қилмасин, — дедилар”.

РИЁДАН ОГОҲЛАНТИРИШ

Ибн Аббосдан, розиайллоҳу анҳу:

“Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, бир куни ёнидаги одамлардан:

— Мен бу кеча бир оятни ўқидим. Тонггача ухлаёлмадим. Оятнинг маъноси қуйидагича: “Остидан анҳорлар оқиб турувчи, хурмою узумлари бор, турли хил мевалари мўл боғи бўлган бир одам ўзи кексайиб, нотавон (ёш) болалари билан қолган пайтида ўша боғини оловли тўфон уриб, ёниб кетишини хоҳлайдими? Тафаккур қилурсизлар, деб Яратган ўз оятларини сизларга шундай баён қилади” (Бақара, 265, мазмуни). Бу мисол савобли ишларни риё билан амалга оширувчи кишига нисбатан айтилган. Ёнгин туфайли боғбон не умидлар билан парвариш қилган боғ-роғидан маҳрум

бўлганидек, риёкор одам ҳам охиратда ажру савобдан бебаҳра қолиши тўғрисида огоҳлантирилмоқда. Бу тамсили билан нимани назарда тутган экан? – дея сўради.

– Яратган билади, – деб жавоб қилди ўша ерда ўтирганлардан бири.

– Яратган билишини мен ҳам биламан, – деди Ҳазрати Умар, – мен бирортангиз бу борада бирор нарса билсангиз ёхуд эшитган бўлсангиз, гапиринг, деб сўрадим.

Шунда ҳамма жим қолди. Фақат мен бир нарсаларни пичирладим. Ҳазрати Умар мени кўриши билан:

– Тортинма, жиян. Билган нарсанг бўлса, гапирақол, – деди.

– Яратган бу тамсил билан кишининг амалини назарда тутган. Ортиқча тафсилот қилолмайман, – дедим.

Шунда Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, изоҳлай бошладилар:

– Тўғри айтасан. Яратган бу тамсил орқали кишининг амалини эслатмоқда. Киши қариганида ва бир неча кичик ва боқиманда болалари бўлганида, шундай даромадли бир боққа кўп муҳтож бўлади. Ҳа, сен жуда тўғрисини гапирдинг».

УЧ ТОИФА ОДАМ

Валид ибн Абу Валид ва Абу Усмон ал-Маданийдан Уқба ибн Муслим ривоят қилади:

“Бир сафар Мадинага борганимда халқнинг бир одам атрофида тўпланганини кўриб:

– Бу одам ким? – деб сўрадим.

– Абу Ҳурайра, – дейишди.

Шундан сўнг унинг ёнига бориб ўтирдим. Абу Ҳурайра йиғилганларга ваъз айтарди. Сўзларини тугатганидан сўнг, жамоат тарқалгач, унга:

— Агар Жаноби Пайғамбаримиздан эшитиб, хотирангда яхши сақланган ҳадис бўлса, менга айтиб бер, — дедим.

Абу Ҳурайра:

— Майли, Расули акрамдан эшитган ва яхши эслайдиганим бир ҳадисни айтақолай, — деди-ю, ҳушидан кетиб, ерга йиқилди. Анчадан кейин ўзига келиб, яна:

— Жаноби Расулуллоҳдан эшитган ва яхши эслайдиганим бир ҳадисни сенга айтиб берай, деди-ю, такрор беҳуш ҳолда йиқилди.

Тағин ўзига келгач:

— Ҳа, ҳа, сенга Пайғамбаримизнинг ўзлари билан мендан бўлак бирор кимса йўқлигида айтган ҳадисларини сўзлайин, — деди ва бу сафар янада қаттиқроқ беҳуш бўлиб, юзи билан ерга йиқилди.

Уни елкаларидан ушлаб, кўкрагим билан суядим. Ниҳоят ҳушёр тортиб, юз-кўзини ишқалаганидан сўнг, қуйидагиларни айтди:

— Энг аввал уч тоифа одам чақиралади: Муқаддас китобни кўкрагида жамлаган киши, мол-дунёси кўп бўлган киши ва шаҳид бўлган киши.

Тангри таоло Қуръонни ёд олган кишидан:

— Пайғамбарга нозил этилганларни сенга ўргатмадимми? — деб сўрайди.

— Менга билдирдинг, ё Раб.

— Сенга ўргатилган илмга мувофиқ ҳаракат қилдингми?

— Ҳа, ё Раббим! Мен кеча-кундуз Сенга ибодат қилардим.

Тангри таоло:

— Ёлғон гапиряпсан, — дейди.

— Сен ёлғон гапиряпсан, — дейишади фаришталар ҳам.

Тангри таоло:

— Бошқаларнинг: “Фалончи ўқиган одам, илмли”, деб мақташлари учун ўқиб-ўрганган эдинг. Сени шундай дейишди ҳам, — дейди.

Ундан кейин мол-дунёси кўп бўлган киши ўртага олиб чиқилади. Тангри таоло ундан:

– Мен сенга етарлича мол-дунё бермадимми, ҳатто ҳеч кимга муҳтож бўлмайдиган даражада сени бой қилиб қўймадимми? – деб сўрайди.

– Ҳа, ё Раббий, – дея жавоб беради у одам.

Тангри таоло:

– Сенга берилган молни нима қилдинг, қандай сарфладинг? – деб сўрайди.

– Қариндошлик ҳақларига риоя этдим, садақа қилдим, муҳтожларга ёрдам бердим.

Тангри таоло:

– Ёлғон гапиряпсан, – дейди.

Фаришталар ҳам:

– Ёлғон гапиряпсан, – дейишади.

Тангри таоло:

– Сен "Одамлар мени сахий деб атасин" дея шундай қилардинг. Сени шундай аташди ҳам.

Шундан сўнг шаҳид бўлган киши олиб келинади. Жаноби Ҳақ ундан:

– Сен нима учун ўлдирилдинг? – деб сўрайди.

– Ё Раббий, Сенинг йўлингда қурбон бўлдим.

Тангри таоло унга:

– Ёлғон айтяпсан, – дейди.

– Ёлғон сўзлаяпсан, – дейишади фаришталар ҳам.

Аллоҳ таоло унга дейди:

– Менинг амримни адо этиш учун эмас, одамларнинг: "Фалончи жасур экан" дейишлари учун курашдинг. Одамлар сени шундай дейишди-ку".

Абу Ҳурайра, розийаллоҳу анҳу, давом этиб, айтдики: "Жаноби Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундан кейин, менинг тиззамга уриб:

— Эй Абу Ҳурайра, қиёмат куни жаҳаннам оловида биринчи ёнадиганлари ана шу уч одамдир, — дедилар”.

* * *

Абу Усмон ал-Маданий ривоят қилади: Аъло ибн Абу Ҳаким шундай дедилар:

— Мен Муовиянинг қиличбардори эдим. Бир кун бир киши келиб, Абу Ҳурайрадан эшитган бу ҳадисни унга нақл қилди. Шунда Муовия:

— Бу уч кишининг аҳволи шундай бўлса, бошқаларнинг ҳоли қандай бўларкин? — деб йиғлашга тушди. Шунчалар куйиб йиғладики, биз уни ўлиб қоладими деб ўйлаб:

— Бу одам бизга ташвиш келтирди, — дейишгача бордик.

Шунда Муовия кўзларини очиб, юзини силаб:

— Яратганнинг Пайғамбари рост сўзлабдилар. Чунки Аллоҳ таоло: “Кимки дунё ҳаёти ва унинг зийнатини истаса, уларга амалларининг (савобини) шу (дунёда) мукаммал берурмиз ва улар (дунёда) зиён кўрмайдилар. (Яъни, савоблари учун ажрни ҳам шу дунёда олиб, охиратда бенасиб бўлурлар). Ана ўшалар учун охиратда дўзахдан бошқа (нарса) йўқдир. (Уларнинг) савобли ишлари ҳабата (барбод) ва қилиб юрган амаллари ботил бўлур” *(Ҳадид, 15-16, мазмуни) дея марҳамат қилган-ку! — деди.*

ОХИРАТДАГИ ХАЙРУ САОДАТ

Канона ал-Адвийдан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинади:

“Умар, розийаллоҳу анҳу, ҳарбий қўмондонларга: “Қўшинингиз ичидаги Қуръонни билгувчиларнинг рўйхатини менга беринг. Маошларини орттириб, Қуръони каримни ўргатиш учун халқ орасига юбораман”, дея хат ёзди. Абу Мусо ал-Ашъарий, розийаллоҳу анҳу, Ҳазрати Умарга:

“Менинг атрофимда айни пайтда уч юз кишидан ошиқ Қуръон билимдонлари мавжуд” дея жавоб мактуби юборди.

Шунда Ҳазрати Умар қуйидаги мактубни ёзди: “Меҳрибон ва раҳмли Яратганнинг қули Умардан, Абдуллоҳ ибн Қайснинг атрофидаги Қуръон ҳомийларига.

Биродарлар, унутмангки, Қуръон сиз учун охиратда хайру саодат, дунёда эса, баланд қадр-қиммат ва ҳаёт (тириклик) манбаидир. Бас, шундай экан, унинг ортидан кетишингиз керак. У сизнинг ортингиздан кетмасин. Зеро, Қуръон кимнинг ортидан кетса, у кимса юзтубан йиқилади, думалаб-думалаб, жаҳаннамга қулайди. Қуръоннинг орқасидан кетган кишини Қуръон Фирдавс жаннатига олиб боради. Шундай қилингки, Қуръон сизларга даъвогар эмас, шафоатчи бўлсин. Зеро, шафоатчиси Қуръон бўлган киши жаннатийдир.

Шуни ҳам билингки, Қуръоннинг ҳар бир ояти ҳидоят манбаи, бир илм чечагидир. Қуръон буюк марҳамат соҳиби улуғ Китобидир. У билан кўр кўзларни, кар қулоқларни ва қулфлоғли қалбларни очади. Билингки, банда кечанинг бир қисмида туриб, оғзини мисвоклаб, таҳорат олгач, такбир айтиб, Қуръон ўқий бошласа, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло унга: “Ўқи, ўқи! Шу тоза-покиза ва хушбўй оғзинг-ла ўқи. Сенга муборак бўлсин”, дейди. Билингки, намоз ичида Қуръон ўқиш фазилатларнинг кўринмас хазинаси, хайр ва баракот дастурхонидир. Шундай экан, бу буюк фойдани қўлга киритмоқ учун кучингиз етгунича ҳаракат қилинг. Чунки намоз зулмат пардасини йиртувчи бир нурдир. Закот яхшилик йўлини кўрсатувчи бир маёқдир. Руза ёмонликлардан асрагувчи бир қалқондир. Сабр роҳатбахш бир нурдир. Бинобарин, Қуръонга ҳурмат билан муносабатда бўлинг, унга беписанд ва паст назарда қараманг. Ҳақ таоло Қуръонни ҳурмат қилганларга баланд даражотлар беради. Унга беписанд бўлганларни эса камситади. Қуръонни ёдлаб, унинг амрларига риоя қилганларнинг дуоси Яратган даргоҳида

мутлақо қабул бўлади. У хоҳласа, бу дунёда беради, хоҳласа, охиратга қолдиради, даргоҳидаги мукофотлар таваккул қилганлар учун дунё манфаатларидан янада устун ва битмас-туганмасдир».

ЗУҲД ЧЕГАРАСИ

Абу Язид Бастомий дейди:

«Мени ҳеч ким балхлик бир йигитдек мағлуб қилган эмас. У ҳаж қилиб қайтаётганимизда биз билан учрашиб қолди ва:

– Сизларда зуҳдни қандай тушунишади? – деб сўради.

– Топилса еб, топилмаса, сабр этишни зуҳд деймиз.

– Балхнинг кучуклари шундай қилади...

– Хўш, унда зуҳднинг чегараси борми? – деб сўрадик ундан.

– Топмаса сабр, топилса, ўзгаларга тортиқ этиш, – деди у».

БАРАКОТЛИ КУН

Сувайд ибн Ғафладан ривоят қилинади:

“Ҳазрати Али, розийаллоҳу анҳу, маълум бир пайт моддий жиҳатдан анча қийин аҳволга тушиб қолди. Шунда Фотимадан:

– Отанг ҳузурларига бориб, озроқ ёрдам сўрасанг бўлармиди, – дея уни Жаноби Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ёнларига жўнатди.

Фотима эшик тақиллатганида Умму Айман онамиз Расули акрамнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ёнларида эди.

– Бу Фотиманинг эшик тақиллатишига ўхшайди. Бемаҳалда нимага келди экан? – дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Фотима ичкари кирди ва:

– Ё Расулаллоҳ, фаришталарнинг озиғи: “Яратгандан ўзга илоҳ йўқ” дейиш, Яратганга ҳамд ва тасбеҳ айтишдир. Бизнинг озиғимиз нима? – деб сўради.

Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– Мени ҳақ пайғамбар қилиб юборган Яратганга қасамки, бир ойдан бери Муҳаммаднинг уйида овқат пишириш учун олов ёқилгани йўқ. Бизга бир нечта эчки келтиришибди. Хоҳласанг, бештасини сизларга беришни буюраман. Хоҳласанг, Жаброил, алайҳиссалом, менга ўргатган калималарни ўргатаман, – дея марҳамат қилдилар.

Шунда Фотима, розийаллоҳу анҳо:

– Ё Расулаллоҳ, менга Жаброил, алайҳиссалом, Сизга айтган ўша калималарни ўргатинг, – деди.

Расули акрам, соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– “Эй ибтидоси ва интиҳоси йўқ танҳо Зот! Эй куч-қудрат эгаси Тангри, эй марҳаматлиларнинг энг марҳаматлиси Аллоҳим”, дегин, – дедилар.

Шундан сўнг Фотима, розийаллоҳу анҳо, уйларига қайтиб келди.

– Нима гап? – сўради Али, розийаллоҳу анҳу.

– Дунё истаб чиққан эдим, охират неъматини олиб келдим.

Али, розийаллоҳу анҳу, бу гапдан ғоят таъсирланиб:

– Бугун сен учун энг хайрли ва баракотли кун бўлибди, – дедилар”.

ЯРАТГАН ХОҲЛАГАН ЖОЙДА

Торик ибн Шиҳобдан ривоят қилинади:

“Бир яҳудий Ҳазрати Умардан, розийаллоҳу анҳу, сўради:

– Қуръонда: “Жаннатнинг кенглиги осмонлар ва ер баробарида...” дейилган. Хўш, айтинг-чи, унда дўзах қаерда бўлади? *(Ол-и-Имрон, 133, мазмуни)*

Умар, розийаллоҳу анҳу, саҳобаларга:

— Бу одамнинг саволига жавоб беринг, — дедилар. Бироқ ҳеч кимдан жавоб чиқмади. Шунда Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, яҳудийдан:

— Ҳар куни кўриб турганингдек, кечқурун ҳамма ер зимистонга бурканади. Айт-чи, тун чўкканида кундуз қаерда бўлади? — деб сўрадилар.

— Яратган хоҳлаган жойда.

— Ундай бўлса, дўзах ҳам Тангри таоло хоҳлаган жойдадир.

Иттифоқо, яҳудий ҳаяжонини яширолмай:

— Эй мўминларнинг амири! Тангри таоло нозил қилган китобда (Тавротда) ҳам худди сен айтганингдай ёзилган, — деди.

ХАЛОСКОР МАЛАК

Анас ибн Моликдан, розийаллоҳу анҳу:

«Асҳобдан Абу Малик исмли бир одам бор эди. Бу одам тижорат билан шуғулланар, ўзи ва бошқаларнинг пули ҳисобига савдо-сотиқ қиларди.

Ибодат ва тақво соҳиби эди. Тижорат мақсадида чиққан бир сафарида қуролланган бир қароқчига дуч келди. Қароқчи унга:

— Нарсаларингни ерга қўй, сени ўлдираман, — деди.

Абу Малик:

— Сенинг мақсадинг молдир. Менинг ҳамма нарсам сенга бўлсин, — деди.

Қароқчи:

— Йўқ, менинг мақсадим мол эмас, сенинг жонингдир, — дегач, Абу Малик:

— Ундай бўлса рухсат бер, намоз ўқийин. Ундан кейин хоҳлаганингни қил, — деди.

Қароқчи бунга рози бўлди. Абу Малик таҳорат олиб, намоз ўқий бошлади ва шундай дуо қилди:

“Эй қулларини севувчи, эй буюк Арш соҳиби, эй тилакларни бажо қилгувчи! Сендан ҳеч бир киши хоҳлаб соҳиби бўлолмаган қудратинг, ҳеч бир киши эътироз билдиролмайдиган ҳукмронлигинг ва Аршнинг ҳар тарафини тўлдирган нуринг ҳаққи-ҳурмати, мени бу қароқчининг тажовузидан қутқаришингни сўрайман”.

Абу Малик бу дуосини уч бор такрорлаганидан сўнг қўлида найза тутган бир отлиқнинг қароқчи ёнида пайдо бўлганини кўрди. Отлиқ қароқчини бир зарба билан уриб, ерга қулатганидан сўнг Абу Маликка ўгирилди. Абу Малик:

– Сен кимсанки, Азиз ва Жалил менга сени ёрдамга жўнатди?– дея сўради.

Отлиқ:

– Мен тўртинчи қават осмони мўминларидамман. Илк дуо қилган вақтингда само эшикларидан бир гулдираш эшитдим. Яна дуо қилдинг, бу сафар само мўминларидан бир шовқин эшитдим. Сўнг учинчи маротаба дуо қилганингда: “Бу мушкулотда қолган бир бечоранинг дуосидир”, дейишди. Шундан сўнг мен ҳам бу қароқчини ўлдириш вазифасини менга топширишини ниёз этдим. Сенга хушхабар келтирдим: ким таҳорат олиб, ибодат қилганидан сўнг бу дуони уч маротаба такрорласа, мушкулотда қолсин-қолмасин, унинг дуоси албатта қабул қилинади, – деб кўздан ғойиб бўлди».

ЭРИДАН ШИКОЯТ ҚИЛГАН АЁЛ

Шаъбийдан, раҳматуллоҳи алайҳ:

«Бир аёл Ҳазрати Умарнинг, розийаллоҳу анҳу, ҳузурига келиб:

– Эй амирал мўминин, сизга инсонларнинг энг яхшиси устидан шикоят қилгани келдим. У шундай одамки, яхши амал борасида унга етадиганлар жуда оз. Кечаси тонггача ибодат қилади ва кундузлари доимо рўзадор бўлади, –

деганидан кейин уялиб, аслида айтмоқчи бўлган гапларини айтолмади ва:

– Эй амирал мўминин, мени кечиринг, – деди.

– Яхши, – дедилар Ҳазрати Умар. – Тангри сендан рози бўлсин. Сен у одамни жуда яхши сифатлар билан мақтадинг. У ҳақда бундан ортиқ бирор нарса гапиришингга ҳожат йўқ.

Аёл чиқиб кетди. У кетгач, ўша ерда турган Каъб ибн Сур, розийаллоҳу анҳу:

– Эй амирал мўминин, аёл уялиб шикоятини сўзлай олмади, – деди.

– Аёлнинг қандай шикояти бор эди? – сўрадилар Ҳазрати Умар.

– Аёл эридан "завжият (эр-хотинлик) ҳақ-ҳуқуқларига риоя этмаётир" деб шикоят қилмоқчи эди.

Шундан сўнг Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, аёлни орқага қайтариб, унинг эрига ҳам хабар юбордилар ва аёлнинг эри ҳам келгач, Каъбга:

– Ораларида сен ҳакамлик қил, – дедилар.

– Сиз шу ерда экансиз, мен қандай ҳакамлик қиламан, – деди Каъб.

– Мен тушунмаган нарсага сенинг ақлинг етди. Бинобарин, уларни эшитиб, ораларида ҳукм этмоқ сенинг ҳаққингдир, – деди халифа.

Шунда, Каъб ҳалиги одамга:

– "Агар етим қизларга адолатли бўла олмасликдан қўрқсангиз, сизлар учун (никоҳи) ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар" (Нисо, 3, мазмуни) дея марҳамат қилганига кўра, кўпи билан уч кун (нафл) рўза тутишинг мумкин. Тўртинчи кун тутмаслигинг керак ва кўпи билан уч кеча тонггача ибодат қилишинг мумкин. Тўртинчи кеча аёлингнинг ёнида ётишинг лозим, – деди.

Эр-хотин кетишгач, Ҳазрати Умар Каъбга:

— Сенинг бу топағонлигинг боягисидан ҳам гўзалдир, — дедилар ва уни Басрага қози этиб тайинладилар».

ҒАФЛАТНИНГ САБАБИ

Анас ибн Моликдан, розийаллоҳу анҳу:

«Бир сафарда Абу Мусо билан бирга эдик. Тумонат одам йиғилганини кўрдик. Бир киши ўртада туриб, тинмай гапирар эди. Абу Мусо менга:

— Эй Анас, кел Раббимизни зикр этайлик. Кўряпсанки, булар дунё учун тинмай гап сотмоқдалар. Эй Анас, бугунги инсонларда охират қайғуси деярли йўқ, охират улар учун ҳеч бир аҳамиятга эга эмас, — деди.

— Нафсоний орзу-истаклар ва шайтон уларни ғафлатга етакламоқда, — дедим.

— Йўқ, ундай эмас. Уларга дунё нақд ҳолда кўрсатилган, охират эса улардан пардаланган. Агар дунёни кўрганлари янглиғ охиратни ҳам кўрганларида эди, охиратдан юз ўгирмас ва дунёга бу қадар ўралашиб қолмас эдилар, — деди Абу Мусо».

АСИРИНГ НИМА ДЕДИ?

Абу Ҳурайра, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилади:

«Пайғамбар, алайҳиссалом, менга бир неча кун хурмо боғини қўриқлаб туришни тайинладилар. Кечалардан бирида бир одам келиб, хурмо ола бошлади. Уни дарҳол тутиб олдим ва:

— Сени Расулуллоҳнинг олдига олиб бораман, — дедим. У эса ёлвориб:

— Мен бир бечора, муҳтож одамман. Оиламни боқишим керак, — деди. Ачинганимдан уни қўйиб юбордим. Тонг

отгач, Расули акрам, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, мендан сўрадилар:

— Эй Абу Ҳурайра, оқшом тутган асирингга нима бўлди?

— Ё Расулаллоҳ, у менга бола-чақаси кўп ва улар оч қолганини айтди, раҳмим келиб, қўйиб юбордим.

— У сени алдабди, яқинда яна келади.

Унинг яна келишига ишониб, пойладим. Дарҳақиқат, у яна келди ва хурмо теришга тушди. Ушлаб олдим:

— Сени албатта Расулуллоҳга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, олиб бораман, — дедим. У яна:

— Мени қўйиб юбор. Ахир мен бир муҳтож одам бўлсам, оилам менинг қўлимга қараб турган бўлса, нима қилай? Энди келмайман, — деб ёлворди. Раҳмим келиб, уни яна қўйиб юбордим. Кундузи Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Ҳа, Абу Ҳурайра, бугун оқшом асиринг нима деди? — деб сўрадилар.

— Ё Расулаллоҳ, бу сафар ҳам ўта муҳтожлигини айтиб ёлворди: «Энди келмайман», деб сўз берди. Раҳмим келиб, қўйиб юбордим.

— Сени яна алдабди. Мана кўрасан, яқинда у яна келади.

Яна уни пойладим. У келиб, ҳеч тап тортмай хурмолардан ола бошлади. Яна ушлаб олдим ва жаҳл билан:

— Қанақа одамсан ўзи? Учинчи марта қўлга тушяпсан. Ҳар сафар «Энди келмайман», деб кетасан. Энди сени Расулуллоҳнинг ҳузурларига олиб бормасам бўлмайди, — дедим. Бу сафар у шундай деди:

— Мени қўйиб юборгин. Сенга баъзи бир калималарни ўргатаман. Улар туфайли сенга хайр ва баракот эҳсон этади.

— У қандай калималар экан?

— Ухлашдан олдин «Оятул курсий»ни охиригача ўқигин. Эрталабгача устингда Яратган тарафидан юборилган бир қўриқловчи туради. Сенга шайтон ҳам яқин келолмайди, — деди. Шундан кейин уни қўйиб юбордим.

Бомдоддан сўнг Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, мендан яна сўрадилар:

– Бугун кечқурун асиринг нималар деди?

– Ё Расулаллоҳ, бу асир менга бир неча калималар ўргатишини ва бу калималар ҳурматига Яратганнинг менга хайр ва баракот эҳсон этишини ваъда қилди. Мен уни қўйиб юбордим.

– Хўш, улар қандай калималар экан?

– «Оятал курсий»ни охиригача ўқиди ва менга: «Ухлашдан олдин» ушбу дуони ўқигин, шунда эрталабгача устингда Аллоҳ томонидан юборилган бир қўриқчи туради. Сенга шайтон ҳам яқинлашмайди», деди.

– Бу асир ёлғончи бўлса ҳамки сенга бир марта тўғри гапирибди. Эй Абу Ҳурайра, уч кечадан бери сен билан ким гаплашганини биласанми?

– Билмайман, ё Расулуллоҳ?

– У инсон қиёфасига кирган шайтон эди.

МАЗЛУМНИНГ ҲАҚИ

Шайх Иброҳим Ҳаққий ёшлигида авлиёуллоҳлардан бўлган Исмоил Фақируллоҳ ҳазратларининг қўлларида таҳсил ва тарбия кўрган эди. Бир куни устози уни чақиртирди. Иброҳим югуриб келди:

– Лаббай, устоз?

– Шу кўзада булоқдан сув олиб келгин. Иброҳим кўзани олиб булоққа борди. Кўзани тўлдираётганида бир отлиқ келди ва:

– Қани, нари тур, – деб Иброҳимни итариб юборди. Иброҳимнинг кўзаси ерга тушиб, синди. У йиғлаб устозининг ҳузурига келди.

– Нима бўлди, ўғлим? – деб сўради устози.

— Булоқдан сув олаётувдим, бир отлиқ келиб, итариб юборганида, кўза қўлимдан тушиб, синди.

— Кўзани синдирган одамга бирон нима дедингми?

— Йўқ, ҳеч нима демадим.

— Бир оғиз ҳам гапирмадингми?

— Йўқ.

— Тезда у ерга бориб, отлиққа бирор нарса дегин. Яна тезда ортга қайт.

Исмоил Фақируллоҳнинг бундай буйруқ беришларидан ҳамма ҳайрон қолди. Иброҳим югуриб булоқ бошига келди. Ҳалиги киши отини ювар эди. Иброҳим анчагача талмовсиранди, лекин ҳеч нарса деёлмай, қайтиб келди.

Устози:

— Гапирдингми? — деб сўради.

— Йўқ.

— Вақт ўтказмай югур. Унга бирор ёмон гап айтиб кел!

Иброҳим яна югуриб булоқ бошига келди. Қараса, уни итарган отлиқ ерда ётибди. Унга яқин келди. Отлиқ боши ёрилган ҳолда беҳуш ётарди.

Бу ҳолатдан юраги ёрилаёзган Иброҳим устозининг ёнига келди. Устози яна сўради:

— Бирор нарса дедингми, Иброҳим?

— Йўқ, устоз. Бу сафар борганимда унинг боши ёрилган, қонга беланиб ётган экан. Пешонасида от туёғининг изи кўринди.

Исмоил ҳазратлари:

— Эй ўғлим, биргина кўза учун бир одамни ўлдиртирдинг! Бу энди қандоқ бўлди?! Унга бир оғиз сўз, бир оғиз ёмон сўз айтганингда, бу ҳодиса рўй бермасмиди... — дедилар.

Исмоил Фақируллоҳ ҳазратларининг атрофидагилар:

— Устоз, айтган гапингизга унча яхши тушунмадик, — дейишди.

Ҳа, – деди Исмоил Фақируллоҳ ҳазратлари, – бир золим бирор кишини хафа қилса, йиғлатса-ю, мазлум у золимга қарши ҳеч нарса қилолмаса, мазлумнинг кўнгли озор топгани учун Ҳақ таоло золимдан унинг ҳақини олади. Иброҳим ҳам кўзаси сингач, у отлиққа ҳеч бўлмаса:

– Нима қилиб қўйдинг? – деганида отининг тепкисидан омон қолармиди...

ЯХШИ БИР ДАЛИЛ

Кунлардан бир кун Халифа Маъмун вазири Ҳасан Солдан сўради:

– Биздан олдин ўтганларнинг сўзлари бизга ҳужжат – йўлланма бўляпти. Биз унга кўра амал қиляпмиз. Бунинг сири нимада экан?

Вазир шундай деб жавоб берди:

– Агар улар чиройли сўз ва ишонарли далил бўлмаганида, бизгача етиб келмасди. Яхши бўлгани учун ҳам биздан олдингилар кўриб, ишониб қабул қилишган... Бу шуни кўрсатяптики, аждодларимиз яхши, рост ва мустаҳкам сўзлашар экан. Халифа Маъмуннинг бу жавобдан кўнгли тўлди ва шундай деди:

Яхши сўз айтилган жойида қолмас, асрлардан ошар, ҳеч қачон толмас.

Ё АҲМОҚСАН ЁКИ МУНОФИҚ

Бир кун Искандар Зулқарнайн маслаҳатчисига деди:

– Шу пайтгача сенга қанчадан-қанча инъом-эҳсонлар бердим. Аммо менга чин дилдан, садоқат билан хизмат қилганингни кўрмадим. Довдираб қолган маслаҳатчи:

– Авф этасиз, ҳукмдорим, айбим нимада? – деб сўради.

– Бир марта бўлса ҳамки, камчилигимни юзимга айтмадинг. Бу қандай садоқат, бу қандай яқинлик?

— Ҳукмдорим, сизда ҳеч бир камчилик йўқ...

— Йўқ, янглишасан! Менда камчилик борлиги аниқ. Чунки инсон айбсиз-нуқсонсиз бўлмайди. Агар сен менда қандайдир хато-камчилик кўрмаётган бўлсанг, ғирт аҳмоқсан. Мабодо кўра туриб, айтмаётган бўлсанг — мунофиқсан.

ЕТМИШ ҚАМЧИДАН КЕЙИН...

Яратганнинг валий қулларидан Абу Туроб Тахсабий шундай ҳикоя қиладилар:

— Нафсим жуда тансиқ ва лаззатли таомлар талаб қилмас эди. Лекин бир куни гўшт, тухум ва асал ейишни хоҳлаб қолди. Нафсимга:

— Булардан воз кеча қол, — дедим. Бироқ уни қайтаролмадим. Нафсим ушбу таомларни зўр иштаҳа билан ейишга орзуманд эди. Юриб-юриб бир нотаниш қишлоққа бориб қолдим.

Шу пайт бир одам ёқамга ёпишиб, бақира кетди:

— Ўғриларнинг ичида сен ҳам бор эдинг...

Елкамни яланғоч қилиб етмиш қамчи уришди, етмишинчи қамчи тушар-тушмас, шу қишлоқли бир одам мени таниб қолди:

— Ахир бу одам Абу Туроб-ку!

Мендан кечирим сўрашди. Қишлоқдагилардан бириб мени уйига олиб борди. Дастурхон ёзиб, олдимга гўшт, тухум ва асал қўйди. Мен эса нафсимга хитоб қилиб дедим:

— Етмиш қамчидан сўнг, еяқол энди!

ҲИКМАТЛАР

Очкўзлик қилиб молингни насияга сотма, чунки кўп очкўзлик кўп зиён келтиради.

Вақти келдими, дарҳол бир тўхтамга кел.

Тез қарор қабул қилиш ўрнига, муаммо ҳақида ўйлаяпсанми, демак ечим учун илк қадамни қўйибсан.

Эришишинг мумкин бўлган мақсадинг бўлсин.

Аввал сина, кейин ишон.

Ё олим бўл, ё шогирд бўл, ё уларни севувчи бўл, ёки тингловчи бўл.

Сочингни тараётганда фақат сочингни ўйла.

Бир пайтнинг ўзида икки иш қилма. Фақат бир китоб, бир боб, ҳатто бир жумла устида ишла.

Юқорига чиққач яна қайтиб тушмоқчи бўлсанг, жойингда ўтиравер.

Ҳар тонг йўлга чиққанингда булутларга салом бер. Тошларга, қушларга, отларга, ўтларга, одамларга салом бер. Сўнгра чўнтагингдан ойна олиб, ўзингга ҳам салом бер.

Дарахтга қараётганда ўрмонни, ўрмонга қараётганда дарахтни кўздан қочирма.

Ҳаётда катта ўзгаришлар қилишни истасанг, ўзгаришни ўзингдан бошла.

Камтарлик ила тингла, сўнг самимият ила жавоб бер. Камтарлик қилмасанг, тушуна олмайсан; самимий бўлмасанг, одил бўлолмайсан.

Ҳар бир нарсанинг бир томонини, бир нарсанинг ҳамма томонини яхши бил.

Кимсасиз жойларда ҳам ўзинг учун бир олам ярат.

Қувончингни қўшиб, қайғунгни мухтасар сўзла.

Ҳеч қачон бир нарсага муккангдан кетма.

Ғийбат шайтон билан шашка ўйнашдек гап; баъзан ютасан, аммо кўпинча ўзинг қазиган чоҳга ўзинг тушасан.

Халқни бир одам деб, бир одамни бутун халқ деб бил.

Сотувчи эмас, харидор бўл. Ҳақиқатнинг толиби ёхуд талабаси бўл.

Барча ишга улгуришни хоҳласанг, албатта ён дафтардан фойдалан.

ꕥ

Ерга шахдам қадам бос, зеро муваффақият йўлидаги ғайратинг беҳуда кетмасин.

ꕥ

Уй ва иш ўртасидаги мувозанатни сақла.

ꕥ

Ҳаётда яхши устоз топ. Унга шогирд тушиб, тажриба орттир.

ꕥ

Омадлилигинг учун фахрлан, бироқ талтайма.

ꕥ

Ўз тенгинг билан баҳслаш.

ꕥ

Инсонлар билан ҳар соҳада алоқа ўрнат.

ꕥ

Марҳумларни унутмагинки, токи вафот этганингда сени ҳам унутмасинлар.

ꕥ

Кечиришга мажбур бўлмай десанг, унутиб юбор.

ꕥ

Сен аввало ўзингни афв эт.

ꕥ

Охиратни ва қиёмат кунини унутма.
У кун учун тайёргарлигинг бўлсин.

ꕥ

Кечаги ишни бугунги ишга аралаштирмасликка ҳаракат қил.

ꕥ

Ҳикмат ахтаришдан воз кечиб, ҳаётий яшаганингдагина ҳикматлар пайдо бўлаверади.

ꕥ

Қалбингга диққат қил, қалбинг ҳамиша тоза бўлсин.

ᘓᘒ

Ўрни билинмаган инсоннинг қайғусидан ҳам йироқ бўласан.

ᘓᘒ

Кўзинг ташқарига диққатла боққан пайт бир кўзинг билан қалбингга назар сол. Ҳам ўзингни ҳам суҳбатдошингни тушунишга ҳаракат қил.

ᘓᘒ

Атрофингдаги инсонларга мулойим бўл.

ᘓᘒ

Яратганга қанчалик муҳтож эканлигингни билсанг, унга шунчалик яқиндирсан.

ᘓᘒ

Кўришинг ҳам, кўзингни юмиб олишинг ҳам сенинг ихтиёрингда.

ᘓᘒ

Буюм сотиб олаётганда, уни текшириб ол.

ᘓᘒ

Сен чин дилдан хоҳла, бас! Ижобат бўлгай.

ᘓᘒ

Ёлғонни эмас, ҳақиқатни ортидан қув.

ᘓᘒ

Билим йўқ экан, фикр доираси кенгая олмас.

ᘓᘒ

Кичик тафовутлар йиғиндисидан катта тафовутлар пайдо бўлади.

ᘓᘒ

Гулга айланиб ўпсин ёноқларингиздан сизни ёмғир.

ᘓᘒ

Завқ берганни ол, қайғу берганни от.

ꕥ

Гар йўлингда тўсиқ кўрсанг, асло ортга қайтма, қандай ошиб ўтишни ўйла.

Ўнгдан, чапдан, тагидан ёхуд устидан... Шуни бил! Тўсиқлар ошиб ўтмоқ учундир.

ꕥ

Ўзингни бахтли ёки бахтсиз эканингни сўраган ондан бошлаб бахтли эмассан.

ꕥ

Ҳуда-беҳудага асабийлашма.

ꕥ

Ён босма, лекин сабр-тоқат қил.

ꕥ

Ўзингни яхши бил. Нималарга қодирлигингни аниқла, мақсадларингни белгилаб ол. Бир уруғ бўл, тупроққа кир, яширин, кўринма, аҳдингда қатъий тур; чири, новдага айлан, кўчат бўл, сабр қил; дарахт бўл, мева туг, кут... Меванг ширин бўлса, талабгорлар чиқар.

ꕥ

Ўзингни тарбияла, одам, инсон, мўмин, муслим, мухлис бўл; олим, ориф бўл; энди фикр қил. Ниҳояси йўқ буларнинг. Ўлим, қабр, савол-жавоб, сирот бор; уялмоқ ва жазо бор. Қандай ғафлатдасан? Кузингни очсанг-чи!...

ꕥ

Нима дейишяпти? Нима дейишса деяверишсин...

ꕥ

Ҳаёт рўпарасида янада диққатли бўл.

ꕥ

Нимадир сўрашса ёки маслаҳатлашишса, у мавзуда ҳақиқатда ҳам фикринг бўлсагина гапир, лекин ошириб юборма.

ᘓᘐ

Яхши фикрнинг ҳеч қандай жўғрофий чегараси йўқ.

ᘓᘐ

Киши ёлғиз қолган пайт сажда қилмоқдан ўзга бир амал ила Тангрига яқин бўлолмас.

ᘓᘐ

Одамларнинг фикрини кўзидан уқиб олишни ўрган.

ᘓᘐ

Сохта бўлма, содда (табиий) бўл.

ᘓᘐ

Дунё гўёки бир аччиқ олма, буни ҳамма билавермайди. Уни тишла, чайна ва тупуриб ташла.

ᘓᘐ

Мажнун бўлма, кураш, Фарҳод бўл.

ᘓᘐ

Ҳужумни ошириб юборма, йўқса золимни мазлумга айлантирасан.

ᘓᘐ

Ортиқча ёмонлама, ёмонга тарафдорларни кўпайтирасан.

ᘓᘐ

Бир марта синаб кўр... Натижа бўлмаса, яна бир бора сина!

ᘓᘐ

Ўзингга ўзинг ғов бўлма. Қарор қилдингми? Нимани кутяпсан? Қандингни ур. Ижобий тарафга ўзгар. Янги инсонга айланасан. Барини янгитдан бошла. Ҳар янги кун янги дунёнинг эшигидир.

ᘓᘐ

Ўзгача бўлишни истайсанми, ундай бўлса ўзлигингни йўқотма.

ᘓᘐ

Ўзгаларнинг ишончига кирмоқ... Бунинг қандай аҳамияти бор? Сен ўзингга нисбатан ишончни йўқотма, бас.

ꕥ

Бўйин эгма, эгсанг кўринмасин. Зеро сенга ҳукм ўтказа олишмасин, сени босиб ўтишмасин.

ꕥ

Ўзингни тани ва ўзингни танит. Баъзан сен ғолиб келасан, баъзан эса у. Бошқалар ҳам сен кабидир.

ꕥ

Ҳаётингга маъно қўш, умринг сонияларини ҳам қадрла

ꕥ

Фақатгина қилишинг керак бўлган ишларни қил, сўнг кут, очкўзлик қилма.

ꕥ

Айбламасдан тингла!

ꕥ

Синалмаган муҳаббатга ишонма.

ꕥ

Унутма! Парвардигор сени ҳеч қачон тарк этмас.

ꕥ

Тангрим, мени ғийбатдан, мени ғийбат қилганни эса бу гуноҳдан асра.

ꕥ

Яратган ҳар он биз билан; аммо биз қанчалик Унинг ёди билан бўла оляпмиз?

ꕥ

Шундай иш қилгинки, чиройли бўлсин... Ҳузурга бир сабаб бўлсин, нафосатга йўл очсин, завқ берсин, ҳақиқатга ишора берсин.

ꕥ

Бир иш қил, у тўғри бўлсин. Одамларни адашмоқдан ва ёлғон ботқоғига тушишдан сақласин. Турли оқимга шўнғиб кетишга замин яратмасин; қирилсин-у букилмасин.

ᘓᘒ

Шундай иш қилки, одил бўлсин; ҳақ-ҳуқуқдан айирмасин. Золимнинг ҳаддини билдирсин, мазлумнинг ҳам улушини берсин.

ᘓᘒ

Бир иш қилки, аъло бўлсин. Меҳнатдан, ҳурматдан, раҳм-шафқатдан иборат бўлсин. Юракларни юмшатсин, ғарибнинг, йўловчининг, мадорсиз инсоннинг дардига дармон бўлсин.

ᘓᘒ

Қишдан сўнг баҳор келганидек, қўрқув ортида умид яширидир. Ғайрат биздан, тавфиқ Яратгандандир.

ᘓᘒ

Энг таҳликали уруш, йўқотадиган нарсаси йўқ одам билан бўлган урушдир.

ᘓᘒ

Фақирлик обрўсизликдан яхшироқ.

ᘓᘒ

Қўшнинг билан аҳил бўл, аммо ўртадаги деворни олиб ташлама.

ᘓᘒ

Қусурсиз умр йўлдош қидиришдан воз кеч. Ана ўшанда ўз тенгинг учрайди.

ᘓᘒ

Инсоннинг ўзига берган энг яхши совғаси бир дўстдир.

ᘓᘒ

Ўзгаришинг мумкин, агар истасанг.

ᘓᘒ

Суҳбат қуриш санъатини яхши ўрган.

ᘓᘒ

Шахсий фикрларингни муҳокамасиз ифодалашни ўрган.

ᘓᘒ

Садақа қилишга жазм қил, унутишга ғайрат қил.

ᘓᘒ

Ҳеч кимнинг камчилигини юзига айтма.

ᘓᘒ

Муҳим ишларни аҳамияти йўқ ишларга боғлиқ ҳолга келтирма.

ᘓᘒ

Дилозор сўзларни ишлатма.

ᘓᘒ

Асло алдай олмайсан. Фақат ўзингни алдайсан.

ᘓᘒ

Фикрингни таъкидлаш ўрнига овозингни баландлатма.

ᘓᘒ

Табассум қилинг. Кўзлар руҳият уйининг панжараси бўлса, биргина табассум уйдаги чироқларни ёқувчидир.

ᘓᘒ

Ўзингдан нафратланар экансан, ҳеч кимни сева олмайсан.

ᘓᘒ

Ҳамиша ҳақли бўлишни унут.

ᘓᘒ

Кўп ташвишланма, аксинча ҳаётдан завқ ол.

ᘓᘒ

Бир инсоннинг юзига айтолмаган гапингни орқасидан ҳам айтма.

ᘓᘒ

Ҳар сафар ғолиб бўлмоқ шарт эмас.

ᘓᘒ

Қалбда гина сақлама. Нозик қалбинг бу оғир юкни қандай кўтарсин?

ХАЙРЛИ ХОТИМА

(Шайх Умар Форуқ Сайдо ал-Жазарийдан)

Нафс орзу-истаклари чексиздир. Нафс фақат узини ўйлайди. Ваҳоланки, нафс учун фойдали туюлган нарса инсон ва жамият учун зарар келтириши мумкин. Зеро, биз зарарли, фойдасиз нарсаларини тарк этишимиз лозим. Бу эса, фақат исломият орқали амалга ошади. Фақат мусулмон кишигина бу ишнинг уддасидан чиқиши мумкин. Яратганга ишонган, аҳли тақво – обид кимсалар эплайди буни. Дарвоқе, бунинг учун Яратганга ишонч билан бирга кучли ибодат ҳам керак. Тоат-ибодат, итоат қилиш ва мутеъ бир қул бўлиш шарти бажарилиши лозим. Шунда саодатга эришилади...

Мусулмон киши Яратганга ишонгани, Уни севгани ва Ундан қўрққани учун нафсини жиловлайди. Унинг суюкли пайғамбари Муҳаммаднинг, алайҳиссалом, кўрсатмаларига амал қилади. Чунки у ҳаёт фақат бу дунёдаги умрдан иборат эмаслигига ишонади. У ўзини муҳим ва гўзал бир ҳаёт – ОХИРАТ кутаётганини асло унутмайди. Ўлимдан, ҳисоб-китобдан кейин мўминларга, аҳли тақволарга гўзал бир ҳаёт бахш этади. Чин мўмин ўша ҳаётга ишонади ва манзилга ёруғ юз ила етмоқ учун фидойилик қилади.

Нафсоний орзу-истакларига: “Тўхта!” деб буйруқ беради, уларни жиловлайди.

Агар биз мўмин бўлатуриб, нафсимизни жиловлай олмасак, демак, биз ҳали комил мўмин ва комил имон эгаси эмасмиз. Комил имонга эга бўлмаганимиздан нафсоний орзу-ҳавасларни жиловлай олмаяпмиз.

Инсон гоҳида гўзал билан хунукни бир-биридан ажрата билмай ҳолади. Биз учун гўзал бўлган нарса бошқа биров учун хунукдир. Биз учун фойдали кўрингани бошқа бировга зарарли бўлиши мумкин. Шунга қарамай: “Менга фойдали бўлса бас, бошқа билан ишим йўқ”, дейиш катта хатодир. Бундай қайсарликни ташлаш, бу каби хатолардан узоқ туриш учун комил мусулмон бўлмоқ лозим. Унинг амрларига бўйсунган, фармонларига эргашган банда бўлмоқ керак.

Алал-оқибат ҳамма гап ТАҚВОга келиб тақалади. Ҳа, фойда кўриш учун амал лозим!

Биз амал қилаётганимиз – намоз, рўза, ҳаж каби фарзлар, яъни Аллоҳ таолонинг амрлари ва Пайғамбаримизнинг, алайҳиссалом, суннатлари, зикрлар, авродлар инсон учун, инсоннинг маънавий камолоти учун, унинг дарди учун, нафсининг тарбияси учун бир дори, бир восита ўрнидадир...

Нифоқ жуда ёмон, юқумли, ҳатто ҳалок этувчи хасталикдир. Бундай таҳликали касалликлардан сақланишимиз учун ўзимизни бир кафолат остига олишимиз керак. Бир шифохонада, бир докторнинг назорати остида бўлишимиз зарур.

Чунки дунёда нафснинг истак-хоҳишларини қўзитадиган, нафсга хуш ёқадиган нарсалар кўп. Гуноҳга сабаб бўлувчи нарсаларни нафс ҳар доим яхши кўради. Нафсимизга ҳоким бўлиш, унга ғолиб келиш, уни тарбия қилиш учун кучли руҳга, гўзал маънавиятга эга бўлишимиз керак. Бунинг учун эса ҳаётда тоат-ибодатда, доимо тақво билан амал этишимиз, зикрдан, саловотлардан кўп истифода қилишимиз лозим. Муқаддас китобдан ўқиб-ўрганайлик, ўқиганларимизни англашга, уқишга ҳаракат қилайлик ва билганларимизни нафсимизга татбиқ этишга интилайлик. Бу иш қуруқ гап билан бўлмайди.

“Мен мусулмонман... Менга тўғри келганини оламан, бошқасини қўйиб тур...”, деб бўлмайди.

Чунки бу ҳаётдаги амаллар, ҳар бир сўз, босилган ҳар бир қадам учун ҳисоб берамиз. Бунга асло шубҳа йўқ.

Модомики, бу ҳаётнинг ҳисоби берилар экан, буни гўзал бир тарзда адо этиш учун Унинг барча амрларига итоат қилиш шарт.

Озгина танбаллика йўл қўйилган жойда нафс сизга ҳоким бўла бошлайди. Инсон то ўлимга қадар шайтон ва нафс ҳужумидан амин бўла олмайди. Инчунун, Аллоҳ Қуръони каримда: “Ваъбуд Роббака ҳатта яътиякал яқийн – То сизга аниқ нарса (яъни, ўлим соати) келгунича Парвардигорингизга ибодат қилинг” (Ҳижр, 99, мазмуни) деб буюради.

Ҳақ субҳанаҳу ва таоло ҳаммамизни ўлимга қадар ихлос билан ибодат этгувчилардан қилсин. Ҳашр куни Пайғамбаримиз, айлайҳиссалоту ва саллам, солиҳ инсонлар билан бирга бўлишни насиб айласин. Шайтон ва нафс ёмонлигидан муҳофаза этсин. Ҳақ таоло барчамизни комил имон, ёруғ юз билан ҳузурига қовуштирсин.

МУНДАРИЖА

Абдуқодир Ҳайитметов. Анвойи ҳикоялар 3
Икки дўст ва улар уғирлаган бир халта олтин 5
Ҳукмдор ва оқ от 5
Ҳажжожи золим ва зайтун сотувчи савдогар 6
Ускудор ёнғини 7
Ўрта ёшдаги бир ҳожа тарбиялаган ёш аёл 10
Ҳазрат Умарнинг аёли 13
Келин бўлувчи қизга бериладиган угит 14
Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг амрларига рози бўлган ақлли
қиз 21
Ақлли хотинлар эрлар бахти 25
Ҳазрат Умарга хотинидан шикоят қилгани келган одам 27
Танноз хотиннинг тузалиши 30
Ҳар куни шундай бўлсин 31
Исрофгар хотин ва унинг эри 34
Бундай қайнона дўстларга муборак бўлсин 35
Сенинг бир кўзинг кўрар экан 37
Ҳазрат Иброҳим ва номусли келин 38
Номус энг қимматли борлиғи эди 42
Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сафардан қайтишлари
билан ҳазрат Фотимани кўргани келишлари 46
Ҳазрат Фотима чўрисининг озод этилиши 48
Ҳазрат Фотиманинг садақаси 50
Пайғамбаримизнинг қизи Фотимага доимий иршоди 52
Вафо ҳазратлари ва фарзанд тарбияси.....54
Менга озгина сув бер 57
Қиз фарзанд устириш ва жаннат 59
Ота-онага қўл кўтармоқ динсизлик аломатидир 64
Бир гўдак бола учун вали(ҳоким)ликдан ҳайдалди 65
Имом Аъзамнинг отаси ва ариқда оқиб келган қирмизи
олма 66
Яхши фарзанд «Ёсин» сути билан усади 71
Онасининг тилини тишлаб узиб олган фарзанд 71
Ўғлига ибодатни ўргатмаганнинг бошига тушганлари 74
Бундай она дўстлар саодати 75
Қизларини тирик кўмганлар 78
Ҳазрат Фотима волидамизнинг қадрлари 79
Тушда кўрилган кўшк 80
Ўлимдан қутқарган учта яхшилик 82
Яхши ниятнинг охири хайрли бўлади 85
Аҳдга вафодорликнинг хайрли натижаси 88

Ўттиз йилдирки гуноҳимнинг афви учун афв тиладим 93
Рост гапиришнинг хосиятлари 95
Ҳазрат Умарнинг келини ва сутга сув қўшмаслик 97
Ҳазрат Умарнинг Яратгандан қўрқиши 99
Тўғри тожирлик ва муштарийга яхшилик 100
Яратгандан қўрқиш ва тўғрилик 101
Билмасдан сотилган қусурли қул 102
Ҳазрат Билол ва тўғри сўзлик бўлмоқ 103
Яратгандан қўрқмоқ 104
Илм бойликдан устундир 106
Илм, фазилат ўргатган устозга ҳурмат 107
Олимларнинг қадри 108
Сўзламасдан олдин ўзи амал қиладиган одам 110
Қул ва имом Аъзам 111
«Бисмиллоҳ» демоқнинг фойдалари 113
Чин дилдан ишонсанг денгиз йўл бўлади 115
Гуноҳдан эҳтиёт бўлиш 117
Болалардан ибодат учун покланишни ўрганган қария 121
Ҳазрат Али(р.а.)нинг ибодатлари ҳақида 122
Кечалари ибодат қилиш 123
Ризқ – Яратганнинг неъмати 124
Умрининг қадрини билган одам 125
Отам менинг молимни олди 127
Ҳазрат Мусонинг жаннатдаги йўлдоши 129
Онамни рози қила олдимми? 131
Хотининнинг сўзига кириб онасини хафа қилган Алқама 132
Вайсул қароний ва онага итоат 135
Ота насиҳати 138
Ҳазрат Ҳамзанинг мусулмон бўлиши 138
Расули Акрам (с.а.в.) одатлари 142
“Салоту салом”нинг фойдаси 143
Ўлимдан қутулиб бўлмайди 144
Руҳ Раббингга очиқ 145
Ибодатда жонимни ол 146
Азроилнинг қўлидан қутулиб бўлмайди 146
Ўлим ширин ошни аччиқ қилади 147
Ўлим кутилмаганда келади 148
Эй ҳажжож, Яратган сенинг жонингни олсин 148
Ўғлига либос олиш учун пули йўқ 149
Зулмдан қочмоқ учун 150
Отага ўхшаган ўғил 151
Ўз ҳолига шукр этиш 153
Закот туяларини халифанинг ўзи боғлар эди 153

Арслон мусофир меҳмонларга ташланмади 154
Дўстларининг даражаси буюкдир 155
Иғвогарлик бор ерда барака бўлмайди 156
Иғвогарлик бир балодир 157
Сутга сув қўшган хотиннинг кўргуликлари 158
Тортиб олинган балиқ томоғига тиқилди 159
Кеча-кундуз шароб ичувчи одам 159
Юзини куппак ялаган маст 160
Ичкилик ақлни олади 161
Яратганнинг неъматлари беҳисоб 161
Ёлғон ҳамма ёмонликнинг бошидир 162
Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг набираси касал бўлиб қолгани 162
Салтанат – бир кўза сувга тенг 163
Сенга қул бўлишим учун учта шартим бор 165
Инсон тавозели бўлмоғи керак 166
Чақалоғингни нега сутдан айирдинг? 166
Закот ва Салоба 168
Ишончли зот келмоқда 171
Уч кундан бери 172
Энг тўғри сўзли 172
Етарли жавоб 174
Вафолига вафо 174
Даъвосидан қайтмади 176
Ишондим 176
Ваъда 178
Ҳақ йўлида 180
Ёлғон гапирганини эшитмадик 181
Нажот – тўғриликда 182
Яхши жамоат 182
Сиймосида ёлғон акси йўқ 183
Нима берасан? 186
Бундайлардан қочинг 186
Даъвоимдан асло қайтмайман 187
Ўғрилик қилган аёл 189
Бир оят тарихи 189
Ҳақ талашган оға-инилар 190
Ёқимсиз таклиф 191
Тўғри ва ёлғон сўз 191
Комил мўмин 192
Олти хусусда сўз беринг 192
Ростлик – нажотдир 193
Паноҳ тилайман 196
Ҳақиқий мўмин 197

Омонатда ўрнак зот 197
Саволнинг жавоби 198
Муборак ўгитлар 199
Эзгуликка чорлов 199
Унинг кўнглини ол 200
Тубан бир чуқур 201
Қўрқилган беш нарса 203
Энг содиқлар 203
Яратганга ҳамд бўлсин 204
Бошқарувчингиз қандай 204
Қалбларни Яратган билади 205
Ҳазрат Умарнинг адолати 205
Масжид кенгайтириш 206
Тўғри ерга келдинг 207
Ўлган одам нима қилганди? 208
Қария яҳудийнинг маоши 209
Кабутар 209
Имонларида содиқ ва самимий бўлганлар 210
Бошқарувчиларнинг эшиги 210
Балки мени мадҳ этарсиз 211
Еган нарсаларини ҳаққини беришарди 211
Мактуб 212
Етти тўрғам нон 212
Яратганга оид бир ҳақ 212
Пухта девор 214
Бундай ҳукмга дуч келмадим 214
Йўқолган зирҳ 215
Бир фариштанинг Зайд ибн Ҳорисага ёрдам бериши 216
Асҳобнинг фаришталарни кўришлари 217
Ансордан бир одамнинг Жаброилни кўриб, у билан гаплашгани 218
Ибн Аббоснинг Жаброилни Пайғамбаримизнинг ёнларида кўриши 219
Ирбод ибн Сориянинг шом масжидида бир фариштани кўргани 219
Пайғамбар ва Асҳобининг дуоси билан кўр кўзларнинг очилиши 220
Уҳуд куни Қатоданинг кўзини тузалиши 221
Саҳобаларнинг кўз оғриғидан қутулишлари 222
Заннираниинг кўр кўзини очилиши 222
Овознинг узоқ масофаларга етиши 223
Абу Курсофа овозининг узоқ ерларга эшитилиши 225

Ҳазрати Умарнинг бир жинни ерга отиши ва уша пайтларда шайтонларнинг боғланиши 226
Зубайрнинг жинлардан бирини ҳайдаши 227
Асҳобнинг жонсиз нарсалардан овоз эшитишлари 228
Ибн Масъуднинг овқатдан тасбеҳ овозини эшитиши 230
Асҳобнинг Расулуллоҳни соғиниб, йиғлаган ёғоч овозини эшитишлари 230
Ўчоқдаги қозондан эшитилган сас 232
Жониворларнинг пайғамбаримиз ва саҳобалар билан гаплашишлари 232
Денгизнинг Абу Райҳонга бўйсуниши 234
Денгизнинг Аъло ибн Ҳадрамийга бўйсуниши 234
Ҳазрат Умарнинг дуоси билан ёмғир ёғиши 226
Муовия ва Язид ибн Асвад Журашийнинг дуоси билан ёмғир ёғиши 239
Анас ибн Моликнинг дуоси билан ёмғир ёғиши 240
Кунглимдаги каъба 240
Энг яхши улов 242
Тенги йўқ 243
Яхшилик эшиклари 243
Шундай иссиқ кунда 244
Раййон эшиги 245
Рўзадор билан олов орасига 245
Рамазон ҳикмати 245
Бир кунига бир кун 246
Улар рўза тутмадилар 246
“Мен рўзадорман...” 247
Сурма тортмоқдаман 247
Аллоҳ едирибди 247
Рўзадорлигини унутиб қўйиш 248
Рўзадорнинг савобича 248
Онамнинг ўрнига 248
Баъзи йиллар 249
Ажиб васиқа 249
Рағойиб кечаси 250
Муборак ойнинг 27-куни 250
Бу кечанинг ичидами? 251
Рамазон ҳурматидан 251
Сабаби нима? 252
Фазилатли кеча 252
Шокир банда 252
Фарз бўлди 254
Муборак ой 254

Ҳилолни кўрдик 255
Ой кўринмай қолди 255
Рамазоннинг илк кечаси 256
Руза тутган чақалоқ 256
Саҳарлик 257
Саҳарликда барака бор 257
Ибодатдан сўнг 258
Ул зот ҳам шундай қилардилар 258
Беш гўзаллик 258
Раҳмат дуоси 259
Шайтоннинг макри 260
Сиз учун бардамликдир 260
Нима гап? 261
Уч кишининг дуоси 261
Ифтор пайти 262
Ким нима сўраса 262
Бу икки кун қандай кун? 262
Рўзадор бўлганимда 263
Тўлиной кунлари 263
Яратганга энг севимли ибодат 264
Бутун йил руза 264
Ашуро рўзаси 264
Меъёр яхши 265
Умр бўйи руза 266
Энг олий руза 267
Яратганнинг расули ҳайитда 268
Насуҳнинг тавбаси 269
Яратганнинг қули билан калтаги 281
Овози ёқимсиз муаззин 286
Куш овлаётган одам 291
Аҳли байтнинг мотамини тутиш 298
Билол Ҳабаший 303
Муҳиблар хатоси маҳбуб наздида бегоналар савобидан
афзалдир 307
Сабрнинг мукофоти 307
Келинпошшага мактуб 314
Суюкли куёвтурага мактуб 315
Султон Маҳмуд ва уғрилар 316
Отнинг қусури 327
Мисрдаги хазина 336
“Ал-кимёгар” 340
Уч узум донаси 340
Тақдим 342

Ибрат 343
Чаён билан тошбақа 345
Бури билан эчки 346
Туя билан эшак 347
Подшоҳ билан асир 348
Икки кўппак 350
Ибрат 351
Ўргимчак билан ипак қурти 352
Тор кўприк устидаги эчкилар можароси 353
Қовоқари ва асалари 354
Тулки билан қарға 355
Подшоҳ билан қул 356
Темирчи ва унинг ити 357
Ибрат 358
Маймун ва унинг болалари 359
Арслон билан асир 361
Чўпон билан бўри 363
Товус билан қарға 364
Чўтир подшоҳ ва ойна 365
Сут сотувчи ва унинг кўзаси 366
Сичқон боласи ва мушук 367
Кийик ва боласи 369
Ибрат 370
Каклик ва хўроз 371
Деҳқон ва илон 372
Подшоҳ ва Тангри ошиғи 373
Арслон билан юмронқозиқ 374
Товус билан ҳаким 375
Ҳаким билан болалари 376
Ҳўкиз ва унинг шохи 377
Туя – бир ақча, мушук – минг ақча 378
Қари арслоннинг сўнгги сўзи 380
Мажнун билан ҳукмдор 381
Икки маст ўртасида 382
Кабутар ва чумоли 383
Шоқол ва ҳўкиз 384
Тўти ва қарға 385
Касал билан кар 386
Кўр билан мажруҳ 388
Бебош ўғил ва онаси 391
Ғаввос қутқарган одам 393
Арслон терисини кийган эшак 394
Ҳазрати Юсуфни бир калава ипга олмоқчи бўлган кампир 395

Эшак ва кучукча 396
Бир тўрва олтин топиб ҳам маҳзун бўлган одам 397
Темирчи ва дўсти 398
Бўри билан қўзичоқ 399
Оҳу ва эшаклар 400
Бўри ва лайлак 402
Айиқ билан дўст бўлган одам 403
Тошбақа билан қуён беллашуви 405
Бир қулнинг қирқ вазирдан устун бўлиши ҳақида 406
Арслон, бўри ва тулки овга чиқдилар 408
Тулки билан маймун 410
Ҳорун Рашид ва жорияси 413
Тиланчи ва уй соҳиби 414
Оҳ Бағдод, оҳ! 416
Қуён билан каклик 418
Кўрлар ва фил 419
Бир шоқолнинг бўёқ идишига тушиб кетиб, шоқолларнинг
бошлиғи бўлиб қолгани ҳақида 421
Икки дўст ўртасидаги ғамгин можаро 422
Кўзи тўймаган мушук 425
Болалар устозини ваҳимага солиб, хаста қилдилар 426
Кабутар, тулки ва лайлак 431
Ҳазрати Исо бир аҳмоқдан қочди 433
Келайинми? 435
Онанг хизматингга муҳтож 437
Она ҳаққи ва алқаманинг вафоти 437
Қозилик 439
Анжир 439
Имом Али Ризонинг каромати 440
Ойна 441
Шайх Абдулазизнинг ўғлига насиҳати 441
Мадҳия қандай айтилади? 442
Ҳикмат ва саодатнинг асоси 442
Баҳлул Доно 443
Саройнинг нуқсони 443
Кўнгилнинг ўлиши 444
Ғазаб 444
Ғийбат 444
Саҳоба 445
Йўлнинг узунлиги 445
Тавба 446
Жунайд ва ўғри 446
Ёлғиз қолган муриднинг аҳволи 447

Халложнинг шаҳодати 448
Жанжалкаш ориф 450
Абу Жаъфар Каъбада йиғлайди 450
Имом Ходий (р.а)нинг андишаси 451
Халифанинг таҳдиди 452
Обиднинг ихлоси 453
Ҳашаротнинг ризқи 454
Кичкина қизнинг фарёди 455
Тангри билишга юз далил 455
Подшонинг эшиги 456
Қўрқув ёшлари 457
Меҳмон ризқи билан келади 457
Довуд Тайнинг дуоси 459
Бирор жой 460
Ҳаммани йиғлатган маъруза 461
Нега? 462
Чироқ кўтарган одам 463
Очкўз қуш 464
Тобут ва телба 465
Мавлоно насиҳати 466
Гуноҳнинг давоси 466
Фасоҳат илмини урганган одам 467
Ожизлик 468
Тилга кирган гўдак 468
Подшонинг хайрли иши 472
Ҳазрати Зайнулобидиннинг намози 472
Ҳазрати Али (р.а) ва поп 473
Робия – Яратганнинг қули 474
Обид ва ҳукмдор 476
Нафсни ўзинг машғул қилғил 477
Садоқат билан хизмат қилиш хусусида 478
Фақирлар билан суҳбат 479
Намоз 479
Саловатнинг каффорати 479
Илоҳий ирода 481
Буюкларнинг дўстлиги 482
Хазина топган одам 482
Ҳаж йўлида ўн йил 482
Қалбнинг беш давоси 483
Имом бакир раҳматуллоҳи алайҳ христиан Попга қарши 483
Султон олдидаги одоб 484
Суфий кийими 486
Султон Маҳмуднинг кўзлари 486

Дунёни тарк эт! 486
Роҳат ва бахтнинг қадр-қиммати 487
Ҳалол йўл билан пул топмоқ хусусида 488
Ҳақиқий севги 489
Гўрков 489
Табиб беморми ёки бемор табибми? 490
Хизр билан дарвеш 490
Тикувчининг тавбаси 491
Дунёвий ҳавас 492
Хизматкор шайтон 494
Фақирнинг ибрати 495
Ҳашаматли кема 496
Меҳмон ҳақи 497
Одил вазир 498
Бир бўлак ҳолва 500
Қовун пўчоғи 501
Қанча таом истеъмол қилиш керак? 502
Ақлли султон 502
Сувга ташланган нонлар 504
Фирибгарнинг омонати 506
Ҳунарсиз инсон – мевасиз дарахт 508
Насиҳатгўйнинг оқибати 511
Оламни жоҳил инсон мақтаса... 512
Кўзадаги тошлар 512
Она ризоси 513
Таъмагирнинг жазоси 515
Арслон терисига ўранган эшак 517
Мушук билан арслон 518
Туқувчи 522
Фаррух Бахт 528
Шоқол билан товус 534
Шоқол ва туя 536
Қабрдан келган нидо 537
Гапирувчи бури ёхуд қиёмат аломати 539
Салмони Форсий ибрати 540
Сен нега йиғлаяпсан? 540
Хотиржамлик сири 540
Энг сара озуқа 541
Муомаладаги эҳтиёткорлик 542
Оқилона жавоб 542
Энг шиддатли оят 543
Сизни яхши кўраман... 543
Уч ҳаракат тарихи 545

Тил ургангин 545
Ёмонликка яхшилик 546
Ноумид шайтон 547
Беш минг қуйдан афзал 547
Хайрли оқибат 548
Эскисини киймаганга янгиси йуқдир 548
Бировга чоҳ қазисанг... 549
Фитнадан йироқ бўлинг 550
Юксак мартаба 551
Инсонлар икки ҳовучдирлар 551
Эллик минг дирҳамлик хурмозор 552
Нақадар ёмон иш 552
Ким Яратганга ишонса 553
Риёдан огоҳлантириш 553
Уч тоифа одам 554
Охиратдаги хайру саодат 557
Зуҳд чегараси 559
Баракотли кун 559
Яратган хоҳлаган жойда 560
Халоскор малак 561
Эридан шикоят қилган аёл 562
Ғафлатнинг сабаби 564
Асиринг нима деди? 564
Мазлумнинг ҳақи 566
Яхши бир далил 568
Ё аҳмоқсан ёки мунофиқ 568
Етмиш қамчидан кейин... 569
Ҳикматлар 570
Хайрли хотима 579

ЮСУФ ТОВАСЛИЙ

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ

РИВОЯТЛАР, ҲИКОЯТЛАР, ҲИКМАТЛАР

(тўлдирилган нашр)

I китоб

"Adabiyot uchqunlari", 2015

Муҳаррир: **Асрор САМАД**
Техник муҳаррир: **Иноят ЗОҲИДОВА**
Саҳифаловчи: **Нуриддин НУРИДДИНОВ**

Нашриёт лицензияси AI № 239. 04.07.2013.
Теришга берилди 05.06.2014. Босишга рухсат этилди: 05.01.2015.
VirtecTimesUz гарнитураси. Бичими: 70x100 $^{1}/_{16}$. Нашр б.т. 25,9
Шартли б.т. 34,5. Адади 10000 нусха. Буюртма № 15-34.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи ва
"Sano-standart" Маъсулияти чекланган жамияти билан
ҳамкорликда чоп этилди.
100129, Тошкент ш., Навоий кучаси, 30-уй.
100069, Тошкент ш., Широқ кучаси, 100-уй.

225.000 a

ISBN 978-9943-4394-3-6